

**ЎЗБЕКИСТОН ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
ТАРИХ ИНСТИТУТИ**

ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ ДАВЛАТ МУЗЕЙИ

**ДОНО ЗИЁЕВА НОМИДАГИ
“ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИННИГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ
(XIX АСР ИККИНЧИ ЯРМИ – XX АСР ОХИРИ)”**

1-УМУММИЛЛИЙ ИЛМИЙ ЙИФИНИ ТЎПЛАМИ



**Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси
“Фан” нашриёти давлат корхонаси
Тошкент – 2022**

УДК: 422.8.12

ББК: 415.3

Мазкур тўпламда атоқли олма, тарих фанлари доктори, профессор Доно Ҳамидовна Зиёева номидаги “Ўзбекистон тарихининг долзарб масалалари (XIX аср иккинчи ярми – XX аср охири)” 1-умуммиллий илмий йиғини доирасида қабул қилиниб, нашрга тавсия этилган илмий мақолалар жамланган.

Масъул муҳаррир:
тарих фанлари доктори, профессор Ж.Х. Исмаилова

Таҳрир ҳайъати: тарих фанлари доктори М.С. Исакова, тарих фанлари номзоди А.З. Тоғаева, тарих фанлари бўйича фалсафа доктори И.Ш. Азизов, тарих фанлари бўйича фалсафа доктори Қ.К. Якубов, тарих фанлари бўйича фалсафа доктори М.А. Дармонова, тарих фанлари бўйича фалсафа доктори Н.Қ. Раҳимжонова, тарих фанлари бўйича фалсафа доктори Н.А. Исматова, тарих фанлари бўйича фалсафа доктори Ж.А. Пиримқулов, В.Ю. Холов.

Тўплам таркибидан ўрин олган мақолалар муаллифларнинг илмий тадқиқот натижалари ва шахсий илмий қарашларини ўзида акс эттиради.

МУНДАРИЖА

КИРИШ 7

I БҮЛİM. ЎРТА ОСИЁ РОССИЯ ИМПЕРИЯСИ БОСҚИНИ ВА МУСТАМЛАКАЧИЛИГИ ДАВРИДА

I БОБ. ҲАРБИЙ ИСТИЛО, МУСТАМЛАКА БОШҚАРУВИ ВА УНИНГ МОҲИЯТИ

Адилов Ж. Туркистон генерал-губернаторлиги герби: мустамлака давлатчилик рамзи ва легитимация воситаси	10
Азизов И. Туркистон генерал-губернаторлиги ғазнасига аҳоли томонидан тўланган солиқ ва мажбуриятлар.....	16
Ахмедов О. Зарафшон музофоти бошлиғи маҳкамаси иш юритиш ҳужжатларининг манбашунослик тавсифи ва жорий ҳолат.....	25
Исакова М. Россия империясининг Бухоро амирлиги ҳудудларини босиб олишига оид айрим мулоҳазалар.....	31
Қаюмов М. Хива хонлиги сиёсий мустақиллигининг тугатилиши ва унинг оқибатлари	36
Курбанова Н. Из истории развития таможенной системы Российской империи в Средней Азии в конце XIX – начале XX вв.....	45
Мамадалиев Х. Фарғона водийси шаҳарларнинг маъмурий бошқарув тизими (XIX аср охири – XX аср бошлари)	48
Расулова Д. Француззабон тадқиқотларда инглиз-рус рақобати ва хонликларнинг босиб олиниши масалалари	58
Сидикова Х. Мустамлака даврида Самарқанд шаҳри.....	70
Тангиров О. XIX аср охирлари – XX аср бошларида Тошкент шаҳрида қозилик лавозимига сайлов тартиби.....	74

II БОБ. ИҚТисодий жараёнлар

Базарбаев А. XIX аср охири – XX аср бошларида Туркистанда қишлоқ хўжалигининг аҳволи	81
Бурҳанова М. Фарғона водийсида темир йўллар қурилиши ва қишлоқ хўжалигидаги ўзгаришлар	85

Исматова Н. Бухоро амирлигига вақф мулкчилиги ҳолати (XIX аср охири – XX аср бошлари)	89
Исмоилов У. Биринчи жаҳон уруши йилларида Туркистонда пахта якка ҳокимлиги ва унинг оқибатлари.....	98
Курахмедов Э. Самарқанд вилоятининг иқтисодий ҳаётида хунармандчиликнинг ўрни (XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида)	103
Мирзаева Н. Мирзачўлда ташкил топган рус қишлоқлари аҳолисининг хўжалик юритиш шакллари (XIX аср охири – XX аср бошлари)	109
Равшанов Ш. Россия империясидан Туркистонга кўчирилган аҳолининг маҳаллий аҳоли билан ўзаро муносабатлари	120
Якубова М. Немис тадқиқотчиси Макс Альбрехт тадқиқотларида Бухоронинг ижтимоий-иқтисодий ҳаёти.....	127

III БОБ. МИЛЛИЙ ТАРАҚҚИЙПАРВАРЛАРНИНГ МАЪРИФАТПАРВАРЛИК ҲАРАКАТЛАРИ

Агзамходжаев С. XIX аср охири – XX аср бошларида Туркистон жадидларининг маърифатчилик фаолияти.....	137
Алимова Д. Туркистон тараққийпарварлари ва ёш турклар ҳаракати: умумий ва ўзига хос жиҳатлар	141
Аминжонов Ш., Аҳмедова М. Бухоро амирлигига янги усул мактабларининг очилиши.....	147
Бобожонова Ф. XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошларида Бухоро амирлигига мадрасалар фаолияти.....	152
Дармонова М. Жадидлар қарашларида иқтисодий масалалар.....	158
Зарипов О. Туркистонда илк жадид матбуоти ва унинг таъқиб қилиниши.....	164
Исмаилова Д. Из истории образования в школах Туркестана (конец XIX – начало XX вв.).....	169
Кудратов Ш. Бухоро жадидларининг тадбиркорликка оид ёндашувлари	173
Наимов И. Аҳмад Доңишнинг тасвирий санъатга оид илмий ижодида ислоҳотчилик ғояларининг акс этиши	178
Рахимджанова Н. Мустамлака Туркистонда диний таълим: муаммо ва ислоҳ масаласи (даврий матбуот материаллари мисолида).....	183
Шадманова С. Тараққийпарварларнинг ёшларга замонавий илм бериш ҳақидаги қарашлари (XIX аср охири – XX аср бошлари).....	193

IV БОБ. МАНБАЛАР: ТАҲЛИЛ ВА ТАЛҚИН

Исмаилова Ж. Ўзбекистон маданий мероси фотосуратлар талқинида....	199
Мамаджанов А. Манғитлар даври ёзма манбалари: умумий тавсиф ва бирламчи таҳлиллар	204
Мирзаев А. Мустамлака даври пахтачилик тарихига оид архив ҳужжатларини таснифлаш масалалари	213
Мирзаев Н. XX аср бошида Когонда босилган “Жўнг маъа муҳтасар ал-виқоя” асари Бухоро фиқҳ мактаби тарихи ҳақида муҳим манба	219
Назарова Д. “Туркестанские ведомости” газетасида Туркистон музейлари фаолиятига доир маълумотлар	223
Холов В. Буюк Британияда Шарқ тадқиқотлари марказларининг ташкил этилиши	227
Ширинова Н. XIX аср охири – XX аср бошлари манбаларида Туркистон доришунослигининг ёритилиши.....	238
Якубов Қ. Вақфа оид Хоразм фатво ҳужжатлари: назария ва амалиёт уйғунлиги	243

II БЎЛИМ. СОВЕТ ДАВРИ

I БОБ. СИЁСИЙ ЖАРАЁНЛАР

Абдукаримов А. Коллективизация в Каракалпакстане и ее последствия для аулов.....	251
Абдуллаев М. 1930 йил бошларида ўзбек қишлоғидаги оммавий қатафонлар	261
Бобоев Ф. Ўрта Осиёда сайлов тизимидағи адолатсизликлар ва унинг совет ҳокимиятига қарши курашнинг кучайишига таъсири... <td>270</td>	270
Ишанхожаева З. 1920–1930 йиллардаги Ўзбекистонда совет ҳокимиятининг олиб борган сиёсати	274
Комолов Д. Совет судлари томонидан меҳнат резервларининг қатафон қилиниши	283
Мамадалиев Ш. XX аср 20-йиллари Россиядан Фарғона вилоятига эвакуация қилинган болалар масаласи.....	291
Махмудов О. «Ужасы советской действительности» или «новое будущее страны»: Памир, Киргизия и их жители в документально-литературных произведениях 30-х – 50-х гг. XX века.....	295
Ражабов Қ. СССРнинг агрессив ташқи сиёсати (1939–1941 йиллар)..	303
Сайдов Ш. Хоразм-Туркистон муносабатлари тарихидан (1917–1924 йиллар)	308

Ҳошимов С. Ўзбекистонда совет ҳокимиятининг 1920–1930 йилларда диний уламоларга нисбатан юритган сиёсати	316
II БОБ. ИҚТИСОДИЙ ВА ИЖТИМОИЙ-МАДАНИЙ ҲАЁТ	
Алижонов М. Мустамлака даврининг тараққий парвар инсони: Фози Юнуснинг ҳаёти ва ижтимоий-сиёсий фаолияти	330
Жумаев М. Ўзбекистон ССРда темир йўл транспорти фаолиятининг айрим жиҳатлари (1950–1970 йиллар)	336
Йўлдашев А. Германияда ўқиган шифокор қиз Зухра Кашаева тақдири.....	339
Муродова Д. 1925–1930 йилларда Бухоро вилоятида мактаблар фаолияти (Ўзбекистон миллий архиви ҳужжатлари асосида)	345
Назирхўжаев М. Иккинчи жаҳон урушидан кейинги йилларда Андижондаги 26-ҳарбий асиirlар лагерларида озиқ-овқат таъминоти, муаммо ва ечимлар	352
Норкобилов Т. XX асрнинг 60-80 – йилларида Сурхон воҳаси бронза даври ижтимоий ҳаёт масалаларининг ёритилиши	361
Пиримқулов Ж. Ўзбекнинг бойлиги кимларни бойитди?	365
Соегов М. О трех знаменитых туркменах из Мерва (Мары), репрессированных в 1930-е годы.....	372
Тоғаева А. Иккинчи жаҳон уруши ва Ўзбекистон ССРда рус тилини ўргатиш хусусида	383
Турсунова Ю. 1918–1930 йилларда хотин-қизлар таълими ва маориф	387
Ҳаётова Н. Барқарор шаҳар муҳитини шакллантириш ва экологик муаммолар (Бухоро шаҳри мисолида).....	396
Эргашева Ю. Ўзбекистонда маданий ҳаётни советлаштиришнинг амалга оширилиши: моҳияти ва йуналишлар	404

КИРИШ

Таниқли олима, тарих ва тарихшунослик соҳасининг етук вакили, кўплаб шогирдларларга устозлик қилиб, ўзининг илмий мактабини яратадолган серқирра ижодкор, тарих фанлари доктори, профессор Доно Ҳамидовна Зиёева (1961–2021) бу фоний дунёни эрта тарк этди.

Олиманинг ҳаёт йўлига назар ташлар эканмиз, унинг илмий қизиқишилари асосан Ўзбекистоннинг Россия империяси ва совет мустамлакачилиги даври тарихи билан боғланганлигининг гувоҳи бўламиз. У мазкур даврларнинг пешқадам тарихчи мутахассиси бўлиш билан бирга, минтақа ўтмишининг турли масалаларига бағишлиланган кўплаб диссертация мавзуларига раҳбарлик қилди ҳамда бу билан тарихчилар силсиласининг юзага келиши, йирик ва кўп тармоқли илмий шажаранинг шаклланишига сабаб бўлди. Шунингдек, Доно Зияеванинг ташаббуси ва бевосита раҳнамолигида кўплаб илмий лойиҳалар муваффақиятли амалга оширилди. Шу жиҳатдан, олима тарих фанининг чуқур ўрганилмаган, янги йўналишларини тадқиқ этишга улкан ҳисса қўшиш билан бир қаторда, унинг истиқболини сўнгги ўн йилликлар давомида белгилаб беришда катта хизмат қилди.

Доно Ҳамидовнанинг илмий меросини давом эттириш мақсадида анъанавий илмий йиғин ташкил этиш ҳақидаги яқин ҳамкаслари ва шогирдлари таклифи ҳамда ташабbusларининг илмий жамоатчилик томонидан илиқ кутиб олиниши ва ҳатто қўллаб-қувватланиши унинг шарафига ташкил этилган илк анжуманнинг ўтказилиши ҳамда унинг самараси бўлмиш мазкур тўпламнинг нашр этилишига туртки бўлди.

Ушбу мақолалар тўплами 2022 йилнинг 10 август куни Доно Ҳамидовнага бағишлиб ўтказилган «Ўзбекистон тарихининг долзарб масалалари (XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср охири)» номли 1-умуммиллий илмий йиғинига тақдим этилган, маҳсус ишчи гуруҳ томонидан нашрга тайёрланган илмий материалларни ўз ичига олган.

Илмий тўпламни таркибий тузилиш жиҳатидан таснифлашда тарихий даврийлик ва мавзуйи алоқадорлик тамойилларига таянилди. Хусусан, тўплам икки бўлимдан иборат бўлиб, биринчи қисм «Ўрта Осиё Россия империяси мустамлакачилиги даврида»,

иккинчи қисм эса «Совет даври» деб номланди. Биринчи бўлим, ўз навбатида, 4 бобдан ташкил топган бўлиб, унда мустамлака бошқаруви ва унинг моҳияти, миллий тараққийпарварларнинг маърифатпарварлик ҳаракатлари, бу даврда минтақада кечган иқтисодий жараёнлар ҳамда мазкур давр тарихини ёритувчи бирламчи манбалар таҳлил ва талқинини акс эттирувчи мақолалар жамланди.

Иккинчи бўлим эса 2 бобдан иборат бўлиб, совет даврида Ўрта Осиёда кечган сиёсий жараёнлар ҳамда иқтисодий ва ижтимоий-маданий ҳайёт масалаларига бағишланган илмий материаллардан таркиб топди.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, мазкур илмий тўплам кенг қамровли ва турфа хил мавзуларни ўзида акс эттириши билан бирга, аксарият мақолалар мавзунинг танланиши, ёндашувлар ва илмий назариялар талқини, бирламчи манбаларнинг илмий муомалага киритилиши жиҳатидан янгиликка эга ҳисобланади.

Сўнгги йилларда жаҳон тарихшунослигида мазкур даврлар тарихи билан шуғулланувчи мутахассислар сони тобора ортиб бормоқда. Аксарият хорижий тадқиқотларда, айниқса, минтақа ижтимоий тарихини ўрганиш, ўтмишни ёритишда легитимация, ҳуқуқий плюрализм, ўзаро боғланган тарих ҳамда ориентализм, субалтерн каби постколониал назариялар орқали тарихий воқеликни тиклашга уриниш кузатилмоқда. Гарчи ушбу илмий йиғин ilk бора республика миқёсида ташкил этилган бўлса-да, бироқ у истиқболда халқаро мақом касб этиб, хорижий мутахассислар илмий изланишлари самарасини эълон қилувчи ҳамда уларда акс этадиган турли назарияларни қўллаб-қувватловчи ёки инкор этувчи маҳаллий таҳлилий мақолаларнинг юзага келишига сабаб бўладиган илмий майдон вазифасини ўташига умид қиласиз.

*Ўзбекистон Фанлар академияси Тарих институти докторанти,
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори Қаҳрамон Яқубов*

**І БҮЛІМ. ЎРТА ОСИЁ РОССИЯ ИМПЕРИЯСИ БОСҚИНІ
ВА МУСТАМЛАКАЧИЛИГИ ДАВРИДА**

І БОБ. ҲАРБИЙ ИСТИЛО, МУСТАМЛАКА БОШҚАРУВИ ВА УНИНГ МОҲИЯТИ

**Туркистон генерал-губернаторлиги герби:
мустамлака давлатчилик рамзи ва легитимация воситаси**

*Жамшид Адилов
ЎзР ФА Тарих институти катта илмий ходими*

Маълумки, давлатчиликнинг таркибий қисми бу давлат рамзлариидир. Давлат рамзлари сирасига одатда байроқ, герб ва мадҳия киритилади. Ушбу рамзлар ўзида тарихий, маданий, миллий маълумотлар ва қадриятларни акс эттиради. Шу билан бирга, улар давлатчиликнинг рамзлари сифатида гавдаланади.

Давлат рамзлари ичida герблар тарихий жиҳатдан қадимгироқ ҳисобланади. Герб муайян мамлакат ёки худуднинг сиёсий ва тарихий характердаги ғоялари мажмуасини, ўзига хос табиий ва хўжалик хусусиятларини, табақавий тафовутларини, шахс, уруғ ва бошқаларнинг шажараларини ифодаловчи алоҳида рамзий белгидир. Ўз навбатида, герблар давлатлар, уларнинг алоҳида қисмлари (вилюят, округ, штат ва ҳ.к.), шаҳарлар, сулолалар ва алоҳида шахсларга тегишли бўлиши мумкин. Гербларни ўрганувчи фан гералдикадир. Гералдика маҳсус тарихий фан бўлиб, у маълум бир қоидалар асосида тузиладиган рамзий белгилар – гербларни ва улар ҳақидаги маълумотларни ўрганади¹. Тарихий тадқиқотларда гералдика методларини қўллаш аввало, манбаларнинг санасини аниқлаш, уларнинг у ёки бу даврга оидлигини кўрсатиш учун хизмат қиласди. Шунингдек, гералдика воситасида у ёки бу манбанинг тегишилигини, қаерда ва ким томонидан яратилганлигини, қолаверса, қандай аҳамиятга эга эканлигини (хужжатнинг статусини) аниқлаш мумкин. Бунда бевосита манбада акс эттирилган гербнинг мавжудлиги бош омил ҳисобланади. Герб билан боғлиқ ҳолда тарихий манбаларни ўрганиш, тадқиқ этиш ва улар орқали маълум бир даврнинг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий аҳволини очиб бериш, ҳукмдорлар, сулолалар, шахслар, воқеаларни даврлаштириш мумкин. Бу бевосита давлатчилик тарихини ўрганиш учун хизмат қиласди.

¹ Гусарова Т.П., Дмитриева О.В., Филиппов И.С. и др. Введение в специальные исторические дисциплины. М.: Изд-во МГУ. 1990. С. 40; Arthur Charles Fox-Davies. A complete guide to heraldry. London, Edinburgh, T.C. & E.C. Jack. 1909. P. 1.

Россия империяси босқинига қадар Марказий Осиё учун гералдиканинг тадқиқот обьекти бўлган классик герб тушунчаси бегона бўлган. Гербларнинг вазифасини минтақада қадимдан мавжуд бўлган ва ўзига хос тарзда ривожланган турли белгилар, тамғалар ва туғролар – монограммалар бажарган¹. Тўғри, ўлка учун давлатчилик нинг янги рамзи бўлган герблар бир қарашда Россия империяси давлатчилиги анъаналарини ўзида мужассам этган. Аммо гербларнинг чуқур таҳлили шуни кўрсатадики, улардаги тасвир ва рамзларнинг семантикасида маҳаллий давлатчилик белгиларининг айrim жиҳатлари сақланиб қолинган. Бу даврда Туркистон генерал-губернаторлигидағи маъмурий бирликлар (шаҳарлар, вилоятлар ва ўлка) гербларининг шакли ва кўриниши, уларнинг тузилишини таҳлил этиш орқали метрополиянинг ўлкага бўлган муносабати, ўлканинг империя олий амалдорлари тасаввурида гавдаланиши ҳақида маълумот олишимиз мумкин. Бу жиҳатдан империянинг маҳаллий амалдорлари ва маъмурларининг фикр ва қарашлари уларнинг метрополиядаги ҳамкасларидан фарқ қилиши билан диққатга сазовордир.

Шу ўринда муаммонинг бугунги кунга қадар деярли ўрганилмаганлигига алоҳида тўхталиб ўтиш лозим. Умуман олганда, давлатчилик тарихининг муҳим таркибий қисмларидан бири бўлган гербларга доир тадқиқотларни ватан тарихшунослигига ҳам камлиги масаланинг долзарблигини янада оширади. Бугунги кунга қадар айнан Туркистон генерал-губернаторлиги гералдикаси тарихига доир фақатгина илмий-оммабоп, тавсифий хусусиятга эга бир қанча ишлар мавжуд². Изланишлар натижасида гералдика методлари асосидаги В.А. Бочин ва Д.А. Алимова томонидан XXСР гербига бағишлиб яратилган тадқиқотлар ҳозиргача бу йўналишдаги ягона илмий ишлар эканлиги аниқланди³.

¹ Neubecker O. Heraldik. Wappen – ihr Ursprung, Sinn und Wert. Krüger, Frankfurt am Main 1977.// https://en.wikipedia.org/wiki/Heraldry#cite_ref-121

² Рево О. Гербы городов Сырдарьинской области Российской империи // Наука и жизнь. 1998. №4. 15-бет; Туркестан и Средняя Азия в составе Российской империи// <http://www.heraldicum.ru/uzbekstn/gubernii.htm>; Тутов А. Герб Туркестанского генерал-губернаторства// <https://mytashkent.uz/2012/09/18/gerb-turkestanskogo-general-gubernatorstva>; Арапов А. Первый герб Ташкента (1909 год) <https://mytashkent.uz/2012/09/14/pervyj-gerb-tashkenta-1909-god>; Гербы Средней Азии <https://mytashkent.uz/2013/02/24/gerby-srednej-azii>

³ Бочин В.А. Разновидности герба Хорезмской народной Республики на бумажных и шелковых денежных знаках // Вестник ККОАН РУз. 2002. № 5. С. 92; Алимова Д.А. Состояние народного хозяйства, налоговая и денежная политика, воинское дело и геральдика Хорезмской Народной Советской Республики // Хорезм в истории государственности Узбекистана. / Отв. редакторы: Э.В. Ртвеладзе, Д.А. Алимова. Ташкент: Ўзбекистон файласуфлар миллий жамияти, 2013. С. 269–270.

Методологик жиҳатдан ушбу масалани ёритишда Туркистон генерал-губернаторлигида мавжуд бўлган гербларнинг генезиси Россия империяси геральдикасига бориб тақалганлиги боис бу ўринда асосан замонавий россиялик муаллифларнинг назарий тадқиқотларига таянилди¹.

Россия империяси Марказий Осиё худудини босиб олиш жараёнидаёқ, бу ерда ўз маъмурий тизимини ўрната бошлайди. Шунингдек, ўлкада Россия империяси томонидан ўз давлатчилик белгилари – байроқ, герб, пул ва ҳзолар жорий этила бошлайди. Хусусан, Тошкент шахри учун 1866 йилдаёқ шаҳар герби лойиҳаси ишлаб чиқилди. Бу лойиҳа маълум бир сабабларга кўра қабул қилинмай қолган бўлса-да, у ўлкада айнан биринчи ўзига хос геральдиканинг шаклланишидаги дастлабки қадам эди.

Туркистон ўлкасининг Россия империяси томонидан босиб олиниши жараёни давомида ўлканинг маъмурий-худудий тузилиши, чегаралари ва уларнинг мақоми ўзгариб туриши баробарида, бу ерда империя давлатчилик рамзи сифатида шаҳарлар, вилоятлар ва ўлка гербидан иборат Туркистон генерал-губернаторлиги геральдикаси шаклланган. Маълумки, 1867 йилда дастлаб икки вилоятни – Еттисув ва Сирдарёни ўз ичига олган Туркистон генерал-губернаторлиги ташкил этилган. 1868 йилда Зарафшон округи, 1876 йилда Фарғона вилояти, 1887 йилда Зарафшон округи ўрнида Самарқанд вилояти ташкил қилинди. 1897 йилда Туркистон ўлкасига Каспийорти вилояти ҳам қўшилди. Айнан шу йили, 1882 йилда Даشت генерал-губернаторлиги тасарруфига ўтказилган Еттисув вилояти Туркистон генерал-губернаторлигига қайтарилди. Ўлка худуди ва чегараларининг ўзгариб туриши, ҳудуддаги маъмурий бирликлар мақомининг маълум бир давргача ноаниқ бўлганлиги, қолаверса Россия империясининг

¹ Пчелов Е. Геральдика как источник для изучения менталитета // Вспомогательные исторические дисциплины: высшая школа, исследовательская деятельность, общественные организации. Тезисы конференции кафедры ИВИД ИАИ РГГУ. М., 1994. 126–127-бетлар; Ўша муаллиф. Геральдика в ряду вспомогательных исторических дисциплин// Гербовед. № 30. М., 1998. С. 118–127; Ўша муаллиф. Геральдика и её место в системе вспомогательных исторических дисциплин// Геральдика в прошлом, настоящем и будущем. Материалы конференции к 20-летию Геральдического семинара при Государственном Эрмитаже. СПб., 2000. С. 50–52; Ўша муаллиф. Городская геральдика Российской империи: основные тенденции исторического развития// Вспомогательные исторические дисциплины в современном научном знании. Материалы XXIX Международной научной конференции. М., 2017. С. 27–30; Ўша муаллиф. Городская геральдика дореволюционной России: основные тенденции исторического развития// Вестник РГГУ. № 4(37), 2018. С. 109–116; Шевцов В.В., Полухин А.Н. Вспомогательные исторические дисциплины: нумизматика, геральдика: учеб.-метод. пособие / под. общ. ред. В.В. Шевцова. Томск: Издательский Дом ТГУ, 2018. С. 78.

маъмурӣ-бюрократик аппаратида иш юритиш жуда секин амалга оширилганлиги ўлкада расман тасдиқланган гербларнинг шаклла-ниш жараёнини ортга сурди.

I илова



Туркистон генерал-губернаторлиги герби. (1882)

II илова



Россия империясининг тўлиқ герби. (юқори қисм чап тарафда Туркистон герби тасвирланган).

Хусусан, Туркистон генерал-губернаторлигининг герби 1882 йилнинг 20 майида қабул қилинади¹ (I илова). Архив манбаларида келтирилишича, Россия империясининг 1882 йил 3 ноябрдаги янги таҳрирда қабул қилинган “Катта Давлат Герби тавсифи”да² ҳам Туркистон генерал-губернаторлиги герби келтирилади. Унга кўра:

“§3. Бош (Давлат герби) қалқоннинг тенасида олтита қалқон жойлаштирилган бўлиб, улар қуидагилардир...

... VI. Туркистон герби: олтин қалқонда ҳаракатланаётган, тўқ қизил кўз, тил ва шоҳли қора бир шоҳли от”³ (II илова).

Гералдика қоидаларига кўра, ушбу гербни таҳдил қиласиган бўлсак, герб қалқони анъанавий француз қалқонида тасвирланган. Бунинг сабаби Россия империясига гералдика Петр I даврида француз геролдларини жалб этиш орқали шаклланганлигидадир. Шу туфайли ўлкадаги герблар ҳам француз гералдикаси йўналишида бўлган.

¹ ЎзМА, И-1-фонд, 1-рўйхат, 2407-йиғмажилд, 1-варақ.

² ЎзМА, И-1-фонд, 1-рўйхат, 2407-йиғмажилд, 3-4-варақлар.

³ ЎзМА, И-1-фонд, 1-рўйхат, 2407-йиғмажилд, 4-орқа варақ.

Қалқон ранги олтин металл күринишида бўлиб, у қудрат ва бойлик рамзи ҳисобланган. Қалқонда тасвиrlанган бир шохли от (единорог) – ногералдик герб фигураси бўлиб, мулоҳазакорлик, тозалик, эҳтиёткорлик, қаттиққўллик ва талабчанлик рамзи ҳисобланади. Византия императорлари томонидан давлат рамзи сифатида икки бошли бургут билан биргаликда собиқ Рим империясининг тўртта йирик префектураси гербларида ишлатилган бўлиб, булар: Италия – бургут, Галлия – гриф, Иллирия – шер ва Осиё – бир шохли от¹. Эҳтимол, Византия империяси давлатчилигининг меросхўри сифатида ўзини айнанлаштирувчи Россия империяси қадимги Осиё рамзини Византия сингари Туркистонга нисбатан қўллагандир. Бир шохли отнинг қора рангда тасвиrlаниши гералдика қоидалари бўйича донишмандлик, жиддийлик рамзи, унинг кўзи, тили ва шохининг қизил рангда эканлиги эса қудрат, ёшлиқ каби маъноларни билдириб келган.

Гербнинг I иловада келтирилган тўлиқ кўринишида қалқон тутивчи (щитодержатель) ўрнига Андрей тасмаси билан ўралган олтин эман шохларидан иборат арматура² тасвиrlанган. Эман гералдикада матонат, мустаҳкамлик, доимиийлик, донолик ва чидамлилик рамзи ҳисобланади. Эман танаси, шохлари, барглари ва ҳакалаклар кўп халқларнинг гералдикаси ва эмблематикасида қўлланилган. Агар эман ҳакалаклари билан тасвиrlанса, бу етук куч ва қувват рамзи бўлган. Агар ҳакалакларсиз тасвиrlанса, бу ёш куч, ғайрат ва қувват рамзи ҳисобланган. Гералдикада эман барглари турли рангларда – яшил, кумуш ва олтинда тасвиrlаниши мумкин бўлган. XIX асрдан бошлаб Россия империясининг барча ўлкалари (губерниялари) гербларини эман шохлари билан безатилган ҳолда тасвиrlаш урф бўлган.

Эман шохларини ўраб турувчи Андрей тасмаси эса мовий рандаги ипак мато кўринишида бўлиб, у Россия империясидаги энг олий орденлардан бири – Андрей Первозванный ордени учун ишлатилган тасмадан келиб чиқиб номланган (III илова). У рус гералдикасида губерниялар марказлари бўлган шаҳарлар, пойтахт шаҳарлар ва ҳукмронлик қилувчи шахслар вақтинчалик истиқомат қилувчи шаҳарлар гербларини безатиша қўлланилган. Шунингдек, герб қалқони тепасига император тожи жойлаштирилган.

¹ Köhne v. B. Das Kaiserlich Russische Reichs-Wappen. Reiter und Doppel-Adler (Hierzu zwei Tafeln). Berlin, 1882. S. 4.

² Арматура – геральдикада қалқон атрофида ёки унинг ортидаги ҳарбий ёки бошқа турдаги эмблема ва предметлар // <https://www.proza.ru/2015/11/03/1033>

III илова

Андрей тасмаси.

Архив манбаларида таъкидланишича, ушбу герб Россия империяси Сенати ҳузурида фаолият кўрсатган Герольдия Департаменти герблар бўлими рассоми Зотов томонидан чизилган. Бу хизмати эвазига унга Туркистон генерал-губернаторлиги ҳисобидан 12 рубл ҳақ тўланиши назарда тутилган эди¹.

Кейинчалик Туркистон генерал-губернаторлиги таркибига кирувчи вилоятларда ҳам герблар тасдиқланган бўлиб, уларнинг яратилишида ўлка табиати, хўжалиги ва тарихидан келиб чиқиб ёндашилган. Герблар кейинчалик Туркистон ўлкасидаги шаҳарлар учун ҳам жорий этилади². Шу ўринда шаҳарлар гербларини ҳар қандай герб каби нафақат тарихий манба ёки санъат асари сифатида, балки уларни ҳужжатлар билан биргаликда тадқиқ этиш орқали минтақанинг ижтимоий-сиёсий тарихини ўрганишда хизмат қилувчи восита сифатида баҳолашимиз лозим³.

Хулоса қилиб айтганда, Туркистон генерал-губернаторлиги геральдикасини тадқиқ этиш ушбу даврда ўлка тарихи, алоҳида вилоятлар ва шаҳарлар тарихини тадқиқ этишда муҳим манба бўла олади. Шунингдек, ушбу герблар у ёки бу архив ҳужжатлари ва манбаларнинг яратилган санаси ва жойини аниқлашда ёрдам беради. Қолаверса, ушбу герблар семантикасини таҳлил этиш мустамлака давридаги давлатчилик масалалари тарихини ёритувчи манба бўла олади.

Шу ўринда Россия империясининг ўлкадаги ва метрополиядаги амалдорлари ушбу гербларга нисбатан давлатчилик рамзи билан бир вақтда легитимация воситаси сифатида қараганликлари шубҳасизлигини таъкидлаш лозим. Зоро, ушбу гербларда ўлканинг диний, тарихий ва маҳаллий қадрияtlарига мурожаат этиш орқали

¹ ЎзМА, И-1-фонд, 1-рўйхат, 2407-ийғажилд, 6-варақ.

² Мисол учун қаранг: Адилов Ж.Х., Усаров У.А. Гербы – как важный источник по истории Туркестанского генерал-губернаторства (на примере Ташкентского городского герба)// Ёш шарқшуносларнинг академик Убайдулла Каримов номидаги XIII илмий-амалий конференцияси тезислари. Тошкент, 2016. С. 37–41. Адилов Ж.Х. История создания городского герба Ташкента (вторая половина 60-х годов XIX века – начало XX века) // XXVIII ежегодной международной научной конференции «Вспомогательные исторические дисциплины в современном научном знании». Москва, 14–16 апр. 2016 г. М.: РГГУ, 2016. С. 96–97.

³ Соболева Н.А. Российской городская и областная Геральдика XVIII-XIX вв. М., 1981. С. 5.

маҳаллий аҳоли олдида ўзига хос равища легитимациялашиш ва давлатчилик узвийлиги ёки изчиллигини кўрсатмоқчи бўлганлар. 1890 йили тасдиқланган Самарқанд вилояти гербидаги Амир Темур ва темурийлар давлати рамзи бўлган учта айлананинг акс этиши бунга ёрқин мисол бўла олади¹. Фикримизча, бугунги кунда ушбу манбаларни – гербларнинг тасвирини таҳдил этиш ўзбек давлатчилиги тарихининг ҳали тадқиқ этилмаган жиҳатларини ёритиш учун хизмат қиласи.

Туркистон генерал-губернаторлиги ғазнасига аҳоли томонидан тўланган солиқ ва мажбуриятлар

Икромжон Азизов

*ЎзРФА Тарих институти етакчи илмий ходими,
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)*

Туркистон ўлкаси Россия империяси томонидан босиб олингач, унинг ерлари ҳам давлат мулки деб эълон қилинди. Ўтроқ аҳоли томонидан ишлов бериладиган ерлар дастлаб эгалик ва фойдаланиш ҳуқуқи асосида улар ихтиёрида қолдирилган. Қолган ерлар ғазна ҳисобига ўтказилган, аммо кейинчалик Туркистон маҳаллий аҳолисига ишлов берилмайдиган ва лалмикор ерлар ҳам бириткириб берилилган ва солиқ тўлаш мажбурияти юклатилган. Хонликлар даврида маҳаллий аҳоли лалми ерлардан ўз ихтиёрларига қараб фойдаланишган. Чунки бу ерлардан ҳосил олиш таваккалчиликка асосланган эди. Ўрта Осиёнинг табиий иқлим шароитларида лалми ерлардан фақатгина ёмғир кўп бўлган йиллари ҳосил олиш мумкинлиги минг йиллик тажрибадан ўтган. Шунинг учун бу ерларга доимий бир киши эгалик қилмаган ва ислом қонунларига кўра бу каби ерларга ялпи ер солиғини жорий қилиш мумкин эмас эди. Мустамлака даврида мулки хурри холис ва вақф ерларида бегона шахслар ва жамиятлар бўлган тақдирда бундай ерлар давлат ерлари қаторига қўшиб қўйилган.

Россия империяси «Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисидаги низом»нинг тўртинчи бўлими ўлкада солиқ тизимини шакллантиришга қаратилган эди. Ушбу низомнинг барча таҳрирларида маълум ўзгаришлар билан ўлканнинг умумий вилоят, шаҳар ва уездлар таъ-

¹ Туркистон генерал-губернаторлиги Самарқанд вилояти герби: давлатчилик рамзи ва легитимация воситаси// Самарқанд ва Зарафшон воҳаси тарихи замонавий тадқиқотларда. Самарқанд ўқишлиари – I. Тошкент: Akademnashr, 2020. Б. 159–167.

миноти ва бу таъминотни ортиғи билан қоплаш учун жорий қилинадиган солиқ, йифим ва мажбуриятлар белгиланган эди.

1870 йилда генерал-губернатор топшириғига биноан Сирдарё вилоятининг ўтроқ аҳолисидан харож, танобона ва бошқа тўловлар олиш бекор қилиниб, бунинг ўрнига ер солиғи жорий қилиниши қонунда белгиланган бўлса-да, ўлканинг барча худудларида янги қонун ижросини таъминлашга бирданига ўта олишмаган. Кейинги йилларда ер солиғининг ҳажми 5 фоиздан – 10 фоизга кўтарилган¹.

Зарафшон округида 1870 йилда ҳам амлоқдорлар ўз фаолиятларини олиб боришган ва миробона тўловини йиғиши билан шуғулланишган. Бухоро амирлиги бошқаруви даврида амир Шоҳмурод томонидан жорий қилинган миробона тўлови аслида давлат маблағлари ҳисобига қазилган ариқларни тозалаш, таъмирлаш мақсадида йиғилиб, давлат ғазнасига топширилган ва айнан шу мақсад учун сарфланганини хужжатларда ўз аксини топган. Туркистон генерал-губернаторлиги бошқаруви даврида ариқларни тозалаш аҳолининг ўз зиммасида бўлса ҳам, амлоқдорлар миробонани аҳолидан йиғиб олишган ва бу бир қанча округ бошлиқлари томонидан ҳам норозилик келтириб чиқарган. Туркистон генерал-губернаторлик раҳбарияти бу пулларни аҳолига қайтариш ёки бу тўлов турини бекор қилиш бўйича қарор қабул қилмасдан, аксинча йиғилган маблағни давлат ғазнасига кирим қилган ҳолда, йўл ва кўприклар таъмирланиши учун сарфлашларини ва иш ижроси тўғрисида ҳисбот беришни талаб қилган².

1886 йил 12 июндан «Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисидаги низом»га (285–291 бандлари) кўра, ернинг ўртача ялпи даромадининг 10% миқдорида ер солиғининг миқдори белгиланган. Шу билан бирга, ер солиғига қўшимча равища умумий солиқ миқдорининг 25 % миқдорида земство солиғини тўлаш мажбурияти ҳам қонунда белгиланган.

Ҳар бир десятина ердан ўртача пахта ҳосили 30 пудни ташкил қилган. 30 пуд чигитли пахтадан 8 пуд тоза тола олинганда ҳар пуд тоза толанинг нархини ғазначилик палатаси 7 рублдан белгилагани ҳисобига ернинг ўртача даромади 56 рубл қилиб белгиланган. Бир десятина ерга экилган пахта учун ер солиғи 5 рубл 60 копеек қилиб белгиланган. Ушбу сумманинг 25 % земство йиғимини 1 рубл 40 ко-

¹ Обзор Сыр-Дарьинской области за 1886 г. Ташкент, 1887. Б. 95.

² ЎзМА, И-1-фонд, 20-рўйхат, 2954-йиғмажилд, 1–9 орқа-варақлар.

пекни ташкил қылгани ҳисобига пахта әккан деңқон ҳар десятина ердан 7 рублдан солиқ тұлагани деңқонларга оғирлик қилган¹.

Бундан ташқари пахта тижорати билан шуғулланувчилар Европадан ва Ўрта Осиёдан Россия ҳудудига олиб кирилган пахта учун биринчи беш йилликда 20 копеекдан, сүнгра 30 копеекдан божхона түловини тұлашлари учун акциз белгиланғанлиги тадбиркорлар учун пахта нархининг қимматга тушишига сабаб бўлган².

1890 йилларга келиб Туркистон ўлкасида пахта экиш билан маҳаллий аҳоли қаторида рус тижоратчилари, амалдорлар, ҳатто зобитлар қатлами ҳам шуғуллана бошлашган. 1888 йили Сирдарё вилоятида 363 000 пуд маҳаллий, 761 000 пуд Америка пахта навлари етиштирилган бўлса шундан 350 000 пуд тоза толанинг нархи жойида 2 500 000 рублни ташкил қилган³.

1887 йилда Фарғона вилоятида 49 224 десятина ерга маҳаллий пахта (*Gossypium herbaceum*) нави экилган. Шундан ушбу йилда 749 541 пуд маҳаллий пахта нави етиштирилга бўлса, 23 054 пуд Америка пахта (*uplanda*) нави етиштирилган. Жами етиштирилган 772 595 пуд пахтадан 2 101 946 рубллик 300 278 пуд пахта Россияга олиб кетилган бўлса, вилоятда қолган 472 317 пуд пахтани 40 минг тўқимачилик дастгоҳларида ва 100 минг қўл чиғириқларда қайта ишланган. Шу тариқа 1887 йилда аҳолининг 18,55 % қисми пахтачилик билан машғул бўлган⁴.

1888 йили Самарқанд вилоятида 10 264 ботмон чигит экилиб, 137 700 ботмон⁵ пахта йиғиб олинган⁶.

Пахта етиштирилишидан рус тадбиркорлари манфаатдор бўлганликлари учун маҳаллий деңқонларга уруғлик чигит ва олдиндан маълум миқдорда ҳосил учун бўнак беришган. Бўнак ва уруғлик чигит олган деңқонлар ҳосил йиғилганда айнан ўша тадбиркорга пахта сотишлари шарт бўлади. 1868 йилдаги император фармонига кўра, Россияга хориждан келтирилган пахта учун божхона тўлови олинмаган бўлса, 1878 йилги фармонга кўра келтирилган ҳар пуд пахтадан 40 олтин копеек миқдорида божхона тўлови белгиланган. 1881 йилда 44 копеек, 1882 йилда 45 копеек, 1887 йилда денгиз йўл-

¹ ЎзМА, И-1-фонд, 11-рўйхат, 550-йиғмажилд, 34-орқа-35-варақлар.

² ЎзМА, И-1-фонд, 11-рўйхат, 550-йиғмажилд, 35-варақ.

³ ЎзМА, И-1-фонд, 11-рўйхат, 550-йиғмажилд, 36-орқа варақ.

⁴ ЎзМА, И-1-фонд, 11-рўйхат, 550-йиғмажилд, 37-орқа варақ.

⁵ Ботмон – 1 ботмон 8 пудга баробар.

⁶ ЎзМА, И-1-фонд, 11-рўйхат, 550-йиғмажилд, 37-орқа варақ.

лари орқали келтирилган пахта толаси учун 1 олтин рублда, қуруқлик йўллари орқали келтирилган пахта толаси учун 1 олтин рубл 15 копеек миқдорида божхона тўловларини тўлаш жорий қилинган¹.

1890 йилда Сирдарё вилояти ўтроқ аҳолиси 394 934 рубл 76 копеек, Самарқанд вилояти аҳолиси 735 975 рубл 10 копеек, Фарғона вилояти аҳолиси 1 351 905 рубл 79 копеек, жами Туркистон аҳолиси 2 482 905 рубл 65 копеек давлат ер солиғи тўлаган².

Туркистон ўлкасида маҳаллий аҳолининг дехқончилик қилишида ер солиғининг юқорилигидан ташқари, сув иншоотларининг ёмонлиги, пахта экилган ерлар кучли озуқа талаб қилиши оқибатида алмашлаб экишни талаб қилиши, ёзда уч марта чопик ва уч марта сув ичиши, йилнинг ярми давомида ерни банд қилиши оқибатида иккинчи экин экиб даромад кўришнинг имкони йўқлиги каби омиллар қийинчилик келтириб чиқарган. Пахта эккан дехқонлар ғалла каби бошқа озуқа экинларини сотиб олишларига тўғри келган. Суғорма дехқончилик ҳудудларида йилига икки марта ҳосил олишга ўрганган дехқонлар пахта экканлиги сабабли фақат пахтадан келадиган даромадга қарам бўлишдан бошқа иложи қолмаган.

Дунёда индустрянинг ривожланиши оқибатида тўқимачилик саноати пахтани қайта ишлашга мослашган эди. У даврда текстил саноати учун пахтадан бошқа муқобил хомашёнинг йўқлиги сабабли саноатнинг эҳтиёжини пахта дехқончилиги қондира олмаган. Саноатнинг эҳтиёжини қондириси учун пахта етиштириш дехқонлардан бошқа экинларга нисбатан ортиқча меҳнат ва харажат талаб қилишдан ташқари йил давомида бошқа меҳнат тури билан шуғулланишларига имкон бермаган. Озуқа ва чорва озуқа экинлари эккан дехқонлар ёки тутзорлари бўлган пилла бокувчилар йил давомида икки марта ҳосил олиши ёки бошқа турдаги қишлоқ хўжалик юмушлари билан шуғулланишлари мумкин бўлган. Етиштирилган пахтани чигитидан ажратиб тайёр тола ҳолатида тадбиркорларга етказиш ҳам дехқоннинг ўз зиммасидаги меҳнат ва харажат бўлган.

Мустамлакачиликнинг дастлабки йилларида аҳолидан хонликлар давридагидек харож, танобона ва бошқа тўловлар олинган. 1870 йилдан бошлаб ўтроқ аҳолига ер солиғининг жорий қилиниши маҳаллий аҳоли учун адолатсизлик эди. Чунки маҳаллий аҳоли

¹ ЎЗМА, И-1-фонд, 11-рўйхат, 550-йиғмажилд, 39-варақ.

² ЎЗМА, И-1-фонд, 11-рўйхат, 550-йиғмажилд, 40-варақ.

ердан олинадиган аниқ ҳосил миқдорининг маълум қисмини харож ёки танобона сифатида түллаган. Шу билан бирга, хонликлардаги мавжуд тартибларга кўра табиий оғатлар туфайли ҳосил камайганда ёки нобуд бўлганда маҳаллий маъмурият томонидан бу каби дехқон хўжаликлари ўрганилиб, солиқ олинмаган. Чунки ислом қонунчилигига кўра, ер солиғи деган тушунчанинг ўзи ҳам бўлмаган. Юқорида таҳлил қилинган маълумотлар мустамлака маъмурияти томонидан жорий қилинган низомлар асосида ер солиғи миқдорининг йиллар давомида ошиб борганлигини кўрсатади.

Туркистон маъмурияти ўлкада маҳаллий аҳоли учун анъана бўлмаган кўплаб солиқларни жорий қилишининг бир неча мақсадли асослари бор эди. Шулардан бири Туркистонда ҳарбий ҳаракатларни олиб бораётган қўшинларни таъминлаш учун маблағни маҳаллий аҳоли ҳисобидан қоплаш эди. Империянинг умумий ғазнасидан ўлка бошқаруви учун йилига 4 миллион маблағ ажратилган бўлиб, бу маблағнинг асосий қисми ҳарбийларнинг озиқ-овқат захираси ва хўжалик таъминоти учун сарфланган. Туркистон маъмурияти эса бу маблағни имкон қадар маҳаллий аҳоли ҳисобидан қопламоқчи бўлган. Ушбу мақсадни амалга ошириш учун армиянинг катта қисмиса ғланган Самарқанд вилояти бошқармасига аҳоли етиштирган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини бевосита биринчи қўлдан олиш имкони берилди. Ушбу режанинг амалга оширилиши Туркистон маъмурияти учун йўл харажатларидан ютиши, арzon ва бозор (ўзи белгилаган нарҳда – И.А) нархида маҳсулотларни солиқ ҳисобида олиши учун катта имконият берар эди. Бу ишни қонуний амалга ошириш учун бошоқли экин экиладиган лалми ерлардан ер солиғи харожни (хонликлар солиқчилик анъана сига кўра харож ер солиғи бўлмай, балки ҳосилдан олинадиган даромад солиғи бўлган) натура кўринишида олинишини 1878 йилда қонун хужжатларида белгилаб қўйди¹. Буни Туркистон маъмурияти қулай ва фойдали деб билишининг биринчи сабаби Зарафшон ўлкаси дехқонлари хонликлар давридан анъана бўлган лалми ерларга экилган буғдойдан даҳяқ миқдорида (1/10 яъни ҳосилнинг 10% и миқдорида) харож тўллаганликлари бўлса, иккинчидан харожни натура кўринишида тўллаганликларида эди. Аммо Россия маъмурияти ҳосилдан 10% миқдорида харож олиш билан бирга, ҳар таноб лалми ғалла экиладиган ердан қанча ҳосил

¹ Арандаренко Г. Зерафшанские заметки. Роль населения в довольствии войск // Түркестанский сборник. Том 456. Б. 110.

олинишидан қатъий назар, 50 копеекдан жамоатчилик йифими учун тўлов олган¹. Лалми ердан режадагидек ҳосил олиш учун март ойида 2 ёмғир, апрель ойида 4 ёмғир табиатдан инъом бўлиши лозим. Агарда бундай ёмғир бўлмаса, дехқонлар егулик ғаллани олишлари амри маҳол бўлади. Россия маъмурияти Туркистон ўлқасининг табиий имкониятларини ва аҳолининг анъналарини эътиборга олмаган, бу эса инсон омилларига мутлақо зид эди.

Хонликлар даврида дехқонлар ҳосил йифилганидан сўнг унинг аниқ миқдори ҳисобланиб, сўнгра даромад солиғи ҳисобида харож тўлаган бўлишса, Россия ҳукуматининг Туркистонда суғориладиган ва лалми ерларга ишлов берувчи дехқонлар ерга буғдой экканидан бошлаб ҳали униб чиқмасдан ер солиғи ҳисоблаб чиқилган².

Ҳар бир дехқон ер солиғи учун, ер майдонларидан келиб чиқиб, 0,5 пуддан 100 пудгача ғаллани Самарқанд шаҳрида маъмурият томонидан белгиланган дўконларга олиб келиб топширган. Белгиланган дўконлар олдида минглаб ўзбеклар ўз қишлоқлари, уйлари ва хўжаликларини бир неча кунга қолдириб, 80–100 версть масофа босиб келиб ер солиғини тўлаш учун навбат кутишган³. Дўкондаги 26 пудли тарози билан бир кунда 150 000 пуд ғаллани қабул қилиб олишлари, ҳарбий таъминот учун олинадиган ер солиғини қабул қилиш ишларига жиддий ёндашилмаганлиги сабабли дехқонларнинг шаҳарда овқатланишлари, отларининг озуқаси, ётоқлари ва йўл харжатлари жуда қимматга тушган.

Омади келган дехқонлар солиқ тўлаш ишларини уч кунда битиришган, қолганлари турли сабаблар билан қолиб кетганлар. Дехқонлар ўз ҳосилларидан 1/10 миқдорда ғалла билан солиқ тўлашганидан сўнг, ижтимоий тўлов учун ер солиғи ўртacha суммасининг 25% миқдорида нақд пул билан солиқ тўлашган. Солиқ учун топширилаётган бўғдой қуруқ, уринмаган, намиқмаган, намланмаган, тоза, ер чангига ва қумдан ва бегона донларлардан холи бўлиши қаттиқ назорат қилинган. Агар бу каби ҳолатлар юзасидан камчилик топилса, дехқон шаҳар ўртасида ғалласини ёйиб, қуритиб, шопириб ва элаб тозалашга тўғри келган. Бундан ташқари қуриб енгиллашиши тах-

¹ Арандаренко Г. Зерафшанские заметки. Роль населения в довольствии войск // Туркестанский сборник. Том 456. С. 112.

² Арандаренко Г. Зерафшанские заметки. Роль населения в довольствии войск // Туркестанский сборник. Том 456. С. 113.

³ Арандаренко Г. Зерафшанские заметки. Роль населения в довольствии войск // Туркестанский сборник. Том 456. С. 113.

мин қилишиб тарозида ҳар ботмон ғалладан 3 фунтдан чегирма уриб қолишган. Текшириб тарозидан ўтган буғдой қопларини ҳам дәхқонлар ўзлари тикиб, тахлаб беришган¹. Дәхқонлар ўз буғдойларини қўриқлаб ётиш учун совуқ кунларда очиқ ҳавода 5–6 кундан кам тунашмаган. Солиқ тўловчи дәхқонлар йўлга кетган вақтлари билан камида 8 кун вақтлари солиқ тўлаш учун кетган.

Кузги мавсумда мардикор ва ўроқчи бир кунда 40 копеек топган. Натижада дәхқонларнинг камида 8 кун вақтлари солиқ тўлаш учун кетган. Агарда от-аравани ёллаган бўлса кунига 50 копеекдан тўлашига тўғри келган. Ҳар ботмон ғаллани қуритиш учун уриб қолинган 3 фунтни ҳисоблагандо, ҳар ботмонидан 20 копеекдан чиқим бўлган. Йиллик даромади ўртача 80 рубл бўлган дәхқон 4,5 рублдан 8 рублгacha солиқ тўлаш учун ортиқча харажат қилган ва бу харажат ҳеч қаерда қайд этилмаган².

Низомда қайд этилган 1/10 миқдорда солиқ тўланиши кўрсатилган назарий ҳолат амалиётда дәхқон учун $\frac{1}{4}$ миқдорга айлангани Россия империясининг Туркистондаги адолатсиз иқтисодий сиёsat юритганидан далолат беради³.

К.П.Кауфман томонидан тақдим қилинган низом лойиҳаси солиқ солиши масаласида қониқарсиз тайёрланган, деб топилган. Тафтиш қўмитасининг хулосасига кўра, ер солиқларининг оғирлиги аҳолининг энг кам таъминланган, яъни К.П.Кауфман лойиҳаси бўйича ерлари давлат мулки деб топилган ва уларга доимий фойдаланишга берилган табақалар зиммасига тушган эди. Дәхқонлардан маҳсулот ёки пул тарзида олинадиган солиқ миқдори лойиҳада 10 % кўрсатилган бўлса ҳам, ҳосилдан эмас, балки жамоа ерининг (экин экилганми ёки шудгор қилиб қўйилганлигидан қатъий назар), ялпи даромаднинг ўртача миқдоридан олиниши белгиланган эди. Агар маҳаллий дәхқонларнинг зироатчиликда уч дала алмашлаб экиш усулига амал қилишлари ҳисобга олинса, улар ернинг икки қисмидан даромад олганда ҳам, ернинг уч қисми учун оброк солиғи тўлашлари лозим бўлган, яъни, ернинг ялпи даромадидан 10 фоиз эмас, балки 13,5 фоиз тўлашга мажбур эдилар⁴. Шунингдек, улар давлат мажбуриятлари

¹ Арандаренко Г. Зерафшанские заметки. Роль населения в довольствии войск // Туркестанский сборник. Том 456. С. 115.

² Арандаренко Г. Зерафшанские заметки. Роль населения в довольствии войск // Туркестанский сборник. Том 456. С. 116.

³ Арандаренко Г. Зерафшанские заметки. Роль населения в довольствии войск // Туркестанский сборник. Том 456. С. 116.

⁴ Отчет по ревизии Туркестанского края сенатора Ф.Гирса. Финансы. Экономические вопросы края. С. 39.

бўйича ҳамда ердан фойдаланишни ташкил қилувчи маҳаллий муасасалар таъминоти учун ҳам солиқ тўлаши керак эди.

Ўлкани бошқариш бўйича К.Кауфман маъмурияти фаолиятини танқид қилиб. Ф.Гирс айнан маъмурият сиёсати бюджет камомадига сабаб бўлганлигини алоҳида айтиб ўтди. Шу билан бирга, у Ўрта Осиё хонликларига қарши уруш олиб бораётган, империя армияси таъминоти харажатларини акс эттирувчи бирорта маълумотни келтирмаган. Ф.Гирс фақат “қўшинларнинг моддий таъминоти, порох, ўқ-дори ва қурол-яроғлар ҳамда ўлкага келаётган шахсларга берилаётган оширилган йўл харажатлари бошқа ҳарбий округлар сметасига ёки марказий бошқармалар сметасига киритилгани”¹ни эслатиш билан кифояланган.

Махфий маслаҳатчи Кобеконинг 1899 йилги маълумотларига кўра, Россиянинг деҳқончилик учун анчагина қулай бўлган Курск ва Киев ерларининг 1 десятинаси учун 5 копеек *ер солиғи*, 43 копек земство *солиғи* ва 40 копеек *жамоат ийғими*, жаъми 88 копеекни ташкил қилган ҳолда йўл мажбурияти (дорожная повинность) земство тўлови таркибига кирган².

Туркистон ўлкаси Андижон уездидаги 1 десятина ердан ўртача 2 рубл 92 копеек, земство тўлови 58 копеек, йўл ва сув иншоотлари мажбуриятини амалда бажарилиши 70 копеек (одатда бу мажбурият амалда 1 рубл 28 копеекни ташкил қилган), волост, қишлоқ ва ариқ маъмурияти учун 37 копеек билан жами 4 рубл 57 копеекни ташкил қилган. Туркистон ўлкасининг Хўжанд уездидаги 1 десятина ер учун солиқ мажбурият ва бошқа тўловлар 9 рубл 31,4 копеекни ташкил қилган бўлса, Ёрбош уездидаги 8 рубл 36 копеек, Олтинқўл уездидаги 7 рубл 02 копеекни ташкил қилган³.

Киев губернияси билан солишитирганда, Андижон уезди аҳолиси оғир солиқларни тўлашга мажбур бўлган. Россиянинг марказий ўлкаларида табиий имкониятлардан оқар сув, ёмғир, ер унумдорлиги, чорва озуقا экинларининг табиий ўсиши, ёввойи ўрмонлар жуда қулий яшаш ва деҳқончилик қилиш имконини берган.

Андижон уезди ва Курск губернияси аҳолисини солишитирганда, Андижон аҳолиси Курск аҳолисига нисбатан 5 баробар кўп солиқ тўлаган. Киев аҳолисига нисбатан $5 \frac{1}{4}$ баробар кўп солиқ тўлаган⁴.

¹ Отчет по ревизии Туркестанского края сенатора Ф.Гирса. Финансы. Экономические вопросы края. С. 25.

² ЎзМА, И-1-фонд, 11-рўйхат, 1864-ийғмажилд, 14-варақ.

³ ЎзМА, И-1-фонд, 11-рўйхат, 1864-ийғмажилд, 14-орқа варақ.

⁴ ЎзМА, И-1-фонд, 11-рўйхат, 1864-ийғмажилд, 16-варақ.

1892 йили Ички ишлар вазирлиги Хўжалик департаменти Туркистон ўлкаси шаҳарларига ҳудудлардан келтирилиб сотилган чорва учун чорва бозорларида солиқ олиш ҳақида кўрсатма берган. Унга кўра сотилган ҳар бир бош туя учун 20 копеек, сигир, буқа ва от учун 10 копеек, тойчоқ, курра ва бузоқдан 5 копеекдан, қўй ва эчкидан 3 копеекдан тўланиши белгиланган¹.

Бундан ташқари, шаҳар ва уездлар фойдасига низомдан келиб чиққан ҳолда янги турдаги солиқ объектларини жалб қилиш бўйича шаҳар ва уезд бошлиқларининг ўзлари қарор қабул қилишлари мумкин бўлган.

Вилоят, уезд ва шаҳар бошлиқлари ўзларига қарашли бошқарма ғазнаси маблағларини кўпайтириш учун вафот этган инсоннинг тупроққа кўмилиши учун ҳам тўлов жорий қилишдан қайтишмаган. Самарқанд вилоятида Морозов номидаги эски насронийлик қабристонига марҳумни кўмишга ер майдони ажратиш учун шаҳар фойдаси ҳисобига катта миқдорда пул тўланган. Жумладан, ушбу қабристондан 1-даражали ер майдони ажратилиши учун 15 рубл, 2-даражали ер майдони учун 7 ёки 8 рубл, 3-даражали ер майдони учун 3 ёки 5 рубл тўланганлиги тўғрисидаги квитанциялар мавжуд². Ушбу заминда яшаб, ҳар бир фаолиятидан солиқ тўлаб, бироз миқдорда маблағ йиға олмаган марҳумни тупроққа қўйиш учун марҳумнинг қариндош ёки бошқа васийларини бу каби катта миқдордаги харажатга мажбурлаш Россия маъмуриятининг Туркистон ўлкасиға жорий қилган солиқ тизими инсоний омилларга асосланмаганлигидан ва унинг зулмга асосланганлигининг яна бир далилидир.

1911 йилда Самарқанд шаҳар 2-шифохонасида даволангандардан Самарқанд шаҳар депозити учун пул ундирилган. Шифохонада даволангандардан 1911 йил август ойида 283 рубл 50 копеек ундирилган³, Самарқанд шаҳар 62-шифохонасида даволангандардан ўша йили октябрь ойида 76 рубл 45 копеек ундирилган⁴ бўлса, 1911 йили февраль ойида даволангандардан Фатхиддин Хисомуддиновдан 10 рубл ундириш ва шаҳар ғазнасига тушириш тўғрисида апрел ойида Ургут участка приставига Самарқанд уезд бошлиғи шаҳар бошқармасидан ижро хати юборилган⁵.

¹ ЎзМА, И-1-фонд, 12-рўйхат, 287-йиғмажилд, 44-орқа варақ.

² ЎзМА, И-20-фонд, 1-рўйхат, 2050-йиғмажилд, 1-15-варақлар.

³ ЎзМА, И-20-фонд, 1-рўйхат, 2065-йиғмажилд, 17-варақ.

⁴ ЎзМА, И-20-фонд, 1-рўйхат, 2065-йиғмажилд, 23-варақ.

⁵ ЎзМА, И-20-фонд, 1-рўйхат, 2065-йиғмажилд, 13-варақ.

Россия империяси Туркистон генерал-губернаторлиги бошқарувини йўлга қўйиб, Туркистон аҳолисига турли солиқларни жорий қилиш мақсадида Россия манфаатларини кўзлаган ҳолда қонунлар жорий қилди ва аҳолини бу қонунларга бўйсундирди. Солиқлар юзасидан жорий қилинган қонунларда Тукистон ўлкасининг географик иқлим шароити, ернинг ҳосилдорлик имкониятлари, дехқончилик анъ-аналари эътиборга олинмаган эди. Солиқлар юзасидан чиқарилган қонунларни амалиётга жорий қилиш усуслари ҳам маҳаллий аҳолига бегоналиги ва солиқ турларининг кўпайиши Туркистон аҳолисининг яшаш тарзини, иқтисодий аҳволини оғирлаштириди. Россия империяси ўзининг Туркистонда олиб борган мустамлакачилик бошқарувининг 50 йил давомида ўлкада ягона солиқ тизими шакллантиришга улгурмади. Ўлкада жорий қилинган солиқ тизими фақатгина бир томонлама, яъни Россия иқтисодий манфаатларини ўзида акс эттирган эди.

Зарафшон музофоти бошлиғи маҳкамаси иш юритиш хужжатларининг манбашунослик тавсифи ва жорий ҳолати

Тўлқин Ахмедов

*ЎзР ФА Тарих институти катта илмий ходими
Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)*

Марказий Осиёнинг XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошлари тарихини ёритишига хизмат қиласидиган архив материалларини манбашунослик нуқтаи назаридан ўрганиш ва таҳлил қилиш алоҳида илмий ёндашувларни талаб этади. Чунки бу даврга оид ёзма материаллар сон жиҳатдан ниҳоятда кўплиги ва хусусияти жиҳатидан хилма-хиллиги билан ажралиб туради¹. Улар орасида Зарафшон музофоти бошлиғи маҳкамасининг иш юритиш хужжатлари алоҳида ўрин эгаллади.

Уларнинг ўрганилиши, биринчидан, музофотда ўрнатилган бошқарув тизимининг моҳияти ва маҳаллий аҳолини бошқаришнинг механизмини англаб этишга, иккинчидан, музофот ҳаётининг турли соҳаларини ташкил этиш бўйича унинг маъмурияти ва бўлимлари бошқаруви фаолиятини ёритишига, учинчидан, Зарафшон музофоти ва унинг маркази – Самарқанд шаҳри тарихи бўйича янги маълумотларни олишга ва мавжуд билимларни кенгайтиришга имкон беради.

¹ Эргашев Б.Э. Делопроизводственная деятельность канцелярии Туркестанского генерал-губернаторства (историко-источниковедческий анализ): / Б.Э.Эргашев. МВССО РУз, Самаркандский гос. ун-т. Ташкент: Фан, 2015. С. 4.

Манбашуносликка доир адабиётларда “иш юритиш” – муассасаларда, ташкилотларда ва корхоналарда қонун ёки уларнинг фаолияти эҳтиёжи кучи билан мажбурий ва зарур бўлган ҳужжатлаштириш ҳамда ҳужжатбозлиқ тизими, муассаса, ташкилот ва корхонанинг ҳужжатларни яратиш жараёни билан боғлиқ фаолияти, ахборот мақсадларида ва уларни кўриб чиқиш, тасдиқлаш, ижро этиш, шунингдек ҳужжатларни сақлашни ташкил этишга доир ҳаракатлари сифатида тавсифланади¹. Бошқарув аппаратининг фаолияти жараёнида яратилган иш юритиш ҳужжатлари тарихий манбаларнинг мураккаб тизими ҳисобланади. Бу ерда ҳужжатларнинг мазмуни ва ҳужжатчиликнинг тузилиши улар яратилган муассаса, ташкилот ва корхоналарнинг мақсад ҳамда вазифалари, ҳужжатларни яратган муаллифларнинг ўз олдига қўйган мақсадларига боғлиқ бўлган².

Шу ўринда Ўзбекистон Миллий архивининг “Зарафшон музофоти бошлиғи маҳкамаси” номли 5-фондида сақланаётган ёзма манбалар – буйруқлар, фармойишлар, билдиргилар, расмий хатлар, билдиришномалар, арзномалар, статистик қайдномалар ва бошқа ҳужжатларнинг яратилишини келтириб чиқарган амалий мақсад ёки мақсадлар нима, деган саволни қўйиш ўринлидир. Албатта, битта ҳужжат масаласида ҳам бевосита ва билвосита сабабларни кўрсатиш мумкин, умумлаштирадиган бўлсак, бу ҳужжатларнинг яратилишини келтириб чиқарган асосий амалий сабаб музофотда ва унинг бўлимларида ишларни олиб бориш, яъни юритиш бўлган. Шу жиҳатдан, мазкур ҳужжатларни иш юритиш ҳужжатлари сифатида тавсифлашимиз тўғри бўлади.

Зарафшон музофоти бошлиғи маҳкамаси иш юритиш ҳужжатларининг тарихий манба сифатидаги аҳамияти ва қиймати уларнинг қайси жиҳатлари билан белгиланади?

XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошлари иш юритиш ҳужжатлари тўғрисида тадқиқотларда келтирилган умумий хулосаларга тўхтала-диган бўлсак, улар мазкур давр бўйича асосий ёзма манбалар бўлиб, уларда ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаёт масалалари

¹ Митяев К.Г. История и организация делопроизводства в СССР. М., 1957. Источниковедения истории СССР: под ред. И.Д.Ковалченко. 2-е изд., перераб. и доп. М.: Высшая школа, 1981. С. 7; Источниковедения истории СССР: под ред. И.Д.Ковалченко. 2-е изд., перераб. и доп. Москва: Высшая школа, 1981. С. 261.

² Голиков А.Г. Источниковедение отечественной истории : учеб. пособие для студ. высш. учеб. заведений / А. Г. Голиков, Т. А. Круглова. 2-е изд., стер. М.: Издательский центр «Академия», 2008. С. 258.

нисбатан кенг ва тўлароқ акс этган¹. Шу жиҳатдан, Зарафшон музофоти бошлиғи маҳкамасида юритилган иш юритиш ҳужжатларини ўрта ва юқори Зарафшон водийсининг XIX аср иккинчи ярми тарихи бўйича асосий ёзма манбалар сифатида изоҳлаш мумкин.

Иш юритишни ҳужжатлаштириш тузилмасида ҳужжатларни бошқарув ечимларини қабул қилиш ва рўёбга чиқаришни таъминловчи ҳамда ҳужжатлар айланмасини таъминловчи ҳужжатларга ажратиш мумкин². Зарафшон музофоти бошлиғи маҳкамаси иш юритиш ҳужжатлари билан боғлиқ ҳолатда уларнинг ҳар иккаласи билан ҳам иш олиб боришимизга тўғри келади.

Зарафшон музофоти бошлиғи маҳкамаси иш юритиш ҳужжатларининг тадқиқот объекти сифатида танланганлиги фақат иш юритиш ҳужжатлари ёзма манбаларнинг энг оммавий тури сифатида тавсифланиши билан белгиланмайди. Иш юритиш ҳужжатлари давлатнинг ички ва ташқи сиёсати, ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаётини ўзида намоён этувчи, марказий ва маҳаллий ҳукумат муассасалари томонидан қонунчилик ҳужжатлари ва турли тадбирлар амалиётда қандай жорий этилганлигини кўрсатувчи ойнадир. Шунингдек, улар тадқиқотчиларга Россия империяси маъмурий-бюрократик аппарати барча бўғинлари иш механизмини барча соҳалар ва йўналишлар бўйича кузатиб бориш имкониятини ҳам беради.

Зарафшон музофоти бошлиғи маҳкамаси иш юритиш ҳужжатлари ўз хусусиятига кўра маҳаллий ҳужжатлар бўлиб, аксарият ҳолларда улар маълум бир масала бўйича умумлашган маълумотларни бермайди. Шунингдек, маҳаллий ҳокимият органлари иш юритиш ҳужжатларининг ҳолати ва сақланиш даражасини марказий давлат муассасалари иш юритиш материаллари билан таққослаб бўлмайди. Натижада тарихчи маҳаллий давлат муассасалари материалларидан уни қизиқтирган масалалар бўйича узуқ-юлуқ маълумотларга эга бўлиши мумкин. Ниҳоят, бугунги кунда архив материалларининг нашр этилиши масаласида ҳам маҳаллий давлат муассасалари иш юритиш ҳужжатлари марказий давлат муассасалари иш юритиш ҳужжатлари билан рақобат қила олмайди.

¹ Шепелев Л.Е. Изучение делопроизводственных документов XIX – начала XX в. Вспомогательные исторические дисциплины. Изд-во “Наука”. Ленинград, 1968. С. 119.

² Источниковедение: Теория. История. Метод. Источники российской истории: Учеб. пособие/И.Н. Данилевский, В.В. Кабанов, О.М. Медушевская, М.Ф. Румянцева. М.: Российск. гос. гуманит. ун-т, 1998. С. 392.

Бироқ юқоридагиларнинг барчасига қарамасдан, маҳаллий муассасаларнинг иш юритиш хужжатлари қатор устунликларга эга. Айнан улар бирламчи манбалар ҳисобланади ва уларда марказий давлат муассасалари хужжатларида акс этмаган катта сондаги фактлар ва маълумотлар келтирилган. Бошқача айтганда, айнан маҳаллий муассасалар иш юритиш хужжатлари XIX аср иккинчи ярмида Туркистан ўлкаси, хусусан, Зарафшон музофотида ўрнатилган Россия империяси давлат бошқарувининг энг хилват “бурчаклари”га кириб бориш, воқеликни янада яхшироқ кўриш имкониятини беради.

Юқорида келтирилган жиҳатлар Зарафшон музофоти бошлиғи маҳкамаси иш юритиш хужжатларининг тарихий тадқиқотлардаги аҳамияти ва манбавий қийматини белгилаб беради. Уларнинг марказий, ўзидан юқори ёки қуи турувчи давлат муассасалари иш юритиш хужжатлари билан биргаликда ўрганилиши танланган мавзунинг илмий ва объектив тадқиқ этилишини таъминлайди.

Зарафшон музофоти бошлиғи маҳкамасида иш юритувига олинган хужжатлар “иш” (дело) кўринишида тизимлаштирилган ва маҳкаманинг ўзида сақланган. Бу ерда хужжатларни саралаб олишнинг турли тамойиллари асосида тузилган ишларнинг бир неча категорияларини кўриш мумкин:

- 1) у ёки бу масаланинг қуилиши, кўриб чиқилиши ва ечими бўйича хужжатлар хронологик тартибда йиғилган ишлар;
- 2) иш юритиш хужжатлари тематик тамойил асосида йиғилган ишлар;
- 3) хужжатларнинг алоҳида кўринишлари йиғилган ишлар;

XIX аср иккинчи ярмида расмий ёзишмалар одатда корреспондентлик белгисига қўра шакллантирилган бўлиб¹, Зарафшон музофоти бошлиғи ва маҳкамасининг бўлим бошқарувлари ва юқори давлат муассасалари билан олиб борган расмий ёзишмалари “Турли ёзишмалар”, “Турли масалалар бўйича ёзишмалар” рукни остида ҳам ишларга бирлаштирилган.

1917 йилга қадар Зарафшон музофоти бошлиғи маҳкамасида юритилган ишлар Самарқанд вилояти бошқарувида, 1917 йилдан кейин Туркистан АССР ҳукуматининг 1919 йил 5 ноябрда қабул қилинган “Архив ишини қайта ташкил этиш ва марказлаштириш тӯғрисида”ги қарорига асосан ташкил этилган Самарқанд вилоят давлат архивида сақланиб келинган. 1931 йилда ЎзССР Марказий давлат тарих архи-

¹ Источниковедение истории СССР. Под ред. И.Д.Ковальченко. – Москва: “Высшая школа”, 1973. С. 314.

вининг ташкил этилиши муносабати билан улар Тошкентга кўчирилди ва архивнинг “Зарафшон музофоти бошлиғи маҳкамаси” номли 5- (История-5 ёки қисқача И-5) фонди ташкил этилган.

1958 йилда ЎзССР Марказий давлат тарих архиви ва ЎзССР октябр инқилоби ва социалистик қурилиш Марказий давлат архивларининг бирлаштирилиши натижасида ЎзССР Марказий давлат архиви ташкил этилди. 1991 йилдан мазкур архив Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви номи остида фаолият кўрсатди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2019 йил 20 сентябрдаги фармони билан Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви негизида Ўзбекистон Миллий архиви тузилди¹.

1948 йилда Г.Н. Чабров ва Н.А. Халфинлар томонидан тузилган йўл кўрсатгичида 5-фондда сақланаётган сақлов бирликларининг умумий сони 4004 та эканлиги кўрсатилган². Мазкур йўл кўрсаткич (мустамлака даврига оид фондлар учун) бундан 72 йил муқаддам тузилган бўлиб, бугунги кун талабларига тўғри келмайди. Бунинг устига, архивдаги фондларнинг бугунги ҳолати унда келтирилган маълумотлардан анчайин фарқ қиласди.

5-фонд рўйхати жами 5 та китобдан иборат бўлиб, унда тартиб ва иш юритиш рақамлари бўйича келтирилган ишларни қуидаги бўлимларга ажратилганлигини кўришимиз мумкин:

- 1) Фармойиш берувчи бўлим;
- 2) Суд-тергов бўлими;
- 3) Ҳарбий-юриш бўлими;
- 4) Ҳўжалик бўлими;
- 5) Журнал (Қайд этиш) бўлими;
- 6) Ғазназилик бўлими;
- 7) Бухгалтерия (Ҳисоб-китоб) бўлими;

5-фонд рўйхатларида ишларнинг умумий сони 4080 та эканлиги қайд этилган бўлса-да, амалга оширилган миқдорий таҳлил фондаги ишларнинг сони амалда 3945 та, фондда мавжуд бўлмаган ишлар билан бирга 3979 тадан иборат эканлигини кўрсатди.

Амалга оширилган миқдорий таҳлил натижасида 5-фонда сақланаётган ишларнинг сон жиҳатдан катта қисми суд бўлимига тегиши-

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони. Ўзбекистон Республикасида архив иши ва иш юритишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида. Тошкент, 2019 йил 20 сентябр. Манба: <http://uza.uz/oz/politics/zbekiston-respublikasida-arkhiv-ishi-va-ish-yuritishni-takom-20-09-2019> (7.07.2022)

² ЦГИА УзССР, Путеводитель. Сост.: З.И.Агафанова, к.и.н. Н.А. Халфин. Ташкент, 1948. С. 35.

ли эканлиги ҳам маълум бўлди. Бироқ Зарафшон музофотининг ташкил этилиши ва юритилиши, унинг иқтисодий-сиёсий ва ижти-моий-маданий ҳаётига доир иш юритиш ҳужжатларининг асосий қисми фармойиш берувчи, қисман хўжалик бўлимида юритилган ишларда жамланган.

Рўйхатларда ҳар бир ишнинг тартиб ва иш юритиш рақамлари, ишнинг номи, унинг маҳкаманинг қайси бўлимида юритилганлиги, иш юритуvida бўлган саналари ва ишдаги вараклар сони қайд этилган. Масалан, “Зарафшон музофотини бошқариш бўйича муваққат қоидалар ва штатлар номли” иш фонд рўйхатида 1-рақам остида қайд этилган бўлса-да, унинг маҳкаманинг фармойиш берувчи бўлимида 16-рақам остида юритилган. Бу мазкур иш 1868–1886 йилларда фаолият кўрсатган Зарафшон музофоти бошлиғи маҳкамасининг 1-рақамли иши бўлмаганлигини, ундан олдин музофотнинг ташкил этилиши билан боғлиқ 15 та иш мавжуд бўлганлигини, бироқ совет йилларида тузилган рўйхатларга уларнинг киритилмаганлиги кўрсатади. Иш 1868 йил 29 июндан 1871 йил 24 февралга қадар ишчи ҳолатда бўлган ва рўйхатда ундаги вараклар сони 79 тадан иборат эканлиги кўрсатилган. Амалда эса уларнинг сони 69 тани ташкил этади. Бу ўз навбатида ишдаги айрим ҳужжат ёки ҳужжатларнинг мавжуд эмаслиги ёки уларнинг қачондир бошқа ишга олинганлиги билдиради. 5-фонднинг 1-иши билан боғлиқ ҳолатда, унда ишнинг асосий мазмунини ташкил этувчи “муваққат қоидалар”нинг мавжуд эмаслигини кўришимиз мумкин.

“Зарафшон музофоти бошлиғи маҳкамаси” фондида ижро хусусиятидаги ҳужжатлардан ташқари, ҳужжатлаштиришнинг маҳсус тизими бўйича юритилган бухгалтерия, дипломатик ва суд-тергов ҳужжатлари ҳам кўпчиликни ташкил этади.

Ўзбекистонда тарих фанининг ҳозирги ривожланиш босқичи манбашуносликнинг амалий ва назарий масалаларига эътиборнинг кучайганлиги билан хусусиятлансада, XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошлари иш юритиш ҳужжатларининг улкан мажмуалари манбашунослик нуқтаи назаридан тадқиқ этилмаган. Аксинча, айнан уларнинг ўрганилиши XIX аср иккинчи ярмида Туркистон ўлкаси, хусусан, унинг алоҳида маъмурий-худудий бирлиги бўлган Зарафшон музофотининг қандай бошқарилганлиги, бу ерда давлат ҳокимиятининг механизми ва унинг ишлаш самарадорлиги қай даражада бўлганлиги, шунингдек, музофотнинг иқтисодий-сиёсий ва ижтимо-

ий-маданий ҳаётига доир масалалар тўғрисида кенгроқ билим ва тасаввурларга эга бўлиш имкониятини беради.

Россия империясининг Бухоро амирлиги ҳудудларини босиб олишига оид айрим мулоҳазалар

*Муҳайё Сражиддиновна Исакова
ЎзР ФА Тарих институти бош илмий ходими,
тарих фанлари доктори*

XIX асрнинг иккинчи ярмида Россия империясининг Туркистонни босиб олишга қаратилган ҳарбий юришларида асосий йўналиш Бухоро амирлиги ҳудудларига қаратилган эди. Негаки империянинг юритган ташқи алоқаларида минтақада сиёсий-иқтисодий жиҳатдан етакчилик қилиб келган Бухоро амирлиги бир ярим аср давомида энг кучли рақиб сифатида унга хавф туғдираётган эди. Хонликлар ўртасидаги ўзаро ички низолар мавжудлигини билса-да, Россия империяси маъмурлари урушда уларни бирлашишидан хавфсиради. Сабаби, 1862 йилда амир Музаффариддиндан¹ қўмак сўраб келган Худоёрхон² Кўқон хонлиги таҳтини қайта эгаллаган эди. 1864 йилда Кўқон хонлигига юзага келган сиёсий можаролардан фойдаланиб, октябр-ноябрда М. Черняев Тошкентга ҳужум қиласи ва мағлубиятга учрайди.

Тошкент аҳолиси империя қўшинларига қаршилик кўрсатиша кўмаклашишни сўраб бир неча бор Бухоро амирига мактуб йўллайди. Бухоро амирлиги саройида бўлиб ўтган йиғилишда айрим ҳарбий саркардалар Тошкентни озод қилиш учун жанг бошлаш таклифи ни билдиради. Бироқ рус қўшинларига етарлича баҳо бера олмаган амир Музаффар мен уруш олиб борсам рус қўшинларини бошқарган оддий навкарга эмас, тўғридан-тўғри Москвага қарши бораман, дея беписандлик қиласи. Манғитлар саройида турли лавозимларда хизмат қилган Аҳмад Доңиш³ амирнинг бундай муносабатини душмани яхши билмаган киши уни кучига ҳам етарлича баҳо бермасдан, ўзи

¹ Сайд Музаффариддин Баҳодирхон – Бухоро амирлиги доирасида ўзбек давлатини бошқарган манғитлар сулоласининг 1860 – 1885 йиллардаги етакчиси.

² Сайд Муҳаммад Худоёрхон – Кўқон хонлиги доирасида ўзбек давлатини бошқарган минглар сулоласининг 1845 – 1858, 1862 – 1863, 1865 – 1875 йиллардаги етакчиси.

³ Аҳмад Доңиш ёки Аҳмад Калла деб ном қозонган Аҳмад ибн Мир Носир ибн Юсуф ал-Ханафи ас-Сиддиқий ал-Бухорий (1827–1897) манғит ҳукмдори Амир Насруллоҳон ва Музаффариддин даврида саройда хизмат-мулозим, тарихчи, шоир, мутафаккир ва маърифатпарвар.

ва атрофдаги хонликларга қиёслаб баҳо берган, дея изоҳлайди¹. Бизнинг фикримизча, қуролланиш ва ҳарбий тайёргарлик жиҳатидан ўз заифлигини англаған амир, дастлаб, Тошкент аҳлига русларга қарши қурашда ёрдам бериш ўрнига Ҳудоёрхонни таҳтга қайтариш йўлини танлади.

1865 йили апрел-июн ойларида қўшимча куч тўплаб, 10 рота пиёда, 200 казак отлиқлар, 10 та ўқ отар тўплар билан генерал М.Г. Черняев² бошчилигига рус армияси иккинчи уринишда Бухоро амирлиги ва Қўқон хонлигини бир-бири билан боғлаб турувчи Тошкент шаҳрини босиб олади ва уларни бирлашишига тўсқинлик қилувчи ҳарбий худуд яратиб, бутун Туркистонни эгаллашга хизмат қилувчи йўлни очади. М. Черняев Тошкент шаҳрини босиб олганлик тўғрисида Бухоро амирига нома йўллади. Гафлатда қолган Амир Музaffer фар рус ҳарбийларига Чирчиқ дарёсини кечиб ўтиб, амирлик худудларига дахл қилмаслик шартини қўйиб, ўзаро ёзма келишиб олади. Шу вақтнинг ўзида Санкт-Петербургда Тошкент шаҳрини бошқариш тартиби тўғрисида мунозаралар бошланниб кетади. Россия империяси Ташқи ишлар вазирлиги расмий тарзда Тошкентни Қўқон хонлиги ва Бухоро амирлигидан мустақил деб эълон қилиш ва Россияга тобе худудга айлантириш борасида қарор қиласди.

1866 йил 26 марта М. Черняевнинг ўрнига Туркистон вилояти ҳарбий губернатори этиб генерал Д.И. Романовский³ тайинланади. Унга Бухоро амирлигига қарши бошланган ҳарбий режани охирига етказиш вазифаси юклатилади. Империя қўшинларининг 1866 йили эрта баҳоридан кеч кузигача олиб борган босқинчилик урушлари оқибатида амирликнинг Ўратепа, Зомин, Жиззах ва Янгиқўрон худудлари эгалланади. Шу билан бирга, рус қўмондонлари Н. Крижановский ва Д. Романовский ўз аскарларига эгаллаган худудлардаги турли-туман бойликлар, ҳар хил қимматли кийим-кечаклар, тилла ва кумуш билан сайқалланган аслаҳалар, эгар-жабдуқлар ва бошқа буюмларни талон-тарож қилишга буйруқ беради.

¹ Бу ҳақида тўлиқ маълумот учун қаранг: Аҳмад Дониш. Рисола. ёхуд манғитлар хонадони салтанатининг қисқача тарихи. / Таржима, изоҳлар, кириш сўзи муаллифи Қ. Йўлдошев. Тошкент, 2014. Б. 39.

² М.Г. Черняев – 1865–1866 йиллари Туркистон вилояти ҳарбий губернатори, 1882–1884 йиллари Туркистон генерал-губернатори, 1865 йили Тошкентнинг босиб олиниши, 1866 йили Жиззахга қарши ҳарбий юришларга бош бўлган рус ҳарбийси.

³ Д.И. Романовский – 1866–1867 йиллари Туркистон вилояти ҳарбий губернатори, 1866 йили Хўжанд, Ўратепа, Зомин, Жиззах ва Янгиқўронга қарши ҳарбий юришларга бош бўлган рус ҳарбийси.

1867 йил 2 июлдан Туркистон генерал-губернатори этиб тайинланган генерал-адъютант К.П. Кауфман дастлаб, жангсиз енгилиш маъносини англатувчи шартнома тузишга доир музокаралар олиб боради. Аммо 1867 йилнинг кузидан то 1868 эрта баҳоригача амир Музаффар билан олиб борилган ёзишмалар ва элчилик алмашувлари ҳеч қандай натижа бермайди. Муаллиф Аваз Муҳаммад Аттор Муҳаммадийнинг сўзича, «Бухоро амири бу аҳднома шартларини ўз давлатига оғир билиб, шундай жавоб юборишни буюради: Русия арбобларининг аҳду фармонлари барқарор эмас экан. Ҳар қайсиси янгитдан амири лашкар ва волий бўлиб олса, энг аввал, янги аҳдномалар қабул қилишга интилар эканлар. Аҳдноманинг шартлари бизнинг хукуматимизга зарар етказади ва кунлар ўтиши ила бизнинг сабр-тоқатимизни тўлдиради. Биз ўз ихтиёrimiz ила биринчи тузган аҳдномани бузиб табдил этмаймиз. Агар Кауфман олдин тузилган битимни қабул қиласдан уни бекор этса, унда аҳд-паймонсиз номини олади»¹.

Аслида эса олдинги ҳарбий мағлубият тажрибаларини яхши англаган К.П. Кауфман куз ва қишида жанг бошламаслиги аниқ бўлиб, у сиёсий вазиятни юмшатмаслик, ҳарбий тайёрғалик қўриш ва эрта баҳорда жанг очишга баҳона ҳозирлаган эди. Сирдарё вилояти худуди бўйлаб 17 та ҳарбий пунктлар ташкил этилиб, уларда 11 та пиёда батальон, 32 та дала ўқотар қуроллари, 380 қурол ва 210 казак қўшинлари шайланган эди².

1868 йилнинг 18 апрелига келиб қўшимча қуч йиғиб олган К.П. Кауфман бошчилигидаги 25 рота, 500 нафар казак, 16 тўп, умуман, 3500 кишидан иборат қўшин рус ҳукуматининг азалий орзуси бўлган буюк Амир Темир давлатининг пойтахти Самарқанд шаҳрини эгаллаш учун йўл олади. Ҳалқ душманни азим шаҳарга яқинлаштирасмаслик ва уни вайрон бўлишини олдини олишга кенгашиб, 12.000 пиёда аскар, 3.000 отлиқ, тўпчилардан иборат аскарлар билан бирга турли худудларидан йиғилган жами 100000 ватан ҳимоячилари Чўпонота тепалигига 40 та тўп билан мудофаани эгаллайди³. Аммо яхши қуролланган ва жангларда чиниқсан малакали қўшин олдида, асосан меҳнат қуроллари билан жангга кирган кўнгиллилардан иборат бўлган ёхуд қурол-аслаҳаси пилта милтиқ, қилич, ханжардан иборат амирлик қўшинлари Чўпонота тепалигига мағлубиятга учрайди ва 2 май куни Самарқанд шаҳри душман қўлига ўтади.

¹ Россиянинг Қозон, Астрахан, Сибир, Крим, Кавказ ва Туркистонга тажовузи ва хукмронлигига қарши курашлар (XVI асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошлари). Б. 227.

² Лыко М. Очерк военных действий в 1868 года в долине Зарафшана. Санкт-Петербург, 1871. С. 24.

³ Битва русских с бухарцами в 1868 г. и геройская оборона в Самарканде. 1873. С. 148.

1868 йил 23 майда Бухоро амири Музаффархон рус қўмондони К. Кауфман билан 125 минг тилла (500 минг рубл) товон пули тўлаш мажбурияти ва рус савдогарларига эркинлик бериш каби шартларни ўз ичига олган сулҳ тузишга мажбур бўлади.

Тез орада рус қўшинлари Челак, Ургут ва Каттакўрғонни эгалайди. Шунга қарамасдан, аҳоли Бухоро амиридан қайта қўшин йифиш ва курашни давом эттиришни талаб қиласди. 1868 или 1 июнида Зира-булоқ тепалигида 15 минг отлиқ, 6 минг пиёда ва 14 тўпдан иборат бухоро аскарлари 20 рота, 320 казак ва 14 та қуролланган батареяга қарши жанг олиб боради¹. Урушда минглаб ҳимоячилар қурбон бўлади ва амирлик қўшинлари мағлубиятга учрайди. Бу тўқнашув амирлик тақдирини узил-кесил ҳал этади.

К.П. фон Кауфман бошчилигидаги асосий қўшин Зирабулоқда жанг олиб бораётганлигини инобатга олиб, Самарқанд аҳли Китоб ва Шахрисабз беклари билан бирлашиб, шаҳарни озод қилиш учун қўзғолон бошлайди. Рус қўшинлари Самарқанддаги жанглардан дарак топиб, ортга қайтишга қарор қиласди. Буни эшитган беклар жанг майдонидан чекинади. Аммо шаҳар аҳли вазиятни қўлдан бой бермасликни маъқул кўриб, 7 кун давомида шаҳар ичидаги яхши қуролланган рус гарнizonи билан жанг олиб боради. 7 июнда К. Кауфман бошлиқ рус аскарлари Самарқандни қайта эгаллайди. Уч кун давомида шаҳар талон-тарож қилиниб, бир қисм исёнчиларнинг етакчилари кулга айлантирилган шаҳар бозорида осиб ўлдирилади, қолган қисми эса Бухоро йўли кенглиги бўйлаб бошидан охиригача қатор қилиб териб чиқилиб, аёвсиз отиб ташланади².

Ҳар бир ҳудудни шиддатли қаршилик билан қўлга киритаётгани, айниқса Самарқанд аҳолисининг босқинчиларга қарши исёни, К.П. Кауфманни Бухоро шаҳрини эгаллаш учун жангларни давом эттириш фикридан воз кечишига сабаб бўлади.

1868 йил 23 майда Каттакўрғондан Туркистон генерал-губернатори ва Туркистон ҳарбий округи қўшинларининг қўмондони генерал-адютант фон Кауфман имзоси билан Бухоро амири Саид Музаффар Баҳодурхонга таклиф қиласган сулҳнома шартларининг махфий иловаларида: «Бухоро Амири Жаноби олийлари Русия даволати билан чин дўстликда яшаш ва жаноби аълоҳазрат Русия империяси подшоҳи аъзамнинг ҳо-

¹ Штаб-Капитан Шульц. Занятие города Самарканда (Боевой очерк). На память 25-летия взятия Самарканда. Самарканда. 1893. С.16.

² Очерк военных действий в 1868 года в долине Зарафшана. Санкт-Петербург. С. 127.

мийлигини олиш учун шу йилдаги жанг харажатларини қоплаш учун 125000 тилла миқдорида товоң тўлайди. 125000 тилла пул ё қумуш билан тўланади ва ҳар бир тилла 20 танга ҳисобланади. Жаноби олийлари шу шартларга имзо чеккандан сўнг Русияга тўланадиғон 125000 тилла ҳисобидан зудлик билан 10 минг тилла ундирилади. 90000 тилла 1868 йилда 21 майдан бошлаб 30 кун ичида тўланиши шарт. Қолган 25000 тилла кейинроқ, бир йил ичида тўпланиши керак.

Бухоро амири жаноби олийлари беклар чегарадан Русия давлати худудига ўтуб қароқчилик қиласлигини назорат этади. Улар Русия ҳукумати билан дўстлик муносабатида бўлишлари лозим. Туркистон генерал-губернатори ўз томонидан Русия ва Бухоро билан дўстлик муносабатларини кейинчалик иккала ҳукумат ва давлатнинг баҳт ва саодати йўлида ривожлантириш учун ҳамма чораларни кўради»¹, деб қайд этилган.

1868 йил 24 июня Самарқанд ва Каттақўрғон шаҳарларини ўз ичига олган Шарқий Бухоро худудлари Россия империяси тобелига ўтиб, Зарафшон музофоти тузилади. Эндиликда амирлик худудларининг бошлангич суғориш манбалари бўлган Зарафшон дарёси оқимидан ўтувчи каналларга эга бўлган империя амирлик сиёсий бошқарув тизимни сақлаб қолган бўлса-да, уни иқтисодий жиҳатдан ўзига тўлиқ тобе қилган эди.

Шу ўринда империя маъмурларини сулҳ тузиш олдидан товоң пули тўлангунча Самарқанд ва Каттақўрғон шаҳарлари гаров сифатида музофот таркибиға кириб туриши, ундан сўнг амирликка қайтариб берилиши тўғрисидаги келишувни бузганлигини ҳам қайд этиш жоиз. 1868 йил августида К. Кауфман Петербургга бориб императорнинг ҳузурида берган ҳисботи натижасида Самарқанд ва Каттақўрғонни Бухоро амирига қайтариб бериш фикридан қайтаришга муваффақ бўлади.

1869 йилда Бухоро амирлиги номидан Сайид Абдулфаттоҳ² билан Аҳмад Доњиш иштироқида сулҳ тузиш ва Самарқанд ва Каттақўрғон шаҳарларини қайтариш учун Петербургга элчилар юборилади. Аммо элчилар мақсадига эришмасдан ортга қайтади.

Россия империяси учун босиб олган ушбу шаҳарларга эгалик қилиши, уни сиёсий майдондаги нуфузини ошириш билан бирга, амирликни мунтазам назорат остида ушлаб туришда қўл келган.

Юксак маданият ва тамаддун намунаси бўлган Самарқанд шахри-даги меъморий ёдгорликлар, ўзбек халқининг моддий-маданий,

¹ Батафсил қаранг: <https://e-tarix.uz/vatan-tarixi/203-sulh-shartnomalar.html>

² Сайид Абдулфаттоҳ (1857–1869) – амир Музafferнинг бешинчи ўғли.

илмий мероси талон-тарож қилинади. Ҳашаматли масжид ва мадраса деворларидағи тилла безаклари, рангли мармар кошинлари, тарихий ёзувлар, нақшдор әшик-ромлар үйиб олиниб, харобаларга айлантирилди. Эгалланган бойликтар империя музей, кутубхона ва хазинагоҳларини бебаҳо санъат ва ҳунармандчилик намуналари билан бойитди.

1873 йилда Хива хонлиги мағлуб этилгач, Бухоро амирлиги билан имзоланган савдо шартномаси қайта кўриб чиқилади. Янги имзоланган шартномада қўйилган энг оғир шартлардан бири, амирликни ҳарбий қўшинга эга бўлиш, уни нафақат эркин ташқи сиёсат олиб бориш, балки ўз ҳудудидаги фуқароларни бошқариш хуқуқлари ҳам тўлиқ чекланади.

Хива хонлиги сиёсий мустақиллигининг тугатилиши ва унинг оқибатлари

Маъруфжон Қаюмов

*Наманган муҳандислик технология институти, Ёшлар билан ишилаш
ва маънавий-маърифий ишлар бўйича проректор, тарих фанлари
номзоди.*

Хива хонлиги сиёсий тузуми феодал монархиядан иборат мустақил давлат эди. XIX аср 70-йиллари бошларида Россия Бухоро амирлиги ва Қўқон хонлигини бўйсундиргандан сўнг босқинчилик сиёсатини Хива хонлигига нисбатан давом эттиради.

Кауфман бошчилигидаги катта тажрибага эга бўлган ҳамда замонавий қуролланган рус қўшинлари жиддий қаршиликка учрамасдан Хива хонлигини босиб олдилар.

Хива хонлиги хукмрон доиралари босқинчилар билан бўлган урушда мамлакат мудофаасини уюштиришга бутунлай лаёқатсиз эканликларини кўрсатдилар. Россия армиясига қарши зарба бериш учун катта имкониятларга эга бўла туриб, улардан фойдалана олмадилар. Қўп адабиётларда Хива хонлигини мағлубиятга учрашини сабаби қилиб, унинг ҳарбий қўшинининг қолоқлигига деб кўрсатилади. Тўғри, Хива хонлиги армияси рус қўшинларига нисбатан жуда ёмон қуролланган эди, бироқ ҳимоячиларнинг айrim соҳалардаги имкониятлари рус қўшинлариникидан юқори эди.

Айрим амалдорлар мамлакат учун оғир вазиятда юрт манфаатларидан кўра ўзларининг шахсий манфаатларини устун қўйдилар. Ўзларига топширилган вазифаларга масъулиятсизларча муносабатда бўлдилар. Хонликда босқинчиларга қарши жанг қилишга астойдил киришган кучлар ҳам кўп эди. Аммо уларни ягона куч сифатида бирлаштириб, уюшган мудофаани ташкил этадиган саркардалар бўлмади. Амалдорлар ўртасидаги ўзаро қарама-қаршиликлар, қатъиятсизлик, ўзбошимчаликлар мамлакат мудофаасига катта зарар етказди. Ҳарбий бошлиқларнинг қатъиятсизлиги оқибатида бир қанча шаҳарлар душманга жангсиз таслим бўлдилар.

Уруш ҳаракатлари тамом бўлгач, Россия ва Хива ўртасида сулҳ шартномаси тузилди. Гарчи мазкур шартнома «Тинчлик шартномаси» деб номланса-да, аслида у икки тенг ҳуқуқли давлатлар ўртасида тузилган шартнома бўлмай, балки қурол кучи билан ғолиб келган Россия томонидан хонликни мустамлакага айлантириш ҳақидаги ҳужжат эди. Бутун мамлакати ҳудуди рус қўшинлари томонидан эгалланган, Сайд Муҳаммад Раҳимхон II Кауфманнинг барча талабларини бажаришга, ўзини Россия императорининг содик хизматкори деб тан олишга мажбур бўлди. «Тинчлик шартномаси»га 1873 йил 12 августда рус қўшинларининг Гандимиён боғидаги манзилгоҳида Россия томонидан Кауфман, Хива хонлиги томонидан Сайд Муҳаммад Раҳимхон II имзо чекдилар¹.

18 банддан иборат мазкур шартномага кўра, Хива хонлиги ўзининг сиёсий-иқтисодий мустақиллигини йўқотди. Шартноманинг биринчи бандига биноан Сайд Муҳаммад Раҳимхон II Россия подшосининг вассали деб эълон қилинди. Россия ҳукуматининг Хива хонлигини давлат сифатида тугатмай, хонлик ҳукуматини сақлаб қолишдан мақсади, ўзининг босқинчилик сиёсатини яшириш ва бошқа томондан эса агар хонлик Россия таркибиға қўшиб олинса, унинг ҳудудининг кичикилиги, иқтисодий жиҳатдан заифлиги боис бу ерда сақланиши лозим бўлган маъмурият, ҳарбий қўшинга сарфланадиган маблағлар ва бошқа сарф-харажатлар ўзини оқламайди, деган фикрда әдилар. Россия ҳукмрон доиралари Хива хонлигига ўзларига содик, кучли маҳаллий ҳукуматни сақлаб, уни империя манфаатлари учун хизмат қилдиришни режалаштирган әдилар². Шунингдек, биринчи бандда хон бошқа давлатлар билан Россия

¹ ЎзМА, И-1-фонд, 27-рўйхат, 7-ийғмажилд, 6-варақ.

² ЎзМА, И-1-фонд, 57-рўйхат, 90-варақ.

хукуматининг рухсатисиз ҳар қандай алоқа ўрнатишдан воз кечиши белгиланди. Хива хони қўшни давлатлар билан мустақил дипломатик муносабатлар ўрнатиш хуқуқидан ҳам бутунлай маҳрум этилди.

Шартноманинг иккинчи, учинчи ва тўртинчи бандлари Хива хонлигининг янги чегараларини белгилашга доир эди. Учинчи бандга кўра, хонлик таркибидаги Амударёning ўнг томондаги ерлари ўша ерда яшаётган барча ўтроқ ва кўчманчи аҳолиси билан бирга Россия таркибига ўтди. Бу билан хонлик умумий ер майдонининг ярмидан кўпроғидан, яъни 76 минг кв.км идан маҳрум бўлди. Ўзида ҳаммаси бўлиб 62.237,2 кв.км ер майдони қолди¹. Бу томондаги ерларнинг аввалги эгаларига Амударёning чап соҳилидан ер ажратиб бериш мажбуриятини хон ўз зиммасига олди. Масалан, Матниёз девонбегининг боғи ва унинг атрофидаги ерларга русларнинг ҳарбий истеҳқоми қуришга қарор қилинганди. Хон унга ўша миқдордаги ерни Амударёning чап соҳилидан ажратиб беради². Тўртинчи бандда Россия императорининг хоҳишига биноан Хива хонлигининг Амударё ўнг соҳилидаги ерларининг бир қисми, яъни, Мишоқлидан то Кўгартлигача бўлган ерлари Бухоро амирлиги ихтиёрига берилиши белгилаб қўйилди. Бу билан Россия хукумати икки қўшни давлат, Бухоро ва Хива ўртасига низо солишини мақсад қилиб қўйган эди. Чунки кейинчалик бу икки давлат ўртасидаги муносабатлар яхшиланса, Россиянинг хукмронлигига хавф туғдириши мумкин эди. Бу ерларни Бухоро амирлигига берилишини изоҳлаб Кауфман шундай ёзади: «Амударёning ўнг соҳилидаги Мишоқлидан Кўгартлигача бўлган ерларни қўшиб олишимизнинг ҳеч қандай зарурияти йўқ. Мен бу ерларни Бухоро амири ихтиёрига берсак биз учун қулай ва адолатдан бўлади, деган фикрдаман, биз тарафдан қилинган бундай инъом Хива хонлигига қарши юришимизда сидқидилдан кўрсатган ёрдами учун Бухоро амирига мукофот бўлади ва унда биз ҳақимизда яхши таассурот уйғотади»³. Шу билан бирга, Россия хукумати бу худуддан ўтган савдо йўлларининг хавфсизлигини таъминлашни Бухоро амирлиги зиммасига юклашни ҳам кўзлаганди. «Биз бу ерларни Бухоро амирига бериб, Амударё ҳавзасидаги Россия учун зарур бўлган савдо йўллари хавфсизлигини таъминлаш учун барча мажбурият ва жавобгарликни унинг зиммасига юклаймиз», деб ёзган эди полков-

¹ Садыков А.С. Экономические последствия установленному протектората царской России над Хивинском ханством.: Автореф. дис ... канд. истор. наук. М., 1954. С. 38.

² ЎЭМА, И-1-фонд, 29-рўйхат, 89-йиғмажилд, 86-варақ.

³ ЎЭМА, И-715-фонд, 1-рўйхат, 57-йиғмажилд, 198-варақ.

ник Глуховский¹.

Бешинчи банд Амударёда кемалар қатновига тегишли бўлиб, рус ҳукуматининг рухсатисиз Хива ва Бухоро кемаларининг сузиши тақиқланди. Бу билан рус кемаларининг Амударёда танҳо ҳукмронлиги ўрнатилди. «Биржевие ведомости» газетаси бу ҳақида шундай ёзади: «Шартноманинг бу банди келажакда савдо-сотиқ бутунлай руслар қўлига ўтишини таъминлайди. Дарё бир неча йиллардан сўнг карvon йўлларининг ўрнини эгаллади ва темирийўллар қурилган тақдирда ҳам асосий савдо алоқалари Амударё орқали амалга оширилади»².

Олтинчи бандга биноан, Амударёнинг чап соҳилида руслар ўзлари учун қулай ва зарур деб ҳисоблаган жойларда кемалар тўхтайдиган бандаргоҳлар қуриш ҳукуқига эга эдилар. Улар хавфсизлигини таъминлаш хонлик ҳукумати зиммасига юкланди. Еттинчи банддан ўн учинчи бандгача савдо-сотиқ ва бошқа иқтисодий масалалар белгиланган эди. Бу бандларга кўра, хонликнинг иқтисодий қарамалиги рус савдогарлари ҳамда саноатчиларининг устунлиги ва имтиёзларини ҳимоя қилишга хизмат қилмоғи керак эди. Ана шу нуқтаи назардан келиб чиқиб рус савдогарларига хонликда бир қанча имтиёзлар берилди. Хива хонлигининг барча шаҳар ва қишлоқлари рус савдогарлари учун очиқ деб эълон қилинди. Бутун хонлик бўйлаб рус савдогарлари ва карvonлари эркин юриш ва маҳаллий ҳукуматнинг алоҳида ҳомийлигидан фойдаланиш ҳукуқига эга эдилар. Рус савдо карvonлари ва омборлари хавфсизлигини таъминлаш ҳам хонлик ҳукумати зиммасига юкланди. Хонлик ҳудудида савдо қилувчи рус савдогарлари закот ва бошқа турли хил савдо мажбуриятларидан озод қилинган эди. Хонлик ҳудуди орқали бошқа давлатларга мол олиб ўтувчи Россия фуқаролари ҳам бож тўловларидан озод қилингандилар. Шунингдек, рус савдогарлари хонликнинг барча шаҳарларида ўзларининг ишончли вакилларини тайинлаш ҳукуқига эга бўлдилар. Хива хонлигига рус савдогарлари учун Бухоро амирлигидан ҳам кенгроқ имтиёзлар берилган эди. Бухоро амирлигига рус савдогарлари 2 фоиз бож тўлар эдилар³.

Россия фуқаролари Хива хонлигига кўчмас мулк сотиб олиш ҳукуқига ҳам эга эдилар. Россия савдогарларига Хива хонлигига кат-

¹ Ўша жода. 98-варақ.

² Қаранг: Садыков А.С. Экономические последствия установленного протектората царской России над Хивинском ханством....

³ ЎзМА, И-2-фонд, 2-рўйхат, 377-йғимажилд, 15-варақ.

та имтиёзлар бериб, улар билан хонлик маҳаллий савдогарлари ўртасида нотенг рақобат мұхити вужудга келтирилди. Натижада Хива хонлигининг ташқи савдоси аста-секин рус савдогарлари қўлига ўтди. Маҳаллий савдогарларнинг кўпчилиги уларнинг хонликдаги вакили бўлиб қолганди. Шартноманинг алоҳида эътиборга молик ўн тўртинчи ва ўн бешинчи бандларида Россия фуқароларининг хиваликлар устидан қылган шикояти хонлик ҳукумати томонидан зудлик билан кўриб чиқилиб, шикоятчи фойдасига ҳал этиши белгилаб қўйилди. Рус фуқаролари хонлик ҳудудида жиноят содир этган тақдирда қозилар уларни жавобгарликка тортишга ҳуқуқли эмасдилар. Бунинг натижасида кўп ҳолларда хонликда яшовчи рус фуқаролари жиноят содир этганда, маҳаллий беклар бирон-бир чора кўришга ожиз қолардилар. Ўн олтинчи банд Хива хонлигининг қарам давлатга айланиб, сиёсий мустақиллигини бутунлай йўқотганлигини айниқса ўзида яққол намоён этган бўлиб, унда: «агар рус фуқароларидан жиноят этган бирор киши Хива хонлиги ҳудудига яширинса, уни хонлик ҳукумати ушлаб, яқин орадаги рус маъмурияти ихтиёрига топшириши» қатъий белгилаб қўйилди¹. Шартноманинг ўн саккизинчи банди Россияга Хива хонлиги тўлаши лозим бўлган икки миллион икки юз минг сўм товон пули масаласига тааллуқли эди. Хива хонлиги бундай катта миқдордаги маблағни бирданига тўлаш имкониятига эга бўлмаганлиги боис уни йилига 5 фоиз қўшимчаси билан йигирма йил мобайнида тўлайдиган бўлди.

«Тинчлик шартнома»сига биноан Хива хонлиги ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий жиҳатдан Россияга қарам давлатга айланди. Мазкур шартномада Хива хонлиги ҳуқуқлари Россиянинг Бухоро амирлигини тобеъ мамлакатга айлантирувчи ана шундай шартномага нисбатан бир мунча кўпроқ чекланган эди. Хива хонлигини сиёсий ҳуқуқлари кескин тарзда Россия томонидан чекланганлигини юқори лавозимли рус амалдорлари ҳам алоҳида ғурур билан таъкидлаганлар. Бош штаб капитани В.Гиршфельд ва Амударё бўлими бошлиғи М.Галкин бу ҳақда шундай ёзадилар: «1873 йилдаги шартномага биноан хонликда биз хўжайинмиз, хон эса фақатгина рус подшоси фармонларини итоаткор бажарувчидир... 1873 йилги шартнома бизнинг фуқароларга хонликда кўчмас мулкка эгалик қилиш имкониятлари ни беради. Хиваликларнинг қайиқлари ҳатто чегара чизифи ҳисобланган Амударёда рус ҳукуматининг рухсатисиз суза олмайдилар.

¹ ЎЭМА, И-1-фонд, 27-рўйхат, 7ийғмажилд, 5-варақ.

1873 йилги шартнома билан империя ва рус халқининг куч-қудратини намоён этувчи Россия ва Хива ўртасидаги ўзаро муносабатлар тартиби ўрнатилди. Хонга Ўрта Осиёдаги рус ҳукумати назорати остида Хива халқининг фақатгина ички бошқарув ҳуқуқи қолдирилди¹. Хива хонининг фаолиятини назорат қилиш хонликнинг Амударё ўнг соҳилидаги Россияга ўтган худудида 1873 йил ташкил этилган Амударё округи бошлиғига топширилди. Амударё округининг маркази катта ҳарбий қисм, қурол-яроқ омборлари жойлашган Петро-Александровск истеҳқоми (ҳозирги Тўртқўл шахри) эди. 1874 йилдан “Амударё округи” “Амударё бўлими” деб номланди. Бўлим бошлиғи лавозимига номзод ҳарбийлардан Туркистон генерал-губернаторининг тавсияси билан шахсан император томонидан тайинланган. Унга фон Кауфманнинг 1873 йил 12 авгуустдаги кўрсатмасига биноан кенг ҳуқуқлар берилди. Мазкур кўрсатмада шундай дейилади: «Хонликнинг ички ишлари ҳақида биз доимо хабардор бўлишимиз ва иштирок этишимиз лозим. Сиз... маҳаллий шароит ва вазиятга қараб иш тутинг»².

«Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисидаги низом»га биноан Амударё бўлими бошлиғи маъмурий бошқарув ишлари бўйича Сирдарё вилояти ҳарбий губернаторига бўйсунса-да, бошқа уезд бошлиқларига нисбатан катта ҳуқуқларга эга эди. У бўлимдаги ҳарбий қўшин қўмондони бўлиб, ҳарбий соҳада тўғридан-тўғри Туркистон генерал-губернаторига бўйсунган³. Шунингдек, Амударё бўлими бошлиғи Россиянинг Хива хонлигидаги дипломатик вакили ҳисобланган. Хива хони Россия билан алоқаларни фақат Амударё бўлими бошлиғи орқали олиб борган. Хива хонлигининг Россия манфаати билан боғланган ички ишларига оид бирон-бир масала Амударё бўлими бошлигининг рухсатисиз ҳал этилмаган.

Россия ўзига қарам бошқа ўлкаларга нисбатан Хива хонлигидаги алоҳида мустамлакачилик сиёсатини юритган. Хонликнинг бутун иқтисоди, халқи ва унинг меҳнати, бойликлари, маблағлари мустабид давлат манфаатларига хизмат қилишга бўйсундирилди. Бунга ўн саккиз бандининг ўнтаси Россия ишбилармонлар ҳамда савдогарлари ҳуқуқ ва имтиёзларига бағишлиланган «Тинчлик шартномаси» асос бўлиб хизмат қилди.

¹ Гиршфельд В., Галкин М. Военностатистическое описание Хивинского оазиса. ч. II. Т., 1903. С. 26.

² Терентьев М. История завоевания Средней Азии... Т. II. С. 300.

³ История Узбекской ССР. Т.: Фан, 1968. Т. II. С. 108 .

Хива хонлиги Россиянинг Ўрта Осиёдаги бошқа мустамлакалари қатори унинг саноат маҳсулотлари сотиладиган бозорга айлана борди. Катта имтиёзларга эга бўлган рус савдо-сотиқ доиралари хонликда ўз фаолиятларини кенгайтирдилар. Хива хонлиги шаҳарларида кўплаб савдо фирмаларининг ваколатхоналари очилди.

Улар Хива бозорларини Россияда тайёрланган саноат маҳсулотлари билан тўлдириб ташладилар. Бу эса маҳаллий ҳунармандлар ва косиблар тайёрлаган маҳсулотлар бозорини касод қилди. Қадимдан ривожланиб келган ҳунармандчиликнинг бир қанча турлари – тўқимачилик, ёғ тайёрлаш, металл буюмлар ясаш, косибчилик, ипакчилик оғир аҳволга тушиб қолди. Айниқса, хонликка рус газламаларининг кўплаб келтирилиши маҳаллий тўқимачиликка қаттиқ зарба берди. Маҳаллий газламалар рақобатга дош беролмай ички ва ташқи бозордан тобора сиқиб чиқарилди. Маҳаллий ҳунармандлар Россия саноат маҳсулотлари билан рақобат қилиш учун ўз маҳсулотларини тайёрлашда арzon ва сифатсиз хом-ашёдан фойдалана бошладилар. Бу эса улар тайёрлаган маҳсулотнинг сифатига салбий таъсир қўрсатар эди. Натижада хонликнинг кўплаб ҳунармандлари Россиянинг нисбатан арzon ва сифатли маҳсулотлари рақобатига бардош беролмай, ишлаб чиқаришни қисқартиришга ёки касбларини ўзгартиришга мажбур бўлдилар. Кўплаб ҳунармандлар хонавайрон бўлиб, қашшоқликка юз тутдилар. Уларнинг бир қисми мардикорлик қилишган бўлса, қолгандари завод-фабрикаларнинг ёлланма ишчиларига айландилар.

Хива хонлигига катта миқдорда Россия саноат маҳсулотлари кириб келиши билан бир қаторда, хонлик шаҳарларида рус ишбилар-монлари томонидан саноат корхоналари қурила бошланди. Мустамлакачилар хонликда саноатни ривожлантириш ниятида эмасдилар, улар бундан манфаатдор ҳам бўлмаганлар. Россия маъмурлари хонликда хом-ашёга дастлабки ишлов бериш саноатидан бошқа саноат турларини вужудга келтирмасликка, Россиядан эса хонликка тайёр маҳсулот келтиришга ҳаракат қилдилар. Шунинг учун улар томонидан қурилган корхоналар хом-ашёга дастлабки ишлов берувчи бўлиб, асосан пахта тозалаш, ёғ заводларидан иборат эди.

Россиянинг ҳукмрон доиралари Хива хонлигини фақат рус саноат моллари сотиладиган бозорга айлантириш учун ҳаракат қила бошладилар. 1895 йил 1 январдан Хива хонлиги Бухоро амирлиги билан биргаликда Россия бож тизимиға киритилди. Россия подшоси томонидан имзоланган Хива хонлигини Россия бож тизимиға кири-

тиш қоидаларига биноан хонликка келтирилаётган чет эл моллари божхона постлари орқали бож тўлаб олиб ўтилиши лозим эди. Бож тўламай яширинча олиб ўтилган моллар қўлга тушган тақдирда ноқонуний деб топиб, мусодара этиш белгилаб қўйилди¹.

1895 йил Хива хонлигини Афғонистон ва Эрон билан чегараларига божхона постлари жойлаштирилди. Хива хонлигининг Россия бож тизимиға киритилиши натижасида бу ерга хориждан зарур маҳсулотлар келиши кескин қисқарди.

Божхона тизимидағи ўзгаришлар биринчи навбатда хонлик аҳолисининг турмуш даражасига салбий таъсир қўрсатди. 1895 йилдан кейин хонлик аҳолиси қўп микдорда истеъмол қиласидиган, фақат четдан келтириладиган чой ва бошқа маҳсулотлар нархи Хива бозорларида бир неча баробар ошиб кетди. Аҳоли ўзи учун зарур бўлган маҳсулотларни қиммат нархларда сотиб олишга мажбур бўлди. Хива хонлигининг Россия бож тизимиға киритилиб, унинг ички бозорига айланishi Хива ҳукумати хазинасига ҳам жиддий зарап етказди. Чунки, Хива хонлиги ҳудуди орқали аввалдан жуда фаол амалга оширилган транзит маҳсулот олиб ўтиш ҳам кескин қисқариб кетди. Натижада хон улардан олинадиган бождан келадиган даромаддан ҳам маҳрум бўлди. Шунингдек, Хива савдогарларининг ахволи ҳам оғирлашди. Сабаби улар четдан хонликка мол олиб келганликлари учун ҳам хон хазинасига, ҳам рус божхонасига бож тўлардилар. Рус савдогарлари эса закотдан озод этилган бўлиб, анча имтиёзга эга эдилар. Бундан фойдаланган рус савдогарлари хонликнинг ташқи савдосини ўз қўлларига олдилар.

Россия ҳукуматининг Хива хонлиги иқтисодини ўз манфаатларига хизмат қилишга бўйсундириш маҳсадида амалга оширган ишларидан яна бири пул соҳасида бўлди. Хива хонлиги қарам давлатга айланган пайтда пул зарб қилиш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолган эди. XIX аср охирларига келиб Хива хонлигига фаолият олиб бораётган рус савдо-сотик доиралари Россия ҳукуматига хонлиқдаги маҳаллий пулларни рус пул бирликлари билан алмаштиришни таклиф қилиб бир неча бор мурожаат қилдилар².

Рус ҳукумати ўз фуқаролари манфаатини кўзлаб хонликнинг мустақил пул тизимини тугатган ҳолда рус пулларини жорий қилиш чора-тадбирларини кўрди. Энг аввало муомаладаги Хива пулларини

¹ Тухтаметов Т.Г. Россия и Хива в конце XIX начале XX вв. М.: Наука, 1969. С. 49.

² ЎзМА, И-2-фонд, 1-рўйхат, 204-йиғмажилд, 1-варак; И-2-фонд, 1-рўйхат, 291-йиғмажилд, 99-варак.

қисқартириш ва муомаладан бутунлай чиқариш ниятида товон пулини тангада тұлашни талаб қылди. 1893 йил Хива хонига Россия хукуматининг рухсатисиз танга зарб қилиш тақиқлаб қўйилди.

Хива хонлигининг Россияга қарам давлатга айланishi хонлик аҳолисининг ижтимоий ҳаётига жиддий салбий таъсир қўрсатди. «Тинчлик шартнома»сида қўрсатилган икки миллион икки юз минг сўмлик товон пули оддий халқ елкасига оғир юк бўлиб тушди. Ҳудудининг катта қисмидан ажраб, хазинага тушадиган даромади камайган Хива хони солиқларни ошириб борди. Аввалдан мавжуд бўлган солиқ ва мажбуриятларга янгилари қўшилди.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, XVIII-XIX асрларда Бухоро, Хива, Қўқон хонликлари ўртасида мунтазам давом этиб келган ўзаро низолар охир-оқибатда уларни заифлаштириб, Россиянинг бу хонликларни босиб олиши жаҳолат ва иқтисодий-маданий таназзулни янада чуқурлаштириб юборди. Россия хукумати Хива хонлигида ўз ҳукмронлигини ўрнатиш давомида ва айниқса, ўрнатгандан сўнг аёвсиз талончилик сиёсатини олиб борди. Хонликнинг моддий ва маданий бойликларини талаб, зўрлик билан тортиб олди. Мамлакатнинг бутун иқтисоди Россия манфаатларига хизмат қилишга бўйсундирилди. Хива хонлиги Россия саноат корхоналари учун хомашё етказиб берувчи ўлкага ва тайёр маҳсулотлар бозорига айлантирилди. Қишлоқ хўжалиги, саноат, савдо-сотиқ ана шу асосида ташкил қилинди. Хонлик аҳолисини қолоқликда, хуқуқсизликда сақлаб, уни миллий, сиёсий хуқуқлари топталди.

Россия ва Хива хукуматлари ўртасида тузилган сулҳ шартномасига биноан хонлик империяга қарам давлатга айланди. Хива хонлиги аввалги мавқенини йўқотди. Хива хонлиги иқтисодини Россия манфаатларига бўйсундирилганлиги оқибатида хонлик аҳолисининг аҳволи оғирлашди. Рус саноат маҳсулотларининг кириб келиши маҳаллий хунармандларни хонавайрон қилди. Айниқса, сулҳ шартномасида белгиланган товон пули оддий халқ елкасига оғир юк бўлиб тушди.

Россия империясининг Фарғона водийси уездларида олиб борган зўравонлик сиёсати

Наргиз Қурбонова

Андижон машинасозлик институти доценти, тарих фанлари номзоди

Фарғона вилоятида XX асрнинг бошларида Россия империясининг туб аҳолига нисбатан зўравонлик амалиёти билан бирга, ниҳоятда оғир иқтисодий ва ижтимоий чораларни ҳам қўллашга жиддий эътибор берган, чунки шу услублар, бир томондан, қўзғолонлар, ғалаёнларнинг оқибати сифатида аҳолининг ўзи томонидан англаниши ва қабул қилиниши керак эди; иккинчи томондан, аҳолини, айниқса, дехқонларни кун кечиришдан, тирикчилик ташвишларидан бошқа ҳеч нарсани ўйламайдиган бир аҳволга туширишга хизмат қилиши лозим эди.

Шунинг учун 1904 йилда бошқарув органлари даромад ер солиғини вилоят бўйича 1,5 баробар, маҳаллий солиқни 2 баробар оширган ҳолда кейинги йилларда турли исёнлар, ғалаёнлар, қўзғолонларда, айниқса, фаол ва мунтазам қатнашган қишлоқлар аҳолисидан мазкур солиқлар 3-3,5 баробар кўп миқдорда олиниши белгиланди¹.

Масалан, Марғилон уезди Яккатут волостидаги Хон ариқ қишлоғининг дехқонлари Андижон қўзғолонидан кейин ҳам ғалаёнлар кўтаргани учун уларни моддий жазолаш мақсадида қишлоқ аҳолисидан олинадиган солиқ ва йиғимлар қарийб 4 баробар оширилган². Дехқонларнинг шикоятлари эса 1906 йилгача қабул қилинмаган эди, қабул қилинган тақдирда ҳам эътиборсиз қолдирилган. Бундай муносабат, албатта, туб аҳоли орасида норозилик, нафрат кучайишига сабаб бўлган ва мустамлакачиликка қарши бундай кайфият Биринчи жаҳон уруши арафасида ҳамда урушнинг биринчи ойидаёқ нафақат Фарғона вилояти, балки Туркистон раҳбариятида ташвиш ва хавотир туғдирди. Ўлка генерал-губернатори лавозимида вақтинча хизмат қилган генерал-лейтенант Флуг 1914 йил 12 августда вилоятлар бошлиқларига махфий тарзда «...рус аҳолиси ўзи мудофаа қилиши учун кўриладиган чоралар ва шу сабаб аҳолига бериладиган қурол-яроқлар бетайин қўлларга ўтиб кетмаслиги таклифларини

¹ ЎзМА, И-19-фонд, 1-рўйхат, 26721-йиғмажилд, 11-11-орқа варақлар.

² ЎзМА, И-19-фонд, 1-рўйхат, 26721-йиғмажилд, 11-11-орқа варақлар

тақдим этиш»¹ни топширган. Бунга жавобан Фарғона вилояти ҳарбий губернатори 25 августда ўлка бошлиғига «... рус посёлкаларида 8-12 нафар эркакдан иборат алоҳида командалар тузиш ва уларни қуроллантириш тӯғрисида фармойиш берилди»², деб хабар юборган.

Биринчи жаҳон урушида Россия империяси қўшини дастлабки ойларда анча муваффақиятга эришди ва унга таслим бўлган чет эл ҳарбий асиrlарнинг бир қисми Туркистон ўлкасининг асоси ҳисобланган Сирдарё, Еттисув, Фарғона вилоятларига юборилди, уларни озиқ-овқат, кийим-кечак билан таъминлаш туб аҳолидан олинадиган йифимлар ҳисобидан қопланди. Бундан ташқари, уруш бошланганидан кейин Туркистон ва чўл ўлкаси туб аҳолиси маҳсус ҳарбий солиқ тўлаши жорий қилинган.

Шулардан аён бўладики, туб аҳолининг илгари ҳам оғир бўлган аҳволи 1914-1915 йилларда чидаб бўлмас даражага етди. Туркистоннинг турли минтақаларида, айниқса, Фарғона вилоятида қамал ҳолати, фавқулодда ҳолат ва бошқа қатъий чоралар жорий этилишига қарамай, содир бўлаётган ғалаёнлар, исёнлар янада кучайиши аниқ эди. Шунинг учун ўлка генерал-губернатори ва вилоятларнинг ҳарбий губернаторлари Россия императори томонидан 1915 йил 25 июнда имзоланган фармонни амалга оширишга даставвал жуда катта эҳтиёткорлик билан ёндашган. Июнь ойининг охирида бу масала Туркистон раҳбар ходимларининг кенгashiда муҳокама қилинди ва, асосан, қуийидаги муаммоларга эътибор қаратилди:

1) туб аҳолининг 19-43 ёшдаги эркакларини ҳарбий фронтга яқин минтақалардаги ишларга сафарбар қилиш тартибини белгилаш ва уни маҳаллий газетада эълон этиш;

2) пахта етиштиришни камайтирмаслик мақсадида ва бу борада Фарғона вилояти етакчи ўринга эгалигини ҳисобга олиб, вилоятга белгиланган миқдорни бироз қисқартириб, пахта етиштирмайдиган Еттисув вилоятидан сафарбар этиладиган ишчиларнинг сонини ошириш;

3) урушнинг дастлабки 2 йилида ҳаракатдаги армияга туркманлардан иборат полк жўнатилгани ва ҳарбий-муҳандислик ташкилоти томонидан фронт яқинидаги ишларга Сирдарё вилоятидан 10 минг киши жалб этилгани сабабли ўлка бошлиғига Туркистондан 250 минг эмас, 200 минг эркакни сафарбар этиш таклифини ҳавола қилиш³.

¹ ЎзМА, И-19-фонд, 4-рўйхат, 175-йиғмажилд, 15-варақ.

² ЎзМА, И-19-фонд, 1-рўйхат, 75-йиғмажилд, 20-варақ.

³ ЎзМА, И-19-фонд, 4-рўйхат, 444-йиғмажилд, 15-16-орқа варақлар.

Мазкур кенгашнинг хужжатлари билан бирга, ўлқадаги туб миллатга мансуб эркаклар сони қарийб 3,5 млн. кишини ташкил этаётгани, жумладан, Фарғона вилоятида 1 млн. 172 минг 142 нафар эркак¹ мавжудлиги ҳақидаги маълумотлар генерал-губернаторга тақдим қилинди. Уларга кўра, маҳаллий миллатга тааллуқли эркаклар Андижон уездидаги - 250 645, Кўқон уездидаги - 268 895, Наманган уездидаги - 260 822², Ўш уездидаги - 128 928, Скобелев уездидаги - 262 852 нафар бўлган³.

Охир-оҳибатда Фарғона вилоятидан аввал мўлжалланган 77 минг⁴ эмас, балки 50 минг эркак⁵ император фармонига биноан сафарбар қилиниши белгиланди, ўлка бўйича эса 250 минг киши Россияга жўнатилиши керак эди.

Вилоятда мазкур режа амалга оширилишига биринчилардан бўлиб Марғилон ва Кўқон уездлари туб аҳолиси - нафақат эркаклар, балки аёллар ҳам қаршилик билдиришди. Биринчи навбатда 19-31 ёшдаги эркакларни сафарбар қилиш бошланганда энг йирик қўзғолон Эски Марғилон шаҳрида 1916 йил 10 июлда рўй берди ва казаклар, рус қўшини билан жиддий тўқнашувларда икки томондан, айниқса, маҳаллий аҳоли орасидан қурбонлар, ярадорлар кўп бўлди. Кўқон уездидаги қўзғолонни биринчи бўлиб Аравон волостиning деҳқонлари 8 июлда бошлаб берди, эртасига Шайхлар қишлоғининг имоми Кулмаҳаммад Азизов отга миниб, Бачқир волостиning қишлоқларидағи аҳолига даъват қилди ва жуда кўп одамлар унга қўшилди. Мазкур волостда қўзғолончилардан 20 нафари ҳибсга олинди⁶. Ганжиравон волостидаги деҳқонлар қўзғолонини бостиришга Кўқон уездининг бошлиғи полковник Мединский раҳбарлик қилди ва унинг қўрсатмасига биноан биргина шу волостдан 130 нафар қўзғолончи қамоқقا ташланди⁷. Россия империяси II давлат думасининг собиқ депутати қўқонлик Солижон рус соқчиларига маҳаллий аҳоли ғазабидан қўрқишини маълум қилган ва оиласи билан шаҳарнинг рус қисмига кўчиб ўтган⁸.

Туркистон соқчилик бўлинмаси бошлигининг ёрдамчиси подполковник Розамон-Сошальскийнинг 1916 йил 20 июлда ўз бошлиғига

¹ ЎЗМА, И-19-фонд, 4-рўйхат, 444-ийғмажилд, 106-варак.

² Чуст уездининг худуди 1889 йилда Наманган уездининг таркибига киритилгани сабабли унинг собиқ волостлари бўйича рақамлар келтирилган, холос.

³ ЎЗМА, И-19-фонд, 4-рўйхат, 444-ийғмажилд, 104-орқа варак.

⁴ ЎЗМА, И-19-фонд, 4-рўйхат, 444-ийғмажилд, 105-орқа-106 вараклар.

⁵ ЎЗМА, И-19-фонд, 4-рўйхат, 444-ийғмажилд, 16-орқа варак.

⁶ ЎЗМА, И-19-фонд, 4-рўйхат, 444-ийғмажилд, 16-орқа варак.

⁷ ЎЗМА, И-1-фонд, 31-рўйхат, 1132-ийғмажилд, 152-варак.

⁸ ЎЗМА, И-1-фонд, 31-рўйхат, 1132-ийғмажилд, 153-варак.

юборган расмий ҳисоботида «Фарғона вилоятидаги барча сартларга сабоқ бўлсин учун шу қунларда рўй бераётган қўзғолонлар иштирокчиларининг ерларини мусодара қилиш, ўзларини эса оиласари билан Сибирга умрбод бадарға қилиш лозим деб ҳисоблайман¹.... Умуман Кўқон уездидаги аҳвол хатарли бўлиб қолмоқда ва айфоқчилар русларга сунқасдлар қилиниши ҳамда темирйўл иншоотларига шикаст етказилиши мумкинлиги ҳақида хабар беришмоқда»², – деб ёзган. Айни чоғда мазкур подполковник вилоятда волост бошқарувчилари, қишлоқ оқсоқолларининг аксарияти, Эски Марғилонда эса шаҳар полицмейстери қўзғолончилар томонидан ўлдирилгани ҳақида ҳарбий губернатор генерал-лейтенант Гиппиусга 15 июлда айтганини ҳам қайд қилган³.

Шу билан бирга, мустамлакачи амалдорлар Марғилон, Кўқон, Андижон уездларига қўшимча рус қўшинлари олиб кириш туб аҳоли қўзғолонларини бостиришда катта аҳамиятга эга бўлса-да, аҳоли Тошкент, Самарқанд, Кўқон ва Жиззах шаҳарларнинг аҳолиси фронт яқинидаги ишларга эркакларнинг кетишига йўл қўядими-йўқми, шуни кутмоқда, деб хулоса қилган. Кўзғолончиларни аёллар қўллаб-қувватлагани, руҳлантиргани ўлканинг ҳамма вилоятларида кузатилгани ҳам расмий ҳужжатларда таъкидланган⁴ [17].

Хулоса шундай бўлса-да, Фарғона водийси уездларида туб аҳоли ҳар қанча қаршилик кўрсатмасин, бошқарув органлари ҳарбий қўшинлар, полиция кучлари ёрдамида 19-43 ёшдаги эркакларни Россияга жўнашга мажбур қилишган. Лекин туб аҳолининг шу масала билан боғлиқ ғалаёнлари, қўзғолонлари 1917 йилнинг бошларида ҳам давом этган⁵.

Фарғона водийси шаҳарларнинг маъмурий бошқарув тизими (XIX аср охири – XX аср бошлари)

Хушнудбек Мамадалиев

*Ўзбекистон тарихи давлат музейи илмий ходими,
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)*

Туркистоннинг Тошкентдан бошқа шаҳарларида, ўз-ўзини бошқариш органлари ташкил қилинмаган эди. 1867 йил “Низоми”га

¹ ЎзМА, И-1-фонд, 31-рўйхат, 1132-йиғмажилд, 150-варақ.

² ЎзМА, И-19-фонд, 4-рўйхат, 444-йиғмажилд, 153-варақ.

³ ЎзМА, И -1-фонд, 31-рўйхат, 1132-йиғмажилд, 159-160-(орқа) варақ.

⁴ ЎзМА, И-1-фонд, 31-рўйхат, 1132-йиғмажилд, 162- варақ.

⁵ ЎзМА, И-19-фонд, 4-рўйхат, 1200-йиғмажилд, 92-92-орқа варақлар.

кўра, жамоат-хўжалик ишлари шаҳарларда сайланувчи маҳаллий маъмурият томонидан амалга ошириларди. Шаҳарлар даҳа (шаҳар, туман)га бўлиниб, уларни оқсоқоллар бошқарган. Улар маҳаллалар сайловчилар қурултойи томонидан сайланарди.

Шаҳар оқсоқоллари солиқ йиғиш ва мажбуриятларни тақсимлаш билан машғул бўлган¹. Улар ҳарбий губернатор томонидан тайинланувчи ва шаҳар доирасида полиция хизматини бошқарувчи катта оқсоқолга бўйсунарди. Катта оқсоқолга барча қуий полиция амалдорлари – миршаблар, мираблар ва қозилар бўйсунардилар. Уларнинг барчасига шаҳар аҳолисидан йиғилувчи маблағ ҳисобидан маош тўланган².

Туркистондаги баъзи шаҳар марказларида 1867 йил “Низом лойиҳаси”га мувофиқ, айрим муниципал функцияларга эга бўлган ҳамда турли солиқ ва савдо тушумларини тақсимлаш ва йиғиш билан машғул бўлган жамоат хўжалик муассасалари ташкил қилинди. 1876 йили Янги Марғилон ва Самарқандда шаҳар хўжалик бошқармалари сақлаб қолиниб, қолган шаҳарларда хўжалик бошқарув рус уезд маъмурияти назоратига олинди. Бошқармаларда ҳарбий губернатор томонидан тайинланган рус ҳарбийлари ва маҳаллий савдогарлар вакиллари фаолият кўрсатган³.

Туркистон ўлкаси бошқарувида фақат Тошкент шахри ўзига хос тизимга эга бўлган⁴. Мана шу тизим 1895 йилда Фарғона вилояти ҳарбий губернаторига шаҳар Думаси, шаҳар бошқаруви, унинг бошлиғининг шу тартибда бўлиши Янги Марғилон ва Кўқон шахри учун ҳам тавсия қилинади⁵.

1876 йил 15 июлда Кўқон шахрига мустақил бошқарув ҳуқуқи берилди. Шаҳар бошқарув органларининг тузилишига кўра шаҳар бошлиғи полковник Корольков бўлиб, унга катта ёрдамчи этиб шатбс-капитан В.Л. Попадчиев, кичик ёрдамчи поручик В.И.Забусов, иш бошқарувчи А.Л.Фрайбергер ва И.В.Молоков, таржимон подпоручик Н.Г. Богданов тайинланган⁶. Шу йилнинг декабр ойида икки котибга яна учта ёрдамчи штати ажратилди⁷.

¹ ЎзМА, 19-фонд, 1-рўйхат, 3151-йиғмажилд, 5-5-орқа варақлар .

² Абдураҳимова Н.А., Эргашев Ф.Р. Туркистонда чор мустамлака тизими. Тошкент, 2002. Б. 55.

³ ЎзМА, 17-фонд, 16-рўйхат, 55 -иғмажилд, 101 варақ; 3 рўйхат, 203-иғмажилд, 26-варақ.

⁴ Абдураҳимова Н.А., Эргашев Ф.Р. Туркистонда чор мустамлака тизими... – Б.57–60.

⁵ ЎзМА, 19-фонд, 1-рўйхат, 4612-иғмажилд, 1-2-варақ.

⁶ ЎзМА, 19-фонд, 1-рўйхат, 93-иғмажилд, 2-3-варақ; Туркистон вилоятининг газети, 1876 й, №11, 1-2 б.

⁷ Ўша жойда. 12 варақ.

27 апрель 1877 йилда ҳарбий вазир ва Осиё бўлими бош котибининг Ички ишлар вазирлигига берган 148-кўрсатмасига биноан Фарғона вилояти маркази расмий равишда Кўқондан Янги Марғилонга кўчирилди¹.

Шу муносабат билан Фарғона вилоятининг ҳарбий генерал-губернатори Скобелев 1877 йил 12 майда Туркистон генерал-губернаторига берган маҳсус рапортида “Кўқонда мавжуд бошқарув тизими сақлаб қолинган тақдирда ҳамма штатлар учун ҳар йили 23800 сўм сарфланиш керак, ваҳоланки шаҳар аҳолисидан йифиладиган бир йиллик солик миқдори 11000 рублга тўғри келади. Шунинг учун 1877 йил 1 июнда Кўқондаги алоҳида шаҳар бошқаруви тартиби тугатилиб, шаҳар тўла уезд бошлиғи ихтиёрига ўтказилади”, деб ёзилган эдиз². Ҳақиқатда ҳам шаҳар бошқаруви 1917 йилга қадар уезд бошлиғи ихтиёрида бўлган³.

Шундан сўнг уезд бошқарувига қўшимча 1800 рубл йиллик маош ва 400 рубл бошқа харажатлари билан катта ёрдамчи штати ажратилди. 1000 рубл маош оладиган битта котиб ва 300 рубл маош белгиланган ёзма ҳамда оғзаки (400 рубл маош билан) таржимон лавозими ажратилди⁴. Шаҳардаги суд пристави мансаби бекор қилиниб, унинг вазифаси ҳам уезд маъмуриятига юкланди⁵.

Кўқон уезд бошқармаси қошида эса қўшимча полиция бошқармаси мансаби жорий қилинди. Натижада полиция, суд ва бошқа маъмурий назоратлар уезд бошлиғи ихтиёрига ўтди. Уезд бошлиғи вазифасига Фарғона вилояти ҳарбий губернаторининг 1877 йил 28 майдаги кўрсатмасига кўра полковник Корольков ўрнига майор Ботиров тайинланди⁶.

Унга катта ёрдамчи қилиб штабс-капитан Попадчиков, кичик ёрдамчи қилиб Рогажников, котибликка эса маслаҳатчи Фрайбергер, унга ёрдамчи маслаҳатчи асессори⁷ Молоков ва таржимонликка Богданов ҳамда Николскийлар тайинланди⁸.

1886 йил 12 июлда Россия подшоси «Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисидаги Низом»ни маъқуллади. Мазкур Низом Туркистон

¹ ЎзМА, 1-фонд, 20-рўйхат, 10673-йиғмажилд, 3-варақ.

² Ўша жойда. 11-варақ.

³ ЎзМА, 1-фонд, 16-рўйхат, 1889-йиғмажилд, 38-варақ.

⁴ ЎзМА, 1-фонд, 20-рўйхат, 10673-йиғмажилд, 11-варақ.

⁵ Акрамов В.А. Кўқон шаҳрининг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаёти (XIX асрнинг II ярми ва XX асрнинг бошлари). Тошкент: Ўз ФА тарих институти, 1973. Б. 31.

⁶ ЎзМА, 1-фонд, 20-рўйхат, 10673-йиғмажилд, 8-варақ.

⁷ Чор Россиясида кичик амалдорга берилган 8-даражали унвон ва шу унвон эгаси.

⁸ Ўша жойда. 4-5-варақлар.

ўлкаси ва унинг шаҳарларини чинакам мустамлакага айлантириш, рус сармояси ва ер эгаларига уни талон-тарож қилишларига йўл очиб бериш, ҳар томонлама уларни қўллаб-қувватлаш, ерли аҳолини мустамлакачиларга қарши чиқишлиариға хотима беришни назарда тутди. Бу Низом баъзи қўшимчалар билан 1917 йилга қадар давом этган¹.

Шаҳарнинг сиёсий, хўжалик ва ободончилик, бошқа бошқарувлари ҳам уезд бошлиғи назоратида бўлиб, унга участка приставлари ва шаҳарнинг бой қатламидан сайланган депутатлар ёрдам берган².

Туркистон генерал-губернаторининг 1887 йил 7 майда бўлган кенгashiда депутатларнинг сони ва уларни сайлаш тартиби ҳал қилинди³. Унинг қарорига кўра, Қўқонда 3 депутат сайлаш ҳуқуқи берилди. Улардан иккитаси рус бўлиши керак эди⁴.

Уч йил муддатга сайланган депутатлар, албатта мулқдорлар тоифасидан бўлиши керак эди. 1898 йил 4 июнь сайловида депутатликка дворян И.Н. Волигин, маслаҳатчи асессори И.В. Ортенберг, капитан А.П. Муравьев ва иккинчи гилдия савдогари Ф.А. Евсеев, ерли аҳолидан заводчи бой Олимжон ҳожи Мухаммаджонов ва номзодликка Жон Бобоҷонлар кўрсатилган⁵.

XX асрнинг бошларида Фарғона ҳарбий губернатори Қўқон шаҳрида шаҳар хўжалигининг кенгайиб бориши ва шаҳар бошқаруви органларининг кўпайиб бориши муносабати билан депутатлар сонини ошириш масаласини кўтариб чиқди ва 1906 йил 30 декабрдан бу таклиф тасдиқланди. 1907 йил декбарида шаҳар кенгашига 6 киши сайланди. Улардан 4 нафари рус, икки киши маҳаллий аҳоли вакиллари бўлган⁶. Бироқ бу вакиллар номигагина депутат бўлиб, вазифалари фақат солиқ ва тўловларни йиғишдан иборат бўлган. Бу депутатлар бутунлай уезд бошлиғи ёки участка приставига тобе эдилар.

Шаҳарликларнинг бир неча маротаба генерал-губернаторга мурожаат қилиб, Қўқонни ўлка ижтимоий-иқтисодий ҳаётида ҳар томонлама тутган мавқеини этиборга олиниши ва шу муносабат билан шаҳарга ўз-ўзини бошқариш ҳуқуқини берилиши талаб қилганлари жавобсиз қолган.

¹ Абдурахимова Н.А., Рустамова Г. Колониальная система власти в Туркестане во второй половине XIX – I четверти XX века. Ташкент: Университет, 1999. С. 162.

² Вербовский В.П. Положение об управление Туркестанского края. Ташкент, 1911. – С. 20.

³ ЎзМА, 1-фонд, 16-рўйхат, 1889-йиғмажилд, 36-варақ.

⁴ ЎзРМДА. 17-фонд, 1-рўйхат, 20308-йиғмажилд, 22-варақ.

⁵ ЎзРМДА. 19-фонд, 1-рўйхат, 24952-йиғмажилд, 12, 17-варақ.

⁶ ЎзРМДА. 1-фонд, 12-рўйхат, 977-йиғмажилд, 2-варақ.

Вилоят шаҳарларидаги даҳаларини амин (мингбоши), яъни даҳа оқсоқоли бошқарган. 1886 йил қабул қилинган «Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисидаги Низом»га мувофиқ Фарғона вилояти уездларини участкаларга бўлиш ва уларга раҳбарлик қилиши тайинланган приставларга топширилиши муносабати билан Кўқон уезди ҳам уч бўлимга бўлинди. Биринчи бўлим 10 волост, иккинчи бўлимга 10 волост, учинчи бўлимга “шаҳар атрофи” номи берилиб у Қайнар, Аравон, Ганжиравон волостларидан иборат бўлди¹. 1887 йил 12 июнда вилоят ҳарбий губернаторининг маҳсус фармони билан шаҳардаги тўрт даҳа, яъни Хўжанд, Саримазор, Марғилон ва Қатағон аминликлари ҳам уезднинг учинчи бўлимига қўшиб юборилган².

Аслида подшо ҳукумати Фарғона вилоятидаги шаҳарлар бошқарувини қишлоқ бошқарувига мослаб ташкил этган эди. Шаҳар оқсоқолларини сайлаш қишлоқдаги сайловга ўхшаб ўтар, яъни даҳалар оқсоқоллари ўнбошилар ва элликбошилар томонидан сайлаб қўйиларди. Бу сайловларни участка приставлари, полицместр ёки уезд бошлиғи назорат қилиб борган³. Сайловлар жараёнида тарафкашлик, пора бериш, сайловчиларга тазиик ҳолатлари қўп бўлган. Оқсоқоллар гарчи босқинчилар маъмуриятига тобе бўлсалар-да, олинган солиқ ва тўловларидан 5–10 % миқдоригача ҳақ олганлар. Даҳалар ва участкалар маҳаллий шароитга мос тарзда ўтказмагани боис, баъзан аҳоли икки бўлим оқсоқоллари ва уларнинг гумашталари бўлган 20 та миршабга икки марта тўлов берган ҳолатлари ҳам бўлган⁴. Ҳар бир маҳаллада хонадонлар томонидан сайланган элликбоши (аслида эли боши – Х.М.) турган. Маълумотларга қараганда, Кўқон шаҳрининг Хўжанд даҳасида 42, Саримозорда 29, Марғилон даҳасида 33, Қатағонда 36, ҳаммаси бўлиб 140 нафар элликбоши бўлган⁵.

1896 йилгача оқсоқоллар ишини ҳарбий губернатор томонидан тайинланган ерли аҳолидан бўлган бош оқсоқол назорат қилиб турган. Бош оқсоқол қўлида шаҳарнинг олий полиция назорати ҳам бўлиб, оддий полиция хизматчилари, яъни маҳаллий аҳолидан бўлган миршаблар ҳам бўлган. 23 сентябрь 1896 йил Кўқон уезди бошлиғи полковник Дзеревский вилоят генерал-губернаторига рапорт билан

¹ ЎЗР МА. 1-фонд, 28-рўйхат, 10-ийғмажилд, 274–27- варак.

² ЎЗР МДА.1-фонд, 28-рўйхат, 10, -ийғмажилд, 353 варак.

³ ЎЗР МА. 19-фонд, 1-рўйхат, 700-ийғмажилд, 546 варак олди ва орқаси.

⁴ Пален К.К. Уездное управление. Санкт-Петербург, 1910. С. 9.

⁵ Акрамов В.А. Кўқон шаҳрининг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаёти (XIX асрнинг II ярми ва XX асрнинг бошлари)... – Б. 35.

мурожаат қилиб, унда шаҳардаги полиция хизматини кучайтиришда бош оқсоқол тўсқинлик қилаётганини айтиб, маҳаллий аҳоли устидан нзорат қилишни бевосита рус маъмурияти ихтиёрига беришни таклиф қиласди¹. Таклиф қабул қилингач, бош оқсоқол мансаби бекор қилинди. Энди шаҳар полицееместери аслида шаҳар бошлиғи вазифасини эгаллади. Уларга биринчи ёрдамчи ҳарбий губернатор томонидан тайинланадиган маҳаллий аҳолидан бўлган қўрбоши бўлган. Қўрбошилар фақат эски шаҳар қисмида полиция назоратини амалга оширадилар.

Шаҳардаги полиция хизматидагиларнинг сони ва маошлари доим ошиб борган ва 1897 йил 10 декабрда Фарғона вилоят ҳарбий губернатори берган 13795-рапортига биноан шаҳарда 14 та катта ва 56 та кичик полиция хизматчиси бўлиб, катта ходимлар бир йилга 300 рубл маош ва 300 рубл ҳисобида кийим-бош учун маблағ олган. Полиция хизматчиси эса 150 рубл маош ва 25 рубл ҳисобида кийим-бош олган. Шаҳар катта оқсоқоллари ҳар бири йилига 860 рублдан маош олганлари маълум². Полиция хизматчиларининг моддий таъминоти шаҳар аҳолисининг зиммасига тушиб, у умумий даромаднинг 24.1 % ташкил қилган³.

Кўқон шаҳри тўртта полиция бўлими (участка)га ажратилган эди⁴.

Наманган уезди бошлиғи (маслаҳатчи Мединский) вилоят ҳарбий губернаторига шаҳар полиция хизматини учта бўлимга тақсимланган ҳолда ташкил қилишни таклиф қилган. Унинг таклифига кўра биринчи участкага рус шаҳри (60 хонадон), 3 та пахта тозалаш заводи, хиёбон, лагер, мол бозорлари ва күшхона кирган. Иккинчи бўлим Сардоба, Чуқуркўча оқсоқоллигидан иборат бўлиши керак эди (жами унда 5977 ҳовли бўлган). Учинчи участка Дегрезлиқ, Лаббай тоға оқсоқолликлардан, жами 5491 ҳовлидан иборат бўлиши тавсия этилган⁵.

Архив маълумотларига қараганда, 1877 йилнинг ўзида Андижон уездидаги 20 қози, 65 нафар бий, 72 оқсоқол, 68 овул оқсоқоли, 24 нафар мутавалли, қишлоқларда бўлган 4 нафар қўрбошининг моддий таъминоти шу уезд аҳолисининг ҳисобидан бўлган⁶. Марғilonда эса икки қўрбоши, 7 нафар катта ва 30 нафар кичик полиция ходимла-

¹ ЎзМА, 19-фонд, 1-рўйхат, 5136-йигмажилд, 5-варақ.

² ЎзМА, 19-фонд, 1-рўйхат, 5211-йигмажилд, 13-16-варақ.

³ Полиция безопасности. – Санкт-Петербург, 1910. – С. 196. 5-жадвал.

⁴ ЎзМА, 19-фонд, 1-рўйхат, 3164-йигмажилд, 3-4-варақ.

⁵ ЎзМА, 19-фонд, 1-рўйхат, 7863-йигмажилд, 10-14 варақ; 3163 -йигмажилд, 11-варақ.

⁶ ЎзМА, 19-фонд, 1-рўйхат, 213-йигмажилд, 6-варақ.

ри маош олмаётгандарини уезд бошлиғи ўз маълумотномасида қайд этган¹.

Андижон уездининг бошлиғи ерли аҳоли маъмуриятини моддий харажатларини қоплаш учун қуйидаги режани таклиф қилган:

24 волост бошқарувчиларига 1200 рублдан, 130 та оқсоқол ва огул бошлиқлари учун 150 рублдан, 8 миробга 700 рублдан – жами 53 900 рубл керак бўлган. Бу маблағни у ўтроқ ва кўчманчи аҳолидан олинадиган солиқ (бир ҳовли ва юрта²дан 1 рубл 75 копейка) ва унга қўшиладиган 18 % ли қўшимча ғазна солиғи ҳисобидан олишни тавсия қиласди. Шунда 20 347 та уй ва 11 741 юргадан 56164 рубл тушум бўлар экан. Хирождан 228239 рубл 19 копейка, танобона солиғи 34679 рубл 16 копейка, кўчманчи аҳолидан олинадиган чорва закоти 30454 рубл 12 копейка, савдогарлардан олинадиган закотдан 15284 рубл 36 копейка хазинага тушган. Бошлиқ таклифига биноан яна танобона, закот, саваим, тижорат ва бўрдоқи солиқларининг ҳар бир рублига 18 % лик ғазна солиғи илова қилиниши керак эди. Шу бошлиқ мироблар ва ариқ оқсоқолларга фақат суғориш мавсумида маош беришни тавсия қилиб, ноябр, декабр, январ ва феврал ойларида уларга маош бермасликни таклиф қилган ва бундан анча маблағ тежалишини мамнуният билан таъкидлаган³.

Бироқ худди шундай таклиф билан чиққан Ўш уездининг бошлиғи Иванов ҳар бир рублдан олинадиган 14 % хазина солиғи “аҳоли учун оғир мажбурият”, деб таъкидлайди ва Ўш маҳаллий маъмурияти учун етмайдиган маблағнинг бир қисмини бой уездлар аҳолиси зим масига юклашни тавсия этади. Икки нафар Ўш шаҳар оқсоқоллари маошларини волост управителлари маошлари билан тенглаштиришни таклиф қилган, чунки “Ўш шаҳри санот шаҳри эмас, у қишлоқ хўжалигига мослашган ҳудудлиги таъкидланган. Шаҳар оқсоқолларининг солиқ йиғиши фоалиятлари волостнойлардан кам эмас эди, чунки Ўш уездидаги барча хирож ва танобона солиқлардан тушадиган маблағни вақтида етказиб берган”⁴.

ХХ асрнинг бошларида вилоят шаҳарларида полиция хизмати турли янги бўлимлар ҳисобидан кучайтирилди. 1911 йилга келиб

¹ ЎзМА, 19-фонд, 1-рўйхат, 213-ийғмажилд, 2 варақ; 213-ийғмажилд, 1-15-варақлар.

² Рус маъмурлари юрта деб, юрта, сакля, ертўла, уй-жойларни қабул қилишни таклиф қилганлар. Қаранг: Положение об управлении Туркестанского края. Составил Б.Н. Каплунь. Ташкент: Типо-литография В.М. Ильина, 1903. С. 64.

³ ЎзМА, 19-фонд, 1-рўйхат, 192-ийғмажилд, 1-9-варақлар.

⁴ ЎзМА, 19-фонд, 1-рўйхат, 192-ийғмажилд, 17-варақ; Пален К.К. Городское управление... С. 139-147.

уездларда жиноят қидирув бўлимлари очилди. Бундан ташқари қоровул, назорат, ахборотчилар, узунқулоқлар, турли агентлар полиция хизматида бўлган. 1912 йилда полиция хизматида расман 106 нафар киши бўлган. Полиция ва унинг бошқаруви учун қўшимча 15265 рубл ажратилган.

Россия мустамлакачилик маъмурияти маҳаллий аҳолини муайян масофада ушлаб, ерли аҳолининг тартиб-қоидалари ва турмушини ўзгартирмай туришдан манфаатдор эди. Шу билан маҳаллий аҳоли иқтисодий, сиёсий ва маданий жиҳатлардан европаликларга нисбатан анча қолоқлик ҳолатда тушган эдилар.

Ўлкада суд, фуқаролик ишлари қозилар қўлида эди. Улар шу даврда ҳам барча ишларни шариат асосида олиб боришга ҳаракат қилганлар. Кўчманчи аҳоли орасида эса “одат” бўйича фуқаролар ишлари кўриб чиқилган. Қозилар уч йил муддатга волостларда ўтказиладиган сайловларда сайланганлар¹.

Россия маъмурияти даврида қозиликка бойлар ва маноплар “сайланарди”. 1880 йили Кўқон уездида бўлган қозилар сайловида шаҳар қозилигига маҳаллий бойлардан тўрт нафар: мулла Мавлонқул, Саримсоқ ҳожи Солимхўжаев, Мирза Эшонмирза Исоқов, Эшонхўжа Холхўжаевлар ва уезднинг 22 волостини ҳар бирига жами 26 қози сайланган².

Рус маъмурияти жиноят ишларини қозилар судларида кўриб чиқишини ман қилган эди. Жиноий ишлар фақат рус судларида кўриб чиқилган.

Генерал-губернатор К.П. Кауфман Фарғона вилояти ҳарбий губернаторига берган 1877 йилдаги фармонига биноан “халқ судлари” айбдорларни уч ой муддатгача қамашлари мумкин бўлган. Уч ойдан ортиқ муддатлар эса қозилар илтимоси билан ҳарбий губернатор томонидан ҳал қилинарди³.

Маҳаллий маъмурларнинг ўзбошимчалиги юзасидан аҳоли турли ташкилотларга шикоят билан мурожаат қилганликлари ҳам маълум. 1916 йил 26 октябрда Туркистон генерал-губернатори номига Кўқонда яшовчи 26 нафар киши ариза билан мурожаат қилиб, унда уезд бошлиғи Мединский, унинг ёрдамчиси подполковник Китаев, шаҳарнинг катта оқсоқоли Шоиноят Орипов, Хўжанд даҳасининг оқсоқоли Мирза Маҳмуд Аминовларнинг халқقا қилинаётган зулми,

¹ Бакиров Ф. Чор Туркистонда суд, шариат ва одат. Тошкент: Фан. 1967. Б. 44; Туркистон вилоятининг газети, 1910 й, 31 январ, №9, Б. 2.

² ЎзМА, 19-фонд, 1-рўйхат, 451-ийғмажилд, 110-варак.

³ ЎзМА, 36-фонд, 1-рўйхат, 1584-ийғмажилд, 5-6-вараклар.

зўравонлиги, айниқса порахўрлиги ва нотўғри солиқлар йифаётганликлари, катта бойлик орттирганликлари кўрсатилган¹.

Бундан ташқари, уезд ва шаҳар бошқаруви вазифаларига кишиларни тайинлаш ва сайлашда умумий қуий маъмурий вазифаларни бошқаришда тартибсизликлар ниҳоятда кучайган. 1916 йилги маълумотларга қараганда Кўқон уездиде мавжуд 135 қишлоқ оқсоқоли вазифасига 10 йил ичидаги 278 киши келиб-кетган. Шу йилларда уезддан 23 волост бошқарувчиси лавозими бўлгани ҳолда бу вазифага 32 киши тайинланди, шулардан 7 кишининг иши судга оширилди. Шунингдек, 33 қозидан 11 киши ишдан бўшатилиб, 17 қози нотўғри иш юргизгани учун жавобгарликка тортилган. Умуман эса уезд бошқармаси идорасига 1915 йилга келиб қуий маъмурият устидан 820 марта турли мазмунда шикоятлар тушган². Бу маълумотларни 1916 йил 15 декабрда Фарғона вилоят бошқармаси ва ҳарбий губернаторлиги иштирокида ўтган умумий йиғилишда кўриб чиқилгани ва бу маълумотлар улар томонидан тўғрилиги этироф этилган.

Бошқарув органларининг ҳайъати биргина Кўқон уезди бўйича 1886 йил 9 кишидан иборат бўлса, 1900 йил уезд бошлиғи Ю.Ю. Дзердзевскийнинг Фарғона вилояти ҳарбий губернаторига берган ойлик рапортида унинг ихтиёрида бир ёрдамчи, Бачқир, Кенагас, Конибодом ва шаҳар атрофи бўлимлари учун пристав ва Кўқон шаҳри учун иккита полиция пристави, котиб, иккита хат ташувчи, бир ёзма таржимон, уезд ва шаҳар врачи, ҳамшира, шаҳар меъмори, иккита канцелярия хизматчиси каби ҳаммаси бўлиб 16 вазифада ходимлари бўлганини қайд этган³.

Юқоридаги амалларга асосан рус миллатига мансуб ҳарбийлар жалб қилингани маълум⁴.

Фарғона вилоятида шаҳар бошқаруви 1903 йил низомига мувофиқ қуийдаги тартибда ташкил қилинди⁵. Туркистон ўлкасида вилоят ва уезд бошқарув идораси жойлашган жойлар ҳамда Эски Марғилон, Туркистон, Чуст, Ўратепа ва Панжикентга шаҳар мақоми берилган. Жамоа бошқаруви, хўжалик ва ободонлаштириш ишлари

¹ ЎЭМА 19-фонд, 31-рўйхат, 1162-йиғмажилд, 9-варақ.

² Акрамов В.А. Кўқон шаҳрининг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаёти (XIX асрнинг II ярми ва XX асрнинг бошлари). Б. 41.

³ ЎЭМА 19-фонд, 1-рўйхат, 7110-йиғмажилд, 10-40, 50-60-варақлар.

⁴ ЎЭМА 19-фонд, 1-рўйхат, 7160-йиғмажилд, 71-варақ.

⁵ Пален К.К. Городское управление. Отчет по ревизии Туркестанского края, произведенной о высочайшему повелению Сенатором Гофмейстером Графом К.К. Паленом. Санкт-Петербург: Сенатская типография, 1910. С. 2-237.

уезд бошлиқларига, улар бўлмаган вақтда участка приставлари ихтиёрига берилиган. Участка приставларининг ишини вилоят маҳкамаси ва Ҳарбий губернатор ҳамда шаҳар жамоасидан сайланган депутатлар назорат қилгандар. Агарда уезд бошлиқлари ва участка приставлари шаҳарнинг хўжалик ишларини ҳам бошқарсалар, у ҳолатда уларга шаҳар даромадидан озиқ-овқатлари учун ҳам пул берилиши режалаштирилган.

Эски Марғilonнинг хўжалик бошқаруви ва ободончилик ишлари шаҳар полицеймайстери зиммасига юклатилди ва бу учун унга ортиқча йилига 300 рубл овқатланиши учун пул берилиши кўрсатилди.

Полициянинг олий назорати Ҳарбий губернатор қарори билан ерли аҳолидан бўлган катта оқсоқол зимасига юклатилади ва унга маҳаллий аҳоли орасидан хизматга жалб қилинган полициячилар итоат қилишган. Улар шаҳар бюджети ҳисобидан фаолият олиб боришиган. Катта оқсоқол¹ ва оқсоқоллар маҳаллий аҳолини майда жиноятлари ва хуқуқбузарликлари учун волост бошқаруви ва оқсоқоллари каби жазога тортишлари мумкин. Уларнинг қарорлари устидан етти кун муддатда шаҳар полиция бошлиғи, шаҳар бошлиғи, уезд бошлиғи ёки полицеймesterга арз қилиш мумкин эди.

Шаҳар оқсоқоллари вазифасини эгаллаш учун қўйидаги тартиб жорий қилинди. 1. Оқсоқоллар сайлови шаҳар сайловчилар съездидан волостлар бошлиқларини сайлаш қоида-тартиблари асосида амалга оширилади. 2. Шаҳар сайловчиларини маҳаллалар бўйича волост съездига сайлаш тартиби бўйича катта оқсоқол иштирокида ўтказилади. 3. Уезд бошлиғи шаҳар сайловчиларининг сайлаш жойи ва вақтини белгилайди. Назорат учун қатнашаётганлар сайлов жараёнига аралашмасликлари лозим бўлган.

Шундай қилиб, Фарғона вилоятининг маъмурий тузилиши ишлари XIX асрнинг 90-йилларида бир шаклга келтирилган бўлса-да, вилоятни бошқаришда маъмурий аппарат масаласи 1917 йилгача кўп мунозараларга сабаб бўлиб қолаверган.

Умуман олганда, Фарғона водийси шаҳарларининг маъмурий-худудий бошқаруви ҳарбий бошқарув тизимдан иборат бўлиб, ҳарбий-полиция моҳиятига эга бўлган. Босқинчиларнинг уни “ҳарбий-халқ” ҳокимияти дегани билан унинг зўровонлик ва мустабидлик моҳияти ўзгармай қолди. Буни вилоят бошқарувида ҳар доим фуқаролар ўрнида ҳарбийлар ҳукуматни барча босқичларида эгаллаб келишларидан ҳам билса бўлади.

¹ 1903 йили Эски Марғilonда катта оқсоқол вазифаси бекор қилинди – Х.М.

Француззабон тадқиқотларда инглиз-рус рақобати ва хонликларнинг босиб олиниши масалалари талқини

Дурдона Расурова

ЎзР ФА Тарих институти мустақил тадқиқотчиси,
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошларида Туркистон ўлкаси ва унга боғлиқ масалалар жаҳон миқёсида долзарб аҳамият касб этган. Францияда ҳам ўлкага нисбатан алоҳида эътибор қаратилиб, тадқиқотчилар томонидан олиб борилган изланишлар натижалари мунтазам равишда даврий матбуот саҳифаларида эълон қилинган ва асарлар чоп этилган. Мазкур манбалар таҳлили Туркистон тарихи ва сиёсий ҳаётининг европаликлар томонидан ҳайратланарли даражада кўп ўрганилганлигини кўрсатмоқда.

XIX аср иккинчи ярми - XX аср бошларида Марказий Осиё халқаро майдонда фаол мавқега эга бўлиб, минтақада инглиз-рус рақобати тобора қучайиб борган. Ушбу даврнинг оламшумул воқеалари дунё тарихида ва ғарб адабиётларида “Катта ўйин” (“Great (Grand) Game”) атамаси орқали ифодаланиб, унда дунё етакчи давлатлари манбаатларининг тўқнашуви акс эттирилган.

Минтақада хукмронлик ўрнатиш учун бўлган инглиз-рус рақобати Марказий Осиёни руслар томонидан босиб олиниш жараёнини тезлаштириди. Акс ҳолда инглизлар Афғонистон ва Ҳиндистонда ўз позицияларини мустаҳкамлаб олиш учун Марказий Осиёдан плацдарм сифатида фойдаланиш имкониятини қўлдан чиқармас эди. Бу масала ўша давр француз тадқиқотчиларининг нашрларида ҳам ўз аксини топган эди¹.

Россия империясининг ҳарбий ҳаракатлари натижасида Туркистон уларга тобе худудга айланди. Рус ҳукуматининг Францияга нисбатан хайриҳоҳлиги француззабон тадқиқотчилар учун Туркистонни янгидан кашф этилишига сабаб бўлди. Французлар Марказий Осиё минтақасини энди Ўрта Осиё ибораси билан эмас, асосан “Рус Туркистони” (“Le Turkestan russe”), - деб атай бошладилар. Бу улар томонидан ёзилган мақолалар ва асарларда ҳам акс этган².

¹ Heumann C. Les russes et les anglais dans l'Asie Centrale . Paris, 1885. ; Jonveaux E. Les russes dans l'Asie Centrale. Paris. //Revue des deux mondes. 1867, 15 fevrier. (INALCO); Grenard G. La Chine, l'Angleterre et la Russie en Asie Centrale. Annales de l'école des sciences politiques. Paris, 1897. (INALCO).

² Krafft H. A travers de Turkestan Russe. Paris, Hachette et C^{ie}, 79, B^o Saint-Germain. 1902; Woeikof A. Le Turkestan russe. P: Armand Colin.1914, 360 P; Leprince-Ringuet F. L'avenir de l'Asie russe. P:

Инглиз-рус рақобати ва хонликларнинг босиб олиниши муаммолари ўзига хос геополитик мақсадлар асосида олиб борилганлиги сабабли, ушбу масала тадқиқига сиёсий жараёнлар муаммолари асосида ёндашиш зарур. Бунда тадқиқот олиб борган муаллифларнинг фикрларини холисона баҳолаш талаб этилади.

XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошларида маҳаллий, хорижий даврий матбуотнинг энг жарангдор мавзуси Марказий Осиё ва унда содир бўлаётган жараёнлар бўлган. Бунинг учун асосий эътибор француззабон нашрлар таҳлилига қаратилса-да, уларни қиёсий таҳлил асосида ўрганиш учун маҳаллий нашрларни ҳам истеъмолга киритиш мақсадга мувофиқдир. Бу эса масалани икки томонлама таҳлил қилишга ва холисона хулоса чиқаришга имкон яратади.

Минтақада инглиз-рус рақобатининг кучайиб бориши масалалари Э.Жонво, Ф.Гренар, Луллие, Ф.Мартенс, Э.Реклю, Л.Болье, О.Диаманти, Дэ-Вогюэ каби тадқиқотчиларнинг изланишлари ва нашрларида ўз аксини топган. Мазкур муаллифлар ўз тадқиқотларида ҳарбий экспансия ва мустамлакачилик тизимининг турли жиҳатларини очиб беришга уринган. Кимdir уни иқтисодий жиҳатдан келтирган фойдасини ёритган бўлса, бошқа тадқиқотчи русларнинг мустамлакачилик сиёсатини французларнинг шовинистик руҳи нуқтаи назаридан кўкларга кўтариб ёритган.

Тадқиқотчи Элизэ Реклю томонидан яратилган “Янги умумий география” номли қўп жилдли асарнинг 6 қисми Осиё ҳудудларига (*Рус Осиёсига*) бағишланиб, 1883 йилда рус тилида “Азиатская Россия и среднеазиатская ханства” номи остида таржима қилинган. Асар жуда қизиқарли тартибда ёзилган ва илмий қийматига кўра уни ўша даврдаги сара Европа адабиётлари қаторига киритиш мумкин. Унда айrim хатоликлар ҳам учраса-да, лекин бу Э. Реклю томонидан фойдаланилган асарлар муаллифларининг ҳудудлар ҳақида юзаки билимларга эга эканлигидан далолат беради. Бу ҳақидаги айrim мулоҳазалар даврий матбуот саҳифаларида ҳам қайд этилган.

Э. Реклюнинг фикрича, “*Осиё аҳолисига Европанинг таъсири ҳамон ортиб, бу Европанинг қудратли икки рақобатчи давлати – Англия ва Россиянинг қизиқишлиари билан белгиланади. Осиёда устунликни қўлга киритишга нафақат Англия ва Россия, балки Хитой ҳам уриниб кўр-*

Flammarion. 1951, 244 P; Barrande J.L'Asie centrale russe. Son passé, son présent, Revue de France (Paris), 15 juin, 1 sept., 15 sept., 1 oct., 15 dec. 1877; 1 fevr., 15 mars, 15 juin 1878; Reclus E. L'Asie russe. Nouvelle Géographique Universelle.Vol. 6. P., 1881, 920 p.

моқда. Эртами-кечми шу ҳудуд масаласида қучли рақибга айланади”¹. Демак, муаллифнинг кўрсатма беришича, бу пайтда Марказий Осиё минтақасидаги “Катта ўйин” Англия, Россия ва Хитой каби давлатлар иштироқида олиб борилган.

XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошларида дунёning мазкур етакчи давлатлари ўртасидаги геостратегик манфаатлар тўқнашувида кучлар нисбати қуйидагича изоҳланган: “Бу уч йирик мамлакатлар манфаатларини ҳозирча улкан ҳудудда ястаниб кетган чўллар ажратиб турибди. Ҳарбий жиҳатдан Хитой қолган икки давлатга бўш келади. Шунинг учун яқин келажакда у бу давлатлардан бири билан яқинлашиб олиши даргумон. Хитой урушда ўзининг кўп сонли аҳолиси билан иштирок этиши мумкин. Англияда эса унақа куч ўйқ. У фақат ҳиндларнинг ёлланма аскарларидан фойдаланиши мумкин”². Демак, ҳарбий жиҳатдан кучлар нисбати ҳам тенг бўлмаган ва буни атрофдаги Франция каби кузатувчи давлатлар яхши тушунган.

Олим Э. Реклю инглиз-рус рақобатини минтақадан ташқарида ҳам давом эттиришни темирйўлларнинг қурилиши билан боғлаб ёритади. Бу унинг қуйидаги асосли фикрларида ўз тасдиғини топган: “Англиянинг асосий мақсади осон ва қисқа муддатда Ҳиндистонгача бўлган масофани боғлаш. Лондондан Калькуттагача бўлган йўл кафолатланмаган бўлиб, ён томондан бўладиган Россиянинг ҳужумидан хавфсирамоқда. Лекин асосийси, темирйўлларнинг Ҳиндиқуш остоналаригача давом эттирилиши, инглизларга ўз ҳарбийларини бир неча ҳафта ичида энг олис ҳудудларда ҳам ийға олиш имконини яратади”³.

Тадқиқотчи Э.Реклю минтақадаги геосиёсий қарашларни тасвирлашда ноодатий таассуротлардан фойдаланган: “Сиёсий, диний ва савдоға оид фитналар асосида эртами-кечми ушбу давлатлар ўртасида уруш бошланади. Бундай йирик ўзгаришлар қадимий дунёning марказида амалга оширилади. Маданиятли инсонлар ўзларининг келиб чиқишини боғлаб кўрсатадиган Осиё ҳудудлари Европанинг икки қудратли давлатлари ўртасида сиёсий тўқнашувлар юз берган театрга айланаб қолади. Ишонч билан айтиш мумкинки, Ҳиндистон ва Осиёнинг ғарбий қисмлари охир-оқибатда Ғарб цивилизациялари таъсирига дучор бўлиши муқаррардир”⁴.

¹ Библиография. 6-й том “Новой всеобщей географии” Элизэ Реклю. Азиатская Россия и среднеазиатская ханства // Кавказ. 1885, № 57. Туркестанский сборник Т. 389.

² Библиография. 6-й том “Новой всеобщей географии” Элизэ Реклю. Азиатская Россия и среднеазиатская ханства // Кавказ. 1885, № 57. Туркестанский сборник Т. 389.

³ Ўша ерда.

⁴ Ўша ерда.

Демак, тадқиқотчи Э. Реклю томонидан минтақанинг маданий салоҳияти ва цивилизация намунаси сифатидаги беқиёс ўрни яқин келажакда сиёсий тўқнашувлар юз берадиган майдонга айланиши башорат қилинган ва Марказий Осиёдаги “Катта ўйин” тасвири образли тарзда очиб берилган.

Тадқиқотчи Ф. Гренар (*Joseph-Ferdinand Grenard*) Марказий Осиёдаги экспедицияси таассуротлари ҳақида Париждаги “Сиёсий фанлар мактаби” талабалари учун сўзлаган нутқида Россия, Англия ва Хитой манфаатларининг айнан шарқий Туркистон ва Тибет худудларида тўқнаш келганлигини таъкидлайди¹. Чунки, Шарқий Туркистон ва Тибет Хитой ҳукуматига қарашли бўлганлиги учун ҳам, Россия ва Англия бу худудлардан ўтишда ўзига хос тўсиқларга учраган. Шунинг учун Англия бу соҳада кучли фаолият олиб бориб, 1892 йил Хитой билан, 1895 йил Россия билан трактат имзолашга муваффақ бўлди. Унга мувофиқ Туркистондан Помир орқали Ҳиндистонга ва Ҳиндистондан Қошғарга томон борадиган янги йўлда ҳаракатланишга эришди. Лекин Тибет масаласида Англия анча кучсизроқ эди. 1890 йилда имзоланган трактат унга Ҳимолай тоғининг фақат биринчи чўққисигача чегарада бўлишга, 1893 йилги шартнома эса Джилен дараси ва Лхассадан Калькуттага борадиган йўлда бозор қуришга имкон берди.

Инглиз-рус рақобатини кенг очиб берган нашрлардан яна бири, француз тадқиқотчisi Эмиль Жонво (*Émile Jonveaux, 1819–1871*) томонидан 1867 йил 15 февралда Парижнинг энг нуфузли журнallаридан бири “Revue des deux Mondes”²саҳифаларида эълон қилинган “Руслар ва инглизлар Марказий Осиёда. Сирдарё ва Амударё ҳудудларининг истило қилиниши” номли мақола бўлди.

Э. Жонво томонидан мақолада билдирилган фикрларга раддия сифатида рус журналистлари қуйидагича изоҳ беришган: “Сирдарё ва Амударё ҳудудларининг зabit этилиши” деб номланган сарлавҳанинг берилиши муаллифнинг ўзи фикр юритган масаланинг предмети билан яқиндан таниш эмаслигини англатади. Чунки, биз Амударё ҳудудларини истило қилмадик”³.

¹ Китай, Россия и Англия в Центральной Азии // Туркестанские ведомости. 1897, 5 (17) январь, № 1 (1526). С. 4.

² Jonveaux E. Les russes dans l'Asie Centrale. Paris. //Revue des deux mondes. 1867, 15 fevrier. (INALCO).

³ Толки французов о наших завоеваниях в Средней Азии // Голос, 1867, 30 март. № 90. Туркестанский сборник. Т. 1. С. 245–249.

Руслар ўзларининг ҳарбий ҳаракатларини 1848–1849 ва 1858–1859 йилларда Амударё юқори қисми ва унинг дельтасида А.И. Бутаков томонидан олиб борилган гидрографик тадқиқотлар билан изоҳлашга уринганлар. Бу ишларни фандаги янгиликлар учун қилинган истило деб тушунишни тавсия этишган. Ваҳоланки, бу пайтда А.И. Бутаков тадқиқотларидан қарийб 20 йил ўтган эди. Чунки, бунга ўхшаш масалаларни французлар эътиборсиз қолдиришмаган.

Умуман олганда, бу даврда Европа даврий матбуоти яъни француз, инглиз ва немис тилларида нашр этиладиган газета ва журналларда русларнинг Марказий Осиёдаги ҳаракатлари мунтазам равишда ёритиб борилган. Рус корреспонденцияси уларнинг ҳар бирини жиддий ўрганиб, имкон қадар таҳлилий раддиялар асосида, ёзма тарзда, мақола ва тезислар шаклида жавоб қайтарган. Русларнинг ушбу ҳаракатлари француззабон нашрларни паст савияли, маълумотлари ноаниқ, берилган қўрсатмалари ёлғон ва компилятив характерда ёзилган деган важлар билан қоралаган.

Эмиль Жонвонинг ушбу мақоласига ҳам шу тартибда баҳо берилган: “мақола компиляциядан бошқа нарса эмас. Жуда ҳам совуққонлик билан ёзилган бўлиб, Митчелнинг “The Russians in Central Asia” асаридаги нотўғри тасаввурлар билан бойитилган¹. “Мақоланинг мақсади эса бизнинг Марказий Осиёда кўлга киритганларимиз ҳақида Англияда хавотир уйғотиш ва Россия Ҳиндистонни босиб олади деган айловгага инглизларни ишонтиришдан иборатдир”, – деб баҳо берилади².

Руслар хорижий тадқиқотчиларнинг билдириган фикрларини асосиз эканлигини ифодалаш билан бирга, ўзларининг Марказий Осиёдаги босқинчилик ҳаракатларини қуйидаги иборалар билан оқлашга уринган: “Бизларнинг Ўрта Осиёдаги ҳаракатларимиз ўзимизнинг яқин келажакдаги қизиқишиларимиз асосида олиб борилмоқда. Биз қирғиз даштлари билан чегарарадош ҳудудларда русларнинг мол-мулки ва ҳаётини хавфдан сақлаш, уларнинг дехқончилик ва хунармандчилик билан осойишта шуғуланишларини таъминлаш, савдо карвонларининг таланиши ва русларнинг одам савдосига тортилишига барҳам беришимиз лозим”³.

¹ Толки французов о наших завоеваниях в Средней Азии // Голос. 1867, 30 март. – № 90. Туркестанский сборник. Т. 1. С. 245–249.

² Толки французов о наших завоеваниях в Средней Азии // Голос. 1867, 30 март. – № 90. Туркестанский сборник. Т. 1. С. 245–249.

³ Толки французов о наших завоеваниях в Средней Азии // Голос. 1867, 30 март. – № 90. Туркестанский сборник. Т. 1. С. 245–249.

Демак, рус ҳукумати Марказий Осиёга нисбатан олиб борган ҳарбий ҳаракатларини дашт ўлкаларида яшовчи халқларнинг кўрсатган жабр-зулмларига қарши олиб борилган қаршилик кўрсатиш ҳаракатлари сифатида изоҳлашга уринганлар.

Ваҳоланки, баъзи рус олимлари ҳам инглиз-рус рақобатини тўғри талқин этиб, моҳирона ёритган эди. Улардан бири россиялик профессор Ф.Ф. Мартенснинг Парижда француз тилида нашр этилган “Россия ва Англия Марказий Осиёда”¹ деб номланган асарини кўрсатиш мумкин. Мазкур асар инглиз ва немис тилларига ҳам таржима қилинган. Барон К.Ф. Таубе 1880 йилда уни рус тилига ўгириб, нашр эттирган. Асарнинг катта шуҳрат топишига шубҳасиз, кўтарилиган муаммоларга янги ечимлар таклиф этилганлиги ҳамда муаллифнинг публицист сифатидаги авторитети сабаб бўлган.

Профессор Ф.Мартенснинг тадқиқотинини бир-бирига боғлиқ бўлган икки қисмга бўлиб ўрганиш мумкин: “Биринчиси, ҳали шу пайтгача фан тарихида эътиборга олинмаган зиёли ва варвар халқлари ўртасидаги юридик масала, иккинчиси, Россия ва Англиянинг дипломатик алоқалари ҳамда уларнинг Марказий Осиёдаги позициялари”². Халқаро ҳуқуқнинг йирик мутахассиси бўлган Ф. Мартенс миңтақадаги инглиз-рус рақобатини меъёрий асослар ёрдамида изоҳлайди.

“Ер юзида сўнгги йилларда Болқон ярим оролидан ташқари дунё жамоатчилиги эътиборига сазовор бўлган худуд бу – Марказий Осиёдир. Сўнгги икки йил ичида бу худудда ер шарининг уч йирик империяси – Россия, Англия ва Хитой пайдо бўлиб, улар ўз чегараларини бир-бирларига нисбатан яқинроқ суриб қўйишга ҳаракат қилмоқдалар”³. Шунинг учун ҳам Марказий Осиё дунё сиёsatчиларининг эътиборида бўлиб, бу уч империя чегараларни белгилаб олишда қандай йўл тутиши барча учун бирдек қизиқ бўлган. Бу орада Россия ва Хитой ўртасида янги трактат имзоланди. Шунинг учун ҳам Марказий Осиё масаласи бутун Европа оламида жонли қизиқишиларга сабаб бўлмоқда. Сиёсий арбоблар, савдо ходимлари ва ҳатто тирикчилик ташвишларидан анча узоқ бўлган олимлар ҳам бундан мустасно бўлмаган.

Марказий Осиё ҳақидаги ҳар бир янгиликнинг, ҳар бир нашрнинг катта қизиқиши билан европаликлар жамоасида муҳокама қилини-

¹ Martens F. La Russie et l'Angleterre dans l'Asie Centrale. – Gand, 1879.

² Книга Мартенса // Туркестанский сборник. Т. 24. С.94

³ Петров-Батурич С. Среднеазиатский вопрос. По поводу книги Ф.Мартенса “La Russie et l'Angleterre dans l'Asie Centrale” // Голос. 1879. № 301. Туркестанский сборник. Т. 295.

шининг сабаби ҳам шунда. Ф. Мартенснинг “Россия ва Англия Ўрта Осиёда” номли китоби нафақат жозибали номи билан, балки ундағи сиёсий қарашлар ҳам омманинг эътиборини жалб этган. Ушбу асарда Ф. Мартенс эпиграф сифатида Токвиллнинг қуидаги сўзларини келтиради: “Тамомила янги дунё учун, замонавий сиёсий билимлар зарурдир”.

Ф. Мартенс унда инглиз-рус рақобатининг нафақат нозик қирраларини, балки бошланғич нуқтасини ҳам очиб берган. Чунки, Россиянинг Марказий Осиё томон кириб бориши, гүёки инглизлар худудларига нисбатан уюштирилган тажовуз сифатида баҳоланган. Лекин инглизларда пайдо бўлган бундай ҳадиксирашнинг келиб чиқиш сабаби шу пайтгача Англияда ҳам, Европада ҳам ўрганилмаган эди. Ф. Мартенс томонидан ушбу сабабнинг очиб берилиши, унинг ёзган асарига нисбатан дунё жамоатчилигининг эътиборини тортиб, қадр-қимматини оширган.

Ф. Мартенснинг фикрича сабаб қуидагилардан иборат бўлган: 1856 йилда Париж трактати имзолангандан сўнг, Европада русларнинг Марказий Осиё худудларини босиб олганлиги хусусидаги хабар тарқалди. Туркистон, Чимкент шаҳарлари босиб олиниб, руслар Сирдарёнинг юқори ҳавзаларигача кириб бордилар. Европаликлар, айниқса Англия русларнинг Осиёда кўзлаган нуқтаси Ҳиндистон эканлигига ишона бошлади. Кўқон хонлигининг босиб олиниши билан Россияга нисбатан Европанинг айловлари яна ҳам ортиб борди. Шунда рус ҳукумати Европа билан очиқ мулоқот олиб боришга қарор қилди.

Бу 1864 йил 21 ноябрда князь Горчаков циркулярида баён этилди. Унда қуидаги сўзлар акс эттирилган эди: “*Биз чегараларимиздаги туганмас тартибсизликларга чидашимиз ёки ҳеч қандай амалий на-тижсалар бермайдиган узоқ ва мунтазам экспедициялар уюштириб, давлат харажатларини қўпайтишишимиз ёки нотўғри йўл тутуб Англия каби босиб олишимиз керак*”¹.

1865 йилда Тошкентнинг босиб олиниши, 1866 йили Бухоро амирлиги ва Кўқон хонлигига қарши янги экспедицияларнинг ташкил этилиши ва Хўжанднинг босиб олиниши бутун Европа аҳлини ушбу акт ўз кучини йўқотганлиги ҳақида огоҳлантирди. Буларнинг барчаси Англияда катта шов-шувларга сабаб бўлди ва 1868 йил 2 июля

¹ Петров-Батурич С. Среднеазиатский вопрос. По поводу книги Ф. Мартенса “La Russie et l'Angleterre dans l'Asie Centrale” // Голос. 1879. № 301. Туркестанский сборник. Т. 295.

Генри Роулинсон рус ҳукуматига қуидагича айблов эълон қилган: “*21 ноябрда ёзилган циркулярдаги сўзларнинг сиёҳи қуриб улгурмай, у ерда айтилган сўзлар ва берилган ваъдаларга хилоф иш тутилиб, сўзлар ўлик ҳарфларга айлантирилди*”¹.

Францияликлар учун руслар ҳаётининг барча соҳалари қизиқ бўлган. Россияни ўрганиш дастлаб ажойиб адабиётларни ўқиш асосида олиб борилган бўлса, кейинчалик ташриф буюриб кузатиш имкони ҳам яратилди. 1888 йил 8 декабрда Сен-Симон клуби тадқиқотчи Дэ-Вогю (*Charles-Jean-Melchior, marquis de Vogüé, 1829–1916*) нинг Марказий Осиёдаги таассуротлари ҳақидаги маъruzасини эшитиш учун кўп сонли томошибинларни тўплади². Унинг маърузаси Каспийортидан Самарқандгача чўзилган темирийўл қурилишига бағишланган эди. Бу ўлка энди Европа учун очиқ бўлиб, 1888 йил баҳорда темирийўл қурилиши тугалланган эди.

Муаллиф Дэ-Вогюэ русларнинг мустамлакачилик тузумига мояиллигини қуидагича изоҳлади: “*Мен фақат рус мустамлакачилигига оид масалаларга тўхтамоқчиман. Бақудан Каспий денгизининг шарқий соҳили томон жўнаб кетаётган пароходда Тамбов губерниясидан оиласи билан кўчиб кетаётган бир неча деҳқонларни учратдим. Ўз ватанингиз билан хайрлашишга афсусланмайсизми деганимда, қўли билан Шарққа томон ишора қилинган ҳолда Ватан мен билан бораяпти, – деган жавобни олдим*”³. Деҳқонларнинг бундай жавобидан Дэ-Вогюэ улар Марказий Осиёда баҳтли ҳаёт кечиради ва бутун Россия уларга эргашиб келади деган хулоса чиқарган. Бу русларнинг мустамлакачилик миссиясига билдирилган юқори ишонч белгиси эди. Чунки, муаллифнинг фикрича “руслар барча ерда ўзларини ўз уйларидагидек ҳис этишади”⁴.

Франция академиясининг аъзоси, сайёҳ Дэ-Вогюэнинг фикрича, “*Руслар мустамлакачиликка жуда ҳам лаёқатли халқдир. Бир хил этник бирликка эга бўлган французлар ва инглизлар яхши мустамлакачи бўла олмайди. Улар қўпол бўлганлиги сабабли, тўқнаш келган халқларига нисбатан манманлик муносабатида бўлишади. Биз Хиндистон ва Алжирда гувоҳи бўлганимиз каби, улар ҳукмронлик қилиш,*

¹ Петров-Батурич С. Среднеазиатский вопрос. По поводу книги Ф.Мартенса “La Russie et l'Angleterre dans l'Asie Centrale” // Голос. 1879, № 301. Туркестанский сборник. Т. 295.

² Чтение г.де-Вогюэ О Средней Азии // Туркестанские ведомости. 1889, 10 январь, № 2. С. 6.

³ Чтение г.де-Вогюэ О Средней Азии // Туркестанские ведомости. 1889, 10 январь, № 2. С. 6.

⁴ Де-Вогюэ о русской колонизации в Средней Азии // Туркестанские ведомости. 1889, 3 январь, № 1. С. 3.

күрсатма бериш ва ўзи ҳақида ўқишига мажбур қилиши мумкин. Лекин маҳаллий аҳоли билан тил топишиб, ўзини севдира олиши мумкин эмас. Бундай қобилиятга фақат рус халқи қодир”¹.

Муаллифнинг фикрича бундай мустамлакачилик қобилиялари русларнинг ўз устида мунтазам ишлаб, мукаммаллашиш заруриятидан ҳосил бўлмаган. Бу уларнинг шахсий хизматлари ҳам эмас, балки уларга туғилгандан ато этилган тафаккур тарзи ва ахлоқида мавжуд бўлган характеристерdir.

“Ушбу қобилият рус халқининг ўтмишидаги турли воқеалар ва тарихий жараёнлар орқали шаклланган. Уларнинг бу соҳадаги нозик сиёсати шундаки, маҳаллий халқ орасидаги етакчи шахсларни, ҳукмдорларни ўз лавозимида қолдириб, улар билан мустаҳкам алоқа ўрнатган. Мустамлакачилик сиёсати бўйича биринчилик пальмаси Россияга тегишилдидir”².

Шундан сўнг Де-Богюэ мустамлакачилик тизимида асосий ўрин тутган иқтисодий эҳтиёжларга тўхталиб ўтади. Унинг фикрича, Ўрта Осиё жуда бой ўлка бўлиб, энг муҳим маҳсулотларидан бири пахтадир. Темирйўлларнинг ишга туширилишидан олдин пахтани Россияга олиб кетиш жуда қимматга тушган, шу учун деярли фойдаланилмаган. Лекин темирйўл ишга тушгандан сўнг омборларда Россияга олиб кетиш учун кўп миқдордаги пахта маҳсулоти навбат кутмоқда эди. Бундан Россиянинг умидлари катта бўлиб, пахтанинг осон етказиб берилиши, хорижий рақобатдан қутулишга имкон бериши қўйидагича ифодаланган: “Яқин йилларда бу ўлқада нафақат пахта сақловчи омборлар, балки уни қайта ишлаш фабрикалари ҳам қурилади. Ўлканинг минерал бойликлари ҳам ажойиб бўлиб, бу ерда нефтнинг туганмас захираси мавжуд. Агар ер шарининг 30–40° кенгликларини нефт ҳалқаси деб атасак, Орол-Каспий ҳавзаси ушбу узукнинг қимматбаҳо тоши ҳасобланади”³.

Маърузачи Богюэ сўзининг якунида ўзига шундай савол беради: Буларнинг барчасини Францияга қандай алоқаси бор? Бу ўлкага ўз кучини, ўз савдосини йўналтириши мумкинми? Йўқ. Француз ҳукумати бундай қила олмас эди. Россия бойликларга эга бўлиш ҳуқуқини ўзида сақлаб, хорижий савдони ўзига рақобатчи бўлишига йўл қўймаган. Франция Осиё мамлакатларига савдо муносабатларини ўрна-

¹ Ўша ерда.

² Ўша ерда.

³ Де-Богюэ о русской колонизации в Средней Азии // Туркестанские ведомости. 1889, 3 январь. – № 1. –С.3.

та олмас экан, демак, бу ўлкага бориб, мустамлакачилик сабоқларини ўргансин, деган хulosага келган эди тадқиқотчи.

Маърузачи де-Богюэ сўзининг якунида йиғилганларга мурожаат этиб, уларга ҳам варварларга нисбатан “цивилизациялаштириш” ишларида фаол бўлишга ундейди. Аммо француз дехқонига ўз ери ҳеч қачон торлик қилмаган ва у қизиқарли воқеаларни ўз жойидан қидирган. Дэ-Богюэ генерал Анненковнинг яқин қариндоши бўлганилиги сабабли, маддоҳлик усулида мақола ёзган.

Марказий Осиёда рус мустамлакачилиги ҳақида тадқиқот олиб борган олим Леруа-Больенинг “Янги халқлар колонизацияси” номли асари Франция академиясининг мукофоти билан тақдирланган. Л.Болье асарни ёзишда ўша даврдаги мустамлакачилик тизимини яъни инглизларнинг Ҳиндистондаги, французларнинг Алжирдаги фаолиятини жиддий ўрганганд. Улар ўз навбатида муаллифга бой материал берган.

Л.Болье мустамлака тизимида икки муҳим фактор – маҳаллий халқ таълими ва маҳаллий судларнинг тузилиши масаласига жиддий эътибор қаратган. Бунда тадқиқотчи французларнинг Алжирдаги сиёсатини шарҳлаб, таълим тизими ва суд ҳокимияти фаолиятига тўхталиб ўтган.

Л.Больенинг мустамлакачилик борасида тўплаган тажрибаси ва ижодий фикрлари унинг Марказий Осиё минтақасида рус-инглиз рақобатининг кучайишига бағишлиланган кейинги асарларида акс эттирилган. Бунда мустамлака тизимининг энг майда деталлари ҳам эътибордан четда қолмаган.

Шундай асарлардан яна бири Луллие томонидан “Руслар ва инглизлар Осиёда”¹ номи билан 1869 йил Парижда чоп этилган. Бунда муаллиф Осиёдан ўтадиган барча савдо йўлларида инглизларнинг устунлигини таъкидлаб, бунинг учун француз ҳукуматини қоралайди, ҳатто курашга даъват этган.

Октава Диаманти – Эрондаги Министрлар Кенгашининг собиқ котиби бўлиб, 1892 йилда 2 маротаба Марказий Осиёда бўлган. У Техрон – Баку – Каспийорти – Тошкент йўналиши бўйлаб, саёҳат қилган. Таширифнинг асосий мақсади икки француз ташкилоти (бири молиявий, бошқаси саноат) топширифи билан бўлиб, Каспийорти төмирийўлини Самарқанддан Қўқонгача ва Андижондан Тошкентгача бўлган йўналишда давом эттириш таклифини билдирган².

¹ Lullier. Les Anglais et les Russes dans la haute Asie. Paris, 1869.

² Неофициальный отдел. Ташкент, 30 ноябрь // Туркестанские ведомости. 1892. 1 декабрь. № 48. С. 243–244.

Бириңчи ташриф йилнинг бошида амалга оширилиб, 4 ой давом этган. Парижга қайтганда ушбу маълумотларни ҳомий ташкилотларга етказиб, улардан темирйўли қурилишига розилик олади. Франциялик ташкилотлар маҳаллий ҳукуматга ушбу таклифни билдиришган: “Ушбу ташкилотлардан бири темирйўлни қуришни ўз бўйнига олади, бошқаси эса маблағ ажратади. Бунинг учун маҳаллий ҳукумат облигация таъсис этиши лозим. Уни чиқариш иккинчи молиявий ташкилот зиммасида бўлади. Фақат ўзи истаган ва белгилаган муддатда чиқариши мумкин эди. Темирйўл қурилиши якунлангач, у маҳаллий ҳукуматнинг хусусий мулкига айланади”¹.

Француз ташкилотларининг берган таклифига хulosса билдириш ўлка ҳукуматига боғлиқ бўлмай, у олий ҳукумат ихтиёрига тақдим этилган.

Бу таклифнинг ижобий томони шунда эдики, йўл қурилиши учун сарфланган маблағ кейинчалик ундан тушадиган даромад орқали қопланган. Фойда эса жуда катта бўлиши шубҳасиз.

“Барчага маълумки, Каспийорти темирйўлининг фаолияти кенгайиб бориб, унда ташиладиган юк миқдори ҳам ошиб бормоқда:

1888 й. – 5.586. 181 пуд
1889 й. – 7.116.082 пуд
1890 й. – 9.619.872 пуд
1891 й. – 11.595.085 пуд²”

Бундан ташқари бошқа қўплаб мисоллар келтирилиб Каспийорти темирйўлини Фарғонагача давом эттириш таклифи қўллаб-куватланган.

Марказий Осиёда бўлган ҳар бир тадқиқотчи ёки сайёҳ ўзининг бой таассуротлари ва қўлга киритган илмий янгиликлари билан Париж илмий жамиятларида маъруза ўқиган. Унда қўп сонли томошибинлар жамоаси йиғилиб, улар Туркистон хусусидаги маълумотларни катта қизиқиш билан эшитганлар.

О.Диаманти ҳам 1893 йил 17 марта Париж география жамиятида ўзининг Марказий Осиёдаги саёҳати давомидаги масалалар ҳақида нутқ сўзлаган. Унинг нутқида Россиянинг мустамлакачилик сиёсати оқлаш руҳи кучли эди. Чунки, йирик лойиҳа олиб келган сайёҳ унинг ижобий ечим топиши учун ҳам шундай йўл тутган. Қолаверса, французлар ҳам мустамлакачи давлат бўлганлиги учун ҳар

¹ Де-Вогюэ о русской колонизации в Средней Азии // Туркестанские ведомости. 1889, 3 январь, № 1. С. 3.

² Неофициальный отдел. Ташкент, 30 ноябрь // Туркестанские ведомости. 1892, 1 декабрь. № 48. С. 243–244.

қандай шароитда ҳам ўз ҳамкасларини қўллаб-қувватлаб турган. Бу етакчи давлатларнинг бирдамлигини таъминлаш учун ёрдам берган.

Бу масалада француз тадқиқотчилари ва сиёсий арбобларининг бир ёқлами фикр билдиришларини кузатиш мумкин. Чунки, унинг ғояларида доимо Россия империясини улуғлаш каби фикрларни учратиш мумкин. Табиий ва ижтимоий-иқтисодий фанлар тадқиқотларида француз олимларининг холислик тамойилларини учратиш мумкин. Лекин инглиз-рус рақобати, темирийўл қурилиши каби геосиёсий масалаларда уларни рус ҳукуматига хайриҳоҳ муносабатда эканлигини англаш қийин эмас.

Буни муаллифнинг қуйидаги фикрлари орқали билиб олиш мумкин: “*Фақатгина тараққиёт ва цивилизация олиб кириш учун қилинган истило ўзини оқлайди. Қачонки мағлубларнинг эътиқоди ва анъ-аналари ҳурмат қилинса, вақт ўтиши билан намуна бўлиш орқали ўз ақл-идрокининг устунлигини сингдира олса – фақат ўша ғолибнинг сиёсати тўғри бўлиши мумкин*”¹.

Бундан ташқари, О.Диамантининг маҳаллий аҳолининг барча ютуқларини мустамлакачиларга боғлаб қўрсатиш сиёсати ҳам мавжуд бўлиб, улар француз шовинистик ғояларининг давоми бўлган: “*Цивилизация учун ёпиқ бўлган мамалакатнинг тамомила янгиланиши, қонли урушларга маҳкум бўлган халқларга ҳаётий эркинликларни қайтариш, ер остидаги бойликларини қайта ишлаш орқали саноатни ривожлантириш, сўнгги 30 йил давомида сиёсий иқтисодиёт ва цивилизация, фан нуқтаи назаридан юз берилганларга муносиб шараф Россияга тегишилидир*”².

Француз тарихшунослигида Туркистон тарихини ёритадиган XIX аср охири – XX аср бошларига тўғри келадиган давр фактик ва аналитик материалларга бой саналади. Маълумот алмашиши имкониятлари ошиб, ахборот тезлиги кўпаяди. Тадқиқот мавзулари ва йўналишлари кенгайиб, геосиёсий, иқтисодий, ижтимоий-сиёсий масалалар тадқиқотчиларнинг асосий бош мавзусига айланган эди. Шунингдек, энг қалтис масалалар ҳам шу даврда пайдо бўлиб, уларнинг “Катта ўйин” иштирокчилари бўлган давлатлар томонидан халқаро муносабатлар доирасида ҳал қилиниши ҳар томонлама тинчликнинг таъминланишига асос сифатида хизмат қилган.

¹ Печать О Средней Азии // Туркестанские ведомости. 1893. 9 (21) май. № 35. С. 133.

² Ўша ерда.

Мустамлака даврида Самарқанд шаҳри

Мастура Сидикова

“Ипак йўли” туризм ва маданий мерос халқаро университети
кафедра мудири, тарих фанлари бўйича фалсафа доктори,
(PhD) доц.в.б.

1868 йил май ойида Россия империяси қўшинлари билан Бухоро амирлиги сарбозлари ўртасида Самарқанд остонасидаги Чўпонота тепалигида бўлиб ўтган жанг амир Музффарнинг лаёқатсизлиги боис мағлубият билан яқунланди¹. Самарқанд шаҳар дарвозалари қўчириб ташланди, уни ўраб турган деворлар вайрон қилинди, шаҳар кўрғони (арк) йўқ қилинди². 1868 йил 28 июнда амир Музффар элчиси ва К.П. Кауфман ўртасида тузилган сулҳга кўра, Самарқанд, Каттақўрғон ва Зарафшон дарёсининг юқори қисми Россия империяси тасарруфига ўтди. 1868 йилнинг 24 июнида Самарқанд ва Каттақўрғон бўлимларини ўз ичига олган Зарафшон округи тузилди. 1886 йил 12 июнда «Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисида Низом»нинг қабул қилиниши билан Зарафшон округи Самарқанд вилоятига айлантирилди. Самарқанд шаҳри Самарқанд вилоятининг маркази сифатида белгиланди³.

Россия хукмронлигининг дастлабки йилларидан бошлаб, вилоят ва ўлка бошқаруви асосан ҳарбийлар қўлида эди. Уезд бошқарувида маҳаллий аҳоли вакилларидан тайинланган 5 нафар оқсоқол, 2 нафар старшина, 40 дан ортиқ миршаблардан фойдаланилган⁴. Бу даврда Самарқанд шаҳри сунъий равишда маҳаллий аҳоли яшайдиган «эски» ва рус маъмурлари, ҳарбийлари ҳамда аҳолиси учун қурилган «янги» қисмга бўлиниб қолди. 1891 йил маълумотларига кўра, эски шаҳар 364 десятина 2100 кв.саженни ва янги шаҳар 229 десятина 400 кв.саженни ташкил этган⁵. Янги шаҳарда 25 та кўча мавжуд бўлиб, кўчаларнинг икки четида тераклар, қайрағочлар экилган, 350 та керосинли фонарлар билан ёритилган. Кўчаларга баҳор-ёз ойлари давомида кунига 2 маҳал сув сепилган⁶. Маҳаллий аҳоли яшай-

¹ Зиёев Ҳ. Ўзбекистон мустақиллиги учун курашларнинг тарихи. Т., 2001. Б. 148–149.

² Шишкун В.А. Ўзбекистон шаҳарлари. Т.: ЎзФА нашриёти, 1944. Б. 29.

³ Самарқанд вилоят давлат архиви. 1-рўйхат, 33-ийғмажилд.

⁴ Зияев Д. Ўзбекистон шаҳарлари XIX асрнинг иккинчи ярми – XXаср бошларида. Т., 2013. Б.109.

⁵ Ўша асар. Б. 111.

⁶ Ўша асар. Б. 117.

диган эски қисми Хўжа Аҳрор, Сўзангарон, Пайкобод, Қаландархона ва Яҳудий (Жуҳутон) участкаларидан иборат бўлган.

Шаҳарнинг янги қисми асосан маҳаллий аҳолидан тортиб олинган ер майдонлари ҳисобидан қурилган бўлиб, бу ерда қурилиш ва бунёдкорлик, ободонлаштириш ишлари ҳамда назорат ва тартиб интизомга алоҳида эътибор берилган. Кўчалар, кўпиклар, бозор майдонлари қурилишига салмоқли маблағ сарфланган¹. Шаҳарда пишиқ ғишт ва мустаҳкам қурилиш материалларидан қўплаб икки қаватли бинолар қурилган. Янги шаҳар қисми асосан рус инженерлари томонидан лойиҳалаштирилган², Европа шаҳарсозлигига хос бўлган, Марсел, Санкт-Петербург ва Вашингтон шаҳарларининг планировкасида қўлланилган уч нурли композиция асосида³ готика, барокко, классицизм усулларида бинолар барпо этилган. Марказий хиёбон, шаҳарнинг бош майдони, черковлар, унинг қаршисида Офицерлар уйи, почта биноси, ҳарбий госпитал, банклар, аёллар гимназияси, 87 ўринли 2 та касалхона ва бошқа бинолар қурилган⁴. Архитектор Г.Н. Чабров Самарқанднинг янги қисмидаги қурилиш ҳақида шундай деб ёзган эди. «Шаҳарнинг янги қисмida эски қисмидан фарқли равишда кенг кўчалар, майдонлар, замонавий бинолар, қўкаламзор боғлар мавжуд ва буларнинг барчаси аҳоли⁵ турмуши учун қулай шароит яратиб беради»⁶.

1882 йилда Гирс томонидан ўлка ҳаётини тафтиш қилиш натижаларининг кўрсатишича, Самарқанд, Тошкент каби йирик шаҳарларнинг янги қисмидаги харажатлар эски шаҳар даромадларидан қопланган ва бу ҳол маҳаллий халқнинг норозилигига сабаб бўлган. Чунончи, Самарқанд шаҳрининг янги қисми учун эски шаҳар маблағларидан ҳар йили 4.000 рубл тўлаб келинган⁷. Шаҳарчада 70 га яқин дўйкон ва ёймалар, 2 та пиво, 2 та вино, 1 та ароқ, 2 та минерал

¹ Самарқанд вилоят давлат архиви. 1-рўйхат, 3-ийғмажилд, 16-варақ.

² Манноев С.Б. Ўзбекистон жамоат бинолари меъморчилигига ансамбль ва комплексларнинг шаклланиши. Архитектура бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун тайёрланган дисс. Самарқанд, 2017. Б. 79.

³ Ахмедов М.Қ. Меъморий мерос: Самарқанднома, Темурнома. Т.: «Fan va texnologiya», 2011. Б. 46.

⁴ Ирискулов О. XIX аср охири – XX аср бошларида Самарқанд шаҳрининг меъморчилиги // Моддий-маънавий мерос ва умумбашарий қадрияtlар (レスビリカ илмий-амалий анжумани материаллари). 7-китоб. Т., 2015. Б. 244-247.

⁵ Булар асосан рус аҳолиси учун мўлжалланган.

⁶ Алексеров Ю.Н. Самарқанд. Т., 1975. С. 138.

⁷ Зияева Д.Ҳ. Ўзбекистон шаҳарлари XIX асрнинг иккинчи ярми – XXаср бошларида. Т., 2013. Б. 20.

сув ва лимонад ишлаб чиқарувчи заводлар, этикдўзлик, тиқувчилик устахоналари фаолият юритган¹.

Шаҳарнинг эски қисми эса эътибордан четда қолган. Шаҳар тузилиши анъанавий ҳолатини сақлаб қолган. Ўша давр муаллифи В.И. Масальскийнинг ёзишича, шаҳар эски қисмининг кўчалари тор, эгри-бугри эди. Эски шаҳарда уезд бошлиғининг маҳкамаси, шаҳар хўжалик бошқармаси, жойлашган. Эски шаҳарда 1871 йилда 116 та катта-кичик кўчалар бўлиб, шундан 15 таси текисланиб, дараҳтлар экилган, қолганлари тор ва тупроқ бўлган. Асосий кўчаларга 55 та керосинли ёритгичлар қўйилган². Кейинчалик Самарқанд шахрида аёллар ва болалар шифохонаси, фельдшер пунктлари, 2 та маҳсус аёллар ва болалар амбулаторияси очилган.

Эски шаҳарда этикдўзлар, телпакдўзлар, қулфозлар, заргарлар, мисгарлар, новвойлар, шамсозлар, бўёқ тайёрловчи ҳунармандларнинг ҳам устахоналари мавжуд бўлган. Айрим маълумотларга кўра, Самарқанд аҳолисининг 29 %и мустақил касб-ҳунар эгаси ҳисобланган хўжаликлардан иборат бўлган³. Самарқанд тўкувчилари ўз ишларини енгиллаштириш, тезлаштириш ва маҳсулот сифатини яхшилаш мақсадида тўкув дастгоҳларига янги мослама – моки ўрнатиб, Ўрта Осиё ҳунармандлари орасида илк бор янгиликка қўл урганлар⁴. Зоро, Самарқандда ҳунармандчилик жуда қадимдан ривожланиб келган. Аммо ҳунармандчилик қўл меҳнатига асосланганлиги учун меҳнати жуда оғир, иш ҳақи эса жуда оз бўлган. Ҳунармандларнинг иш вақти 14 соат ва баъзи ҳолатларда 18 соатни ташкил этган. Иш ҳақи эса жуда паст эди. Пахта тозалаш корхоналаридаги ҳунармандларнинг ўртача иш ҳақи йилига 130–184 рублни ташкил қиласган⁵. Бундан ташқари, Россиядан келтирилаётган маҳсулотлар бу турдаги ҳунармандлар маҳсулотларини касодга учратган. Кўплаб ҳунармандлар устахоналари инқизорзга учраб, бошқа ишларга ўтиб кетишган. Жумладан, рус тўқимачилик саноати рақобатига бардош бера олмаган маҳаллий тўқимачилик устахоналари, сенатор Паленning маълумотига кўра, Самарқанд вилоятида 1905–1908 йиллар оралиғида 132 тага қисқарган.⁶

¹ Ўша асар. Б. 117.

² Ўша асар. Б. 110.

³ Жабборов И. Ўзбек ҳалқи этнографияси. Т.: Ўқитувчи, 1994. Б. 114.

⁴ Курахмедов А. XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида Самарқанднинг иқтисодий ва маданий ҳаёти. Т: Фан, 2009. Б. 9.

⁵ Умняков И.И., Алексеров Ю.Н., Михайлова К.М. Самарқанд. Т. 1956. С. 39.

⁶ Мусаев Н. XIX асрнинг II ярми – XX аср бошларида Туркистанда саноат ишлаб чиқаришининг шаклланиши. Т: Иқтисод-Молия, 2008. Б. 43.

Шаҳардаги арzon ишчи кучи ва маҳаллий маҳсулотлардан кенг фойдаланган рус ишбилармонлари мустамлака ерларида турли хилдаги ишлаб чиқариш корхоналарини қура бошлайдилар. Биринчи навбатда улар бу ерда спиртли ичимликлар ва пахта тозалаш корхоналарига катта эътибор қаратадилар. Чунки, чет элда бу икки турдаги маҳсулотларга талаб юқори эди. Ана шундай рус ишбилармонлардан бири Д.Филатов 1870 йилда Самарқанддаги катта майдонли токзорни сотиб олиб, вино заводи қуришни бошлайди.

Самарқандда азалдан вино тайёрлаш иши яхши йўлга қўйилган эди. Чунки, Самарқанднинг иқлими ва топографик, географик, ирригация шароити қулайлиги саноатнинг бу тури равнақ топишига шароит яратган. Филатов заводи 1881 йилда 1200 челак, 1890 йилда 16 000 челак, 1900 йилда 20 000 челак вино маҳсулоти олган¹. 1900 йилга келиб Самарқанд вино ва мусаллас тайёрлаш бўйича Туркистон ўлкасида биринчи ўринга чиқиб олган эди.

Зарафшон воҳасида азалдан ички ва ташқи савдо яхши йўлга қўйилган. Аҳолининг асосий даромад манбаи бозорлар бўлган. Самарқанд, Каттақўрғон, Панжикент, Ўратепа, Янгиқўрғон, Даҳбет, Ургут туманларида савдо-сотиқ қадимдан равнақ топган. Самарқанд бозори шаҳар худудининг 1/3 қисмини ташкил этиб, бир томони Регистон майдонидан Шоҳизинда дарвозасигача, иккинчи томони Қаландархона ва Сўзангарон дарвозаларигача чўзилган эди. Ҳар куни чакана савдо, чоршанба ва якшанба кунлари эса катта бозор бўлган. Шу билан бирга, Самарқанд бозори нон ва нон маҳсулотлари ҳамда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари савдосида етакчи мавқега эга бўлган². 1924 йилда Самарқанд уездидаги 23 та бозор, 8 та савдо майдонлари ва 546 та савдо иншоотлари - дўконлар, киоскалар ва магазинлар мавжуд бўлган³.

Туркистонда мустамлакачиликни мустаҳкамлаш, ўлка хомашёсини Россия ерларига тезроқ ҳамда хавотирсиз етказиш мақсадида темирйўл қурилиб, 1888 йил 20 майда Самарқандга биринчи поезд келди. Каспийорти темирйўлининг Красноводскдан то Самарқандгача бўлган 1818 км узунликдаги қисми салкам 8 йил давомида қурилган⁴. Самарқанд шаҳри темирйўл станциясидан 7 км узоқликда

¹ Сайдкулов Т.С. Самарканد во второй половине XIX – начале XX веков. Самарканд, 1970. С. 141.

² Самарқанд вилоят давлат архиви. 1685-фонд, 1-рўйхат, 3-ийғмажилд, 8-варақ.

³ Самарқанд вилоят давлат архиви. 1685-фонд, 1-рўйхат, 613-ийғмажилд, 18-варақ.

⁴ Совет даврида Самарқандда бирорта ҳам янги линия қурилмаган, шунга қарамай, Самарқанддаги мавжуд темирйўллар Ўзбекистон ССРда муҳим ўрин тутган. Самарқанд станцияси биноси 1980 йилларда қайта қурилиб, замонавий қиёфага кирган.

жойлашган эди. Уларни «Кукушқа» номли тор изли темирийүл боғлаб турган ва кунига 2–3 марта, бир ярим соат вақт оралиғида қатнаган.

1880 йилга оид маълумотларга кўра, Самарқанд шаҳрида 31 та мадраса бўлиб, уларда имом, қози, мирзо ва мударрислар тайёрланган. Мударрис ва талабалар асосан вақф маблағлари ҳисобига яшаганлар. Мадрасалардаги ўқиш уч босқичга бўлинган. Ўқув йили октябрдан бошланиб, апрел-май ойларида тугаган. Ўқиш ҳафтанинг тўрт куни-якшанба, душанба, сесланба ва чоршанба кунлари бўлиб, дарслар эса араб, форс ва туркий тилларда олиб борилган¹.

XIX аср охирларига келиб, Самарқандда жадидларнинг дастлабки «янги усул» мактаблари очилган. Бундай мактабларга Маҳмудхўжа Беҳбудий, Абдулқодир Шакурий ва Ҳожи Муинлар асос солганлар. 1913 йилда Беҳбудий бошчилигида «Самарқанд» газетасининг 44 та сони, «Ойина» журналининг 68 номери босмадан чиқарилган. Аммо молиявий қийинчиликлар сабабли кейинчалик газета ва журналлар чиқариши тўхтаб қолган, мустамлакачи маъмурлар томонидан уларнинг фаолиятига чек қўйилган.

XIX аср охирлари – XX аср бошларида Тошкент шаҳрида қозилик лавозимига сайлов тартиби

Обид Тангиров

*Тошкент ислом институти кафедраси мудири,
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)*

Россия империяси Тошкент шаҳрини босиб олгандан кейинги дастлабки йилларда бошқарувнинг маҳаллий маъмурлари сифатида хонлик давридан қолган лавозимларидан фойдаланган. Маҳаллий амалдорлар ва қозиларни Туркистон вилояти губернатори М.Г. Черняев тайинлаб², назоратга олиб турган. 1868 йил август ойида Тошкент шаҳрининг тўртта даҳасида жами 11518 та хонадон истиқомат қилган³. Туркистон генерал-губернатори К.П. Кауфманнинг 1868 йил 22 январдаги Тошкент шаҳар аҳолиси билан учрашувидаги нутқида шаҳарда оқсоқоллар, ариқ-оқсоқоллари ва қозиларни уч йил муддат-

¹ Курахмедов А. XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошларида Самарқанднинг иқтисодий ва маданий ҳаёти. Т: Фан, 2009. Б. 70–76.

² Зияєва Д. Ўзбекистон шаҳарлари XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида. Тошкент: Yangi nashr, 2017. Б. 36.

³ ЎзМА, И-36-фонд, 1-рўйхат, 449-йиғмажилд, 21–26-варақлар.

га сайлаш тизими жорий бўлишлигини таъкидлаб ўтади¹. Империянинг янги тартиби бўйича қозиларни элликбошилар сайлайдиган, элликбошилар эса даҳаларнинг вакиллари сифатида ҳар бир уй эгалири томонидан сайланадиган бўлди. Сайловлар ўtkазиш давомида шаҳар аҳолисини рўйхатга олиш ва аниқ сонини белгилаб олиш мумкин эди. Бу вазифа эгасининг элликбоши дейилиши шаҳар маҳаллаларидаги элликтacha хонадонга раҳбарлигидан келиб чиқкан.

А. Добросмисловнинг маълумотига кўра, 1868 йил 23 февралда Себзорда даҳа оқсоқоли, қозиси ва ариқ оқсоқоли ҳамда шаҳар бўйича даҳадан умумий хўжалик бошқарувига аъзо сайлаб олинган². Демак, сайланган элликбошилар шаҳарда турли лавозимларга номзодларни сайлаб беришда муҳим рол ўйнаган. Сайланган элликбошилар кейин маҳаллий амалдорларни, жумладан қозиларни сайлаганлар.

Россия империяси ҳукуматининг Туркистонни бошқариш тўғрисидаги қоидаларида йигирма беш ёшдан кичик бўлмаган маҳалла фуқароларининг элликбоши лавозимига сайланиши мумкинлигини белгилаб қўйди³. Шунингдек, элликбошиликка номзодини қўйган шахс империя ёки маҳаллий халқ судларининг терговида бўлмаслиги керак эди. Тошкент шаҳар бошлиғи буйруқларида ушбу лавозимга ҳар иккала (қозилик ва империя судлари) суд ҳукми билан етти кундан ортиқ ҳибсда сақланмаган ва ўттиз сўмдан ортиқ жарима тўлаш жазосини олмаган фуқаролар сайланиши лозим бўлган⁴.

Шаҳарда қозиликка сайлов ўтказилиши юзасидан Тошкент шаҳар бошлигининг буйруғи эълон қилинган. Масалан, 1887 йил 24 мартағи 22-сонли буйруғи бўйича даҳа қозиси ва уларга номзодларни шу йил апрель ойида сайлаши кўрсатилган эди⁵. 1886 йилги “Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисидаги низом”га мувофиқ, кимга қози сифатида фаолият олиб боришига кўп овоз берилса ва уни Сирдарё вилоят ҳарбий губернатори тасдиқласа, шу киши даҳа қозилигига сайланган, деб ҳисобланадиган тартиб ўрнатилади⁶. Сайлов ҳар бир кишига алоҳида овоз бериш тарзида олиб борилган, яъни бир киши бирваракайига барча номзодларга овоз бериши ёки биттасига овоз

¹ Пропащик А.Г. Генерал-адъютант Константин Петрович фон-Кауфман // Туркестанский сборник, Т. 548. Ташкент. С. 19.

² Добросмислов А.И. Ташкент в прошлом и настоящем. Ташкент, 1912. С. 98.

³ ЎзМА, И-36-фонд, 1-рўйхат, 2707-ийғмажилд, 17-варақ.

⁴ Ўша манба, ўша варақ.

⁵ Ўша манба, 17-варақ.

⁶ ЎзМА, И-36-фонд, 1-рўйхат, 2707-ийғмажилд, 17-варақ.

бериб, қолганига қарши овоз бериши мүмкін бўлган. Шунингдек, сайловчиларнинг учдан икки қисми ҳозир бўлганда ҳам сайлов ўтказиш мүмкін эди. Оқсоқолларнинг ҳар биттаси учун элликбошилар алоҳида овоз беришган, яъни қора ва оқ рангдаги соққаларни кўрсатилган сандиққа ташлаган. Бунда элликбоши кўрсатилган қозиликка номзоднинг сандигига оқ рангли соққани ташласа, сайлаганлигини, қора рангли соққани ташласа, сайламаганлигини билдирган¹. Сайлов очиқлик билан тўғридан-тўғри, ошкора ўтказилган.

Элликбошилар қозиларни уч йил муддатга сайлаган. Сайлов ўтказилишидан олдин элликбошилар қозига тўланадиган маошни аҳолидан йиғиб беришга рози бўлгач, сайлов жараёни бошланган². Қозилар қонун доирасида тасдиқлангач, сайловда иштирок этгандар. Қозиликка сайлов жараёнларига империя амалдорлари аралашиб, ўзларининг таъсирларини ўтказишга ҳаракат қилганлар, ўзлари хоҳлаган номзоднинг ғолиб бўлиш чораларини кўриб сайловни сохталаштиришга ҳаракат қилганлар. Сайлов жараёнларига ва маҳаллий амалдорлардан бўлмиш қозиларнинг вазифасига келишига империя хукуматининг бундай аралашуви аҳолининг сайловга ҳамда маҳаллий амалдорларга бўлган ишончини ҳам йўқолишига олиб келган эди. Бу маҳаллий аҳоли хуқуқ тизимини назорат қилувчи қози лавозимининг ҳам бевосита мустамлака хукумат сиёсатига мос равишда иш тутишини тақозо қиласди.

Қозиликка сайлов жараёнлари асосан шаҳардаги даҳаларнинг энг кўп одам йиғиладиган марказий жойларида ўтказилган. Жумладан, Себзор даҳасида кўпинча Бекларбеги мадрасасида, Бешёғоч, Шайхонтоҳур ва Кўкча даҳаларида эса асосан катта жоме масжид ҳовлиларида бўлиб ўтган. Жумладан, 1914 йил январда бўлиб ўтган қозиларга сайлов Себзор даҳаси бўйича Бекларбеги мадрасасида, Шайхонтоҳур даҳаси бўйича “Шайхонтоҳур” масжидида, Бешёғоч даҳаси бўйича “Жоме” масжидида (ҳозирги Хўжа Аҳрор жомеъ масжиби), Кўкча даҳаси бўйича “Тўхтажонбойвачча” масжидида ташкил қилинади³. Шунингдек, сайлов асосан аҳоли энг кўп йиғиладиган ва дам олиш куни ҳисобланган жума кунлари ташкил қилинган. Масалан, 1905 йили Бешёғоч даҳаси қозилигига сайлов февраль ойининг охирги

¹ Тошкент шаҳар Кўкча даҳаси оқсоқол ва қозилигига сайлов // Туркистон вилоятининг газети. 1905. 11-сон. Б. 3-4.

² Себзор даҳаси оқсоқоллигига ва қозилигига сайлов // Туркистон вилоятининг газети. 1905. №12. Б. 3.

³ ЎзМА, И-36-фонд, 1-рўйхат, 6016-йиғмажилд, 4-вараг.

жума куни, Кўкча даҳасида эса кейинги жума куни март ойининг бошида бўлиб ўтади¹.

Тошкент шаҳар ҳокимининг буйруғида кўрсатилишича, агар Сирдарё вилоят ҳарбий-губернатори сайланган қозини тасдиқламаса, қайтадан сайлов ўтказилган². Қозилар уч йил муддатга сайланганда уларга номзод, ўринbosарлар ҳам сайлаб олиниб, улар даҳа қозиси бетоб бўлганда, сафарга кетганда ва бошқа ҳолларда ўнинг вазифасини бажариб турган³. Бу ҳақда Сирдарё вилояти ҳарбий-губернаторининг 1886 йил 13 ноябрда 15096-сонли буйруғида кўрсатилганидек, “агар бирор қози ва ё бий бирор тарафга кетиб қолса ва ё касал бўлса ва ё ўлса, ул вақтда ҳарбий губернаторнинг рухсатлари бўйинча мазкур амалдорнинг лавозиматини адо қилмоқға аларнинг кандидатлари дохил бўладирлар”⁴.

Қозиликка сайловда номзодини қўймоқчи бўлиб, қонун доирасидаги талабларга тўғри келмайдиган баъзи кишилар шаҳар ҳокимидан қозиликка номзодини қўйишини сўраб арз қилиш ҳоллари кузатилган. Масалан, Кўкча даҳасида 1890 йилги қозиликка сайловда иштирок этиш учун қози Абдумавлон мустамлака хукумат суди томонидан маълум сабаб билан 50 сўм жаримага тортилади ва шунинг учун шаҳар ҳокимиға мурожаат қилиб, “мен қози ўғрилик, хиёнат билан ва ё бошқа гуноҳлар билан гуноҳкор қаторида бўлиб штраф тўлаганим йўқ”, деб ўзини оқлашга ҳаракат қиласди⁵.

Қозиликка номзодлар ҳар бир даҳадан турли миқдорда номзодларини қўйганлар. Масалан, 1887 йилги сайловда Шайхонтохур даҳасидан 7 та, Бешёғоч даҳасидан 6 та, Кўкчадан 5 та, Себзор даҳасидан 4 та вакилнинг номзодлари кўрсатилган. Унда Шайхонтохур даҳаси қозилигига Шариф ҳожи қози 97 нафар элликбошининг 77 та овозини олиб ғалаба қозонган бўлса, Бешёғоч қозилигига 68 нафар элликбошидан 49 та овоз олган Одилхўжа қозилик лавозимига сайланган. Кўкча даҳаси қозилигини 77 нафар элликбошидан 63 та овоз олган Абдуллажонбой эгаллайди⁶. Себзор даҳаси қозилигини 4 та номзод орасида 77 нафар элликбошининг 69 та овозини олган Муҳиддин-

¹ Ўша жойда, шунингдек, Тошкент шаҳар Бешёғоч даҳаси оқсоқол ва қозилигига сайлов / Туркистон вилоятининг газети. 1905. № 9. Б. 2-3.

² ЎзМА, И-36-фонд, 1-рўйхат, 3106-иш, 6-варақ.

³ Тошкент шаҳар ҳокимининг 1889 йил 20-декабрдаги № 121-сонли буйруғининг 225-моддасида кўрсатилган. ЎзМА, И-36-фонд, 1-рўйхат, 3106-йиғмажилд, 6-варақ.

⁴ ЎзМА, И-36-фонд, 1-рўйхат, 2707-йиғмажилд, 17-варақ.

⁵ ЎзМА, И-36-фонд, 1-рўйхат, 3106-йиғмажилд, 3-варақ.

⁶ ЎзМА, И-36-фонд, 1-рўйхат, 3106-иш, 38, 41, 48, 54 варақлар.

хўжа эгаллайди¹. 1905 йилги сайловда Себзор даҳасига 72 нафар элликбошининг 59 таси сайлаган Ғуломросул хўжа, Бешёғоч даҳасига 73 нафар элликбошининг 49 таси сайлаган мулло Турсун мударрис қози, Кўкча даҳасига 71 нафар элликбошининг 58 таси сайлаган Ҳожираҳмон мулло Одил Исҳоқбай ўғли даҳа қозиси этиб сайланадилар². Мисол тариқасида кўрсатиш мумкинки, XIX асрнинг 70–90 йилларида Кўкча даҳасида Мулло Умарбек қози, Мулло Боймирзо қози, Абдулла-жон қози, Абдурашидхон қозилар навбат билан қози сифатида сайла-ниб фаолият кўрсатганлар³.

Баъзи ҳолларда империя ҳукумати тасдиғидан ўтмагани учун кўп овоз олган номзод қози вазифасида фаолият олиб бора олмаган. Масалан, 1914 йил Кўкча даҳасида қозиликка бўлиб ўтган сайловда Шофиёс Шоилёс ўғли 89 та сайловчидан 63 та овоз олади. Аммо уни империя ҳукумати тасдиқламайди ва унинг рақиби Абдумалик Абду-наби ўғли Шофиёс Шоилёс ўғлидан камроқ, яъни 56 та овоз йикқан бўлса-да, қози этиб сайланади. 1914 йил 21 январда 37-сонли Сир-дарё вилоят ҳарбий губернаторининг буйруғи билан Абдумалик Абдунаби ўғлини қозиликка, Шофиёс Шоилёс ўғлини унга номзод сифатида тайинлайди⁴. Сайловлар бутунлай адолатли, бир текис бўл-ган деб айтиш қийин. Масалан, баъзи рус манбаларида қозилар сайлов-ларда оддий аҳолига маълум пулларни бериб овоз тўплаш ҳоллари ку-затилган, дейилади ва ҳатто етарли билимга эга бўлмаган номзодлар ғолиб чиққан деб ҳисоблайди⁵. Аммо қозиларга сайлов тизимининг жо-рий этилиши натижасида Туркистон бўйича тажрибасиз қозиларнинг кўпайиши кузатилган бўлса-да, Тошкентда бу ҳолат унчалик сезилмаган⁶.

Империя қонунчилиги бўйича қозиларнинг ўзлари якка тар-тибда аҳолидан тушадиган 100 рублгача бўлган масалаларни кўриб чиқиши мумкинлиги белгиланди. Ундан ортиқ қийматга эга катта масалалар тўртта даҳа қозилари кенгashi (съезд) томонидан ҳал этиладиган бўлди⁷. Бундай кенгашлар бўлиб ўтишидан олдин ўзаро

¹ Ўша манба, 54-варақ.

² Ушбу маълумотларни беришда “Туркистон вилоятининг газети”нинг 1905 йил 9, 11, 12-сонларида эълон қилинган Тошкент шаҳрининг Бешёғоч, Кўкча ва Себзор даҳаларида ҳалқ суди ва оқсоқолларини сайлаш тўғрисидаги хабарларга таянилди.

³ Колониал Туркистонда қозилар дафтари: Тошкент, 1887. / Нашрга тайёрловчилар: Ҳ. Аминов, Ў. Султонов. Тошкент, 2016. Б. 9.

⁴ ЎзМА, И-36-фонд, 1-рўйхат, 6016-ийғмажилд, 8-варақ.

⁵ Медведев Е. Народный суд // Туркестанский курьер. 1908, № 12. // Туркестанский сборник. Т. 478. Ташкент, 1908. С. 100–101.

⁶ Султонов Ў. Тошкент вақф хўжалигида анъаналар, ислоҳотлар ва муаммолар (XVI-XX аср бошлирага оид тарихий ҳужжатлар асосида: Тарих фан. док. ... дисс. Тошкент, 2016. Б. 143.

⁷ Пален К.К. Отчет по ревизии Туркестанского края. Народные суды Туркестанского края. СПб., 1909. С. 7.

сайлов асосида садрнешин(раис)ликка қозилардан биттаси сайлаб олинган. Бунда ҳар бир кенгашда кўриладиган масалалар юзасидан садрнешин бошчилигида ҳукмлар берилган, сайланган садрнешин Тошкент шаҳар ҳокимига маълум қилинган. Мисол тариқасида, “тарихи 1306 йилда 12 сафар ойинда, яъни, 1888 йил 6 октябрда Бешёғоч даҳаси қозиси Одилхўжа эшон Офоқхўжа эшон ўғлини садрнешинликка хоҳлаб сиз ҳурматли ҳокимимизга маълум бўлсин, деб рапурт ёзиб, ростлиғига муҳрларимиз босдук”¹, - дейилган бўлса, “тарихи 1306 йилда 27 сафар ойинда, яъни, 1888 йил 20 октябрда қозилар машварат ва маслаҳат қилиб иттифоқ бирла Кўкча даҳаси қозиси мулло Абдуллахон қози домулло Бобожон қози марҳум ўғлини садрнешин бўлмоқларини хоҳлаб рапурт ёзиб муҳрларимиз босдук”², дейилган. Кейинги қозилик съезди 1888 йил 5 ноябрь куни бўлиб ўтиб, унда ҳам Абдуллахон қози садрнешин бўлган. Демак, қозилар кенгashiда садрнешинликка ҳар бир даҳадан қозилар алмасиб сайланган. Қозилар кенгashi аҳоли орасида ҳам ташкил этилиб, жойлардаги турли масалаларни қўриб чиқиш ҳоллари ҳам кузатилган ва булар сайёр қозилар деб аталган. Масалан, сайёр қозиларнинг умумий кенгashi билан Себзор даҳасидаги йирик мозорлардан бирида мутавалли бўлиб турган Сайдвалихон Абдувалихон ўғли вазифасидан бўшатилади³. Сайёр қозиларнинг фаолияти айнан шу даврда янгилик сифатида киритлмаган, балки олдиндан бу анъанавий қозилик судлари механизмида мавжуд бўлиб, масалалар жойида ҳал этилиши учун зарур бўлган. Мустамлака тузум ўз ҳукмронлигини мустаҳкамлаш мақсадида маҳаллий суд фаолиятини жиддий қузатиб борган ва ҳар бир жараён ҳақида шаҳар ҳокимига маълумот бериб борилган.

Шунингдек, шаҳар аҳолиси ҳам сайланиб фаолият олиб борётган қозилар фаолияти устидан шаҳар ҳокимига мурожаатларини архив ҳужжатларида учратиш мумкин. Тошкент шаҳар ҳокими С.Р. Путенцевга Шайхонтохур даҳасининг Ўқчи, Мерганча, Қиёт, Қорёғди, Баланд масжид, Ғишт масжид, Девонбеги, Олмазор, Қатортепрак маҳаллалари элликбошилари ва фуқаролари аризасида Мерганча маҳалласидан мулло Миряҳё мулло Исо Муҳаммад ўғлини “иғвогарлик ва фасод ва футунлик иш”лар қилмаганлигини, 35 йилдин бери Шайхонтохур даҳасининг қозихонасида “тўғрилик илан хизмат қилиб ва баъзи хилоф шариатга ҳаракат қилғувчиларға насиҳат юзасидан амри маъруф қилиб юрган”лиги келтирилиб, у кишининг ҳалол

¹ ЎзМА, И-36-фонд, 1-рўйхат, 3005-ийғмажилд, 7-варак.

² Ўша манба, 9-варак.

³ ЎзМА, И-36-фонд, 1-рўйхат, 2707-ийғмажилд, 11-варак.

одам эканлиги, ишини ҳам түғри бажарып келганды, шунинг учун ўз ишига қайтиши сүралган¹. Мирихе исмли киши устидан шу даҳадан (Шайхонтохур) бўлган бир қанча “иғвогар” кимсалар шикоятнома билан шаҳар ҳокимиға мурожаат қилиб уни вазифасидан бўшатади. Бошқалари уни ҳимоя қилиб 35 йилдан буён қозихонада ишлаб эл эътиборида эканлиги түғрисида арз билан чиқади. Бундай мурожаатлар Россия империясининг маҳаллий аҳолига қозилар фаолияти устидан шикоят қилиш учун имкониятлар бериб, бу билан ўзларининг аҳоли устидан ҳукмронлик ролини ошириб борганлигини кўрсатади.

Демак, Россия империяси Тошкент шаҳри аҳолисини бошқаришда, суд-ҳуқуқ тизимини тартибга солишда маҳаллий бошқарув анъаналарига таянди. Тошкент шаҳри маҳаллий аҳолисининг ҳуқуқ тизимида ҳам қатор янгиликлар содир бўлди. Шариат қоидалари маҳаллий аҳолининг ҳуқуқий ҳаётини тартибга солиш билан бирга халқнинг эътиқодини ҳам ифода этган. Шунинг учун империя ҳукумати ўзларининг бошқарув сиёсати билан бирга империя ҳуқуқ тизимини маҳаллий аҳоли ижтимоий ҳаётига олиб кириши осон кечмади. Улар анъанавий ҳуқуқ тизими бўлган қозилик судларини халқ судлари сифатида сақлаб қолиб, Россия империяси ҳукуматининг таъсири остида сақлашга интилди. Бунда қозилардан, шунингдек, халқ судларининг ҳукмлари манфаатларига мос келмаган оддий аҳоли вакилларидан фойдаланди. Ҳукумат халқ судларидаги баъзи қатъий жазо турларини енгилроқ жазолар билан алмаштиради. Бу ўзгаришлар маҳаллий аҳолининг баъзи қатламлари манфаатларига мослашиб, аҳоли ишонч билан қараган халқ судлари бевосита империя маъмуриятига бўйсуниши халқнинг юқори идорага мурожаатларини кўпайтириб борди. Аммо бу жараён барча шаҳар аҳолиси ижтимоий ҳаётига чуқур кириб бормаган бўлса-да, халқ онгига эътиқод бўлиб сингиб кетган анъанавий ҳуқуқ нормалари билан бирга суд-ҳуқуқ тизимида давлат ишлаб чиқсан қоидаларга асосланган янги қонунчиликка кўнишиб, мослашиб боришига олиб келди. Империя ҳукмронлиги даврида аҳолининг ҳуқуқий масалаларда турфа хил қонуний асосларга эга тизимларга мурожаат қилиш имконига эга бўлса-да, давлат бошқарувининг асосий мақсади халқ манфаатини ўйлаш бўлмагани учун амалда арз ва шикоятлар аҳоли орасидаги масалалар чуқур ҳал этилмасдан, сансоларлик, ўзибўларчиликка ташлаб қўйилганлигини кузатиш мумкин.

¹ ЎЭМА, И-36-фонд, 1-рўйхат, 2707-йиғмажилд, 92-варақ.

II БОБ. ИҚТИСОДИЙ ЖАРАЁНЛАР

XIX аср охири – XX аср бошларида Туркистанда қишлоқ хўжалигининг аҳволи

Акмал Базарбаев
ЎзР ФА Шарқшунослик институти
тарих фанлари бўйича(PhD) фалсафа доктори

Бугунги қунда Ўрта Осиё иқтисодий тарихини тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этади. Бир қанча маҳаллий ва чет эллик олимлар томонидан тадқиқ этилмоқда. Мазкур олимлар Ўрта Осиё иқтисодий тарихини ўрганишда қишлоқ хўжалигига алоҳида эътибор қаратмоқда. Бу жиҳат айниқса, Ўрта Осиёнинг XIX аср охири – XX аср бошлари иқтисодий тарихига кўпроқ тааллуқлидир. Мазкур мақолада Ўрта Осиё қишлоқ хўжалиги тарихи таҳлил қилинади.

XIX аср охири – XX аср бошларида Ўрта Осиёда мустамлака маъмурияти томонидан анъанавий аграр ва ер муносабатларини ўзгаришига катта таъсир ўтказган тадбирлардан бири бу – ер-солиқ тузилиши номи остида олиб борилган ҳаракатлар эди. Бундай жараёнлар ҳам мустамлака маъмуриятининг дастлабки йилларидан бошлаб амалга оширилган. Буни биринчи бўлиб фон Кауфман бошлаб беради. У 1880 йил априлида Фарғона вилоятида ер-солиқ ишларини олиб бориш учун буйруқ беради¹ ва вилоятда мазкур жараён 1880–1881 йилларда тугатилиши назарда тутилади². Бироқ ер-солиқ ишлари худудда 1886 йилги “Туркистан ўлкасини бошқариш тўғрисидаги Низом” ишлаб чиқилиши арафасида тугатилади³. 1886 йилги низомда бундай услубдаги ер-солиқ тузилиш ишларини дастлаб Сирдарё вилоятининг Тошкент уездидаги Самарқанд вилоятида, кейинчалик Фарғона вилоятида жорий қилиш белгилаб қўйилган эди⁴. Шу сабабли бу тадбир дастлаб Сирдарё вилоятининг Тошкент

¹ Williams D. SM. Land reform in Turkestan // The Slavonic and East European review. Vol. 51, No. 124. Jul. 1973. P. 431.

² Пален К.К. Поземельное-податное дело. Санкт-Петербург, 1910. С. 3.

³ Williams D. SM. Land reform in Turkestan // The Slavonic and East European review. Vol. 51, No. 124. Jul. 1973. P. 431.

⁴ Penati B. Swamps, sorghum and saxauls: marginal lands and the fate of Russian Turkestan (1880–1915) // Central Asian Survey. Vol. 29, No. 1. 2010. P. 64.

уездіда 1887 йил 1 апрелда бошланған ва 1892 йилгача давом этгандың. Ер-солиқ ишлари Самарқанд вилоятининг Жиззах ва Хўжанд уездларида 1901–1907 йилларда олиб борилған². Бу тадбирнинг асосий мақсади бир томондан ўлқадаги ерларни рўйхатга олиш бўлса, бошқа томондан, барча қишлоқ жамоаларидаги ерлардан етиштирилған қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ҳисобини олиб бориш ва шу орқали солиқ миқдорини белгилашдан иборат эди³. Бу ишларни амалга ошириш учун уч марта ер-солиқ ишларига оид инструкция ишлаб чиқилади ва улар амалиётга тадбиқ этилади. Улардан биринчиси 1887 йил 18 марта тасдиқланған бўлиб⁴, 1887–1890 йилларга мўлжалланған эди. Иккинчиси 11 йилга (1891–1901 йиллар) мўлжалланған бўлиб, у 1891 йил 10 апрелда кучга кирган. Сўнги инструкция 1902 йил 4 майда тасдиқланған бўлиб, у 7 йилга мўлжаллаб тузилған⁵. Ушбу инструкция асосида ҳар бир уезддаги хусусий, жамоат ҳамда муҳлатсиз фойдаланиладиган, эгалик қилинадиган ва тасарруф этиладиган ерларни баҳолаш ҳамда улардан олинадиган ер солиғи миқдорини аниқлаш лозим эди⁶.

Бироқ аграр соҳадаги ушбу янги тартиб ўзининг бир қанча камчиликларига эга эди. Жумладан, маҳаллий аҳолининг ерга нисбатан хуқуқи эътиборга олинмаган ёки бошқача айтганда аҳолининг мулк хуқуқи қандай тартибда аниқланиши назарда тутилмаган. К.К. Пален маълум бир хусусий ёки жамоа ерида ер ўлчаш ишларини олиб борганлигини, лекин ушбу ишни қандай ёки нимага асосланған ҳолда олиб бориши тўғрисида ҳеч нарса айтилмаганлигини танқид қиласиди⁷. Аслида бундай норозиликлар ҳудуддаги маҳаллий уламолар ва аҳоли томонидан ҳам билдирилған. Жумладан, Муҳаммад Азиз Марғилоний Туркистандаги бу жараёнлар тўғрисида ёзаркан, уни шундай тасвирлайди: "... бу Алексеюф⁸ тўра ҳокимлик ишини қи-

¹ Пален К.К. Поземельное-податное дело. Санкт-Петербург, 1910. С. 5.

² Ўша жойда. Б. 23.

³ Penati B. Swamps, sorghum and saxauls: marginal lands and the fate of Russian Turkestan (1880–1915) // Central Asian Survey. Vol. 29, No. 1. 2010. P. 64.

⁴ Пален К.К. ер-солиқ тузилишига оид биринчи инструкциянинг тасдиқланиш санаси тўғрисида ўз ҳисоботида иккى хил маълумот беради. У дастлаб ушбу инструкция 1887 йил 19 марта тасдиқланған деса, ушбу ҳисоботининг кейинги бетларида мазкур тартиб 1887 йил 18 марта Генерал-адютант Розенбах томонидан тасдиқланған деб ёзиб ўтади (Пален К.К. Поземельное-податное дело. Санкт-Петербург, 1910. С. 6, 13).

⁵ Пален К.К. Поземельное-податное дело. Санкт-Петербург, 1910. С. 6.

⁶ Савицкий А.П. Поземельный вопрос в Туркестане. Ташкент, 1963. С. 198.

⁷ Пален К.К. Поземельное-податное дело. Санкт-Петербург, 1910. С. 14.

⁸ Марғилон уезди ҳокими.

либ турган маҳалда ҳарбий губернатор фармойиши билан ҳамма экинларни ва қайроқ [ер]ларни таноб тортиб ёзиб, ҳар бир волост қишлоқларининг экинларини аъло, авsat ва адно қилиб, ҳар қайси зотни баёнлаб ёзуб топшурурга областной маҳкамасидан неча минг китобу дафтар келди ва ҳар қайси танобкашларга неча юз ададдан бериб, олганига қўлини қўйдириб, муҳрини бостириб, қўлларига таноб бериб чиқарди. Аввалдан бу танобкашларни дала ва қишлоқларга чиқармасдан бурун ҳар қайси маҳкум [мулк]лардаги катта деҳқон ва инобатлик одамларни ўз амалдор мингбоши ва амалдор қозиси билан маҳкамага чақириб олиб мажлис қилдирди. “Экинларингизни таноб тортириб, бу китоби қароқош дафтарларга ёздириб, анинг юзасидан хазиналик пулларни аҳволга қараб нарх кесиб, пул талаб қилиб олурман ва сизлар нима дерсизлар?”, - дебди. Бўлди ғавфо, жанжал. Фуқаролар: “Бу янги таомул шариатимиизда йўқ, норозидурмиз,” – деб унамадилар”¹.

Шунингдек, аграр муносабатлардаги янги тартиблар Ўрта Осиё хонликлари даврида амалда бўлган ер турларининг ўзгаришига сабаб бўлган. XIX аср охири – XX аср бошларида Туркистонда амлок (давлат) ва вақф ерлар бир қанча ўзгаришлар билан бўлса-да, сақланиб қолганлигини кўришимиз мумкин. Бироқ мулк, яъни хусусий ерлар мазкур даврда мавжуд бўлганми ёки йўқми, деган савол очиқ қолмоқда. 1886 йилги Низомда “хусусий ер” ёки “хусусий мулк” деган иборалар учрамайди. “Туркестанские ведомости” газетасининг 1903 йил 47-сонида айнан мана шу масалага бағишлиланган мақола чоп этилади². «Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисидаги Низом»нинг 255-бандида маҳаллий ўтроқ аҳолининг ерга нисбатан ҳуқуқи маҳаллий одат асосида доимий ва наслдан-наслга ўтиш орқали эгалик қилиниши, фойдаланилиши ва тасарруф этилиши қайд этилган. Бироқ ушбу Низомнинг 259-бандида аҳолининг ердан фақат фойдаланиш ҳуқуқи сақланиб қолиниб, қолган эгалик ва тасарруф этиш ҳуқуқи тушиб қолган. Мақола муаллифи бунга изоҳ бераркан, “европа” ҳуқуқи бўйича эгалик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф этиш мулк маъносини беради, бироқ 259-бандда фақатгина фойдаланиш ҳуқуқи сақланиб қолган, шунинг учун маҳаллий аҳолининг ер ҳуқуқи чегараланган, деб хулоса қиласди. Муаллиф маҳаллий

¹ Мухаммад Азиз Марғилоний. Тарихи Азизий. (Нашрга тайёрловчилар Воҳидов Ш., Сангирова Д.) Тошкент, 1999. Б. 48.

² Права или захват? (К вопросу о поземельной устройстве туземного населения Туркестанского края) // Туркестанские ведомости. 1903. № 47.

аҳолининг ерга бўлган эгалигини тўлиқ мулк ҳуқуқи сифатида қабул қиласликни маслаҳат беради, чунки бу ерда сув ва ариқлардан фойдаланишда чеклаш мавжуд бўлса (низомнинг 256-банди), ўрмон (низомнинг 257-банди) ва ер ости бойликларидан фойланиш ҳуқуқи умуман мавжуд бўлмаган. У мазкур масалага хulosа қилиб, фойдаланиш ҳуқуқида бўлган тўлиқ мулк ҳуқуқидир, деб таъкидлайди¹. Бунга яқин фикрни Туркистондаги ер ислоҳотларни ўрганган дастлабки хорижлик олим Д.С.М. Виллиамс ўз мақоласида таъкидлаб, 1886 йилги “Туркистон ўлқасини бошқариш тўғрисидаги Низом” кучга кириш натижасида ҳудудда мулк ерлари бекор қилинди, деган фикр билдириб ўтади. У фикрида давом этиб шуни айтадики, ер аҳолига бириктириб қўйилган, бироқ Россия империяси қонунларига асосан бу тўлиқ хусусий мулк маъносини англатмаган².

Мазкур ер соҳасида амалга оширилган юридик ислоҳатлар маҳаллий аҳолига иқтисодий қийинчиликларни келтириб чиқарди. Бу эса, биринчи жаҳон уруши давомида Ўрта Осиёда озиқ-овқат етишмаслигига олиб келди³. Жадидлар ва тараққийпарварлар мазкур масалаларга оид қарашларини даврий матбуот орқали билдириб борган бўлса, ўз даврининг илмли кишилари ўз эсадаликларида бу ҳақда ёзиб қолдирган. Даврий матбуот саҳифаларида тараққийпарварлар Туркистонда дехқончилик аянчли ахволга келиб қолганлигини таъкидлайди. Жумладан, “Садои Туркистон” газетасида чоп этилган мақолалардан бирида “зотан бу йилларда Туркистонда тижорат ва зироат ишлари таназзул қилиб, кейин кетиб турмоқдадур. Бунинг сабаби нима эканини савдогар ва дехқонларимизнинг ўзлари ҳам била олмайди. Бунинг сабаблари хийла кўпдур... халқнинг фақир ва камбағал бўлишининг сабаби зироат ишига аҳамият бермасликлидур. Бу йилларда дехқончилик бутун аҳамиятдан тушуб борадур”, деб ёзиб ўтади⁴. Мирза Қўқонбой Абдухоликзода Самарқандий ўз эсадаликларида Россия империяси Туркистоннинг бошқа қисмларида бўлгани каби Мирзачўлда ҳам дехқончиликка аҳамият бермаганинг қайд этади. Жумладан, у бу тўғрисида куйидагиларни айти-

¹ Права или захват? (К вопросу о поземельной устройстве туземного населения Туркестанского края) // Туркестанские ведомости. 1903. № 47.

² Williams D. SM. Land reform in Turkestan // The Slavonic and East European review. Vol. 51, No. 124. Jul. 1973. P. 429.

³ Buttino Marco. Economic relations between Russia and Turkestan, 1914–1918, or how to start a famine / Transforming Peasants: Society, State, and the Peasantary, 1861–1930, ed. Judith Pallot. London: Macmillan, 1998. P. 206.

⁴ Й.Н. Туркистонда тижорат ва зироат // Садои Туркистон. 1914. № 18.

ди: "Чор ҳуқумати ярим асрлик истилоси давомида туркистонликлар учун нима қилганди? Декончилик ишларини енгиллаштириш ва ҳайвонот зотини яхшилаш учун бирор иш қилиндими? Йўқ! Ҳеч иш қилинмади!"¹.

Бу ҳолни тушунган маҳаллий тараққийпарварлар аҳолини дехқончиликни юксалтиришга чақиради. Чунончи, Рауф Музффарзода "энди бизим дунёдан энг охирги насибамиз бўлғон шул тупроғимизга эътибор бермовимиз ақлсизлик... улуғ бир жиноятдур... Агар бу кундан эътиборан тупроғимизнинг қадрини билуб зироатға ёпушсак, эл ичидаги хаёлимизга ҳам келмагон саодатга эришмоғимиз табиийдур", деб ёзади². Шу сабабли ушбу тараққийпарварлар дехқончилик ишларига аҳамият беришни, сувсиз ерларга ариқ қазиб сув чиқаришни, ерларнинг унумдорлигини ошириш учун ўғитлардан фойдаланишни тавсия қиласди³. Чўлпон эса, дехқончиликда унумдорликни ошириш учун турли хил техникалардан кенг фойдаланиш кераклигини айтади⁴.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, XIX аср охири – XX аср бошларида Ўрта Осиёда қишлоқ хўжалиги иқтисодий ҳётда муҳим аҳамият касб этган. Мавжуд аграр муносабатлар мустамлака маъмуриятининг сиёсий ва иқтисодий манфаатларига тўғри келмаганлиги сабабли Туркистонда аграр соҳада ўзгаришлар қилишга уринди. Мазкур жараёнлар хорижий тиллардаги илмий адабиётларда кенг ёритилган. Бироқ уларнинг сабаблари ва оқибатлари кўпроқ манбаларда ўз аксини топган.

Фарғона водийсида темирйўллар қурилиши ва қишлоқ хўжалигидаги ўзгаришлар

*Машхура Бурҳанова
Наманган давлат университети тадқиқотчиси*

XIX асрнинг сўнгги чораги – XX аср бошларида Туркистон ўлкасида дастлабки темирйўлларнинг қурилиши ўлка халқларининг сиёсий,

¹ Мирза Қўқонбой Абдухолиқзода Самарқандий. Жиззах қўзғолони (1916 йилги Жиззах қўзғолони тарихига бир назар). Жиззах: Санѓзор, 2009. Б. 17.

² Музффарзода А. Тупроқ надур // Садои Туркистон. 1914. № 18.

³ Рауф Музффарзода. Тупроқ надур // Садои Туркистон. 1914. № 14; Й.Н. Туркистонда тижкорат ва зироат. // Садои Туркистон. 1914. № 18.

⁴ Абдулҳамид Сулаймон. Ватанимиз Туркистонда зироат ва дехқончилик // Садои Фарғона. 1914. №10; Шодмонова С. Туркистон тарихи – матбуот кўзгусида. Тошкент: Янги нашр, 2011. Б.75.

иқтисодий ва ижтимоий ҳәётида мұхым ўзгаришларнинг вужудға келишига сабаб бўлди. 1881–1899 йилларда Каспий денгизи қирғоқларидан Тошкентгача бўлган масофада барпо этилган, ўлкадаги илк темирийўл тармоғи ҳисобланган Ўрта Осиё темирийўли, 1901–1906 йилларда қурилган Тошкент-Оренбург, 1899–1902 йилларда бунёд қилинган Кўқон-Андижон темирийўллари Россия империясининг сиёсий, ҳарбий-стратегик ва иқтисодий манфаатларини мустаҳкамлаш билан бир қаторда, ўлка иқтисодиётида қатор ўзгаришларнинг рўй беришига туртки берди.

Қолаверса, темирийўлларнинг қурилиши ўлка халқларининг ижтимоий ҳәётига ҳам муайян даражада таъсир кўрсатди. Темирийўл ўтган ҳудудларда янги шаҳарлар ва аҳоли пунктларининг пайдо бўлиши, илгаридан аҳоли яшаган ҳудудларда иқтисодий-ижтимоий ва маданий ҳаётнинг жонланиши, янги ерларнинг ўзлаштирилиши шулар жумласидандир. Шунингдек, Россия империясининг марказий районларидан кўчиб келган аҳоли сони ошиб борганлиги туфайли темирийўл ўтган ҳудудларда аҳолининг ижтимоий таркиби ўзгариши темирийўл қурилишининг энг мұхим натижаларидан бири ҳисобланади. XIX асрнинг охири – XX аср бошларида Туркистонга Россия губернияларидан кўчиб келган аҳоли билан маҳаллий халқлар ўртасида этномаданий алоқалар вужудға келиши маҳаллий аҳолининг майший ва маданий ҳәёти ҳамда кундалик турмушида қатор ўзгаришларнинг юзага келишига сабаб бўлди¹. Хусусан, бу даврда Туркистон иқтисодиётида етакчи тармоқ бўлган деҳқончиликда қатор ўзгаришлар вужудға келганлигини кузатиш мумкин эди. Маълумки, Россия империяси Туркистон ўлкасини забт этишдан илгариёқ унинг деҳқончилик учун қулай ҳудудларидан бири бўлган Фарғона водийсига алоҳида аҳамият қаратган эди. Бундан ташқари, Фарғона водийси темирийўллар воситасида ўлканинг мұхим шаҳарлари билан бир қаторда Россия империяси ҳудуди маркази билан бевосита боғланган эди. Бу эса водийда этиштириладиган пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг қисқа масофада империя марказига етказиб борилишига имкон яратган. Шу сабабли деҳқончилик билан боғлиқ кўпгина тажрибалар айнан Кўқон хонлиги ўрнида ташкил этилган Фарғона вилоятида амалга оширилган эди.

¹ Тогаева А.З. Туркистонда темирийўллар қурилишининг ўлкадаги этномаданий жараёнларга таъсири (XIX аср охири – XX аср бошлари) / Этнос ва маданият: анъанавийлик ва замонавийлик. “Академик Карим Шониёзов ўқишилари” туркумидаги этнологларнинг V Республика илмий конференцияси материаллари. Тошкент: Фан, 2010. Б. 102–103.

XIX аср охири – XX аср бошларида Туркистанда асосан Америка ва Миср пахта навлари синаб кўрилган. Дастребки синов ҳаракатлари XIX асрнинг 60–70-йилларида бошланган¹. М.И. Бродовский 1875 йилда ўзининг асарида Туркистанда сифатли пахта етишириш учун барча имкониятлар етарли эканлигини таъкидлаб, “Sea – Island”, “New Orleans”, “Upland” навларини маҳаллий шароитга мослаштириш учун тажриба ҳақида фикр юритган². Лекин М. И. Бродовскийдан илгари 1871 йилда тошкентлик хусусий тадбиркор Раевский томонидан 45 пуд Америка нави чигити хоҳловчиларга тарқатилган бўлса, Хўжанд шаҳрида яшовчи Фовицкая ва Кўқон хони Худоёрхон ҳам водийда тажриба учун эктирган³. Лекин унумдорлиги ва сифатининг яхшилигига қарамасдан, ҳосил Нижний Новгород ярмаркасида маҳаллий пахта билан бир хил нархда сотилган. Шундай бўлса-да, янги навларнинг синови тўхтаб қолмади, аксинча, оммавий тус ола бошлаган.

Экин турларининг навларини ўзгартириш ишлари бошқа вилоятларда ҳам олиб борилган. Масалан, Каспийорти вилоятида 1890 йилда пахта майдони учун ерни узоқ муддатга ижарага бериш ва “Америка” навли чигитни текинга тарқатиш каби қарор қабул қилинганлиги ҳақидаги маълумотлар мавжуд⁴. Самарқанд вилоятида эса шолининг навини яхшилаш мақсадида бошқа ҳудудлардан келтирилган уруғлар синаб кўрилган. Шоликорлик соҳада Хитойдан келтирилган шоли уруғи яхши натижа берган.

Фарғонада навлар билан боғлиқ ўзгаришларни пахтачилиқдан бошқа соҳаларда ҳам кузатиш мумкин эди. Хусусан, кўчиб келган русийзабон аҳоли томонидан бошоқли экинларнинг янги навлари ҳам олиб келинган. Фарғонада буғдойнинг “Оқ буғдой”, “Қизил буғдой”, “Қорамоқдор” ва бошқа навларини⁵, арпанинг эса “Оқ арпа”, “Шоли арпа”, “Қорамоқдор арпа”, “Шашқирра” каби навларини учратиш мумкин бўлган⁶. XIX аср охири – XX аср бошларида кўчириб келин-

¹ Ҳайитов Ж.Ш. Туркистанда янги экин навларининг тарқалиши ва улардаги ўзгаришлар (XIX аср охири – XX аср бошлари). Бухоро: Дурдона, 2018. Б. 13.

² Бродовский М. И. Техническая производство в Туркестанском крае. Санкт-Петербург, 1875. С. 9.

³ Ершов Н.Н. Сельское хозяйство таджиков Ленинабадского района Таджикской ССР перед Октябрьской революцией (Историко-этнографический очерк). Сталинабад, 1960. С. 143.

⁴ Гейер И. И. Путеводитель по Туркестану с двумя картами одним портретом. Ташкент. Издание В. М. Ильина, 1901. С. 85.

⁵ Туркестанские ведомости. 1881. №18., Ершов Н. Н. Сельское хозяйство таджиков Ленинабадского района... С. 132; Исоков З. Фарғона водийси анъанавий дәҳқончилик маданияти... Б. 42.

⁶ Ершов Н. Н. Сельское хозяйство таджиков Ленинабадского района... С. 133; Исоков З. Фарғона водийси анъанавий дәҳқончилик маданияти... Б. 43.

ган рус дәхқонлари ўзлари билан буғдой ва бошқа бошоқли әкинлар-нинг маҳаллий аҳолига номағлум бўлган янги навларини ҳам олиб келганлар. Янги навларнинг аксарияти лалми ерларда экиб кўрилган¹. Буғдойнинг “Полтава” ҳамда “Кубан”², “Химолай арпаси”³, маккажўхорининг “Чиквантино” ва “Кутаиси гибриди” навлари пайдо бўлган⁴. Рус дәхқонлари эса ўз эҳтиёжлари учун ҳудудда маккажўхорининг Америка навини экиб кўрганлар⁵. Ўз навбатида шуни алоҳида қайд этиш керакки, ушбу нав маҳаллийсига нисбатан ширироқ бўлган ва қайнатилганда тезроқ пишган.

Бу даврда мустамлакачилар таъсирида боғдорчилик соҳасида ҳам қатор ўзгаришлар кузатилган. Империянинг марказий ҳудудларини ўлканинг ширин ва сифатли мевалари билан таъминлаш мақсадида бу борада ҳам қатор ишлар олиб борилган. Жумладан, 1877 йилда Янги Марғилон шаҳрида дараҳтлар ва уларнинг янги навларини, айниқса, мевали дараҳтларни табиий шароитга мослаштириш ва кўпайтириш учун тажриба боғи (питомник) ташкил этилган. Шунингдек, олманинг маҳаллийлаштирилган Калвил Белый, Белфлер, Кандил-синап, Ренет шампанский, Апорт, Сары-синап, Канадский, Орлеанский, Золотой, Ананесный, Анисовка, Пармен, Бисмарк, Наполеон, Антоновка, Астраханское, Великий Могил каби навлари тажриба сифатида экиб кўрилган⁶.

Шунингдек, ўша даврда Туркистанда янги мева навлари ҳам кириб кела бошлаган эди. Ушбу навлар маҳаллий дәхқонлар ва рус крестьянлари томонидан ўлкада синов тариқасида етиширилган. Мазкур жараёнларда Туркистан генерал-губернатори фон Кауфман, рус боғбонлари – Н.И. Королков, И. Краузе, Н.Н. Касянов, М.М. Невский, В.И. Чевреванский, О.И. Фавицкая⁷ ва бошқалар муҳим рол ўйнаган эдилар. Ўз навбатида, манбаларда қайд этилишича, XIX аср охирида Туркистан ўлкаси, шу жумладан, Фарғона вилоятининг Марғилон уездидаги

¹ Рассудова Р.Я. О видах поливных и неполивных земель в Средней Азии... С. 128.

² Шмачков П.А. О дружбе русских переселенцев и дехкан Туркестана... С. 130; Гинзбург А. И. Перецеленцы и местное население Туркестана... С. 202; Айтмамбетов Д.О. Влияние России на хозяйственное и культурное развитие Киргизии // Вопросы истории. Москва, 1971. № 4. С. 56.

³ Айтмамбетов Д.О. Влияние России на хозяйственное и культурное развитие Киргизии... С. 56.

⁴ Бушуев М. По хлопковым районам Туркестана... С. 10.

⁵ Кушелевский В. И. Материалы для медицинской географии... С. 244–245.

⁶ Кузикулов И. У. Россия империяси мустамлакачилик сиёсатининг Туркистондаги этномаданий жараёнларга таъсири (Фарғона водийси материаллари асосида). Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси. Термиз, 2022. Б. 67.

⁷ Путеводитель по Туркестану и железнным дорогамъ Средне-Азиатской и Ташкентской. Санкт-Петербург, 1913. С. 115.

сиядан кўчиб келган аҳоли томонидан апельсиннинг “Citrus” нави ва лимон етишириш йўлга қўйилган эди, лекин мазкур экин маҳаллий иқлимга мослашмаганлиги туфайли яхши натижа бермаган эди¹.

Шундай қилиб, XIX асрнинг охири – XX аср бошларида Туркистон ўлкасида темирйўлларнинг қурилиши ва уларни малакали ишчилар билан таъминлаш зарурияти ҳамда Россия империяси ҳукуматининг кўчириш сиёсати ўлкада русларнинг ва Россия империясининг марказий районларидан кўчиб келган бошқа этнослар аҳолиси сонининг ошишига сабаб бўлган. Кўчиб келган аҳоли хўжалик ишлаб чиқаришида айрим ўзгаришларнинг вужудга келиши, шу билан бир қаторда, маҳаллий халқнинг хўжалигида ҳам муайян ўзгаришларнинг содир бўлишига сабаб бўлган.

Бухоро амирлигида вақф мулкчилиги ҳолати (XIX аср охири – XX аср бошлари)

*Наргиза Исматова
ЎЗРФА Тарих институти таянч докторанти*

1868 йилда Россия империяси томонидан Бухоро амирлигининг босиб олиниб, “протекторат”, яъни ярим мустамлакага айлантирилиши анъанавий мулкчилик тизимига ҳам ўз таъсирини ўтказган эди. Шу боис, XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошларида Бухоро амирлигидаги вақф мулкчилиги ҳолати унинг Россия империяси протекторати сифатидаги сиёсий мақоми, ижтимоий-иктисодий вазият ва юз берган ўзгаришлар билан бевосита боғлиқдир. Икки томон ўртасида имзоланган 12 банддан иборат сулҳ шартномасига кўра амирнинг ташқи сиёsatдаги ваколатлари чекланиши билан бирга, унинг зиммасига юкланган 125 минг тилла миқдорида товон пули ҳамда амирлик таркибидаги Жиззах, Хўжанд, Самарқанд, Каттақўрғон ва Зарафшон дарёсининг юқори қисмидаги, яъни деҳқончилик учун қулай бўлган ерларнинг қўлдан бой берилиши Бухоро иқтисодиёти учун катта йўқотиш бўлди³.

¹ Ўша жойда.

² Протекторат – тенгликка асосланмаган шартнома натижасида белгиланадиган, асосан мустамлакачилик руҳидаги қарамлик шакли. Ўзбек тилининг изоҳли лугати / А. Мадвалиев таҳрири остида. 3-жилд. Тошкент: Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси, 2007. Б. 314.

³ Сайид Мансур Олимий. Бухоро – Туркистон бешиги. Б. 12.

1873 йил 23 сентябрда қайта янгиланган битим эса, Россиянинг Бухоро амирлиги устидаги хуқуқларини янада кенгайтиришга хизмат қилди¹. Россия империясининг амирлик устидан назорати күчайиб, қабул қилинган қўшимча қонун-қоидалар билан мустаҳкамланиб борди².

Россия империяси амирликда ўз мавқеини мустаҳкамлаш ҳамда иқтисодий, ҳарбий-стратегик мақсадларни кўзлаган ҳолда кўплаб чора-тадбирларни амалга оширган. Хусусан, Туркистон генерал-губернатори талаби билан амирлик ҳудудида "Империя сиёсий агентлиги"нинг таъсис этилиши, Бухоро иқтисодиётига рус капиталининг кириб келиши, Бухоро қишлоқ хўжалигининг Россия саноати учун хомашё етказиб берувчи сифатида ихтисослашуви³ шулар жумласидандир.

Россия империясида тўқимачилик саноатининг ривожланиб бориши туфайли пахта хом-ашёсига бўлган талабни мустамлака ҳудудлар ҳисобига қондириш мақсадида Бухоро амирлигининг қишлоқ хўжалиги ҳам тўлалигича империя манфаатларига хизмат қилиши кўзда тутила бошланган⁴. Оқибатда катта ҳажмдаги ер майдонлари пахта экишга мослаштириб борилган. Бу эса, бевосита вақфга бериладиган ерлар ҳажмини қисқаришига олиб келган омиллардан бири саналади. Чунки ушбу даврларда асосан 2–4 таноб⁵ ҳажм оралиғидаги ерлар вақфга берилганини мавжуд тарихий ҳужжатлар орқали кузатиш мумкин.

Бухоро амирлиги кўпроқ қишлоқ хўжалигига ихтисослашган мамлакат бўлиб, иқтисодиёт негизини сунъий суғоришга асосланган дехқончилик ташкил этар, бунда вақф ерларининг ҳам ҳиссаси катта эди. Амирлик суғориш тизимининг асосий манбай бўлган Зарафшон дарёсидан 142 та магистрал канал бош олиб, шундан 99 таси Самарқанд воҳасини ҳамда 43 таси Бухоро воҳасини суғорар эди⁶. Мавжуд маълумотларга кўра, XIX асрнинг 70-йилларида суғорила-

¹ ЎЭМА, И-126-фонд, 1-рўйхат, 1139-ийғмажилд, 5-7-вараглар.

² ЎЭМА, И-3-фонд, 2-рўйхат, 1-ийғмажилд, 3-5-вараглар.

³ Холикова Р. Россия-Бухоро: Тарих чорраҳасида. Тошкент: O'qituvchi, 2005. Б. 196–231.

⁴ Холикова Р. Россия-Бухоро: Тарих чорраҳасида. Б. 222.

⁵ Таноб – Ўрта Осиёда кенг тарқалган ер ўлчови бирлиги ҳисбланиб, ҳудудларга кўра турлича бўлган. Бухоро, Самарқанд ва умуман Зарафшон водийсида таноб 625 кв. сажен = 2845,1562 кв.м. га тенг бўлган. Давидович Е.А. Материалы по метрологии средневековой Средней Азии. Москва, 1970. С. 129.

⁶ Мұхаммаджонов А.Р. Қўйи Зарафшон водийсининг суғорилиш тарихи (қадимги даврдан то XX аср бошлиригача). Тошкент: Фан, 1972. Б. 202.

диган ерларнинг умумий ҳажми 289174,2 десятина¹ бўлган². Россия босқинидан сўнг Зарафшон дарёсидан фойдаланиш Туркистон генерал-губернаторлиги маъмурияти ихтиёрига ўтиши, сувнинг вақтида берилмай тўсиб қўйилиши амирлик қишлоқ хўжалиги учун катта зарар келтирган³. Оқибатда кўп экин ерлари қуриб қолиб, ҳосилнинг камайиб кетишига олиб келган. Мазкур ерлар орасида вақф ерларининг ҳам бўлганлиги ҳисобга олинса, табиийки, ўлкада содир бўлган сиёсий ўзгаришларнинг амирлик вақф мулкчилиги тизимиға жиддий таъсир этганлиги яққол қўзга ташланади. Амирлик ҳукумати томонидан билдирилган эътиrozлар, узоқ давом этган ўзаро муҳокамалардан сўнг 1894 йилда сувни икки тарафга бериш тўғрисида ўзаро келишув битими имзоланган. Бироқ Самарқанддаги рус маъмурияти бунга амал қиласай, Бухорони иқтисодий жиҳатдан тобеъ қилишда давом этган⁴. 1900 йилларга келиб сув тақсимоти маълум бир маънода ижобий ҳал этилган⁵, аммо бу келишув ҳам аслида империя ҳукуматининг амирлик худудида пахтачиликни ривожлантириш мақсадига қаратилган эди.

Ўз ўрнида Самарқанд, Жиззах, Хўжанд, Ўратепа сингари йирик ҳудудларнинг амирлик тасарруфидан Туркистон генерал-губернаторлиги таркибиغا ўтиши вақф муассасаларига тегишли мулклар ҳамда уларнинг даромад ва харажатлари масаласида ҳам жиддий муаммоларни келтириб чиқарган. Хусусан, губернаторлик тассаруфуга ўтиб кетган худудлардаги вақф муассасалари (масжид, мадраса, мозорлар) нинг мулклари (ер-сув, савдо расталари, дўконлар ва ҳкз.) амирлик таркибида қолган ва аксинча, Бухородаги кўпгина вақф идораларининг мулклари мустамлака ҳукумати қўлига ўтган эди. Истилога қадар шариат қоидаларига кўра, вақф муассасаси оралиқдаги масофадан қатъий назар, ўзига тегишли бўлган мулкка тўғридан-тўғри эгалик қилган. Лекин Россия империяси билан тузилган шартномадан сўнг, асрлар давомида амал қилиб келинган “муқаддас ва дахлсиз мулк” тушунчаси ўзгарган. Яъни, Бухоронинг қатор масжид, мадраса ва хонақоҳлари ўзларига тегишли мулкларга эгалик қилиш ҳуқуқи-

¹ Десятина – Россияда қўлланилган асосий юза ўлчови бўлиб, 2400 кв. саржин ёки 1609 га. га тенг. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. Тошкент, 2002. 3-том. Б. 267.

² Мұхаммаджонов А.Р. Қуйи Зарафшон водийсининг суғорилиш тарихи (қадимги даврдан то XX аср бошларигача). Б. 202.

³ Аҳмад Дониш. Рисола ёхуд манғитлар хонадони салтанатининг қисқача тарихи. Б. 94.

⁴ Холиқова Р. Россия-Бухоро: Тарих чорраҳасида. Б. 197.

⁵ Зарафшон дарёси сув тақсимоти хусусида батафсил қаранг: Мұхаммаджонов А.Р. Қуйи Зарафшон водийсининг суғорилиш тарихи (қадимги даврдан то XX аср бошларигача). Б. 176–276.

дан маҳрум бўлиб қолган ва аксинча, губернаторлик ҳисобига ўтиб кетган қўплаб вақф муассасаларининг Бухородаги хусусий мулклари бошқарувсиз қолганлиги боис давлат (амирлик) мулкига айлантирилган. Буни тасдиқловчи ҳужжатлар Зарафшон музофоти девонхонасида қўплаб сақланиб қолган¹. Жумладан, Бухоро вақф муассасаларининг Туркистон генерал-губернаторлиги тассаруфига ўтиб кетган Каттақўрғон бўлими, Қиличобод тумани амлокдорининг рус ҳукуматига топширган 1870 йил 15 ноябрдаги билдиришномасида Бухоро амирлиги тассаруфидаги вақф муассасаларининг мазкур туманга қарашли Чакалак қишлоғидаги мулкларидан 7 пуд² 10 қадоқ³ кунжутдан ҳар бир ботмон⁴ учун 3 рубл 60 копейка, жами 12 рубл 32 танга миқдорида харож солиғи олингани қайд этилган⁵. Албатта, харожнинг давлат хазинасига тушадиган асосий солиқ эканлиги ҳисобга олинса, ҳудудий жиҳатдан амирлик тассаруфидаги вақф муассасаси мулкларидан келадиган даромад губернаторлик фойдасига ўтган. Ушбу ҳолат юзасидан фикр билдирган В. Вяткиннинг қайд этишича, вақф муассасаси қаерда жойлашганидан қатъий назар, унга тегишли мулқдан олинадиган солиқ ҳам, даромад ҳам мулкнинг қайси давлат тассаруфида эканлигига боғлиқ бўлган. Жумладан, губернаторлик таркибиға ўтиб кетган Самарқанддаги Хожа Ахрор мозорининг қўплаб вақф ерлари амирликнинг Қарши беклигига жойлашган бўлиб, 1869 йилда у ерга ташриф буюрган ва эндиликда расман рус ҳукумати вакиллари ҳисобланган мутаваллиларга вақф даромадларини йиғишга рухсат берилмаган. Ўз навбатида, рус ҳукумати ҳам бухоролик мутаваллиларга ҳам Зарафшон округи ҳудудидаги вақф фойдаларини олишга ижозат бермаган⁶.

1884 йилда “Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисида Низом” лойиҳаси ишлаб чиқарилар экан, минтақада доимо муҳим бўлиб келган вақф

¹ ЎзМА, И-5-фонд, 1-рўйхат, 3442-йиғмажилд, 1-14-варақлар.

² Пуд – 16,38 кг.га тенг оғирлик ўлчови бирлиги. Давидович Е.А. Материалы по метрологии средневековой Средней Азии. С. 100.

³ Қадоқ - оғирлик ўлчов бирлиги ҳисобланниб, XIX асрда Самарқанд ҳамда Каттақўрғонда бир қадоқ – бир фунт, яъни 409,512 граммга тенг бўлган. Давидович Е.А. Материалы по метрологии средневековой Средней Азии. С. 83.

⁴ Ботмон ёки манн – ўлчов бирлиги бўлиб, Ўрта Осиё ҳудудида ер юзасини ўлчашда ишлатилиб, маълум бир оғирликдаги дон экиладиган ер назарда тутилган. Бухорода XVI – XVII асрларда кичик манн 8 пудлик (131, 044 кг) ва катта манн 16 пудлик (262, 088 кг) ўлчов пайдо бўлган. XIX аср бошларига келиб, 16 пудлик катта манн ўлчов бирлиги сифатида истеъмолдан чиққан. Давидович Е.А. Материалы по метрологии средневековой Средней Азии. С. 85-89.

⁵ ЎзМА, И-5-фонд, 1-рўйхат, 3442-йиғмажилд, 7-варақ.

⁶ Вяткин В.Л. О вакуфах Самарканской области. С. 107.

масаласига ҳам эътибор қаратилди. Хусусан, граф Игнатьев бошчилигидаги лойиҳа иштирокчиларининг йиғилишида Бухородаги диний-маърифий муассасаларнинг Зарафшон округида жойлашган вақфлари га оид фикрлар ҳам ўрин эгаллаганлиги аҳамиятлидир. Маълумотларда келтирилишича, ушбу муассасаларнинг вақф мулкларидан келадиган даромад Туркистон ўлкаси бошлиғи фармойишига биноан давлат [Туркистон ўлкаси назарда тутилмоқда] хазинасига йўналтирилган бўлган¹.

Албатта, бундай ҳолатлар икки томон ўртасида кўплаб келишмовчилик ва норозиликларни келтириб чиқарган. Шу жиҳатдан, мустамлака қилинган ҳудудда мавжуд бўлиб келган анъанавий тартиб-қоидалар билан тўқнаш келган рус ҳукумати анчагина жиддий ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал қилиши лозим эди. Бу борада Туркистон генерал-губернаторлиги аввало, ўзининг тассаруфидаги ҳудуд вақф тизимини тадқиқ этиб, тегишли тартибда ислоҳотлар ўтказишга ҳаракат қилган ва бу жараёнлар бевосита ҳамда билвосита амирликда ҳам акс-садо берган эди. Қайд этиш лозимки, Россия империяси Туркистон ҳудудини мустамлакага айлантиргандан сўнг ҳар соҳада мустаҳкам бошқарувни ўрнатишга, мулкларни тасарруф этишга ҳаракат қилган. Мазкур ҳолат ўз навбатида ўлкани ҳар томонлама – ижтимоий-иқтисодий, жўғрофий ва маданий жиҳатдан чуқурроқ ўрганишни талаб этар эди. Бу борада ташкил этилган чора-тадбирлар, хусусан, империя ҳукумати маъмурияти томонидан уюштирилган маҳсус экспедициялар ва юришлар² натижасида қўлга киритилган нодир материаллар босиб олинган ҳудуд хусусида атрофлича маълумотлар олиш имконини берган. Империя маъмурияти олдида минтақада бир неча асрлардан бери шаклланиб келган ва бевосита ер ҳамда иқтисодий имкониятлар билан боғлиқ бўлган вақф мулкчилиги тадқиқ қилиниши зарур бўлган мухим масалалардан бири сифатида турар эди. Таъкидлаш лозимки, Туркистондаги ер ва ундан фойдаланиш билан боғлиқ масалаларни ўрганиш Россия империяси манфаатларини қўзлаб амалга оширилган эди. 1869 йилда Туркистон генерал-губернатори К.П. фон Кауфман томонидан ташкил қилинган маҳсус комиссия олдида а) ерлардаги эгалик ҳукуқи;

¹ Мухамедов Ш.Б. Историко-источниковедческий анализ государственного регулирования ислама Российской империи в Туркестане (1864–1917). Ташкент: Baktria press, 2013. С. 130–131.

² Ушбу экспедициялар тўғрисида батафсил қаранг: Ястребова О.М. Документы 19 века из верховьев реки Зеравшан в отделе рукописей Российской Национальной Библиотеки. Восточный сборник. Вып.6. СПб, 2003. С. 77–124.

б) мулки ҳурр¹ ва мулки хайри хурнинг маъноси; в) вақфнинг моҳияти сингари саволларга ойдинлик киритиш вазифаси қўйилган эди².

Юқоридаги масалаларга Россия ҳукумати империя манфаатларидан келиб чиқсан ҳолда вақфларни назоратга олишда, улардан хазина ҳисобига солиқ солиш каби жиҳатдан ёндашди.

Росия ҳукуматининг вақф мулкчилигини тўла тушуниб етмаганиклари, қолаверса, рус сиёсатчилари орасида бу масалада яқдиллик йўқлиги, ўша даврларда амалда бўлган шариат қонун-қоидаларига беписандлик вақф соҳасига нисбатан адолатли сиёсат олиб бориш имконини бермади. Ҳаттоқи империяти ҳукуматининг айrim маъмурлари томонидан вақфларнинг мусодара қилиниш ҳолатлари ҳам учраганлиги мавжуд маълумотларда қайд этилган. Буни ўз даврида В.В. Бартольд ҳам қоралаб, давлат томонидан мусодара қилиниши вақфларнинг дахлсизлик мақомига зид эканлигини таъкидлаган³.

Россиянинг вақфларни назоратга олишга ундан сабаблардан яна бири жамиятда катта таъсир кучига эга бўлган диний уламолар, тариқат вакиллари, сайдлар ва хожаларни мавқеини заифлаштириш, бу орқали ислом динига путур етказиш эди. Зоро, мазкур шахслар тасарруфида катта ҳажмдаги вақф мулклари бўлиб, мустамлакачилар мусулмон руҳонийларини иқтисодий қудратини заифлаштириш орқали уларнинг таъсир доирасини йўқотиш ва шу орқали бўйсундиришга ҳаракат қилганлар⁴.

XIX асрнинг 90-йилларидан вақф соҳасини ислоҳ қилиш мақсадида Туркистон генерал-губернаторлигига вақфларни тафтиш қилиш бошланади⁵. Вақфларнинг ҳуқуқий ҳолати бўйича рус сиёсатчилари орасида кечган баҳс-мунозара, тушунмовчиликлар мазкур жараённи бир неча йилларга чўзиб юборди. Охир-оқибатда ўлка маъмурияти боши берк кўчага кириб, вақф иши 1917 йилга қадар ўз ечимини топа олмайди.

¹ Мулки ҳурри холис (мулки ҳурр) – солиқлардан озод ер. Бу ҳақда батафсил қаранг: Чехович О.Д. Бухарские поземельные акты XVI-XIX вв. // Проблемы источниковедения, IV. Москва, 1955. С. 237–242.

² Мухамедов Ш.Б. Россия и Средняя Азия: страницы истории, личности, мнения. Ташкент: Baktria press, 2020. С. 42–43.

³ Бартольд В.В. История культурной жизни Туркестана. Сочинения. Т. 2. С. 314–315.

⁴ Кутбаев З.А. К истории вакуфных владений Ходжа Ахрара и его потомков.

⁵ Туркистанда вақфларни тафтиш қилиш амалиёти бўйича батафсил қаранг: Абашин С.Н. Ислам в бюрократической практике царской администрации Туркестана // Сборник Русского Исторического Общества. Москва, 2003. № 7. С. 163–191; Мухамедов Ш.Б. Историко-источниковедческий анализ государственного регулирования ислама Российской империей в Туркестане (1864–1917). С. 41–47.

Шу ўринда Туркистанда кечган вақфларни текшириш ишларининг амирликка таъсири борасидаги савол пайдо бўлади. Албатта, империянинг бутун минтақадаги вақфларни ўрганиши унинг амирликда ҳам вақфларни ислоҳ қилиш фикри бўлганлиги хусусидаги мулоҳазага асос бўлади. Зоро, рус маъмуриятига оид хужжатлар империянинг бутун амирлик худудини тўла мустамлакага айлантириш фикри бўлганлигини, бошқа соҳалар сингари вақф мулкчилиги, вақф ерларининг солиғига оид маълумотларга ҳам алоҳида эътибор қаратганликларини кўрсатади¹. Бироқ Бухоронинг протекторат мақомидаги давлат бўлганлиги, қолаверса диний уламоларнинг жамиятдаги таъсирининг катталиги империя ҳукуматига бу ишни бирданига амалга оширишига йўл бермас эди.

XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошларидағи тарихий жараёнлар жуда кенг қамровли бўлиб, бу даврда мусулмон мамлакатлари ҳаётida рўй берган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар, тарқаққийпарварлик ҳаракатлари ҳам амирликдаги барча соҳаларга ҳам таъсир кўрсатмай қолмади. Анчагина ислоҳотпарвар, янги ғояларни қўллаб-қувватловчи ҳукмдорлардан ҳисобланган Амир Абдулаҳадхон (1885–1910) даврида бир қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан, амир мамлакатдаги суд-ҳуқуқ тизимини тартибга солишга, жамиятдаги мавжуд иллатларни бартараф этишга ҳаракат қилди². 1888 йилда Бухоро амирлиги худудида Россия ҳарбий ишлари вазирлиги тарафидан Чоржўйдан Самарқандгача бўлган масофада Темирйўл қурилди³. Бу ҳолат бевосита вақф тизими нуқтаи назаридан қаралганда айрим жиҳатлари яққолроқ намоён бўлади. Темирйўл Янги Бухоро – Когон шаҳридан ўтган бўлиб, 1901 йилга оид тарихий ҳужжатда Темирйўл Шайх Сайфиддин Бохарзий⁴ мақбарасига тегишли вақф ерларидан ҳам ўтиши ҳисобига ушбу ерлар давлат мулки ҳисобига олиниб, ўрнига мамлакайи сultonия ерлари ажратилиши кўзда тутилганлиги қайд этилган⁵. Бу эса, вақф институтининг ҳуқуқий тизими ҳам ўзига хос трансформацияга учраганлигидан далолат беради. Аслида шариатга мувофиқ вақф мулклари даромад келтирмаган ҳолатдагина бошқа мулкларга алмаштиришга изн бор. Бироқ

¹ ЎзМА, И-2-фонд, 1-рўйхат, 251-ийғмажилд, 112–114-варақлар.

² Ражабов Қ. Амир Абдулаҳадхон ёхуд “ожиз” ҳукмдор // “Бухоро мавжлари” журнали. Бухоро, 2007. № 2. Б. 36.

³ Ражабов Қ. Амир Абдулаҳадхон ёхуд “ожиз” ҳукмдор. Б. 36.

⁴ Вақф ҳужжатида “шайх ул-олам” унвони билан эътироф этилган.

⁵ ЎзМА, И-323-фонд, 1-рўйхат, 854-ийғмажилд,

ўша давр уламолари юқоридаги сингари вазиятларни ҳам эътиборга олган ҳолда қўшимча фатво берган бўлишлари лозим.

Абдулаҳадхон мамлакатда соғлиқни сақлаш тизимиға ҳам эътибор қаратар экан, унинг ҳомийлиги остида замонавий шифохона ҳамда дорихона ҳам фаолият юритади¹. 1906 йилда қайд этилган хужжатда амир Бухоро шаҳрида жойлашган дорихонани вақф қилгани хусусидаги маълумотларни келтириш мумкин².

Хукмронлигини отаси сингари мамлакатда ислоҳотчилик ишлари билан бошлаган Амир Саййид Олимхон (1910–1920) даврида ҳам вақф соҳаси эътибордан четда қолмаган. Амир томонидан 1911 йилда имзоланган “Таълим тўғрисида”ги фармонда давлат хазинасига олинган вақфлардан шаҳарнинг турли ерларида мактаблар барпо этишга кўрсатма берилган³. Шу хусусда матбуотда қуйидаги маълумотларни учратишими мумкин: “... Бухорода 140 адад мактаб бўлуб, ул мактабларни[nг] баъзиларида уч ёки тўрт нафар шогирд болалар бўлуб ва ҳар қайси маҳалла масжидида бир ададдин мактаб бўлгон сабабдин бир неча мактабни жамъ қилмоқликка муқаррар қилибдурлар ва ҳам мактаблар вақф ақчасидин бино бўлуб туруб, баъзи вақф ақчалари кифоя қилмагон сабабдин жаноби оли амири Бухоро ҳазратлари олтмиш тилло даромад бўлмойдургон вақфликни мактабхоналарга харажат бермақлик фармойиш қилибдурлар”⁴.

Мавжуд маълумотлар Амир Олимхон хукмронлигининг 1916 йилгача бўлган даврида мамлакатни ривожлантиришга қаратилган бир қатор ишлар амалга оширилганини кўрсатади. Хукмдор томонидан солиқ соҳаси тартибга солинди, таълим тизими ислоҳ қилинди, бекликлардаги ободонлаштириш ишларига эътибор қаратилди⁵.

Табиийки, амалга оширилган ишлар Россия империяси маъмуряти эътиборидан четда қолмаган эди. Хусусан, 1913 йилдаги рус маъмурлари ўртасидаги ўзаро маҳфий ёзишмада амир томонидан солиқлар камайтирилгани, ҳарбий соҳа тартибга солиниб, ҳарбийларга мунтазам ҳақ тўлаб келинаётгани, шу жиҳатдан, Бухоро аҳолиси ўз амирларига нисбатан хайриҳоҳ эканликлари қайд этилган эди⁶.

¹ Жамолова Д. Бухоро амирлигига жадидлар ва қадимчилар фаолияти. Тошкент, 2021. Б. 106–117.

² ЎзМА, И-323-фонд, 1-рўйхат, 877-йиғмажилд,

³ Жамолова Д. Бухоро амирлигига жадидлар ва қадимчилар фаолияти (XIX аср охири – XX аср бошлари). Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс. автореферати. Тошкент, 2019. Б. 41.

⁴ Бухородаги янгилик // Туркистон вилоятининг газети. 1911. № 26.

⁵ Жамолова Д. Бухоро амирлигига жадидлар ва қадимчилар фаолияти. Б. 66.

⁶ ЎзМА, И-3-фонд, 1-рўйхат, 549-йиғмажилд, 1-варақ.

Империя ҳукуматининг амирлик ички ишларига аралашуви билан бирга, бевосита Бухоро амирининг ўзи ҳам маълум бир ислоҳотлар ўтказганлигини кузатиш мумкин. Жумладан, жамиятнинг турли жабҳалирида ислоҳот ўтказишга ҳаракат қилган амир Саййид Олимхон (1910–1920) вақф соҳасига алоҳида эътибор берган. Амир томонидан 1911 йилда имзоланган “Таълим тўғрисида”ги фармонда давлат хазинасига олинган вақфлардан шаҳарнинг турли ерларида мактаблар барпо этишга кўрсатма берилган¹. Расмий матбуотда Бухородаги аксарият мактабларнинг вақф маблағи ҳисобига қурилаётгани ҳақидаги маълумот ушбу фармоннинг амалдаги ижроси хусусида тасаввур ҳосил қиласиди².

Бутун дунёда содир бўлаётган маърифатпарварлик ва инқолобий ҳаракатлар, Туркистон, хусусан, Бухоро амиригига ҳам таъсир кўрсатмай қолмаган эди. XX аср бошларида ташкил топган “Ёш буҳороликлар” гуруҳи амирлик демократик бошқарув тизимини жорий қилиш бўйича ўзгариш қилишга астойдил сайъ-ҳаракат қиладилар. Улар томонидан махсус дастур лойиҳаси ишлаб чиқилади. Гарчи унда режалаштирилган ислоҳотлар амалга оширилмаган бўлса-да, унда қайд этилган масалалар бир томондан жадидларнинг мамлакатдаги муаммоларга қарашларини ифодалайди. Лойиҳанинг “Вақф ерларига” бағишлиланган махсус қисмида вақф соҳасини буткул ислоҳ қилиш, уни тизимлаштириш, вақф ишлари бўйича вазирлик ташкил этиш таклифи киритилган бўлиб, мазкур идора вақф даромадлари, сарф-харажатларини назорат қилиши лозим эди. Хусусан, лойиҳанинг “Вақф ерларига” бағишлиланган махсус қисмида вақф соҳасидаги мавжуд масалаларни қамраб олган эди. Улар “ilm йўлинда тайн қилинғон вақф ерлари билан Бухоро ўлкаси бутун ўлкалардан устундир”, дея вақфнинг жамиятдаги аҳамиятини алоҳида эътироф этганлар. Вақф даромадлари адолатли тарзда сарф этилса, “...Бухоро ўлкаси илм ва маориф юзиндан Оврўпонинг буюк шаҳарлариндан ортуқроқ” тараққий этишини таъкидлайдилар. Шу боис лойиҳада вақф соҳасини буткул ислоҳ қилиш, уни тизимлаштириш, вақф ишлари бўйича вазирлик ташкил этиш таклифи киритилган бўлиб, мазкур идора вақф даромадлари, сарф-харажатларини назорат қилиши лозим эди: “Бухорода бир вақфлар вазирлиғи очилсан. Онгли, билимли бир киши вақфлар вазири бўлсан. Бутун вақф ишлари ўнга топширулсан. Бу кунго ҳукумат хазинасиға кирган мозодалар, ботил бўлғон кутуб-

¹ Жамолова Д. Бухоро амиригига жадидлар ва қадимчилар фаолияти (XIX аср охири – XX аср бошлари). Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс. автограферати. Тошкент, 2019. Б. 41.

² Бухородаги янгилик // Туркистон вилоятининг газети. 1911. № 26.

хоналар, таҳоратхоналар, ошхоналарнинг вақфлари қайтарилсун. Вақфлар вазири шул вақфларни шариат юзиндан тартибға солиб шаръий ерларинда сарф қилсун. Вақфлар хазинаси очилсун. Бутун вақф оқчаларини ўзи териб олуб хазинасиға тўплосун.”¹.

Шу ўринда савол туғилади: ёш бухороликларнинг амирликдаги вақфлар бўйича фикрлари қанчалик асосли эди? Ҳақиқатдан ҳам вақф соҳаси буткул издан чиққанмиди? Мавжуд тарихий асарлар, вақф масаласига доир ҳужжатлар мамлакатда вақф аслида анчайин тартибга солинган, ҳукумат эътиборидаги соҳалардан бири бўлганинги кўрсатади. Қолаверса, амирликда кўплаб вақф хўжаликлари фаолият юритиб, уларнинг даромадларини ягона хазинага тўплаш фикри реал воқеликка тўғри келмас эди. Бироқ уларнинг қарашлари кейинги давр вақф мулкчилигига қўлланилганлигини кўриш мумкин. Бироқ БХСР даврида вақфлар бўйича очилган бошқарма, қилинган ислоҳотлар бутун минтақадаги вақфларни чалкаш ҳолатга келтириб кўйганлигини ҳам эсламоқ жоиз. Дастлаб Бухоро Республикасида вақф мулкига давлат муносабатини, ҳукумат сиёсатини белгилашда Туркистон АССРда вақф масаласини ҳал қилиш тажрибасидан фойдаланилган. Турккомиссия, Туркбюро тавсияси билан вақф мулклари – икки туркумга – диний вақфлар (масжид, мозор, мақбара хонақоҳ, қориҳона мулклари) ва маданий-маърифий вақфларга (мадраса, мактаб, касалхона вақф мулклари) бўлинди. Шунингдек, 1920 йил 12 сентябрда Маориф ҳалқ нозирлиги қошида Вақф бошқармаси ташкил қилиниб, маданий-маърифий вақфлар нозирлик ихтиёрига ўтказилди². Умуман олганда, Бухоро Республикаси ҳукумати ҳам ундан кейинги даврда ҳам вақф масаласида тўғри ечим қилинмаган. Оқибатда Ўзбекистонда 1929 йилда вақфлар буткул тугатилган.

Биринчи жаҳон уруши йилларида Туркистонда пахта якка ҳокимлиги ва унинг оқибатлари

*Улуғбек Исмоилов
ЎзРФА Тарих институти таняч докторанти*

Биринчи жаҳон уруши йилларида пахта савдоси судхўрлар ва пахта фирмаларига катта фойда келтирган бўлса, дехқонларнинг аҳво-

¹ Бухорода ислоҳот лойиҳаси (1918 йил). Б. 15–16.

² Бу ҳақда батагасил қаранг: Алимов И. Ўзбекистонда вақф мулкларининг тугатилиши (1917–1929 йиллар). Б. 117–151.

ли эса янада оғирлашди. Дехқон пахтакорлари қарздорлик ва маҳсулотларнинг қимматлиги туфайли маблағсиз қолди¹. 1915 йил июль ойининг бошида Россия империяси Савдо-саноат вазирлигига пахта саноати ва пахта фирмалари вакиллари иштирокида пахтага энг юқори нархларни белгилаш масаласига бағишлиланган йиғилиш бўлиб ўтди. Йиғилишда пахта заводларини хомашё билан таъминлашни бошқариш кўмитаси тўғрисидаги низом лойиҳаси кўриб чиқилди. Кўмитага қуйидаги ҳуқуқлар тақдим қилинди:

- 1) Савдо ва саноат вазирлиги томонидан пахта сотишга рухсат берилиши мумкин бўлган максимал нархларни аниқлаш;
- 2) пахта реквизицияси тўғрисидаги ишларни муҳокама қилиш;
- 3) пахта бўйича барча амалиётларни рўйхатга олиш;
- 4) пахта захираларини, биринчи навбатда, ҳарбий эҳтиёжлар учун ишлайдиган заводларнинг эҳтиёжларини ва ҳоказоларни ҳисобга олган ҳолда заводлар ўртасида тақсимлаш².

Уруш йилларида ҳукумат пахтага солинган солиқларга ҳам қўшимча ҳарбий солиқлар жорий қилди. Унга қўра ҳар пуд тола учун 2,5 рубл миқдорида қўшимча ҳарбий солиқ ундирилди³, бу эса дехқонлар аҳволининг янада ёмонлашишига олиб келди.

Дехқон ишлаб чиқарувчилари йиғилган пахта саноати ишлаб чиқарувчилари қаршисида иккинчилари ўзларининг пахта учун арzonлаштирилган харид нархларини белгилашга киришдилар, бунга империя ҳукуматининг ўзи ёрдам берди. 1915 йил 7 июлда тасдиқланган ушбу низомга қўра, Савдо ва саноат вазирлиги қошида пахта ва газлама фабрикаларини хомашё билан таъминлаш бўйича маҳсус қўмиталар ташкил этилди. Бу қўмитага:

– “пахта ва жунни сотишга рухсат бериш мумкин бўлган энг юқори нархлар ҳажмини аниқлаш ва зарур ҳолларда уларни реквизиция қилиш ҳолатларини муҳокама қилиш,

– пахта ва жун захираларини фабрикалар ўртасида, биринчи навбатда, армия ва флот эҳтиёжлари учун улар томонидан қабул қилинган буюртмаларни ҳисобга олган ҳолда тақсимлаш” ҳуқуқи берилди⁴. Кўмита пахтанинг юқори чегарадан ошмайдиган нархларда со-

¹ «Туркестанское сельское хозяйство». № 4, 1915. С. 417–418.

² Аи. Витт. Нормировка цен на хлопок, «Туркестанское сельское хозяйство». № 7, июль 1915. С. 730.

³ Кокандский биржевый комитет. Юбилейный сборник. 1906–1916 гг. Коканд, 1917. С. 20.

⁴ «Высочайше утвержденное положение Совета Министров: О некоторых мерах к упорядочению снабжения сырьем хлопчатобумажных и суконных фабрик». «Бюллетень Хлопкового Комитета Главного Управления Землеустройства и Земледелия», № 3–4 (11–12), май–август. Петроград. 1915. С. 3–4,

тилишини назорат қилиш, бу қонунни бузганларни жавобгарликка тортиш бўйича кенг ваколатларга эга эди.

Москва шаҳар Думасининг Россия империяси Марказий ҳарбий-саноат қўмитасидаги вакили Н.И. Гучков раислигига 1915 йил 13–17 август кунлари Москва шаҳрида, Туркистонлик пахта етиширувчиларнинг иштирокисиз бўлиб ўтган, пахта заводларини хомашё билан таъминлаш қўмитасининг йиғилишида пахтанинг юқори нархлари ниҳоят бир пуд учун 24 рубл миқдорида белгиланган¹.

Биринчи жаҳон уруши туфайли пахтанинг бозор нархи кўтарилиди. Бундан пахтакорлар бирмунча фойда кўришлари мумкин эди, аммо империя ҳукумати тўқимачилик саноати эгаларининг талабига кўра пахта савдосини назорат остига олиб, унинг бозор баҳосини 30–31 рублдан 24,5 рублга туширди. Бу ҳол дехқонларга зиён келтирган бўлса, рус тадбиркорларининг чўнтагини тўлдирди. Масалан, биргина Твер тўқимачилик саноати 1913–1914 йилларда пахтанинг эски нархидан 1 893 000 рубл фойда кўрган бўлиб, унинг кейинги 1915–1916 йиллардаги даромади 9 931 000 рублни ташкил қилган². Дехқон оммаси банклар, фирмалар ва маҳаллий судхўрлардан олган қарзлари оқибатида мушкул аҳволга тушиб қолган.

Қонун пахтанинг арzonлаштирилган чегаравий нархларини белгилади, бироқ ҳеч бир маҳсулот ва зарур маҳсулотлар, шу жумладан мануфактура учун бундай миқдор қўлланилмади - уларнинг нархлари назоратсиз ўсишда давом этди. Қўмита пахтага миқдорий нархларни белгилашга “давлат манфаатлари”ни кўзлаб ҳарбий эҳтиёжларни қондириш учун пахта нархининг гўёки ҳаддан ташқари ошиб кетишини тўхтатиш зарурати билан изоҳлади. Аслида, бу нарх сиёсати пахта саноатининг йирик вакиллари, савдогарлар ва судхўрлар учун ортиқча фойда олишга қаратилган эди.

Аммо бу тўқимачилик магнатлари ва савдо фирмалари учун етарли эмас эди. Кейин улар ҳукуматга 1915 йил ҳосилидан бошлаб пахтага қатъий нархлар белгилашни илтимос қилиб мурожаат қилдилар. Энди улар пахта захираларидан унумли фойдаланиб, янги пахта ҳосилининг харид нархларини пасайтириш, шу билан бирга мануфактура нархини ошибришдан фақат пахта саноати ва савдоси эгаларигина фойда кўрдилар. Пахта нархиниadolatsiz, бир томонлама меъёрга солиш натижасида, уни етиширувчи ва хомашё сифа-

¹ О нормировке цен на хлопок в кн. Кокандский Биржевой Комитет, 1915 г. Коканд, 1916. С. 51.

² Ҳамид Зиёев. Тўфон. // Шарқ ўлдузи журнали. 1992 йил. Б. 104.

тида сотувчилар бир йилда 60 миллион рублга яқин заарар кўрди¹. Пахтанинг бундай очиқ-ойдин фойдасиз баҳоси, озиқ-овқат ва саноат товарлари нархининг ошиб бораётгани туфайли пахта ҳосилини етиштирувчи дехқонлар ҳаёти янада оғирлашиб борган. Қатъий нархлар дехқоннинг нафақат энг кам шахсий эҳтиёжларини қондира олмас эди, балки, пахта етиштириш ва териб олиш харажатларини ҳам қоплай олмади.

Кўқон биржа қўмитасининг юбилей ҳисоботида нархлар нормаси пахта бозорида тартибсизликка олиб келгани ҳақида фикр юритилади. Пахта ҳосили ва ундан фойдаланиш учун йўлга қўйилган меъёрнинг пахта етиштирувчилар учун фойдасизлиги шунчалик яққол кўриниб турардики, белгиланган нархлар эълон қилингандан сўнг дарҳол Туркистон халқлари томонидан ушбу қарорни ўзгартириш талаби билан унга қарши норозилик билдирилди².

Пахта савдоси учун қўйилган меъёрларга нисбатан дехқонлар шикоят аризалари билан мурожаат қилганлар. Хусусан, Андижон тумани Жалолобод волостининг ишончли аҳолиси Туркистон генерал-губернатор номига ёзган мурожаатида, пахтага меъёрлаштирилган нархлар ўрнатилганидан норозилигини билдирган. Дехқонлар пахта баҳоси “нафақат пахта далаларимизни парвариш қилиш учун сарфлаган харажатларимизни оқламайди, балки йилнинг мана шундай оғир вақтида оғир аҳволга тушиб қолишимизга тўғри келади”³, деб ёзади.

“Туркистон вилоятининг газети”нинг 1916 йилда нашр этилган сонларини бирида “Пахтасини арzon сотаётгани Фарғоналик пахтакор” деб номланган мақола нашр этилади. Мақолада уруш ва қимматчилик туфайли дехқон ижарачиларининг турмуш шароити оғирлиги кўрсатилган. Мақола муаллифи пахта нархидан норозилигини билдирар экан: “Нега ишлаб чиқариш, темир, мис маҳсулотлари, чой, чорвачилик, буғдой ва бошқаларга меъёр йўқ?”, деган саволни беради. Шунингдек, у дехқонлар келажакда пахта экинларидан воз кешишга қарор қилганликлари, семириб ёғ босиб кетган пахта фирмалари, фабрикалар ва ишлаб чиқарувчилар дехқонлардан бир тийин

¹ Понятовский С. Нормировка цен на хлопок и преследуемые ею цели. «Туркестанское сельское хозяйство». № 5. 1916. С. 453.

² Обзор хлопководства и хлопковой торговли в Фергане за 1916 год, Кокандский биржевой комитет, юбилейный отчет за 1906–1916 гг. Коканд, 1917. С. 41.

³ Турсунов Х. Восстание 1916 года в Средней Азии и Казахстане. Ташкент. С. 164

ҳам даромад ололмаслигини ёзган¹.

Мирзачүлдан 117 нафар сайланган пахтакорнинг мурожаатида “Нафақат биз, Мирзачүл бозорига пахта олиб келаётган рус кўчманчилари ҳам ишлаб чиқариш харажатларини қоплай олмайдиган ноҳақ меъёрдан қаттиқ норози. Улар пахтасини арzonлиги учун сотмай, икки марта уйларига қайтиб келишди”², деб пахта нархининг пастлиги мутлақо адолатсизлик эканлиги ҳақида ёзади.

Туркистон деҳқончилик жамияти томонидан 1916 йил 4–6 марта ташкил этилган юқори нархларга бағишиланган йиғилишда меъёр туфайли юзага келган фавқулодда оғир вазият қайд этилди. Деҳқонларнинг ўзлари иштирокисиз меъёр беришнинг мумкин бўлган даҳшатли оқибатларини олдиндан билиб, хавотирли ҳолат юзага келиши мумкинлиги таъкидланди³.

Уруш йилларида, ҳамма нарсаси гаровга қўйилган аҳолидан қарз ундиришнинг иложи бўлмаганида, Фарғонада фирмалар жўнаттган қуролланган ходимлари қишлоқларни кезиб, ўлдириб кетиш таҳди-ди билан, қарзини қайтариш ҳолатлари учраган. Пахта йифим терими мавсумида, улар пахта заводлари қаршисида қарздорларни кутиб туришган ва агар бечоралар компания қўриқчилари қўлига тушиб қолса, уни қўлга олишиб қарзни ва унинг фоизларини ундириш учун энг вахший чоралардан ҳам тап тортмай фойдаланишган. Баъзи ҳолатларда, агар қарздор деҳқоннинг қарзларини тўлаб озод қиласидан қариндоши бўлмаса, унинг оила аъзоларини (хотини, ўғли, қизи) кул қилиб сотишиб қарз варақасини ёпишган⁴.

Умуман олганда, биринчи жаҳон уруши туфайли бозордаги нарх-наво кескин тарзда ошиб кетган. Ҳаёт учун зарур бўлган истеъмол товарларининг нархлари жумладан, пахта нархи ҳам бир неча баробар кўтарилиган. Лекин Россия империяси ва тадбиркорлари ҳарбий эҳтиёжларни рўйкач қилиб, пахта нархини сунъий тарзда қатъий белгилаб қўйишган. Натижада, Туркистон пахтакорларининг иқтисодий таназзулга учрашига ва катта норозиликларига олиб келган. Шунингдек, 1916 йилги Туркистон қўзголони бошланишига сабаб бўлган.

¹ «Туркистон вилоятининг газети», «Туркестанская туземная газета». № 55. Статья была на русском языке перепечатана в газете «Туркестанские ведомости». – № 236, 1 ноября 1916 г.

² Х.Турсунов. Восстание 1916 года в Средней Азии и Казахстане. Ташкент. С. 165

³ «Туркестанское сельское хозяйство». № 5, май, 1916. С. 452

⁴ Рыскулов Т. Восстание туземцев в Средней Азии в 1916 году. Кызыл-Орда, 1927. С. 94.

Самарқанд вилоятининг иқтисодий ҳаётида хунармандчиликнинг ўрни (XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида)

Азамат Курахмедов

Самарқанд давлат университети

мустақил изланувчиси, тарих фанлари номзоди, доцент.

Миллий давлатчилик тарихимизни ўрганишда иқтисодий масалалар алоҳида ўрин тутади. Тараққиётда иқтисодий ривожланиш ҳал қилувчи омил ҳисобланар экан, шу боисдан ҳам ўлкамиз тарихининг турли иқтисодий масалаларига доир изланишлар тарих фани учун долзарб саналади.

Ўрта Осиёning Россия империяси томонидан босиб олиниши бутун дунёда мустамлакачилик ривожланган бир тарихий шароитга тўғри келди. Шунга ўхшаш ижтимоий омиллар Ўрта Осиёдаги мустамлакачиликни реал қонуниятга айлантириб қўйди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, бу даврда Туркистоннинг иқтисодий аҳволи баъзи маълумотларда қайд этилганидек, бутунлай қолоқ даражада эмас эди. Ҳаёт бир маромда, аста-секинлик билан жаҳон тараққиёти сари шарқона анъаналар йўли асосида маданий, иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан ривожланарди.

Айниқса, миллий хунармандчилик, савдо-сотик, дехқончилик ривожланиб, янги саноат корхоналари қурилаётган эди. Шундай тарихий вазиятда Туркистон Россия империяси томонидан босиб олиниб, империя манфаатлари йўлида ўлканинг иқтисодий ва маданий ҳаётида мустамлакачилик сиёсати кучайтирилди.

Шу ўринда М.М. Бродовскийнинг фикрини келтириш ўринлидир. “Империяга қўшиб олинган бу ҳудудга империя билан чамбарчас боғланган мустамлака сифатида қаралиши лозим. Бу жой Европа Россияси мануфактура саноати эҳтиёж сезаётган жанубий иқлим маҳсулотларини етиштиришга қодир. Қисман қўчманчи чорвадор ва қисман ўтрок, асосан дехқон аҳоли яшайдиган бу мустамлакада саноат жуда паст ривожланган. Шунинг учун ҳам у табиий равиша Европа Россияси мануфактура маҳсулотлари чаққон сотиладиган бозорга айланади”¹.

¹ Ўзбекистоннинг янги тарихи. Туркистон чор Россияси мустамлакачилиги даврида. Т.: Шарқ, 2000. 1-жилд. Б. 215.

Қарийб ярим асрлик сиёсий, ғоявий, ҳарбий ва мағкуравий тазиқ Туркистанни Россия империясига тобе этиб қўйди. Мустамлақа ҳукумати “Бўлиб ташла, ҳукмронлик қил” шиори остида ўлкани тинимсиз талаб, ўлканинг моддий ва маънавий бойликларидан ўз империяси қудратини ошириш, нуфузини мустаҳкамлаш мақсадида фойдаланди.

Умуман олганда, мустамлақачилар Туркистанни ўзларининг “хомашё етказиб берувчи базасига” айлантириб олдилар. Бу фикримизни адабиётларда келтирилган, “Метрополиянинг иқтисодий сиёсати Туркистанни хомашё базасига айлантириш, уни рус моллари сотиладиган бозор сифатида тутиб туриш ва табиийки бойликларни марказга ташиб кетишга қаратилган эди”¹, - деган сўзлар ҳам яна бир марта исботлайди.

Мустамлақачилик йилларида Туркистаннинг асосий вилоятларидан бири бўлган Самарқандда анъанавий ҳунармандчиликнинг ўз йўлидан борилган. Анъанавий ҳунармандчилик иқтисодий тизимда ўз ўрнига эга бўлиб, унинг ривожидан мустамлақачилар ҳам катта манфаат кўрганлигини тъкидлаш лозим.

XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошларида Ўрта Осиё минтақасида ҳунармандчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича Самарқанд вилояти олдинги ўринларда турган. Қадимдан шаклланган анъанавий ҳунармандчилик Россия империяси мустамлақачилиги йилларида ҳам маҳаллий халқ томонидан ривожлантирилган. Самарқанд аҳолисининг 29 фоизи мустақил касб-хунар эгаси ҳисобланган хўжаликлардан иборат бўлган².

Тўқимачилик – ҳунармандчиликнинг асосий турларидан бири бўлиб, устахоналардаги дастгоҳлар эски бўлишига қарамасдан, тўқувчилар тайёрлаган матонинг сифати яхши бўлган. Фақат XIX аср охирларига келиб, корхоналарнинг тўқув дастгоҳлари замонавий дастгоҳлар билан алмаштирила бошланган эди. Ишлаб турган дастгоҳлар сонига қараб ишчи ёлланган. Ҳар бир устада иккитагача шогирд ҳам бўлган. Тўқувчилар йилига 290 кун, ёз кунлари 9–10 соат, қишида эса 6–7 соат ишлаганлар³. Ёлланма ишчилар ўз меҳнатлари учун озиқ-овқат ва пул олганлар, баъзи ҳолларда хўжайнилар томо-

¹ Ўзбекистоннинг янги тарихи / Туркистан чор Россияси мустамлақачилиги даврида 1-китоб. Тошкент: Шарқ, 2000. Б. 230.

² Жабборов И. Ўзбек халқи этнографияси. Тошкент: Ўқитувчи, 1994. Б. 114.

³ Кирпичников Н.А. Краткий очерк некоторых туземных промыслов в Самаркандской области // Туркестанский сборник. Т. 1909. Т. 527. С.152.

нидан ишчиларга чит, салла ва дока матолар билан иш ҳақи түланган. Шогирдлар меҳнати эвазига эса фақат овқатланиш ва баъзан кийим-кечак олиш имкониятига эга бўлган.

Самарқандлик усталар сифатли матолар тайёрлаш мақсадида йиғирилган ипни Россиядан, асосан Москвадаги «Малютин – К⁰» мануфактурасидан сотиб олганлар. Улар йиғирилган ипнинг ҳар 10 фунтини (1 фунт – 409,5 граммга тенг) 5 сўм 70 тийиндан («сўм» - «рубл» маъносида тушунилсин – А.К.) харид қилганлар. Маҳаллий савдогарлар бозорларда сотган иплар қимматроқ турган. Битта дастгоҳи бор устахонада бир кунда 8 аршин (1 аршин – 0,71 метрга тенг) мато тайёрланган ва кунлик фойда 10 тийин¹ бўлган. Улар 290 иш кунида 2320 аршин мато тўқиганлар. Йилига бир дастгоҳда мато тўқиган ёлланма ишчи ва шогирдларга сарфлаган маблағ 580 сўмни ташкил этган.

Маълумотларга кўра, 1897 йили бир дастгоҳдан 230 сўм² соф фойда олинган. Ҳар бир дастгоҳда битта ишчи ишлаган, баъзи ҳолларда ишчини уста-хўжайн нazorат қилиб турган. Ёлланма ишчига озиқовқат билан бирга, йилига 100 сўм пул тўланган. Уларга ҳақ тўлаш устахоналарда ҳар хил бўлган.

Маълумотларга кўра, вилоятнинг энг катта тўқимачилик корхоналарида 5–6 тагача дастгоҳ³ бўлиб, уларда кўпроқ мато тўқилган. Ички бозорларда маҳсулотлар қиммат нархда сотилган, бунга сабаб механик усулда ишлайдиган дастгоҳларнинг қўлланила бошланганлиги эди. Тайёрланган маҳсулотлар сифати йилдан-йилга яхшиланиб бориши натижасида бозорга чиқарилган матолар тез сотилган.

«Новое Время» газетаси муҳбирининг берган маълумотига кўра 1878 йили Тошкентда очилган Туркистон қишлоқ хўжалиги ва саноати кўргазмасига «Самарқанддан қўплаб сифатли, ранг-баранг шойилар жўнатилиб, бу матолар Бухоро ва Туркистон ўлкасининг кўпгина шаҳарларида тайёрланган тўқимачилик маҳсулотлари билан рақобатлаша оларди»⁴, дейилади.

XIX аср охирига келиб Самарқандда ишлаб чиқилган тўқувчилик маҳсулотларига нақш⁵ бериш санъати ҳам ривожланиб борди. Шу ту-

¹ Радлов В. Средняя Зеравшанская долина // Туркестанский сборник. СПб., 1882. Т. 281. С.43.

² Туркестанский сборник. Т., 1909. Т. 527. С. 155.

³ Туркестанский сборник. Т., 1909. Т. 527. С.156.

⁴ Корреспонденция. Открытие Туркестанского сельско-хозяйственной и промышленной выставки // Туркестанский сборник. СПб., 1878. Т. 196. С. 69.

⁵ Кирпичников Н.А. Краткий очерк некоторых туземных промыслов в Самаркандской области // Туркестанский сборник. Т., 1909. Т. 527. С. 156–157.

файли Самарқанд түқимачилик маҳсулотлари ички бозорида четдан келтирилган саноат молларини сиқиб чиқара бошлади. Бунда қуйидаги фикрларни келтириш ўринлидир, ҳунармандчилик соҳасида Самарқандда тайёрланилган рангли ип-газламага эхтиёж катта эди. Рус савдогарлари, амалдорлари ҳатто, подшо хонадони учун буюртма асосида маҳсус каштацилик маҳсулотлари, духоба, дастурхон ва чойшаблар¹ тайёрланилган.

Маҳаллий ҳунармандлар хомашё сифатида ўлканинг пахта ва ипакидан фойдаланиб, шойи, атлас, чит, алача, дока, бўз, салла, белбоғ каби кўплаб маҳсулотларни ишлаб чиқариб, бозорни тўлдириб борганлар². Тўқувчилик корхоналарида ишлаб чиқарилган матолар алоҳида бўяш устахоналарига бўятилган. 1876 йилда бундай мато бўяш устахоналари 42 тани³ ташкил этган.

Матолар маҳаллий халқ томонидан тайёрланган ишқор ёрдамида қозонларда қайнатилиб, сўнgra бўялган. Матоларни маҳаллий усталар кўпинча қизил, очқизил, сариқ, тўқсариқ, ҳаворанг, зангор, пушти рангларга бўяганлар. Устахоналарда бўёқ тайёрлашда маҳаллий хомашёдан фойдаланилган. Бўёқлар табиий ва сунъий бўлган. Усталар асосан буюртмачига хизмат қилган. Агар буюртмачи матони фақат қайнатиб оқартирмоқчи бўлса, уста олган фойда йилига 150 сўмни, агар бўяб ҳам берса фойда 500 сўмни⁴ ташкил этган. Усталар кўп ҳолларда оилавий иш олиб борганлар. Улар ёлланган ишчига кунига 30 тийин, шогирдга эса фақат овқат беришган. Буюртмани асосан рангли матолар савдоси билан шуғулланувчи савдогарларга берганлар. Бўёқчилар ўз дўконларига эга бўлмаган.

Бу даврда Самарқандда яхудийлар матоларни нил бўёғига (тўқ кўк ранг) бўяш билан шуғулланганлар. Пахта ва ипак матони бўяшда совуқ нилдан, жун матоларни бўяшда иссиқ нилдан фойдаланганлар. Усталар 1 фунт матони бўяш учун 10 тийиндан 20 тийингача ҳақ олганлар. Улар бир кунда 15 фунтгача⁵ матони бўяганлар. Нил бўёғига бўяшда усталарнинг бир йилда олган соғ фойдалари 280 сўмни⁶ ташкил этган.

¹ Ўзбекистон халқлари тарихи. Тошкент: Фан, 1994, 2-жилд. Б. 158.

² Гребенкин А. Ремесленное деятельность таджиков Зеравшанского округа // Туркестанский сборник. СПб., 1872–73. Т. 52. С. 511.

³ Описание некоторых важнейших населенных пунктов – Самарканд // Туркестанский сборник. СПб., 1880. Т. 249. С. 442.

⁴ Ўша жойда, Б. 157–158.

⁵ Описание некоторых важнейших населенных пунктов – Самарканд // Туркестанский сборник. СПб., 1880. Т. 249. С. 160.

⁶ Ўша жойда, Б. 163.

XIX аср охири – XX аср бошларига келиб Самарқанд түқувчилари ўз ишларини енгиллаштириш, тезлаштириш ва маҳсулот сифатини яхшилаш мақсадида түқув дастгоҳларига янги мослама – моки¹ ўрнатиб Ўрта Осиё хунармандлари орасыда янгилик қилдилар. Натижада, Самарқанд хунармандлари 1892 йили ишлаб чиқарышни 3145620 сүмга ошириб, бу күрсаткич 1891 йилга қараганда 78490² сүм күп бўлган.

Тайёрланган сифатли маҳсулотларни хунармандлар четга чиқарышни йўлга қўйиб, ишлаб чиқаришдан катта фойда олганлар. Бу эса Самарқанд хунармандлари томонидан тайёрланган маҳсулотлар обрўйини Ўрта Осиё бозорларида янада оширган. Тўқимачилик корхоналари ҳам йилдан-йилга кўпайиб бориб, 1870 йили 740 та³, 1872 йили 827 тани⁴ ташкил этган. Шунинг учун ҳам XIX аср охирига келиб Самарқанд вилоятида тўқимачилик бутун хунармандчиликнинг 55,8 фоизини ташкил этган.

Самарқанддаги хунармандчиликнинг яна бир тури – кулолчилик ҳисобланади. Кулолчилик ишлаб чиқарилган маҳсулотларига қараб икки турага бўлинади: сирланган ва сирланмаган. Кулолчиликнинг бу икки тури ҳам Самарқанд шаҳри ва унинг-атрофидаги туманларда мавжуд бўлиб, 1872–1876 йиллари 37 тани⁵ ташкил этган. 1888 йилга келиб эса, Самарқанд вилоятида 57 та, Самарқанд шаҳрининг ўзида 10 та кулолчилик устахонаси⁶ ишлаб турган. Бу рақамлардан кўриниб турибдики, кулолчилик билан шуғулланувчилар сони Самарқандда кўпайиб борган.

Кулолчилик устахоналарида сирланмаган идишлар тайёрлаш: кичикларида 20 тагача, катталарида 50 тагача бўлган. Бу устахоналарда тандирлар ҳам тайёрланилган. Ёқилғи ўрнида ишлатиладиган ўтин, ҳас-чўплар ҳам усталарга бепул тушган, уларни от-эшаклар билан шогирдлар қишлоқлардан йиғиб келтирганлар. Сирланмаган идишларни тайёрловчи кулоллар маълумотларга кўра, 1 йилда 6 ой ёки 8 ой⁷ ишлаганлар.

¹ Корреспонденция. Самаркандская выставка шелководства и пчеловодства // Туркестанский сборник. Т. 440. С. 97.

² Материалы для статистика Самаркандской области – из обзора Самаркандской области за 1892 // Туркестанский сборник. Т. 1907. Т.426. С. 146.

³ Сайдкулов Т.С. Самарканд во второй половине XIX – начале XX веков. Самарканд, 1970. С. 131.

⁴ Иванов Д.Л. Русская земля Самарканда // Туркестанский сборник. СПб., 1872–73. Т. 67. С. 68.

⁵ Туркестанский сборник. Т. 1909. Т. 527. С. 156; Туркестанский сборник. СПб, 1880. Т. 249. С. 441.

⁶ История Самарканда. Тошкент: Фан, 1969. Т. 1. С. 309.

⁷ Туркестанский сборник. Т. 1909. Т. 527. С. 116.

Қишиш ва күз ҳамда баҳорнинг бир ойида устахоналарда ишлар тұхтатилған. Агар усталар қишишда ишлаб, маҳсулот тайёрласалар, бу идишларнинг нархи ёзда тайёрланғанларининг нархидан паст бўлған. Бунга қишишда тайёрланған кулолчилик маҳсулотларининг сифати анча пастлиги сабаб бўлгандир¹. Умуман олганда, Самарқанд усталиари томонидан тайёрланған идишлар сифатли бўлиб, бозорларда тез сотилған.

Улар тайёр маҳсулотни дўқоннинг ўзида савдогарларга сотгандар. Савдогарлар эса уларни бозорда ўз нархидан икки баробар қимматга сотган. Кулоллар олибсотарлар билан алоқа қилиб, буюмлар пулини олдиндан олар ва нархини ҳам ўзлари белгилар эдилар. Сирланмаган идишлар бозорларда кўп ва тез сотилған.

Сирланган идишлар тайёрловчи устахоналар алоҳида бўлиб, уларда Тошкент уездидан келтирилған, оловга чидамли гилватадан фойдаланилған. Маҳаллий тупроқлар гилватага тенгглаша олмаган. Сирли идишлар тайёрлайдиган кулоллар ҳам асосан пиёла, кўза, товоқ ва шунга ўхшаш идишлар ясаганлар. Каттароқ идишлар эса бу юртма бўйича тайёрланилған.

Маҳсулотлар икки кун давомида қуёшда қуритилған, шундан кейин маҳсус тайёрлаб қўйилған бўёқлар билан сирланиб, мураккаб нақшлар чизилған. Кулолчиликнинг бу турида ҳар кунда 200 га яқин майда идишлар тайёрланған. Бўяш ва сирлаш учун эса кўп вақт сарфланған. Бундай устахоналарда йилига, маълумотларга кўра, (6 ой ёки 8 ой иш кунида) 125 сўм харажат қилингандар, олингандар соғ фойда эса 175 сўмни ташкил этган². Бу устахоналар ҳам ўз маҳсулотларини олибсотарларга бозор нархидан икки баробар арzonга сотганлар. Олибсотарлар битта дўқондаги маҳсулотни 80 тангагача сотиб олганлар.

Кулолларнинг савдогарлар билан алоқа қилиши фойдали бўлған, чунки усталар бозорларда ўз дўқонларига эга бўлмаганлар. Кулоллар асосан ўз оила аъзолари, баъзи ҳолларда ака-укалари билан ишлар эдилар. Шогирд тушган бегона болалар фақат овқатланиб, ўз меҳнати учун ҳақ олмаганлар. Уста кулолчиликни ўз ота-боболаридан ўрганиб, уни фарзандларига ўргатган ва у авлоддан-авлодга ўтиб келган. «Самарқанд қарияяларининг таъкидлашича, 1890–1895 йилларда бозорларда кўплаб кулолчилик маҳсулотлари, гулдон, мева-чева қўйиладиган ва Хитой вазаларига ўхшаш идишлар тайёр-

¹ Туркестанский сборник. Т., 1909. Т. 527. С. 117.

² Туркестанский сборник. Т., 1909. Т. 527. С. 120.

ланиб, вилоят қулоллари ҳар томондан ўзларини қўрсатиб, равнақ топмоқдалар»¹.

Умуман адабиётларда ҳам ёзилишича, ўша даврда оддий лойдан тайёрланган, сирланган ва сирланмаган идишлар, оқ лойдан тайёрланиб сирланган ва гулли чинни буюмлар кенг тарқалган. Самарқанд қулолчилик марказларидан бири бўлган².

Самарқанд вилояти иқтисодий ҳаётида хунармандчиликнинг ўрни катта бўлиб, ўша давр ижтимоий-иктисодий ҳаётида алоҳида ўрин тутган. Мустамлака тузумининг тазибиқига қарамасдан иқтисодий жараёнлар анъанавий тарзда ривожланиб бориб, маҳаллий ҳунармандлар маҳорати соҳа тармоқларини ривожлантиришга, аҳоли турмуш тарзини яхшилашга таъсир қўрсатган.

Хулоса қилиб айтганда, XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошларида Россия империяси ҳукмрон бўлган даврда ҳам Туркистонда ўзига хос тарзда иқтисодий ривожланиш бўлганлиги, яъни саноат, хунармандчилик, савдо-сотиқ алоқаларининг ривожланганлиги ўша даврда ҳам юртимиизда иқтисодий масалаларни ечишда маҳаллий имкониятлардан оптимал даражада фойдаланилганлиги, ўша давр учун ривожланишнинг ўзига хос йўналиши мавжудлигидан далолат беради.

Тарихимиизда мустамлака даври тарихи ғоятда кўп сохталаштирилган бўлиб, ўша даврда Туркистон ҳаёти объектив манзарасини тиклаш зарурияти ҳозирда долзарб вазифадир. Ўлкани мустамлакага айлантириш туфайли юзага келган, кўп жиҳатдан зиддиятли тусда авж олган ўзгаришлар йиғиндисини бугунги кунда методологик жиҳатдан тадқиқ этиш муҳимдир. Ватанимиз тарихининг саҳифаларини янги маълумотлар билан бойитиш ва тарихимизни ҳаққоний ёритиш учун уларни ўрганиш долзарб илмий-тарихий муаммо саналади.

Мирзачўлда ташкил топган рус қишлоқлари аҳолисининг хўжалик юритиш шакллари (XIX аср охири – XX аср бошлари)

Назира Мирзаева

Гулистан давлат университети доценти, тарих фанлари номзоди.

Мирзачўлда рус қишлоқларининг пайдо бўлиши нафақат уни ўзлаштириш ишлари, балки Россия империясининг кўчирувчилик

¹ Туркестанский сборник. Т. 1909. Т. 527. С. 121.

² Ўзбекистон халқлари тарихи. Т.: Фан, 1994, 2-жилд. Б. 165.

сиёсати билан бевосита боғлиқ эди. Россия империяси маъмурлари маҳалий иқлим шароити ва аграр имкониятни ҳисобга олган ҳолда Туркистонга рус аҳолисини империянинг жанубий губернияларидан кўчириб келтиришни лозим топган¹.

Воҳада ташкил топган рус қишлоқлари ўлка маъмурияти ёрдами билан ва маъмурият рухсатисиз тузилган. Қонуний равишда фақат «Спасский» ва «Велико-Алексеевский» қишлоқлари тузилган², қолган рус қишлоқлари хукумат рухсатисиз ташкил этилган бўлиб, хукумат асосий эътиборни қонуний равишда тузилган қишлоқларни ободонлаштиришга қаратган. Махсус топшириқлар олган рус маъмурлари воҳага келиб, фақат ободонлаштирилган қишлоқларни ўрганиш билан шуғулланганлар³.

Мирзачўлдаги рус қишлоқлари якка хўжаликка мослаб тузилган бўлиб, бу ҳолат қишлоқларга обивател (ижтимоий ҳаётга аралашмай ўзининг шахсий турмуши билан овора бўлган, тор фикрли одам) ва мешчан (тушунчалик манфаатпараст одам; шаҳар майда буржуазиясига мансуб майда хунарманд ва майда савдогар; ўз шахсий манфаатлари билан овора бўлган одам) ларни кўчириб келтириш тўғрисидаги вақтингчалик қоидаларга мос тушган. Ушбу қоидаларга мувофиқ, давлат ерлари кўчиб келганларга жамоавий ёки якка тартибда фойдаланиш учун берилган. Фойдаланиш тартибини танлаш ва уни бажариш ҳар бир янгидан ташкил этилган қишлоқ жамоасининг қишлоқ йиғини зиммасига юклатилган.

Бироқ 1913 йилдан бошлаб, Мирзачўлда хоторли ва отруб (қулоқ хўжаликларини кўпайтириш мақсадида Россия империяси маъмурлари томонидан жамоага қарашли ерлардан кесиб, ўзига тўқ дехқонларга хусусий мулк қилиб берилган ер майдони)ли хўжалик сиёсати қўлланилган. Кўчирувчилик бошқармаси бўлажак қишлоқларга ажратилган ерларни олдиндан алоҳида ер майдонларига ажратиб, тайёрлаб қўйилган жойларга рус дехқонларини кўчириб келтирган. Мирзачўлда хоторли ва отрубли хўжалик юритиш учун ажратилган дастлабки қишлоқ «Велико-Алексеевский» бўлган. Шу вақтдан бош-

¹ Кауфман А. Переселение и колонизация. Спб.: Типография товарищества “Общественная польза”, 1905. С. 260; ЎзМА, И-1-фонд, 17-рўйхат, 97-йиғмажилд, 4-7 варақлар.

² Караваев В.Ф. Голодная степь въ ея прошломъ и настоящемъ. Статистико-экономический очеркъ. Спб.: Типо-Литографія Н.Л. Наръекина, 1914. С. 124.

³ Скрыплев П. Хлопководство и русские переселенцы // Вопросы колонизации. – Спб., 1913. № 12. С. 203–224; Первый поселок “Велико-Алексеевский” на землях, орошаемых системой Романовского канала // Вопросы колонизации. Спб., 1915. № 12. С. 164–93; ЎзМА, И-7-фонд, 1-рўйхат, 4323-йиғмажилд, 65–75 варақлар.

лаб янгидан ташкил этилган қишлоқлар хуторли ва отрубли хўжалик тури бўйича ташкил этилган. Рус маъмури инженер Моргуненков Мирзачўлдаги ер танқислиги масаласини ҳал этиш учун тўқай ерларни маҳаллий аҳоли ёрдамида ўзлаштириб, уларни ўтрок турмуш тарзига ўтказиш орқали қўшимча ер фондига эга бўлиш таклифини кун тартибига қўйган¹.

Рус қишлоқлари хўжалигидаги бошқа муҳим ҳаётий масала сувдан фойдаланиш бўлган. Рус маъмурлари ўлкани бундан кейин рус аҳолиси томонидан мустамлака қилиш ва пахтачиликнинг ривожланиши биринчи галда мавжуд сув захираларидан тўғри фойдаланиш ва тақсимлаш билан боғлиқдир, деб таъкидлаган. Сув захираларидан фойдаланиш Мирзачўлга кўчиб келган руслар ҳаётида энг оғриқли масала ҳисобланган². Магистрал канални рус дехқонларининг чек ерлари билан боғлайдиган суғориш тармоғини қуриш жуда секин борган.

Мирзачўлда бош магистрал канални қурилиши билан ҳам рус қишлоқларининг сувдан фойдаланиш муаммоси охиригача ҳал қилинмаган. Мирзачўлда сувни суғориш тармоқлари орқали олган дастлабки қишлоқ «Романовский» бўлиб, қишлоқ аҳолиси 1897 йилда сувни Царевна арифи орқали олган.

Давлат ўз зиммасига майда ариқларни қазиш мажбуриятини олмаган, ариқларни қазиш кўчиб келганларнинг ўзига юклатилган. Бундай аҳвол уларнинг хўжалик юритишларига оғир таъсир этган. Етарли маблағ ва воситаларга эга бўлмаганликлари сабабли улар ўз вақтида сифатли қилиб суғориш ишларини амалга ошира олмаган, натижада узоқ вақт давомида экин майдонлари сувсиз қолган. Аммо иқтисодий эҳтиёж кўчиб келганларни имкон даражасида маблағ ва воситаларни тўплашга, суғориш ариқларини қазишга унданаган. Маблағ етмаслиги туфайли рус дехқонлари маъмуриятга тез-тез ёрдам сўраб мурожаат қилган.

Чек ер майдонлари чегараларининг аниқ бўлмаганлиги алоҳида рус дехқонлар ўртасида ва ҳатто бутун қишлоқлар ўртасида баҳс ва келишмовчиликларга олиб келган, бу эса экин майдонларини суғоришга ҳам таъсир қилган.

Дастлаб «Романовский» ва «Надеждинский» қишлоқлари, кейинчалик эса бошқа рус қишлоқлари аҳолиси дехқончилик билан шуғуллана бошлаган. Бу ерда бўлиб турадиган доимий шамоллар,

¹ ЎзМА, И-7-фонд, 1-рўйхат, 4510-йиғмажилд, 9-варақ.

² ЎзМА, И-7-фонд, 1-рўйхат, 4689-йиғмажилд, 21-варақ; ЎзМА, И-18-фонд, 1-рўйхат, 6852--йиғмажилд, 14-орқа варақ.

ерларнинг экин экиш учун ноқулайлиги, ҳаттоғи чорва учун озуқа-нинг етишмаслигидан азият чекканлар¹. Бошқа рус қишлоқларидағи аҳоли ўз ер майдонлари бўлмаганилиги туфайли дуч келган жойдаги ер майдонларини ўзлаштирган.

Сув танқислиги, суғориша узилишларга олиб келувчи навбатчилик ва уруғларни давлат ссудаси сифатида ўз вақтида ва мунтазам равишда берилмаслиги натижасида кўп ҳолларда ишлов берилган далаларга экин экилмаган.

Айрим рус қишлоқлари аҳолисининг катта бўлмаган экинзорла-ри чигиртка босиши натижасида нобуд бўлган ёки баҳор фаслининг қурғоқчил келганлиги туфайли куйиб кетган. Масалан, «Романов-ский» ва «Надеждинский» қишлоқларида шундай ҳолат кузатилган. Мирзачўлда яна бир нечта рус қишлоқлари бу даврда шаклланиш босқичида бўлиб, уларнинг аҳолиси дастлабки вақтларда қишлоқ хўжалик ишлари билан шуғулланмаган, суғориш тармоқларини ўт-казиш ва бошқа қурилиш ишларини бажаришдан олган иш ҳақи ҳи-собига қун кечирган.

Маълум вақт ўтгач, бошқа рус қишлоқлари деҳқонлари ҳам қишлоқ хўжалиги билан шуғуллана бошлаган. Масалан, 1891 йилда қишлоқ хўжалиги билан фақат 3 та рус қишлоғидаги деҳқонлар шуғулланган бўлса, 7 йил ўтгач, яъни 1898 йилда, уларнинг сони 8 тага етган². Кўчиб келган рус деҳқонлари асосан буғдой, арпа, шоли, сули ва қўшимча жўхори, маҳсар, кунжут, каноп, нўхат, тариқ, сабзавот ва қовунлар етиштирганлар³. Рус қишлоқлари деҳқонларининг қишлоқ хўжалиги билан шуғуллана бошлиши ҳам лалми, ҳам суғорма экин майдонларининг кўпайишига олиб келган.

Лалми ерларга нисбатан суғорма ерлар ҳосилдорлиги катта бўл-ганига қарамасдан, бу ердаги экинларнинг ҳосилдорлиги жуда паст бўлган. Ҳосилдорликнинг пастлигига сабаб, ишлов берилаётган ер-лар асосан қўриқ (бўз) бўлган ва кўчиб келганлар суғорма деҳқончи-ликни яхши ўзлаштира олмаганлар.

¹ Туркестанские ведомости. 1888. № 11.

² Вирский М. Хлопководство и хлопковая промышленность в Самаркандской области. Обзор хлопководства за 1896 г. Справочная книжка Самаркандской области за 1897 г. Самарканд, 1897. Вып. V. С. 79.

³ Туркестанское управление земледелия и государственных имуществ. Отчёты по опытным полям хлопчатника в Андижане и Голодной степи. Ведомства Главного управления земледелия и землеустройства за 1905 г. Ташкент: Изд. Турк. Упр. зем. и госимуществ, 1907. С. 24–25; Караваев В.Ф. Голодная Степь въ ея прошломъ и настоящемъ. Статистико-экономический очеркъ. Спб.: Типо-Литографія Н.Л. Наръекина, 1914. Приложение.

Мирзачўлга қўчиб келган руслар лалми дехқончилик билан ҳам шуғулланган. Дехқончилиқдаги бу услуг билан улар ўз ватанларида таниш бўлганлар. Бу жиҳатдан уларда катта тажриба тўпланган бўлиб, бу тажрибани улар янги шароитларда қўллай бошлаган. “Бундан 19–20 йил илгари, – деб ёзади М. Вирский, Катта-Кўрғонда қишилган менонит (католик мазҳабидаги диний оқимлардан бири вакиллари) лар шаҳар ёнидаги маҳаллий аҳоли четлаб ўтадиган жойда лалми буғдой экишган. Ери ӯз плуглари билан ҳайдашган, ўз бороналари билан бороналашган, донни бир десятинага 8 пуд ҳажмда экканлар, маҳаллий аҳоли эса ҳар десятинага 4–6 пуддан буғдой сочган. Баҳордаги нокулай об-ҳаво шароитларига қарамай, улар томонидан етиштирилган ғалла атрофдаги аҳолини ҳайратда қолдириб, баланд, зич ва жуда серҳосил чиққан, айни вақтда маҳаллий аҳолининг далаларида ғалла йифим-терими одатдаги ҳажмдан кўп бўлмаган”.

Қишлоқ хўжалигидаги асосий тармоқлардан бири пахтачилик бўлиб, рус қишлоқларида бир қатор босқичларни босиб ўтди. 1900 йилгача Мирзачўлдаги рус қишлоқлари аҳолиси пахта экмаган. Шунинг учун ҳам К.Пален ўз тафтиши пайтида Мирзачўлдаги рус дехқонлари пахтачилик билан шуғулланмайдилар, деган холосага келган¹.

Рус қишлоқларида пахта экин майдонларининг аста–секин қисқараб боришининг сабаблари турлича бўлган. Улардан энг асосийи шундаки, рус дехқони янги жойга келишидан олдин бу техника экини билан умуман таниш бўлмаган. У маҳаллий дехқондан жуда кўп нарсани ўрганиши лозим эди, бу эса маълум вақтни талаб этган.

Мирзачўлда фақат иккита «Спасский» ва «Велико Алексеевский» қишлоқларида экин майдонларининг катта қисми пахтага ажратилган. «Спасский» қишлоғида ерларни тақсимлаш ва сугоришда йўл қўйилган хатоликлар натижасида 1907 йилдан 1914 йилга қадар 302 хўжалиқдан 49 таси (16,2 %) пахта етиштириш билан шуғулланиши тўхтатган².

1912 йил 31 марта Тошкентга келган Давлат мулклари ва дехқончилик бошқармаси бошлиғи статс-секретарь А.В. Кривошиен иштирокида ўtkазилган йиғилишда пахтачиликнинг бундан кейинги тараққиёти масаласи кўриб чиқилган. Худди шу йилнинг кузида Мирзачўлдаги тажриба даласида экилган “Упланд Ташкентский” пахта

¹ Пален К. Переселенческое дъло в Туркестанъ. Спб., 1910. С. 294.

² Бартольд В.В. История культурной жизни Туркестана. Ленинград: Изд. АН СССР, 1927. С. 154.

навидан 1 десятина ердан 232 пуддан ҳосил олинган¹. Бу күрсаткич маҳаллий пахта навларига нисбатан юқори бўлган, бу пайтда бир десятина ердан 50 пуддан 80 - 90 пудгача пахта йифиб-териб олинган.

«Конногвардейский» қишлоғида 1907 йилда умуман пахта экилан майдон бўлмаган бўлса, «Спасский» қишлоғи дехқонлари айнан шу даврдан бошлаб пахта етиширишга эътибор бера бошлаган. Қишлоқ дехқонлари 1908 йилда жами экин майдонларининг 6 % ига, 1911 йилда эса 30 % ига пахта эккан².

Мирзачўлда пахтчилик билан энг кўп шуғулланадиган «Спасский» қишлоғи дехқонлари қанд лавлаги етишириш билан ҳам шуғулланган. Қандлавлаги пахта сингари жуда кўп меҳнат ва воситаларни сарфлашни талаб қилган. Шунинг учун қанд лавлаги етишириш билан шуғулланаётган дехқонлар кредит олганлар. Саноат корхоналари алоҳида хўжаликлар билан тузилган шартнома бўйича бўлғуси ҳосил учун пулнинг бир қисмини олдиндан тўлаган ва дехқонлардан насия хати олган. Пул бирданига берилмасдан, қисм-қисм қилиб бўлиб берилган: биринчи марта ерни ҳайдаш олдидан, иккинчи марта экиш олдидан ва шундай қилиб то ҳосилни йиғиштириб олингунча бўлиб берилган. Тўланаётган ссуданинг бутун суммасини йўқотиб қўйишдан қўрқиб, корхона маъмурияти пулларни қисмларга бўлиб тўлаш тизимиға ўтган бўлиши мумкин. Шу тариқа, корхона лавлагига ишлов бериш жараёни ва унинг ҳосилдорлигини кузатиб борган. Лавлаги етарлича етиширилганлиги ва корхонага даромад келтириши мумкинлигига ишонч ҳосил қилингач, ссуданинг қолган суммасини тўлаган.

Мирзачўлдаги рус қишлоқлари хўжалигида ёлланма ишчилардан фойдаланиш жуда кенг тарқалган. Масалан, Сурков каби йирик ижарачиларга жуда кўп ишчи кучи талаб қилинган, шу сабабли у ўз хўжалигини муваффақиятли олиб бориш учун Самара ва Саратов губернияларидан ёлланма ишчиларни олиб келган ва уларга йўл харажатларини тўлаган. Ёлланиб ишловчилар кунлик, йиллик, мавсумий ва ойлик ишчилар сифатида ёлланган. Йиллик ишчилар қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ ишларни бажарганлар ва уларга йилига ўртacha миқдорда 116 дан 173 рублгача ҳақ тўланган. Ойлик ишчилар ойига 15 дан 25 рублгача ҳақ олганлар.

¹ Станишевский А.В. Голодная степь. 1867–1917. История края в документах. М.: Наука, 1981. С. 212.

² Бушуев М.М. О хлопководстве у русских крестьян в Голодной степи // Туркестанское сельское хозяйство. Ташкент, 1911. № 7. С. 480.

Кунлик ишларга нафақат әркаклар, балки аёллар ҳам ёлланган. Аёллар әркаклар билан тенг иш бажарганига қарамасдан, уларға камроқ иш ҳақи түланган. Масалан, агар аёлларға пахта йиғим-теримида ўртача 90 коп.дан 1 рублгача ҳақ түланган бўлса, эркакларга – 1 рублдан 1 рубл 50 коп.гача түланган. Маҳаллий ишчиларга кўчиб келган русларга қараганды камроқ түланган. Масалан, «Николаевский» қишлоғида руслар йилига 130–180 рублдан иш ҳақи олган бўлсалар, улар худди шундай ишни бажарган маҳаллий ишчилар иш ҳақларини йилига 98–148 рубл миқдорида олганлар. Рус қишлоқларида түланадиган иш ҳақи бир хил бўлмаган, бу қишлоқнинг иқтисодий аҳволи ва ишчи қўлларга бўлган эҳтиёжига боғлиқ бўлган. Пуллик ижара кенг амал қилаётган жойларда ишчи қўлларга эҳтиёж юқори бўлган ва ишчиларга кўпроқ иш ҳақи түланган. Масалан, агар «Надеждинский» ва «Романовский» каби қишлоқларда ишчиларга ойига 15 рублдан 25 рублгача маош түланган бўлса, «Спасский» ва «Велико Алексеевский» қишлоқларида 17–18 рубл түланган¹.

Кўчиб келган руслар томорқа хўжалиги, полизчилик ва боғдорчилик билан ҳам шуғулланган. 1898 йилда рус қишлоқларидағи томорқаларда ва далаларда 185,04 пуд сабзавотлар етиширилган. 12 та рус қишлоғида 1914 йилда сабзавотлар, полиз ва боғ ўсимликлари 194,25 десятина ерда етиширилган². Кўчирувчилик бошқармаси маъмурлари Мирзачўл тажриба даласи рус дехқонларига боғдорчилик, ерга ишлов бериш, маҳаллий шароитларга мослашган экинларни етишириш бўйича тегишли кўрсатмалар бериб борган. Ўтқазилган дарахтларнинг 6–7 йил мобайнида тез ривожланиши «Духовский» қишлоғи аҳолисида боғдорчилик билан шуғулланишга қизиқиш уйғотган ва натижада улар кўчирувчилик бошқармасига яна қўшимча ер беришларини сўраб мурожаат қилганлар.

Боғдорчилик ва узумчилик рус қишлоқлари ҳаётида сабзавотчилик билан қиёслаганда катта аҳамият касб этмаган. Боғлар ва узумзорлар асосан томорқаларда мавжуд бўлган. Кўчиб келган руслар дастлаб боғдорчилик билан шуғулланмаган, бироқ кейинчалик аҳвол аста-секин ўзгариб борган, уларнинг боғлари маҳаллий ва кўчиб келган немис аҳолиси боғларидан фарқ қилган. Маҳаллий аҳоли орасида узумнинг янги навларини тарқалиши ижобий ҳодиса бўлган.

¹ Караваев В.Ф. Голодная Степь въ ея прошломъ и настоящемъ. Статистико-экономический очеркъ. Спб.: Типо-Литография Н.Л. Нарьекина, 1914. С.161.

² Ўша асар. Б. 203.

1912 йилда фақат «Спасский» рус қишлоғида 189 та хўжалик боғдорчилик ва узумчилик билан шуғулланган. Улар узумнинг маҳаллий навларини етиштириш билан бирга, Европадан олиб келинган токларнинг энг яхши навлари билан бир қаторда олма, олхўри, нок, беҳи, ўриқ, шафтоли, анор, гилос ва олчаларни етиштира бошлаганлар¹.

Ҳамма кўчиб келганлар ҳам узумчилик билан шуғулланмаган. Агар 1914 йилда «Велико Алексеевский» қишлоғида узумзорлар бир хўжалиқда ўртача 0,15 десятина ерни банд қилган бўлса, «Обетованний» қишлоғи дехқонлари узумчилик билан умуман шуғулланмаган. Рус қишлоқларида узумчилик кам тарқалган бўлишига қарамасдан, кўчиб келганлар ўзлари билан токларнинг янги навларини олиб келган.

Воҳанинг иқлими, Сирдарё бўйидаги тўқайзорлар чорвачилик билан шуғулланиш учун шароит яратган. Мирзачўлдаги рус дехқонлари от, йирик шохли мол, қўй, эчки, чўчқа, эшак ва бошқаларни боққанлар. Масалан, 1895 йилда «Николаевский», «Романовский», «Надеждинский» қишлоқларида жами 2795 бош йирик шохли мол, от ва майда чорва мавжуд бўлган².

П.В. Позняков томонидан 1898–1899 йилларда тўпланган маълумотлар таҳлилига кўра, «Запорожский» қишлоғидан ташқари 8 та рус қишлоқларида 1898 йилда умумий равишда 5819 бош чорва бўлиб, улардан 3383 бош йирик шохли чорва, 2439 боши эса майда чорва бўлган³. Ўртача ҳисобда ҳар бир рус қишлоғига 423 бошдан кўпроқ йирик ва 305 бошдан майда чорва тўғри келган. 1898–1899 йилларда рус қишлоқларида чорва сони ўзгариб турган. «Николаевский» қишлоғида 52,2% хўжалик чорва молларига эга бўлган. «Конногвардейский» қишлоғида 61,6 % ҳовлида от бўлган, демак қишлоқ аҳолисининг ярмидан кўпи ўз отларига эга бўлган. Айрим қишлоқларда 100 ва ундан кўп бош йирик шохли чорва ва отга эга бўлган алоҳида хўжаликлар ҳам мавжуд бўлган. Айрим хўжаликлар ҳам йирик, ҳам майда чорвага эга бўлган бўлса, бошқаларида умуман чорва бўлмаган.

Сирдарё тўқайзорларидан ташқари чорвага яйлов сифатида баҳор ойларида (март-май) майса билан қопланган чўл хизмат қилган. “Аҳ-

¹ Туркестанское управление земледелия и государственных имуществ. Отчёты по опытным полям хлопчатника в Андижане и Голодной степи. Ведомства Главного управления земледелия и землеустройства за 1906 г. Ташкент: Изд. Турк. Упр. зем. и госимуществ, 1908. С. 56–59.

² Обзоръ Самарканской области за 1895 г. (Приложение к Всеподданейшему отчету Военного губернатора). Самарканъдъ: Тип. А.Г. Сунгурова, 1896. С. 50.

³ Позняков П.В. Русские поселки в Голодной степи Самарканской области в 1898–1899 гг. / В кн. Справочная книжка Самарканской области. Самарканъд: 1902. Вып. 7. С. 24.

монкўл” қишлоғи аҳолиси кўл атрофига чорвачилик ва балиқчилик билан шуғулланиш мақсадида ўзбошимчалик билан келиб жойлашган бўлсалар, 1913 йилдан бошлаб чинозликларга тақлид қилиб, дехқончилик билан ҳам шуғуллана бошлаганлар. Кейинчалик кўчиб келганлар маҳаллий аҳолидан ўрнак олиб, ўз чорваларини Туркистон тизмаси тоғолди худудларида боқиш учун ҳайдай бошлаган. Чорвани боқиш учун кўчиб келганлар маҳаллий аҳолидан чўпон ёллаган.

Сигирларнинг маҳаллий зоти билан бир қаторда астрахан, қозоқ ва европа зоти чатишувидаги зотларни боқишиган. Натижада чорва маҳсулдорлиги юксалиб борган. Масалан, қозоқ зотидаги сигир йилига 60–70 челак сут берган, метис зоти эса йилига 80–85 челак сут берган. Ортиқча сут бозорларга чиқариб сотилган. Рус қишлоқлари ёнида пишлоқ пиширувчи ва ёғ олувчи корхоналарнинг йўқлиги туфайли чорвадор ўз маҳсулотларини узоқдаги шаҳарларга, масалан Тошкентга олиб бориб сотишга мажбур бўлган. Бозорларнинг узоқлиги дехқонларга ортиқча маҳсулотни тўлиғича сотишга имкон бермаган, айниқса йилнинг ёз мавсумида жазира маҳсулотларининг бир қисми ачиб кетган. Шунинг учун дехқонлар сутдан творог, сариёғ ва сметана тайёрлаб сотишга ҳаракат қилган. Бунинг учун улар сепараторлардан фойдаланган. К.К. Пален тафтиши пайтида рус қишлоқларида 85 та сепаратор рўйхатга олинган бўлиб, улардан 15 таси «Нижний Волинский» қишлоғида бўлган¹.

Чорвачилик, дехқончилик каби ҳар доим ҳам самарали бўлмаган. Шундай ҳолатлар бўлганки, изғирин совуқ ва ем-хашак етишмаслиги натижасида чорва оммавий равишда нобуд бўлган. Совуқ қишиш ва ем-хашак етишмаслигининг оқибатида рус қишлоқларида 1899 йилда 1898 йилга нисбатан чорва сони 1390 бошга камайган.

Қишлоқ хўжалик мавсумида ва қишлоқ хўжалик ишларидан бўш вақтларида кўчиб келганларнинг кўп қисми каналлар қурилиши ва таъмирлаш ишлари билан банд бўлган. Ер қазувчи ишчиларга жуда кам иш ҳақи тўланган, шунинг учун иш жуда секин борган. Оғир шароитларни ва канал қурилиши муҳим иш эканлигини ҳисобга олган ҳолда, маъмурият иш ҳақини оширишга мажбур бўлган.

Демак, Мирзачўлда ташкил топган рус қишлоқлари аҳолисининг хўжалик тарзининг асосий хусусияти, аввало ҳудудда суғориш тармоқларининг қурилиши билан боғлиқ бўлган. Янги суғориш тар-

¹ Пален К. Отчёт по ревизии Туркестанского края. Переселенческое дѣло в Туркестанъ.— Спб.: Сенатская типография, 1910. С. 272.

моқларининг қурилиб ишга туширилиши, янги ер майдонларнинг ўзлаштирилиши, сұғорма деҳқончилик сирлари билан танишиш, маҳаллий аҳоли билан алоқалар, темирийүл қурилиши күчіб келган аҳолининг турмуш тарзига ўзига хос тарзда таъсир күрсатган. Мирзачўлда суғориш ва мелиорация, қишлоқ хўжалиги, хусусан пахтачиликни ривожлантириш бўйича маълум даражада илмий тадқиқотлар олиб борилган. 1897 йилда бошланган ерларнинг шўрланиши ва Мирзачўлни ўзлаштиришни давом эттирилиши, деҳқончиликни янада тараққий эттириш зарурлиги оқибатида «Спасский» қишлоғида, Мирзачўл станцияси ёнида 1900 йилда Мирзачўл тажриба даласи ташкил этилган¹. Тажриба даласига дастлаб агроном М.М. Бушуев бошлиқ этиб тайинланган. Тажриба даласининг ташкил этилиши туфайли Мирзачўлдаги мавжуд аҳволга илмий ёндошиш имконияти пайдо бўлган. Мирзачўлдаги рус қишлоқлари деҳқонлари ўзлари учун янги бўлган иқлимиш шароитларда деҳқончилик қилиш учун тажриба даласидан амалий ёрдам олган. «Надеждинский» қишлоғида истиқомат қилган рус деҳқони Селиверстов томонидан етиштирилган полиз маҳсулотларига жамоатчилик юқори баҳо берган². Мирзачўлдаги кўпгина хўжаликлар аҳолиси деҳқончилик билан узоқ вақт шуғулланмаган. Улар қисқа вақт давомида фақат пахта экиб, кўпроқ фойда олишни ўйлаб, ернинг унумдорлигини сақлаш тўғрисида қайғурмаган. Мирзачўлда алмашлаб экишга риоя қилмаслик одатий ҳол бўлган, бу рус деҳқонлари учун янгилик бўлиб, улар қўриқ ерлардан дастлабки пайтларда мумкин қадар кўпроқ наф қўришга интилганлар³.

Шундай қилиб, Мирзачўлда рус қишлоқлари 1885–1917 йиллар оралиғида воҳада сунъий суғориш тармоқларини барпо этилиши, темирийүл қурилиши ва Россия империясининг кўчирувчилик сиёсати натижасида ташкил этилган. Мирзачўлда дастлабки рус қишлоқларининг ташкил этилиши ўша вақтда “Буюк князь” деб улуғланган Н.К. Романов фаолияти билан бевосита боғлиқ бўлган. Рус ҳукумати томонидан кўчиб келувчилар учун бу ерда қулай шароит яратишга диор тегишли чора-тадбирлар амалга оширилган,

¹ Эгамбердиев Р.С., Раззоқов А. Ўзбекистонда қўриқ ерларни суғориш, ўзлаштириш ва мелиорациялаш тарихи (Мирзачўл мисолида). Тошкент: Фан, 1984. Б. 38.

² Данные о плодоводстве и огородничестве в Голодной Степи, Самаркандской области, по экспонатам Голодностепского опытного поля на выставке 14–23 сентября 1912 г. в г. Ташкенте // Туркестанское сельское хозяйство. Ташкент, 1913. № 1. С.19.

³ Караваев В.Ф. Голодная Степь въ ея прошломъ и настоящемъ. Статистико-экономический очеркъ. Спб.: Типо-Литографія Н.Л. Наръекина, 1914. С.98.

рус қишлоқлари аҳволи мунтазам равишда ўрганилган, айрим кўчиб келганларга белгиланган тартибда имтиёзлар берилган. Аммо Россия империяси маъмурлари томонидан кўчирувчилик сиёсатини амалга оширишда бир қатор камчиликларга йўл қўйилган, на-тижада воҳага кўчиб келган айрим рус дехқонлари янги жойларда ҳам сарсон-саргардон бўлган, уларнинг бальзилари ўз ватанларига қайтишга, бошқалари эса бир жойдан бошқа жойга ўтиб юришга мажбур бўлган. Воҳада ташкил этилган рус қишлоқлари аҳолиси хўжаликларини маҳаллий муҳитга мослашган ҳолда юритган. Мирзачўлда ташкил этилган рус қишлоқлари дехқонлари аксарият қисми оиласи билан 10 десятинадан чек ер олиб, бу ерларнинг атро-фини дараҳтлар билан ўраб олган, бу хўжаликлар алоҳида қўрғон-ларда истиқомат қилганлар. Хўжалик юритишнинг бундай тартиби воҳага кўчиб келган украинларга хос бўлган. «Велико Алекссев-ский» қишлоғига Кўчирувчилик бошқармаси томонидан аввалдан режалаштирилган ҳолда аҳоли жойлаштирилганлиги туфайли, Мирзачўлда ташкил этилган бошқа рус қишлоқларидан иқтисодий аҳволининг устунлиги билан ажralиб турган. Қишлоқ аҳолиси, асосан дехқончилик, хусусан пахта етиштириш билан жиддий шуғулланган, бу соҳада маълум натижаларга эришиш учун турли фирмалар, кредит уюшмалари хизматидан фойдаланганлар. Қишлоқ янгидан ташкил этилганлиги ва уйлар замонавий қўринишда қурила бошлаганлиги туфайли печ ясовчи, ойна кесувчи усталарга талаб кучли бўлган. Темирийўл бекатининг чипта сотувчисининг иши енгил ва нуфузли ҳисобланган. Бошқа қишлоқларга кўчиб келган аҳоли темирийўлда, Тошкент шаҳрида жойлашган заводларга ҳам бориб ишлаганлар, ҳунармандчиликнинг темирчилик, этик-дўзлик ва дурадгорлик каби соҳалари билан шуғулланганлар. Рус дехқонлари Мирзачўлда мавжуд бўлган ғишт заводларида (тўғрироғи, печларда) ҳам ишлаган. Кўчиб келганларнинг бирмунча ўзига тўқ қисми майдо савдо билан шуғулланган, Мирзачўлдаги тажриба майдонида хизмат қилган. Уларнинг салмоқли капиталга эга бўлганлари дехқончиликдан воз кечиб, буғдой ва пахта савдо-сотиғи билан шуғулланган. Темирийўл станциялари ёнида ташкил топган рус қишлоқлари аҳолиси асосан ҳунармандчилик ва савдо-сотиқ билан шуғулланган. Кўчиб келган аҳоли янги шароитга мослашиб, ўзлари учун нотаниш бўлган суғорма дехқончилик ишлари билан танишган. Мирзачўлга кўчиб келган рус дехқони Сирдарё бўйида-

ги түқайзорларда чорвачилик билан шуғулланған, суғориладиган ерларда ўзи учун янги бўлган экинлар (пахта, жўхори, мөш, ловия, шоли)ни етиширишни ва маҳаллий мева навларини ўстиришни ўзлаштириб олган. Кўчиб келган аҳоли билан маҳаллий аҳоли турли соҳаларда ўзаро муносабатга киришган, бу ҳолат воҳага қўчиб келганлар билан маҳаллий аҳолини тинч-тотув яшаши учун имкон берган. Мирзачўлда ташкил топган рус қишлоқлари аҳолисининг хўжалик тарзига ҳудудда амалга оширилган ўзлаштириш ишлари ва темирйўлнинг қурилиши сезиларли таъсир ўтказган.

Россия империясидан Туркистонга кўчирилган аҳолининг маҳаллий аҳоли билан ўзаро муносабатлари

*Шербек Равшанов
Самарқанд Давлат университети ўқитувчиси*

Россия империясидан Туркистон ўлкасига кўчирилган аҳолининг маҳаллий аҳоли билан ўзаро муносабатларига эътибор берсак, бу муносабатлар ҳам ўша даврда ўзига хос бўлган тарихий жараёнлар ва воқеиликларга бой бўлди.

Россия империясининг Туркистонга аҳолини кўчириш сиёсатини маҳаллий аҳоли манфаатлари учун ҳеч қанақа ижобий жиҳатлари билан асослаб бўлмасди. Бу сиёсат маҳаллий аҳоли учун бир қатор сиёсий ва иқтисодий муаммоларни келтириб чиқарди. Жумладан, империя ҳукуматининг кўчиб келган аҳолини давлатнинг бўш турган захира ерларига жойлаштириш тўғрисидаги тадбирлари замирида аслида, маҳаллий аҳолига қарашли ва улар тасарруф этиб турган сугориладиган ҳамда яйлов ерлари назарда тутилган эди. Империя ҳукумати томонидан қабул қилинадиган қонун ва тартиблар асосан рус давлатчилиги манфаатларига хизмат қилиб, маҳаллий аҳоли кўп ҳолларда ўз ер-мулкларидан маҳрум бўлиб қолган эди.

Маҳаллий аҳоли ва кўчиб келганлар орасидаги келиб чиқадиган ҳар қандай низо ва келишмовчиликлар ҳар доим кўчиб келганлар фойдасига ҳал этилган. Масалан, молиявий жиҳатдан ҳеч қанақа мулкка эга бўлмаган ўзбошимчалик билан ўлкага кўчиб келган рус аҳолиси томонидан маҳаллий аҳолининг яйлов ерларини эгаллаб олиш ёки ижарага олинган ерларига тўловларни келишган тарзда тўлашдан бош тортиш ҳолатлари тез-тез учраб турар эди. 1887 йил-

да Самарқанд вилоятининг Ҳўжанд уездидан чорвадор аҳоли яшайдиган “Айим кўл” қишлоғига 11 та оиласдан иборат рус аҳолиси ўзбoshimchaliq билан келиб жойлашди. Бу ҳудуд Сирдарёга яқин бўлганлиги учун балиқчилик билан шуғулланишни назарда тутади, бироқ бу ҳудуд маҳаллий аҳолининг чорваси учун фойдаланаётган ялов ерлари эди. Натижада кўчиб келганлар ва маҳаллий чорвадорлар ўртасида низо келиб чиқди. Сирдарё вилоятидан келган ҳарбий маъмурият вакиллари ва уезд бошлиғи иштирокида мазкур ер руслар томонидан фойдаланиб, балиқ маҳсулотларини Тошкент шаҳри бозорларига етказиб бермоқда, деган маълумот киритиб, ўзбoshimchaliq билан ерга эгалик қилган рус аҳолиси фойдасига низо ҳал этилди ва ўртадан чегара ҳудуд белгилаб берилди¹.

Худди шунга ўхшаш ҳолат 1909 йилда Ҳўжанд уездининг Иржар волости ҳудудидаги “Ўпқон кўл” масканида амалга оширилди. Бу ерга 104 та оиласдан иборат бўлган 400 нафарга яқин рус аҳолиси Фарғонадан маҳаллий аҳолининг ялов ерларига келиб, ўзбoshimchaliq билан жойлашади. Вилоят маъмурлари ва уезд бошлиғи бу ер маҳаллий аҳолига тегишли эканлиги, бу ерда уларнинг 30 мингдан ортиқ қўй, 4 мингта қора моли ва 3 минг бош йилқиси ўтлайдиган ялов эканлигини билса-да, уларнинг бир неча бор расмий мурожаатларига қарамасдан, келиб чиққан низони яна кўчиб келганлар фойдасига ҳал қиласди. Маҳаллий аҳолининг яхши ривожланган хўжалиги учун катта зарап келтирилди, чунки уларнинг чорваси боқилидиган яловнинг бир қисмини қашшоқ рус аҳолисига олиб берилиши маҳаллий аҳолида кўчиб келганларга нисбатан нафрат уйғотишга сабаб бўлди. Чунки маҳаллий аҳолидан яловларнинг тортиб олиниши чорва молларининг қисқариб кетиши ва мулкининг бир қисмини йўқотишга сабаб бўлган эди².

Империя ҳукумати кўчиб келган аҳолини марказдан, яъни Тошкент шаҳридан узоқроқ бўлган ҳудудлар Фарғона, Мирзачўл, Авлиё-ота, Чимкент ва бошқа ҳудудларга жойлаштиришга ҳаракат қиласди. Сабаби имкон қадар империянинг мустамлака таъсири кенгроқ ҳудудларга ёйиш ва муаммолар марказдан узоқроқда бўлиши мақсад қилинди.

Еттисув ҳудудларида ҳам бу каби ҳолатлар кўп учраган, П.Г. Галузонинг берган маълумотига кўра, кўчиб келганлар томонидан касал

¹ ЎзМА, И 17-фонд, 1-рўйхат, 31924-йиғмажилд, 4–9 вараклар.

² ЎзМА, И-7-фонд, 1-рўйхат, 5083-йиғмажилд, 1–2 вараклар.

ёки қаріб қолған чорвасини ўзи нобуд қилиб, күчманчи чорвадор ахолини “чорвамни нобуд қилди” деб, уезд маъмурларига шикоят қилиб, ёш ва соғлом чорвага эга бўлишар эди. Ҳаттоқи, кўчиб келган ахоли чорвадор қозоқ овулига бориб, чорвасини ўғирлаб кетиб, “молимни ўғирлашди” деган ёлғонлар орқали ҳам бироннинг молига эга бўлишди. Кўчиб келган дехқонлар кечалари гуруҳ бўлиб дала яйловларидан қайтаётган чорвага очиқчасига талончиликларни ҳам амалга оширди. Лекин чорвадор “молимнинг садақаси” қабилида бирор жойга мурожаат ҳам қилмас эди¹. Чунки қиладиган мурожаати ўзига қарши ишлатилар эди.

Бундай ҳолатлар маҳаллий ахолининг кўчиб келган рус ҳамда бошқа миллат вакилларига нисбатан муносабатини ўзгартиб борди ҳамда ўзаро совуқликнинг вужудга келишига сабаб бўлди.

Кўчиб келганлар Сирдарё, Самарқанд ва Фарғонада ўзларига ажратилган ерлардан ташқари энг маҳсулдор ерлардан қишлоқларини қурди. Туркистонда бўш ерлар бор, лекин бу ерлар сувсиз, қумлардан иборатдир. Еттисувдагилар қирғиз-қозоқларни молларини талаш билан машғул бўлдилар. Туркистонда ҳам ўзбек-туркмандар ўз ерларидан ажралдилар. Бу пайтга келиб Туркистонда ерсиз дехқонлар сони ортиб кетди. Туркистонда 50 мингга яқин батраклар борлиги маълум бўлди². Маҳаллий халқнинг ўз навбатида империя ҳукуматининг чиқарган адолатсиз қарорларига қарши чиқиши ҳолатлари ҳам кузатилар эди. Бу ҳолат маҳаллий ва кўчиб келган ахоли ўртасидаги ўзаро низоларда яқъол намоён бўлар эди. Империя ҳукумати ўз манфаати йўлида бу каби вазиятларда кўчиб келган ахолидан усталик билан фойдаланишга ҳаракат қилиб, маҳаллий аҳолига қарши қуроллантиришга қарор қилди.

Империя ҳукуматининг боши берк кўчага кириб бораётган сиёсати, айниқса, ер ва сув масаласидаги олиб борган ислоҳотлари маҳаллий ва кўчиб келган ахоли ўртасида қатор зиддиятли вазиятларни келтириб чиқарди. Бу жиҳатдан заифлашиб бораётган империя ҳукумати икки халқнинг бирлашиб, ўзига қарши кучга айланишидан хавф кўрар эди.

Ўзига ҳарбий таянч вазифасини ҳам ўтаб беришни мақсад қилган империя ҳукумати кўчирилган ахолини маҳаллий аҳолига қарши қу-

¹ Галузо П.Г. Туркестан – колония (Очерк истории Туркестана от завоевания русскими до революции 1917 года). М., 1929. С. 110.

² Вадуд Махмуд. Мустамлакачилик ўз йўлида. Танланган асарлар. Тошкент: “Маънавият”, 2007. Б. 105.

роллантириш тадбирларини ҳам олиб борди. Айниқса, 1898 йилдаги Андижондаги (Дукчи әшон) қўзғолондан кейин бу масала жиддий тус олди.

1900 йил 3 октябрда Туркистон ҳарбий округи штаби бошлиғи генерал-майор В.В. Сахаров томонидан Туркистон генерал-губернаторлиги девонхонасига барча христиан аҳолини қуроллантириш тұғрисидаги буйругини уезд бошлиқларига тарқатиш топширилди¹.

Туркистон ўлкасининг Сирдарё, Самарқанд, Фарғона, Еттисув, Каспийорти вилоятлари ва Амударё бўлими даги барча рус аҳолисига ўзини ҳимоялаш мақсадида 4,2 млн. дона “бердянка” милтифи ва патронлари тарқатилди. Мазкур қурол ва патронлар ҳар қандай шароитда тозалаб ёғланган ҳолатда тайёр туриши шарт бўлган. Қуролланиш жараёни ҳар бир христиан аҳоли учун ўз ҳисобларидан амалга оширилиши назарда тутилди². Бу қуролланиш жараёнида қўлида қурол тута олиши мумкин бўлган барча рус аҳолиси, ҳатто қариялар, ёш болалар ва зарурий вазият сифатида аёллар ҳам қамраб олинди. Айниқса, бу масала 1898 йилда Андижон уездидан қатъий амалга оширилди. Бироқ империянинг марказий губернияларида 1905 йилдаги инқилобий вазиятнинг вужудга келиши рус ҳукуматини янада хавотирга сола бошлади. Чунки деҳқонлар қўлидаги қуролини мустамлака ҳукуматга нисбатан қарши қўллаши аниқ эди. Шунинг учун 1905 йилда кўчиб келган аҳолига қуролларини топширишга буйруқ берилди.

Биринчи жаҳон урушининг бошланиши маҳаллий аҳоли учун янада ташвиш келтирди. Яъни маҳаллий аҳолини фронт ортига мардикорлик ишларига жалб этилганлиги учун норозилик кайфияти пайдо бўлди ва бундан хавфсираган Фарғона вилояти кўчириш бўлими бошлиғи томонидан туман кўчириш бўлимида Андижон уездидаги айrim рус қишлоқларини қуроллантириш кераклиги бўйича таклиф жўнатди. Бироқ уездда қуроллантириш учун етарлича рус аҳолиси мавжуд эмаслиги ва бу жараён рус аҳолисининг дала ишларидан чалғитиб қуиши мумкинлиги сабабли қуролланган ҳарбий маъмурлар сонини кўпайтириш орқали хавфсизликни таъминлаш маъқул кўрилди. 1916 йилда ҳосилни йиғиб олишда Андижонда маҳаллий аҳолини мажбурий меҳнатга, яъни мардикорликка жалб этишда норозиликлар пайдо бўлди. Мазкур норозилик пайтида маҳаллий

¹ Ўз МА. И-1-фонд, 17-рўйхат, 139-йиғмажилд, 1-варақ.

² Ўз МА. И-1-фонд, 17-рўйхат, 286-йиғмажилд, 8-82 варақлар.

аҳоли вакиллари күчіб келган аҳолига қарши боришдан воз кечиб, ўзаро дўстона ҳаёт кечириб келмоқдамиз, дея халқни тўхтатди. Кўчиб келганлар ҳам бу муносабатни ижобий кутиб олишади. Чунки маълум вақт давомида маҳаллий аҳоли ва кўчиб келганлар орасида ўзаро дўстона муносабатнинг вужудга келганлиги кузатилган. Бу ерда аксарият аҳоли бугун кўчиб келиб, эртага кўчиб кетиш ниятида эмас, балки доимий яшаб қолганлар эди. Жуда кам ҳолларда бўлса-да, бу икки халқ орасида аралаш никоҳлар ва православликни қабул қилган мусулмонлар ёки исломни қабул қилган православлар ҳам кузатилар эди¹. Бу каби аралаш никоҳларда кўпроқ мусулмонлар христиан аёлга уйланиб, аёл ислом динини қабул қилган. Айрим ҳолатларда, отаси мусулмон, онаси христиан ва боласи христиан черковига борган. Бу каби никоҳлар ўлканинг барча вилоятларида кузатилган, жумладан, Верхневолинск, Крестьянск ва Красноармейск посёлкаларида аралаш никоҳли оиласи кузатилган².

Умуман олганда, кўчиб келган халкларнинг дунёқарashi, маданияти, ўзини англаш, давлат тизимиға бўлган муносабати Туркистонлик маҳаллий аҳолининг қарашлари билан уйғунлашиб борди. Уларда умумий тушунчалар ва умумий мақсад пайдо бўлди. Россия империясининг қабул қилаётган қарорлари, жумладан, ўлкада олиб борилган ер ислоҳоти на маҳаллий, на кўчиб келганларга маъқул келар эди. Империя ҳукуматининг олиб бораётган ислоҳотларига қарши ҳаракатлар кўчайиб борди, 1908–1913 йилларда қишлоқ аҳолиси томонидан 30 дан ортиқ деҳқонлар чиқишлиари қайд этилди.

1914 йил 18 июлда Туркистон ўлкасидаги рус посёлкаларидан 22 минг одам ҳарбий хизматга сафарбар этилди. Урушнинг биринчи кунида Андижон, Самарқанд ва бошқа шаҳарларнинг чақирув пунктларида ҳарбий хизматга ёлланганлар ҳамда уларнинг оила азолари томонидан норозилик чиқишлиари бошланиб кетди. Халқнинг бу ҳаракатлари уюшқоқликда тартибли олиб борилмаган бўлса-да, империянинг олиб борган ҳарбий ҳаракатларига салбий муносабатда эканлигини намойиш этди.

1916 йилга келиб рус посёлкаларидан 70 минг аҳоли 1-жаҳон урушига сафарбар қилинди. Айрим рус посёлкаларида фақатгина қариялар, аёллар ва ёш болаларгина қолди. Уларнинг кўпчилиги

¹ Гинзбург А. И. Русское население в Туркестане. М., 1991. С. 114–115.

² Брусина О.И. Славяне в Средней Азии: этнические и социальные процессы (конец XIX – конец XX века). М., 2001. С. 162.

оғир муҳтоҗлик шароитига тушиб қолиб, уйидаги бор буюмларини, асбоб-ускуналарини, чорвасини, айрим ҳолларда эса барча хўжалиги ва уйини арзимас пулга сотишга мажбур бўлди. Баҳор ойларига келиб, ўлканинг Каспийортидан то Еттисувгача бўлган барча ҳудудларида норозилик намойишлари бошланиб кетди. Бу ҳаракатларда урушга сафарбар этилган ҳарбийларнинг аёллари уларни озиқ-овқат билан таъминлашни талаб қилишди. Биринчи жаҳон уруши пайтида 1916 йилдаги Туркистонда кузатилган халқ қўзғолонлари ўлка ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги энг йирик воқеликлардан бири бўлди¹. 1916 йилга келиб империя ҳуқумати Туркистон ўлкасига аҳолини кўчириш, уларни мажбурий тарзда маҳаллий аҳоли ерларига жойлаштириш сиёсий жиҳатдан нотўғри эканлигини тушиниб ета бошлаган эди, бироқ вазиятни тузатиш учун кеч бўлган эди. Кўчириш бошқармаси тартибсиз кўчириш сиёсати натижасида вазият портлаш даражасигача етиб келганлигини кеч бўлса-да тушуниб етди. Маҳаллий аҳоли, айниқса, кўчманчи аҳолининг кўчиб келганларга нисбатан бўлган муносабати кескин тарзда ёмонлашди². Ҳуқуматнинг мавжуд вазиятни тўғри баҳоламаганлиги, маҳаллий аҳолининг ерларига ўзбошимчалик билан эгалик қилиши, аҳолининг мурожаатлари ўрганилмаганлиги ортидан 1916 йилда бутун Туркистон бўйлаб маҳаллий мусулмонларнинг русларга қарши йирик исёнларни вужудга келтирди. Биргина август-сентябр ойларида Еттисувда содир бўлган исён ортидан кўплаб кўчиб келган аҳоли оиласлари қурбон бўлди, уйлари ва посёлкаларига ўт қўйилди. Оқибатда, маҳаллий аҳоли ҳуқумат ҳарбийлари томонидан шафқатсизларча бостирилиб, қаттиқ жазога тортилди³. Айборд сифатида генерал-губернатор Ф.Г. Мартсон ва 4 та вилоятнинг ҳарбий губернатори ишдан олиниб, ўлкани яхши биладиган А.Н. Куропаткин тайинланди. Янги генерал-губернаторнинг Николай II га жўнатган ҳисботида исённинг асосий сабаби, маҳаллий аҳолининг ерлари мажбурий равишда кўчиб келган аҳолига олиб берилиши эканлиги деб кўрсатилди. Бироқ маҳаллий аҳолининг ерлари мажбурий тортиб олиш давом эттирил-

¹ Фомченко А.П. Русские поселения в Туркестанском крае в конце XIX - начале XX в. (социально-экономический аспект). Ташкент: Фан, 1983. С. 112-113.

² Котюкова Т.В. Переселенческая политика и землепользование // Туркестан в имперской политике России монография в документах. Ред. кол. Бабаджанов Б.М., Котюкова Т.В., Махмудов О.А., Абашин С.Н. М.: Кучково поле, 2016. С. 444.

³ Брежнева С.Н. Русские переселенцы в Туркестане: проблемы взаимоотношения с местным населением // Научные ведомости. Серия История. Поволжский государственный университет сервиса. Тольятти, Политология. 2016. №1 (222). Выпуск 37. С. 113-114.

ди. А.Н. Куропаткиннинг 1916 йил 13 сентябр куни қундалигига қайд этилган маълумотларга кўра Дехқончилик ва давлат мулклари вазирлиги вакили Татишев билан 70 минг десятина ерни тортиб олиш ва у ерда яшаган қозоқларни мажбуран бошқа жойга кўчириш ҳамда бу ерни (Олмаота атрофларидаи ерлар назарда тутилган – Ш.Р.) кўчиб келган аҳолига 5 десятинадан тақсимлаб бериш масаласидаги тортишувлари қайд этилган¹.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Россия империясининг Туркистонга амалга оширган кўчириш сиёсати ўлканинг ижтимой-сиёсий ҳаётида катта аҳамиятга эга бўлди. Кўчириш тадбирлари натижасида Туркистонга Россия губернияларидан турли миллат вакилларидан иборат бўлган турфа хил маданият ва ўзига хос турмуш тарзига эга бўлган аҳоли вакиллари кўчириб келтирилди. Бу эса ўз ўрнида Туркистон ўлкасида янгича ҳаёт тарзи, янгича маданият ва ўзгача таълим соҳаси кириб, бу ерда янгича этно-маданий ва ижтимоий жараёнларнинг бошланишига сабаб бўлди.

Империя ҳукуматининг ўлгадаги олиб борган нотенглик сиёсати маҳаллий ва кўчиб келган аҳоли вакиллари ўртасида кескин низоларни келтириб чиқарди. Бунинг натижасида Еттисув, Фарғона ва Самарқанд вилоятларида маҳаллий ҳамда кўчиб келган аҳоли ўртасида кучли тўқнашувлар кузатилиб, кўчиб келганлар томонидан кўплаб аҳоли қурбон бўлди. Ҳукуматнинг қарши чоралари натижасида эса маҳаллий аҳоли вакиллари ер-мулклари мусодара қилинди, жазо тариқасида қатл этилди. Шунингдек, империя ҳукумати томонидан рус тилининг мутлоқ етакчилигини таъминлаш мақсадидаги амалиётлари натижасида кўчиб келган славян халқлари орасида ҳам сезиларли низоларни келтириб чиқарди. Улар орасидаги кам сонли халқларга миллийлик ва ўзлигини сақлаш каби тамойилларга амал қилинмаганлиги кузатилди. Маълум вақтдан сўнг империянинг нотўғри олиб борган сиёсатининг салбий жиҳатларини англаб етган маҳаллий ва кўчиб келган аҳоли ўртасида ўзаро илиқ муносабатлар ҳам намоён бўла бошлади.

¹ Каганович А. Некоторые проблемы царской колонизации Туркестана // CA&C Press AB, Издательский дом (Швеция) Sweden, 1998 – 2018. <https://ca-c.org.ru>.

**Немис тадқиқотчиси Макс Альбрехт тадқиқотларида
Бухоронинг ижтимоий-иқтисодий ҳаёти**

*Мухтарам Яқубова
Самарқанд давлат университети ўқитувчиси*

Германия сиёсий доираларида XIX асрнинг биринчи ярми Шарқقا, хусусан, Россия эгаллаган Марказий Осиё худудларига бўлган қизиқишининг ўсиб бориши билан характерланади. Бунинг оқибатида Германия империяси кўплаб немис мутахассислари, шу жумладан, тадқиқотчиларини Марказий Осиёга ҳукумат буюртмалари билан жўнатган. Шундай мутахассислардан бири германиялик саноатчи Макс Албрехт (Max Albrecht, 1851–1925) эди. У нефт соҳасида ишлган тадбиркор бўлишига қарамасдан, ўлкани ҳар тарафлама ўрганиб чиқсан етук олим сифатида диққатга сазовор тадқиқотларини қолдирган.

1871йил Халле шаҳрида илмий ишини ҳимоя қилиб фалсафа доктори унвонини олади. 1874йилда Ауссиг шаҳрида қурилган янги заводни бошқаради. Кейинчалик Албрехт шартнома асосида Россияга ишга таклиф этилган. 1877йилда Рига шаҳридаги “Олрих ва СО” компаниясининг шеригига айланиб, Ригада Бокудан келтириладиган нефтнинг қолдиқларини дистиллаш ва қайта ишлаш учун завод ташкил этган. 1883 йилда Боку шаҳрида нефт ишлаб чиқарувчи заводни бошқарган. 1891 йилда Альбрехт Рига компаниясидан чиқиб Рига, Гамбург ва Батуми шаҳарларидағи ўзига қарашли корхоналарни бирлаштиради. Албрехт компанияси Россия орқали Шарқий Германия ва Скандинавия худудларини нефт маҳсулотлари билан таъминлаган.

Юқорида таъкидлаганимиздек, Албрехт нефт маҳсулотлари савдоси билан шуғулланган, лекин манбаларда у ўз бизнесига илмий ёндашган чинакам олим сифатида эътироф этилади. Албрехт нефт, газ, кўмир ишлаб чиқишига доир талайгина илмий асарлар муаллифидир. Ушбу соҳага оид кенг илмий ишлардан ташқари олим Россиянинг нефт минтақаси тўғрисида ўзининг саёҳат тавсифларини ёзди, бу унинг интеллектуал доираси нақадар кенглигидан гувоҳлик беради. У турли назорат кенгашлари аъзоси, ўзи асос солган Германия нефт ассоциациясининг биринчи раиси бўлган. Шу билан бирга Туркестон тарихи ва этнографияси билан ҳам қизиққан. Макс Альбрехт

ўз тадқиқотларида юртимизнинг қатор шаҳарлариға таъриф берган. Жумладан, Янги Бухоро (Когон) нинг тузилишига тұхталиб, унинг худудида мәҳмонахона, аптека, рус моллари сотиладиган катта савдо дўкони, пахта тозалаш пункти, пахта чигитидан ёғ олувчи корхона, рус транспорт жамиятлариға тегишли турли идора ва дўконлар, рус маъмурияти девонхонаси, Россия сиёсий агентнинг ҳашаматли уйи, телеграф станцияси, почта контораси, божхона ҳамда казаклар жойлашган бинолар борлигини, рус банк филиали қурилганлиги, Бухоро амири учун амирлик хазинаси ҳисобидан европача услубда сарой қурилиши бошлагани ва бунинг учун керакли анжомлар Бокудан келтирганлигини қайд этади. Бу даврда Бухородаги рус манзилгоҳлари юз кишидан иборат бўлиб, улар асосан рус савдо уйлари, транспорт ва пароход жамиятларининг хизматчиларидан иборат эди.

Макс Альбрехт Бухоро таърифиға алоҳида тұхталиб, шаҳардаги карvonсаройлар ҳақида шундай маълумот беради:

“Бухорода 40 та карvonсарой бўлиб шундан 25 таси тошдан, 15 таси ёғочдан қурилган. Тош карvonсаройлардан 9 таси амирга тегишли, амир уларни тадбиркорларга ижарага бериб қўйган, қолганлари хусусий шахслар, хайрия ёки таълим муассасалариға тегишли. Таълим муассасалари бирон бир васиятномага кўра (вақфнома-М.Я.) карvonсаройлар даромадининг маълум бир қисмига эгалик қилганлар. Шаҳар ва унинг атрофидаги карvonсаройларнинг умумий сони 150 та. Карvonсаройларнинг биринчи қаватида савдогарларнинг ҳайвонлари ва моллари учун маҳсус жойлар бўлган. Кейинги қаватларда савдогарларнинг ўзи учун хоналар ажратилган. Карvonсаройларнинг пастки қаватлари бухоролик, афғон, ҳинд, эронлик савдогарлар учун омборхона ва контора – идора вазифасини ўтаган. Бухоро шаҳрига кечаси фақат рус фуқароларигагина киришга рухсат берилган”¹.

Альбрехт ўлгадаги хорижий ишбилармонлар ҳақида алоҳида тұхталиб, Бухорода европаликлардан биринчи бўлиб аптека очган киши бу Ригадан келган Райнхард исмли немис фуқароси бўлгани, Москва аптекасининг филиалини эса бавариялик Бюдел очганини қайд этади². Райнхард ўз аптекасининг филиалини Янги Бухорода ҳам очган, айни пайтда у рус шифохонасида ҳам фаолият юритган³.

¹ Albrecht M. Russisch Zentralasien. Reisebilder aus Transkaspien, Buchara und Turkestan.-Hamburg, 1896. S. 77-78.

² Марказий Осиёда бўлган немислар яхлит бир гурухни ташкил этмаган. Улар Болтиқбўйи, Германия, Австрия ва Швециядан Россияга кўчиб ўтган ё анчадан бери бу ерда ўтроқлашган оиласалар ёки шахслардан иборат бўлган. Я.М.

³ Albrecht M. Russisch Zentralasien. Reisebilder aus Transkaspien, Buchara und Turkestan.-Hamburg, 1896. S. 92

Макс Альбрехт Бухоро шаҳридаги аксарият уйларнинг томлари текис сувалган бир қаватли бинолардан иборат эканлигини, Бухоро девори атрофидаги ҳаёт Истанбул шаҳри атрофидаги ҳаётга нисбатан анча жонлироқ кечганлигини баён этади. Бухоро девори ҳақида қуидагиларни қайд қиласи: “Бухоро деворининг баландлиги 8 метр, пастки қисмининг қалинлиги 4 метр, узунлиги 12 верстни ташкил этган. Биринчи марта 830 йилда кўчманчилар хужумидан ҳимояланиш учун қурилган. Исмоил Сомоний томонидан анча кенгайтирилиб мустаҳкамланган. 1220 йилда Чингизхон томонидан вайрон қилинган девор 1234 йил Чифатой томонидан тикланди. Бухоро деворининг 130 та ярим доира, минора шаклидаги биночалари мавжуд бўлган. Қайси томондан душман кўпроқ хужум қиласа, ўша томонда улар зичроқ этиб қурилган. Шаҳарнинг 11 дарвозаси пишиқ ғиштдан қурилган. Кўчалар деворнинг ташқарисида ҳам давом этиб шаҳар ташқарисида ҳам бозорлар ташкил этилган. Асосий дарвоза олдида турли дўконлар, чойхона-ю ошхоналар, тунаш учун бинолар, отларни суғорадиган жойлар, сайисхоналар, ҳунармандчилик устахоналари, аскарлар турадиган қоровул бинолари ҳам бўлган¹.

Ушбу маълумотлардан шаҳар дарвозалари ёпилишига улгурмай ташқарида тунашга мажбур бўлган аҳоли учун девор ташқарисида ҳам бозорлар ишлаб турганлигини билса бўлади. Қалъанинг бош дарвозаси олдида Бухоронинг 12 та от аравалари турган. Улар шаҳарни темирийўл бекати билан боғлаган, ичкарига кирмаган, чунки шаҳар кўчалари уларнинг ҳаракатланиши учун торлик қилган. Араваларда темирийўл вагонларининг рақамлари ва арава эгасининг номи рус ҳарфлар билан ёзиб қўйилган.

Бухоронинг шаҳар ташқарисидағи қабристонларидан ташқари шаҳар ичкарисида яна 17 та қабристон бўлган. Шаҳарнинг шимолий-ғарбидағи қабристон Асп-хардан номли қабристон бўлиб, бу ерда касал отлар даво топган. Шунинг учун бу ерга касал отларини етаклаган одамларни кўп учратиш мумкин эди.

Макс Альбрехт шаҳар аҳолисининг турфа ранг кийим бошларига, кийим матолари ва безакларига, уларнинг этник мансублигини кўрсатган ҳолда батафсил таъриф беради².

¹ Albrecht M. Russisch Zentalasien. Reisebilder aus Transkaspien, Buchara und Turkestan.-Hamburg, 1896. S. 81.

² Albrecht M. Russisch Zentralasien. Reisebilder aus Transkaspien, Buchara und Turkestan. Hamburg, 1896. S. 86.

Айниқса маҳаллий түқувчилар томонидан тайёрланган ипак ва ярим ипакдан тикилган беқасам түнлари, аҳолининг ёши, ижтимоий мансублигига қараб ажралиб турадиган бош кийим-саллаларига, телпакларга батафсил таъриф беради¹.

Ўз кузатишлари асосида Макс Альбрехт Бухоро амири ва юрт беклари ўзбеклардан эканлигини таъкидлайди².

Макс Альбрехт Бухоро аҳолисининг ташқи кўриниши, кийиниш маданияти ҳамда этник таркибига оид қизиқарли маълумотларни келтиради. Айниқса аёлларнинг кийиниш маданияти ва тақинчоқларини алоҳида эътибор билан таърифлаб, уларнинг косметика борасидаги билимларидан жуда ҳайратланади³.

Бухоро аҳолисининг сони кўпи билан 80–100 минг атрофида эканлиги, шаҳар дарвозасининг ичкари қисмида кенг майдонлар, далалар, экин майдонлари, қабристонлар жойлашгани, шаҳар майдони мачит, мадраса ва ҳовузлар билан қоплангани, 80 та ҳовуз борлигини қайд этади⁴.

Асарда шаҳар иқтисодий инфратузилмасига алоҳида эътибор қаратилади. Бухоронинг очиқ майдон ва тор кўчалардаги бозорларида аҳоли ишлаб чиқарган ҳамма маҳсулот сотувга чиқарилган. Шаҳарнинг ичкарисида ҳар куни савдо қилинган бозорлар сони 50 та (шаҳар бўйлаб кенг тарқалган озиқ-овқат, мева-чева ва ичимлик билан ҳар куни савдо қиласидиган кичик бозор ва дўконлардан ташқари), шаҳар олди ва атрофида ҳафтанинг маълум кунлари савдо қилинган бозорлар сони 22 та бўлган⁵. “Туя ва эшаклар ҳанграши-ю одамларнинг қичқириғи, чанг-тўзони билан Бухоро бозори машҳур “миллион аҳолиси бор шаҳар “Стамбул бозорини эслатади”- деб ёzáди Альбрехт.

Бозорнинг тор кўчалари ҳар бир шарқ бозорида мавжуд гумбазли усти берк бино - чорсуларга бориб туташган. Бухоро бозорида шундай гумбазлардан энг йириги Шайбоний Абдулазизхон томонидан 16 аср ўрталарида қурилган Саргерёни чорсу бўлиб унда телпакфурушлар бозори жойлашган.

¹ Albrecht M. Russisch Zentralasien. Reisebilder aus Transkaspien, Buchara und Turkestan. Hamburg, 1896. S. 87.

² Albrecht M. Russisch Zentralasien. Reisebilder aus Transkaspien, Buchara und Turkestan. Hamburg, 1896. S. 91.

³ Albrecht M. Russisch Zentralasien. Reisebilder aus Transkaspien, Buchara und Turkestan. Hamburg, 1896. S. 120.

⁴ Albrecht M. Russisch Zentralasien. Reisebilder aus Transkaspien, Buchara und Turkestan. Hamburg, 1896. S. 91.

⁵ Albrecht M. Russisch Zentralasien. Reisebilder aus Transkaspien, Buchara und Turkestan. Hamburg, 1896. S. 93.

Макс Альбрехт Бухорода телпакфурушлар бозори ёнидаги китобфурушлардан безакли, иллюстрацияланган китоблардан тортиб, ноёб, жуда қимматбаҳо қўлёзмаларгача борлигини қайд этади ва Абдурраҳмон Жомийнинг “Юсуф ва Зулайҳо” ҳамда Ҳофиз Шерозийнинг “Девони Ҳофиз” қўлёзмасини харид қилганини ёзади.

Макс Альбрехт бозорда Қўқон қофозлари-ю турли ёзув ашёларини топиш мумкинлигини, ундан кейин эгар-жабдуқ бозори, унинг ёнидан темирчилар, кумуш ва феруза қадалиб безатилган пичоқлар бозори¹, жуда нозик ишлов берилган гўзал нақшли буюмлар сотилган металбозорида Ҳиндистонга борадиган савдо карвони йўлида жойлашган Қарши шахридан келтирилган металл буюмлар борлиги, маҳаллий усталарнинг маҳсулотлари билан бир қаторда ҳинд, афғон ва форс маҳсулотлари ҳам расталардан жой олганлигини қайд этади.

Немис сайёҳларининг таърифида Бухоро бозорлари жуда батафсил, бир тартибда тасвирланади. Уларнинг қайд этишича, 1582 йил Абдуллахон томонидан қурилган тимда Самарқанд, Қўқон, Хитой, Россия, Ҳиндистондан келтирилган ипак, брокат, бахмал, ярим ипак, жун, пахтадан тўқилган мато ва рўмоллар сотилган. Ҳинд моллари бу ерда Қобул моллари деб аталган, чунки улар Ҳиндистондан Қобул орқали Бухорога етказилган. Афғонистон орқали Манчестердан пахтадан тўқилган саллали мато келтирилган. Ушбу матолар рус фабрикаларининг Бухородаги маҳсулотига рақобат қилган. Маҳаллий бахмал ва ипак матолар сариқ, қизил ва мовий рангларда ишлаб чиқарилган. Ярим ипак, ярим пахта, ярим шойидан алacha деб аталган мато тўқилиб ундан аёллар ва эркаклар чопони тикилган².

Қайд этилишча, Самарқанднинг тўқувчи ҳунармандлари кўпроқ европача турдаги матоларни етказиб берган. Қўқон ва Хитойдан кўпроқ оқ, мустаҳкам хом ипак келтирилган. Россиядан арzon бахмал ва шойи олиб келинган. Бухоро каштачиларининг маҳсулотлари ўзига хос бўлиб, катта маҳорат билан тўқилган. Бухоро бозорида қимматбаҳо бўлган қадимий кашта-ю сўзаналарни топиш мумкин бўлган³.

Сайёҳлар дори-дармон бозори, чопон бозор, бешта оёқ кийим бозори ва қуритилган мевалар учун иккита асосий бозорни қизиқиши

¹ Albrecht M. Russisch Zentalasien. Reisebilder aus Transkaspien, Buchara und Turkestan. Hamburg, 1896. S. 94.

² Albrecht M. Russisch Zentalasien. Reisebilder aus Transkaspien, Buchara und Turkestan. Hamburg, 1896. S.95.

³ Albrecht M. Russisch Zentralasien. Reisebilder aus Transkaspien, Buchara und Turkestan. Hamburg, 1896. S.96.

билин таърифлаганлар. Қуритилган мева бозорларида майиз, писта, бодом, қурут, қуритилган олма ва ноклар жуда катта миқдорда со-тилган. Оёқ кийим бозорида эркак ва аёллар, болалар учун баланд құңжили юмшоқ этиклар сотилған. Улар яшил рангдаги әчки терисидан тайёрланған, турли нақшлар пресслаб солинган. Ушбу оёқ кийимлар учун юмшоқ пошналар Қозондан келтирилған. Бу ерда рус чарм калишлари ва худди ўша яшил рангдаги қўпол от терисидан тикилған этикларни ҳам сотиб олиш мумкин. Чопон бозорида барча ўлчам, турли мато ва рангдаги чопонлар бўлиб, улар эркаклар ва аёллар чопонига бўлинган. Ушбу бозор яқинида қавилған кўрпалар бозори жойлашган. Дори-дармон бозорида турли дорилару зираворлар, бўёқлар, турли гиёҳ ва ҳ.к.ни узун қаторда жойлашган иккита-лик дўйонларда сотишган.

Немис тадқиқотларидан ўша даврдаги бозор инфратузилма-си, этнография, бозордаги нарх-наво ва амалдаги пул қиймати, саррофлар ҳақида кўплаб маълумотлар олиш мумкин. Бухоро бозорида саррофлик билан яҳудийлар ёки ширкапурлик ҳиндлар шуғулланған¹.

Тадқиқотларда Бухоро бир томондан Нижний Новгород ва Пешовар, иккинчи томондан Эроннинг шарқий вилоятлари ва Шарқий Туркистон оралиғидаги савдо-сотиқнинг туташган жойи, халқаро тијорат маркази, ер юзининг энг ҳосилдор худуди, аҳолиси гавжум пойтахт сифатида таърифланиб, бу ерга оқиб келадиган молларнинг бойлиги ва хилма-хиллиги қайд этилади².

Макс Альбрехт Бухоронинг ташқи алоқаларини анча кенг таърифлаган. Унинг қайд этишича, бу даврда Қарши, Калиф, Мозори Шариф, Бомиён, Қобул ва Пешовар ҳудудларидан Афғонистон орқали Ҳиндистон билан савдо қилинган. Ҳиндистондан бутун Марказий Осиёга тарқалувчи кўк чой келтирилған. Ҳиндистондан келтирилған индиго (нил бўёғи, тўқ кўк ранг), турли бўёқлар ва дори-дармонлар Бухородан Россияга юборилған. Инглизларнинг рўмол, саллалик матолар, қайишлар, пўлатдан ясалған моллари ҳам келтирилған.

Бухоро Ҳиндистонга хом ипак, қўй териси, рус молларидан эса самовар, чемодан, темир буюмлар, қуйма қозонлар, сигарет, гугурт, чинни идишлар юборған. 1886 йилда Хитойдан Бухорога ҳар бири

¹ Albrecht M. Russisch Zentralasien. Reisebilder aus Transkaspien, Buchara und Turkestan. Hamburg, 1896. S. 97.

² Albrecht M. Russisch Zentralasien. Reisebilder aus Transkaspien, Buchara und Turkestan. Hamburg, 1896. S. 98.

16 пуд юк кўттарган 5000 туждан иборат, яъни 80000 пудни ташкил этган ва умумий қиймати 6 720 000 рубллик чой ортган савдо карвони келган. Сифат жиҳатидан русларнидан анча юқори бўлган бу моллар ўлкадаги русларнинг чой савдосига катта путур етказади. Ҳиндаларнинг кўк чойи кўплаб чойхоналарда бир пиёласи 2 пул/ 1 пфенникка сотилган. Бозордаги тамаддиҳоналарда паштетлар, қўй гўшидан кабоб, палов, барча турдаги шириналар, нонлар, қовун ва ҳ.к.лар ҳайратланари даражада арzon нархларда сотилган¹.

Макс Альбрехт шириналар харидор кўз ўнгига тайёрланиб берилишини эътироф этиб шундай дейди: “Шириналар сони бир легион”.

Сайёҳларнинг қайд этишича, ўша даврда ҳам Девонбеги масжиди олдида гўзал табиат манзарасига эга бўлган Лабиҳовуз атрофидағи бозор ва кўча ҳаёти гавжум эди. Масжид олдида яқинида баланд, шоҳлари кенг тарқалган дараҳатлар билан ўралган ҳовуз бўлган². Лабиҳовузнинг иккала туташган соҳилларида мева бозор жойлашган. Қарама-қарши соҳиллар бўйида чойхона ва сартарошхоналар бирин-кетин қурилган³. Бухорода ошпазлар, чойхоначилар, шириналикпазлар қанча кўп бўлса, сартарошлар ҳам шунча бўлган:

“Чунки маҳаллий аҳоли соchlарини силлиқ олиб юришади ва соқолларини парвариш қилишади. Соқол таралади, унга хушбўй нарсалар сепилади ва шу орада тўқ, сарғиш, бинафша ранг аралаш тўқ қора малла рангларга бўялади”⁴.

Лабиҳовуз олдидаги майдонда эртакчи-машшоқлар, фокусчилар, мўъжиза кўрсатувчилар ва бошқа сайёҳ гуруҳлар қўним топиб, атрофига томошаталабларни йиққан. Лабиҳовуз бўйидаги Девонбеги масжиди ҳар куни ибодат қилувчилар билан тўлган⁵. Айниқса, жума кунлари ибодат қилувчилар масжиддан ташқаридағи майдонларда ҳам ибодат қилишган ва бу муаллифда жуда гўзал таассурот қолдирган. У бухоролик мусулмонларнинг оммавий ибодатини унутилмас гўзал манзара деб таърифлаган⁶.

¹ Albrecht M. Russisch Zentalasien. Reisebilder aus Transkaspien, Buchara und Turkestan. Hamburg, 1896. S. 99.

² Albrecht M. Russisch Zentalasien. Reisebilder aus Transkaspien, Buchara und Turkestan. Hamburg, 1896. S. 101.

³ Кофе Бухорода умуман ичилмаган ҳатто амир саройида ҳам.

⁴ Albrecht M. Russisch Zentalasien. Reisebilder aus Transkaspien, Buchara und Turkestan. Hamburg, 1896. S. 101.

⁵ Albrecht M. Russisch Zentalasien. Reisebilder aus Transkaspien, Buchara und Turkestan. Hamburg, 1896. S. 102.

⁶ Albrecht M. Russisch Zentalasien. Reisebilder aus Transkaspien, Buchara und Turkestan. Hamburg, 1896. S. 103.

Бухорода ислом динининг ўрни масаласида Макс Альбрехт шундай фикр билдиради: “Исмоил Сомоний ва унинг авлодлари (873–1004 йй.) Бухорони исломнинг таянчига айлантирилар, бу ердаги олий мактабларида таълим берган замонасининг буюк алломалари туфайли Марказий ва Ғарбий Осиё ислом оламининг ҳавасини келтирадиган даражадаги машхур илм-фан марказига айланади. Ушбу зотларнинг қабрлари ҳозир ҳам Бухорода этъозланади. Бухоро ва унинг атрофидаги қабристонларда Сомонийлар давридаги авлиё, устоз - олимларнинг бир неча юзлаб қабрлари жойлашган. Исмоил Сомоний ислом оламининг узоқ ўлкаларидан ҳам олимларни келтириб ғамхўрлик кўрсатган, улар учун олий мадрасалар ва кутубхоналар қурдирган. Исмоил Сомоний даврида қурилган мадрасалар сони бутун Марказий Осиё шаҳарлариникидан ҳам кўп бўлган. Шундай иншоотлар орасида Бухоро арки ҳам бўлган. Арк исломгача бўлган замонларда қурилган бўлса-да, айнан Исмоил Сомоний томонидан анча катталаштирилган ва зеб берилган. Исмоил Сомоний шаҳар ичидан оқиб ўтган канал (Зарафшондан чиқарилган канал) бўйида ёзги қароргоҳ-Сарой Мольённи қуради. “Шаҳрируд” деб аталган асосий канал бўйларини бошидан охиригача тош ётқизиб чиққан” деган фикрларни ҳавас билан қайд этади¹.

Альбрехт Амир Темур ворислари ичида айниқса, Улуғбек ҳукмронлиги, унинг юрт ободончилиги, илм-фан равнақига қўшган ҳиссасига жуда юқори баҳо берган ва бу борада Улуғбек ва темурийлар давридаги маданий ҳаётни шундай баҳолайди:

“Буюк астроном, тинчлик ва илм-фан ҳомийси бўлган Улуғбек олий мактабларни кўпайтириб уларни ислом дунёсининг олимлари билан таъминлади. Унинг ҳукмронлигини темурийларнинг олтин даври деб аташ мумкин... Нафақат Темур ва Улуғбек даврида, балки Шоҳруҳ мирзо, Абу Саид, Ҳусайн Бойқаро томонларидан ҳам Бухорода кўп бинолар қад ростлаган. Бир қатор олим уламолар, фақиҳлар, шоири тарихчилар, астроном ва математиклар темурийларнинг гуллаб яшнаган даврида ўз асарларини яратганлар. Уларнинг кўпчилиги нафақат ислом дунёсида, балки Европа илм-фан оламида ҳам машҳур бўлганлар. Бухорода муҳим рассомчилик мактаблари мавжуд бўлган. Ўша даврнинг машҳур рассомларидан Беҳзод ва Шоҳ Му-

¹ Albrecht M. Russisch Zentralasien. Reisebilder aus Transkaspien, Buchara und Turkestan. Hamburg, 1896. S. 106–107.

заффар, хаттотлардан Султонали, меъморлардан Муҳаммад Сабза ва Қавомиддин.... ”¹.

Немис сайёхи анаъанавий санъатга ҳам эътибор қаратади ва мусиқа, қўшиқ ва рақс санъати ривожланганлигини, мусиқачи ва бастакорлар жуда қадрлангани, Саидбадр исмли мусиқачи томонидан саҳналаштирилган “Ҳиротий” рақси Бухорода жуда машхурлиги, чанг, дутор, тор ва бошқа мусиқий асбобларни чалишда моҳир бўлган бастакорлар жуда кўп бўлганини қайд этган. Муаллиф санъат гуллаб-яшнаган темурийлар даврининг ёдгорликлари турли урушлар орқали вайрон этилганлигини афсус билан таъкидлайди. Немис тадқиқотчиси шайбоний ва аштархоний ҳукмдорлар ҳақида ҳам маълумот бериб ўтади ².

Ислом динининг маҳаллий аҳоли ҳаётидаги ўрнига тўхталиб, Макс Альбрехт қўйидаги маълумотларни келтиради: “арк яқинида жойлашган улкан Масжиди калонга амир ҳар куни соат 12 дан 14 гача келиб пешин ибодатини амалга оширган. Ҳафта охирида ушбу мачит ёпиқ бўлиб унинг калити арқда қушбеги қўлида бўлган. Унинг ёнида баландлиги 60 метр, пастки қисмининг айланаси 23 метр бўлган Минораи калон қад ростлаган. Жума кунлари тўрт муаззин тўрт томонга қараб аzon айтишган... Бухородаги кўп мачитлар мадрасалар билан боғланган. Бухоронинг ҳар битта кўчасида мачит бўлган. Бухоро руҳонийлари мустақил ташкилот бўлиб уларни охунд бошқарган. Охунднинг амир саройида таъсири катта бўлган”³.

Альбрехтнинг маълумотига қараганда Бухорода 103 та мадрасадан 60 таси асосий мадраса ҳисобланган. Мадрасаларда 10 000 талабага 1000 та мударрис сабоқ берган. Бу ерга Эрон, Афғонистон, Ҳиндистон, Қошғар, Туркистон, Хива, Россия татарлари ва бошқа мусулмон мамлакатларидан келиб ўқишган. Мадрасада таълим олувчиликлар асосан 20 ва ундан катта ёшдагилардан ташкил топган. Жуда камдан-кам ҳолда 20 ёшдан кичик толибларни учратиш мумкин эди. 50 ёшлилар (ва ундан ошганлар ҳам) жуда кўп бўлган. Мадрасаларда одатда 3 йилдан 5 йилгacha таълим олинган, лекин кўпинча 10 ҳатто 20 йилгacha чўзилган. Бу талабанинг билим олишга интилиши, хоҳиши, унинг моддий таъминотига ҳам боғлиқ бўлган.

¹ Albrecht M. Russisch Zentralasien. Reisebilder aus Transkaspien, Buchara und Turkestan. Hamburg, 1896. S. 106-107.

² Albrecht M. Russisch Zentralasien. Reisebilder aus Transkaspien, Buchara und Turkestan. Hamburg, 1896. S. 111.

³ Albrecht M. Russisch Zentralasien. Reisebilder aus Transkaspien, Buchara und Turkestan. Hamburg, 1896. S.115.

“Фикұшунослик факультетида мусулмон ҳуқуқи ўрганилса, иккінчи филологик факультетда араб тили талаффузи, грамматикаси, нотиқлик санъати, шеърий вазнлардан таълим берилган. Учинчи – фалсафа факультетида ҳаёт донишмандлигидан сабоқ берилган. Үнда мантиқ, фалсафа, айниқса, мавхұм тушунчаларга оид фанлар, табиатшунослик, астрономия, тиббиёт, математика, метафизика ва баҳс-мұнозара юритиш санъати ўқитилған”¹. Мадраса даромадларидан келиб чиқып мударрислар 150 тиллодан 700 тиллогача маош олғанлар.

Хулоса қилиб айтганда, Туркистан ҳудудининг ижтимоий-сиёсий жиҳатдан ўрганилишига хизмат қылған илмий сафарлар, географик экспедициялар, дипломатик әлчиликлар ва бошқа миссиялар жараёнида XIX аср охири – XX бошларыда Туркистан тарихи, этнографияси, этнологияси ва бошқа ижтимоий соҳаларга оид муҳим тарихий маълумотлар ва коллекциялар түпленған бўлиб, улар Ўзбекистон тарихини янги маълумотлар билан тўлдиради. Макс Альбрехт каби немис тадқиқотчилари ҳам бу борада ўзларининг салмоқлы ҳиссаларини қўшганлар.

¹ Albrecht M. Russisch Zentralasien. Reisebilder aus Transkaspien, Buchara und Turkestan. Hamburg, 1896. S.115.

III БОБ. МИЛЛИЙ ТАРАҚҚИЙПАРВАРЛАРНИНГ МАЪРИФАТПАРВАРЛИК ҲАРАКАТЛАРИ

XIX аср охири – XX аср бошларида Туркистон жадидларининг маърифатчилик фаолияти

*Сайдакбар Аззамходжаев
Ўзбекистон халқаро ислом академияси профессори,
тарих фанлари доктори*

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда амалга оширилаётган туб ўзгаришлар замирида тарих фани ривожи ҳам янги босқичга кўтарилиди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек, "...бизнинг мамлакатимиздагидек бой тарих, боболаримиздек буюк алломалар ҳеч қаерда йўқ. Бу меросни чуқур ўрганишимиз, халқимизга, дунёга етказа билишимиз керак"¹.

Хозирда тарих фани олдида турган муҳим вазифалардан бири, совет ҳукмронлиги даврида Ўзбекистонда кечган жараёнларни чуқур таҳлил қилиш ва илмий асосланган хulosалар чиқариш ғоятда муҳим саналади. Хусусан, XX асрнинг 20–30 йилларида Ўзбекистон ижтимоий ҳаётига ҳукмрон мафқуруни сингдиришда маданий-маърифий муассасаларнинг тутган ўрнини аниқ ва изчиллик асосида тадқиқ этиш муҳим илмий аҳамиятга эга.

Туркистонда XIX аср охири – XX аср бошларида юзага келган жадидчилик ҳаракати Ватанимиз тарихида муҳим саҳифа очди. Ўша даврнинг энг илғор кучлари саналган жадидлар бир замонлар дунё цивилизациясига улкан ҳисса қўшган ўлка жаҳон тараққиётидан ортда қолаётганини теран ҳис қилиб, жамиятни тубдан ислоҳ этишга интилдилар. Туркистон ўлкасини мустамлака кишани ҳамда асрий қолоқлиқдан озод этиш, мазлум халқ қалбига маърифат зиёси ва эрк туйғусини сингдириш, жамиятга баҳт йўлини кўрсатиш маърифатпарварларнинг бош маслаги эди. Маҳмудхўжа Беҳбудий, Мунаввар қори Абдурашидхонов, Абдурауф Фитрат, Абдулла Қодирий, Абдулҳамид Чўлпон, Абдулла Авлоний каби ўнлаб ҳур фикрли тараққийпарварлар ана шу эзгу мақсад йўлида фидокорона курашдилар.

¹ Мирзиёев Ш.М. Ислом цивилизацияси маркази қурилиши билан танишувда билдирилган фикрлар. 21 декабр, 2018 йил. <https://www.gazeta.uz>.

Жадид намояндалари саъй-ҳаракати билан янги усулдаги мактаблар, нашриётлар, кутубхоналар, хайрия фондлари ташкил қилинди, газета журналлар таъсис этилди.

Жадидлар ўзлари ташкил этган матбуотда ўз ғоя-фикрларини эълон қилиб, халқ орасида кенг маърифатчилик ишларини олиб бориб халқни “ҳар вақт ғафлат уйқусидан уйғотовучи”, “миллат онгининг очқичи” эканлигини намоён этиб, ўлка аҳолисини ҳур фикрлашга ва катта сиёсий курашга ҳозирлай олди. Бу даврда “Эрк”, “Турон”, “Маориф ҳаваскорлари”, “Тараққийпарварлар”, “Ўқитувчилар жамияті” каби уюшмалар пайдо бўлди. Мунаввар қори Абдурашидхонов айтганидек, “Уларнинг бутун умиди Россиядаги инқилоб жараёнида маҳаллий аҳолини миллий, диний чеклаш ва жабрлашдан озод қилиш, уларнинг ҳақ-хуқуқларини европаликлар билан тенглаштириш, хилма-хил мактаб ва матбуот ишлари ҳамда турли-туман жамиятлар ташкил этишга кенг имконият яратиб беришга қаратилган эди”.

Жадидчилик ҳаракатининг етук сиймоларидан **Самарқандда** Маҳмудхўжа Беҳбудий, **Тошкентда** Мунаввар Қори Абдурашидхонов, Убайдуллаҳўжа Асадуллаҳўжаев, Тошпўлатбек Норбўтабеков, Абдулла Авлоний, **Бухорода** Абдурауф Фитрат, Файзула Хўжаев, Абдувоҳид Бурҳонов, Садриддин Айний, **Қўқонда** Ашурали Зоҳирий, Обиджон Маҳмудов, Ҳамза, **Оренбургда** Аҳмад Бойтурсун, Мирёқуб Дулат, **Андижонда** Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпон, Саъдуллаҳўжа Турсунхўжаев, **Хоразмда** Полвонниёз ҳожи Юсупов, Бобоохун Салимовлар халққа зиё тарқатишда, миллий матбуотни ривожлантиришда ва миллий давлатчилик қуришда кенг қамровли фаолият олиб боришли.

Жадидлар бу даврда “озодлик, тенглик ва адолат” шиори остида ишладилар. Уларнинг 1916 йил мардикорликка олиш воқеасига муносабати ғоятда эътиборга моликдир. Жадидларнинг мардикорларни қайтаришга уринишлари Россияда 1917 йил феврал инқиlobи бошланиши билан тўла амалга ошди. Бу ҳодиса эл орасида уларнинг обрўсини кўтарди. Мазкур ҳолат жадидлар маърифатчиликдан ижтимоий-сиёсий ҳаракатга аллақачон ўтганликларини билдирад эди.

Жадид маърифатчиларининг эркпарварлик ва ташқи сиёсий ҳамда ижтимоий алоқалари тизимини ўрганишда Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг ҳам аҳамияти юксак бўлганлигини эътироф этиб ўтиш керак. Маҳмудхўжа Беҳбудий олим сифатида тарих фалсафаси нуқтаи-назаридан тарихий қонуниятларнинг айримларини Туркистон тарихи мисолида кўрсатади ёки асослайди.

Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг “Ойна” журнали, “Самарқанд” ва бошқа газеталарда ижтимоий-сиёсий соҳадаги ҳар бир мақоласини “Ўзбекистон тарихи”, “Жаҳон тарихи”, “Маданиятшунослик” ва бошқа фанларга тегишли бўлимларида, айниқса, XIX асрнинг охири ва XX аср бошларида давр тарихини ўрганишда фойдаланиш мумкин. Чунки Маҳмудхўжа Беҳбудий олим сифатида Туркистоннинг тушкунлик ҳолатини сабабларини очиб бера олган. Шунингдек, Туркистоннинг оғир тушкунликдан чиқариш йўлларини аниқ ва равшан кўрсатиб берган.

Жадидчилик ҳаракатининг муҳим фаолиятларидан бири миллий матбуот ва журналистикасига асос солиш бўлди. Жадидлар ўз даврида халқнинг саводхонлик даражасини оширмасдан, маданий ахлоқий жиҳатдан халқ онгини ривожлантирумасдан самарали натижага эришиб бўлмаслигини билар эдилар. Шу сабабдан ҳам асосий эътибор халқнинг ижтимоий-ҳуқуқий онгини оширишга қаратиганлиги ҳам бежиз эмас эди.

Маърифатчилик асосан уч соҳа орқали тезкор тарзда тараққий топиб борди. Булар – **маориф** (янгича мактаблар очиш, таълим усулини янгилаш), **санъат** (бадиий адабиёт, театр) ва **матбуот**. Пировард мақсад миллатни, бир томондан, илмли - маърифатли қилиш бўлса, иккинчи томондан, унинг ахлоқий даражасини юксалтириш ва ана шу икки жиҳатнинг уйғунлашуви натижасида ўзлигини, ўз қадрини англаган билимли шахсни вояга етказиш эди. Туркистон маърифатчилари томонидан ана шу мақсадни амалга ошириш йўлида катта ишлар қилинди.

Жадидчилар асосий эътиборини жамиятда маънавиятни ривожлантиришга қаратдилар. Улар янги усулдаги мактабларни ташкил этиш, газеталар чиқариш, дарслик ва ўқув қўлланмаларини нашр эттириш, фарбнинг янги маданият ва технология услубиятларини жорий этиш заруриятини ҳамда уни Туркистонда тарғиб этиш орқали миллий-дунёвий таълимни юзага келтириш, маънавий ҳётни янгилаш ва бойитиш орқали миллий ўзликни англашни юксалтиришга замин яратишга интилганлар.

Бундай сиёсий ёндашув бевосита жамиятдаadolатли-демократик давлат қурилишининг асосларини ривожланишига хизмат қиласидиган назарий омиллар эканлигини эътироф этмасдан бўлмайди. Албатта, улар ўша тарихий даврда демократиянинг том маънодаги кўринишларидан узоқда бўлганлар.

1917–1918 йилларда жадидлар миллий-маданий мухторият қурилиши тамойилларини улкан ривожлантиришнинг амалий дастурларни, Туркистонда давлатчилик шакли ва уни бошқариш ваколатлари, барча соҳалар бўйича қонунларни жорий этиш, суд органларини ташкил қилиш, давлат тузилмаларини яратиш каби масалаларига катта эътибор беришган. Аммо шу давр сиёсий шароити ҳамда ерли халқнинг тушунчасида Туркистонда мустақил демократик жамият қуриш тўғрисидаги қаравшлари бир мунча чекланганлигини кўрамиз. Беҳбудийнинг “Туркистон маданий мухторияти лойиҳаси” дастурида тўла мустақил демократик жамият тўғрисида эмас, давлатнинг автономия шакли назарда тутилади¹.

1917 йилдаги Умумтуркистон мусулмонларининг қурултойида ҳам давлатчилик қурилиши тўғрисидаги қаравшларда демократик ёки федератив шакллари тўғрисида баҳс олиб борилади. Аммо уларнинг демократия ва федерация тўғрисидаги қаравшлари ҳам аслида конституцион монархия тузумидан ташқарига чиқиб кетолмасди².

Айнан шу давр воқеа-ҳодисалари баёни, тафсилотлари ҳамда муваффақиятсизликнинг сабабларига Мустафа Чўқай “Истиқлол жаллодлари” асарида қўйидагича таъриф беради: “Биринчидан, объектив омиллар: ...Биз курашга ўзимиз танлаган фурсатда эмас, Русия инқилоби жараёнини келтириб чиқарган вазият ижоботи билан киришдик. Иккинчидан, субъектив, яъни ўзимиздан бўлган омиллар: миллий манфаатлар йўлида курашиш лозимлигини билганлари ҳолда туркистонликлар ўзаро кучли бирлик қура олмадилар ва бунга улгурмадилар”³.

Туркистон Мухториятининг ташкил топиши, унинг сиёсий фаолияти, сўнгра инқирози масалалари тарихчи ва адабиётшунос олимлари асарларида ўз ифодасини топган⁴.

Жадидчилик аслида маърифатпарварлик ҳаракатининг кўриниши бўлиб, унинг намояндлари мамлакатни қолоқлиқдан чиқариш ва миллий тараққиётга эришишниг маърифий йўлини кўрсатдилар.

¹ Беҳбудий М. Туркистон маданий мухторияти лойиҳаси. Жаҳон адабиёти, 2003 йил. Август. Б.146.

² Дўстқораев Б. Ўзбекистонда янги давлатчилик маърифати // Жамият ва бошқарув, 1997 йил, 2-сон. Б.13.

³ Чўқай М. Истиқлол жаллодлари. Тошкент: F. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашиёти, 1992. Б. 6.

⁴ Аъзамхўжаев С. Туркистон Мухторияти: миллий демократик давлатчилик учун кураш тажрибаси. Тошкент: Маънавият, 2000. Б. 6–28; Қосимов Б. Миллий уйғониш. Тошкент: Маънавият, 2002. Б. 8.

Жадидлар ҳар хил хайрия фондларини ташкил этиш, бой ва бадавлат кишиларнинг ортиқча маблағларини миллат ва Ватан манфаати йўлида сарфлашга ҳам катта эътибор бердилар. Тошкентда 1909 йилда “Кўмак”, 1910 йилда эса “Тарбияи атфол” ва Бухорода 1913 йилда “Дорул ожизин” хайрия жамиятлари ташкил этилади. Уларнинг олдига қўйилган асосий мақсад сармоя топиб, жадид мактабларига ёрдам бериш ва иқтидорли ёшларни Туркия ва бошқа хорижий мамлакатларга ўқишга юборишдан иборат бўлди.

Шундай қилиб, хуолоса ўрнида айтиш мумкинки, жадидлар Туркистон мустақиллигини авваламбор зиёли бўлиш орқали кўра олишган эди. Шунинг учун ҳам аксар ҳодисаларда оғир-босиқлик билан муносабатда бўлиб, имкон борича тинчлик йўлидан боришга интилишган. Жадидчилик ҳаракати намоёндалари ўз даврида Туркистонда бўлаётган ҳар қандай воқеа-ҳодисаларни босиқлик билан кузатиб, уларга ўз жавобларини бериб борган бўлсалар-да, халқни зинҳор ва зинҳор исёнга даъват этишмади. Бунинг сабаби жадидлар билишардики, ҳар қандай исёнлар энг аввало мана шу халқнинг зарарига ишлайди ва албатта халқ турмушини оғирлаштиришга хизмат қилаади.

Жадидларнинг таълим ва ижтимоий ҳаётга доир илгари сурган фикрлари бугун ҳам ўз долзарблигини йўқотмаган. Шундай экан, биз жадид боболаримиз илгари сурган ғоялар асосида мустақиллигимизни янада мустаҳкамлашимиз ҳамда янги-янги марраларни забт этиб боришимиз хақида ёш авлод орасида тушунтириш ишларини олиб бориш ҳам долзарб ҳисобланади.

Туркистон тараққийпарварлари ва ёш турклар ҳаракати: умумий ва ўзига хос жиҳатлар

*Дилором Алимова
ЎзР ФА Тарих институти бош илмий ходими,
тарих фанлари доктори, профессор*

Миллий ҳаракатлар тарихида ўз мақсадлари ва моҳиятига кўра Туркистон жадидчилиги ва ёш турклар ҳаракати чалик бу қадар ўзаро ўхшаш ва боғлиқ ҳаракат бошқа йўқ. Умумий манфаатлар асоси, авваламбор, туркчилик бўлган. Бу ғоя ёш турклар ҳаракати мафкурачиларининг ҳам, ўзларини “миллий тараққийпарварлар” деб ата-

ган туркистонлик жадидларнинг ҳам қарапшарида ўқ илдиз бўлиб ўтган. Ҳаракатларнинг юзага келиш сабаблари ҳам бир хил. 1908 йилги турк инқилобининг дастлабки тадқиқотчиларидан бири З.Х. Габидуллин тъькидлаганидек: «Турк буржуазияси, биринчидан, ишлаб чиқариш кучларининг ривожига ғов бўлиб турган феодал муносабатларнинг хукмронлиги, иккинчидан, ўз маҳсулоти билан турк саноатига босим уюштираётган хорижий рақобат туфайли эркин ривожланиш ва ўсишга эриша олмаган»¹.

Ўрта Осиёда пайдо бўлган буржуазия, бир томондан, бу ерга Россия капитали кириб келишидан, шу орқали европача иқтисодий тараққиёт тизимидан фойдаланди ва ўз ҳолатини анча такомиллаштирди. Бошқа томондан, метрополия саноатини Туркистон хомашёси билан тъьминлаган тармоқларнигина ривожлантириш орқали минтақанинг империя хомашё базасига айлантирилиши миллий тадбиркорларнинг имкониятларини чеклаб қўйди, нисбатан илғор саноат техникаси ва маҳсулотларининг кириб келиши эса халқ истеъмоли молларининг маҳаллий ишлаб чиқарилишига барҳам берди.

Туркия ва Туркистоннинг миллий зиёлилари давлат бошқарув тизими, кенг қулоч ёзган коррупциядан норози эдилар. Бухоро амирлигида ҳам, Усмонийлар империясида ҳам коррупция ҳокимиятнинг барча бўғинларини, жумладан, расмий маош билан тъьминланмаган қўшинни ҳам қамраб олганди. Бу ҳақда Аҳмад Дониш ўзининг машҳур – «Наводир ул-вақое» ва «Рисолаи тарихи амирони манғит» рисолаларида ёзган эди.

Ёш турклар, шунингдек, империя маъмурияти томонидан ёш сартлар деб аталган туркистонлик жадидлар, ёш бухороликлар ва ёш хиваликларнинг жамиятни янгилашга бўлган уринишларида бош вазифа диний ислоҳотларни ислом орқали қонунийлаштириш йўли билан амалга ошириш эди. Улар маърифатчилик ҳаракатини, тълимнинг янги тизимини, янги технологиялар тарғиботини Қуръон билан асослашга, оқлашга, ҳатто ёритишга ҳаракат қилдилар.

З.Х. Габидуллиннинг ёзиича, «ёш турклар, айниқса, исломдан возкечиш, мусулмон анъаналарини бузишда айблашларидан қўрқсанлар. Ёш турклар сардорлари ўзларининг барча қарапшларини, жумладан, конституцияни ҳам Қуръон ва ислом тарихидан олинган иқтибослар билан мустаҳкамлаганлар. Уларнинг газеталарида бошқарувнинг конституцион тартиби мусулмон анъанасида буюрилгани,

¹ Габидуллин З.Х. Младотурецкая революция. Москва: Соцэкгиз, 1936. С. 46.

зоро, Мұхаммад алайхиссалом ҳам, унинг халифалари ҳам халқ вакиллари билан маслаҳатлашмасдан ҳеч қандай мұхим давлат ишларига қўл урмагани ва ҳ.к. батафсил ҳамда қизғин асослаб берилган»¹.

Тараққиийпарварларнинг бундай нуқтаи назари бу пайтга келиб Туркияда ҳам, Туркистонда ҳам ислом узил-кесил консерватив хусусиятга эга бўлиб қолгани ва ўзининг ҳақиқий фалсафий аҳамиятини йўқотгани билан белгиланади. Шу боис исталган соҳадаги ҳатто арзимас ўзгариш учун ҳам диний асос талаб қилинган. Ҳатто, ҳаракатнинг «камолчилар» даврида ҳам ислом дини «мафқуравий қобик» сифатида қўлланилган². Руҳонийлар бир қисмининг ўша пайтда Туркияning миллий манфаатларига мос келадиган антиимпериалистик, ватанпарварлик руҳидаги чиқишилари, халқнинг динга мойиллиги ҳисобга олиниши миллий тараққиийпарварлар ҳаракатида ўз изини қолдирган. «Бизнинг миллатчилигимиз ҳар ҳолда худбинона, такаббурона миллатчилик эмас, биз мусулмон эканмиз, ислом концепциясига мувофиқ мусулмон жамоаси бирлиги йўлида турамиз, бу миллатчиликнинг тор доираларини бепоён чегараларгача кенгайтиради»³, – деганди Мустафо Камол 1920 йил 14 августда.

Туркистон ва Бухорода жамиятни янгилашни ислом билан асослаш тенденцияси Туркиядагидан кўра кучлироқ ва ёрқинроқ бўлган. Жадидчилик ҳаракатининг эътироф этилган етакчилари Маҳмудхўжа Беҳбудий ва Абдурауф Фитрат ҳатто битта “Мухтасари тарихи ислом” номи билан исломнинг қисқача тарихини ҳам ёзганлар. Ушбу мавзуга бу қадар кўп мурожаат қилган бошқа муаллифлар топилиши даргумон. Улар нима ҳақида мулоҳаза юритмасинлар, барча ёндашувлари Қуръон ва ҳадислар билан далилланган. А. Фитратнинг юқорида эслаб ўтилган «Ҳинд сайёҳи қиссаси» асарида исломнинг фалсафий мазмунини янгича баҳолаш, айниқса, яққол намоён бўлади. У инсоннинг оламдаги ролига бутунлай бошқача баҳо беришга ҳаракат қилган. Унинг фикрича, Қуръон инсонга нафақат ўзида ёзилган ўгитларни бажаришни, балки ўз ери, ўз тақдирининг эгасига айланишни буюради.

Иккала ҳаракат концепцияларида ҳам бағрикенглик масаласи мұхим ўрин әгаллаган. Уларнинг раҳбарлари мусулмонча чекланган-

¹ Габидуллин З.Х. Младотурецкая революция. С.114.

² Гасanova Э.Ю. Об идеологии национально-освободительного движения в Турции и роли Кемаля Ататюрка в ее развитии // Турция: история и современность. Сб. Статей. Москва: Наука, 1988. С. 164.

³ Кемаль Ататюрк. Избранные речи и выступления. Москва, 1966. С. 107.

лик ижобий сиёсий натижаларга эришиш имконини бермаслигини тушунғанлар. Туркистан Россия империясининг мустамлакаси бўлган, Усмонийлар империяси эса, аксинча, кўплаб минтақа ва халқларни қамраб олган. Ёш турклар ҳаракати Абдулҳамид тузумига қарши муваффақиятли кураш нафақат турк халқи, балки Усмонийлар империясидаги бошқа халқларнинг ҳам қўллаб-қувватлашини талаб этишини яхши анлаганлар. Шу боис ёш турклар ҳаракатининг ибтидосида унинг мафкурачилари бошқа миллатлар вакилларига ҳам мурожаат қилганлар.

Муаллифи ёш туркларнинг машҳур арбоби Ҳалил Шариф бўлган 1867 йилги чақириқда шундай дейилади: «... Фақат мусулмонлар ва номусулмонлар ўртасидаги сиёсий ва ижтимоий тафовутларни ўчириб ташлайдиган конституциягина Турк империясининг насроний халқлари кўз ўнгига мусулмон ҳукуматининг рус фитналари устидан тантанасини белгилаб беради. Номусулмонлар ўзлари керак ҳамма нарсани –adolat ва хусусий мулк таъминотини Турк империясидан олсалар, ташқаридан келган иккиюзламачи мурожаатларга қулоқ солишини бас қиласидилар»¹.

Бу фикр ҳаракат мақсадини кўп миллатли минтақанинг барча миллат ва элатлари вакиллари иштирокида ва ислом дини талабарини инобатга олиб Туркистан ҳукумати ва парламентини тузиш, ирқий ва диний мансублигидан қатъи назар, аҳолини ҳимоя қилувчи қонунчиликка асос солиш деб белгилаган М. Беҳбудий тилидан сал бошқачароқ янграйди².

Бошқа миллатларга мансуб буржуазия билан бирлашиш, З.Х. Габидуллин таъкидлаганидек, асло ёш турклар кейинчалик ислом билан алоқани узмаса-да, мусулмонча зоҳидликдан воз кечишга мажбур бўлганларини англатмайди³.

Умуман олганда, Ғарб олдида таъзим қилиш Европанинг маданий ва технологик ютуқлари олдида таъзим қилишдан бошқа нарса эмасди. Ҳукумат билан муроса сиёсати, ўз фаолиятида кескин бурилишлардан воз кечиши дастлаб XIX асрнинг 70-йилларида ёш турклар ҳаракати учун ҳам, XX аср бошларида Туркистан, Бухоро жадидлари учун ҳам хос бўлган. Улар ҳам, булар ҳам юзаки ислоҳотлар ўтказилишига (турклар Султон Абдулазиз фармони эълон қилинишига,

¹ Турсцкий сборник. СПб., 1909.

² Улуғ Туркистан. 1917 й. 12 июнь.

³ Габидуллин З.Х. Младотурсцкая революция. С. 109.

бухороликлар амир Саид Олимхон манифести чиқарилишига) эришганлар, аммо қисқа муддатда худди шу ҳукмдорларнинг ўзи бу ислоҳотларни бекор қилган. Бунинг ортидан юз берган Туркиядаги 1878 йилги «Зулм» реакцияси ва Бухородаги 1917 йилги қатағонлар ҳамда тараққийпарварларнинг чет элга эмиграция қилиши бир хил сабабларга эга.

Давлат қурилиши ҳақидаги дастлабки тасаввурлар, конституцион монархиянинг бошқарувнинг мақбул шакли сифатида илгари сурилишида ҳам бир хиллик кўзга ташланади. Бироқ Бухоро ва Туркистон жадидларининг анча кейинги сиёсий интилишлари кўпроқ Камол Отатурк ислоҳотларига яқин. Туркистонлик жадидларни ёш турклар каби нафақат консерватив руҳонийлар билан кураш, балки ҳаракат ривожининг сўнгги босқичларида яққол намоён бўлган ички зиддиятлар ҳам парчалаб ташлаган.

Ёш турклар партиясининг ижтимоий асосини ташкил этувчи турк либерал буржуазияси орасида яқдиллик йўқ эди. «Иттиҳод ва тараққий» қўмитасидан «эркин фикрловчилар бўлими»ни ташкил этган гурӯҳ ажralиб чиқди, у қўмитани миллий тенг ҳуқуқлилик принципини бузишда ва мусулмонларга ҳаддан зиёд хайриҳоҳлика айблади, бу парламент сайловлари вақтида кўзга ташланди¹. 1917 йил ёзида Туркистонда жадидларнинг «Шўрои исломия» ташкилотидан «Шўрои уламо» гурӯҳи ажralиб чиқди, у, аксинча, ташкилот аъзоларини диндан қайтиш, «тарбчилик» ва ижтимоий муаммолар ечимиға ёндашувларни ҳаддан зиёд замонавийлаштиришда айблади.

Жадид ва ёш турклар ҳаракатларининг бир-бирига бу қадар яқинлиги икки жиҳат билан изоҳланади. Биринчидан, XIX аср – XX аср бошларида Ғарб давлатларининг иқтисодий, сиёсий ва маданий зўравонлигига оммавий норозилик билдириш ҳаракати сифатида ривожланган ҳамда мустамлакачиликка қарши йўналишга эга бўлган туркчилик ғояси ёки мусулмон миллатчилигининг кенг тарқалиши². Машҳур америкалиқ туркшунос К. Карпатнинг фикрича, бу ҳолатда “миллатчилик жамиятни ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий қайта қуришнинг маҳсус шаклини мафкуравий жиҳатдан оқлашдан иборат бўлган”³. Унинг ҳокимият тепасига келган бюрократик зиёлилар вакиллари ўз мамлакатининг анъанавий ўтмишидан кескин воз кечга-

¹ Габидуллин З.Х. Младотурецкая революция. С. 116.

² Karpat K. Ingniry into the Social Foundation of Nationalism in the Ottoman State from Social Estates to Classes, from Millets to Nations. Princeton, 1973. P. 96.

³ Ўша жойда. Р. 111.

ни борасидаги фикри түғри. Бироқ “айни дамда, улар Европа маданијатидан бегоналашган”¹, деган фикрига құшилиб бўлмайди. Аксинча, бу ҳаракат доирасида улар мазкур маданиятга жуда яқинлашганлар. Ҳар ҳолда Туркистон жадидлари ҳам қадимий, ҳам замонавий ғарб фалсафасидан фойдаланганлар.

Туркия ва Туркистондаги икки ҳаракатнинг бир хиллиги яна бирининг иккинчисига сезиларли таъсири билан изоҳланади. Маълумки, ўрта осиёлик зиёлилар ва тадбиркорларнинг Туркияга сафари кенг қулоч ёзган. Кўплаб жадидлар шу мамлакатда таҳсил олганлар. Айрим архив маълумотларига кўра, Туркияда 1913 йили 250 нафар бухоролик талаба билим олган.

Империядаги ҳукумат вакиллари муносабатларнинг бундай ривожидан жуда хавотирда эдилар. Уларнинг хавотирини подшо охранкаси ходимларининг маълумотларни анча ошириб тақдим этган агентларнинг хабарларига асосланиб жидду жаҳд кўрсатиши янада кучайтирган.

Масалан, агентлардан бирининг хатида Тошкент жадидлари етакчиси Мунаввар қори Туркиянинг яққол тарафдори деб аталган ва туркча китобларни таржима қилганликда, тушган пулларни эса гўёки турк флотини таъминлаш учун Туркияга юборганликда айблланган². Фарғонадаги қўриқчи бўлим Қўқонда тузилган «Ғайрат» жамиятини туркларнинг «Иттиҳод ва тараққий» жамияти бўлинмаси деб тахмин қилган³. Туркистон зиёлилари вакиллари томонидан Россия билан урушда Туркияга ёрдам учун пул йиғиляпти деб ҳисобланган⁴. Туркистонга ташриф буюрган, диндошлари томонидан қўллаб-қувватланган ёш турклар ҳаракати вакиллари қўриқчи идораларнинг алоҳида назорати остида бўлган⁵.

Подшо охранкаси агенти хабарида бухоролик тараққийпарварлар “Бухоро фуқароларида миллий ўзликни англаш ҳиссини уйғотишга интилишмоқда, уларнинг Туркияга мойиллиги кучли, айримлари Туркияда таълим олишган ва фақат Туркияда мусулмон яхши тарбия олиши мумкин дейишади”⁶ деб қайд этилган. Бу каби мойиллик шароити бир хил ислом давлатида тараққиётга эришилгани, бунга

¹ Ўша жойда. Р. 45.

² ЎзМА, И-461-фонд, 1-рўйхат, 1784-йиғмажилд, 13-варақ.

³ ЎзМА, И-461-фонд, 1-рўйхат, 1919-йиғмажилд, 8-варақ.

⁴ Ўша жойда. 2016-йиғмажилд, 59-варақ.

⁵ Ўша жойда. 2017-йиғмажилд, 40-варақ.

⁶ Ўша жойда. 1919-йиғмажилд, 21-варақ.

Туркистонда ҳам эришиш мумкинлигини англашдан келиб чиқсан. Шу боис Туркия Миср, Россия ва бошқа ривожланган давлатлар каби намуна бўлиб хизмат қилган.

Таъкидлаш жоизки, туркистонлик, бухоролик, хивалик жадидлар юксак ватанпарварлик туйғуси билан ажралиб турганлар ва бегона на-мунага кўр-кўронга эргашмаганлар. Айни пайтда, улар бошқа давлатлар ислоҳотчилик ҳаракатларининг ижобий тажрибасини рад этмаганлар.

Ҳаракатнинг алоҳида маҳаллий хусусияти, авваламбор, тарихан шаклланган миллий анъаналар, империя мустамлакачилик сиёсатининг ўзига хос жиҳатлари билан белгиланган. Туркистон жадидлари-нинг таркиби ҳам бошқача бўлган. Ёш турклар ҳаракатининг кўплаб вакиллари ҳарбий қатламга мансуб эди. Султон ҳокимиятининг ғарб таъсирига бўлган нафратига қарамай, ҳарбий мактабларни европача йўсинда ташкил этишга ва ёшларни Европадаги таълим муассасала-рига ўқишига юборишга тўғри келган. Шу боис зобитлар жамиятнинг энг илғор ва маданий қисмини ташкил қилган ҳамда миллий буржу-азия манфаатларини акс эттирган. Уларнинг аксарияти Германияда таҳсил олган ва германпастга айланган. Бундан ташқари, мамла-катга Германиянинг иқтисодий таъсири кучли бўлган. Бу, айниқса, триумвират бошқаруви даврида кучайган.

Бухоро амирлигида янги усул мактабларининг очилиши

Шаҳзод Аминжонов, Машхура Аҳмедова

Бухоро вилояти Фиждуон туман 1-сон қасб-ҳунар мактаби ўқитувчилари

Бухоро амирлигида янги усул мактабларидағи таълим-тарбия XIX аср охирида вужудга келган. Янги мактабларга усули –савтия, тадри-жия (rivожланувчи товуш усули) деб ном берилган.

Анъанавий мактабдаги ўқитиш усули ёд олиш, яъни ҳарфлар ва матнларни ўқитувчи овозидан илиб олинниб, такрорлаш усулига асосланган бўлиб, унда савод чиқариш қийин кечарди. Исмоил Гас-пиринский илгари сурган савтия, янги усул, яъни товуш усули ҳарф-ларни товуш чиқариб ўқиш тартиби эса, осон ва тез савод чиқариш имконини берар эди. Шу сабабли бу янги таълим тизими усули сав-тия (товуш усули), усули жадид (янги усул) номларини олган эди¹.

¹ Турсунметова Г. XX аср бошларида Туркистон таълим-тарбия тизимида жадид мактаблари // Тарихий хотира-маънавият асоси. Бухоро, 2008. Б. 124.

Янги усулда ўқишиш ва ёзиш баробар ўргатилғанлиги айниңса, мұхим әди.

Садриддин Айнийнинг ёзишича, Бухорода бу пайтда мавжуд бўлган янги усулдаги татар мактаби татар тилида бўлғанлигидан бухороликларнинг фойдаланишлари қийинроқ әди. Шу сабабли маҳаллий тараққийпарварлар ўзлари янги усул мактаби очиш ҳаракатига тушдилар¹. Бу мактабларда миллий жадидлар билан биргаликда татар миллатига мансуб муаллимлар ҳам дарс берардилар.

1903 йилга келиб Бухорода 6 та янги усул мактаби ташкил этилган әди². Илк жадид мактаби Бухоро халқининг илғор қатлами вакилларини ўзига жалб эта бошлади. Маҳаллий аҳоли вакиллари ўз фарзандларини татар мактабларига бера бошладилар. Бироқ ушбу мактаб кўп ўтмай ёпилди.

1908 йилнинг октябрь ойида Бухоронинг Дарвозаи Саллоҳхона гузарида Мирзо Абдулвоҳиднинг уйида ўқишиш маҳаллий тилда олиб бориладиган янги усул мактаби расман очилади ва унга Мирзо Абдулвоҳид муаллим этиб тайинланади. Янги усул мактабини очиш ташкилотчиларнинг янги усул ва қоидадан хабарсизлиги туфайли анча қийин кечди³.

Татар мактаби ўқитувчилари билан олиб борилган ҳамкорлик натижасида ишлар анча жонланиб, таълим бериш сифати яхшиланди. Орадан бир оз муддат ўтгач, Мирзо Абдулвоҳид катталар учун кечки мактаб, курслар очади ва ёши 20–30 га етган шаҳарликларни йиғиб, ҳар куни 2 соатдан таълим бера бошлайди. Кўп йиллар давомида анъанавий мактабга қатнаб, хат ва саводи чиқмаган кишиларни Мирзо Абдулвоҳид 40–50 кунда ўқишиш ва ёзишга ўргатади. Бу воқеадан кейин Бухоро аҳолиси янги мактабга ниҳоят даражада ихлос қўядилар⁴.

Мактаб ишини тўғри йўлга қўйиш, ўқитиши самарали ташкил этиши, усул ва қоидаларни яхши ўзлаштириб олиш учун Бухорода фолият кўрсатаётган татар мактаблари низомидан фойдаланилади. “Биз мактабчилар шу кунгача Бухородаги татар мактабидан хабарсиз әдик. Орадан фурсат ўтказмай, тўғри мазкур мактабга бордим. Мактаб муаллими мени ниҳоят мамнуният билан қабул қилиб, ҳар тўғрида ёрдам беришни ваъда қилди. Дарсларни кўрсатди. Таълим

¹ Айний С. Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар. Асарлар. Тошкент: Бадиий адабиёт, 1963. I том. Б. 200.

² Тоҳир Қаҳҳор. Ҳур Туркистон учун. Тошкент, 1994. Б. 28–29.

³ Айний С. Қисқача таржима ҳолим. Асарлар. Тошкент: Бадиий адабиёт, 1963. I том. Б. 20.

⁴ Айний С. Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар. Б. 203–204.

қоидаларидан бир оз маълумот берди. Ибтидоий мактаб дарс китобларидан намуна бўларлик бир донадан ва таълим-тарбияга доир бир китоб берди", - деб ёзади С.Айний¹.

Янги усулдаги мактабларда янги дунёвий билимлар ўқитилиб, эскириб қолган ўқитиш услубидан эса воз кечилса-да, лекин ўкувчиларнинг маънавий дунёсини шакллантиришда ислом дини асос қилиб олинди. 1908 йилда Садриддин Айний янги усулдаги татар мактабларининг тажрибасига таяниб, татар мактаби муаллими Бувала Абдураҳмон Сайдий билан биргаликда дарсликлар ёзади. Шулардан бири "Тартил ул-Куръон", яъни Қуръони Каримни ўқиш ва талаффуз қилиш қоидаларини ўрганишга бағишлиган китоб, "Таҳзизб ус-сибиён" – ахлоқий тарбия, яъни одобнома китоби эди. Унда "Тарбия кўрган бола", "Одобли бола", "Ота-она", "Устоз-муаллим", "Марҳаматли Аҳмаджон", "Мактаб қоидасига доир ҳикоят", "Мактаб қандай бўлиши керак", "Ҳикояти Тош", "Ақлли одам ва юксак баҳт соҳиби", "Бадбаҳт одам", "Араббен ва унинг дўстлари" каби ўнлаб кичик ҳикоялар ахлоқий тарбияга қаратилган эди².

Мактаблар иши секин-аста ҳалқ орасида шуҳрат қозона бошлади. Садриддин Айнийнинг ёзишича, "Бир неча йил эски мактабларда юриб хат ва савод чиқара олмаганларнинг ёки эски мактабга бўйсунмаганларнинг оталари бизнинг мактаб ўкувчиларининг икки ойлик маълумотларини қўриб, камоли ихлос ва иштиёқ билан болаларини келтириб топшира бердилар"³.

1908 йилда Бухоронинг Саллоҳхона маҳалласида татар мактаби муаллимлари ўкувчиларни имтиҳон қилиб, улар қўллаган усул қандай самара берганини намойиш этадилар⁴. Мазкур воқеани Садриддин Айний қуйидагича таърифлайди: "Баҳор фаслида татар мактабида умумий имтиҳон бўлди. Имтиҳон мажлисида татар ва бухоролик болаларнинг оталари ҳозир бўлдилар. Биз ҳам ўз мактабимиздан бир-икки шогирдни эргаштириб бордик. Имтиҳон мажлиси осудалик ва тинчлик билан ўтди. Бу муносабат билан биз шаҳримизнинг янги мактаб тарафдорлари билан танишдик. Улар ҳам Бухорода ўз

¹ Айний С. Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар. Б. 201.

² Садриддин Айнийнинг 1917 йилда Самарқандда нашр этилган "Таҳзизб ус-сибиён" асарининг асл нусхаси Бухоро шаҳридаги Арк музейида сақланмоқда. Маълумотлар шу ердан олинди.

³ Айний С. Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар. Б. 202.

⁴ Эргашев Б. Идеология национально-освободительного движения в Бухарском эмирата. Т., 1191. С.24.

бухороликлари тарафидан янги мактаб очилганини англаб зиёда-сила қувондилар. Ушбу қундан бошлаб бизнинг мактабимиз шуҳрат чиқарди”¹.

1911 йилнинг бошларида Мукомилиддин Бурхонов томонидан Бухорода янги усул мактаби очилади. Ушбу мактабдаги ўқувчилар сони 40 нафардан ортиқ бўлган². Бухородаги жадид мактаблари ичида Мукомилиддин Бурхонов ташкил этган мактаб ўзининг жиҳозланиши билан ажралиб турган, унда ойналик деразалар, темирдан ясалган печкалар мавжуд эди. Янги ўқувчини қабул қилиш, синфдан синфга кўчириш, мактабни битириш қатъий тартибда бўлган, ўқувчилар билимини баҳолаш баллик тизим билан амалга оширилган, имтиҳонлар ташкил этилиб, улар тарғибот мақсадида ошкора, на мойишкорона тарзда ўтказилган³.

Юқоридаги маълумотлардан кўриниб турибдики, янги усул мактаблари 1910, 1911, 1912, 1913 йилларда амирлик худудлари бўйлаб кенг тарқалган, гарчанд, уларнинг ўқувчилари унчалик кўп бўлмаса-да, янги усулдаги мактаблар тўғрисидаги тасаввурни шаклланишига ҳамда аҳолининг ушбу мактабга нисбатан хайриҳоҳ бўлишига ёрдам берган. Амирлик ҳукумати чекланган тарзда бўлса ҳам таълим тизимини ислоҳ қилиш ишига бир мунча муддат эътибор беради. Садриддин Айний таъкидлаганидек, ушбу мактаблар “ним (яrim) ислоҳ мактаблари” эди.⁴

1912–1913 йилларда мактаб очиш, унинг ўқув жараёнларини тўғри ташкил этиш ишида маълум даражада силжиш кузатилган. Қози Бурхониддин каби мутаассибларнинг Бухородан қувилиши, айрим мансабдорларнинг вазифасидан четлаштирилиши оқибатида мактаблар масаласида вақтинчалик мўътадиллик вазияти юзага келади.

1914 йил 4 июлда Амир Олимхон одатдагидек жума намозига борган пайтида мутаассиб руҳонийлар янги усул мактабларини ёпиш тўғрисида шикоят қиласидилар. Қозикалон Бурхониддин жадид мактабларини бадном қилувчи ва бу мактабларни тезда ёпишга қаратилган қуйидаги мазмунда амир Олимхонга ариза ёзади: “Амири

¹ Айний С. Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар. Б. 202.

² Йўлдошев Н. Маърифат фидойилари // Гулистон. Тошкент, 1991. № 4–6. Б. 20–21.

³ Гафаров Н. История культурно-просветительской деятельности джадидов в Бухарском эмирате. Худжанд, 2000. С. 86.

⁴ Бобожонова Ф. Бухоро амирлигига таълим тизими. XIX аср охири –XX аср бошлари. Тошкент: Adib. 2014. Б–105.

марҳум даврларида уламонинг фатволари билан усули жадид мактабларининг ҳаром ва бидъатлиги событ бўлиб, жаноби олийнинг амрлари билан ёпилган эди. Бир неча вақтдан бери яна муфсид жадидлар бош кўтариб, шаҳарнинг ҳар тарафида мактаблар очиб, халқнинг болаларини бузиб, фитна ва фасод қўзғатиб юрибдурлар. Агар жаноби олийнинг амрлари билан ушбу мактаблар тезлик билан боғланмаса, муллабаччалар бу бидъатни барҳам бермоқ учун ўзлари қўзғалишлари аниқдир. У ҳолда мамлакатда фитна ва фасодлар кўпайиб, давлати олийга зарап етиши эҳтимолдир”¹.

Амир Сайд Олимхоннинг янги усул (жадид) мактабларини ёпиш тўғрисидаги фармони 1914 йилнинг июлида қўшбеги Насрулло орқали амалга оширилди.

Шундай қилиб, 1914 йилнинг иккинчи ярмида Бухорода фаолият юритувчи барча янги усул мактаблари амирлик ҳукумати томонидан ёпиб қўйилади. Ушбу чорани Россия империясининг Бухородаги сиёсий агентлиги ҳам қўллаб-қувватлади².

Янги усул мактабларида дунёвий фанлар ҳам, диний фанлар ҳам ўтилган. Дунёвий фанлардан физика, кимё, геометрия, география, арифметика, айрим мактабларда рус тили ҳам ўқитилган. Алифбе китоби билан Алифбойи Қуръоний ҳам ўргатилган.

Хулоса қилиб айтганда, Бухорода дастлаб татар болалари учун очилган янги усул мактабларида ўқувчилар тезда заводчиқарганликлари сабабли улар қисқа фурсатда оммалашиб шуҳрат қозонди ва маҳаллий аҳолини ўзига жалб этди. Дастлаб амир ҳукумати томонидан у қадар қўллаб-қувватланмаган янги усул мактаблари 1910–1914 йилларда кенг тарқалиб, бутун мамлакатни қамраб олди ва ўз афзалликларини тўла намоён этди. Янги усул мактаблари ўқув курсининг қисқалиги (4 йил), белгиланган дунёвий билим асосларининг ўқитилиши, синф-дарс тизимида фаолият юритиши, мактабнинг молиявий таъминоти, санитария-гигиена ҳолатининг анча яхшилиги, ўқитувчиларнинг салоҳияти, мактабнинг жиҳозланиши билан анъанавий мактаблардан кескин фарқ қилган. Аммо 1914–1915 йилларда янги усул мактаблари мутаассиб шахслар ва амир амалдорлари томонидан қаттиқ қаршиликка учраши, уларнинг ҳукумат томонидан ёпилиши бу жараёнга жиддий тўсиқ бўлди.

¹ Айний С. Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар. Б. 210.

² Бобоҷонова Ф. Бухорода мактаб ва мадраса таълими тарихидан (XIX аср охири –XX аср бошлари). Тошкент: Наврӯз, 2022. Б. 108.

XIX аср иккінчи ярми – XX аср бошларыда Бухоро амирлигиде мадрасалар фаолияти

Феруза Бобожонова

Бухоро давлат университети доценти, тарих фанлари номзоди

XIX аср охири ва XX асрнинг бошларига келиб, Бухоро мадрасаларида нафақат Туркистан, балки Россия империясининг турли ўлкаларидан келган мусулмон аҳолиси вакиллари ҳам таълим олар эдилар¹. Абдурауф Фитрат, Файзулла Хўжаев, Садриддин Айний ва бошқаларнинг маълумотларига қараганда, Бухоро мадрасаларида 1920 йилнинг охиригача четдан келган талабалар ўқишни давом эттирганлар. Амирликнинг чекка ва яқин атрофдаги туманларидан, қўшни ва бошқа мусулмон мамлакатларидан мадрасага ўқишига келганлар ҳам ўқишига қабул қилинганлар.

Энг йирик мадрасалар амирликнинг маркази Бухоро шаҳрида ҳамда Қарши, Гиждувон, Шаҳрисабз, Шеробод шаҳарларидан, Шарқий Бухоро бекликлари марказларидан фаолият кўрсатган. Умуман, Бухоро амирлигиде юзлаб мадрасалар мавжуд эди. Мадрасалар кичик, ўрта ва йирик мадрасалардан иборат бўлган.

Садриддин Айнийнинг қайд этишича, Бухоро мадрасаларининг ислом оламидаги нуфузи жуда юқори бўлиб, уларда таълим олган уламоларнинг диний масалалардаги сўзлари Миср ва Ҳижозда ўқиғанларнинг сўзларидан кўра мўътабарроқ ҳисобланган².

Бухоро амирлигиде фақатгина XIX асрда 60 дан ортиқ мадраса қурилган³ бўлиб, уларнинг орасида Амир Насруллоҳ мадрасаси (1860 йилда), Амир Музаффар мадрасаси (1868 йилда), Амир Олимхон мадрасаси ҳукмдор томонидан барпо этилган. Ўзи қурдирган мадраса тўғрисида амир Олимхон шундай деб ёзган: “Бухоро минорасининг паст томонида ўз номимдан Дори-л-улум – билим уйи бўлган бир мадраса қурдирдим, ҳар хил илмдан дарс берувчи муаллимлар тайин эттирдим. Мазкур мадрасада истиқомат қиласиган талабалар сарф-харжатлари, маош ва кийим-кечак ҳам ўз тарафимдан белгиланиб, унга бир нафар нозир тайин этдим. Уларнинг емак-ичмак, маош ва

¹ Хўжаев Ф. Танланган асарлар. Тошкент: Фан, 1976. I том. Б. 88.

² Айний С. Эсадиклар. Асарлар, 5-жилд. Тошкент: Бадий адабиёт, 1965. Б. 167.

³ Ремпел Л. И. Далекое и близкое. Бухарские записи. Ташкент: Литературы и искусства, 1981. С. 4.

кийим-кечакларини муайян бир вақтда етказардим”¹. Бундан шуни англаш мумкинки, бу мадраса қурилган вақтда Амир Олимхон вақф мулки ҳақида гапирмаяпти. Анъанага мувофиқ вақф мулкидан эмас, балки давлат таъминотидан фойдаланганлиги ҳақида гап бормоқда. Демак, XX аср бошида мадраса таъминотига муносабат ўзгара бошлаган.

1900–1920 йилларда Бухоро шаҳрининг нуфузли кишилари ҳам бир қанча мадрасалар қурдирғанлар ва уларнинг фаолиятини таъминлаш учун вақф мулкини васият қилиб қолдирғанлар. Масалан, Обиравон маҳалласи ва Масжиди Баланд маҳалласида номаълум бой томонидан саккиз ҳужрадан иборат мадрасалар, Кемухтгарон маҳалласида чоржўйли бой, Авлиёйи ғарип маҳалласида Домла Рўзи, Тўпахон маҳалласида Бақобой, Хўжа Рофе маҳалласида йирик бой Жўра чанглоқ (32 ҳужралик), Замучча маҳалласида тошкентлик Мулло Султон (2 ҳужралик), Дилкушойи дарун маҳалласида номаълум кексайган аёл, Мир Тахури девон маҳалласида Хўжа Қурбон исмли гўрков, Кокида маҳалласида Абдужафар бой, Коғарон маҳалласида шахрисабзлик Йўлдошбой ва бозор оқсоқоли Иброҳим оқсоқол ҳаммаси бўлиб 12 та мадрасани қурдирғанлар².

XIX асрнинг охирларида Бухоро амирлиги ягона рус божхона тизимиға киритилганидан кейин Россия империяси ҳукумати амирлик чегараларини “қўриқлаш” баҳонаси билан Эрон, Афғонистон, Ҳиндистон, Хитой (Қашқар)дан, Россия ҳудудидан (хусусан, Крим, Татаристон, Шимолий Кавказдан) келадиган мусулмон талабаларининг ўқишига турли йўллар билан тўсқинлик қилишга астойдил ҳаракат қиласиди. Сиёсий агентликка Россиядан Бухоро мадрасаларига ўқишига келадиган ёшларнинг сонини анча камайтириш тўғрисида маҳсус кўрсатма берилади. Натижада мадраса талабаларининг сони йилдан-йилга камайиб борган. Агар Шоҳмурод амирлиги (1785–1800 й.) даврида мадрасаларда 30 минг талаба таҳсил олган бўлса, XX аср бошига келиб, уларнинг умумий сони 10 минг муллаваччани ташкил этган³. Аммо амирлик ҳукумати Бухоро мадрасаларида Россия фуқароларининг келиб ўқишини таъқиқлаб қўйиш мусулмон халқларининг норозилигига сабаб бўлиб, тартибсизликлар келиб чиқишидан хавфсираб, бу жараённи бутунлай тўхтата олмаган⁴.

¹ Амир Сайид Олимхон. Бухоро халқининг ҳасрати тарихи. Тошкент: Фан, 1991. Б. 8.

² Сухарева О.А. Квартальная община раннефеодального города Бухары. Москва, 1975. С. 75–98.

³ Ремпел Л.И. Далекое и близкое. Бухарские записи. Ташкент: Литературы и искусства, 1981.

Бу даврда Бухоро мадрасаларининг сони ҳақида турли манбаларда ва асарларда турлича маълумот қайд этилади¹. Н. Хаников мадрасалар сонини 180–200 та, талабалар сонини эса 15–16 минг нафар деб кўрсатган².

XIX аср охир – XX аср бошларида Бухоро амирлигидаги мадрасалар сонини ўша даврда яшаган Абдурауф Фитрат ва Садриддин Айний 200 та, Садр Зиё 204 та, Муҳаммад Али Балжувоний эса, 400 та деб кўрсатади. Хуллас, турли маълумотлар умумлаштирилганда Бухоро амирлигига 200 дан 400 тагача мадраса мавжуд бўлган. Бухоро амирлигига қўшни, илгари мамлакат таркибида бўлган Самарқанд вилоятида 217 та мадраса бўлганлиги назарда тутилса, амирликда 400 тага яқин мадраса мавжудлиги ҳақиқатга анча яқинлиги маълум бўлади³. Туркистон генерал-губернаторлиги ҳисоботи билан боғлиқ архив хужжатлардан бирида 1914 йилда Бухоро амирлигига 350 та мадраса фаолият кўрсатаётгани қайд этилган⁴.

Шунингдек, О.А. Сухареванинг фикрича, биргина Бухоро шаҳрининг ўзида 133 мадраса бўлган⁵. Яна бир тадқиқотчи Л.И.Ремпель XX аср бошларида Оренбургда чиқадиган “Шўро” журналининг маълумотларига асосланган ҳолда Бухорода олий даражадаги мадрасалар - 34 та, ўрталари – 35 та, қўйилари эса - 100 тадан ортиқ бўлганлигини кўрсатиб ўтади. Демак, фақат Бухоро шаҳрининг ўзида 170 тадан ортиқ мадраса бўлган.⁶

Мадрасалар катта ва кичик хужралардан иборат бўлган⁷. Архив маълумотларига қараганда, Бухоро мадрасаларида хужра олган талаба қуидагича шартномани имзолаган: “1917 йилда Мулло Шоди валади Сўфиназар Бухорой Шариф дорул қозисига келиб, Абдушукур мадрасасининг жанубий томонидаги пастки хужрани шариатда саҳих бўлганини иқрор қилганини ва хужра ичидаги бўлган эшик, асблолар ва бошқа хўжалик нарсалари борлигини, яшайдиган одамлари ҳам борлигини, уларга, ҳеч қандай нуқсон ва қусур етказилмаганини бир қанча гувоҳлар олдида иқрор қиласман.”⁸

¹ Мирзо Олим Маҳдум Ҳожи. Тарихи Туркистон. Тошкент: Янги аср авлоди, 2008. Б. 191.

² Ҳаныков Н. В. Описание Бухарского ханства. СПб., 1843. С. 223.

³ ЎзМА, 47-фонд, 1-рўйхат, 955-йиғмажилд, 257-варақ.

⁴ ЎзМА, 461-фонд, 1-рўйхат, 1720-йиғмажилд, 76-варақ.

⁵ Сухарева О. К истории городов Бухарского ханства. Ташкент: Изд. Академии наук Уз ССР, 1958. – С. 57.

⁶ Ремпел Л.И. Далекое и близкое. Бухарские записи. Ташкент: Литературы и искусства, 1981. С. 97.

⁷ ЎзМА, 323-фонд, 1-рўйхат, 55/16-иш, 1-варақ.

⁸ ЎзМА, 2678-фонд, 2-рўйхат, 33-иш, 1-варақ.

“Вақт” журналига қўшимча қилиб чиқарилган “Шўро” журналиниң берган батафсил маълумотларига қараганда, биринчи жаҳон уруши арафасида Бухоро мадрасаларининг вақфларидан келган даромадлари катта маблағни – 4.742.000 тангани ташкил этган.¹ Бундан ташқари, энг улкан ҳисобланган Кўкалдош билан Мир Араб мадрасаларининг йиллик даромади 150 минг танга, Гавкушонники 190 минг танга бўлса, Жаъфархўжа мадрасасиники эса, 350 минг тангага етган². Шунинг учун ҳам домлалар шу даргоҳларда таълим беришга, талабалар эса таҳсил олишга интилганлар.

Кўшбеги архивида амир тасдиғидан ўтган 327 нафар мударрисларининг рўйхати келтирилган.³ Демак, мадрасалардаги мударрислар қозикалон томонидан амирга тавсия этилиб, тавсия этилган номзодни эса амирнинг шахсан ўзи тасдиқлаган. Бундан ташқари, айrim мадраса мударрислари вақф мулки даромадларидан ташқари, имконияти бўлган айrim талабаларнинг ихтиёрий келтирган инъомлари ҳисобидан ҳам моддий таъминланиб турган. Бундай ҳолатларда мударрислар талабалари келтирган инъом билан қаноатланганлар ва ўзларини ортиқча таъмагирлиқдан тийганлар.⁴

Мударрисларнинг таъминоти вақфномада кўрсатилган вақф маблағининг мадраса таъмири учун кетган сарф-харажатдан қолган қисмидан ажратилган, унинг улуш миқдори вақф ҳужжатида аниқ қилиб белгиланган бўлган. XIX асрнинг ўрталарида Бухоро мадрасаларида мударрисларнинг оладиган маошлари қуидагича бўлган: Ҳалимжон мадрасасида йилига 80 тилла, Жўйбори Хурд мадрасасида 100 тилла, Хиёбон мадрасасида 180 тилла, Муҳаммад Шариф савдогар мадрасасида 199 тилла, Кўкалдош мадрасасида 360 тилла, Хўжа Жўйбори Калон мадрасасида 500 тилла, Дорулшифо мадрасасида 700 тилла, Говкушон мадрасасида 700 тилла. Бундан ташқари, Жаъфархўжа мадрасасининг 40 га яқин мударрисларининг ҳар бири йилига икки минг танга маош олганлар. Мир Араб мадрасасидаги мударрисларга йилига 150 тангадан берилган, яъни вақф маблағининг учдан бир қисми маош учун ажратилган⁵. Шу билан бирга, юқоридагиларга нисбатан анча кам маош оладиган мударрислар ҳам бўл-

¹ Сухарева О.А. Истории городов Бухарского ханства. Ташкент: Изд. Академии наук Уз ССР, 1958. С. 145.

² Ремпел Л И. Далекое и близкое. Бухарские записи. С. 142.

³ ЎзМА, 126-фонд, 1-рўйхат, 1990-йиғмажилд, 4-варақ.

⁴ ЎзМА, 1-фонд, 12-рўйхат, 1-йиғмажилд, 90-варақ.

⁵ ЎзМА, 323-фонд, 1-рўйхат, 16^a-йиғмажилд, 1-варақ.

ган. Масалан, нисбатан кичик Мулла Назар мадрасасида мударрисга 8–10 тилла, Абдуллабой мадрасасида 12 тилла, Аҳмад доруға мадрасасида 16 тилла, Азизон мадрасасида эса, 30 тилла маош берилган¹. Мударрислар сони ҳам мадрасадаги вақф маблағига қараб белгиланган. Масалан, Абдураҳмонбой мадрасасида битта мударрис бўлгани ҳолда Жаъфархўжа мадрасасида 40 нафар мударрис дарс берган. Бундан ташқари, Абдулазизхон, Модарихон мадрасаларида икки нафардан, Улуғбек мадрасасида бир нафар домла бўлган бўлса, ташқи кўриниши ва ҳужраларининг сони бўйича Кўкалдош, Мир Араб ва Гавкушон мадрасаларига тенг келолмайдиган Жаъфархўжа мадрасасида 40 нафар домла талабаларга таълим берган, яъни бу жиҳатдан ҳаммасидан устун турган, чунки у жуда кўп даромад келтирадиган вақфларга эга бўлган.²

Хуллас, XIX асрнинг охири – XX аср бошларида Бухоро амири томонидан мадрасалар ва уларнинг мударрис ҳамда ўқитувчилари учун йилига 100 минг рубл ажратилган³.

Мадраса талabalari асосан икки гуруҳга бўлинган: дарсга мунтазам қатнашадиган, мадраса ҳужрасида яшаб ўқийдиган талabalар ва дарсларга эркин қатнашадиган талabalар. Мадрасаларнинг сони хусусида бўлгани каби уларда таҳсил оловчи талабаларнинг сони ҳақида ҳам турли маълумотлар мавжуд. Манбаларда ва адабиётларда Бухоро мадрасаларида XIX асрнинг 40-йилларида 9–10 минг нафар⁴, XIX асрнинг охирида 10 минг нафар⁵, XX асрнинг бошида эса, 20 минг нафар⁶ талаба таҳсил олганлиги қайд этилади.

Мадрасада таҳсил оловчиларнинг таъминоти ҳам мадрасага тегишли бўлган вақф мулкининг миқдорига қараб ҳар хил бўлган. Масалан, XIX асрнинг ўрталарида Эрназар мадрасасида (уни Эрназар элчи қурдирган) талабанинг йиллик таъминоти 2,5 тиллани ташкил этса, Хўжа Жўйбори Калон мадрасасида 20 тиллани ташкил эт-

¹ ЎзМА, 126-фонд, 1-рўйхат, 1990-йиғмажилд, 5-варақ.

² Сухарева О.А. К истории городов Бухарского ханства. Ташкент: Изд. Академии наук Уз ССР, 1958. С. 98.

³ Семенов А.А. Очерк устройства центрального административного управления Бухарского ханства позднейшего времени // Материалы по истории таджиков и узбеков Средней Азии. 4. II. С. 5.

⁴ Ханыков Н. Описание Бухарского ханства. С. 88.

⁵ Ремпел Л.И. Далекое и близкое. Бухарские записи. Ташкент, 1981. С. 4.

⁶ Эргашев Б. Идеология национально-освободительного движения в Бухарском эмирате. Ташкент: Фан, 1991. С. 16.

ган¹. Кўкалдош мадрасасининг бир йиллик даромади 150 минг танга бўлиб, бу маблағдан 74 минг тангаси 148 ҳужрага, яъни муллабачаларга тақсимланган, мударрисга 28 минг танга, имомга 10 минг танга ажратилган². Ҳар бир талаба мадраса ҳужраларидан бирини, яъни ўзи яшайдиган хонани сарф-харажати ва меҳнати билан обод қилиб, мабодо талаба ушбу ҳужрани тарк этишига тўғри келса, у ҳолда ҳужрани тузатиш учун сарф қилинган маблағни бошқа талабадан олиши ва шундан кейингина ҳужрани унинг номига ўтказиши лозим бўлган. Талабаларга иссиқ овқат кўпчилик мадрасаларда бир марта-тушликда берилган. Мадрасаларда моддий таъминот З хил кўринишида амалга оширилган: пул, ғалла, пул ва ғалла (кўшма ҳолда). Талабаларга ўқиш учун маълум даражада минимал шароит яратилган: ҳужраларда ўқиш ва ёзиш учун шам, ерга тўшаш учун бўйра, қиши кунларида таҳорат қилиш учун ҳаммомлардан иссиқ сув келтириб берилган, ҳайит байрамларида катта зиёфат берилган, рамазон ойида эса кучли калорияли овқатлар бериб турилган. Мадраса талабалари ўзларининг сарф-харажатлари учун мадрасага бириклирилган вақф мулки даромадларидан ишлатиши мумкин эди. Албатта, бу тўғрида вақфномада қайд этилган бўлиши шарт эди³. Моддий жиҳатдан таъминланган оилаларнинг фарзандлари четдан маблағ олмасдан таҳсил олган. Мадрасанинг баъзи талабалари эса, амир ҳукумати стипендияси билан ҳам таъминланган⁴. Бухоронинг сўнгги амири Саид Олимхон ўзи қурдирган мадраса талабаларини моддий жиҳатдан таъминлаб турган⁵.

Хулоса қилиб айтганда, Бухоро мадрасалари таълим тизимининг энг юқори босқичи бўлиб, илм маскани сифатида нафақат Туркистон минтақасида, балки барча мусулмон мамлакатларида маданият ўчоқлари вазифасини ўтаб, маърифат маркази бўлганлигидан далолат беради. XIX аср охири ва XX асрнинг бошларида ҳам Бухоро мадрасаларининг ислом дунёсидаги мавқеи ва нуфузи маълум даражада сақланиб, жамият тараққиёти даражасидан келиб чиқиб, ўша вақтда давлатнинг ҳукмрон сиёсати ва ислом таълимотига хизмат қилган. Мадрасалар, уларнинг хизматчилари ва мударрислар хизмат ҳақи вақф даромадларига боғлиқлиги мадрасалардаги таълим жараёнида ҳам ўз аксини топган, уларнинг нуфузини белгилаб берган.

¹ Ханыков Н. Кўрсатилган асар. Б. 86.

² Сухарева О.А. Кўрсатилган асар. Б. 8.

³ Маев Н. Туземная школа // Туркестанские ведомости, 1884. 30 октября.

⁴ Сухарева О. А. Бухара XIX – начало XX в. Москва: Наука, 1966. С. 304.

⁵ Каримов Р.Х. XIX аср охири – XX аср бошлари Бухорода маънавий ҳаёт. Б. 50.

Жадидлар қарашларида иқтисодий масалалар

*Машхурахон Дармонова Адилжон қизи
ЎзР ФА Тарих институти бўлими бошлиғи,
тарих фанлари бўйича (PhD) фалсафа доктори*

XIX аср охири – XX аср бошларида Туркистонда вужудга келган жадидчилик ҳаракати ва унинг намояндалари томонидан олиб борилган ислоҳотчилик тадбирлари ўлка ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаётидаги кўплаб ўзгаришларга сабаб бўлган. Уларнинг амалий фаолияти, яратган миллий нашрлари ва асарлари минтақадаги инсонларнинг ижтимоий онгини ўсишига, миллат тушунчасига бўлган муносабатнинг ўзгаришига кучли таъсир кўрсатган. Бугунги кунда эса, уларнинг мероси миллий мафкура, миллий ғоя, миллий иқтисодиётнинг шаклланиш тарихини ўрганишда муҳим илмий манбалардан ҳисобланади.

Жадидларнинг илмий мероси ва унинг тарихий, маданий-маърифий, ижтимоий-сиёсий аҳамияти тарихчилар, адабиётшунослар, ҳуқуқшунослар томонидан тадқиқ этилиб келинаётганини қайд этган ҳолда таъкидлаш керакки, уларнинг иқтисодий қарашлари, жамият ҳаётини янгилашга доир илмий-назарий ғояларининг бугунги миллий тараққиётимиз учун аҳамияти алоҳида ўринга эга. Жадидлар иқтисодий қарашларининг асосий мақсади – инсон омилининг роли ва аҳамиятини, унинг ишлаб чиқаришнинг пировард натижаларини юксалтиришдан манфаатдорлиги ҳамда жавобгарлигини оширишдан иборат бўлган.

Жадидлар ўз даврида Туркистон тараққиёти йўлида ислоҳотларни таълимдан бошлаган эдилар. Уларнинг ислоҳотчилик фаолиятида ўлкадаги сиёсий, иқтисодий ҳаёт ҳам муҳим ўрин тутган. Жадид зиёлилари давлат, тузум, бошқарувни ва ундаги иқтисодий ҳаётни ислоҳ этиш ҳамда миллатни ривожлантириш орқали, минтақани янги тараққиёт босқичига олиб чиқишни шунингдек, бозор иқтисодиётини яратиш ҳамда жаҳон мамлакатлари билан интеграциялашуви масалаларини мақсад қилиб қўйган ғояларни ишлаб чиқишиган. Улар жаҳон тамаддунида катта рол ўйнаган Туркистондек улкан тарихий бир маконда, кўп асрлар давом этиб келган ҳаётнинг шарқона тарзини сақлаган ҳолда, уни Европа тараққиёти натижалари билан бойитишни кўзлаган фикрларни илгари сурганлар. Шу билан бирга,

улар XX аср бошидан янгича яшамоқни вужудга келтириш усулларини излаганлар, ўзларининг амалий саъй-ҳаракатлари билан уни намоён қилишга интилганлар. Жадидлар миллий истиқлолга эришишнинг нафақат сиёсий асосларини, балки унинг иқтисодий омилларини ҳам теран англаб етганлар.

Туркистондаги мавжуд ижтимоий-сиёсий вазият муайян маънода жадидларни жамиятни ислоҳ қилишнинг иқтисодий муаммолари ни ҳал қилиш билан боғлаш ғоясини юзага келтирган. Натижада, бу ғоя халқнинг иқтисодий саводхонлигини ошириш, уни маърифатли қилиш ҳақидаги ғоянинг юзага келишига сабаб бўлган. Жумладан, “Садои Туркистон” газетасининг 1914 йил 10 август сонида нашр этилган “Талабгор борму”¹ номли мақолада ўлкадаги тадбиркорлик ва савдо-сотиқ соҳасини ривожлантиришда катта тажрибага эга, Туркистон истиқболи ва миллат фарзандларининг келажаги учун қайғурган зиёлиларнинг ғояларини кўриш мумкин. Унда муаллиф ўлкадаги тадбиркорларни, савдогарларни ва шунга ўхшаш бошқа соҳа вакилларини иқтисодиёт, савдо-сотиқ ва ишлаб чиқариш борасидаги фикрлари, қарашлари билан яқиндан ўртоқлашиш, уларнинг тажрибаларидан самарали фойдаланиш, ёш савдогар ва тадбиркорларга биргаликда зарур маслаҳатларни ва таклифларни берган.

Шунингдек, муаллиф ёш савдогарлар ва тадбиркорларга рақобат катта бўлмаган янги йўналишларда савдо-сотиқ ва тадбиркорлик ишларини олиб бориш, ўзаро ҳамкорликда савдо-саноат жамиятларини тузиш, уларнинг самарали фаoliyatini ийлга қўйишга асосий эътиборини қаратган. Уларга давр талабига мос замонавий ишлаб чиқариш соҳаларида ўз фаoliyatlarini ийлга қўйишга, жумладан, рақобат катта бўлган анъанавий тадбиркорликдан кўра, гуруч то-залайдиган тегирмонлар, мева қуритадиган завод ва фабрикаларни очишга ҳамда бошқа шунга ўхшаш ишлаб чиқариш саноатида самарали ва фойдали ишларни олиб боришга чорлаган, бу йўлда албатта, иқтисодий ва хуқуқий саводхонлиги яхши бўлган тадбиркорларни банкларнинг беқиёс имкониятларидан унумли фойдаланишлари зарурлиги тушунтириб ўтилган. Мақола муаллифи Туркистоннинг ташқи савдосидаги айrim жиҳатларига назар ташлаб, Туркистон деҳқонларининг етиштирилган ҳўл ва қуруқ мевалари бошқа давлатларга маҳсулот етиштирган юртнинг, яъни ўзимизнинг савдогар ва тадбиркорлар орқали етказиб берилиши даркор деб таъкидлаган.

¹ Бир савдогар. Талабгор борму? // Садои Туркистон. 1914 йил 10 август.

Чунки бундай улгуржи савдо ишларини яхудий савдогарлари ўз қўлига олган эди.

XIX аср охири – XX аср бошларида Россия империясининг ўлкада олиб борган мустамлакачилик сиёсати, биринчи навбатда пахтачилкни ривожлантириш ва тўқимачилик саноатини арzon хомашё билан таъминлашга қаттиқ киришганлиги мамлакат иқтисодиётига катта таъсир кўрсатган. Туркистон Россия империясининг асосий хомашё етказиб берувчи базаси бўлишига қарамасдан, бу ерда бирорта тўқимачилик корхонасини қуришга ҳаракат қилинмаган. Империянинг бундан кўзлаган асосий мақсади ҳар қандай йўллар, ҳатто иқтисодий зарар ҳисобига ҳам ўз мустамлакаларида саноат ишлаб чиқаришнинг ривожланишига тўскенилик қилиш ва шу йўсинда уларнинг ижтимоий, иқтисодий ва маданий тараққиётини чеклаб кўйишга қаратилган эди.

Шунингдек, империя хукумати биринчи навбатда пахтачилкни ривожлантириш ва тўқимачилик саноатини арzon хомашё билан таъминлашга қаттиқ киришганлар. Буни Сайдносир Миржалиловнинг: ““Пахта Туркистон”, “Туркистон пахта” бул иккиси шул қадар бир-бириға боғланғонки, бирисин айтсан иккинчиси ўз-ўзидан айтиладур. Туркистонда пахта шул қадар муҳим ўрин тутқонки, бирор сабаб ила пахта бирор йил экилмай қолса, Туркистондаги савдо оламин остин устиға келтурадур. Агар ушбу уруш вақтида воқеъ бўлса, рус мамлакатинда кўб халқ бутунлай ялонғоч қоладур”¹ каби фикрлари ҳам тасдиқлайди.

Ўлкага рус газламаларининг қўплаб келтирилиши маҳаллий тўқимачиликка қаттиқ зарба берган. Маҳаллий газламалар рақобатга бардош беролмай ички ва ташқи бозордан тобора қўпроқ сиқиб чиқарилган. Жумладан, 1885 йилда биргина Тошкентда ҳунармандчилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш 182700 сўмни ташкил этган бўлса, 1890 йилга келиб 49875 сўмга тушиб қолган. Айниқса, маҳаллий газламаларни ишлаб чиқариш жуда пасайиб кетган². Натижада, Туркистон замини Россиядан келтирилган тайёр саноат моллари билан тўлдирилиб, рус ҳукумати ва фирмалари ундан ҳам мўмай даромадларни қўлга киритганлар.

Мустамлакачилар томонидан табиий бойликларнинг таланиши, бойликларнинг ўзлаштирилиши, Россиядан ўлкага тайёр саноат

¹ Миржалилов С. Пахта // Кенгаш. 1917 йил 20 август.

² Зиёев Ҳ. Тарих-ўтмиш ва келажак кўзгуси. Тошкент, 2000. Б. 199–200.

молларининг узлуксиз келтирилиши ҳам тараққиётни бўғиб, халқнинг қашшоқлашишига олиб келган. Маҳмудхўжа Беҳбудий “Хуршид” газетасининг 1908 йилги сонларидан бирида чоп этилган мақоласида мустамлакачилик сиёсати туфайли Туркистон ўлкаси фақат хомашё етказиб берувчи замин бўлиб қолганидан халқимиз қашшоқ яшамоқда, деб қайғурган. Айни пайтда, у Россияни ўзимиздан хомашёни арzonга олиб ундан ишланган молларни қимматга сотишини қоралаган¹.

Манбалар таҳлилига кўра, Россиядан ўзбек пахтасидан тайёрланган газламалар, кийимлар ва бошқа буюмлар ўлқага келтирилиб қиммат баҳода харид қилинган. Шунинг учун ўзбек халқи пахтани хомашё сифатида Россияга олиб кетилиши ва ундан ишлаб чиқарилган молларни келтирилиб, юқори нарҳда сотилишидан катта талофат кўрган. Бундай адолатсизлик зулмнинг жонли гувоҳи бўлган жадидлар зулмга қарши курашиш йўлларини кўрсатишга уринганлар. Бу хусусда Абдурауф Фитратнинг қарашлари айниқса эътиборлидир. У Туркистондаги империянинг мустамлакачилик сиёсатига назар ташлаб: “Эллик йилдан бери эзилдиқ, таҳқир этилдиқ. Қўлимиз боғланди, тилимиз кесилди, оғзимиз қопланди. Еrimiz босилди, молимиз таланди. Шарафимиз емирildi, номусимиз ғасб қилинди, инсонлигимиз оёқлар остига олинди. Тузумли турдик, сабир этдик. Кучга таянган ҳар буйруғга бўйинсиндик. Бутун борлиғимизни қўлдан бердик”², деб ёзган эди.

Жадидлар ўлкада биринчилардан бўлиб, Россия империяси ҳукмронлиги шароитида саноат инфратузилиши ва ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш бирёқлама характеристерга эга бўлганлигини, мустамлакачилик тартиблари оғир оқибатларга олиб келганлигини кўрсатиб берганлар. Жадидчилик ҳаракатининг таниқли арбоблари М. Беҳбудий, А. Фитрат, А. Чўлпон, А. Авлоний, С. Миржалилов, О. Махмудов ва бошқалар “Ойна”, “Ал-ислоҳ”, “Ал-изоҳ” журналлари, “Турон”, “Садои Туркистон”, “Нажот”, “Кенгаш”, “Хуррият”, “Садои Фарғона” ва бошқа газеталарда эълон қилинган мақолаларида империя мустабид ҳокимияти ўлканинг иқтисодий аҳволини оғирлаштириб юборганлиги, халқнинг миллий қадр-қимматлари ерга урилганлиги, уларнинг миллий манфаатлари эътиборга олинмаганликларини кўрсатиб, давлат мустақиллиги, маориф ва маданият соҳаларида жиддий ижтимоий-сиёсий талаблар билан чиққанлар.

¹ Алиев А. Фитрат ва маърифат // Шарқ юлдузи. Тошкент, 1992. № 9. Б. 22.

² Мухторият // Абдурауф Фитрат. Танланган асарлар. З-жилд. Тошкент. 2000. Б. 198-199.

Табиийки, жадидлар Туркистанни иқтисодий ривожланган, құдратли давлат сифатида қүришни истаганлар, улар ўзларининг иқтисодий ғояларини ҳам ишлаб чиққанлар. Жумладан, А.Фитрат ҳам ўзининг “Ҳинд саёхи баёноти” асарида Туркистанда иқтисодий тараққиётта, фаровон ва обод яшашга олиб келувчи бошқа йўллар борлиги, ана шулардан бири “ихрөж саноати”, яъни ер ости бойликларини қазиб олиш ва “аъмол саноати”, яъни ускуналар (фабрика ва зовудлар) яратиш кераклиги ҳақида ёзади¹.

Бундан ташқари, жадидлар иқтисодий қарашлари марказида иқтисод илмини ўрганиш зарурлиги, ижтимоий-иктисодий ислоҳотлар масаласи, иқтисодиётта хорижий сармояларни, илфор техника-технологияларни жалб этиш, Туркистанда банклар фаолиятининг ўрни ва аҳамияти, савдо-тижорат ишларини илмий асосга қуриш, тадбиркорлик, аграр иқтисодиёт самарадорлигини ошириш масалалари муҳим ўрин тутган. Жумладан, Чўлпон миллатдошларининг иқтисодий билимларни эгаллашлари ва уларни хорижий ишбилармонлар билан ҳақиқий рақобат қила оладиган табдиркор ва тиҷоратчилар бўлиб етишишини орзу қилган².

Жадидлар маърифат ва иқтисодий илмнинг миллат равнақи учун аҳамияти алоҳида эканлиги ҳақида кўп ёзганлар. Жадидларнинг етук арбобларидан бири Абдулла Авлоний “Иқтисод деб пул ва мол каби неъматларнинг қадрини билмакни айтилур. Мол қадрини билувчи кишилар ўринсиз ерга бир тийин сарф қилмас, ўрни келганда сўмни аямас. Саҳоватнинг зидди баҳиллик ўлдифи каби иқтисоднинг зидди исрофдир...”³, деб таъкидлаган. Шунингдек, “Иқтисод илмидан боҳабар бўлган кишилар ҳар доим қиласидиган сарф харажатларининг самара беришини олдиндан ҳисоб-китоб қилганлар. “Илмдан яхши хабардор бўлган америкалик ва европаликлар иқтисодий билимликлари туфайли, фаровон тўқ яшайдилар. “Боболаримизнинг бўлса бўлар, бўлмаса ғовлаб кетар” замонлари ўтуб, ўрнига “билғон битар, билмаган йитар” замони келди. Америкаликлар бир дона бўғдой экиб, йигирма қадоқ буғдой олурлар. Европаликлар ўзимиздан олган беш тийинлик пахтамизни келтуруб, ўзимизга 25 тийинга сотурлар”⁴ деб қайғурган.

Абдурауф Фитрат ҳам иқтисод илмини эгаллашга, ёшларимизни тиҷорат ва савдо ишларига ўқитишимиз лозимлигига даъват қилган

¹ Фитрат А. Танланган асарлар. 1-жилд. Ҳинд саёхи баёноти. Тошкент, 2000. Б. 168.

² Чўлпон А. Ватанимиз Туркистанда темирийўллар // Садои Фарғона. 1914 йил 6 июн.

³ Авлоний А. Танланган асарлар. 1-жилд. Тошкент, 1998. Б. 37.

⁴ Авлоний А. Танланган асарлар. 1-жилд. Тошкент, 1998. Б. 57-58.

эди. У ватандошларига мурожаат қилиб: “Сизлар ўз фарзандларингизни тижорат мактабларига юбориб, савдо ишига ўқитингиз, чунки бегоналар тижорат илмидан хабардор. Сиз эса бехабарсиз”¹, деб ёзган эди.

Жадидлар иқтисодни ривожлантириш учун хорижий техника-технология, сармоя ва тажрибаларни тезроқ жалб қилишга алоҳида эътибор қаратганлар. Жумладан, Чўлпон ҳам ҳар соҳада замон талабига мос иш тутиш тарафдори бўлган. У иқтисодиётда Европанинг техника ютуқларидан фойдаланиш зарурлиги, дехқонлар учун маҳсус банклар очиш лозимлигини ва бу каби тадбирларнинг афзаллик томонларини айтиб ўтган: “...Амриқоликлар экин асбоблари ишлатуб, биз 10 киши 10 кунда қилғон ишимизни, онлар 2 киши билан 10 соатда қилмоқдадурлар!... Шул осон асбоблар Россияни бутун дехқонларида бордур. Бизлар ҳам шул экин асбобларидан олиб ишлатсак, оғир меҳнатларимиз енгилланур эди...”².

Туркистон иқтисодиётига эндиғина кириб келаётган банк фаолиятини ғоят кераклиги ва фойдали эканини жадидлар бошқалардан кўра илгарироқ англаб етганлар. Шунинг учун ҳам улар банклар фаолиятини ривожланишига қаратилган мулоҳазалар, фикрлар илгари суришган. Банклар фаолиятига оид С. Миржалиловнинг “Банклар ҳақинда”³, Мухтор Бакрнинг “Туркистонда миллий банк очмоқ керак”⁴ шунингдек, муаллифи номаълум бўлган “Фарғона-да банк очмоқ”⁵, Чўлпоннинг “Андижонда янги банк”⁶, Беҳбудийнинг “Оҳ, бонкалар бизни барбод этди”, О. Маҳмудовнинг “Эски баракатлик савдогарчилик” каби мақолаларни санааб ўтиш мақсадга мувофиқдир.

Умуман олганда, жадидлар илгари сурган ғоялар бугунги кундаги бозор иқтисодиёти йўлидаги ислоҳотлар билан ҳамоҳанг эканлиги маълум бўлади. Улар мулқдор бўлмоқ, миллий иқтисодиётни яратмоқ, миллат ва Ватан равнақини таъминламоқ учун иқтисод илмини эгаллаш долзарб эканлигини таъкидлаганлар. Бу эса, жадидларнинг мазкур масалалардаги қарашларини ҳам назарий ҳам амалий жиҳатдан ўрганиш, уни жамият, давлат ва миллат истиқболини яратишдаги ўзига хос манба сифатида қарашга ундейди.

¹ Фитрат А. Танланган асарлар. 1-жилд. Ҳинд сайёхи баёноти. Тошкент, 2000. Б. 167.

² Чўлпон А. Ватанимиз Туркистонда зироат ва дехқончилик // Садои Фарғона. 1914 йил 30 апрел.

³ Миржалилов С. Банклар ҳақинда // Садои Туркистон. 1914 йил. 20 июн.

⁴ Мухтор Бакр. Туркистонда миллий банк очмоқ керак // Улуғ Туркистон. 1918 йил 19 январ.

⁵ Фарғонада банк очмоқ // Садои Фарғона. 1914 йил 14 сентябрь.

⁶ Абдулҳамид Сулаймоний. Андижонда янги банк // Ойна. 1914 йил 18 январ.

⁷ Беҳбудий М. Оҳ, бонкалар бизни барбод этди // Ойна. 1914. №19. Б. 342–344.

Туркистанда илк жадид матбуоти ва унинг мустамлака хукумати томонидан таъқиб қилиниши хусусида

Одил Зарипов

ЎзР ФА Тарих институти таянч докторанти

XIX асрда Туркистан ўлкаси Россия империяси томонидан босиб олингач, мустамлакачиларнинг ўлкани идора қилиш қуролларидан бири даврий матбуот бўлди. Туркистан генерал-губернаторлигининг расмий нашри – “Туркестанские ведомости” ва унинг ўзбек тилидаги иловаси “Туркистан вилоятининг газети” мунтазам чиқиб турди. Унинг муҳаррири машҳур миссионер Н.П. Остроумов (1846–1930) эди. У 1877 йилдан 1917 йилгача Тошкентда нашр қилинган.

Маълумки, “Туркестанские ведомости” ва унинг иловаси “Туркистан вилоятининг газети”да (1870–1917) ўлка тарихи, маданияти ва халқнинг турмушига оид жуда кўп мақолалар эълон қилинган, улар бугунги кунгача бебаҳо манба вазифасини ўтамоқда. Ушбу газеталарда шоир Фурқат асарлари, қолаверса, Ибрат, Беҳбудий каби маърифатпарвар зиёлиларнинг мақолалари нашр этилган. Бироқ ушбу газеталар мустамлака маъмурияти томонидан чоп этилганлиги сабабли улардаги маълумотлар рус маъмурлари назорати остида чиқарилган. Мазкур газеталар рус мустамлакачилик сиёсати тарғиботчици ва ташвиқотчиси бўлганини алоҳида таъкидлаш лозим. Абдулла Авлоний “Туркистан вилоятининг газети”га “бу газета Туркистан ўзбеклари учун биринчи газета бўлғони каби ерлик халқни разолат, сафолатфа бошлиғон тарихий бир қора гуруҳ газетаси эди... Бу газетада муҳаррирлик этганларни ичидаги энг фидокори миссионер Остроумов эди”, – деб таъриф берган.

1905–1907 йиллари Россияда рўй берган биринчи рус инқилоби натижасида бутун империя бўйлаб хурфиқрилик кайфиятлари авж ола бошлади. Айнан шу даврга келиб, Туркистан жадидлари бир қанча газеталар чиқардилар. Туркистан маърифатпарварлари инқилобга қадар ҳам Боғчасаройда чиқадиган “Таржимон” ва Оренбургнинг “Вақт” каби татар янги фикр газеталари билан яқиндан таниш эдилар. Матбуотнинг жамият тараққиётидаги ўрнини яхши англаған жадидлар Туркистанда ҳам газета чиқаришни бошладилар. Улар орасида Исмоил Обидов муҳаррир бўлган “Тараққий” газетаси алоҳида ўрин тутади.

¹ Абдуазизова Н.А. Туркистан матбуоти тарихи (1870–1917). Тошкент, 2000. Б. 38.

Бу газета ўлқадаги ижтимоий-сиёсий тафаккурни ривожлантиришда муҳим ўрин әгаллаган. Таъкидлаш жоизки, айнан “Тараққий” мустамлака ҳукуматини очиқ танқид қилишга журъат қилиб, унинг асл юзини очиб берган жадид газеталарининг тўнғичи ҳисобланади.

Мисол учун, “Тараққий” газетасида Туркистонда таълим муасасаларининг иқтисодий асоси бўлган вақфларга нисбатан ҳукуматнинг олиб бораётган сиёсатини қаттиқ танқид қилувчи мақола эълон қилинади. Унда ноширлар “Туркистон вилоятининг газетаси” ва унинг таъсисчиси Н.Остроумовнинг вақфларга, қолаверса ўлка мусулмонларига қарши олиб бораётган миссионерлик ҳаракатларини фош этувчи маълумотлар келтирадилар. “Дини исломни миссүнерлар шарридин муҳофаза қилмоқға биринчи восита илм, маориф ўлуб ва буни тараққийсиға биринчи сабаб мадрасаларимизни вақфи ўлғонин кўриб ҳукумат воситаси ила вақфларимизни хазинаға олдурди”¹, – дейилади мақолада. Бу каби ўткир мақолалари туфайли газета бор-йўғи икки ой (1906 йил 27 июн – 1906 йил 20 август) фаолият кўрсатиб, рус маъмурияти томонидан ёпилди.

“Тараққий”дан сўнг, Абдулла Авлоний муҳаррирлигида “Шуҳрат” ва Мунаввар қори томонидан “Хуршид” газеталари чиқарилди. Бироқ “Тараққий” журъатидан илҳомланган бу газеталар ҳам ҳукуматга нисбатан танқидий мақолалари учун тез орада ёпиб қўйилди. Албатта, рус ҳукуматига ўлқада бу каби ҳурфиксаликни тарғиб қилувчи газеталарнинг бўлиши ёқмас эди.

Бу ҳақда эсерларнинг² яширин газетаси – “Молот” мана буларни ёзган эди: “Туркистон эллик йилдан бери рус ҳукумати ҳукмронлиги остида кун кечирмоқда. Аммо Туркистон истило қилиниши арафасидаги жаҳолат ва нодонлик ҳанузгача сақланиб келмоқда. Ҳукумат бўйсундирилган халқни олға силжитиш у ёқда турсин, аксинча, ундаги хурофотни сақлаб қолди, чунки бу унга тинчгина ҳукмронлик қилиш ва аҳолини бемалол талашни таъминлар эди. Ерли аҳоли ўртасидаги ҳар бир янгилик ҳукумат томонидан душманлик билан қаршиланар ва шафқатсиз тусда бўғиб ташланар эди. Ҳаммага маълум эркинликлар деб аталмиш озодлик эълон қилиниб хусусий ташаббусга йўл очилгач, туб аҳолининг зиёли қучлари ўз билимлари

¹ Ан-наасу аълаа дини мулуукиҳим. // Тараққий, 1906, № 6. Тошкент. Б. 2.

² Социалист инқилобчилар партияси (Партия социалистов-революционеров қисқартма СР – эсер деб талаффуз қилинган) - Россия империясининг инқилобий сиёсий партияси, XIX аср охири ва XX аср бошларидағи сиёсий партиялари тизимида етакчи ўринлардан бирини әгаллаган.

билин она юртларига хизмат қилмоқчи бўлдилар... Аммо уларнинг бу истаги бошиданоқ бўғиб ташланди. Ҳокими мутлақ золимнинг бир дастхати билан уларнинг тараққийпарвар маданий газеталари – “Тараққий”, “Хуршид”, “Осиё” ёпиб қўйилди. Ҳозирги кунда ҳар бир давлатнинг истиқболи унинг маданияти даражасига боғлиқ бўлган XX асрда, ўз ҳудудида ўнлаб Фарбий Европа давлатлари бемалол сифадиган беш вилоятдан иборат Туркистонда, маҳаллий аҳоли 90 фоизни ташкил этувчи ўлқада маҳаллий тилда чиқувчи биронта ҳам хусусий газета йўқ. Аҳоли атайлаб зўрлик ила жаҳолатда сақланмоқда, чунки рус газеталари уларга етиб бормайди. Ҳукумат умуман маърифатни ёқтирмайди ва ҳар бир илфор кишида ўзининг ашаддий душманини кўради. Атиги икки йил давомида подшоҳ маъмурлари томонидан “Русский Туркестан”, “Туркестан”, “Вперёд”, “Фергана”, “Самарканд”, “Новый Самарканд”, “Работник”, “Ташкентский курьер”, “Туркестанская жизнь” газеталарининг ёпилгани бунинг яққол далилидир¹.

Эсерларнинг ушбу яширин газетасида 1908 йил 25 декабрда эълон қилинган “Туркистонда рус давлатчилигини ўрнатишнинг қисқача очерки” деб номланган мақолада номлари эслатилган жадидларнинг “Тараққий”, “Хуршид”, “Осиё” ва рус инқилобчиларининг нашрлари фаолиятига оид қизиқ фикрлар ҳам берилган.

Чунончи, Тошкент эски шаҳар полицмейстери подполковник Н.Н. Карапчиков “Туб аҳоли ўртасидаги озодлик ҳаракати” номи билан ёзган ахборотида сўнгги вақтларда ерли аҳоли анча дадиллашиб, ижтимоий ҳаётда уйғонганликлари ва бу борада илфор зиёлилар минбари – жадидлар ташкил қилган “Тараққий” газетаси салмоқли таъсир кўрсатишини алоҳида уқтириб ўтган².

Шу сабабдан ҳам жадид матбуотининг фаолияти билан мустамлақа маъмурлари жиддий шуғулана бошладилар. Рус ҳукумати вакили, алоҳида жандармлар корпуси подполковники Василев ўзининг дастлабки фаолиятини жадидларнинг рус инқилобий фирмалари билан алоқасини аниқлашдан бошлади. У Тошкент шаҳар ҳокимидан жадидларнинг етакчилари ва уларнинг оммавий ахборот нашрлари ҳақида маълумот талаб қилди. “Менга шуни хабар қилишингизни илтимос қиласманки, – деб ёзган эди Васильев, – 1907 йилда Тошкентда сарт тилида “Хуршид” сарлавҳаси остида газета чиқканми? Ким унинг муҳаррири бўлган? Қачон чиқа бошлаган? Қандай сабабларга

¹ ЎзМА, И-1-фонд, 31-рўйхат, 567-ийғажилд, 35-варақ.

² ЎзМА, И-1-фонд, 32-рўйхат, 840-а-ийғажилд, 48-варақ.

кўра тўхтатилган? Унинг йўналиши қандай бўлган? Қайси босмахонада чиққан? Неча нусхада тарқатилган?”.

Тошкент шаҳар бошлиғи тезкорлик билан унга қуидаги жавобни йўллаган: “Хуршид” газетаси соғ сарт тилида 1907 йилда чиққан. Муҳаррири Шайховандтоҳур даҳасининг Дархон маҳалласида истиқомат қи́лувчи Мунаввар қори Абдурашидхонов, ёрдамчиси Фансуроллоҳбек Худоёрхонов ва котиби “Падаркуш” маҳалласида яшовчи мулла Муҳаммад Раҳимхожи Муҳиддинхўжаев. Газета 6–7 ой мобайнида чиқиб, хукуматга қарши мақолалари ҳамда халқقا хитобномалари учун ёпилган. Газета жуда сўл йўналишда бўлиб, обуначилари сони 300 дан зиёд эди”¹.

Подполковник Николай Василев ва полиция маслаҳатчиси Леонид Квицинский марказнинг маҳфий кўрсатмаси асосида ўлка халқларининг мустамлака тузумига қарши миллий озодлик курашига раҳбарлик қилишга қодир бўлган жадидлар ва уларнинг хукуматга қаршилик кўрсатувчи “миллий дастурлари” нималардан иборат эканлигига асосий эътиборни қаратдилар. Маҳаллий халқларга муносабат масаласида рус инқилобий фирмаларининг фаолиятини ўрганиш ҳам хукумат диққат марказида эди.

Туркистон генерал-губернатори Гротеков империя Ички ишлар вазирига бу ҳақда 1907 йил 18 апрелида йўллаган маҳфий хатида шундай деб ёзган: “Сарой маслаҳатчиси Квицинскийни ўлкага амалга оширган хизмат сафарига жўнатиш тажрибаси шуни яққол кўрсатдики, бу ишдаги энг катта камчилик маҳаллий ахборотларни оладиган, жамлайдиган, узуқ-юлуқ маълумотларни етук илмий ва малакали асосда тартибга солиб умумлаштирувчи ташкилотнинг йўқдигидадир. Жаноб Квицинский шахсан ўзи ҳеч қандай маълумот тўпламаган бўлса ҳам бу борадаги омилкорлиги ва улкан тажрибаси турли қўллардаги чала ва бетартиб ахборотлардан моҳирона таҳлил асосида ўлкадаги инқилобий ташкилотларнинг умумий ҳолати ҳақида маълумот бера олди. Натижада биз жаноб Квицинский туфайли ўлкадаги инқилобий ташкилотларнинг таркиби ва фаолиятининг аниқ манзарасини яратса олдик”².

Рус маъмурларининг жадид маърифатпарварлари ва рус инқилобий гуруҳлар фаолиятини назоратга олиш мақсадида амалга оширган мазкур ишлари хукуматни айнан шу масалалар билан шуғулланадиган маҳсус ташкилот тузишга унадади. Бу борада генерал-губернатор Н. Гротеков ички ишлар вазирига йўллаган мактубида қуидагича ғояни илгари суради: “Ушбу тажриба шундай катта самара

¹ ЎзМА, И-461-фонд, 2-рўйхат, 1988-йиғмажилд, 165-вараг.

² ЎзМА, И-1-фонд, 31-рўйхат, 367-йиғмажилд, 13-вараг.

бердики, у ўлкада ана шундай кузатув органининг доимий бўлиши зарур деган фикрга олиб келади”¹. Гродековнинг бу ғояси империя ички ишлар вазири ва Бош вазир П.А. Столипин томонидан қўллаб қувватланди. 1907 йилнинг ноябрیدа подполковник Василев ва полиция маслаҳатчиси Квицинский яратган махфий жосуслик тармоғи асосида бевосита марказ Петербургга хизмат қилувчи рус махфий сиёсий полицияси Туркистон район муҳофаза бўлими ташкил қилинди. Петербургнинг “кўз-қулоғи” бўлмиш ушбу ташкилотни руслар “охранка”, ўзбеклар эса “сиёсий идора” деб атадилар.

Рус сиёсий разведкаси ва контрразведкаси вазифасини ҳам адо этувчи махфий полиция Туркистондаги барча тараққийпарвар кучларни аниқлаш, уларнинг сафига иғвогарларни қўшиш, халқлар, миллат-элатлар ўртасидаги ниғоқни кучайтириш ва миллий-озодлик ҳаракати қўринишларининг барча турларини зудлик билан аниқлаб, ривожланишига йўл қўймаслик, энг асосийси, ўлкани руслаштиришга монелик қилувчи барча кучларни зимдан, пинҳон ё ошкора йўқ қилиш учун хизмат қилиши лозим эди. Ана шундай идорага раҳбарлик қилиш тажрибали полиция мансабдори Леонид Квицинскийга топширилди. Подполковник Василев эса, генерал-губернатор маҳкамасидаги барча сиёсий ёзишмаларнинг мутасаддиси – махсус бўлим бошлиғи вазифасини бажара бошлади.

Квицинский ва Васильев ҳамкорлиқда Туркистондаги миллий-озодлик ҳаракатини бўғиб ташлаш, истиқлол учун курашга қодир шахсларни “зарасризлантириш” режасини ишлаб чиқдилар. Бу режани ижро этишга мустамлака маъмуриятининг барча арбоблари жалб этилди. Махсус кўрсатмага биноан, Василевнинг буйруғига барча вилоят маъмурлари бўйсунишга мажбур эдилар. Генерал-губернатор буйруғи билан барча вилоятлар, туманларга қўйидаги саволларни аниқлаш ҳақида йўриқнома юборилди: “Аҳоли ўзининг аввалги мустақиллигини қандай эслайди? Ўтмишдаги озодлигини қўмсайдими? Аҳоли рус маъмуриятига умуман қандай қарайди? Ўтган даврга нисбатан беҳурматлик, норозилик пайқалдими? Туб аҳолининг ёш авлоди ўртасида тараққийпарварлик йўналиши борми? Эҳтимоллик назарияси бўйича мана шу ерли ёш авлоддан келажакда нима кутиш мумкин? Босмахона ускуналари ва гектографлар борми? Бўлса улар халқقا ахборот, ё хитобнома чиқаришга хизмат қиладими?”².

¹ ЎзМА, И-1-фонд, 31-рўйхат, 367-ийғмажилд, 13-варак.

² ЎзМА, И-468-фонд, 1-рўйхат, 1-ийғмажилд, 80-варак.

Ерли аҳолининг кайфияти, фикрий даражасини ўрганиш бўйича маълумотларни тўплашга мўлжалланган мазкур йўриқнома 19 саводан иборат бўлиб, уларга туманбошилар батафсил жавоб юборишига мажбур эдилар. Генерал-губернатор кўрсатмаси бўйича туманбошилар, участка приставлари “ўзларига бўйсундирилган тузем аҳоли устидан доимий назоратни сусайтирасликлари” ҳамда сиёсий разведка бўйича маълумот йиғишида унинг асл мақсадини билдириласликлари, бу ишни эҳтиёткорлик билан, мулоҳаза-идрок или ва энг яхиси шахсан амалга оширишлари лозим”, деб алоҳида кўрсатма берилди.

Шундай қилиб, Туркистон жадидларининг халқни қолоқлик ва диний хурофотдан озод этиш, жамиятни ислоҳ қилиш, халққа маърифат тарқатиш ва миллий мухториятга эришиш каби ғояларини илгари сурган матбуотчилик фаолиятига шу тарзда чек қўйилди. Ҳатто, мустамла-качилар миллий бирлик, маънавий-маърифий ислоҳотлар билан жамиятни янгилаш, юксалтириш йўлларини излаганлар жадидлар фаолиятини назоратга олиш учун маҳсус идора ҳам ташкил қилишди.

Хулоса қилиб айтганда, Туркистон матбуоти ўз даврининг овози вазифасини ўтади. Мустамлака тузумида ўлканинг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маданий-маърифий ҳаётини ўзида яққол акс эттириди. Айнан шу сабабдан ҳам мустамлака ҳукумати таъқибиға учраб, янги жадид газеталарининг чиқишини ўн йиллаб орқага сурди. Яъни, жадид маърифатпарварлари 1914 йилдан бошлаб “Садои Туркистон” ва “Садои Фарғона” каби газеталарни чиқара бошлидилар. Шубҳасиз, ушбу даврий матбуот саҳифалари ватанимиз тарихини ўрганишда доимо қимматли манба бўлиб хизмат қиласиди.

Из истории образования в школах Туркестана (Конец xix-начало xx вв.)

Исмаилова Дилфузা Абдуджалиловна
Наваинский горный институт. к.и.н. доцент кафедры
«Социально-гуманитарных наук»

Ислам, составляющий основу духовной жизни народов Туркестана, всегда основывался на двух началах - просвещении и молитве. Хадисы призывают мусульман читать, писать, изучать и учить. Например, «Познание лучше в глазах Аллаха, чем молитва, пост, милосты-

ня, паломничество и борьба на пути Аллаха Всемогущего»¹, «Знание лучше, чем поклонение, благочестие и религия выше», и однодневное занятие лучше трехмесячного сверхобязательного поста»².

В исламских странах, которые продвигали такие идеи, стремление к знаниям всегда было сильным и не потеряло своего значения в конце девятнадцатого и начале двадцатого веков. Хотя просвещение не было таким высоким, как в средние века, его традиции и опыт глубоко укоренились в системе образования. В этот период в Туркестане также было много центров знаний и просвещения. Они преподавали не только религиозные науки, но и в известной мере светские науки. Начальное образование занимает особое место в системе образования и осуществляется в чрезвычайно широких масштабах. По школьным программам можно узнать, что на этом этапе большое внимание уделяется не только обучению грамоте, но и духовно-нравственному воспитанию.

Период школьного обучения начался с заучивания молитвы «Калима-и шаходат»³. Затем он приступил к запоминанию арабского алфавита⁴.

В конце 19 - начале 20 веков первой книгой, которую преподавали в школах, был Хафтияк. Еженедельник означает 7/1 Корана, и его преподавание в школах подготовило учащихся к чтению Корана. Через неделю была выучена сура Алламнашрах из Корана. Это означало, что у студентов была начальная грамотность, и с тех пор студенты считались «грамотными». Затем он начал читать Чор Китаб, написанный на персидском языке. В ней описаны все правила шариата - фард, сунна, молитва и пост, а также ряд хороших и плохих качеств. Как только читатель начал читать «Хор» достаточно бегло, он или она переходит к написанию или чтению других книг. Из упомянутых выше учебников видно, что в учебный период особое внимание уделялось ознакомлению учащихся с основами религии.

Первоначально письму учили писать отдельные буквы. Позже было сложно. Следует отметить, что и сегодня некоторые авторы пытаются пропагандировать советскую идею о том, что «...большинство населения было неграмотным» в конце XIX - начале XX вв, и объясняют свои идеи сведениями, содержащимися в работах колониаль-

¹ Махмуд Асад Джошон. Суфизм и воспитание похоти. - Ташкент: Чолпон, 1998. Б. 11.

² Примеры хадисов о морали. Ташкент: Фанат, Б. 104.

³ Абдуллаев Ю. Очерки методики обучения грамматике... С.63

⁴ Керенский Ф.М. Медресе Туркестанского края... С. 92.

но-русских авторов¹. На наш взгляд, такой односторонний подход к вопросу недопустим. Конечно, если проанализировать учебники, не отрицая, что в этот период образования было больше, чем письма, и не только школ, но и медресе в стране, то можно убедиться, что представление о неграмотности большинства населения было ошибочным.

Ученики, без труда изучившие «Чор Китаб» Суфи Аллояр, Ходжа Хафиз, Физули, А. Те, кто умел читать сборники Навои. Особое внимание уделялось нравственному воспитанию учащихся, а произведение суфия Аллояра ибн Аллакули «Сабот ул-ожизин» было одним из самых популярных произведений в нравственном воспитании учащихся. Местные жители назвали это произведение «Суфи Аллояр». Поскольку этот учебник написан на турецком языке, учащиеся усваивают его быстрее, чем другие учебники. Он продвигает такие идеи, как не обижать других, не поддаваться богатству, не быть высокомерным и жестоким².

По словам Н.П.Остроумова, в школах Туркестана преподавались книги Чор Китаб, Сабот ул-Оджизин, Физули, Алави, Ходжа Хафиз, Бедиль, Маслак ул-Мутаккин и другие книги³.

Другой литературой, которую преподавали в школах, была работа Физули (1498-1556) «Деван Хафиза Ширази». В пьесе Физули призывает людей овладевать наукой, быть честными и сострадательными⁴.

В исследуемый период особенно популярным в школах было изучение бедильских и машрабских девонов. В своих произведениях Бедиль критикует бесчеловечность, ложь и лень, высокомерие, жадность, лживость, лицемерие, пропагандирует смирение, великодушие, честность, мудрость и трудолюбие.

Из вышеизложенного видно, что учащиеся, обучавшиеся в туркестанских школах в этот период, также были в той или иной степени осведомлены о литературе и философских знаниях. В качестве учебников в школах также преподаются следующие книги:

1. В книге «Рахимо», переведенной на турецкий язык Сироджиддином Махдумом Саади Шерози, поэтически описаны такие поня-

¹ Джураев Д.У. Из истории туркестанских традиционных школ //Современное образование 2017. №7. 19-страничное образование.

² Исимиддин Салохий. Суфий Оллайор. Аспекты духовности //Литература и искусство Узбекистана. - 1992. 7 авг.

³ Остроумов Н.П. Исламоведение. Шариат. Ташкент: Турки ведомости, 1912. С. 112.

⁴ Хомидов Х. Из жизни сорока пяти ученых //Научно-художественные листы. Ташкент: Фан, 1995. Б. 117–118.

тия, как великодушие, высокомерие, добродетель знания, справедливость, угнетение, терпение, верность, благодарность, честность, ложь и жадность.

2. Книга «Насоих ул-атфол» Моминжона Мухаммадджон оглы. Помимо обучения детей истине, лжи и науке, он также давал им информацию о географии.

3. Учебное пособие Кари Низамиддина ибн Муллы Хусейна «Илми Ахлак» показывает все хорошее и плохое поведение людей и призывает учащихся быть вежливыми¹.

В школах большое внимание уделяется не только обучению, но и воспитательной работе. На примере Маргилана, одного из древних культурных центров, в Маргилане в 1875 г. было 433 мусульманских школы, в которых обучалось 7340 детей, а к 1898 г. их число составляло 324 и обучалось 3989 детей.

В период колониального правления царской России количество традиционных мусульманских школ в Маргилане менялось в зависимости от экономической и политической ситуации. В частности, мы видим, что количество школ и детей сокращается с начала XX века в результате некоторых мер, предпринятых царским правительством против мусульманских школ.

Помимо всех городов Туркестанского генерал-губернаторства, в Маргилане есть и мусульманские школы Отин Айи для женской грамотности, которых к 1908 году насчитывалось 25. В школах этого метода обучались 330 женщин. Девочки не были обязаны посещать школу, как мальчики. Поэтому количество школ Атин Айи было меньше количества мусульманских религиозных школ при мечети. Атин Айи открывался в основном в домах Атинбиби, которые обладали сильными знаниями, и научили Атина читать и писать, а также заниматься домашним хозяйством.

В школах школьников учат правилам этикета. В частности, после урока перед уходом домой ученики повторяли правила уважения к старшим, почитания младших, поклонов при приветствии старших, помочи родителям по хозяйству². В школах детей учили быть вежливыми как дома, так и в общественных местах, а учителя следили за их дисциплиной самыми разными способами.

¹ Шамсуддинов Р, Расулов Б. История туркестанских школ и медресе. Андижон: Мерос, 1994. С. 60.

² Исмоилов Ш.Ш. Народное образование в Узбекистане в конце XIX – начале XX в.: Автореферат дисс... канд. ист. наук. Ташкент, 1981. С. 15.

Одним словом, в конце XIX - начале XX веков традиционная система образования в Туркестане претерпела ряд изменений в колониальный период Российской империи, но сохранила свою первоначальную сущность. Он продолжал давать ученикам свои первые религиозные, нравственные и в некотором смысле светские знания.

Бухоро жадидларининг тадбиркорликка оид ёндашувлари

Шуҳрат Қудратов

Бухоро давлат университети катта ўқитувчиси

Бухоро амирлигига XIX аср охири- XX аср бошларида тадбиркорлик ва тижорат ишларини ривожлантириш ҳақида янгича қарашлар вужудга кела бошлади. Жамиятнинг барча жабҳаларида ўзгаришлар бўлишини истаган тараққийпарвар уламолар ва жадидлар иқтисодий ҳётдаги муаммоларни танқид қилиб уларга ечим излай бошладилар ҳамда соҳани ривожлантириш бўйича ўзларининг ғоявий дастурларини ишлаб чиқдилар. Уларнинг иқтисодий ғоялари марказда иқтисод илмини ўрганиш зарурлиги, дунё давлатларида бўлгани каби илфор техника ва технологияларни амирлик худудига жалб этиш, савдо-тижорат ишларини илмий қуриш, тадбиркорлик, агарар иқтисодиёт самарадорлигини ошириш каби масалалар муҳим ўрин тутган. Миллат ойдинлари томонидан илгари сурилган ислоҳотчилик ғояларининг асосий мақсади инсонга муносиб яшаш ва фаолият олиб бориш шароитларини вужудга келтиришдан иборат эди. Улар Россияга ярим мустамлака бўлган Бухоро амирлигининг умумжаҳон тараққиётидан тобора орқада қолаётгани, маҳаллий аҳолининг эрк учун интилишларининг бостириш сабабларини, нафақат иқтисодий соҳада, балки диний ва маънавий соҳада ҳам юзага келган турғунликни чукур англаган ҳолда жамиятни ислоҳ этиш ғояларини майдонга ташладилар.

Бухородаги тараққийпарварлик ҳаракатининг ғоявий асосчиси Аҳмад Дониш (1827–1897) мамлакатни ободонлаштириш, халқ фаровонлигини таъминлаш, Бухорони обод ўлкага айлантириш борасида муҳим фикрлар билдирган. Аҳмад Дониш ўзининг сиёсий рисоласида иқтисодий-ижтимоий соҳага оид, жумладан, банклар ташкил этиш бўйича ўз таклифларини берди. Давлат ҳукмдори солиқлардан йиғилган маблағлар ҳисобига банклар ташкил этишни, хунарманд-

лар ва савдогарларга белгиланган муддатларда қайтариш шарти билан паст фоизли кредитлар бериш кераклигини тавсия қилди¹.

Аҳмад Донишнинг фикрича, давлатнинг энг биринчи вазифаси – халқ ҳақида ғамхўрлик қилиш бўлиб, бунинг учун ҳокимлар давлат иқтисодиётининг юксалиши, каналлар қазиш, сув омборлари, йўл, кўприк қуриш, ерларни ўзлаштириш, ер ости бойликларини қайта ишлаш, халқни маърифатли қилиш, фан ва техникани ривожлантириш, мактаб, махсус ўқув юртлари очиши ҳақида қайғуришлари лозим бўлган. Бу билан Аҳмад Дониш давлат манфаатларининг халқ хоҳишларига бўйсунишини кўрсатган эди.

Туркистон жадидчилик ҳаракатининг асосчиси Маҳмудхўжа Беҳбудий (1875–1919) ўз мақолаларида Бухоро амирлигидаги иқтисодий муаммоларга тўхталиб, уларни бартараф этишга оид ўз тавсияларини тақдим этади.

Беҳбудийнинг Ойна журналида чоп этилган “Бухоро иморати”² номли мақоласида Бухоро амирлигининг ижтимоий – сиёсий ва иқтисодий ҳаёти хусусида тўхталиб ўтиб мактаб ва мадрасаларда дунёвий фанлар ўқитилмаслиги оқибатида савдо, саноат ва тижорат ривожланмаганлигини танқид қиласди. Бухоронинг иқтисодий имкониятлари хусусида ўз фикр-мулоҳозаларини тақдим этиб, амирликда пахтачилик ва қоракўлчиликнинг ривожланганлигини қайд этади. Аммо Бухорода саноат техникасини тараққий эттириш учун ҳеч қандай амалий ҳаракатлар бўлмаётганини куюниб ёзди. Беҳбудий Туркистоннинг ташқи экспорт операцияларини асосан чет эллик савдогарлар бажаришаётганлиги маҳаллий аҳолидан маҳсулотни арzon гаровга олган ҳолда ташқи бозорда қиммат нархда сотганлиги, шу сабабдан ҳам этиштирилган маҳсулотдан олинадиган фойданинг асосий қисми уларнинг чўнтағига тушганлиги ҳақида куюниб ёзган.

Беҳбудийнинг гувоҳлик беришича, ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотларининг сифати ҳам жуда паст бўлиб, бунинг асосий сабаби технологияларнинг эскирганлигидир. Улардан қутулишнинг муҳим йўлини ишлаб чиқариш тижорат ва бошқа соҳалар бўйича замонавий билимларни эгаллаган маҳаллий мутахасисларни тайёрлаш ва ишлаб чиқаришга янги технологияларни қўллаш эканлигини

¹ Дониш А.Наводир ул-вақое. Форс-тожикчадан А Ҳамроев ва А..Шокиров таржимаси. Тошкент: Фан,1964 Б. 49.

² Беҳбудий М. Бухоро иморати // Ойна. 1915 йил 2 май. №14. Б. 375–381.

қайд этади. Бунинг учун эса, барча маҳаллий бойлар бирлашиб зарур мутахассислар тайёрлаш учун кетадиган сарф-харажатларга маблағ ажратиш керак бўлган¹.

Мамлакатимизда қадимдан миллий хунармандчилигимиз мавжуд бўлиб, шоҳи, адрес, беқасам, алача, бофликлар тўқилар эди. Бироқ булар эскича услубда, эски техникалар билан тўқилганлиги сабабли бироз талаб даражасида бўлмаганлар. Чунки, Европа халқлари янги асбобларни, техника-технологияларни қўллаб, булардан яхшироқ материаллар ишлаб чиқаради, натижада бизнинг молларимиз бозорларда ўтмай қолади, деб таъкидлайди.

Беҳбудийнинг замондоши бўлган, йирик савдогар табиб ва тараққиЙпарвар Мирза Сирожиддин Ҳаким Бухорий Боку, Ботуми, Истамбул, Вена, София, Сараево, Будапешт, Берлин, Белград, Париж, Лондон, Цюрих, Марсель, Варшава, Санкт-Петербург ва Москва шаҳарларида бўлиб, саноат корхоналари, университет, музей, кутубхона ва касалхоналар фаолияти билан яқиндан танишган ҳамда у ердаги тараққиётни ўз юртида қўришни ҳоҳлаган².

Мирза Сирожиддин Бухорони Европа ва Осиёning бир қатор давлатларидан орқада қолишига биринчи сабаб қилиб илм-фаннынг оқсаётганини кўрсатса, иккинчи сабаб қилиб иқтисодий қарамликни кўрсатади ва унинг салбий оқибатлари ҳақида, бутун ер юзини улар (оврупо мустамлакачилари) ўз тасарруфига олганлар. Биз уларнинг қўл остига қолганмиз. Биз ифлос кўча ва бозорларда яшаб қилишимиз ва қуёш иссиғида зироат билан шуғулланишимиз керак ва қўлга киритилган бойлигимизни уларнинг санъатлари эвазига бериб, ўзимизни гадой қилишимиз керак... Болаларимиз либосидан бошлаб то ўликларимизнинг кафанигача Овруподан келади... Энди биз муҳтоҷ бўлмай, ким муҳтоҷ бўлсин. Улар биз осиёликларнинг бойликларини олиб кетар эканлар бой бўлмай ким бой бўлсин...Ахир биз ҳам улардай одаммиз. Биз ҳам яхши уйларда яшашни орзу қиласмиз³.

Бухоронинг Европа мамлакатларидан тараққиёт жиҳатдан орқада қолганидан афсусланиб: “Ҳозир овруполикларнинг иши шу даражага борганки, темирйўл машиналаридан тортиб то кемалари ва осмон тайёраларигача электрик нурини бера оладилар. Биз ҳанузгacha эшак миниб юрибмиз”⁴ дейди, Мирза Сирожиддин бундан тушкун-

¹ М. Беҳбудий. Эҳтиёжи миллат. // Самарқанд. 1915 йил 12 июль.

² Ражабов К. Сирож Ҳаким Ўзбек миллий энциклопедияси. 7-жилд. Тошкент, 2004. Б 650.

³ Мирзо Сирож. Тухфаи аҳли Бухоро. Душанбе. Адиб. 1992. Б. 76.

⁴ Мирзо Сирож. Оинаи ибрат яъни асри маданият. Бухоро шариф. 1912 йил, 24 апрель.

ликка тушмайды, у Бухоронинг келажагига ишонади ва тараққиёт асосини илм, ҳунар ва тарбияга боғладый.

Тараққиётга эришиш учун маориф соҳасини ривожлантириш ва ислоҳ қилиш кераклигини таъкидлаб: “Биз, Осиё халқи, оврўполиклардан тараққиёт жиҳатидан орқада қолган бўлсак ҳам, ҳали вақт бор, қўлимиздан чиқиб кетган илм ва сарватни қайта қўлга олишга, бугунги фақирликдан қутулишга имкониятимиз бор, тараққиёт ва ободончиликни йўлини тўсадиган бирор нарса кўринмайди ва ҳеч ким бизнинг юзимизга илм ва ҳунар эшикларини ёпгани йўқ. Бизнинг тараққиётимиз илмга боғлиқдир. Биз мактаб ва мадрасаларимиздаги таълим ва тарбияни ислоҳ қилишимиз керак”, - деб ёзади.

Бухоро жадидчилик ҳаракатининг йирик намоёндаси Абдурауф Фитрат ҳам ўз асарларида Бухоро амирлиги иқтисодиётига оид муаммоларни кескин танқид қилиб, уларнинг ислоҳотларга муҳтож эканлигини таъкидлайди. Фитрат Бухоро амирлигини мустақил тараққиёт йўлига олиб чиқишининг икки йўлини таклиф этади ва бу ғояни амалга ошириш йўлида событқадамлик билан кураш олиб боради. Мустақилликка эришишининг биринчи йўли миллатни, халқни ўқимишли, маърифатли қилиш, унинг барча қатламларига зиё тарқатиш тарихан доимо озод ва мустақил яшашга интилган буюк миллат эканлиги руҳиятини унга сингдириш дунё халқлари эришган маърифат ва маданиятидан, илмий-техник тараққиётидан баҳраманд бўлиш, одамларда ватан тақдирни ва истиқболи учун масъуллик ҳиссини уйғотиш, мамлакатни хомашё етказиб берувчи худуд бўлиб қолмасликка чақириш, унинг учун иқтисодий тафаккур туйғусини шакллантириш деб билди. Иккинчи йўл эса, Бухоронинг миллий иқтисодиётини вужудга келтириш, мустақил иқтисодиёт асосларини қуриш, жаҳон иқтисодиёти билан иқтисодий тенглик ва манфаатлилик тамойили асосида ҳамкорлик ва интеграцияга киришишдир, деб таъкидлайди.

Абдурауф Фитрат ўз ватанини ижтимоий-иктисодий тараққиёт йўлига ва халқни фаровон ҳаёт тарзига олиб чиқишининг асосий йўли Туркистонга Европа фани, маданияти, техника, технологияси, сармоя ва илфор тажрибасини кенг миқёсда ва тез суръатлар билан киритишда, деб билди. Бу йўлда иккиланиш, ғайридин илми ва техникаси ни киритишдан чўчимаслик, саросимага тушмаслик, орият қўлмаслик керак, деб таълим берди. Чунки, -дейди олим, - Европа халқлари ҳам бир вақтлар ғоят қолоқ ва қашшоқ бўлишган бир даврда Шарқ фани, маданияти, тажриба ва амалиётини қўллаш орқали юксак тараққиёт-

га чиқиб олганлар. Зеро, бундан 1000 йиллар илгари Европа халқлари иқтисодий ва маънавий қолоқ бўлган даврларда Шарқ халқлари инсоният цивилизациясининг анча юқори даражасида бўлганлар.

Фитрат ўзининг “Ҳинд сайёҳи баёноти” асарида иқтисодий ғояни ишлаб чиқиб, унда амирликнинг табиий хомашё манбаларга жуда бой эканлиги, улар ҳозирча яшириниб ётганлиги, бу ер ости бойликларини ўзлаштириш, миллий хунармандчиликни жаҳоннинг илғор мамлакатларидан технология келтириб замонавий асосда тубдан қайта қуриш, хорижий сармоя, илм-фан техника ютуқларини миллий иқтисодиётни яратишга дадил жалб этишга оид қарашлар илгари сурилган¹. У ёшларни тадбиркорлик, тижорат ва савдо ишларига ўқитиши лозимлигига даъват қилиб, ватандошларига “Сизлар ўз фарзандларингизни тижорат мактабларига юбориб, савдо илмини ўқитингиз, чунки бегоналар, яъни хорижий сармоядорлар тижорат илмидан хабардор. Сиз эса бехабарсиз”² деб ёзади. Абдурауф Фитрат тижоратнинг ўзига хос маданиятлари борлиги ва уларга амал қилиш кераклиги тўғрисида “Тижорат масаласи башариятнинг ҳаёт-мамот масаласидир. Дунё халқларидан бирортасининг иши тижоратсиз амалга ошмайди. Айниқса бизнинг давримизда тижорат жуда эътибор беришга арзийди ” деб таъкидлайди³.

Фитрат савдо ва тижорат ишининг ўзига хос қоидалари мавжудлигига эътибор қаратиб, савдо ва тижорат ишида миллат, Ватан, юрт манфаатлари ҳисобга олиниши, ана шу манфаатлардан келиб чиқиб, ўзаро иттифоқ бўлиб фаолият кўрсатиш лозимлигини, савдо ва тижорат аҳли товарлар ва хизматлар ишлаб чиқаришни замонавий саноат асосида қурилишига ёрдам кўрсатишлари, соҳибкорларга амалий мадад бериш кераклиги: савдо ва тижорат аҳли “Савдо илмини зўр бериб ўқишлиари ва билишлиари лозимлигини европаликларнинг савдо ва тижоратдан фойда олишлиари заминида маданий савдо қилиши илми билишиларидан эканлигини” уқтиради⁴.

Жадидлар томонидан жамиятда вужудга келган ижтимоий-иқтисодий вазифаларни ислоҳотчилик тамойиллари асосида ҳал этиб ишлаб

¹ Фитрат А. Ҳинд сайёҳи баёноти. // Танланган асарлар. 1-жилд. Тошкент: Маънавият, 2000. Б. 110-167.

² Фитрат А. Ҳинд сайёҳи баёноти Ҳинд сайёҳи баёноти // Танланган асарлар. 1-жилд. Тошкент: Маънавият, 2000. Б. 167.

³ Фитрат А. Ҳинд сайёҳи баёноти. // Танланган асарлар. 1-жилд. Тошкент: Маънавият, 2000. Б. 140.

⁴ Фитрат А. Ҳинд сайёҳи баёноти. Ҳинд сайёҳи баёноти Ҳинд сайёҳи баёноти // Танланган асарлар. 1-жилд. Тошкент: Маънавият, 2000. Б. 151.

чиқилғанлиги, институционал ўзгаришларни мустамлака тузумини тубдан йўқотишнинг максимал даражада самарали йўлларини танлай билганликлари, шубҳасиз уларнинг тарихий хизматларидир. Улар Бухоро амирлиги иқтисодиётини ривожлантиришда асосий омиллардан бири бўлган савдо ва тижорат фаолиятини яхши тушунгандар.

XIX аср охирларига келиб Европа давлатларида техника соҳасининг ривожланиши халқ хўжалигининг барча жабҳаларига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатди. Халқлар энди нафақат дехқончилик чорвачилик, ҳунармандчилик, савдо-сотиқ, балки саноат соҳасида ҳам йирик тадбиркорлик субъектларини вужудга келтира бошладилар. Илм-фан ва техника соҳасидаги янгиликлардан хабардор бўлган миллат ойдинлари Аҳмад Дониш, Мирза Сирож Ҳаким Бухорий, Маҳмудхўжа Беҳбудий, Абдурауф Фитрат ва Файзулла Хўжаевлар тадбиркорликни ривожлантириш бўйича янгича қарашларни тарғиб қилдилар.

Хуллас, жадидлар Бухоро амирлигининг ер ости бойликларини қайта ишловчи саноат корхоналарини ташкил этиш лозимлигини, пахта, ипак, қоракўл тери хомашёларини қайта ишловчи корхоналар қуриш ҳамда тўқимачилик фабрикаларига асос солиш зарурлигини айтиб халқни, Европа ва ривожланган мусулмон давлатларидан ўрнак олишга чақирдилар. Замонавий билимга эга кадрлар тайёрлаш ҳамда тадбиркорлик ва савдо-сотиқни ривожлантириш муҳим вазифа бўлиши лозимлигини уқтиридилар.

Аҳмад Донишнинг тасвирий санъатга оид илмий ижодида ислоҳотчилик ғояларининг акс этиши

Исмат Наимов

*Бухоро давлат университети ўқитувчиси
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)*

Аҳмад Дониш (1827–1897 й.) Бухоро амирлигига фаолият юритиб, илм-фаннынг қўплаб соҳаларида самарали ижод этган ва ўзидан бой илмий мерос қолдирган олим саналади. Унинг илмий ижоди тарихан мураккаб даврга тўғри келган ва бутун эътиборини амирлик тузумини ислоҳ қилиш, уни мустамлакачилик зулмидан асраш ва тараққий этаётган давлатлар қаторига олиб чиқиш моҳияти ўрин олган. Хусусан, замирида мана шундай мақсадлар ифодаланган тасвирий санъатга оид фаолияти бугунги кунга қадар тадқиқотчилар эътиборидан четда қолган бўлиб, алломанинг мазкур йўналишда-

ги ижодини ўрганиш ниҳоятда аҳамиятли эканлигига гувоҳ бўлиш мумкин.

Дониш болалигидан хаттотлик ва расм чизиши яхши кўрган. 7–8 ёшлигидан бошлаб деворга кесаклар билан турли нақшлар ва расмлар чизиб, иқтидорини ривожлантириб борган ва бу иштиёқ уни моҳир хаттот ва мусаввир даражасига етказган¹. Талабалик йилларида моддий қийинчиликлар сабабли асосий молиявий манбаси хаттотлик ва расм чизиши билан жиддий шуғулланишга мажбур бўлган. Ўзининг қайд этишича, сарфи-ҳавои (хаттотлик, лавҳакашлик) илму ҳунарини замонасида талаб юқори бўлганлиги учун ўрганганд.

Мусаввирликдаги қобилиятининг ривожланишида мадрасадош дўсти сабаб бўлган. Ўзининг ёзишича, бу ҳунарда қобилиятли эканлигини сезган дўсти ғазалиёт девонини кўчириб беришни илтимос қиласди. У буни бош устига қабул қилиб, бир неча кун ичиде ёзигелтиради. Дўсти эса китобни жадваллаб, расмлар билан безатишини сўрайди. Санъатнинг бу туридан хабари йўқлигини англаган Дониш, устозларидан сир-асрорларни суриштириб, керакли қалам ва паркор каби асбобларни кўлга киритади ва кўп уриниб, дўстининг айтганидан зиёда қилиб, тилла суви билан зийнатлаб, расмлар чизиб безатади. Натижада тенгдошлари орасида обрўйи янада ортади².

Дониш ўз устозининг³ берган билимлари шарофатида бошқа усталардан фарқли ўлароқ, мусаввирликнинг янги услублари ва қоидаларнинг бутун бир туркумини ишлаб чиқади. Лавҳадан тортиб жадвал ва нақш ҳамда сақфи девор чизмаси, тасвири оғоқи, тасвири хорижи, тасвири иморат, тасвири боғ-бўйтон, тасвири ҳайвонот, ҳар турли қушлар, балиқлар, идишлар, дашт ва саҳролар, тоғ-тошлар, оқар дарё ва тубсиз денгизларнинг суратларини тахталарга чизиб, ўз кўнникмаларини янада ривожлантиради. Машаққатли саъий-ҳаракатлар билан турли хатлар хусусан: сулс, зулф ва райҳоний хатларини ўрганади. Бу хатларнинг сўнггиси иморатларда кўпроқ қўлланилишини билиб олади. Табиатдаги мавжуд турли шакллар ва тог расмлари орақали маҳобатли иморатларни безатадиган “кунгур”,

¹ Аҳмади Дониш. Наводир-ул-вақое. Китоби 2. Душанбе: Дониш, 2017. С. 27.

² Аҳмади Дониш. Наводир-ул-вақое. Китоби 2. С. 520.

³ Дониш мусаввирликдаги устозига хурмати ниҳоятда чексиз бўлган. Кўпгина илм ва фанларга олим, хушхатлиқда тенгсиз, муҳандисликда комил бўлган устозининг фазлу-камоли чексиз бўлиб, у ҳақда ёзганда катта бир китоб бўлишини таъкидлаган. Салтанат ўрдасидаги бутун иморатлар унинг раҳбарлигига курилган.

“шарфа”, “муқарнас” каби меъморчилик услубларини ишлашга маҳоратли бўлади¹.

Наққошлик ҳунари орқали яхши танилган Дониш саройга ишга кирганини шундай эслайди: “Бир куни устозим мени султонга мақтабди. Фалон одам менинг шогирдим, ҳар турли хат ёзишда моҳирлиги бор. Хушхатлиқда унга бирор киши тенглаша олмайди. Агар у қалам ҳунарини кўрсатса, рассом Беҳзоднинг санъати касодликка учрайди. Агар қил қаламлари ишга кирап экан, ажойиб ва ғаройиб санъатлар юзага чиқади, деб номимни кўтарибди. Шундан кейин Насруллохон мени хузурига даъват этиб, бир китобни содда хатда қўчиришни буюрди. Мен бу ишни тез ва хушсифатлик билан бажардим. Шундан бошлаб амир ҳар куни тиб, тарих, ҳисоб ва фикҳга доир китобларни хушнавис қилишни буюрар ва ҳар жузга² ўн дирҳамдан хизмат ҳақи берар эди. Бу орада устозим вафот этди ва султон мени унинг ўрнига вазирликка тайинлаб, ойма-ой минг дирҳамдан маош тўлайдиган бўлди. Шундай қилиб, барча меъмор ва наққошлар менинг раҳбарлигимда фаолият кўрсатадиган бўлди”³.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, Дониш Амир Насрулло даврида мусаввирлиқдаги санъатининг моҳирлиги туфайли саройда обрўси янада ошади. Ҳатто амирнинг ўзи катта иморатлар ва қурилишлар бошлагандан нақд ва нигор санъаткорлигини у билан маслаҳатлашадиган бўлади.

Дониш аждодлари томонидан яратилган улуғвор санъат ва меъморчилик ёдгорликларидан таъсирланиб, улар сингари ўз билим ва маҳоратини она юртининг кўрки, фаровонлиги ва халқининг моддий ва маънавий меросини ривожлантиришга бағишлиашни орзу қилган. Ўз иқтидоридан фақатгина қун кечириш манбаи сифатида фойдаланишни мақсад қилмаган. Балки унинг бу ҳунарларни эгаллашдан асосий мақсадларидан яна бири – ўз Ватани ва фуқароларига моҳирона хизмат кўрсатиш ҳам бўлган. У “...агар султон ўрдада иморат қилса ёки ўзига атаб мадраса-масжид, хонақоҳлар қурдирса, ҳамма ҳунар ва санъатларимни кўрсатиб, барчани ҳайрон қолдирмоқчи эдим. Агар подшоҳ томонидан зийнатланган бирор китоб ёздирмоқчи бўлсалар, бу иш ҳам менинг қўлимдан келар эди”⁴, – деб эслайди.

¹ Ахмад Дониш. Путешествие из Бухары в Петербург (Перевод с таджикского М.Н. Османова и Л.Н. Демидчика). Сталинабад: Таджикгосиздат, 1960. С. 220.

² Жуз – қисм, улуш. Куръоннинг ўттиздан бир қисми (Бир жуз 16 бетдан 24 бетгача).

³ Ахмад Дониш. Наводирул вақе (Нодир воқеалар). Академик И. Мўминов таҳрири остида. Форс-тожикчадан А. Ҳамроев ва А. Шокиров таржимаси. Тошкент: Фан, 1964. Б. 356.

⁴ Аҳмад Дониш. Наводирул вақе. Б. 354.

Бироқ унинг бу қобилиятидан, айниқса, Амир Музатфар замонига келиб, бахтига қарши ҳеч ким фойдаланмайди.

У ёлғиз лавҳачи, жадвалкашгина бўлмай, моҳир санъатшунос ва рассом ҳам эди. У чизган расмлар моҳирлиги билан кишини завқлантирган. Айниқса, уйқу аралаш ҳолатдаги Мирзо Анвар исмли Бухорода бир неча вақт бош миршаблик қилган кўкнорихўрнинг тасвири эътиборга молик. Аҳмад Махдум бу расмнинг остига ўз қўли билан: “Агар бу кўкнорихўр яна бир йил Бухорода миршаблик қилса, шаҳар ўғрига тўлади”¹, – деб изоҳ киритган. С. Айний аллома Аҳмад Махдум ўзининг мусаввирлиқдаги маҳоратини “Лайли ва Мажнун”, “Юсуф ва Зулайҳо” каби ишқий-афсонавий достонларда намоён этганлиги, хусусан расм ва лавҳалар билан безатган “Юсуф ва Зулайҳо” тасвири муносиб баҳоланиб, уч юз пуд² буғдойга сотилганлиги тўғрисида маълумот беради³.

Дониш ҳар бир санъат асарида ислоҳотчи маърифатпарвар эканлигини намоён этиб, замонасининг мавжуд муаммоларини бартараф этиш ҳақида илғор ғояларни илгари суради. XV аср миниатюра санъати услубида яратилиб, бизгача сақланиб қолган “Мактаб”⁴ номли миниатюрасида ҳашаматли ва қулайликларга эга, таълим олиш учун зарур шароитлар мавжуд ва барчага, айниқса, хотин-қизларга илм олиш имкониятини яратиш ғоясини; “Мажнун сахрода”⁵ номли миниатюрасида эса, тараққий этган ўлкага ҳавас қилиб, сахрода мажнун сифат кишининг чап қўлини ярим яланғоч ҳолатда обод маконга қаратилган нигоҳи тасвирланган бўлиб, у орқали тобора ҳароб бўлаётган она Ватанини саноатлашган, фаровон ҳамда ривожланган мамлакатлар қаторига олиб чиқиш ғоясини илгари сурғанлигига гувоҳ бўлиш мумкин. Шунингдек, “Худхуд ва кабутар”, “Тошбақа ила чаён”⁶ каби тасвирий санъат асарлари ҳам мавжуд бўлиб, улар алломанинг моҳир мусаввир эканлигидан дарак беради.

“Наводир” муаллифининг моҳирлик билан чизган Бухоро шаҳри ва атрофларининг бўёқ ва сиёҳлар билан ишлаган рангли харитаси унинг сураткашликдаги истеъододи юқори эканлигининг яна бир исботидир. 1850 йилларда ишланган харитада кўрсатилишича, Бу-

¹ ЎзР ФА ШИ, анжом рақами: 2279. 135-варақ.

² Бир пуд – 16,38 килограммга тенг қадимги оғирлик ўлчов бирлиги. Бир тонна – салкам 63 пуд.

³ Айний С. Асарлар. Саккиз томлик. Том 6. Эсадаликлар III қисм. Б. 30.

⁴ Ўзбекистон Давлат санъат музейи, Каллиграфия фонди, анжом рақами: 27.

⁵ Ўзбекистон Давлат санъат музейи, Каллиграфия фонди анжом рақами: 3.

⁶ Воҳидов С. Аҳмад Махдум абадияти // Бухоро мавжлари. 2006. №4. Б. 18.

хоро шаҳри амир ўрдаси жойлашган Арк ва 12 та маҳалладан иборат бўлган¹. Қишлоқ ва экин майдонлари, шаҳарнинг ён томондан умумий кўриниши ҳам тасвирланган бўлиб, жуда пухта ишланган. Топографик ва этнографик маълумотларнинг берилганлиги харита қийматини янада оширади. Тўрт томон белгиланиб, ҳар бир топографик жой ва ёдгорликлар махсус шартли белги билан ифодаланган. Харита четида шаҳарнинг умумий кўриниши берилганки, бу – топографик лойиҳа олишнинг асосий белгиларидан саналиб, муаллифнинг хариташунослик илмини яхши эгаллаганидан далолат беради².

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, 1858–1860 йилларда Н.П. Игнатьев бошчилигидаги экспедиция миссияси Хива ва Бухорога сафар қилганида таркибида шарқшунос П.И. Лерх ва астроном В.Я. Струве ҳам бўлишган³. Ҳусусан, Лерх ўлка тўғрисида маълумотлар тўплаб, нодир қўлёзмаларни қўлга киритган. Шундай муҳим хужжатлардан бири Бухоро ва унинг атрофлари кўрсатилган топографик харита бўлиб⁴, унинг муаллифи Аҳмад Дониш эканлиги тахмин қилинади⁵. Бунга сабаб мазкур харита муаллифи тўғрисида турли қарашларнинг мавжудлигидадир⁶. Бироқ айрим олимлар, ҳусусан О.А. Сухарева хаританинг муаллифи Дониш эканлигини шубҳа остига олган ва Лерх уни буюртма асосида муаллифи номаълум картографга чиздиргандиги тўғрисида хулосани илгари сурган⁷.

¹ Зияева Д. Ўзбекистон шаҳарлари XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошларида: шаҳар маданияти ва урбанизация жараёнлари. Тошкент: Yangi nashr, 2018. Б. 212.

² Мухаммеджанов А.Р. Историко-топографический план Бухары Ахмада Дониша // ОНУ. 1965. №5. С. 31–42.

³ Миссия в Хиву и Бухару в 1858 году флигель-адъютанта полковника Н. Игнатьева. С. Петербургъ. 1897. С. 34.

⁴ Қаранг: Мухаммеджанов А. Историко-топографический план Бухары Ахмада Дониша // ОНУ. 1965. №5. С 31–42; Ўша муаллиф. “Наводир” муаллифининг нодир харитаси // Фан ва турмуш, 1964. №8. Б. 14–15.

⁵ Муҳаммаджонов А.Р. Илмий истеъмолга киритган мазкур харита Санкт-Петербург (ИВР РАН, 36-фонд, 1-рўйхат, 17-йигмажилд, 1-варак)да сақланади. Харита шарқшунос П.И. Лерх (1827–1884) томонидан 1858 йилда қўлга кирилган бўлиб, жиддий экспертизани талаб этади. Чунки мазкур архив ишида ҳамда харитада уни Аҳмад Дониш чизганлиги, сотиб юборганилиги, тұхфа этганлиги ёки Лерх уни харид қилиб олинганды ҳақида маълумот учрамайди. Шу сабабли, бу масалага кейинги тадқиқотларда ойдинлик киритилади.

⁶ Тураев Х. Две точки зрения по историко-топографическому плану Бухары Ахмада Дониша // “Вопросы истории Центральной Азии в современной медиевистической интерпретации”. Сборник статей посвященных юбилею академика Д. Юсуповой. Ташкент, 2021. С. 185–188; Ўша муаллиф. Кто же является автором историко-топографического плана средневековой Бухары // «Бухарский вестник», 23 февраля 2022 года.

⁷ Сухарева О. Квартальная община позднефеодального города Бухары (в связи с историей кварталов). Москва: Наука, 1976. С. 64.

Дониш наққошлик ва сураткашликни маданий тараққиёт учун керакли санъат қаторига киритади¹. Тасвирий санъатдаги маҳорати орқали халқ онгини уйғотишга ҳаракат қиласди. Чунончи: “Сураткаш сифатни ҳар шаклга солиб, ҳаммага ибрат бўлгудек бўлаётган ишларни жонли равишда халққа кўрсатса, яхши-ёмон ишларни уларнинг кўз олдига келтирса, яхшиликнинг натижаси ноз-неъмат, ёмонликнинг оқибати азоб-уқубат эканини намойиш этса, халқнинг кўзи очилиб, ундан ибратланади”², – дейди.

Хулоса қилиб айтганда, Аҳмад Дониш мусаввириликни маданий тараққиёт учун керакли санъатлар қаторига киритган ва кишилар дунёқарашини ривожлантиришнинг самарали воситаси деб ҳисоблаган. Ўзининг ноёб мусаввирилик асарларида Бухоро амирлигининг мавжуд ижтимоий-иқтисодий муаммоларини яққол тасвирлаб, уларда ислоҳотчилик ғояларини моҳирлик билан акс эттирган. Айниқса, маърифатпарвар ўз ижодида хотин-қизларга илм олиш бўйича етарлича шароит яратиш лозимлиги, уларнинг билимларини оширмасдан келажак авлод вакилларини баркамол этиб тарбиялашда тўла қонли натижага эришиб бўлмаслигини моҳирлик билан тасвирлаб берган.

Мустамлака Туркистонда диний таълим: муаммо ва ислоҳ масаласи (даврий матбуот материаллари мисолида)

*Нигора Рахимджанова
ЎзР ФА Тарих институти илмий котиби,
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)*

Ўрта Осиё тарихида илм ва диний маърифат, ахлоқ-одоб ўчоғи бўлмиш мактаб, мадрасаларнинг ўрни беқиёсdir. Аммо XIX аср охирларига келиб, анъанавий таълим тизимида бир қанча муаммолар мавжуд эди. Хусусан, таълим усулининг эскириши, дарслик ва ўқув қўлланмаларнинг замон талабларига мос келмаслиги таълим тизими сифатини пасайтирди. Ушбу муаммонинг илдизини ўтмишдан излай бошласак, хонликлар давридаги ўзаро ички урушлар натижасида юзага келган ижтимоий-иқтисодий инқироз, беқарорлик таълим соҳасига ҳам ўз таъсирини кўрсатганини кўришимиз мумкин.

¹ Аҳмад Дониш. Наводирул вақое. Б. 368.

² Аҳмад Дониш. Наводирул вақое. Б. 194.

Биқиқлик ҳолати, ташқи алоқаларнинг ўта сустлиги, дунёдан узилиб қолиш ўзбек хонлайларида маълум маънода таълим сифатига ҳам салбий таъсир қилган эди. Диний мутаассиблекнинг ортиши, рус мустамлака зулмининг кучайиши ҳам анъанавий таълимда ўз аксини кўрсатди. Хусусан, расмий ҳукумат томонидан XIX аср охирларига келиб, мадрасаларни иқтисодий жиҳатдан таъминлаб турган вақф мулкларини бошқариш¹, мусулмонлар ўқув юртларини бошқариш² ва диний ишларни бошқариш³ ҳақида лойиҳалар ишлаб чиқилди. Лойиҳаларда белгиланган чоралардан келиб чиқиб, ҳукумат масжид ва мадрасаларни қаттиқ назорат остига олди. Айни пайтда янги масжид ва мадрасалар қурилишини тўхтатишга ҳаракат қилди. Хонлайлар даврида мавжуд назорат қилувчи баъзи диний лавозимлар бекор қилинди. Хусусан, хонлайлар даврида “раис” деб аталувчи мансабдор шахслар ота-оналарнинг фарзандларини мактабга беришларини назорат қилиб турган бўлсалар⁴, мустамлака даврига келиб, Туркистон генерал-губернатори К.П. Кауфман томонидан бу лавозимни бекор қилиниши сабабли, болани мактабга қабул қилиш ва тамомлаш муддати қатъий белгиланиши ҳам ўз кучини йўқотди. Натижада, бошланғич таълим бошқарув механизмидан чиқиши тезлашган⁵.

Диний таълимни сустлашиши уламолар фаолиятида ҳам бир қатор муаммолар юзага келишига сабаб бўлди. Қўриниб турибдик, диний таълимдаги муаммолар ўзидан кейинги қатор муаммолар занжирига ҳам сабаб бўлиб, маҳаллий халқнинг ижтимоий-диний ҳаётига ҳам ўзининг салбий таъсирини кўрсатган. Мана шу муаммолар қаторида диний таълимнинг ҳолати ўша давр матбуотида ўз тасдифини топган эди. Жўмладан, мактаб ва мадрасаларда бўлаётган ўқув ҳолати, диний ва дунёвий таълимдаги муаммолар, диний адабиётлар, имтиҳонларга оид қизиқарли маълумотлар матбуот саҳифаларида бериб борилган бўлиб, маърифатпарварлар, уламолар томонидан диний ва дунёвий таълимнинг аянчли аҳволи танқид қилиниб, муаммонинг сабаб ҳамда оқибатлари ҳамда унинг ечимиға

¹ ЎзМА, И-1фонд, 11-рўйхат, 1724-йиғмажилд, 81-варақ.

² ЎзМА, И-1фонд, 11-рўйхат, 1724-йиғмажилд, 160-варақ

³ ЎзМА, И-1фонд, 11-рўйхат, 1724-йиғмажилд, 159-варақ

⁴ Шамсутдинов Р., Расулов Б. Туркистон мактаб ва мадрасалари тарихи (XIX аср охири - XX аср бошлари). Андижон: Мерос, 1995. Б. 76.

⁵ Азимбаев М.С. Туркистон анъанавий таълим тизимида “Қадим” мактаблари / Ўзбекистонда таълимнинг ривожланиш тарихи ва тарихшунослиги. Масъуль мухаррир: Д.А. Алимова. Тошкент: Tafakkur qanoti, 2015. Б.153.

тўхталиб ўтилган¹. Уларга кўра, XIX асрга келиб, сустлаша бошлаган диний таълим муаммоларини З гурухга ажратишимиз мумкин. Улар қуидагиларни ўз ичига олади:

1. Диний таълимда мактаб ва мадрасаларнинг низомсизлиги (яъни ўқув дастурларининг мавжуд эмаслиги), етарли даражада назоратнинг йўқлиги эди. Дарҳақиқат, мактаб ва мадраса таълимида ўқув ҳолати деярли назоратга олинмаганлиги матбуотда бир қатор танқидий мақолалар чоп этилишига сабаб бўлган². Жумладан, олий таълим бўлмиш баъзи мадрасаларда талабалар 4 кунгина таълим олиш билан машғул бўлиб, қолган чоршанба, пайшанба, жума кунлари ўйин-кулги, ўз мударрисларига чой ташиб, “чойханачилик”³ билан вақтлари бесамар кетиш каби ҳолатлар қўрсатиб берилган. Энг бош муаммо – мактаб ва мадрасаларнинг низомсизлиги қораланиб, “беусул”, ва “бенизом”, дея танқид қилиниб, улардаги ўқув ҳолати қўрсатиб берилган⁴. Хусусан, мадрасаларда ўқув йили бор йўғи 6 ой ҳисобланиб, таҳсил муддати 17 йилдан 20 йилгacha бўлган даврни ташкил қилган. Шунга қарамасдан, таълим сифати пасайиб борган. Бу ҳол Ўрта Осиёнинг таълим маркази бўлган Бухоро мадрасаларида ҳам кузатилган. Бу ерга ҳар йили сентябр ойида ҳар тарафдан кўп талабалар таҳсил олиш учун келган.

Мадраса таълимида кўпроқ диний фанлар ўқитилишига қарамасдан, диний таълим сифатли, мукаммал, замон талабларига мос даражада эмас эди. Диний адабиётларнинг араб ва форс тилида эканлиги, баъзи фанлар буйича дарсликлар, уларга ёзилган шарҳлар ёрдамида ўзлаштириш жарайёни янада мураккаблаштирилиб, таълимнинг чўзилиб кетишига сабаб бўлган⁵. Бу эса ўз навбатида таълимнинг аниқ низом ва маълум стандартлардан узоқда эканлигини намоён этар эди⁶. Мана шу муаммоларни ечими сифатида маърифат-

¹ Сайд Бароқхон мадрасасида имтиҳон // Туркистон вилоятининг газети. 1903. № 30; Баъзи мадрасаларда бўлаётган тартибсизликлар // Туркистон вилоятининг газети. 1903. № 30; Беҳбудий М. // Туркистон вилоятининг газети. 1907. № 82; Садойи Туркистон. 1914. № 10; Ислоҳ таҳсил // Тужжор. 1907. № 10; Беш нафар муаллим керак // Ойина. 1914. № 13. Б. 219.; Ражабзода Н. Ибтидоий мактабларимизгингнинг тартибсизлиги ёхуд тараққийнинг йўли // Ойина. 1914. № 38. Б. 906–911.

² Абдурашидхонов М. Бизнинг жаҳолат-жаҳали мураккаб // Тараққий. 1906. – № 1; Музafferзода Р. Маориф манбаларимиз // Садойи Туркистон. 1914. № 18.

³ Мадрасаларға оид // Тараққий. 1906. № 9

⁴ Фельетон: Бизни жаҳолат, жаҳолат мураккаб // Тараққий. 1906. № 1.

⁵ Зияева Д.Х. XIXаср охири – XXаср бошда Туркистонда анъанавий таълим тизими муаммолари // Ислом университети ахборотномаси. Т., 2009. № 1.

⁶ Низомсиз мадрасалар // Садойи Туркистон. 1915, 13 марта. № 63; Ёвишев Н. Ҳозирги мадрасаларда ўқув // Садойи Туркистон. 1914. № 19, 20; Ёвишев Н. Туркистон мактаб мадрасаларинда дарс программи // Шўро. 1914. № 4.

парвар жадидларлар, тараққийпарвар уламолар томонидан ислоҳ масаласи, яъни таълим ислоҳи учун таълимни аввало назорат қилувчи мутасадди ташкилот нечоғлик муҳим эканлиги матбуотда қуидаги тарзда ифодаланган: “*Диний ва миллий мактабларга, ислом мадрасаларига ислоҳ керак. Бизим мадраса ва мактабларимиз ўқитувчиларига шаходотнома берадиган маҳкама керак*”¹. Шунингдек, матбуотда мактаб ва мадрасалар учун янги, мукаммал дастур ва низомлар ишлаб чиқиш вақти келганлиги қайд этилади. Юқоридагилардан кўриниб турибдики, улар ўлкадаги диний ва дунёвий таълимни ислоҳи учун аввало ҳукумат рухсати билан маҳсус маҳаллий уламолардан ташкил топган диний маҳкама(идора) ташкил этишни ва у орқали мактаб, мадраса таълими ва умуман олганда диний ҳаётни назорат қилинишини истар эдилар².

Табиийки, бу масалага мустамлака ҳукумати қандай қараган эди?, деган ҳақли савол туғилади. Таъкидлаш жоизки, бу масалага мустамлака маъмурияти анча аввалдан тўхталган бўлиб, расмий маъмурият топшириғига қўра, Туркистон мактаб, мадрасалари, вақф ва шариат судлари каби диний муассаса ҳамда уламолар фаолиятини мустамлака манфаатларига мос ҳолда назорат қилишда ўлка диний бошқармасини тузишга доир 1884, 1898–1901 йиллардаги бир қатор лойиҳалар тайёрланади. Аммо бу лойиҳалар империя пойтахтидан келган рад жавоби билан амалга ошмай қолиб кетган эди³. Империя ҳукумати ўлка диний ҳаёти ва уларга тегишли муассасалар фаолиятини қандай бўлса шундайлигича қолдиришни афзал кўрган эди. Шундай тарзда мустамлака бошқаруви, унинг ислом дини ва муассасаларига бўлган сиёсати мактаб ва мадраса таълимидаги мавжуд муаммо ва камчиликларни бартараф этмай, унинг таназзулини тезлаштириб юборди.

2. Дарс жадвалидаги диний фанларнинг нотўғри тақсимоти. Хусусан, мадрасалардаги 20 йиллик тахсил ичида, “Шарҳи Жомий ва ҳошиялари” асари 4 йил, “Шарҳи ақоид дебочаси” 4 йил, “Ҳикматул айн (аммо баад) баҳси” 2 йил ўқитилган. Талаба ҳамма шарҳ ва дарсларни 20 йил давомида ўқиб тугатгандан сўнг талаба бир кунда Куръондаги “Кул аъзуу бироббил” сурасини тафсирини ўқуб устози-

¹ А. Роуф Музafferзода. Рухоний идоралар холидан // Садойи Туркистон. 1914, 17 май. №10.

² Ислоҳ на... // Хуршид. 1906. № 4; О необходимости правительственной инспекции над мусульманскими школами // Туркистон вилоятининг газети. 1911. № 30.

³ Мухамедов Ш. Историко-источниковедческий анализ государственного регулирования ислама Российской империей в Туркестане(1864–1917).– Ташкент: «BAKTRIYA PRESS», 2013. Б. 110.

дан фотиҳа олган ва шу билан мадрасани битирган, деб ҳисобланган¹. Юқорида келтириб ўтилган ва шунга ўхшаш баъзи, масалан, диний адабиётларнинг йиллаб ўқитилиши, натижада эса ислом моҳиятини очиб берувчи, тингловчига диний тасаввурни кенгроқ англатувчи, ислом таълимотини чуқурроқ кўрсатиб бера оладиган билимлар танқислиги таълимнинг асосий муамоларидан бири бўлган².

Юқорида қайд этилганидек, таълим тизимида “ҳошиячилик”, “шарҳ”лар, яъни ислом асослари ҳакидаги дарсликларга турли муаллифлар томонидан турли даврларда ёзилган изоҳ ва тушунтиришлардан иборат дарслар банд қилганлиги сабабли бошқа асосий диний ва дунёвий билимлар бўйича дарс соатлари ҳам қисқариб борган³. Таъкидлаш жоизки, IX-XI асрлардан бери анъана бўлиб келган, мударрис, услубшунослар томонидан мактаб ва мадрасалар учун яратилган дарслик, услубий қўлланма ва мураккааб диний ва бошқа соҳадаги асарларга шарҳ ёзиш ишлари деярли тўхтаб қолган эди. Бу эса, билимларни замон талаблари асосида, жаҳондаги илмий ўзгаришлар даражасида олиб боришга монелик қилган. Хусусан, 500–1000 йил олдин ёзилган “Илми қалом” ва “Ақида” китоблари бу даврга келиб эскиргани, янги пайдо бўлган ислом моҳиятига зид ақидавий қарашларга қарши тура олмаслиги, шунинг учун ҳам янги адабиётлар ёзилиши кераклиги замон талабига айланган эди⁴. Шу тариқа ислом динига оид бирор бир масаланинг туб моҳияти қолиб, иккинчи даражали шарҳлар, изоҳларни ўзлаштиришга йиллар сарфланар эди. Бу каби эски дарслик ва адабиётларнинг йиллаб ўқитилиши, таълим сифатига таъсир қилиб, унинг турғун ҳолатда қолиб кетишига ҳам маълум маънода сабаб бўлган.

Таълимдаги фанларнинг нотўғри тақсимоти, таҳсилнинг чўзилиб кетганлиги ҳақидаги мақолалар орасида албатта бу муаммонинг ечимига доир таклифлар ҳам қайд этилган. Хусусан, “Ал-ислоҳ” журналида бухоролик Зиёвуддин қорининг таклифига қўра, мадраса таълими 15 йилга мўлжалланган бўлиб, дарс жадвалида 21 хил фан бор эди. Хусусан, диний таълим дастурида мантиқ, ҳикмат, ақоид, тафсир, илму қироат, фикҳ, ҳадис, фарзул ашар (ўнта фарз), умумий тарих (ислом тарихи) каби фанлар мавжуд эди. Бир йилда 9 ой ўқиши,

¹ Ёвишев Н. Ҳозирги мадрасаларда ўқув // Садойи Туркистон. 1914. № 20, 19.

² Ўша ерда.

³ Ибтидоий мактабларимизнинг тартибсизлиги ёхуд тараққий йўли // Ойина. 1914. № 38. Б.906–911.

⁴ Беҳбудий. Миллатнинг бошчиси толиби киромға! // Самарқанд. 1913. № 42.

ҳафтасига 5 кун, ҳар кун икки фан ўқитилиши тавсия қилинганды. Шунингдек, муаллиф агар талабалар иқтидорлы бўлса таҳсилни 12 йилда тугатишлари мумкинлигини айтиб ўтади. “Ал-ислоҳ” журналининг саҳифаларида диний таълим ислоҳига оид мақолалар орасида самарқандлик маърифатпарвар Саидаҳмад Васлийнинг қаламига мансуб мақолалар ҳам алоҳига эътиборга лойикдир². Унга кўра, мактаб ва мадрасалар қурилиш режа лойиҳасидан тортиб, ички жиҳоз ускуналаригача, ўқув йили, дарс жадвали, талабаларнинг дарсларни ўзлаштириши ва имтиҳон олиш усули ҳақида батафсил тўхталади. Васлий ўз мақоласида маърифатпарварлар, уламоларга таълим ислоҳига доир бир неча саволлари билан мурожаат қилган эди³.

Маърифатпарвар жадидлар, уламолар диний таълим ислоҳига аввало неча асрлик дарслик ва қўлланмаларни қайтадан кўриб чиқиш, уларни болалар тушунадиган ўз она тилларида ёзишни тарғиб қилганлар. Жумладан, М.Беҳбудий диний таълим берадиган маҳаллий мадрасаларда “Ислом тарихи” ва “Ҳикмат”, “Фалсафаи олий” ва дунёвий билимлар каби фанлар ўқитилмаганидан “исломият зид маданият ва мухолиф ҳикмат ва табиатдир”, каби нохолис тушунчалар келиб чиққанлигини таъкидлайди. Бу эса ўз навбатида ислом динини мутаассиб, қолоқ, тараққиётга ғов сифатида кўрсатиш билан бирга реакцион руҳдаги уламолар етишиб чиқишига хизмат қилиши табиий эди. Буни яхши англаған М. Беҳбудий ўз фикрларини давом эттириб, анъанавий маҳаллий таълим ва ўлкада 1884 йилдан очила бошлаган рус-тузем мактаблари таълимини ҳам қоралайди: “Рус тузем мактабларға ўқугонлар зиёли тугул хийла ҳам хисобланмайдулар. Алар фақат русча чаласавод кишилардир, бу зиёлилар (“образованиялик”) даги эҳтиёжимизга аҳоли хануз илм хосил айтмабдур⁵”. Мақолада рус-тузем мактаблари мустамлака манфаатларига мослаб болаларга таълим бериши, натижада миллий адабиёт ва диний билимлардан болалар мутлақо бехабар бўлиб қолишлари қайд этилган. Дарҳақиқат, бу турдаги мактабларни ташкил этар экан, мустамлака ҳукумат нафақат аҳолини руслаштиришни, шу билан бирга,

¹ Зиёвуддинхўжа. Инсоннинг бир неча вазифаси ва саодати // Ал-ислоҳ. 1915. – № 17. Б. 516.

² Васлий. Ҳиммат рижо // Ал-ислоҳ. 1915. № 13; Васлий С. Ҳар мусулмоннинг араб тилига ошно бўлиши зарур // Ал-ислоҳ. 1916. № 5, 123; Васлий. Ислоҳи тадрис ҳақинда // Ал-ислоҳ. 1915. № 17.

³ Пардаев К. У. Миллий уйғониш даври манбаларида адабий ва публицистик муаммолар талқини (“Ал-ислоҳ” журнали материаллари асосида). Филол.фан.номз. ... дисс. Т., 2008. Б. 85.

⁴ Беҳбудий М. Фельтон. Эҳтиёжи миллат // Туркистон вилоятининг газети. 1909. № 75.

⁵ Ўша ерда.

Туркистондаги мустамлака маъмурияти маҳаллий бошқарувининг ёрдамчи таркибини тарбиялаб етиширишни ҳам кўзда тутган эди¹.

М. Беҳбудий ўз мақолаларида маҳаллий анъанавий таълимда бир қатор диний фанларни кенгроқ ўргатиш: ислом тарихи, маданияти, олий фалсафаси ва бошқа диний билимлар билан бирга дунёвий фанлар; империянинг рус-тузем мактаблари таълими учун ислом динига оид билимлар ва миллий адабиёт каби фанларни қўшишни тавсия қилган. Шунингдек, гимназияларда диний таълим ва “адабиёти исломия” учун маҳаллий халқ орасида муаллимлар қабул қилиш мақсадида ҳуқуматдан рухсат олиш кераклигини таъкидлаб, маҳаллий халқ учун диний ва дунёвий фанларни ўзида мужассамлаштирган ўз миллий мактаб ва мадрасалар таълим тизимини жорий қилиш лозимлигини қайд этган². Уларда миллий ва диний дарслик ва қўлланмалар сифатида жадид мактаблари учун нашр этилган китоблардан фойдаланиш мумкинлигини кўрсатиб ўтган. У ўзи ноширилик қилган “Самарқанд” газетасида янги ислоҳ қилинган “усули савтия” мактаблари учун чоп этилган диний ва бошқа турдаги дарслик ва қўлланмалар рўйхатини доимий тарзда эълон қилиб, сотувга қўйиб борган³. Янги усул мактабларидағи диний адабиётлар ўзбек ва тожик тилларида бўлиб, мақсад ислом дини ҳақидаги дастлабки билимларни болаларга ўз она тилларида ўргатишдан иборат эди. Бу эса ўз навбатида эски усулдаги таълимдан фарқли равишда болаларни тез ва осон диний саводларини чиқаришга сабаб бўлган. Янги ислоҳ қилинган мактабларда 3–4йил давомида керакли бошланғич таълимни осон ва тез усулда ўзлаштира олиш имконини берган.

Маълумки, Туркистонда мактаб ва мадрасалардан ташқари диний таълим берувчи бир қатор муассасалар ҳам мавжуд бўлган. Бошланғич мактаблардан ташқари далоилхоналар мавжуд эди. Бу диний илм даргоҳлари Туркистонда кам сонли бўлган. Уларни асосан Фарғона ва Тошкентдагина учратиш мумкин эди⁴. Далоилхоналарда асосан ибодат учун керакли араб тилидаги дуолар, Куръон суралари ўқилган ва ёд олинган. Аммо масаланинг муаммовий жиҳати шун-

¹ Алимова Д.А. Туркистон жадидларининг мусулмон маданиятига оид қарашлари // Имом Ал-Бухорий сабоқлари. 2001. №3.

² Беҳбудий М. Фельетон. Эҳтиёжи миллат // Туркистон вилоятининг газети. 1909. № 75.

³ Усули жадид мактаблари учун босилган китоблар // Самарқанд. 1913. № 31.

⁴ Краткий обзор современного состояния и деятельности мусульманского духовенства, разного рода духовных учреждений и учебных заведений туземного населения Самаркандской области // Туркестнские ведомости. 1898. № 60, 61, 62, 63, 64.

да әдіки, бу далоилхоналар диний таълим учун мұхим бўлган араб тили ва унинг грамматикасидан таълим бермаган, фақатгина халқ уни араб тилида таржимасиз ёд олган. Шунинг учун ҳам рус расмий матбуотида улар фаолиятини: “*Араб тилини яхши билмаган маҳаллий халқ учун мутлақо бефойда*¹”, дея кескин танқид қилинган. Аммо бу танқид бироз ноўрин әди, чунки ислом динига эътиқод қилувчи маҳаллий халқ учун кундалик ибодат ва муқаддас Куръон китоби-ни ёд олишда, диний маърифатни оширишда ва маънавий-ахлоқий ҳислатларни тарбиялашда далоилхоналар ўзига хос ижобий аҳамият касб этган.

Яна бир Куръонни ўқиши ва ёд олишни ўргатувчи диний таълим даргоҳларидан бири қорихоналар ҳисобланиб, улар асосан масжидлар қошида ташкил топган. Қорихоналарда кўзи ожизлар ҳам қори бошилар томонидан Куръонни ёд олган. Матбуот саҳифаларида, ҳатто, қорихоналарда кўзи ожизлар кўплигидан “кўрлар бошпанаси²” деб қайд этилган. Кўриниб турибдики, диний таълимга чанқоқлик Туркистон маҳаллий халқларининг барча қатламини қамраб олган әди.

3. Диний таълимда асосий муаммоларидан бири кадрлар масаласи ҳисобланиб, баъзи мударрис, муаллим ва бошқа уламоларнинг етарли билимга эга эмаслиги, ўз вазифаларини яхши тушуниб етмаслиги, хусусан, мутаассиб уламоларнинг консерватив қарашларини ислоҳи қилиш матбуот саҳифаларида долзарб мавзу сифатида кенг ёритилган әди. Хусусан муаллим ва мударрисларни билимли ва фидокор бўлишга, нафақат диний балки дунёвий маърифатни ҳам кенг ёйиш тарғиб қилинган. Айниқса, миллий жадид матбуотида ислоҳни бошлангич таълим мактаблардан бошлиш кераклиги уқтирилиб, таълимни самарадорлигини ошириш мақсадида барча билимларни пухта эгаллаш, яроқсиз ҳолга келган, қолоқликка юз тутган эскича усуlda таълим берувчи мактабларни “Усули савтия”ларга алмаштириш вақти келганлиги ва болаларни уларга бериш даъват этилиб, ўз навбатида эса бунга қарши чиқаётган баъзи мутаассиб уламолар қораланган³.

Мактаб ва мадрасалардаги диний таълимни ислоҳ қилиш нақадар мұхим эканлигини англаб етмаётган баъзи уламоларнинг ўzlари ислом динининг моҳияти, унинг тарихи ҳақида етарлича тасаввурга

¹ Ўша ерда.

² Краткий обзор современного состояния и деятельности мусульманского духовенства, разного рода духовных учреждений и учебных заведений туземного населения Самаркандинской области // Туркестанские ведомости. 1898. № 60, 61, 62, 63, 64.

³ Ойина. 1914. № 12. – Б. 295.

эга эмасликлари ҳам матбуотда тез-тез тақорорланади¹. Шунингдек, матбуотда аслида педагог кадрлар қандай билим ва фазилатларга эга бўлиши, қайси диний адабиётларни қайта кўриб чиқиш, қайси мавзуда янги асарлар, раддиялар ёзиш кераклиги ҳақида тавсия ва таклифлар ҳам бериб борилган. Хусусан, матбуот саҳифаларининг бирида уламолар: мударрис ва мактабдорлар айниқса мантиқ, қалом, ҳикмат каби илмларини яхши билишлари зарурлиги, чунки бу илмлар Қуръони каримни яхши англаш, шарҳлаш учун муҳимлиги қайд этилган. Тарихда ўтган салафи уламолар ўз замонларида бошқа дин ва фирмә вакиллари, хусусан, насроний файласуфлари, яхудий фирмаларини яхши ўрганиб, уларнинг ислом динига заарли бўлган ақидаларига қарши раддия ёзиб, китоб ҳолига келтирғанларини мисол қилиб келтирилади². Таъкидлаш жоизки, бу асарлар ўз вақтида мадрасаларда ўқитилган. Улар ўз асарлари орқали ислом моҳиятига зид бўлган ажнабий қарашлардан ислом динига эътиқод қилувчи ватандошларини муҳофаза қилганлар. Мақола муаллифи шу билан бирга XIX асрга келиб, кўпая бошлаган ислом моҳиятига зид, ақида-вий қарашлар, мазҳаб ва фирмалар, ҳатто, Туркистонда кириб келаётган социализм ғояларини ислом олами, хусусан, Туркистон мусулмонлари учун заарли эканлигини таъкидлаб, уламолар томонидан уларга қарши раддиялар, янги адабиётлар ёзишни сўрайди³. Маҳалий халқни, ўкувчи ва талабаларни ислом маърифатига путур етказаётган ғоя ва қарашлардан муҳофаза этиш педагог кадрларнинг ҳам вазифаси эканлигини айтиб ўтилади. Шунингдек, матбуот саҳифаларида билимли уломалар “Тафсир” ва “Ҳадис” илми бўйича янги шарҳ ва асарлар ёзишга чақирилади⁴. Бундай мақолалар ўз вақтида нафақат уламоларни балки маҳаллий халқнинг барча ижтимоий қатламларини огоҳ этишга ундар эди.

Ислоҳ масаласи қўтарилиб, янги усулдаги мактаблар бирин-кетин очилган пайтда, маҳаллий матбуотдаги аксарият газеталар маърифатпарвар жадидларга тегишли бўлганлиги сабабли “усули савтия” мактабларига кенг тарғиб қилинган ва асосий эътибор ҳам маориф, диний ҳамда дунёвий маърифатни кенг ёйишга қаратилган эди. Мана шундай янги услубда таълим берган мактабдор, муаллимлар фаолияти кенгроқ ёритилиб, уларнинг ижобий ва салбий сифатлари

¹ Мусулмон мактабларида таълим // Туркистон вилоятининг газети. 1906. № 13, 14, 15.

² Беҳбудий М. Миллатнинг бошчиси толиби киромға! // Самарқанд. 1913. № 42.

³ Ўша ерда

⁴ Н. Ёвишев. Ҳозирги мадрасаларда ўкув // Садойи Туркистон. 1914. № 19, 20.

амалий жиҳатдан яхши очиб берилган. Жумладан, сусткашликка йўл қўйиб, нотўғри таълим бераётган мактаб муаллимлари танқид қилиниб, уларга қай тарзда болаларни диний таълимга қизиқтириш, ислом фарз амалларини тўғри етказиш усуллари кўрсатиб берилиб, тавсиялар бериб борилган. Туркистон матбуоти таълимни ўз саҳифаларида ёритишида ўзига хос мониторинг вазифасини ўтаган. Хусусан, мавжуд диний таълимнинг ҳолати, худудлардан келаётган шикоятлар ва намунавий таълим даргоҳлари мунтазам ёритиб борилган¹. Матбуот орқали қайси мадраса талабга жавоб бермайди, қайси мактаб муаллими, мударриси яхши диний сабоқ бера олади каби саволларга қисман бўлса-да, жавоб топиш мумкин эди².

Хулоса қиласидан бўлсақ, анъанавий таълим тизимининг таназули диний таълимда ҳам ўз аксини намоён этди. Адабиёт ва дарсликларнинг эскирганлиги, бир қатор ислом моҳияти, соф ислом таълимоти ҳақида маълумот берувчи “Илми тафсир”, “Ҳадисшунослик”, “Калом илми”, “Ақоид” ва бошқа фанларни дарс жадвалидан тушиб қолиши, асосий фанлар қолиб, уларга шарҳ ва изоҳ берувчи иккинчи даражалик адабиётларни йиллаб ўқитилиши диний билимлар етиш маслигига олиб келди. Шу билан бирга таълим бериш усулининг замон талабларига жавоб бермай қолганлиги таълим сифатини бузилишига ҳам катта таъсир қилган эди. Ўз вақтида шу каби муаммоларни сабабини аниқлаш ва уларни бартараф этиш чоралари даврий матбуот саҳифаларида долзарб мавзулар қаторига айланган эди. Бунда биринчилардан бўлиб, ислоҳотчи жадидлар, тараққийпарвар уламолар ўз даврий нашрларида шу каби муаммоларни ёритиб боришга бел боғлаган эдилар. Матбуотда намунали ва шу билан бирга унга зид бўлган мадраса ва мактблар фаолияти параллель равишда ёритилиб борилган. Қолоқлик, биқиқлик кайфиятидаги мутаассибча қарашларга эга бўлган мударрис ва муаллимлар диний ислоҳга даъват қилинган. Соф ислом маърифатини кенг тарғиб қилиш, уни осон ва тўғри йўналишда етказиш диний таълим ислоҳининг негизини ташкил қилган эди.

¹ Жабрли устоз // Хуршид. 1906. № 10.

² Ғайратли муаллим // Хуршид. 1906. № 10.

Тараққиийпарварларнинг ёшларга замонавий илм бериш ҳақидаги қарашлари (XIX аср охири – XX аср бошлари)

Санобар Шадманова

Тошкент давлат шарқшунослик университети, т.ф.д., профессор

Бундан 19 йил олдин Туркистон матбуотини манбашунослик нуқтаи назаридан ўрганишни таклиф этган, илмни ниҳоятда қадрлаган инсон, Устозим Доно Хамидовнанинг ёрқин хотирасига бағишлайман.

Миллий матбуотда ёшлар тарбияси ва таълими тўғрисидаги масалалар бот-бот кўтарилиган. Жадид тараққиийпарварлари жамиятни ислоҳ қилишда илм эгаллашга ва мактабларга алоҳида эътибор қаратганлар. Чунки фақат замонавий билимга эга бўлган ёшлар билан жамиятни ислоҳ қилиш мумкин эди. Зеро, Маҳмудхўжа Беҳбудий Туркистонни жаҳолат ботқоғидан чиқариш учун ҳаётнинг ҳамма жабҳалари ислоҳ қилиниши кераклигини таъкидлаб, «Болаларга оталардан илми дин ва илми замон мерос қолсун»¹, деб ёзади. Бусиз олдинга силжиш мумкин эмаслигини дунё мамлакатлари тажрибаси яққол кўрсатган. Россия мусулмонлари ҳам XIX асрнинг охирларида бу соҳада ўзгаришлар қилишга киришдилар. 1884 йилда Боғчаройда Исмоил Гаспринский томонидан усули жадид мактабининг очилиши билан Россия мусулмонлари таълим тизимида янгилик юз берган ва бу билан жадид мактабига асос солинган. И.Гаспринский-нинг саъй-ҳаракати туфайли Туркистонда ҳам янги усул мактаблари вужудга кела бошлаган.

Дунёдаги ҳар бир халқнинг тараққиёти илм эгаллаш билан бевосита боғлиқ эканлигини яхши анлаган тараққиийпарварлар ўз матбуотида мактаб масаласига алоҳида эътибор билан қарангандар². “Садои Туркистон” газетасининг дастлабки сонларида ноқ улар ўлкадаги мактаблар аҳволи ҳақидаги масалалар газетада асосий ўрин эгаллашига урғу берилган ҳолда қуйидагиларни ёзади: “Бизнинг бу жаридамиз Туркистон мусулмонларининг аҳволини ислоҳ ва ҳуқуқини мудофаа мақсадила чиқарилгони учун бунда энг кўб баҳс қилинадирғон масала ва энг муҳим сана-

¹ Самарқанд. 1913. №43.

² Туркистон вилоятининг газети. 1908. № 9; Каттақўргон русий ва исломий мактаби // Самарқанд. 1913. № 41; Ҳожи Муин. Ёшларга мурожаат // Самарқанд. 1913. № 34; Самарқанд. 1913. № 36; Самарқанд. 1913. № 41; Самарқанд-янги мактаблар // Садои Туркистон. 1915. № 56.

ладургон мақола шу мактаб тұғрисинда бўлур”¹. Ҳақиқатан ҳам мазкур масала ҳақида жадид матбуотининг деярли ҳар бир сонида маълумотлар берилиб борилди. Жумладан, усули жадид мактабларининг қандай мактаб эканлиги ҳақида тушунча беришга ҳаракат қилинганд². 1908 йилда “Туркистон вилоятининг газети”да чоп этилган мақолада айтилишича, “усули жадида” янги усул бўлиб, янги усул деганда эътиқод ва ибодатда янгилик эмас, балки мураккаб аҳволга тушиб қолган мактаб ва мадрасаларни ислоҳ қилиш, шунингдек оз вақтда кўп билим беришга ҳаракат қилишдир. Муаллиф усули савтиядан дунёning барча миллатлари фойдаланиши ва бу ўқитишининг қулай усули эканлигини тушунтирар экан, бу масала юзасидан маҳаллий аҳоли яқдил фикрда бўлмасдан, икки тарафда турса, қандай уйғониши мумкин, деган савол қўйилади.

Матбуотда жадид мактабларининг ўқув дастури ҳақида ва қўлланилаётган тажрибалар ҳақида маълумотлар берилб борилган. Айниқса, Маҳмудхўжа Беҳбудий янги мактабларда география ва тарих ўқитилиши масалаларига катта эътибор берган ҳамда уларнинг аҳамиятини кўрсатиб берган³.

Бу даврда матбуот саҳифаларида янги мактабларнинг фаолиятидаги камчиликлар ҳам рўй-рост айтилган. Айниқса, уларнинг ягона ўқув дастури асосида иш олиб бормаётгани танқидга учраган. 1909 йилда “Туркистон вилоятининг газети” саҳифаларида чоп этилган “Самарқанддан мактуб” мақоласида⁴ таъкидланишича, битта шаҳарда учта янги мактаб бўлса, уларнинг барчаси алоҳида усул билан, бир маромномага асосланмаган ҳолда иш олиб борган. Жадидлар матбуот орқали баъзи янги усул мактабларининг ўқув дастурлари талабга жавоб бермаслигини танқид қилган. Хусусан, Андижон, Марғилон, Кўқон, Хўжандга бориб, усули жадид мактабларининг аҳволи билан шахсан танишган Маҳмудхўжа Беҳбудий уларнинг ўқув дастурига география ва тарих фанлари киритилмаганлигини афсус билан таъкид-

¹ Туркистон мактаблари // Садои Туркистон. 1914. № 1, 2.

² Бўронов Имомали. Редакцияга мактуб // Туркистон вилоятининг газети. 1908. № 22.

³ Беҳбудий. Жуғрофия илми // Туркистон вилоятининг газети. 1905. № 12, 13; Тарих ва жуғрофия // Туркистон вилоятининг газети. 1908. № 90 .

⁴ Самарқанддан мактуб // Туркистон вилоятининг газети. 1908. № 69. (мақола муаллифи кўрсатилмаган, лекин муаллиф Беҳбудий бўлса керак. Чунки 1909 йил 21 августда Самарқандга ташриф буюрган Туркистон генерал- губернатори генерал - лейтенант Самсонов Беҳбудий билан учрашиб, унинг янги мактабларда ўқитиладиган фанлар тўғрисидаги фикри билан қизиқкан ҳамда унга янги мактаблар учун ёзилган Беҳбудийнинг китоби тақдим этилган эди).

лаган. Қўқондаги мактабда эса унинг муаллими Мулла Салоҳиддин география, ҳисоб, ҳандаса ва рус тилидан хабардор бўлса-да, лекин мактабда фақат тажвиддан бошқа фан ўқитилмаётганини ёзган. Шунга қарамай, жадид мактаблари “ilm диний ва олами замоний”¹ни ўзида мужассамлаштиришга ҳаракат қилганлиги эътироф этилган.

Янги усул мактаблари фаолиятининг ривожланишига тўсқинлик қилаётган муаммолар сирасига эскича фикрлайдиган уламоларнинг қаршилиги ва ҳукуматнинг бундай мактабларга шубҳа билан қараши ҳамда қаттиқ назорат қилиниши ҳам киритилган. Матбуот саҳифаларида жадидлар бу муаммоларни ҳал қилишга ҳаракат қилишгани ҳам ўз аксини топган. Хусусан, 1914 йилда “Садои Туркистон” газетаси саҳифасида шубҳа ва қаршиликларини заифлаштириш мақсадида уламо ва ҳукумат амалдорларининг имтиҳонларга чақирилгани, шунингдек, ўқув дастурига киритилган китоблар ва маромномаларни ҳукумат тасдиғидан ўтказилаётгани таъкидланган².

Шунингдек, 1916 йилда Тошкентда Мунаввар Қори Абдурашидхоновнинг янги усул мактабида синфдан синфга ўтиш ҳамда битириш имтиҳонларида иштирок этиш учун шаҳарнинг обрўли кишилари, муллалар, ўқувчиларнинг оталари ва ҳатто, оналари ҳамда маориф соҳасида хизмат қилувчи руслар таклиф қилинган. Бундан ташқари, 300 нафар ўқувчи имтиҳон топшириш жараёнини қўриш учун 200 нафарга яқин ўқувчилар ташриф буюрган. Ўқувчилар шариатдан, араб грамматикиси ва Қуръон тиловатидан имтиҳон қилинган³. Усули жадид мактабларида имтиҳон ўтказиш тартибининг жорий қилиниши ҳам унинг илфор ғояга таянганлигини кўрсатувчи омил эканлигини кўрсатади⁴.

Тараққийпарварлар XX аср бошида эски ва янги мактаблар фаолиятини ёритиши ҳамда халққа жадид мактабларининг устун томонларини кўрсатиш мақсадида янги усул-саҳналаштиришдан фойдалана бошлаганлар. Хусусан, “Туркестанские ведомости” газетасида Ҳожи Муин Шукруллаев қаламига мансуб бўлган “Эски ва янги мактаб” номли пьесанинг моҳияти билан газета ўқувчилари батафсил таништирилган ва унга “биринчи маротаба эски мактабларнинг ҳақиқий ахволини саҳнада намойиш қилган асар”, деб баҳо берилган⁵.

¹ Махмудхўжа бин Беҳбудхўжа. К вопросу о новых мактабах // Туркистон вилоятининг газети. 1908. №94.

² Туркистон мактаблари // Садои Туркистон. 1914. №4.

³ Андреев Г. Экзамены в новометодном мактабе // ТВ. 1916. №106.

⁴ Имтиҳон масаласи // Садои Туркистон. 1914. №9.

⁵ Андреев Г. Мактаб на сартовской сцене // ТВ. 1916. № 207.

Расмий матбуотда халқ орасида янги усул мактабларининг нуфузи ошаётганлиги сабабларини кўрсатишга ҳам ҳаракат қилиниб, эски мактабларда ўн йилда ўрганадиган билимларни усули жадид мактабларида икки-уч йилда эгаллашлари мумкинлиги қайд этилади. Газетада ёзилишича, дастлаб бундай мактабларга қарши бўлганлар ҳам бу даврга келиб ўз фарзандларини усули жадид мактабларига ўқишига олиб келган¹. Шунингдек, рус тилидаги хусусий газеталарда ҳам мазкур мактабларда шариат асослари яхши ўқитилиши бу мактабларнинг ютуқларидан бири сифатида кўрсатилган ва уларда мусулмон ота-оналар билиши шарт деб ҳисоблаган ислом асосларини ўқувчиларга яхши ўргатилганлиги эътироф этилган².

Жадид тараққийпарварлари томонидан ўлқада ташкил этилган янги усул мактабларининг жиҳозлари ва ўқув предметлари эски мактабларнидан кескин фарқ қилиб, уларнинг дарсхоналарида партा, доска, стол ва стуллар, ўқув кўргазмалари мавжуд бўлган. Аммо газетада мактабларнинг баъзи замонавий ўқув қуроллари айниқса, глобуснинг мавжудлиги ҳамда ернинг айланна шаклда эканлиги тўғрисидаги фикрлар ота-оналар, айниқса оналар томонидан қаттиқ қаршиликка учраётгани ҳикоя қилинади³.

М. Беҳбудий Туркистон бойларини миллат равнақи учун хайр-эҳсон қилишга чақириб, агар йилда ўн бой минг сўмдан берса, Тошкентда 25 бола учун кечки ва эрталабки мактаб ташкил қиласа бўлади, шунда ҳар йили 50 та бола тайёрланар эди. Уларнинг ичидан миллатга зарур бўлган ҳуқуқшунос, муҳандис, доктор, муаллим етишиб чиқиши мумкинлиги қайд этилади⁴. “Самарқанд” газетасида чиққан бошқа бир мақолада миллат бойларини Россиядаги бошқа миллат бойларидан, Кавказ, Қirim, Қозондаги мусулмон бойларидан ўrnak олиб, мактаблар очиб, миллат болаларнинг ўқиши учун моддий маблағ билан ёрдам беришга, хайр-эҳсон қилишга чорлайди. Бошқа миллат болалари каби таҳсил олаётган болаларга стипендиялар беришни ташкил қилиш таклиф этилади⁵.

Мазкур газетадаги бошқа бир мақолада Туркистон маҳаллий аҳолисининг болалари ва русийзабон болаларнинг аҳволи солишири-

¹ К вопросу о туземной школе // Туркистон вилоятининг газети. 1911. № 17.

² Алматов. Новометодный мактаб в г. Самарканде // Самаркан. 1906. № 37.

³ Алматов. Новометодный мактаб в г. Самарканде // Самаркан. 1906. № 37.

⁴ Беҳбудий М. Эҳтиёжи миллат // Самарқанд. 1913. № 7.

⁵ Миллатлар қандай тараққий этарлар? // Самарқанд. 1913. № 31.

либ, мақола муаллифи миллат истиқболидан қайғуриб русийзабон болалар эрталабдан мактабларга билим олишга борса, бизнинг болаларимиз бир кунда йигирма тийиндан бир сўмгача олмоқ учун суткасига 12 соат меҳнат қилиш учун кўчама-кўча иш излаб юради, деб ёзади¹. Газета саҳифаларида ҳозир миллат олдида икки йўлдан бирини танлаш вазифаси турибди, бири бошқа миллатлар каби замонанинг илм ва хунарини эгаллаш бўлса, иккинчиси бор нарсаларимизни ҳам қўлимиздан бериб, тўй-маърака ва беҳудаликка сарф этиб, бошқаларга хизматкор бўлишдир², бу йўлдан қайсини танлаш билан миллат истиқболи, унинг келажаги белгиланиши тушунтириб берилади.

Жадид матбуотида мусулмон қизларга хорижий давлатларда ўқиш ҳам таклиф этилади, бу эса ўз даври учун жуда илғор фикрdir. “Самарқанд” газетасида мусулмон қизлар учун Истамбулда махсус мактаб очилгани, унда илм эгаллаш билан бирга бола тарбияси, табиблиқ, бичиш-тикиш, муаллимлик ҳунарлари ўргатилиши тўғрисида маълумот берилиб, Туркистон қизлари ҳам ўқишга даъват этилади. Қизларга ҳоҳишига қараб араб, татар, рус, инглиз тиллари ўргатилиши айтилади. Хабарда ёзилишича, мактабни ташкил қилишдан мақсад аввало жамият равнақи учун хизмат қилиш ва ислом оламига тарбияли ҳамда маълумотли оналар етиштириш эди³.

Таъкидлаш жоизки, Россия империясининг мусулмонлар яшайдиган ҳудудларида нашр қилинган матбуот саҳифаларида ҳам таълим соҳасида ислоҳотлар ўtkазиш зарурияти тўғрисидаги фикрлар тез-тез янграб турган. Жумладан, Кавказ жадидларининг “Жаридат Доғистон” номли газетасида (араб имлосида) ҳам ўқитиш асосларини ўзгартириш ҳақидаги фикрларни илгари сурган кўплаб мақолалар чоп этилган. Уларда эски ўқитиш усуслари натижасида Кавказ халқлари ривожланишдан орқада қола бошлагани таъкидланиб, бу масалаларни кўтаришдан мақсад халқни ғафлат уйқусидан уйғотиш ва тўғри йўлга солиш эканлигига алоҳида урғу берилади. Мақсад араб тилини ва диний матнларни ўрганишдан воз кечиш мақсад қилинмасдан, маърифатга интилишни уйғотиш мақсад қилингани эътироф этилади. Уларда ҳам анъанавий таълим масканларида 20–30 йиллаб араб тили ўрганганлар бу тилни янги усулда 2–3 йил ўқиганлар каби билиши ҳақида барадла ёзишга ҳақли эканларини айтади-

¹ Таҳсил ойи // Самарқанд. 1913. №41.

² Таҳсил ойи // Самарқанд. 1913. №41.

³ Самарқанд. 1913. № 34.

лар. Анъанавий таълим масканларини ислоҳ қилиш йўллари таклиф қилинади¹.

Хулоса қилиб айтганда, ўлка тараққийпарварлари халқ равнақи ва ривожи ҳамда фарзандлар камоли учун илм эгаллаш биринчи ўринда туришини англаган ҳолда Туркистон ёшларига замонавий билимлар бериш муаммосини кўтариб, диний илмлар билан биргаликда тарих, география, математика каби фанларни янги усул мактаблари ўқув дастурига киритишни таклиф этди. Туркистон тараққийпарварлари замонавий илм ўрганиш деганда замонавий ҳунарларни эгаллашни ҳам назарда тутган эди. Улар ўз ғояларини матбуот ва театр орқали тарғиб қилдилар, бу борада матбуот катта бир минбарга айланди ва халқнинг бу борадаги дунёқарашини кенгайтиришга ҳаракат қилди. Лекин улар фақат тарғибот билан чегараланмасдан ўз ғояларини амалда жорий қилдилар, китоб ва дарсликлар нашр эттиридилар, уларнинг баъзилари қайта-қайта нашр қилинди. Туркистон тарққийпарвар кучлари ёшларнинг илм эгаллашлари йўлида толмай меҳнат қилдилар. Улар бу йўлда нафақат қуч-файратини, мол-дунёсини, балки жонини ҳам тикдилар.

¹ Наврузов А. “Джаридат Дагестан” – арабоязычна газета кавказских джадидов. М.: Изд.дом Марджани, 2012. С. 44–45.

IV БОБ. МАНБАЛАР: ТАҲЛИЛ ВА ТАЛҚИН

Ўзбекистон маданий мероси фотосуратлар талқинида

Жаннат Исмаилова

Ўзбекистон тарихи давлат музейи директори, т.ф.д., профессор

Тарихий фотосуратларда асрлар давомида суратларга ва ҳужжатларга муҳрланган тарихни қўриш мумкин. Ҳақиқатан ҳам ҳужжатларда акс этмаган турли даврларга оид тарихий муҳитни ўз ичига олган суратлар ўша давр муҳитини тасаввур этишда катта манба бўлиб хизмат қиласди.

Ўрта Осиёдаги тарихий муҳит, аҳолининг турмуш тарзи ва географик маълумотлар айнан фотография орқали бу кунгача етиб келди.

Ўрта Осиёга бу фотография дастлаб 1858 йилда А.С.Муренко томонидан кириб келди. Оренбургдан Хива ва Бухорогача ҳудудни ўз ичига олган Н.П.Игнатьев экспедицияси аъзоси сифатида бу фотограф Марказий Осиёнинг тарихий ва археологик ёдгорликларни суратга олган. 1871–1872 йилларда эса Россия империясининг босқинидан сўнг Туркестон генерал-губернатори К. П. фон-Кауфман буйруғи билан “Туркестон альбоми” тайёрланди. Эроншунос олим А.Л. Кунга альбом учун археология ва этнография бўйича материал тўплаш, Н.Н. Нехорошев хамда К.Е. Кривцовга суратга олиш вазифалари топширилган.

Янги забт этилган ҳудудларни тез ўрганиш ва тасаввур ҳосил қилиш учун бошланган бу сайъ-ҳаракат асосан маҳаллий аҳолининг турмуш тарзи, миллий қадриятлари, типажлар, миллий либослар, археологик ёдгорликлари, мамлакатнинг саноати ва ҳунармандчилиги, шунингдек, Ўрта Осиёни биринчи бўлиб кашф этган шахсларнинг портретлари акс этиши лозим эди.

Альбомнинг катта қисми меъморий обидаларга бағишлиланган фотосуратлардан иборат. Суратга олиш жараёнлари асосан Тошкент, Самарқанд, Қўқон, Андижон ва Туркестон шаҳарларида амалга оширилган. Бу ўлкада истиқомат қилувчи бухоро яхудийлари, тожик ҳунармандлари, тўй ва маросим удумлари, хонлар ва сарой аъёнларининг портретлари, бозорлар, кўчалар, маҳаллалар ва умуман олганда, аҳоли ҳаётининг турли жабҳаларини акс эттирувчи фотосуратлар тўпланган.

Бугунги кунда бу альбомнинг 2 та нусхаси Санкт-Петербург кутубхонаси ва АҚШ Конгресси кутубхонасида сақланмоқда¹.

Россиядаги Кунсткамера музейнинг иллюстрация фонди 550 та коллекциядан иборат бўлиб, унда асосан (50 минг) суратлар, чизмалар, шиша ва пленка негативлари, фотосуратлар ва табрикномалар, шунингдек, фотоальбомлардан иборат. Бу коллекциялар гурухларга ажратилиб, XIX асрнинг охири – XX асрнинг бошларида Ўрта Осиё худудида яшаган ўзбеклар, қозоқлар, тожиклар, туркманлар, қирғизлар, дунганлар, яхудийлар, уйғурлар, лўлилар каби турли миллат ва элатларнинг ижтимоий ҳаёти хақида маълумот беради². Шунингдек, бу коллекцияда хонлар, беклар, қабила бошлиқлари, руҳонийлар, маҳаллий маъмурият вакиллари, хунармандлар, театр санъаткорлари портретлари ҳам мавжуд. Бундан ташқари, халқнинг турмуш тарзи, маданияти, савдо-сотик, тарихий ва маданий воқеалар, транспорт воситаси, амалий санъат, дин, мусиқа, меъморчилик, урфодатлар каби соҳаларни ўзига жамлаган коллекциялар ҳам мавжуд.

Дастлабки тўпламлар хақида сўз борганда шуни айтиш жоизки, биринчи коллекцияларнинг шаклланиши саёҳатчилар билан чамбарчас боғлиқ бўлган. Фотография пайдо бўлишига қадар саёҳатчилар экспедицияларда қалам ва акварель билан матнларга кирмаган ҳолатлар ва тарихий манзараларни тасвирлашга ҳаракат қилганлар. XIX аср давомида машхур рус саёҳатчилари Ўрта Осиё худудига кўп-лаб экспедицияларни уюштирган. Экспедиция иштирокчилари расм чизиши билмаса, албатта ўзлари билан рассомни олиб юришган. Лекин бундай суратларни тўплаш ва коллекция сифатида жамлаш ишлари ўз вақтида жиддий қаралмагани сабабли улар ҳозирда жуда оз миқдорда сақланиб қолган.

Фотографияни пайдо бўлиши билан бутун жамиятни ушбу соҳага нисбатан бўлган қизиқиши жуда кучайди. Табиийки, фотографиянинг фан соҳасига кириб келиши экспедицияларнинг тўлақонли маълумотлар йиғишига катта омил бўлиб хизмат қилди. 1848 йилга келиб шиша негативларнинг пайдо бўлиши суратларни бир неча нусхада тайёрлашга имкон яратди.

Шу тариқа Туркистон ўлкаси ҳаёти ва турмуш тарзи билан боғлиқ бўлган бир неча альбомлар пайдо бўлди. Улардан бири подпо-

¹ Русский Туркестан глазами первых фотографов. <https://vesti.uz/>

² В. А. Прищепова. Иллюстративные коллекции по народам центральной Азии второй половины XIX- нач. XXв. В собраниях Кунсткамеры. Санкт-Петербург: "Наука", 2011. С. 9.

ручик Г. Кривцов томонидан тайёрланган “Виды и типы Хивинского ханства” альбоми бўлиб, у бу ишни К.П.Кауфман топшириғига асосан бажарган. Г. Кривцов жуда яхши фотограф бўлиб, унинг суратлари “Туркистан ўлкасининг географияси ва статистикаси учун материаллар” йилнома саҳифаларида муентазам равишда эълон қилиб борилган. Литографияси Э.Арнгольд томонидан бажарилган бўлиб, альбом 1874 йилда Антропология ва этнография музейи фондига келиб тушган¹. Бу альбом 78 та варак, 39 та фотосуратдан иборат бўлиб, уларнинг сифатида жуда юқори бўлган. Г.Е. Кривцов Хива хонлиги тарихи билан яхши таниш бўлган. Шунинг учун ҳам ҳар бир фотосурат орқасида папирус қофозида унга худуднинг халқнинг турмуш тарзи ва тарихий жабҳаларга тўлиқ тавсиф берилган.

Альбомнинг мазмун моҳияти асосан Хиванинг диққатга сазовор жойлари, кўча ва бозорлари, шунингдек, Хива маъмурияти ва нуфузли вакиллари тасвирланган.

Самуил Мартынович Дудин-Марцинкевичнинг номи (1863–1929) коллекционер, рассом, график, археолог, этнограф ва фотограф сифатида машҳур бўлган. Айнан у Россияда илмий этнографик сураткашликка асос солган. Бадиий фотографлик илмини ўрганди ва ўз даврининг машҳур фотографига айланди. Этнография соҳасида фотографиянинг ўрни ва методологиясига бағишлиланган мақолалар чоп этди.

С.М. Дудин Ўрта ва Шарқий Осиёни тадқиқ этувчи Рус комитети, В.В Радлов тўгарагида машҳур археолог ва этнографлар билан бир қаторда изланишлар олиб борган. Жуда кўплаб экспедицияларда С.М. Дудин академик В.В. Радлов, С.Ф. Ольденбург, В.В. Бартольд, профессоров Н.И. Веселовский, Л.Я. Штернберг каби олимларнинг ёрдамчиси сифатида иштирок этган. Унинг томонидан тўпланган осори-атиқалар коллекциялари кўплаб музейларнинг, хусусан Эрмитаж, Россия этнография музейи, Бадиий Академия ва Ўзбекистон тарихи музейи фондларини бойишига асос бўлиб хизмат қилган².

С.М. Дудин узоқ йиллар давомида 1891 йилдан бошлаб Антропология ва этнография музейининг шарқий ва ғарбий Туркистаннинг қадимияти бўлимида олим ва хазинабон сифатида фаолият юритган. Ўрта Осиёнинг анъанавий маданияти бўйича осори-атиқалар ва фотосуратлар коллекциясини шакллантирган. Рус комитетининг

¹ Прищепова В. А. Иллюстративные Коллекции по народам центральной Азии второй половины XIX- нач. XX в. В собраниях Кунсткамеры. Санкт-Петербург, 2011. С. 184.

² Прищепова В. А. Иллюстративные коллекции по народам Центральной Азии второй половины XIX – начала XX века в собраниях Кунсткамеры. СПб.: Наука, 2011. 452 с.

Археология комиссиясида иш олиб борган Дудин Туркистон үлкаси бўйлаб этнографик ашёлар, жумладан, қуроллар, кийим-кечак, турмуш тарзида ишлатиладиган уй-рўзғор буюмлари, гиламлар, але-бастрдан тайёрланган архитектура безакларини тўплаган.

1893 йилда В.В. Бартольд билан Ўрта Осиёга йўл олди. Музейдаги фаолияти давомида 1900–1909 йилларда ҳар йили Туркистон үлкасига уюштирган экспедицияларида бир қанча этнографик, археологик ашёлар тўплаш билан бир қаторда фотосуратлар ҳам тайёрлаган.

Ўзининг ҳаёти давомида у Самарқанд шаҳрида қўплаб экспедицияларда иштирок этди. Профессор Н.И. Веселовский раҳбарлигидаги экспедициянинг асосий вазифаси Самарқанддаги тарихий ёдгорликларни рўйхатга олиш ва тавсифлашдан иборат эди. 1905–1907 йилларда С.М. Дудин 1600 дан ортиқ темурийлар даврига оид меъморий ёдгорликларнинг фрагментларини суратини олишга муваффақ бўлди. Шунингдек, Самарқанд музейига ўзи томонидан чизилган “Дарвеш” номли асарини совға қилган¹.

Дудин коллекцияси 4000 мингдан ортиқ экспонатдан иборат бўлиб, ўзбеклар, тоҷиклар, туркман, қирғизларга бағишиланган. Улар 35 та коллекция, 1500 та суратлар тўпланган 15 та фотоколлекциядан иборат бўлган². Дудин ўз фаолияти давомида Туркистон үлкасига Рус комитети топшириғи билан бир неча марта ташриф буюрди. Бир қанча тарихий ва меъморий обидаларни ўрганди. Уларнинг фотосуратларини олди ва меъморий безакларни тўплади.

Музей фондида анча вақтгача Афросиёб ёдгорлигига оид 1000 дан ортиқ материаллар сақланган. Кейинчалик эса, унинг асосий қисми Эрмитажга берилган.

1905–1907 йилларда у Самарқандда Шоҳи-Зиннада қазишма ишларини олиб борди. Антропология ва этнография, рус музейлари фонди учун қадимий Ўрта Осиё керамикаси коллекциясини тўплади ҳамда топширди. 1912 йилда яна Дудин томонидан 260 та негативдан иборат коллекция тақдим этилган бўлиб, улар Шоҳи-зинда ёдгорлигининг умумий ва алоҳида деталларининг кўринишидан иборат бўлган³.

Академик Е.Ф. Карский С.М. Дудин хақида қизиқарли маълумотларни бериб ўтган. Унга Ўрта Осиёдаги буддавийлик ва ислом санъа-

¹ Русский Туркестан. 1900. 11 сентября.

² АРАН. Ф. 148. Оп. 1. Ед. хр. 51.Л. 39об. МАЗ.

³ Ўша жойда

ти, кулолчилик, гиламдўзлик ва бошқа бадиий саноат йўналишлари бўйича йирик мутахассис сифатида баҳо беради. Давлат Эрмитажи, рус музейларида С.М. Дудин кулолчилик ва амалий санъат бўйича маслаҳатчи сифатида фаолият юритган.

Антропология ва этнография музейида эса 20 йил давомида Ўрта Осиёning қадимий осори-атиқалари бўлими, тасвирий санъат асарлари, фото устахоналарга раҳбарлик қилиб келган¹. Шу билан биргалиқда у Радлов тўгарагининг котиби, Давлат университетида география факультетида суратга олиш бўйича дарс берган.

С.М. Дудин Россия империясида биринчи бўлиб унинг чекка ўлкаларидағи материалларни тўпловчи илк мутахассис ҳисобланган ва унинг коллекциялари Эрмитаж, Антропология ва этнография музейи, Россия Этнография музейи, Ўзбекистон тарихи музейининг илмий фондини бойитган. Унинг тўплаган коллекциялари қўпгина олимларнинг эътиборини тортган.

С.М. Дудин Петербургга Самарқанддаги зилзила натижасида тўкилган ва бошқа меъморий обидаларнинг безакларини олиб кетиш масаласини кўтарган. Лекин ёдгорликларни сақлаш бўйича маҳаллий комитет уларни олиб кетмаслиқ, шу ернинг ўзида музей ташкил этиш тарафдори бўлган. Фотограф сифатида у барча тарихий обидаларни суратларини олиш, уларнинг мавжуд кўринишини сақлаш ва кейинчалик таъмирлашда муҳим ахамият касб этишини жуда яхши тушунган. Бир неча марта бу ёдгорликларни тиклаш масаласи бўйича таклифлар берган.

Рассом ва фотограф ўзининг кўп йиллик фаолияти давомида этнограф тадқиқотчи сифатида шаклланди. Унинг сайъ-ҳаракати билан музейда Ўрта Осиё халқларининг этнографик коллекцияси шакллантирилди.

Китоб бўйича билимдон тадқиқотчи сифатида 2500 дан ортиқ жилд китоб ва 500 дан ортиқ журналлардан иборат кутубхона ташкил этди.²

1914 йилда у музейга Еттисув, Сирдарё ва жанубий Уралдаги экспедициялардан тўплаган ўзбеклар, қозоқ ва татар миллатига оид негативларни совға қилди. 1917 йилдаги Самарқанддаги экспедицияда маҳаллий аҳолини суратга олган стереокадрлар коллекциясини топширди.

¹ Электронная библиотека Музея антропологии и этнографии им. Петра Великого (Кунсткамера) РАН <http://www.kunstkamera.ru/>

² Прищепова В. А. Иллюстративные коллекции по народам Центральной Азии второй половины XIX – начала XX века в собраниях Кунсткамеры. СПб.: Наука, 2011. 452 с.

Ўзбекистон тарихи давлат музейида ҳам С.М. Дудиннинг фотоальбоми мавжуд бўлиб, унда фотографни Самарқанд, Бухоро, Наманган, Кўқон каби шаҳарларда суратга олган меъморий ёдгорликлар, аҳолининг яшаш жойлари, хунармандчилик устахоналари ва маҳаллий аҳолининг кўринишлари акс этган суратлари жамланган.

Мухтасар қилиб айтганда, С.М. Дудин ўз даврининг етук фотографи, рассоми ва этнограф тадқиқотчи сифатида маҳаллий аҳолини ҳаёти ва урф-одатларини, турмуш тарзини, хон ҳамда амалдорлар портретлари, касби, хунармандчиликнинг турли соҳалари, шаҳарсозлик, меъморий ва археологик ёдгорликларни ўрганиш бўйича жуда кўп тадқиқот ишларини олиб борди. Унинг Россия музейлари учун тўплаган минглаб фотосуратлари ва ашёлари музейларда Ўрта Осиё номли коллекцияларни шаклланишига асос бўлиб хизмат қилди.

Манғитлар даври ёзма манбалари: умумий тавсиф ва бирламчи таҳлиллар

*Аъзамжон Мамаджанов
ЎзРФА Тарих институти таянч докторанти*

Ўзбек давлатчилиги тарихининг босиб ўтилган ҳар бир даври бевосита бой тарихий ўзгариш, тараққиёт хусусиятлари ва ўзаро маданий таъсиrlар билан содир бўлган. Бугунги кунга келиб миллатимиз тарихининг турли босқичларини манбалар асосида ўрганиш муҳимдир.

Мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб кўп асрлик маданий ва илмий ютуқларимиз акс этган ёзма ёдгорликларни сақлаш, ўрганиш ҳамда тарғиб қилишга катта эътибор берилмоқда. Қувончлиси шуки, хукуматимиз мамлакатимизнинг холис ва мукаммал тарихини яратиш йўлида тарихчи олимларга барча шарт-шароитларни яратиб бермоқда. Хусусан, бу борада давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йилдаги “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги қарори¹ халқимизнинг кўп асрлик ноёб илмий-маънавий хазинасидан оқилона фойдаланишга кенг йўл очиб берди.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 майдаги “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2995-сонли қарори.

Ўзбекистон Фанлар Академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти фонди жаҳондаги энг нодир маънавий хазиналардан бири бўлиб, унинг олти бўлимида 26 минг жилд қўллэзма, 39 минг жилд тошбосма китоблар ва 10 мингга яқин тарихий ҳужжатлар коллекцияси мавжуд. Улар Марказий Осиё, хорижий шарқ ҳалқларининг тарихи, маданияти, адабиёти ва бошқа фанлар тарихини ўрганиш учун бирламчи манбалар ҳисобланади. Институт илмий ҳодимларининг йиллар давомида олиб борган самарали илмий фаолияти натижасида фондаги қўллэзмаларнинг “Собрание восточных рукописей” (Шарқ қўллэзмалари тўплами) каталоги нашр қилиниб, фойдаланувчи китобхонлар учун қулай услугубий қўлланма вазифасини ўтамоқда. Ушбу тўпламда ватанимиз тарихининг турли даврларига оид манбалар рўйхати мавжуд бўлиб, булар орасида Бухоро амирлигининг XIX – XX асрлар даври тарихини ёритувчи қўллэзма ва тошбосма асарлар ҳам диққатга сазовордир.

Ҳозирги кунда тадқиқотчи олимлар томонидан Ўрта Осиё тарихининг тарихшунослик жиҳатидан бир мунча ўрганилган бўлса-да, минтақамиз тарихининг XVI асрдан XIX аср ўрталаригача бўлган даври нисбатан кам ўрганилган даврлардан бири ҳисобланади. Буни биз тарихий манбаларнинг йўқлигига эмас, балки аксинча, уларнинг хилма-хиллигига кўришимиз мумкин.

Биргина Бухоро амирлигига 160 йилдан ортиқ вақт мобайнида ҳукм сурган манғитлар сулоласи даврининг узоқ давом этганлигини мазкур даврга оид манбалар хилма-хиллигини бойитганлиги билан изоҳлаш мумкин.

XIX-XX аср бошларида биргина Бухоро шаҳрида яшаган 20 дан ортиқ зиёли олимларининг шахсий кутубхонасида 10 минг нусха турли соҳаларга доир қўллэзма ва тошбосма асарлар сақланган бўлиб, бу хусусида ўтган асрларда Венгер шарқшунос олими Ҳерман Вамбери “Алишер Навоий асарлари ҳар бир ўзбек оиласида хазина” эканлигини ҳайратланиб ёзганини оддийгина бир мисол сифатида кўришимиз ҳам мумкин. Ушбу қўллэзма ва тошбосма китобларнинг кўпчилиги Ўзбекистон ва бошқа давлатларда мавжуд Шарқшунослик институтларининг фондларида сақланмоқда.

Маҳаллий манбалар ўтмиш тарихни ўрганиш ҳамда холисона ёритишда муҳим аҳамият касб этади, албатта. Шу билан бирга ўлкага ташриф буюрган хорижий саёҳатчилар, ҳарбийлар ва амалдорларнинг сафар хотиралари ҳам катта аҳамиятга эгадир. Лекин уларнинг

одатда юзаки ва тасодифий кузатишлари турлича тасаввур ва уй-дирмалардан иборат бўлган. Табиийки, бу хилдаги маълумотлар бир ёқлама характерда бўлиб, бу кузатишларнинг айримлари аста-секин тарихда янгишишларни келтириб чиқарган. Мазкур маънода, маҳаллий ҳаётнинг барча нозикликларини биладиган, тарихий воқеаларнинг бевосита иштирокчилари бўлган маҳаллий аҳолининг кузатувлари катта аҳамият касб этган.

Бу борада Бухоро амирлигининг XIX – XX асрлар даври тарихини ёритишдаги маҳаллий тарихнависларнинг қўшган ҳиссаси бениҳоят катта аҳамият касб этади. Хусусан мазкур давр тарихини ёритувчи асарлар қаторида дастлабки манғит ҳукмдорларидан бўлган Муҳаммад Раҳимхон даври тарихини ёритувчи асарлардан Муҳаммад Вафо Карманагий қаламига мансуб «Тухфат ул - хоний» («Хоннинг тухфаси») асарини келтириш мумкин.

Мулла Муҳаммад Вафо ибн Муҳаммад Зоҳир Карманагий (1685–1769) Бухоронинг ўқимишли ва таниқли кишиларидан, машҳур тарихчи олим. Мулла Муҳаммад Вафо Карманагий «Қози Вафо» номи билан ҳам машҳур бўлиб, у қозилик лавозимига манғитлар сулоласи-нинг асосчиси Муҳаммад Раҳимхон (1756–1759) замонида эришган.

Муҳаммад Вафо Карманагий Бухоро амирлигининг 1722–1782 йиллар орасидаги ижтимоий – сиёсий тарихини ўз ичига олган «Тухфат ул - Хоний» («Хоннинг тухфаси») ёки «Тарихи Раҳимхоний» («Муҳаммад Раҳимхон тарихи») номли асар ёзиб қолдирган. Мулла Муҳаммад Вафо асарнинг фақат 1722–1768 йил воқеаларини ўз ичига олган қисминигина ёзган (1769 йил), холос. Унинг давомини, яъни 1768–1782 йил воқеаларини баён этувчи қисмини насафлик Олимбек ибн Ниёзқулибек ёзган¹.

«Тухфат ул-Хоний» саж билан ёзилган, лекин воқеаларнинг тўла ва кенг ёритилиши, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, географик ҳамда этник фактларга бойлиги билан биринчи даражали манбалар қаторида туради.

Асар Бухоро хонлигига XVII ва XVIII асрнинг 20-йилларидан бошлаб кучайиб кетган иқтисодий, сиёсий тангликни, яъни сиёсий тарқоқликнинг кучайиши, бунинг натижасида марказий давлат ҳокимиятининг заифлашуви, манғит ҳукмдорларининг улуслар ва қабилаларни бўйсундириш мақсадида олиб борган тинимсиз урушлари, бунинг оқибатида кўплаб шаҳарлар ҳамда қишлоқларнинг

¹ Аҳмедов Б. Ўзбекистон тарихи манбалари. Тошкент, 2001. Б. 237.

вайрон этилиши, меҳнаткаш халқ турмушининг оғирлашиб бориши ҳамда унинг асосий сабабларини аниқлашга ёрдам бериши мумкин бўлган маълумотларга жуда бой. «Туҳфат ул-Хоний»да бундан ташқари, ўзбек қабилалари ва уларнинг ижтимоий – сиёсий ҳаётда тутган ўрни; аштархонийлар, манғитлар ҳукмронлиги даврида ўзбек қўшини ва давлатининг тузилиши; 1722–1782 йилларда Бухоро амирлигининг Эрон, Афғонистон, Қозоқ ва Кўқон хонликлари ҳамда Қошғар билан бўлган сиёсий муносабатлари тўғрисида ҳам маълумотлар мавжуд.

Мазкур маълумотлар ҳамда мавжуд хужжатлар асосида “Туҳфат ул-Хоний”да ёритилган мавзулар баёнини тўртта асосий қисмга ажратиш мумкин:

А) Манғитларнинг келиб чиқиши ҳамда Муҳаммад Раҳимхоннинг аждодлари.

Б) Нодиршоҳнинг таржимаи ҳоли ва унинг Ўрта Осиёга босқинчилик юришлари тафсилоти ҳамда Бухоро хонлигининг босиб олиши.

В) Бухорода Манғитлар ҳукмронлиги (амирлиги) ташкил топиши ва Муҳаммад Раҳимхоннинг ҳукмронлик даври.

Д) Муҳаммад Раҳимхон вафотидан сўнг Ўрта Осиё сиёсий ҳаётидаги ўзгаришлар ва унинг вориси Муҳаммад Дониёлбий бошқарув даври.

Бугунги кунга қадар “Туҳфат ул-Хоний”нинг тўлиқ ҳолда ўзбек тилига таржима қилиниб, илмий муомалага киритилмаганлиги, асарни илмий жиҳатдан тадқиқ этиш долзарб эканлигини кўрсатади.

Бухоро амирлигининг XIX аср даври тарихини ўрганишда Аҳмад Дониш тахаллуси билан машҳур бўлган Аҳмад ибн Мир Носир ибн Юсуф ал-Ҳанафий ал-Бухорий ижоди ҳам эътиборлидир. Аҳмад Дониш XIX асрнинг кўзга қўринган мутафаккир шоири, далат арбоби ва тарихнавис олими бўлган.

Аҳмад Донишнинг қаламига мансуб 2 асар: “Наводир ул-вақое” ва “Бухоро амирларининг тарихи” бирмунча ўрганилган, холос. Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўллэзмалар фондида Аҳмад Донишнинг 16 та қўллэзма асари тўпланган¹; булардан кўпи муаллифнинг ўз қўли билан ёзилган асл нусхалардир.

Аҳмад Дониш ижодига мансуб бўлган “Наводир ул-вақое” асари Бухоронинг XIX аср тарихи бўйича муҳим манба ҳисобланаб, унда олимнинг Бухоро амири Насрулло ва амир Музффар элчилиги таркибида (1856, 1869, 1873 ва 1874 йилларда) Петербургга саёҳати

¹ Собрание восточных рукописей академии наук Республики Узбекистан. История. 1998.

давомида Россиянинг иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаёти билан яқиндан танишиб, ўз қарашларини келтириб ўтган. Китоб 23 бобдан иборат бўлиб, мустақил асар сифатида китобга киритилган “Мамлакатни бошқариш ва маърифатли қилиш” ҳақидаги рисола асарнинг энг йирик бобидир(бу рисола 4 бобдан иборат). Аҳмад Донишнинг бу рисоласи муқаддима, уч фасл – қисм ва хотимадан иборат. Биринчи фаслда амир ва раиснинг феъл-атвори ҳамда бошқа давлат арбобларининг халқ билан қандай муомалада бўлишлари ҳақида; иккинчи фаслда амирларнинг аскарлар билан ҳамда давлат арбоблари, давлат хизматчилари қандай йўл-йўриқ тутишлари ҳақида; учинчи фаслда шоҳларнинг юртни, элни идора қилиш усуллари, халқпарвар, мурувватли, адолатли бўлишлари ҳақида гап боради¹.

Рисола хотимасида Бухоро амирлигидаги мавжуд тартиблар танқид қилинади. Аҳмад Дониш Бухоро амирлигида Чингизхон замонидан қолган эски тартиб асосида иш олиб борилмоқда, шунинг учун бутун давлат бошқарувини замона талабига мувофиқ қайта қуриш керек деб таъкидлайди².

Аҳмад Дониш мазкур асарида амирга давлатни бошқариш ишларини қайтадан кўриб чиқиши, давлат бошқарув ишларида айrim ислоҳотлар ўтказишни маслаҳат беради. Аммо амир бундан дарғазаб бўлиб, XIX асрнинг 70 йиллар охирларида Аҳмад Донишни пойтахтдан узоқлаштириб, Гузорга қози қилиб юборади.

Бухоронинг XIX асрдаги ижтимоий-сиёсий тарихини ўрганишда олимнинг “Таржимаи аҳвол амирони Бухоройи шариф” асари катта аҳамиятга эга. Асар сўзбошисидан сайёralарнинг инсон тақдиридаги роли, дин ва унинг жамиятдаги ўрни, кейин қисқа тарзда Дониёлбий, Шоҳмурод, амир Ҳайдар ва амир Насрулло хукмронлиги йилларида бўлиб ўтган воқеалар баён этилади. Асарнинг салмоқли қисми амир Музаффарга бағишлиган бўлиб, бу қисмда Бухоро амирлигининг XIX аср иккинчи ярмидаги ижтимоий-сиёсий ҳаёти, шунингдек, чор Россияси қўшинлари томонидан Жиззах ва Самарқанднинг ишғол этилиши батафсил ёритилган³.

Аҳмад Дониш юқорида таъкидлаганимиздек, амирлик тузумида ислоҳотлар ўтказиш дастурини ишлаб чиқсан мутафаккирлардан биридир. Хусусан, Манғитлар салтанати тарихига бағишлиган

¹ Аҳмад Дониш. “Наводирул вақое”. Тошкент, 1964. Б. 40.

² Ўша жойда. Б. 41.

³ Аҳмедов Б.А. Ўзбекистоннинг атоқли тарихшунос олимлари. Тошкент, 2003. Б. 30.

ушбу рисоласида ҳам бир қанча ислоҳотлар ўтказиш таклифи билан чиққан. Булар: 1. Зарафшон дарёси сувини Бухоро ва Самарқанд вилоятлари ўртасидаadolатли тақсимлаш. 2. Бухорода мовут фабрикаси ва консерва заводлари қуриш. 3. Ер ости табиий бойликларини ўзлаштириш ва бошқалардан иборат бўлган¹. Ёки амирлик ҳарбий тизимининг зарбдор кучга эга эмаслигини, ҳарбийларга берилган хақ ниҳоятда пастлиги, уқувсиз, билимсиз одамлар фармон берувчи, лашкарбоши эканлиги, жанг майдонида ўлгандан кейин унинг фарзандлари муҳтожлиқдан ҳалок бўлишини билган хар қандай шахс жасорат қўрсата олмаслиги табиий ҳол эканлиги ҳарбий аскарларнинг жанг вақтидаги беҳафсалалигининг асл сабабларидан бири бўлганлигини таъкидлайди². Шуни айтиш жоизки, Бухоро амирлигининг ижтимоий-сиёсий тузумини қонунийлик ва инсонпарварлик асосида ислоҳ қилиш йўлидаги ҳаракатларни тараққийпарварликнинг дастлабки қўриниши сифатида баҳолаш мумкин.

Кейинги маҳаллий манбалар қаторида Муҳаммад Али ибни Муҳаммад Сайид Балжувонийнинг “Тарихи нофей” номли асари Бухоро амирлигининг XIX – XX аср бошларидағи сиёсий тарихини ёритиб берувчи манбалардан ҳисобланади. Асарда Бухоро инқилоби, Совет давлатининг Бухоро давлатига нисбатан олиб борган сиёсати воқеалар гувоҳи тилидан баён қилинади.

Асар муаллифи Муҳаммад Али Муҳаммад Сайид Балжувонийнинг ўғли бўлиб, Муҳаммад Али 1923 йили Самарқанд шаҳрининг Тилла-кори мадрасасида “Тарихи Нофей” асарини ёзишга киришиб, 1927 йил Балжувонининг Бештанг қишлоғида ниҳоясига етказган³.

Муҳаммад Али Балжувоний Самарқанд ва Бухоро мадрасаларида таҳсил қўриб, бир муддат давлат ишларига ҳам аралашиб юрган. Шу жиҳатдан асаддаги маълумотлар ишончлилик жиҳатидан муҳим аҳамият касб этади. “Тарихи нофей” асарининг муаллифи умрининг охирги қисмини Оқбулоқдара қишлоғида ўтказиб, 70 ёшида оламдан ўтган. Асар қўллөзмасининг тавсифи, камчиликлари, хусусиятлари ҳақида А.Муҳторов кенг маълумотлар ҳам бериб ўтган⁴.

“Тарихи нофей” қисқа кириш, 15 боб (мақсуд, мақсад) ва хотимадан иборат. Асар бобларининг номлари қўйидагича:

¹ Аҳмад Дониш. “Рисола ёхуд манғитлар хонадони салтанатининг қисқача тарихи”. Тошкент, 2014. Б. 107.

² Ўша жойда. Б. 46.

³ Муҳаммад Али ибни Муҳаммад Сайид Балжувоний. “Тарихи нофей”. Душанбе. 1994. Б. 3.

⁴ Ўша жойда.

- 1.Бухорои шариф ўлкасининг фазилатлари ҳақида.
- 2.Самарқанди фирмавсмонанднинг фазилатлари ҳақида.
- 3.Бухоро подшоҳлари салтанатларининг тартиби ҳақида. Ўз навбатида, бу боб 7 фаслга бўлинади.
- 4.Сайид Олимхон ибн Абулаҳадхоннинг салтанати ва унинг даврида рўй берган ҳодисалар ҳақида.
- 5.Амир Олимхон ва Бухоро муҳожирларининг Колесов воқеалиаридан кейинги аҳволоти ва унинг Афғонистон вилоятига чекиниши ҳакида.
- 6.Русия шўроларининг зафар топгани, Бухоронинг босиб олиниши, Амир Олимхоннинг Ҳисор ва Афғонистонга қочганидан кейин Бухоронинг хароб бўлиши, бухороликларнинг аҳволи ҳақида.
- 7.Бухорода иттифоқчи шўролар ҳукумати ва инқилобчиларнинг хукмронликлари ҳақида.
- 8.Бухородаги хароб бўлган иморатлар, баъзи мадраса ва қабристонларнинг бузиб, таъмир этилиши, Русия иморатларига ўхшаш қурилишлар олиб борилиши ҳақида.
- 9.Бухоро подшоҳларининг саркарда ва амалдорлик номи билан танилган баъзи мансабдорлари ва хизматкорлари ҳақида.
- 10.Амир Олимхон билан Афғонистонга қочиб кетган амалдор ва фуқароларнинг аҳволлари, Бухоро ва унинг ноҳияларига қайтганлар аҳволидан хабарлар.
- 11.Амир Олимхон қочганидан сўнг Бухоро ва Самарқандда босмачилик ҳаракатининг бошланиши, бу жамоанинг ғалаёни.
- 12.Илми ҳикмат ҳақида.
- 13.Баъзи файласуфларнинг шарҳи холи ҳақида.
- 14.Тақвимлар, абжад ҳисоби, ривоят ва асотирлар.
- 15.Мовароуннаҳр, Бухоро, Самарқанд ва Усмоний давлатлар подшоҳларининг тарихлари ҳақида¹.

“Тарихи нофей” асарининг муаллифи кўп масалаларни ҳаққоний ва холис баҳолаган, ҳиссиётларга берилмаган. Асар муаллифининг Бухоро амирлигида давлатнинг идора этилишига оид маълумотлари, жадидлар ва тараққийпарварларга берган баҳолари, Бухоро инқилоби ва унинг оқибатларига бўлган муносабатлари ниҳоятда аҳамиятли ва қизиқарлидир. “Тарихи нофей” асари бизга маълум бўлган бир қатор асарларнинг маълумотларини тўлдиради, баъзан янгича талқин қилиш учун ёрдам беради. Муҳаммад Али Балжувоний

¹ Муҳаммад Али ибни Муҳаммад Сайд Балжувоний. “Тарихи нофеъи”. Душанбе, 1994. Б. 6.

ний баён қилган даврнинг баъзи бир масалалари Аҳмад Доңиш, Садриддин Айний, Садри Зиё, Амирзода Ҳашмат, М.С. Андреев ва О.Д. Чехович, В.В. Бартольд, А. Вамбери, Д.Н. Логофет, А.А. Семёнов, О.А. Сухарева ҳамда бошқа ўзбекистонлик олимларнинг асарларида тадқиқ қилингандан¹.

Манғитлар даври тарихини ёритувчи муаллифлар қаторида кейингиси хонлик намоёндаларидан бири Муҳаммадҳакимхон ибн Маъсумхон Тўра бўлиб, у она томонидан Қўқон хони Норбўтабийнинг набирасидир. “Мунтахаб ат-таворих”² (Сайланган тарихлар китоби) асари муаллифи бўлган Муҳаммадҳакимхон тўра Қўқон тарихнавислик мактабининг йирик намояндаси ҳисобланиб, муаллиф ҳақидаги маълумотлар асосан шу ёзма ёдгорликнинг ўзида келтирилган.

Ўзбекистонда манбашунос олим Энвер Хуршут томонидан “Мунтахаб ат-таворих” бир мунча маҳсус ўрганилган. Э.Хуршут ўз тадқиқотларида асарнинг нусхалари, унинг манбалари, тарихий ва адабий манба сифатидаги аҳамияти, мемуар жанридаги нодир асар экани ва Ҳакимхоннинг саёҳатларини кенг таҳлил қиласиган³.

“Мунтахаб ат-таворих” асарини Муҳаммадҳакимхон форс-тожик тилида Китоб ва Шахрисабз шаҳрида 1843 йилнинг ёзларида ёзиб тугатган. Мазкур асар Қўқон тарихнавислик мактабининг ғайрирасмий тарихий асарлари сирасига киради. Унинг илова қисми эса 1844 йилнинг охири ёки 1845 йилда ёзилган. Муаллиф нусхасидан 1843 йили яна ўнта нусха кўчирилгани ҳам маълум. Муҳаммадҳакимхон асари хонлик худудларида кенг тарқалишидан ўзи ҳам манфаатдор бўлгани учун ундан нусхалар кўчиришга анча саъй-ҳаракат қиласиган. Юқорида таъкидланганидек, “Мунтахаб ат-таворих”нинг ўзбек тилидаги қисқартирилган таржимаси ҳам мавжуд⁴. Бироқ бу

¹ С. Айний. Бухоро. Асарлар. IV жилдли. Душанбе, 1957; Садри Зиё. Наводири Зиёя. Душанбе, 1991; Ҳашмат Мир Муҳаммад Содик ибни Музофар. Дафтари мусаввадаи Ҳашмат. Қўлёзма. ЎЗР ФА ШИ № 2397; Андреев М.С., Чехович О.Д. Арк-кремль Бухары. Душанбе. 1972; Бартольд В.В. Церимониал при дворе узбекских ханов в XVI веке. Сочинения. 1962; Вамбери А. История Бухары или Трансаксонии с древнейших времен до настоящего. 1873; Вильданова А.Б. Подлинник бухарского трактата очинах и званиях. Письменные памятники Востока. 1970; Логофет Д.Н. Страна бесправия. Бухарское ханство в его современном состоянии. 1909; А.А. Семенов. Бухарский трактат о чинах и званиях и об обязанностях носителей их в средневековой Бухаре. 1948; Сухарева Д.А. Бухара XIX начало XX в. 1966; Квартальная община позднефеодального города Бухары. 1976.

² Собрание восточных рукописей академии наук Республики Узбекистан. История. С. 195–198.

³ Хуршут Э. “Мунтахаб ут-таворих” – важный источник по истории Средней Азии и сопредельных стран. Общественные науки в Узбекистане. 1984. № 7.

⁴ Муҳаммадҳакимхон тўра. Мунтахаб ат-таворих. Тошкент. 2010. 730-бет.

таржималарда “Мунтахаб ат-таворих”нинг нусхаси асл форс-тоҗик тилидаги матнидан анча йироқлашиб кетган. Унда қўплаб хатолар, воқеа ва саналарнинг чалкашлиги, таржимон(лар) томонидан муаллиф услубини соддалаштириш ёки матнга ўзгартишлар киритиш ҳоллари кўзга ташланади¹.

Бугунги кунда “Мунтахаб ат-таворих”нинг Ўзбекистон, Тожикистон ва Россия қўлёзма хазиналарида 12 та нусхаси мавжуд бўлиб, улардан №С 470 (Россия), №63 (Тожикистон) ва №592 (Ўзбекистон) даги нусхалар матнларнинг тўлалиги ва яхши сақланганлиги билан ўз қийматига эга қўлёзмалар ҳисобланади².

“Мунтахаб ат-таворих” асари умумжаҳон тарихига бағишлилангани боис муаллиф тарихни олам ва одам яратилишидан бошлаб, XIX асрнинг ўрталаригача бўлган даврни баён қилган. Шунинг учун тақдим этилаётган маълумотларнинг дастлабки қисми бошқа қўплаб тарихий ва адабий манбалар асосида битилган. Шу сабабли улар оригиналлик касб этмай, асарнинг қолган қисми учта мавзуга, яъни Бухоро манғитлари тарихи, Кўқонда ҳукм сурган минглар сулоласи ҳамда муаллифнинг чет элларга саёҳати баёни бўйича тақсимланар экан, бу маълумотларнинг барчаси Муҳаммадҳакимхоннинг ўз қаламига мансуб қимматли манба ҳисобланади.

Муҳаммад Ҳакимхон ўз асарининг манғитлар қисмини ёзища Муҳаммад вафо Карминагий ва Олимбек ибн Ниёзкулибек қаламларига мансуб “Тұхфат ал-хоний”, Муҳаммадшариф ибн Муҳаммаднақийнинг “Тож ат-таворих” ва бошқа муаллифларнинг асарларидан фойдаланган³.

Минглар ва манғитларнинг ҳукмронлиги, яъни Кўқон хонлиги ва Бухоро амирлиги тарихига оид маълумотлар ўта муҳим ва бирламчи манба сифатида биз учун қимматлидир. Шунинг учун ҳам мазкур манба Бухоро ва Кўқон тарихнавислик мактабида ўзининг асллиги ва расмий тарихчи томонидан ёзилмагани билан ажралиб туради.

Асарда, шунингдек, инглизлардан енгилиб Бухорога, амир Насруллоҳ олдига келган аффонлар ҳукмдори Дўстмуҳаммадхон ва унинг ўғиллари Акбархон, Султонхон ҳамда акаси Муҳаммадалихондан сўнг озгина вақт хонлик тахтига ўтирган Султон Маҳмудхон ва бошқа айрим нуғузли руҳонийлар, амалдорлар, шоирлар қисмати ва муаллифнинг шахсий кузатишлари тилга олинади⁴.

¹ Хуршут Э. «Мунтахаб ут-таворих» и его списки. 1987. С. 42 – 43.

² Муҳаммадҳакимхон Тўра. “Мунтахаб ат-таворих”. Тошкент, 2010. Б. 4.

³ Ўша жойда.

⁴ Муҳаммадҳакимхон Тўра. “Мунтахаб ат-таворих”. Тошкент, 2010. Б. 126.

Бундан ташқари “Мунтахаб ат-таворих”да муаллиф учун манба вазифасини бажарган мактублар (Дўстмуҳаммадхоннинг Ҳиндистон генерал-губернатори В.Макнотеннинг котиби Лотга мактуби; Султон Маҳмудхоннинг амир Насруллоҳга хати; амир Насруллоҳнинг Қўқон хони Муҳаммадалихонга хати ва бошқалар)нинг ҳужжат сифатида ҳавола этилиши эса асарнинг тарихий қийматини яна ҳам оширишга хизмат қилган¹.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, Бухоронинг биз ўрганаётган даврини ёритишида маҳаллий ҳаётнинг барча нозикликларини биладиган, тарихий воқеаларнинг бевосита иштирокчилари бўлган маҳаллий аҳолининг қузатувлари бу давр тарихини ўрганишда катта аҳамият касб этади.

Мустамлака даври пахтачилик тарихига оид архив хужжатларини таснифлаш масалалари

Авазбек Мирзаев

Андижон давлат университети катта ўқитувчиси

Туркистон генерал-губернаторлиги ташкил этилгач, ўлкадаги давлат ва нодавлат тузилмаларига тегишли янги ҳужжатлар тизими шаклландиди, ҳозирда ушбу давр сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маданий-маънавий ҳаётини тадқиқ этишда уларни четлаб ўтиш мумкин эмас. Ҳужжатшунослик (документалистика) архив ишида ҳужжатни фақатгина кўриб чиқиб, тавсифини ёзиш эмас, балки, унинг субъекти ва адресати, тузилиши ва энг муҳими унга алоқадор ҳужжатлар комплексини аниқ тасаввур қилган ҳолда классификация қилишни кўзда тутади.

Демак, пахтачилик тарихига оид ҳужжатларни таснифлаш, мавзуга оид архив манбаларини ўрганишдаги муҳим босқич сифатида тадқиқотчига ҳужжат субъекти, унинг юзага келиш сабаблари, вазиятга алоқадор ҳужжатларни комплекс тадқиқ этиш ҳамда ҳужжат ва ундаги маълумотга ҳаққоний баҳо бериш имкониятини беради. Ана шу заруриятдан келиб чиқиб, пахтачилик тарихига тегишли бўлган мустамлакачилик давр маъмурий-бошқарув ҳамда давлат ва нодавлат муассасалар иш тизимига тегишли ҳужжатларни классификациялаш ўринлидир.

¹ Ўша жойда. Б. 120–142.

Мавзуга оид ҳужжатларнинг дастлабки тавсифи Ўзбекистон Миллий архиви йўлқўрсаткичидаги фондлардан ҳам ўрин олган. Масалан, маъмурий-сиёсий бошқарувга алоқадор бўлган Туркистон генерал-губернатори маҳкамаси, вилоятлар ва уларга қарашли уезд бошқармалари ҳамда савдо-саноат ширкатлари фондлари таркибидаги ҳужжатлар тизими қисқача шарҳланган. Бу ҳолатни биргина пахта соҳаси билан шуғулланган ширкатлар мисолида кўрадиган бўлсак, уларга тегишли фондларда асосан пахта етишириш, пахта савдоси ва уни қайта ишлаш ҳамда ташиб кетиш ҳақидаги ёзишмалар ва молиявий ҳисоботлари акс этганини гувоҳи бўламиз.

Туркистонда мустамлакачилик даври ижтимоий-иқтисодий ҳаётини ўрганишда ўлка маъмуриятнинг турли шаклдаги ҳисоботлари манба сифатида алоҳида аҳамият касб этади. Таъкидлаш жоизки, мустамлакачилик даврига оид бир қатор архив материаллари асосида олиб борилган изланишларда ҳам давлат тузилмалари ва амалдорларнинг эълон қилган ҳисоботлари ёки статистик характердаги ҳужжатларга алоҳида урғу берилган¹.

Фарғона вилояти ҳарбий губернаторининг ёрдамчиси ва айни пайтда Туркистонда Зироат ва давлат мулклари бошқармасининг вилоятдаги вакили ҳисобланган амалдор ҳам ҳар йилда пахтачилик ҳолати ҳақида бошқармага ҳисобот - маълумотнома топшириб турган. 1903 йилда мазкур мансабда хизмат қилган С.А. Мелик-Сарқисяннинг қайд қилишича, ушбу бошқарма 1897 йилда ташкил этилгандан буён биринчи ҳисобот 1903 йилда сўралган². 1897 йилда Туркистон ўлкаси Зироат ва давлат мулклари бошқармасининг маҳаллий муассасалари фаолиятини тартибга келтириш мақсадида вилоятларда ташкил этилган қишлоқ ҳўжалик ва солиқ бўлими мансабдорининг ҳам 1902 йилдан бошлаб ўз бошқармасига ҳисобот топшириши йўлга қўйилган. Бундан ташқари, тажриба участкалари мудирлари, агроном ва инструкторлар ҳам ўз ваколати доирасидаги ишлар юзасидан ҳисоботлар топшириб борган³.

Мавзуга оид фондлардан ўрин олган иш ҳужжатлари орасида, ведомостъ, яъни ахборотномалар ҳам қўплаб учрайди. Ведомостлар

¹ Ураков Д.Ж. Официальные отчеты Российской администрации в Туркестане как исторический источник (конец XIX – начало 20 вв.). Автореф. дисс. ... канд. ист. наук. Ташкент, 2005; Хамраева Т.Р. Созидание статистической службы в Туркестане и её деятельность (конец XIX – начало XX вв.) (на примере Ферганской области). Автореф. дисс. ... канд. ист. наук. – Ташкент, 2011.

² ЎзМА, И-7-фонд, 1-рўйхат, 2618-йигмажилд, 14–15-варақлар.

³ ЎзМА, И-7-фонд, 1-рўйхат, 2618-йигмажилд, 15-варақ.

мазмунига кўра, асосан Фарғона вилоят ҳарбий губернатори маҳкамасининг Туркистон генерал-губернатори Маҳкамаси, империя вазирликлари ва уларнинг тури соҳаларга йўналтирилган департаментларига юборилган маълумотларидан иборат. Жумладан, вилоятдаги пахтачилик саноатининг 1889 йил ҳолати бўйича Савдо ва мануфактура департаментига тақдим қилинган ведомостда, ҳудуддаги барча пахта заводлар ҳақида батафсил маълумотлар (очилган йили, асосчиси, ишчилар ва уларнинг иш ҳақи, иш вақтлари, ишлаб чиқариш қуввати ва ҳоказо) берилган¹. Фарғона вилояти миқёсидағи бундай ведомостни тайёрлаш учун вилоят маҳкамаси ўз навбатида уезд бошлиқларига худди шу шаклда сўровнома жўнатган. Улар ҳам одатда ведомость ёки маълумот/нома (сведение) шаклида тайёрланган. Хусусан, Марғилон уездидан 1894 йил яқунлари акс этган ведомость вилоят ҳарбий губернатори маҳкамасининг 1895 йил 28 мартағи 3633 рақами хатига жавобан тайёрланган².

Юридик кучга эга шартномалар орасида савдо-саноат ширкатларининг юридик ва жисмоний шахслар билан тузилган битимлари ҳам манбавий аҳамиятга эга. Бундай шартномаларнинг ёрқин намунаси сифатида, Потеляхов пайчилик ширкатининг олди-сотди ёки чистачилар билан тузган шартномаларини келтириш мумкин. Ушбу ҳужжатда қайд этилишича, 1906 йил 15 январда Обиджон Алисаидов ва Рафаэль Шаломович Потеляхов ўртасидаги олди-сотди шартномасида А. Алисаидов ширкатнинг Кўқондаги вакилига 120 той тойланган тоза америка пахтасининг ўрта навини сотган. Айрим ўринларда маҳаллий аҳолининг чистачиси бўлиш ҳақидаги рус ва араб имлосидаги ўзбек тилларида тузилган шартномалар ҳам қўплаб учрайди. Бундай шартномалардан бири, андижонлик Ўрозбой ҳожи Абдулла Ҳасанов ва Москва савдо-саноат ширкати ўртасида 1906 йил 29 марта тузилган бўлиб, ушбу ҳужжат 13 та банддан иборат³.

Вилоят ҳарбий губернаторининг Тошкент ва уезд бошқармалари билан бўладиган сиёсий-маъмурий ёки ижтимоий-иқтисодий масалалардаги барча ёзишмалари ички кириш-чиқиш рақами билан қайд қилинган инструктив (кўрсатма берадиган) хатлар орқали амалга оширилган. Масалан, Туркистон генерал-губернаторлиги маҳкамасидан Фарғона вилоят ҳарбий губернаторига 1904 йил 10 апрелда юборилган 3600-сонли мактубда, ўлкага американлик пахта сотиб

¹ ЎзМА, И-19-фонд, 1-рўйхат, 24006-ийғмажилд,

² ЎзМА, И-23-фонд. 1-рўйхат. 1939-ийғмажилд,

³ ЎзМА, И-93-фонд, 1-рўйхат, 206-ийғмажилд, 27–28 варақлар.

олувчилар келгани ва уларнинг атайин нархни ошириш учун пахта сотиб олишни режалаштираётгани хусусида хавотирланиш баён қилинган. Шу сабабли, вилоятнинг барча маҳаллий маҳкамалари, пахта савдоси билан боғлиқ барча соҳалар устидан қаттиқ назорат ўрнатилиши хусусида огоҳлантирилган¹. Мактублар, шунингдек, телеграммалар пахта иши билан шуғулланувчи савдо ширкатлари фаолиятини ўрганишда ҳам муҳим аҳамият касб этади. Зеро, мазкур ширкатларнинг марказий ва вилоят, уездлардаги идоралари билан асосий ахборот алмашинуви, мактуб ва телеграмма орқали амалга оширилар эди. Пахтанинг экилишидан тортиб, ҳосилнинг йиғилиши, сотиб олиш ва жўнаташгача бўлган жараённи мактуб ва телеграммалар орқали кузатиш ҳамда назорат қилинишини фақатгина маъмурий идоралар эмас, балки нодавлат тижорат муассасалари фаолияти мисолида ҳам кузатиш мумкин.

Масалан, Ярославль Катта мануфактураси савдо-саноат ширкатининг Тошкентдаги бош идораси ва Фарғона вилояти уездларидағи бўлинмалари билан олиб борилган ўзаро ёзишмаларда, жойларда пахтанинг экилишидан бошлаб то ҳосил йиғиб олингунга қадар бўлган жараён ҳақида 2–3 кунлик, ҳафталик ва ойлик ахборотлар топшириб борилган². Бундай қисқа ахборотларда одатда ҳавонинг ҳолати, пахтачилик аҳволи, бажарилган ва келгусида қилиниши кутилаётган ишлар ёритилган.

Циркуляр яъни директив ташкилотлар томонидан қуий ташкилотларга юбориладиган фармойиш ёки хат тартибида юборилган буйруқлар одатда маъмурий бошқарув тизимнинг юқоридан қуийига қадар давом этган. империя маркази ёки Тошкентдан келган пахтачилик соҳасига доир буйруқлар бажарилишининг бутун бир тизимни ҳамда вазият билан боғлиқ расмий, статистик маълумотларни тасаввур қилиш имконини беради. Бу эса Туркистон генерал-губернатори маҳкамасидан тортиб вилоят, уезд ва участка приставларидан волость оқсоқолигача бўлган маъмурий тизимни ўз ичига олади³. Хусусан, Туркистон генерал-губернатори маҳкамасига қарашли 3-бўлимдан 1889 йил 14 июлда юборилган 3385-сонли хатда, Фарғона вилояти ҳарбий губернаторидан пахтачилик ва заводлар ҳақида ахборот сўралган⁴. Фармойишни ижросини таъминлаш мақсадида,

¹ ЎзМА, И-19-фонд, 1-рўйхат, 26415-йиғмажилд, 1-варақ.

² ЎзМА, И- 99-фонд, 1-рўйхат, 72-йиғмажилд, 18, 25, 28, 31, 32, 153-варақлар.

³ ЎзМА, И-19-фонд, 1-рўйхат, 22885, 22989, 23526-йиғмажиллар.

⁴ ЎзМА, И-19-фонд, 1-рўйхат, 24004-йиғмажилд, 1, 2, 12, 13, 14-варақлар.

вилоят губернатори генерал-майор Н.И. Корольковнинг 1889 йил 4 августдаги 5607-сонли буйруғи билан, уезд бошлиқларига ҳамда Янги Марғилон шаҳри полицмейстерига циркуляр хат тарзида юборилган. Ушбу фармойиш юзасидан, уезд бошқармаларидан 1889 йилнинг 13–22 сентябрида жавоблар қабул қилиб олинган.

Юқоридан келган мазкур циркуляр асосида, Фарғона вилояти ҳарбий губернаторининг уезд бошлиқларига 1892 йил 9 июндаги 4728-сонли фармойиши юборилган. Унда пахта савдоси ҳукумат учун муҳим стратегик аҳамиятга эгалиги сабаб, вилоятда етиштирилаётган пахта ҳақида белгиланган шаклдаги ҳужжат тўлдирилган ҳолда, доимий маълумотнома етказиб туриш қатъий белгилаб қўйилган¹. Шунга мувофиқ, мазкур йиғмажилдда кўрсатилган санадаги уезд бошлиқларидан юборилган хатларда, пахта етиштиришга сарфланган харажатлар ва пахта хомашёсига белгиланган нархлар ҳақидаги маълумотлар ўрин олган.

Рапорт шаклидаги ҳужжат одатда ҳисбот мазмунидаги ёзилган. Лекин у йиллик ва маҳсус ҳисботдан бирор воқеа-ҳодиса ёки кўрсатманинг бажарилиши натижасини маълум қилиш характерида бўлган. Одатда қуидан юқорига пахтачилик ҳақида маълумот бериш мазмунидаги ҳужжатлар туркумига киради. У маъмурий идоралар маҳкамаси ҳужжати сифатида унинг барча бўғинларида муомалада бўлган. Характерига кўра, қишлоқ хўжалиги ёки пахтачиликнинг бирор бир соҳасига оид қисқа хабар ёки бирор бир топшириқнинг бажарилгани ёки унинг яқуни, пахтачилик масаласида кўпроқ пахта далалари, ҳосил ҳақида сўровномага жавобан рапорт тарзида тақдим қилинган. Мисол учун, Туркистон генерал-губернатори маҳкамасининг вилоятдаги америка пахта нави далалари ҳақидаги 1883 йил 24 марта 2915-сонли хати асосида, волостлардан уездларга, уездлардан вилоят ҳарбий губернатори хизматига рапортлар тақдим этилган². Туркистон генерал-губернатори Н.О. Романовскийнинг ташаббуси билан 1884 йилдан бошлаб Америка пахта навларини иқлимлаштиришга янада жадаллик билан киришилди. Ҳатто, ўзбек тилида бу пахталарни парвариш қилиш йўл-йўриқларини ўргатувчи рисола чоп этилди³.

¹ ЎзМА, И-19-фонд. 1-рўйхат. 24275-йиғмажилд, 7–9-вараглар.

² ЎзМА, И-23-фонд, 1-рўйхат. 1442-йиғмажилд,

³ Зиёев Ҳ. Тарих – ўтмиш ва келажак кўзгуси: (Тарихнинг долзарб масалалари). Т.: F. Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 2000. Б. 144.

Далолатномалар асосан коллегиал органларнинг журналларидан ўрин олган. Хусусан, Фарғона вилоят ҳарбий губернатори маҳкамасига Андижон уездининг 15-участкаси солиқ инспектори томонидан тақдим этилган далолатномада кўрсатилишича, комиссия таркибида Андижон уездининг солиқ инспектори Ветберг, Фарғона вилоят мөханиги, инженер-технолог Турнаев, Андижон шаҳри атрофида хизмат қиласиган участка пристави поручик Каратников, В.Е. Гойер ва А. Бурнашев каби гувоҳлар иштирокида, 1900 йилнинг 25 октябрида Балиқчи волости Товулди қишлоғида жойлашган Дармонқул Каримкуловга тегишли пахтани тозалаш ва тойлаш заводининг умумий қиймати баҳоланган. Шунингдек, мазкур солиқ инспектори, вилоят мөханиги ҳамда Избоскан участка пристави штабс капитан Чикунов ҳамда Н.М. Платонов ва Я.Ф. Треногин каби гувоҳлар иштирокида, 1900 йил 27 октябрда Мойли-Избоскан волости Қўғай қишлоғида жойлашган Раҳмат Бадалбоевга тегишли пахтани тозалаш ва тойлаш заводини баҳолашни ўтказган. Бу каби далолатномалар водийдаги пахта тозалаш заводлари моддий-техник базасини ўрганишда жуда муҳим ва уларда акс этган маълумотлар бошқа ҳужжатларда учрамайди¹.

Араб алифбосида битилган ҳужжатларнинг асосий қисми маъмурӣ бошқарувнинг қуи поғонаси ҳисобланган волостларда маҳаллий аҳоли вакилларидан иборат кичик амалдорлар – ариқ оқсоқоллар, мироблар ҳамда маҳаллий аҳоли ва савдо-саноат ширкатлари ўртасида тузилган. Улар одатда шартнома, иттифоқнома, ризонома, иқорнома, тилхат, ариза каби номлар билан эслатилган. Уларнинг айримлари ҳатто ислом қонунчилиги анъаналари доирасида маҳаллий қози маҳкамаларида тузилган. Масалан, 1889 йилда Марғилон уезд бошлиғига мурожаат қилган Эски Марғилон шаҳрининг Юқори ва Қуи Қаландархона ҳамда Косагарон маҳаллаларининг 29 нафар фуқароси маҳаллий савдогарларнинг Қаландархона маҳалласидаги эски сув тегирмон ўрнида пахта заводи қуришига қарши эмаслиги ва заводнинг қурилиши маҳалладаги сув таъминотига дахл қилмаслиги ҳақида ўз розилигини “rizonom” деб номланган ҳужжат орқали маълум қилганлар². Юқори идоралардан уезд маҳкамаларига келадиган пахтачилик ва ирригация масаласига доир ҳужжатлар орасида, араб имлосидаги ўзбек тилида қўлда битилган ҳужжатлар анчагина қисмни ташкил этарди.

¹ ЎЗМА, И-87-фонд, 1-рўйхат, 26461-йиғмажилд, 42-варақ.

² ЎЗМА, И-23-фонд, 1-рўйхат, 1630-йиғмажилд, 3-варақ.

Хулоса ўрнида таъкидлаш мумкинки, Туркистонда давлат ва но-давлат муассасаларда иш юритиш тизимиға тегишли хужжатлар, Россия империясида қабул қилинган меъёрлар асосида олиб борилган. Хужжатлар рус ва ўзбек тилларида, асосан кирилл алифбосида, қисман араб алифбосида битилган. Ўлкада, шу жумладан Фарғона вилоятидаги пахтачиликка оид хужжатлар ҳам ана шу тизимнинг ажралмас бир қисми эди.

XX аср бошида Когонда босилган “Жўнг маъя мухтасар алвиқоя” асари Бухоро фикҳ мактаби тарихи ҳақида муҳим манба

Насриддин Мирзаев

Ўзбекистондаги Ислом цивилизация маркази катта илмий ходими

XX аср бошигача бўлган даврда Марказий Осиё ҳалқининг давлатчилик ва ҳуқуқий соҳадаги назарий билимларга доир манбалар ва амалий жараёнларида қўлланилган меъёрий хужжатлар ва ҳуқуқий мақомни касб этган манбаларни аниқлаб илмий истеъмолга киритиш долзарблигича қолмоқда. Ана шундай масалаларга ойдинлик киритувчи манбалар ҳозирги кунда Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази фондида қадимий ёзма манбаларни давлат реестрига киритиш каби ягона маълумотлар базасига ичидаги ҳам бу каби манбаларни жамлаш ишлари бошланган. Сўнгги беш йил ичидаги Марказ фондида 1088 та қадимий ёзма манбалар (465 қўллёзма ва 623 та тошбосма) ҳисобга олинган.

Марказий Осиё ҳудудида амалда қўлланилган ҳуқуқий нормаларни ўз ичига олган хужжат ва китоб шаклидаги асарларнинг кўплаб-лаб нусхалари сақланган. Тадқиқот натижаларида маҳаллий ҳалққа доир маъмурий ва қонунчилик актлари, қозихона хужжатлари ва мустамлака даври иш юритиш тизимиға оид хужжатлар асосида тадқиқ этилгани ҳамда танланган муаммо қиёсий ўрганилганлиги, илмий хулосаларни илгари суришда Ўзбекистон Миллий архивидаги хужжатлар¹, ЎзРФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўллёзмалар фондидағи манбалар², ЎзРФА Алишер Навоий

¹ ЎзМА, И-18; И-19; И-125; И-126; И-363; И-364; И-365 ва И-366-фонdlар каби ҳуқуқий хужжатлар тўпламлари.

² Мажмуайи маҳзароти форсий. ЎзРФА Шарқшунослик институти қўллёзмалар фондидаги № 6102.

номидаги Давлат адабиёт музейи қўлёзмалар фонди¹ ва Ўзбекистон мусулмонлари идораси кутубхонаси қўлёзмалари тўплами² каби бирламчи манбаларга таянилганлиги билан изоҳланади.

Юқоридаги манбалардан холоса қилинса, Бухоро фикҳ мактаби Мовароуннаҳр диёрдаги ўзига хос тарзда рижовланган. Зеро, қадимий ёзма манбалардан қўлёзма, тошбосма, архив материаллари ичидаги турзи қозилик васиқалари, фатво ва шаръий ривоятларни ўз ичига олган ҳужжатлар бунга яққол мисолдир. Мазкур ҳужжатларни шартли равишда уч турга ажратиш мумкин. Биринчи турга – қозилар ҳукмига асос бўлган муфтий ва аъламлар томонидан тайёрланган маҳзар ва ривоят васиқалари, иккинчи гуруҳга қозилар томонидан юритилган ҳукм ва далолатномаларни қайд қилиш дафтар ёки ҳужжатлар тўпламини, учинчи турга эса – “Жўнг” деб номланган маҳзар ва ривоятлардан мисоллар ёки асл ҳужжатлар тўпламини келтириш мумкин³.

Учинчи турдаги қозилик ҳужжатлари таркибиغا – “Жўнг” китоблари бир ёки бир нечта қозилар томонидан юритилган бўлиб, энг аввало, ўзидан кейинги қозилар уларни ҳукмларни расмийлаштириш учун намуна сифатида ишлатган бўлса, иккинчи жиҳатдан ушбу китоблар шариат қонунларининг тўплами сифатида ҳам хизмат қилган. Зеро, мазкур тўпламлар ичida амалий фикҳий масала ва унинг жавоби ёзилган бўлади. Сўнгги асрларда ушбу турдаги масалаларни “масоили маъмула”, яъни амалда татбиқ қилинган ва ўзгармас масала мавқеига эга бўлган жиддийроқ ҳукмни тақозо этган масалага нисбатан ишлатилган.

Бу масалани яна очиқроқ англаш учун XX асрнинг иккинчи ярмida ўз замонасининг мутахассиси Мир Рабиъ ибн Мир Ниёзхўжа Хусайнининг “Рисолаи Раҳмония” асарига мурожаат қилинса, қуйидагича билиб олиш мумкин: “Маълум бўлсинки, “масоили маъмула” деганда бир муфтий муайян бир масалани ёзиб, унга тегишли шаръий далилни келитириб, сўнг ўз муҳрини босган бўлади. Ўз замонасининг муносиб ва амалдаги қозиси мазкур масаладан келиб чиқиб, ҳукм қилган бўлади. Натижада, бу масала “маъмула” (амал қилинган)

¹ ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейи фонди. “Китобу ал-қузот” (“Қозилар китоби”). № 787/XXIII; XIX асрга оид қози дафтари. Инв. 405-йигмажилд,

² Муҳозарот васиқалари. Ўзбекистон мусулмонлари идораси. Қўлёзма: № 609; Муфта биҳи (“Фатво берилган масала”). Ўзбекистон мусулмонлари идораси. Қўлёзма № 1134; № 544-45; № 559; № 583; № 597; № 636; № 643; № 717; № 727; № 745 ва № 836 рақамдаги “Жўнг” тўпламлари.

³ Мир Рабиъ ибн Мир Ниёзхўжа Хусайний. Рисолаи Раҳмония. Тошкент, ЎзР ФА А.Беруний Шарқшунослик институти. Қўлёзма: № 9060/XII. В. 4036-407а.

масала статусини олади ва то қиёмат (фатво эмас, ҳукм бобида) ўзгармас масалага айланади”¹. Ушбу масалани яна очиқроқ тасаввур қилиш учун “Маҳзар ва ривоят” туридаги ҳужжатларнинг структурасини кўз олдига келтириш билан ўз номланишини “ҳозир бўлган даъвогарнинг масаласи, фикҳий китобларда келган масаланинг ривояти (жавоби)”, деб таърифлаш мумкин. Аниқроқ қилиб айтганда, фуқаролик ёки жиноят ишини кўриб чиқиш учун даъвогар муфтийдан ёздириб олган тегишли бўлиб ўтган воқеа тафсилотларини ёзма шаклда, яъни “маҳзар” деб аталувчи ҳужжат ёки даъво аризаси сифатида қозига келтириши керак бўлган.

Даъво ва низо расмийлаштирилаётган маҳзар ҳужжатларнинг кириш қисми котиблар томонидан ёзилган. Котиб биринчи даъвони ёзганда қуйидаги жиҳатларга эътибор бериши шарт бўлган: 1) даъвонинг вақти ўзгариши мумкин бўлганлиги боис, санага жой қолдирилган; 2) ҳужжатга жавобгарнинг нутқини қайд этиш учун бўш жой ташланган; 3) даъвогарнинг гувоҳлари бўлса, уларнинг исми, куняси, яшаш манзили, асосий ибодат қиласидаги масжидининг номи тўлиқ ёзилган. Икки гувоҳ исмлари ёзилганда уларнинг орасида ҳам бўш сатр қолдирилиб, улар гувоҳларнинг қози мажлисида берган кўрсатмалари билан тўлдирилган. Котиб томонидан қофозда очиқ қолдирилган жойлар қози томонидан тўлдирилган².

Маҳзар ҳужжатларининг матни икки қисмдан ташкил топган бўлиб, биринчisi, бирор воқеа ёки ҳодиса (масала)нинг баёни ва сўрови, иккинчisi, муфтийларнинг ушбу масалага оид фикҳий китоблардан жавоблари ҳавола тарзида келтирилган. Ушбу маҳзарни даъвогар ҳам, жавобгар ҳам сўраб олиши мумкин бўлган. Мазкур матннинг биринчи қисми юқори ўнг тарафда (худди тўғро каби) арабчада: “تَيِّنَنَا بِذِكْرِهِ الْأَعْلَى مَا قَوْلُ أَئُمَّةِ الْإِسْلَامِ رَضِيَ اللَّهُ تَعَالَى عَنْهُمْ اجْمَعُينَ در این مسئله که...”, деган жумла билан бошланади. Яъни (“Аллоҳ таолонинг зикрини табаррук қилган ҳолда, Ислом имомларининг, Аллоҳ таоло барчасидан рози бўлсин, сўзлари қуйидаги масалада нимадан иборат...”), деб бошланади. Ҳудудларнинг хусусиятидан келиб чиқиб, маҳзарда ёзилган ҳужжат тили форс ва эски ўзбек (чиғатой) бўлса-да, ушбу кириш қисмидаги жумла доим арабчада ёзилган³.

¹ Мир Рабиъ ибн Мир Ниёзхўжа Ҳусайнин. Рисолай Раҳмония. Кўллёзма: № 9060/XII. Б. 4036.

² Бекмирзаев И., Мирзаев Н. Исломда қозилик маҳкамалари. Тошкент: Qaqnus Media нашриёти, 2019. Б. 139.

³ Тошкентда тузилган маҳзар ҳужжатларининг намуналари ҳақида қаранг: ЎзР ФА ШИ Кўллёзмалар фонди, № 3102. Б. 2, 4, 21, 27 ва 29-варақлар.

“Жўнг” тўпламлари ичида ҳам айни шу маҳзар ва ривоят масалалари баъзан асл нусха сифатида муҳрли бўлиб келса, кўп ҳолларда намуна сифатида шартли кўрсатма ва шартли масала сифатида атрофига жавоблар мўътабар ҳанафий фикҳ китобларидан ҳаволалар келтирилган бўлади. Мир Рабиъ ибн Мир Ниёзхўжа Ҳусайнининг “Рисолай Раҳмония” асари охирида Бухоро олимлари наздида мўътабар ва ғайри мўътабар фикҳий китобларнинг муфтийлар томонидан қўлланиши ва суюниши бобида “Жўнг” китобини “мажмуаи масоил” (фикҳий масалалар тўплами) деб номлаб, фатво бериш бобида мўътабар бўлмаган китоблар сирасига киритса-да, қозилар учун муҳим қарор ва ҳукмлар манбаи эканини инкор этмаган¹. Худди шу маънони ўз тадқиқотлари бевосита очиб берган манбашунос олим, тарих фанлари доктори С. Муҳаммадаминов ҳам алоҳида “Жўнг” китобларини таҳлил қилиш жараёнида урғу бериб ўтган².

Бухоронинг Когон матбаъасида чоп этилган “Жўнг маъа Мухтасар ал-виқоя” асари Бухоро фикҳ мактаби тарихи ҳақида муҳим манба эканини исботловчи маълумотларнинг асардаги титул варагида учраганидир. Жумладан, қуйидагилар ёзилган: “Ушбу асарда Мулло Муҳаммадий маҳдумнинг қўллаб-қувватлови билан Бухоро шаҳридаги уламолари наздида мўътабар бўлган (бир нечта) жўнгдан сараланган масалалар жой олган ва 1327 (1909) йилда Когонда босилган”³. Титул варагининг чап ҳошиясида қуйидаги қози ва муфтийларнинг исмлари муҳсимон доира ичида ёзилган:

- 1) Қози ал-қузот қози Мирзо Иноятуллоҳ Мавлавий бин Мирзо Неъматулоҳ муфтий;
- 2) Муҳаммадхўжа Порсо судур муфтий ибн Қози ал-қузот Мирзо Иноятуллоҳ.

Ушбу “Жўнг маъа Мухтасар ал-виқоя” асарнинг ёзилиши даврига эътибор қаратилса, 1909 йил бўлиб Амир Абдулаҳад ҳукмронлигининг охирги йилларига тўғри келади. Исмлари қайд қилинган қози ва муфтийлар томонидан тўплангани тахмин қилинади. Эътиборлиси шуки, ушбу жўнг тўпламида жамланган масалалар “Мухтасар ал-виқоя” асарининг 41 та бобига оид зарур ва даврий эҳтиёжлардан келиб чиқиб муҳим масалалар жамланган.

¹ Мир Рабиъ ибн Мир Ниёзхўжа Ҳусайний. Рисолай Раҳмония. Кўлёзма: № 9060/XII. Б. 4036.

² Муҳаммадаминов С.А. Влияние Индийских фетв на Центральную Азию. Бишкек: “Ala-too” халқаро университети нашриёти, 2019. № 4. Б. 209.

³ Жўнг маъа Мухтасар ал-виқоя. Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази фонди. Тошкент, тошбосма № 611. Б. 1-766.

Шу ўринда айнан нима учун “Мухтасар ал-виқоя”нинг жўнг масалаларини тўплашга асос қилиб олинган деган савол туғилса, жавоби шуки, мақолада зикр қилинган Мир Рабиъ ибн Мир Ниёзхўжа Ҳусайнининг “Рисолаи Раҳмония” асари охирида бунга жавоб бор. Яъни “Мухтасар ал-виқоя” ичida ёзилган барча масалалари қиёматгача ҳанафий мазҳаби доирасида тўлиқ амал қилинадиган масалалар сирасига киради. Бу асар ёзилгандан кейин бунинг мисли ҳануз ёзилмагани таъкидланади. Шу боисдан кўплаб фатво тўпламлари шу асосида жамланган. Ҳусусан, биз олиб чиққан ушбу “Жўнг маъба Мухтасар ал-виқоя” асари ҳам шу жумладандир.

“Туркестанские ведомости” газетасида Туркистон музейлари фаолиятига доир маълумотлар

Дилноза Назарова

*Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети
ӯқитувчиси*

Туркистондаги музейлар ва уларнинг тарихини ўрганиш мустақиллик йилларидағи музейлар тараққиёти илдизларини аниқлаш, қиёсий таҳлил қилиш ёрдамида музей иши амалиётидаги ижобий ва салбий томонларни аниқлашга ёрдам беради. Совет давридаги мутахассислар Туркистон музейлари ва уларнинг фаолиятини сobiқ тузум мағкураси доирасида ёритган бўлса, бугунги кунда аввалги тарихий жараёнга холис баҳо бериш имконига эга бўлинди. Бу эса совет даври музейшунослари тажрибаларининг ижобий томонлари рад этилмаган ҳолда давр ва сobiқ мағкура таъсиридан холи, жаҳон андозаларидан келиб чиққан тарзда танқидий ёндашув асосида ўрганишни белгилайди.

Бизга маълумки, Россия империяси Ўрта Осиё ҳудудини эгаллаб бўлгач унинг олдидаги энг катта вазифа ўлкани ер ости, ер усти бойликларини мукаммал ўрганиш эди. Бу борада катта дастур ишлаб чиқилиб, етакчи олимлар иштирокида 3 та катта ишчи гуруҳ ташкил этилди. Тарқоқ коллекцияларни бирлаштириш ва уларни саралаб Петербургга жўнатиш учун саралаш Маркази лозим бўлиб қолди.

Бунинг учун энг қулай марказ Музей ҳисобланиб, ўлкада музей ташкил этиш масаласи кўтарилди. Жумладан, А.П. Федченко Туркис-

тон генерал-губернаторига тайёрлаган ахборотида “Туркистонни муваффақиятли ривожлантириш учун у билан асосли танишиб чиқиши керак, музей эса бунинг энг яхши воситасидир”¹ деб ёзган эди. Шу тариқа, 1876 йил Ўрта Осиёда биринчи музей ташкил топди².

1877 йилнинг январига келиб, музей этнография, ишлаб чиқариш технологияси, қишлоқ хўжалиги, табиат тарихи ва археология бўйича 1500 дан ортиқ ашёларга, 800 га яқин қадимий тангаларга эга бўлди³.

Музей Низоми ишлаб чиқилиб тасдиқланди. Унда музей ихтисоси вазифаси, иш кўлами белгилаб берилди⁴.

Музей коллекцияларининг тез-тез кўчирилиши ҳамда ўғирланиши натижасида у жиддий зарар кўрса ҳам фидойилар ҳаракатлари туфайли фондлар доимий равишда бойитиб борилди. Тошкент музейи 1884 йилга келиб гербарий, нумизматика тўплами Самарқанд коллецсияларидан ташқари 3000 та турли буюм-ашёларга эга эди⁵.

Россия империясининг «Туркистон ўлкасини бошқариш ҳақидаги Низоми» 1886 йили 16 июлда эълон қилинди. Унга биноан таъсис этилган маҳсус қўмитага музей ҳам бўйсунар эди⁶.

Аммо маҳсус қўмита фаолияти 1904 йилнинг октябринда тўхтатилгач, музей бошқаруви бевосита маҳкамама хукмдори ихтиёрига ўтди⁷.

Музей қошида 1906 йили Назорат комитети қайтадан тузилди, кутубхона ва музей ишларининг янги қонун-қоидалари тасдиқланди, бюджети бирмунча оширилди. Шу пайтдан эътиборан музей ва кутубхона учун бино қуриш масаласи кўтарилиди. Янги келтирилган қўлёзма, китоб, коллекция, экспонатларнинг кўплиги бу ишни кечиктириб бўлмас заруриятлигини кўрсатарди. Мазкур масала юзасидан тайёрланган ахборотда генерал-губернатор ва маҳкамама бошқарувчисининг дала ҳовлиларини сотиш музей ва кутубхона учун бино қуришнинг ягона имкониятидир деган фикр билдирилади. Сабаби, ушбу бинолардан кам фойдаланилган, қолаверса уларнинг сақланиши учун маълум маблағ сарфланиши рўяч қилинади⁸.

¹ Ўз МА И-1-фонд, 16--рўйхат, 259-ийғажилд, 10-варақ.

² Туркестанские ведомости. 1876. № 48.

³ Туркестанские ведомости. 1877. № 18.

⁴ Туркестанские ведомости. 1888. № 5.

⁵ Туркестанские ведомости. 1894. № 1.

⁶ Туркестанские ведомости. 1889. № 54.

⁷ Туркестанские ведомости. 1904. № 156.

⁸ Туркестанские ведомости. 1907. № 166.

Абу Саид Маҳсум – Шайбонийхон мадрасаси мударриси, маҳаллий ўлкашунос, қадимги буюмлар ҳавасманди ва тўпловчиси бўлган. У моҳир хаттот бўлиб, Гўри Амир, Шоҳи Зинда даҳмалари ва бошқа меъморий иншоотлардаги ўқилиши қийин бўлган ёзувлардан нусха кўчирган. Тўпланган қадимги буюм, танга-чақаларни сақлайдиган маҳсус стол ва витриналарни таъмирлаш, зарур жиҳозлар тайёrlаш учун вилоят маъмурияти маълум миқдорда маблағ ажратади. Тўпланган тангалар 1875 йилнинг июляда 700 дона бўлса, кутубхонадаги қўллёзма ва китоблар эса 30 тага етади¹.

Юқорида келтирилган маълумотларда Самарқандда музей ташкил этиш учун барча шарт-шароитлар вужудга келганини кўрамиз. Музей 1896 йил 21 июля очилади ва унга Георгиев черков биносидан хоналар ажратилади. Кўргазмада дастлаб қишлоқ хўжалиги меҳнат қуроллари асосий ўринни эгаллайди. Шунингдек, кенг кўламда бўлмаса-да музейда археология, этнография ва нумизматика коллекциялари ҳам намойиш этилган. Деворларда маҳаллий аҳоли майший турмуши, урф-одатларини ифодаловчи юздан ортиқ фотосуратлар осиб қўйилган².

Фарғона вилоятида 1894 йили Россия қишлоқ хўжалиги ва давлат мулки вазири ташриф буориши муносабати билан биринчи марта саноат ва қишлоқ хўжалиги кўргазмаси ташкил этилади³. Орадан бир йил ўтиб, 1895 йил 2 ноябрда Фарғона вилоят ҳарбий губернаторининг буйруғига кўра, губернатор уйининг иккинчи қаватидан тўртта хона музей учун ажратиб берилди.

1897 йилда музейнинг низоми тасдиқланган бўлса, 1899 йилнинг 26 май куни «Фарғона вилоят ҳалқ музейи»нинг (унинг биринчи номи шундай эди) тантанали очилиши бўлиб ўтди. Бу вақтга келиб музейда 2223 дона буюм ва китоб йиғилганди. Музей губернатор уйининг ёрдамчи хонасида жойлашган бўлиб, одат да у дам олиш ва байрам кунлар очиқ бўларди. Ёки вилоятга келган нуфузли меҳмонлар учун маҳсус очилар эди.

1911 йилда музей ёпилишига мажбур бўлинди ва фақат 1920 йилда Фарғонадаги сиёсий тузимнинг ўзгариши натижасида, ҳокимият советлар қўлига ўтгач, музей қайта очилди. Бу пайтда унинг мақсад ва вазифаси ҳам бутунлай ўзгарганди. Музейнинг номи эса, «Фарғона шаҳар илмий музейи» деб аталди. Музей Константиновская (ҳо-

¹ Туркестанские ведомости. 1875. № 8.

² Туркестанские ведомости. 1896. № 57.

³ Туркестанские ведомости. 1895. № 83.

зирги Турон) күчасидаги бинолардан бирига жойлаштирилди. 1984 йилга қадар музей мазкур бинода фаолият күрсатди.

1922–1927 йилларда музей экспозициясида қишлоқ хұжалик, хунармандчилик, нумизматика, табиат, тарих ва этнография бўлимлари мавжуд эди.

Аста-секин музейлар бошқа шаҳарларда ҳам очила бошланади. Нижний Новгородда 1896 йилдаги кўргазмага юборилган коллекциялар қайтарилигандан сўнг, 1899 йили унинг асосида Ашхобод музейи ташкил этилади. 1902–1904 йиллари унинг учун янги бино ҳам қурилади¹.

Туркистонда Н.И. Веселовский раҳбарлигига ўтказилган илмий тадқиқотларда қатнашган тошкентлик савдогар Акром Асқаров йирик коллекционерга айланди².

А. Асқаров коллекциясининг катта қисми – 14 мингта танга ва 200 та буюм Туркистон генерал-губернатори А.Б. Вревский фармойиши билан Петербургга, Император археология комиссияси ихтиёрига жўнатилади³.

Тошкентдаги 1878 йилги қишлоқ хұжалик кўргазмасида қатнашган савдогар Мирза Абдулла ва Муҳаммад Шокирлар «Ипак буюмлари ишлаб чиқаришни анча такомиллаштиргани ва кенгайтиргани учун» олтин медалига сазовор бўлади⁴.

Мирза Абдулла Н.И. Веселовский билан ҳам алоқада бўлган. Н.И. Веселовский унинг коллекциясини кўриб чиқиб, ундан 1202 та буюм, шу жумладан 11 дона тилла, 77 та кумуш танга, 951 дона чақа, 18 та муҳр, одамлар, ҳайвонлар ва бошқа нарсалар тасвири туширилган 6 та тош сотиб олган⁵.

М. Абдулланинг Петербург сафари унинг рус олимлари билан мулоқотда бўлиши, кейинги фаолиятида ўз таъсирини кўрсатди. Энди у оддий коллекционер эмас, ўлкашунос-тўпловчи сифатида у ёки бу қадимги ёдгорлик қандай вазиятда топилгани билан қизиқди. Янги топилмалар ҳақидаги М. Абдулланинг маҳаллий матбуотда чиқишлири император археология комиссияси аъзоларида қизиқиш уйғотди. Улар Туркистон генерал-губернатори Н.О. Розенбах орқали унга мурожаат этиб, коллекциялари билан таниширишни сўрайдилар. Мирза Бухорий розилиги билан 1888 йилнинг 21 октябрида Петербургга 6

¹ Туркестанские ведомости. 1912. № 94.

² Туркестанские ведомости. 1891. № 45.

³ Туркестанские ведомости. 1912. № 46.

⁴ Туркестанские ведомости. 1892. № 31.

⁵ Туркестанские ведомости, 1892. № 32.

қути қадимги осори атиқалар, тангалар ва бошқа нарсалар юборилади.

Хулоса сифатида ушбу даврдаги музей ишининг қуйидаги салбий ҳамда ижобий томонларини кўрсатиш мақсадга мувофиқdir. Бу даврда коллекцияларни бирлаштириш ва музей ташкил этиш масаласи жуда мураккаб кечди. Чунки мустамлака ҳукумати Туркистон ҳалқи орасида тарих ва маданиятга оид билимларни кенг ташвиқот қилиш ҳамда улар эътиборини қадимги ёдгорликларга жалб этишини, Россия империясининг буюк давлатчиликнинг мустамлака сиёсатига путур етказишидан хавфсирап эди. Қадимги ёдгорликларни муҳофаза қилиш, сақлашга яхши эътибор берилмаганлиги сабабли айrim чет эллик саёҳатчилар ва маҳаллий ноёб буюмлар билан савдо қилувчилар маданий бойликларимизни талон-торож қилдилар. Шу тариқа Ўрта Осиёning моддий ва маданий ёдгорликлари, 24 та қимматбаҳо буюмлари, нодир қўлёзмалари Россия ва бошқа чет мамлакатларга олиб кетилган.

Хулоса қилиб шуни айтиш жоизки, 1876 йилдан 1917 йилгача бўлган давр оралиғида Туркистон ўлкасида музей ташкил этиш ва моддий-маънавий ёдгорликларни Марказга олиб кетиш борасидағи қимматли маълумотлар нафақат архив хужжатларда, қолаверса вақтли матбуот саҳифаларида ҳам ўз аксини топган.

Буюк Британияда Шарқ тадқиқотлари марказларининг ташкил этилиши

Воҳид Холов

ЎзР ФА Тарих институти катта илмий ходими

Ўзбекистон тарихи хорижда жуда кўп ўрганилган. Аммо уларнинг тадқиқотлари бизларга етарли таниш эмас. Сиз эса, инглиз дунёсининг XX аср бошларигача ўрганган бизнинг тарихни тадқиқ этасиз, деб вазифа берган устозим, профессор Доно Зияеванинг хотираларига бағишлийман.

XIX асрнинг биринчи ярмида инглизларнинг Марказий Осиёга келишида Ҳиндистон, Афғонистон, Туркия ва Эрон асосий ўрин тута бошлади. Шу билан бирга, Буюк Британия ва АҚШда Марказий Осиёга оид катта ҳажмдаги маълумот жамланган эди.¹ Марказий Осиёга ил-

¹ Масалиева О. XX аср инглиз-америка тарихшунослигига Бухоро, Хива ва Кўқон хонликлари тарихи // т.ф.н. дисс. 1999. Б. 17.

мий сафар ва миссияларни уюштиришда Британия ҳукумати ва юқори иқтисодий-сиёсий нуфузга эга бўлган Ост-Индия компанияси билан бирга, илмий жамиятлар ҳам фаол иштирок этди. Бундай фаолият билан шуғулланувчи дастлабки муассасалардан бири Бенгал Осиё жамияти саналади.¹ Бу муассаса сер Вилям Жонс ташаббуси билан² 1784 йилда ташкил этилган. У ўз маъruzalарининг бирида “Агар Осиёнинг турли бурчакларида жойлашган табиатшунослар, кимёгарлар, ноёб буюмларни жамловчилар, филологлар ва фан одамлари ўз кузатувларини ёзиб, уларни Калкуттадаги Осиё Жамиятига юборадиган бўлсалар, муассаса гуллаб-яшнайди” деб таъкидлаб, агар танаффус қилинса, фаолият сусайишини, агар ёзишдан тўхталса, жамият йўқолиб кетишига урғу берган. 227 йилдан буён фаолият олиб бораётган бу жамиятнинг фаолияти ривожланиб, ўзининг икки асрлик нашрини сақлаб қола олди. Доктор Р. М. Мажумдар Вилям Жонснинг ғояси “Осиё тарихи, санъати, фан ва адабиётига бағишлиланган чуқур ўрганилган мақола ва рисолаларни нашр этиш орқали зиёдаси билан амалга оширилди”, деб тан олингандигини қайд этган.³

Илмий муассасаларнинг фаолияти ютуқлари ва самарадорлиги улар ходимлари ҳамда нашрларининг нуфузи билан ҳам белгиланади. Жумладан, бу ҳолатни Осиё Жамияти фаолиятида ҳам кузатиш мумкин. У томонидан кўп жилдли асарлар, монографиялар, каталоглар ва библиографиялар чоп этилган. Чунончи, даврий нашрлари сифатида ҳар чоракда чоп этиладиган Осиё жамиятининг илмий журнали ҳамда Осиё жамиятининг ойлик бюллетенини қайд этиш мумкин.

Нашр ишлари жамиятни ташкил этиш ташаббускори В. Жонс томонидан бошланиб, у муассаса очилишининг илк йилидаёқ даврий нашр ташкил этиш ҳаракатини бошлади ва шу йилда Вилям Жонс жамиятнинг йиллик нашрини йўлга кўйиш режаларини ошкор қилиб, “барча иштиёқи баланд ва билимли одамлардан” мақолалар жўнатишни сўраган ва биринчи тўпламни нашрга тайёрлашда В. Жонс уч йил меҳнат қилган. Ниҳоят 1788 йил охирига келиб, “Asiatick Researches” номли журнал “Transactions of the Society Instituted in Bengal, for enquiring into the History and Antiquities, the

¹ Four British Societies For Oriental Culture // Bulletin of the American Institute for Iranian Art and Archaeology, Vol. 5, No. 3(JUNE, 1938), P. 270-271

² Britannica, The Editors of Encyclopaedia. “Asiatic Society of Bengal”. Encyclopedia Britannica, 16 May. 2013, <https://www.britannica.com/topic/Asiatic-Society-of-Bengal>. Accessed 14 February 2021.

³ Majumdar R. C. Indo-Asian Culture, Indian Council for Cultural Relations, New Delhi, April 1961, B. 452-453.

Arts, Sciences and Literature of Asia” савлавҳа ости ном билан илк бора нашр этилди. Жилд йигирма саккиз мақола ва йигирма бешта иллюстрациядан иборат бўлиб, 488 саҳифа босма материаллар (аъзолар рўйхати ва тузатиш варагаси билан бирга) дан ташкил топган.¹

Дастлаб жамиятнинг нашр харажатларини қоплашга маблағи йўқлиги сабабли хусусий нашриёт эгаси Мануел Кантофер жамиятнинг ҳар бир аъзоси нашрнинг нусхасини сотиб олади деган ўйда дастлабки беш жилдни нашр этган. Аммо олтинчи жилдан бошлаб Жамият журнални ўз маблағлари ҳисобидан чиқара бошлади. Бу эса, ўз навбатида нашрнинг узвийлигига салбий таъсир ўтказмай қолмади. Журнал чоп этилиши XX жилдгача давом этди ва 1842 йилда уни нашр этишни тўхтатиши тўғрисида қарор қабул қилинди.

Бу вақт оралиғида Жеймс Принсеп мутлақо янги характерга эга журнал чиқаришни режалаштириб юрган эди. Унинг “The Journal of the Asiatic Society of Bengal (Бенгал Осиё жамияти журнали)” журналининг биринчи нашри 1832 йил марта антикварчилар, тилшунослик, сайёҳлик ва табиатшунослик каби шарқшунослик мавзуларини оммалаштириш мақсадида чоп этилган. Ушбу журналнинг мунтазам нашр этилиши унга доим қизиқиш бўлганлигидан далолат беради. 1832 йилдан бошлаб уч босқичдан ўтган журнал 1953 йилда тўртинчи босқичга ўтди ва унинг номи “The Journal of the Asiatic Society of Bengal (Бенгал Осиё жамияти журнали)”дан “Journal of the Asiatic Society (Осиё Жамияти журнали)”га ўзгартирилди.² Ҳозирги кунда Осиё жамиятининг журналида мақолалар кенг қамровли тадқиқотларга асосланган янги йўналишларда нашр этилмоқда.

Жамиятнинг ютуқларидан бири кўп тилларни ўзлаштирган мутахассисларнинг жалб қилиниши билан чамбарчас боғлиқ. Унинг фаолиятида шарқ тиллари, хусусан санскрит, пракрит, пали, ражастани, кашмир, ҳинд,ベンгал, тибет, араб, форс, урду тилларида битилган асарлар ва уларнинг таржималарини ўрганиш ва нашр этиш муҳим аҳамият касб этган. 1905 йилгача маҳсус соҳаларга оид монографиялар жамият журналининг қўшимча сонлари сифатида нашр этилган. Кенгаш 1905 йилда Жамият нашрларининг услуби, мақоласи ва дизайнини қўриб чиқиши учун қуий қўмита тузилди. 1905 йилдан бошлаб “хотиралар” рукни билан янги сериялар нашр этила бошланди. “Хотиралар” рукнидаги нашлар шакли 1933 йилгача давом этган. Бу

¹ [² <https://www.asiaticssocietykolkata.org/publications/about-us>](https://www.asiaticssocietykolkata.org/history>About us.</p>
</div>
<div data-bbox=)

даврда мазкур туркум доирасида ўн икки жилдли ишлар нашр этилган.

Осиё Жамияти кутубхонаси энг муҳим бойлиги унда сақланыётган бой ва бетакрор асарлар ҳисобланади. Ундаги адабиётларнинг асосий қисми жамиятнинг аъзолари томонидан совға сифатида йиғилган. 1784 йилда кутубхона ташкил этилганида Ҳенри Ричардсон еттита форс тилидаги қўлёзмани тақдим этган. Жамият 1808 йилнинг бошида ўз биносига эга бўлган ва унинг кутубхонаси ҳамма учун очиб қўйилган.¹ Ўша вақтгача йиғилган китоблар кутубхонанинг ўзагини ташкил этди. Типу Султон² сарой кутубхонаси жамланмасининг Се-рингапатам қўмитаси томонидан жамият кутубхонасига совға қилиниши (1808 йил 3-феврал) алоҳида аҳамиятга эга бўлган.³ Мазкур жамланма қўплаб тарихий ва нодир асарлардан иборат бўлиб, улар орасида “Қуръон”нинг зеб берилган қўлёзмаси, “Гулистон”нинг эски матни ва Император Шоҳжаконнинг дастхати туширилган “Подшоҳнома” асарлари диққатга сазовордир. Форт Вилям коллежининг тугатилиши натижасида ундаги барча санскрит, араб, форс ва урду тилларида асарлар, асосан Гладвин, Кери ва бошқа таниқли шарқшунос олимлар бошчилигига катта харажат ва қийинчиликлар билан тўпланган қўлёзмалар ҳам жамият кутубхонаси тасарруфига ўтказилган. Бу эса, ўз навбатида жамият қўлёзмалар жамланмасининг янада бойишига хизмат қилди. Ҳозирда унда 25 дан ортиқ тилда битилган асарлар сақланади.

Мазкур жамланма 4 шўъбадан таркиб топган: 1. Санскрит шўъбаси (30 000 га яқин қўлёзмалар жамланган); 2. Ислом шўбаси (7000 дан ортиқ қўлёзмалар сақланмоқда); 3. Тибет, Хитой ва Шарқий Осиё шўъбаси; 4. Инглиз тилидаги асарлар шўъбаси.⁴

Марказий Осиё тарихи акс этган асарлар ва манбалар асосан ислом шўъбасида бўлиб, улар орасида араб, форс, туркий, пуштун ва урду каби тилларда ёзилган қўлёзмалар ўрин олган ҳамда уларнинг энг қадимгиси 12 асрнинг биринчи чорагига мансуб. Буларнинг бир қисми Бобурийлар саройи кутубхонасидан, Типу Султон кутубхонасидан ва Форт Вилям коллежи кутубхонасидан келтирилган. Бу қўлёзмаларнинг баъзилари жуда ноёб, баъзилари маълумотга бой ва матни бир-биридан фарқ қиласи. Баъзиларида ҳаттотлик маҳорати юқориилиги акс этади ва баъзиларида юқори сифатли миниатюралар

¹ <https://www.asiaticssocietykolkata.org/library/history>

² Типу Султонлиги Ҳиндистоннинг жунубий-фарбий қисмида ташкил топган давлат. Типу султон инглизларга қарши курашда французлар билан иттифоқ тузган. Шунга қарамай, узоқ жанглардан сўнг XVIII аср охирида инглизлар томонидан маҳв этилган.

³ <https://www.asiaticssocietykolkata.org/library/history>

⁴ <https://www.asiaticssocietykolkata.org/museum/manuscripts>

мавжуд. Булардан баъзиларини, жумладан Таҳзиб Шарҳ Ас-Сабъат Муллақат (XII аср бошлари), Қалаид ал-Иқуиан ва Маҳасин ал-Аян (XII аср), Харидат ал-Қаср (XII аср), Ал-Жам Байнас ас-Саҳиҳин (қисқартирилган шаклда дастхат билан, XIII аср), А-Мадхул (XIII аср), Тафсир-и-Қуръон (форс тилида, XIII аср, бу асар ҳаттотлик учун ҳам муҳим), Тухфат ал-Аҳбор фи усул ат Ҳадис вал Ахбар (XV аср), Шоҳнома (XV аср), Китаб ал-Иълан (XVIII аср), Саҳаъ иф-и-Шараъ иф ёки Дураарал Мансур (форс тилида, XIX аср) ва Адаб-и-Оlamгири (XVIII аср) кўрсатиш мумкин. Шунингдек, суратли ва миниатюрали қўллэзмалар орасида Шоҳнома, Қуллиёти Саъдий, Аин-и-Акбари, Девони Махфий, Қисса-и-Нуш-Афарин, Жами ут-Таворих, Ияр-и-Дониш, Тафрибул-Имарат ва Имаратут-Акбар каби асарларни кўриш мумкин.¹

Инглизлар томонидан Ҳиндистонда 1804 йилда ташкил этилган яна бир муассаса Мумбай Осиё Жамияти бўлиб, у ҳам Ҳиндистон ва Шарқни ўрганиш, тадқиқот натижаларни тизимлаштириш ва тарқатиш учун ташкил этилган. Жамият фаолияти кенг қамровли бўлиб, нумизматика, эпиграфия, антропология, тарих, археология, тилшунослиқ, филология, табиий тарих, геология, фалсафа, адабиёт ва илоҳиёт каби турли соҳа вакиллари фаолият олиб борган.

Жамиятга англиялик таниқли ҳуқуқшунос ва жамоат арбоби Жеймс Макинтош томонидан асос солинган. Дастреб Бомбей Адабий жамияти сифатида ном қозонган бу ташкилотнинг биринчи йиғилиши 1804 йил 26 ноябрда ташкиллаштирилган. Бунда Вилям Жонснинг Осиёни ўрганиш борасида олиб борган ишлари Жеймс Макинтошга таъсир ўтказган. Кейинчалик жамият тиббий ва бадиий кутубхоналар коллекцияларини ҳамда 1789 йилда ташкил этилган хусусий кутубхонани сотиб олади ва бу кутубхонанинг асосини ташкил этган. 1826 йилда бу жамият Буюк Британия ва Ирландия Қироллик Жамиятига Қироллик Осиё Жамиятининг (ББҚОЖ) Бомбей бўлими сифатида бирлашди. 1873 йилда Бомбей География Жамияти ва 1896 йилда Бомбей Антропологик жамияти билан бирлаштириб, ўз фондларини улар билан умумлаштирган.²

1841 йилда Жамият Қироллик Осиё жамиятининг Бомбей филиали журналини нашр этишни йўлга қўйди. Кейинчалик журнал номи ўзгарди ва у ҳозирда Мумбайдаги Осиё жамияти журнали номи билан нашр этилмоқда. Шу йили жамият ҳиндларни ўз аъзолигига қа-

¹ <https://www.asiaticssocietykolkata.org/museum/manuscripts>

² <http://asiaticssociety.org.in/index.php/about-us/history-asiatic>

бул қила бошлаган. 1954 йилда Қироллик Осиё жамиятидан ажралиб чиқди ва ўзини Бомбей Осиё жамияти, 2000 йилларда Мумбайнинг Осиё жамияти деб ўзгартирди.

Бомбей Осиё жамиятининг 1841 йилда нашр этила бошланган *Journal of the Bombay Branch of the Royal Asiatic Society* (Қироллик Осиё жамияти Бомбей бўлими журнали) 1955–2002 йилларда *Journal of the Asiatic Society of Bombay* (Бомбей Осиё жамияти журнали), 2002 йилдан *Journal of the Asiatic Society of Mumbai* (Мумбай Осиё жамияти журнали) номи билан нашр қилинди. Бунгача Адабий жамиятнинг битимлари уч жилдда нашр этилган. Журнал таниқли олимлар томонидан таҳрир қилинган ва Индологик ва Санскритшунослик бўйича кенг кўламли мақолаларни нашр этади. Эски серия 1923 йилгача бўлган даврни ўз ичига олади. Янги серия 1925 йилда бошланиб, ҳар йили нашр этилади.

Шундай жамиятлардан яна бири Буюк Британия ва Ирландия Қироллик Осиё Жамияти бўлиб, унга Генрих Томас Колебрук томонидан 1823 йил 15 марта асос солинган ҳамда Жамиятга “Осиёга оид фан, адабиёт ва санъатни учун қўллаб-қуваатлаш учун” 1824 йил 11 августда қирол Жорж 4 нинг Қироллик хартияси берилган¹. Мазкур жамият кутубхонасида 2000 дан ортиқ Осиёга оид қўлёзмалар сақланмоқда. Улар орасида Марказий Осиёга оид Фирдавсийнинг “Шоҳнома” асарининг Муҳаммад Жўқий томонидан Темурийлар даврида, 1440–1445 кўчирилган асл нусхаси, Саъдий “Гулистон” асарининг қўлёзма нусхаси ва бошқа қўлёзмаларни кўрсатиш мумкин.

1828 йилда Буюк Британия ва Ирландия Қироллик Осиё Жамияти таркибида “Шарқ қўлёзмалари таржимаси фонди (Oriental Translation Fund of Great Britain and Ireland)” ташкил қилинди ва у ҳозирган қадар фаолият олиб бормоқда. Шарқ тилларидаги асарларни қисман ёки тўлиқ таржима қилиш бу фонднинг асосий мақсади қилиб белгиланди.² Йиллар давомида инглиз сайёҳларининг баъзилари Осиё бўйлаб сафарлари мобайнида тўплаган асарларни мазкур фондга беғараз тақдим этиши унинг фондсининг бойиб боришига хизмат қилган.

Жамият аъзолари томонидан Марказий Осиё интеллектуал меросини акс эттирган қатор асарлар таржима қилинди. Жўмладан, Абу

¹ <https://royalasiaticsociety.org/about-us/>; The Royal Asiatic Society // Middle East Studies Association Bulletin, Vol. 25. No. 2 (December 1991), P. 187- 188.

² Transactions of the Royal Asiatic Society of Great Britain and Ireland Vol. 2, No. 1 (1829), pp. xx-xl (21 pages).

Райҳон Берунийнинг “Ўтмиш халқлардан қолган ёдгорликлар” асари Эдвард Саху томонидан араб тилидан таржима қилиниб, 1879 йилда нашр этилган¹. Ал Хоразмийнинг “Ал жабр вал муқобала”²асари, “Шоҳнома”³ ва Фазнавийлар даври тарихини ёритган “Китаб-и ямини”⁴ асарларини кўрсатиш мумкин.

Бугунги кунга қадар фаолиятини олиб бораётган мазкур жамият 1820 йилларда йилига 4 марта чоп этиладиган “The Journal of the Royal Asiatic Society” журналини таъсис этди ва унда мунтазам тарих, археология, тил, дин ва санъатга оид мақолалар чоп этиб келинмоқда.⁵ Чунончи, 1877 йил учинчи сонида Бухоро, Сомонийлар, Хоразмийлар ҳақида мақола, 1885 йилги охирги сонида АмирТемур даври ва Бухоро оид кўплаб мақолалар чоп этилган.

Жамият томонидан 1824 йилдаёқ даврий нашрлар фаолияти йўлга қўйилган. Унинг журнали 1834–1834 йилларда *Transactions of the Royal Asiatic Society of Great Britain and Ireland*, 1835–1990 йилларда *The Journal of the Royal Asiatic Society of Great Britain and Ireland*, 1990 йилдан ҳозиргacha “Journal of the Royal Asiatic Society” номи билан мунтазам нашр этилмоқда.

“The Asiatic Journal and Monthly Register for British India and its Dependencies” журнали Ост-Индия компанияси томонидан молиялаштирилган бўлиб, 1816–1845 йилларда чоп этилган. Бу даврда журнал номи 3 марта ўзгартирилган ва 1816–1829 йилларда “The Asiatic Journal and Monthly Register for British India and its Dependencies”, 1830–1843 йилларда “The Asiatic Journal and Monthly Register for British and Foreign India, China, and Australasia”, 1843–1845 йилларда “The Asiatic Journal and Monthly Miscellany” номлари билан чоп этилган. Бунда асосан Ост-Индия компанияси томонидан молиялаштирилган миссия ва экспедициялар материаллари чоп этилган. Жумладан, 1819–1825 йиллардаги миссияси харажатлари бир қисми қопланган В. Муркрофтнинг мақолалари бу журналда чоп этиб борилган ва у вафотидан сонг ҳам унинг кундаликлари асосида мақолалар нашр этилган. Чунончи, 1826 йилда Муркрофт ҳақида мақола чоп

¹ Biruni, Muhammad ibn Ahmad (тарж. Sachau, Eduard). Chronology // London, Pub. for the Oriental translation fund of Great Britain & Ireland by W.H. Allen and co. 1879.

² The Algebra of Mohammed Ben Musa (тарж. Frederic Rosen). J. Murray. 1831.

³ Atkinson, James A The Shah Nameh of the Persian Poet Firdausi, London, 1832

⁴ Al Utbi. The Kitabi-i-yamini: Historical Memoirs of the Amír Sabaktagín, and the Sultán Mahmúd of Ghazna, Early Conquerors of Hindustan, and Founders of the Ghaznavide Dynasty // Translated from the Persian Version of the Contemporary Arabic Chronicle of, by James Reynolds.

⁵ <https://royalasiaticsociety.org/journal/>,

этилиб, унда Муркрофтнинг кундаликлари ва хатларга таяниб, унинг күшбеги билан сұхбати, шариат бўйича номусулмонлардан олинадиган жизя солиги, қабул маросимлари ва бошқа масалалар ўз аксини топган¹.

Инглиз тилида амалга оширилган тадқиқотларнинг салмоқли қисми Британия Қироллик География жамияти мутахассислари томонидан амалга оширилган. Мазкур жамият дастлаб олимларнинг норасмий учрашув ва муҳокамалари маркази сифатида 1830 йилда фаолият бошлаган. Лондон География жамияти географияга оид билимларни ривожлантирувчи муассаса сифатида ташкил қилинган бўлиб, дастлаб қирол Вилям IV қўмагида фаолият юритган. 1859 йилда қиролича Виктория томонидан жамиятга «қироллик» мақомини берилгач, Британия Қироллик География жамияти ташкил қилинди ҳамда унинг фаолиятида дунё бўйлаб Англия манфаатларини янада кучайтиришга хизмат қилувчи тадқиқотларни амалга ошириш бирламчи вазифалардан этиб белгиланган. Африка, Жанубий-шарқий Осиё, Шимолий ва Жанубий кутблар ҳамда Марказий Осиё Британия Қироллик География жамиятининг тадқиқотлари объектининг асосини ташкил этар эди.

Бунда жамият Африка ва Жанубий-шарқий Осиёда Англияning мустамлака сиёсатини олиб борищда кўмак бериш билан бирга, Марказий Осиёда ҳам Англия манфаатларини қарор топтириш ва Россия империяси таъсирини камайтириш, Марказий Осиё бозорларини эгаллаш мақсадлари устивор аҳамият касб этар эди.

Олиб борилган тадқиқотлар натижалари жамиятнинг «The Journal of the Royal Geographical Society» журнали ҳамда унинг Британия Географлари институти билан ҳамкорликдаги «The Geographical Journal» илмий нашрларида мунтазам чоп этиб борилган. Жамият Марказий Осиёга жўнатиладиган Британия экспедицияларини мунтазам малакали мутахассислар билан таъминлаб турган. Улардан Ҳ. Лансделл, Ф. Янгҳазбенд, Ҳ. Ровлингсон, Делмар Морган, Ж. В. Ҳейворд каби тадқиқотчилар шулар жумласидан эдилар.

Жамиятнинг 1833 йилдан нашр этила бошланган журналида Марказий Осиёга оид қатор мақолалар чоп этилган. Муаллифларнинг аксарияти минтақага келиб, тўплаган маълумотлари асосида мақола тайёрлаган бўлса, баъзилари Марказий Осиё бўйича баъзи масалаларда масъул бўлган. Делмар Морган ўз мақоласида рус

¹ Mr. Moorcroft // The Asiatic Journal and Monthly Register for British India and its Dependencies. Vol. 21. 1826. P. 710-714.

тадқиқотчиларининг Марказий Осиёда олиб борган изларишлари йўналишларини ёритиб, уларнинг қандай вазифа билан шуғулланганини кўрсатиб ўтилган¹.

Бугунги кунда Осиё масалалари бўйича қироллик жамияти деб номланган муассаса илгари Марказий Осиё Қироллик Жамияти (дастлаб Марказий Осиё Жамияти) бўлган. Марказий Осиё Жамияти 1901 йилда ташкил этилган. Ўша йилнинг ноябр ойида доктор Коттерелл Тупп, капитан Френсис Янгҳазбанд, полковник Алгернон Дуранд ва генерал Сэр Томас Гордон Лондонда, Ф. Янгҳазбанд уйида улар ўтган ой давомида танишларининг улар тарқатган буклетларга бўлган муносабатларини муҳокама қилиш учун йиғилишиди. Улар етарлича қизиқиш пайдо бўлганига ҳисобга олиб, янги жамият учун ўз буклетларини расмий равишда тарқатишга қарор қилган. Буклетда (“Марказий Осиё Жамиятини ташкил этиш таклифи”) қуйидагилар киритилди: “Айни вақтда Лондонда Марказий Осиёнинг сиёсий, географик, тижорат ёки ташқи сиёсий ва илмий жиҳати масалаларини кўриб чиқишига йўналтирилган бирон бир жамият ёки муассаса йўқ. Аммо Қироллик География ва Қироллик Осиё Жамияти каби муассасаларда бу мавзулар қисман муҳокама қилинади. Шуни инобатга олиб, Марказий Осиё жамиятини ташкил этиш таклиф қилинмоқда ва бу ерда Марказий Осиёга саёҳат қилганлар ёки Марказий Осиё масалаларига қизиқувчилар бир-бирлари билан учрашиши мумкин”.

Таклифда илгари сурилган “Марказий Осиё масалалари” XIX асрда давом этган Британия ва Россия ўртасидаги сиёсий ва дипломатик қарама-қаршиликдан келиб чиқсан. Архив маълумотлари аксарияти Марказий Осиё Жамиятининг асосчилари ва асосий вакиллари империяларнинг ушбу “ўйин”нинг иккинчи босқичида фаол иштирок этганлигидан далолат беради.

Мазкур жамият яъзоларидан бири бўлган В. Рикмер Рикмерс тадқиқотида минтақани дуоб (икки сув – Амударё ва Сирдарё назарда тутилган) деб атайди ва уни барча географик хусусиятлар музейи эканлигига ишора қиласиди.² Тошкент ва бошқа ҳудудлардаги тижорий ва саноат ривожланишига у Россия Калифорнияси деган таърифи беради.³ Шунингдек, тадқиқотда Бухоро ва Самарқанд шаҳарлари,

¹ Delmar Morgan. Progress of Russian Explorations in Turkistan // Proceedings of the Royal Geographical Society of London, Vol. 14, No. 3 (1869 –1870). P. 229–235

² W. Rickmer Rickmers. Impressions of the Duab (Russian Turkestan) // Proceedings of the Central Asian Society. 1907. P. 9.

³ Ўша жойда. P. 10.

ақолининг этник таркиби, кийиниши каби ижтимоий масалалар акс этган.

Ўз нашларида Ўзбекистон тарихини акс эттирган Буюк Британиядаги жамиятлардан яна бири *Royal Society of Arts* (Қироллик бадиј жамияти) ҳисобланади. Бу жамият 1754 йилда Виллиям Шиплий томонидан *Society for the Encouragement of Arts, Manufactures and Commerce* (Санъат, мануфактури ва савдони қўллаб қувватлаш жамияти) номи билан ташкил этилган¹. Жамият 1847 йилда “Қироллик хартияси” топширилган бўлса, 1908 йилда Эдвард VII нинг қарори билан “Қироллик” номи берилган.²

Мазкур жамият ҳам ўз аъзоларининг изланишлари натижаларини чоп этиш мақсадида ўз “Journal of the Royal Society of Arts” журналини чоп этишни йўлга қўйган бўлиб, бу журнал 1783 йилдан буён чоп этиб келинмоқда. Бу журнал мақолалари кўздан кечирилганда, улар орасида Ўзбекистонга оид баъзи мақолалар борлиги аниқланди. Шулардан бири Майкл О’Двайр³ томонидан ёзилган. Унинг ориентализм руҳида ёзилган мақоласида⁴ турили масалалар ўз аксини топган бўлиб, унда Марказий Осиёning Бухоро, Самарқанд, Тошкент ва Марв каби шаҳарлари Ҳиндистон билан алоқаси бор ҳар бир британ сайёҳи учун муҳим эканлиги таъкидланган. Муаллиф минтақани тарихий тадқиқот учун ҳали археология, этнография, тарих ва сиёsat тўлиқ ўрганилмаган бой кон сифатида таърифлайди. Шунингдек, у руслар томонидан босиб олинган хонликлар ва уларнинг аҳолисига янги – жисмоний, ақлий ва руҳий кучлар таъсирини Ҳиндистон билан солиштириш имкони борлигини қайд этган.

Сафари давомида Майкл О’Двайр Бухоро, Самарқанд, Тошкент, Хоразм ҳудудларида бўлган. У Транскаспий темирийўли ҳақида ёзиб, Самарқанддан давом эттирилаётган қурилиш икки йўналиш - Тошкент ва Фарғона водийсига йўналтирилганлиги, Қўқоннинг Фарғонанинг иқтисодий маркази эканлиги, расмий марказ бўлган Марғilonни Ёрканд билан темирийўл орқали боғлаш режалаштирилгани, Фарғона вилоятининг ҳосилдор ерларида 30 минг тонна пахта етиштирилгани учун ҳам темирийўл муҳим эканлиги, темирийўл қурилишини

¹ <https://www.thersa.org/about-us/archive-and-history>

² <http://nationalarchives.gov.uk/nra/lists/GB-0403-RSA.htm>

³ Майкл Францис О’Двайр (Michael Francis O’Dwyer) – 1864–1940. 1913–1919 йилларда Ҳиндистоннинг Панҷоб штати губернатори бўлган вақтда Амритсар хунрезлигини амалга оширган. 1940 йилда отиб кетилган.

⁴ Michael Francis O’Dwyer. A Visit to Russian Central Asia // The Journal of the Society of Arts, Vol. 45, No. 2317 (APRIL 16, 1897). P. 479–514.

тугаллашдаги мавжуд тўсиқлар ва унинг қурилиш муддати режадан узоқроққа чўзилиши сабабларини келтирган¹.

Мақолада, шунингдек, Бухоро амирлиги, унинг аҳолиси таркиби, бошқаруви, савдо муассасалари ҳолати каби масалалар ёритилган. Чунончи, муаллиф амирлик майдони 92 минг мил, аҳолиси сони тахминан 2250000, мамлакатни ўзбеклардан бўлган амир бошқариши, шунингдек, мамлакатда тоҷиклар, туркманлар, кўчманчи ўзбеклар, оз сонли яҳудийлар, ҳиндлар истиқомат қилиши, 1868 йилда Сармарқанд (руслар) томонидан босиб олингандан сўнг мамлакат вассалга айланганлиги, Янги Бухоро шаҳрининг қад ростлагани ва у ерда руслар яшаши, озод аёлдан туғилган бошқа шаҳзоданинг имкониятлари юқори бўлишига қарамай, Россияда кўп марта бўлган амалдаги амир Сайийд Абдулаҳаддинг таҳтни эгаллашида русларнинг ҳиссаси борлиги, натижада биринчи даъвогар Ҳинди斯顿га қочиб, Абботободда² қўним топгани, амирлик ҳарбий қудратининг унчалик яхши эмаслигини айтиб ўтган.³

Хулоса қилиб айтганда, Буюк Британияда индистон ва Буюк Британияда ташкил қилинган илмий муассасаларда олиб борилган тадқиқотлар ва уларнинг кадрлар тайёрлаш фаолияти, даврий нашрларнинг вужудга келиши, маҳаллий манбаларни излаш, уларни ва бошқа европача тиллардаги асарларни инглиз тилига таржима қилиш, илмий, хуфялиқ ва кузатув сафарларни ташкил этиш ҳамда улар натижаларнинг журнал ҳамда газеталарда эълон қилиб борилиши Буюк Британияда Марказий Осиё, жумладан Ўзбекистонга оид кенг билимларнинг шаклланишига, у ердаги кутубхона ва архивларда йирик миқдордаги моддий ва маънавий мероснинг тўпланишида, миңтақага нисбатан инглиз сиёсатининг шаклланишида муҳим омил бўлди.

¹ Michael Francis O'Dwyer. A Visit to Russian Central Asia // The Journal of the Society of Arts, Vol. 45, No. 2317 (APRIL 16, 1897), P. 483.

² Жеймс Аббот шарафига номланган шаҳар бўлиб 1853 йилда асос солинган. Ҳозирда Покистоннинг Ҳазора вилояти таркибида.

³ Michael Francis O'Dwyer. A Visit to Russian Central Asia // The Journal of the Society of Arts, Vol. 45, No. 2317 (APRIL 16, 1897). P. 492–493.

XIX аср охири – XX аср бошлари манбаларида Туркистон доришунослигининг ёритилиши

*Наргиза Ширинова
Тарих институты таянч докторанты*

Инсон яралибдики у доимо яшаш учун курашган, касал бўлса шифо топишга ҳаракат қилиб келган. Шифо усуллари ва воситалари ни эса табиатдан излаган. Минг йиллар давомида шундай кузатув ва ҳаётий синовлар авлоддан авлодга ўтиб, ўсимликлар ҳақидаги маълумотлар кўпайиб, мукаммаллашиб борди. Бу эса ўз навбатида халқ табобатининг таркиб топишига замин яратди. Даставвал, Буқрот (асримиздан олдинги 460–355), Гален (129–200), улардан сўнг эса райлик Абу Бакр Розий (865–925) ва бухоролик Абу Али Ибн Синолар (980–1037) етишиб чиқди ва уларнинг асарлари табобат фанининг кейинги кўп асрлик тараққиётига асос солди.

Тиббиётга оид асарларда соғлиқни сақлаш, гигиена қоидалари, касалга тўғри ташхис қўйиш йўллари, турли хил касалликлар аломатлари ва уларни даволашда овқатларнинг шифо бўлиши, парҳез қилиш, содда ва мураккаб дорилар тайёрлаш усуллари жой олган. Бу асарларни кузатиш жараёнидан маълум бўладики, касалликларни даволашда табиатнинг деярли барча унсурларидан самарали фойдаланилган. Буюк табиблар сув, қуёш нури ва ҳавони энг яхши дори-дармон, деб ҳисоблаганликлари кўп бор қайд этилган.

XIX аср охири – XX аср бошларига келиб ҳам бу анъаналар давом этди. Гарчи кимёвий воситалар минтақага кириб кела бошлаган бўлса ҳам, табиблар улардан деярли фойдаланмас, асосан табиий воситалар, табиат неъматлари, гиёҳлар орқали дори-дармон тайёрланилар эди. Ўрта Осиё ерларининг минерал моддаларга ва турли-туман шифобахш ўсимликларга бойлиги Туркистон ўлкасида доришуносликнинг кенг ривожланишига замин бўлган.

Абу Райҳон Берунийнинг “Ас-Сайдана фи-т-тибб” (“Табобатда доришунослик китоби”)нинг яратилиши доришунослик илмининг тараққий этишида муҳим роль ўйнади. Асар шарқ мамлакатлари, жумладан, Ўрта Осиёда доришунослик (фармакогнозия) тарихида алоҳида ўрин тутади. Асарнинг муқаддимасида Абу Райҳон Беруний бу фаннинг вазифалари ва унинг баъзи бир назарий масалаларига шу қадар кенг ва илмий жиҳатдан тўхталиб ўтадики, бу нарса Абу

Райҳон Берунийни Ўрта Осиёда фармакогнозия илмига асос солувчилардан бири деб, ҳисоблашга имкон беради¹.

Туркистон ўлкасида дориларни тайёрлашда уч хил воситалар қўлланилган: 1) маҳсус ўстирилувчи ва ёввойи тарзда ўсуви доривор гиёҳлар; 2) ўлкадаги минерал маъданлар; 3) турли хил ҳайвон аъзолари, судралиб юрувчилар ва ҳашоротлар.

Туркистон табиатидаги ўсимлик дунёсига тегишли ҳар бир гиёҳ шифобахш саналган. Тоғу тошларда ўсуви гиёҳлардан тортиб аҳоли ҳовлисидағи ўсма, райҳон каби оддий ўсимликлардан ҳам дорилар тайёрланган. Дорилар ўсимликларнинг гулидан, поясидан, баргларидан, илдизидан, уруғидан, ёғидан, дараҳтларнинг ширасидан фойдаланиб тайёрланган. Дориларнинг шакллари ҳам турлича бўлган. Жумладан, улар ичимлик кўринишида, дамлама сифатида, юмалоқланган дорилар (хапдори), суртма дорилар, малҳамлар қўринишида тайёрланган.

Халқ табобатида касалликни овқат билан даволаш энг самарали ва хавотирсиз усул ҳисобланган ва бу масалага бағишилаб маҳсус асарлар яратилган. Масалан, Абу Бакр Розийнинг «Ат-Тиб ал-мулукӣ» («Подшоҳлар табобати») асари бунга мисол бўла олади. Бу даврда яшаб, ижод этган шоир ва табиб Қори Раҳматуллоҳ ибн Муҳаммад Ошур Бухорий ҳам бу анъанани давом эттириб, 1883 йилда ўзининг «Кони лаззат ва хони неъмат» асарини ёзди. Асарда қайси овқатнинг қандай касалликка даво бўлиши, шунингдек, нон маҳсулотларини ва шириналларни тайёрлаш усуллари ҳақида сўз боради.

Манбалар Туркистон ўлкасидаги шифобахш гиёҳларга қўшни мамлакатларда ҳам катта қизиқиши билдирилганлигидан далолат беради. Россия империяси томонидан Ўрта Осиёга уюштирилган экспедициялар жараёнида тадқиқотчилар ўлканинг табиати, иқлими, аҳолисини ўрганиш билан бир қаторда, мамлакатнинг тиббий аҳволи ва дoriшунослигини ҳам кузатганлар. Ўлкадаги ўсимликларни ийғилиб, гербариylар қилинган. Айниқса, шифобахш саналувчи ва маҳаллий аҳоли томонидан дори сифатида қўлланилувчи ўсимлик ва маъданларга катта қизиқиши билдирилган. Даставвал П.П. Семенов, А.А. Леман ва Ф.Р. Остенъ-Сакенлар ўзларининг ўлка флораси бўйича тузган рўйхатларида ҳудуднинг шифобахш ўсимликларга ҳам бой эканлигини кўрсатиб ўтганлар².

¹ Шарқ табобати. Нашрга тайёрловчи, таржимон, мақолалар ва шарҳлар муаллифи Ҳамидулла Ҳикматуллаев. Т: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1994. Б. 288.

² Краузе И. Заметки о медицинских и некоторых промышленных растениях в Средней Азии // «Туркестанский Сборник». Том 57. С. 262-272.

1857 йилда доктор Борщов бошчилигіда Ўрта Осиёга экспедиция уюштирилиб, унинг натижалари нашр эттирилган. Унда Борщов үзи кузатган ўсимликларнинг расмларини келтирған ва уларға таъриф берган. Россиялик фармацевтика магистри Палъм ҳам турли газета ва журналларда чоп этилған мақолалари орқали Туркистан үлкасидаги шифобахш ўсимликлар билан оммани таништирган.

А.П. Федченко ўзининг Зарафшон воҳасига қилған сафарида 1000га яқин ўсимлик турларини тўплаш¹ билан бирга, ўсимликларнинг турли хил ноёб ва шифобахш турларини ҳам учратгани ва уларни йиғиб коллекциялар қилгани маълум бўлди. Масалан, у маҳаллий аҳоли томонидан яраларни даволашда кенг қўлланилган ноёб, коврак (ферула) ўсимлигини учратган. Яна унинг 1869 йилгача тўплаган гербариylари орасида арпабодиённинг нодир намуналарини ҳам учратишимииз мумкин. Таъкидлаб ўтиш жоизки, Туркистан үлкасида ўсадиган арпабодён бошқа мамлакатларга қараганда, ўзидағи сантонин (қадимда гижжаларга қарши восита сифатида кенг қўлланилган) моддасининг бойлиги билан энг яхши нави дея тан олинади.

Шунингдек, у Самарқанд ҳудудида ноёб гулли шумтол дарахтини ҳам учратади. Бу дарахтнинг уруғи, пўстлоғи ва баргларидан турли хил дорилар тайёрланган. Пўстлоғи ва баргларидан нафас йўлларидаги касалликларда, сийдик ҳайдовчи ва ич юмшатувчи сифатида ҳамда ярали касалликларда фойдаланилган. Яна ундан қуритиб олинадиган манна маҳсулоти жаҳон бозорида юқори нархга эга бўлган. Замонавий манбалардан билишимизча, бу маҳсулот қанд касалларида шакар ўрнини босар экан.

И. Краузе эса, Туркистан үлкасидаги шифобахш ўсимликларни Россия үлкаларига олиб келиб етиштирилиши мамлакат иқтисодиёти учун катта фойда бўлишини айтиб ўтади². У ўзининг шахсий кузатувлари асосида бир қанча ўсимликларни кузатиб, уларнинг шифобахшларини ажратиб, рўйхат қиласи. Улардан ҳар бирининг ўзига хос хусусиятларини қайд этиб, қўлланилиши ҳақидаги маълумотларни келтириб ўтади.

Фарғона водийси ҳудудини ўрганган тадқиқотчи ва шифокор В.И. Кушелевский шу ерда яшаб, маҳаллий халқнинг тиббий билимлари ва халқ табобати анъаналарини ўрганган. Муаллифнинг энг йирик

¹ Липский В.И. Флора средней Азии, Русского Туркестана и ханств Бухары и Хивы. Спб., 1902.

² Краузе И. Заметки о медицинских и некоторых промышленных растениях в Средней Азии. // «Туркестанский Сборник». Том 57. С. 262–272.

асари Фарғона водийсининг тиббий географияси ва санитар ҳолатига бағишланган бўлиб, уч жилдан ташкил топган. Китобнинг учинчи жилдининг 17 бўлими халқ табобатига бағишланган. Муаллиф шахсий кузатишлари натижасида халқ орасида машҳур бўлган доривор воситалар рўйхатини тузади. Бунда асосан бозорларда харидоргир бўлган маҳсулотлар асос қилиб олинганини таъкидлайди. Китобда 17 та тури минераллардан ишланган дори воситалари ҳамда дори тайёрлашда ишлатиладиган 105 та гиёҳ, 10 га яқин ҳайвон ва хашорот турлари номи келтириб ўтилган. Эътиборли томони шундаки, муаллиф ҳар бир маҳсулотнинг қаердан келтирилиши ва нимага даво бўлиши, ундан дори тайёрлашда миқдор даражаларига ҳам имкон қадар тўхталган.

Рус тадқиқотчиларининг берган маълумотига кўра, маҳаллий табиблар табиий маъданларга ишлов бериш орқали ҳам дори тайёрлаганлар. Булар – аччиқтош, патрон селитраси, нашатир, сариқ қўрғошин оксиди, мис, сариқ олтингугуртли мишъяқ, мис купороси, киновар (симоб рудаси), қўрғошинли шакар, рух купороси ва бошқа минерал моддалардир. Маҳаллий аҳолига руслар таништирган хинин (безгак дориси) ва сулема (захарли оқ порошоқ, симоб хлорид) моддалари ҳам учраган¹.

Маҳаллий табиблар томонидан захм касаллиги ва ярали касалликларни симобли дори воситалари билан, қичима касалликларини эса, олтингугуртли суртма дорилар билан даволаш кенг йўлга қўйилган. Бу даврда табиблар олтингугурт ва азотдан ўзлари ишқорлар тайёрлай олганлар². Бундан ташқари, табиблар ари муми, тош мум ва тоғ мумидан фойдаланиб даволовчи суртма дори ва пластирлар ҳам тайёрлаганлар.

Бундан ташқари, ҳайвонот оламидан ҳам доришуносликда кенг фойдаланилган. Бунда туёқлилар, сут эмизувчилар, қушлар, судраблиб юрувчилар, майда ҳашоротлардан дорилар тайёрланган.

Буни айниқса, бу даврда кўп маротаба нашрдан чиқсан “Тибномаи туркий” (“Туркий тибнома”)³ асарида кўп учратиш мумкин. Рисоланинг муаллифи қўрсатилмаган. Халқ табобатига оид, аждодлардан ёдгорлик бўлиб келаётган ушбу рисолада мижоз нима эканлиги,

¹ Описание фармакопостических веществ встречающихся в Средний азии. Магистр фармации Р. Пальм из Ташкента // Туркестанский сборник. Том 53. 1871. С. 227.

² О способах врачевания у туземцев Туркестанского края // Туркестанский сборник. Т. 60. С. 478–479.

³ Тибномаे туркий. Тошкент: “Фулом Ҳасан Арифджанов” босмахонаси. Ношири: Мирза Аҳмад Мирза Карим ўғли. (ЎзРФАШИ 7245/2)

унинг турлари ва белгилари, одам анатомияси, касалликларнинг келиб чиқиш сабаблари ва алматлари ҳамда уни бартараф этиш чоралари ёзилган. Асарда бош касалликлари, яни қулоқ, күз, бурунда бўладиган касалликлар, турли шамоллашларнинг давоси, ичакда бўладиган муаммолар, уларнинг алматлари ва уларни даволаш йўллари батафсил баён қилинган. Бундан ташқари, аёллар масалалари ва ит тишлаганда қилинадиган даволар келтирилган. Ўсимлик, ёғ, маъданлар ва ҳайвонот оламидан дорилар тайёрлаш усуллари ва қўллаш йўллари берилган.

Асарнинг яна бир қисми бадан сиртидан билинадиган касалликлар масаласига бағишлиланган. Унда шишлар, тошмалар, соч, мўй ва тирноққа оид касалликлар, жароҳат ва яралар ҳақида, суюк синиши, заҳарлар, заҳарли ҳайвон чақиб олганини даволаш ва баъзи замонавий дори воситалари ҳақида маълумотлар берилади¹.

Ундан ташқари, турли хил касалликларни даволашда ўлкадаги шифобахш чашмалар, минерал сувлар, шифобахш балчиқлардан, ҳамомлардан ҳам кенг фойдаланганлар. Ўлкада бундан жойлар жуда кўп бўлган, қайноқ сувли жойлар, шифобахш тузли ғорлар шулар жумласидандир. Бу жойларга маълум бир касалликларга шифо бўлган ёки бир неча турдаги касаллар ҳам бир жойда даволанганлар.

Ушбу чашма сувлари ширинча (болалар тери касаллилиги), ревматизм, суюклар синиши, сифилис ва бошқа тери тошмалари учун ниҳоятда фойдали ҳисобланган. Булардан ташқари, чашма минерал сувлари орқали турли хил сурункали касалликлар, бўғим шамоллаши оқибатида кечадиган оғриқлар, суюкларнинг кучли шамоллаши, орқа миянинг сурункали касалликлари, асаб касалликлари, аёллар касалликлари, нафас йўллари касалликлари, томирларнинг варикоз кенгайиши, невралгия, гиперэстезия, периферик фалажлик ва бошқа касалликлар даволанилган, шунингдек анестезияда фойдаланилган².

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, XIX аср охири – XX аср бошларида Туркистан ўлкасида доришунослиқда табиий ресурсларнинг ўрни беқиёс бўлган. Табиатдаги деярли барча гиёҳ ва маъданлар турли хил касалликларни даволашда самарали қўлланилган. Гарчи замонавий кимёвий воситалар ҳам мамлакатга кириб келган бўлса-да,

¹ Шарқ табобати. Нашрга тайёрловчи, таржимон, мақолалар ва шарҳлар муаллифи Ҳамидулла Ҳикматуллаев. Т.: А. Қодирий номидаги ҳалқ мероси нашриёти, 1994. Б. 288.

² Рождественский М. Хазрэт Аюбский теплые воды и Джелял-Абадская санитарно-гигиеническая станция/ Ежегодник Ферганской области. Новый Маргелан, 1902. С. 66–99.

маҳаллий табиблар фақатгина табиий воситалар ёрдамида дорилар тайёрлашган ва аъло натижаларга эришганлар. Ўлка табиатининг шифобахш хусусиятлари шу жиҳати билан чет эл тадқиқотчиларини доимо қизиқтириб келган.

Вақфга оид Хива хонлиги фатво ҳужжатлари: назария ва амалиёт уйғулиги

*Қаҳрамон Якубов
ЎзР ФА Тарих институти докторанти*

Фатво ҳужжатлари нафақат Хива хонлиги хуқуқ тизими ва қозилик амалиёти, балки ижтимоий-иқтисодий муносабатлар, хусусан вақф мулкчилиги тарихини ёритувчи бирламчи манбалардан ҳисобланади. Ўрта Осиёда ушбу турдаги тарихий ҳужжат одатда *ривоят* номи остида машҳур бўлган. Ривоят ўзида Ислом хуқуқшунослиги соҳасидаги мутахассис ҳисобланган *муфтий* томонидан муайян (одатда мураккаб ва баҳсли) масала бўйича чиқарилган ҳукмни акс эттирган.

Ушбу тадқиқот доирасида Хива хонлиги қозилик амалиётида муфтийлар ролига қисқача тўхталиб ўтиш билан бирга, асосий эътибор Ўзбекистон Миллий архивида сақланаётган вакф масаласига оид фатво ҳужжатларининг умумий тавсифи ва улардан бирининг манбавий таҳлили орқали вақф таъсис этиш ҳақидаги ҳужжат – *вақфномани* қайта тиклаш тартибига эътибор қаратилади.

Мавзу тарихшунослигига оид тадқиқотлар таҳлили ҳозиргacha Хива хонлиги фатво ҳужжатлари асосан икки жиҳатдан алоҳида ўрганилганлигига ишора қиласди. Биринчи турдаги адабиётлар таркибига А. Вамбери, А. Кун, В. Гиршфельд каби муаллифлар тадқиқотларини киритиш мумкин¹. Уларда фатво чиқаришга лаёқат ва хуқуки бўлган муфтийлар фаолияти диний бошқарув ва қозилик тизими доирасида ёритилган. Мазкур гурухга мансуб тадқиқотларнинг ўзига хос жиҳати ушбу масала борасида мавжуд маълумотларнинг баъзан шахсий кузатув ва гоҳида суриштирув орқали оғзаки тарзда

¹ Вамбери А. Путешествие по Средней Азии. Описание похода из Тегерана через Туркменскую степь по восточному берегу Каспийского моря в Хиву, Бухару и Самарканд, совершенной в 1863 году Арминием Вамбери, членом Венгерской Академии. Перевод с английского. Санкт-Петербург, 1865. С. 166; Архив востоковедов. Личный фонд А.Л. Куна. Фонд 33, описание 1, ед. хр. 10; Военно-статистическое описание Хивинского оазиса, составленное Генерального штаба капитаном Гиршфельдом, переработанное начальником Аму-Дарьинского отдела генерал-майором Галкиным. Ташкент, 1903. Ч. 2. С. 27–32.

түпланғанлигидир. Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, рус шарқшунос олимлари ва ҳарбий маъмурлари томонидан бундай маълумот йиғиш жараёни бевосита мустамалака сиёсат табиати ва империя лойиҳалари билан түғридан-түғри боғланган эди. Умуман олганда, мазкур адабиётлар муайян таъсир ва қарашлар остида, репрезентатив характерда ёзилганига қарамай, қозилик тизими ҳамда унинг кўпинча чамбарчас бўғини сифатида намоён бўлувчи муфтийлик фолиятини қайта тиклашда ёрдамчи манба вазифасини ўтайди.

Иккинчи туркум адабиётларида эса фатво ҳужжатлари манбашунослик таҳлили нуқтаи назаридан тадқиқ қилинди. Хусусан, совет даврининг шарқшунос олимларидан О. Чеховичнинг Ўрта Осиё дипломатикаси муаммолари ва вазифаларига бағишлиланган маҳсус мақоласида тарихий ҳужжатлар тури, уларнинг умумий тавсиф ва таснифи келтирилиб, ривоят ҳужжати ҳамда унинг мазмунига қисқача эътибор қаратилган. Бироқ О. Чехович фатво ҳужжати ва умуман фиқҳий иборалар ҳамда формуулалар талқини ва мазмун-моҳиятини алоҳида тадқиқот объекти сифатида атрофлича ўрганмаган.

Ўзбекистонда сўнгги 20 йилда қозилик ҳужжатлари ва бошқа турдаги хуқуқий актларни каталог тарзида чоп этиш анъанаси манбашуносликнинг алоҳида йўналиши сифатида янада ривожланди. Натижада иккинчи гурухга мансуб адабиётлар доираси кенгайиб, тарихий ҳужжат манбашунослигининг илмий тавсифлаш билан боғлиқ янгича услуг ва тамойиллари шаклланди. Соҳа тараққиётига А. Ўринбоев, К. Исогай, Э. Каримов, Н. Тошев ва Т. Вельсфорд каби олимлар ўз тадқиқотлари билан катта ҳисса қўшдилар. Ана шундай каталоглар таркибида бошқа тарихий ҳужжатлар қатори фатво ҳужжатлари ҳам муайян ишлаб чиқилган тамойиллар асосида қисқача тавсифланди. Масалан, шарқшунос олимлар А. Ўринбоев ва Т. Харикава умумий раҳбарлиги остида тузилган каталогда 30 дан ортиқ, Э. Каримов тадқиқотида 8 та ва Н. Тошев ҳамда Т. Вельсфорд ҳамкорлигига чоп этилган каталогда эса 87 та фатво ҳужжатларининг тавсифи келтирилган¹. Ўз навбатида, япониялик олим К.Исогай томонидан эълон қилинган илмий хулоса бевосита мавзу юзасидан амалга оширилган маҳсус изланиш эканлигини алоҳида қайд этиш лозим.

¹ Батафсил қаранг: Каталог хивинских казийских документов XIX – начало XX вв.: Составители: А.Урунбаев, Т.Хорикава, Т.Файзиев, Г.Джураева, К.Исогай. Ташкент-Киото, 2001. 694 с; Каримов Э.Э. Регестры казийских документов и ханских юрлыков Хивинского ханства XVII – начала XX в. Ташкент: Фан, 2007. – 120 с; Welsford T., Tashev N. A Catalogue of Arabic-Script Documents from the Samarqand Museum. With the assistance of M.Ismoilov and H.Aminov. Samarqand, 2012. P. 687.

Жумладан, унинг тадқиқотига бирламчи манба сифатида 7 та Самарқанд фатво ҳужжатлари жалб этилиб, унда муаллиф мазкур турдаги ҳужжатнинг ички тузилиши, уларда кўтарилган мерос масаласининг ҳуқуқий асослари ва суд тизимида муфтийлар функцияларини очиб беришга ҳаракат қилган¹. Мазкур изланишнинг эътиборли томони ва бу йўналишда яратилган аввалги адабиётлардан фарқли жиҳати бу фатво ҳужжатида келган турли иборалар шарҳи ва тўлиқ таржимасининг берилганлигидир. Бироқ ушбу тадқиқотда ўёки бу фатво ҳужжатининг қози томонидан қабул қилиниши орқали унинг амалиётга татбиқи борасида якуний хулоса акс этмаган. Умуман олганда, ушбу нашрларнинг аксарияти фатво ҳужжати ҳақида умумий тасаввур бериш билан кифояланса-да, бироқ уларнинг кейинги тадқиқотлар учун асос вазифасини бажарганини ҳам эътироф этиш ўринлидир.

Хива хонлигининг Қўнғиротлар сулоласи (1770–1920) ҳукмронлиги даврида қозихона маҳкамаси ва ҳукм жараёни ҳақида гап кетганда, унинг таркибий бўғини ҳисобланган мансаблар, хусусан, муфтийлар фаолиятини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Жумладан, А.Кун аъламнинг вазифаси ва унинг муфтийлар билан хизмат муносабати ҳақида қўйидагиларни қайд этади: “Аълам – барча муфтийлар бошлиғи ҳисобланиб, унинг вазифаси ҳукм[қисми]да шариатдан олинган иқтибосларни текширишдан иборат. У ўз муҳри билан келтирилган шаръий асослар тўғрилигини тасдиқлаган”². Дарҳақиқат, биз аниқлаган фатво ҳужжатларида муфтий билан бирга кўпинча аълам муҳри ҳам учрайди. Ҳатто 2 та ҳужжат биттадан муҳр билан тасдиқланган бўлиб, улар иккиси ҳам аъламга тегишлидир³. XIX аср иккинчи ярмида хонлик пойтахти Хива шаҳрида аълам қўл остида 5 та муфтий фаолияти йўлга қўйилган эди. Шунингдек, Хива хонлигининг бошқа йирик шаҳарларида 1 тадан муфтий лавозими ҳам жорий этилган⁴. Ўз навбатида, муфтий қозининг ҳуқуқшунос-маслаҳатчиси сифатида қози томонидан муайян ишни кўриш чоғида фатво ҳужжатини тузиш ва унда келтирилган фиқҳий кўрсатма тўғрилигини

¹ Isogai K. Seven Fatwa Documents from Early 20th Century Samarqand: The Function of Mufti in the Judicial Proceedings Adopted at the Central Asian Islamic Court // Annals of Japan Association for Middle East Studies, Vol. 27, no. 1 (2011). P. 259–282.

² Россия Фанлар академияси Шарқ қўлёзмалари институти. Шарқшунослар архиви. 33-фонд, 1-рўйхат, 10-ийғмажилд, 6-орқа варақ.

³ ЎзМА, И-125-фонд, 1-рўйхат, 495-ийғмажилд, 16–27-варақлар.

⁴ Вамбери А. Путешествие по Средней Азии. Санкт-Петербург, 1865. С. 166.

ўз мұхри билан тасдиқлаган¹. Демак, фатво ҳужжати одатда муфтий томонидан тузилиб, унда нафақат муфтий, балки одатда аъламнинг мұхри ҳам талаб этилган.

Ўзбекистон Миллий архивининг “Хива хони девонхонаси” деб номланған И-125-фонд йиғмажилларидан бирида Хива хонлигига оид фатво ҳужжатлари сақланади². Йиғмажилд таркибидан жами 33 та мазкур туркумдаги ҳужжатлар ўрин олган бўлиб, уларнинг 5 таси вақф мулкчилиги билан боғлиқ масалаларга оиддир. Мазкур фатво ҳужжатларидан 4 таси эски ўзбек тилида³ ва биттаси форс тилида тузилган. Ушбу мақола доирасида илмий истеъмолга тортилган фатво ҳужжати матни эски ўзбек тилида бўлиб, унда айрим арабча ва форсча сўз ҳамда жумлалар ҳам учрайди. Ўз навбатида, матндан стилистик хусусият ва сўз қурилиш услубининг таҳлили ушбу фатво ҳужжати гёёки форс тилида битилган бошқа бир шу турдаги ҳужжат асосида тузилганлигига ва унинг калкаланған шаклига ишора қиласди. Ҳужжат матнининг яна бир ўзига хос жиҳати шуки, унда акс этган саволнинг жавобини асослаш учун фиқҳий асардан олинган кўрсатманинг ўз ҳолича, яъни араб тилида келтирилганлигидир.

Фатво ҳужжатлари ички тузилиши жиҳатидан ҳам ўзига хосликка эга бўлиб, у инвокация, яъни Аллоҳ номини зикр этиш ва Ислом оламида машҳур фақиҳларнинг кўйилган масала борасидаги фикрларни сўраш билан бошланган. Одатда шартли равишда икки иборадан ташкил топган ушбу кириш қисми ҳужжатда каллиграфик усулда акс этган. Кейинги ўринда ҳужжат шартли формулярининг асосий қисми, яъни наррацияда кўтарилган масала моҳияти ва у билан боғлиқ савол(лар) аниқ баён қилинган. Шундан кейин қисқа жавоб акс этган. Ўз навбатида, юқорида қайд қилинганидек, берилган қисқа жавобнинг фиқҳий асослари ҳужжатнинг юқори ўнг томон ҳошия қисмида жумла ҳолида келтирилган ҳамда ундан кейин ушбу шаръий кўрсатма олинган фиқҳий асар номи қайд қилинган. Матннинг корроборация қисмида баъзан бир шахс мұхри ёки айрим ҳолларда бир неча кишилар мұхрларини учратиш мүмкін. Фатво ҳужжа-

¹ Россия Фанлар академияси Шарқ қўлёзмалари институти. Шарқшунослар архиви. 33-фонд, 1-рўйхат, 10-йиғмажилд, 7-варак.

² ЎМИ, И-125-фонд, 1-рўйхат, 495-йиғмажилд,

³ Хива хонлигининг бу даврдаги адабий тили тадқиқотларда турлича, хусусан, “(кейинги) чигатой тили”, “ески ўзбек” ва “Трансоксиана туркийси” деб номланған. Қаранг: Muḥammad Riżā Mirāb Āgahī. Jāmī’ al-vāqī’āt-i sultānī/ Edited in the original Central Asian Turkic with an introduction and notes by Nouryaghdi Tashev. Samarkand-Tashkent, 2012. P. iv.

тининг ички таркибий тузилишидан эсхатаколнинг датум қисми, яъни ҳужжат санаси ўрин олмаган. Қуйида бу турдаги ҳужжат ҳақида тўлиқ тасаввурга эга бўлиш учун танлаб олинган вақфга оид фатво ҳужжатининг мазмунига эътибор қаратамиз.

Мазкур вақфга оид фатво ҳужжати вақфномаси йўқ бўлган вақф мулкининг гувоҳлар иштирокида қайта тиклаш масаласига бағишиланган. Унда асосий урғу гувоҳлик шакли ва ҳолати, шоҳидлар иштироки билан вақфнинг шартларини белгилаш, вақф мулкидан фойдаланиш тартиби ҳамда вақфдан даромад олувчилар борасидаги кўрсатмаларни тиклашда қозининг ваколатлилиги ҳақида савол берилган. Шунингдек, йўқолган вақфномани қайта тиклашда ҳам қозининг ваколати бор ёки йўқлиги тўғрисида сўралган. Мазкур саволларга фикҳий манбалардан ҳукмларни келтирган ҳолда қисқа “ҳа” мазмундаги жавоб берилган. Фатво ҳужжати 4 та муҳр билан тасдиқланган. Бироқ фатво ҳужжатларида муҳрлар сони ўзгариб турган. Масалан, ушбу тўпламдан ўрин олган бошқа 4 та фатво ҳужжатларининг ҳар бирида биттадан то еттитагача муҳрлар учрайди. Биз алоҳида эътибор қаратган ушбу ҳужжат эса бир нафар аъلام, бир нафар раис ва икки нафар муфтий муҳрлари билан расмийлаштирилган. Мазкур фатво ҳужжатида гарчи унинг тузилган вақти одатдагидек қайд қилинмаган бўлса-да, бироқ мавжуд муҳрларда акс этган йиллар асосида унинг 1340/1922 йилда ёки ундан кейинги даврда расмийлаштирилган, деб ҳисоблаш мумкин.

Юқоридаги фатво ҳужжати асосида Хива хонлиги вақф мулкчилиги муносабатларида вақфномани тиклаш тартиби ва вақф мулкининг ҳуқуқий асослари ва шартларини (қайта) белгилаш ҳамда вақфномани қайта тузиш билан боғлиқ ҳуқуқий жиҳатларни аниқлаш имконияти юзага келади. Табиийки, фатво ҳужжатининг ўзи муайян масала борасида берилган фикҳий кўрсатманинг амалиётда аниқ қўлланилганини акс эттиrmайди. Кейинги жараённи кузатиш учун вақфнома ёки вақфга оид бошқа турдаги ҳужжатларга эҳтиёж сезилади. Шундан келиб чиқиб, шу вақтгача биз ўрганган ҳужжатлар орасида вақф мулкини гувоҳлар ёрдамида қайта тиклаш ҳақида ҳужжатлар ҳам аниқланганини алоҳида қайд этиш лозим. Масалан, 1340/1922 йилда қайта тузилган вақф ҳужжатида: “...ахбор қилдилар, лафзи ашҳад билан Домулло Абдулкарим қори охунд Кўҳна қалъали Малика-бика алайҳо ал-роҳманинг масжид қавмидан, маъруф валад Домулло Муҳаммадкарим валад Муҳаммадшариф мажзум валад Мулло Муҳам-

мадкарим қорибоши ва Мулло Мұхаммадюсуп қори мазкур қавмдан, маъруф валад Аллоҳберган ва Усто Раҳмонберган мазкур қавмдан, маъруф валад Эрнафас сүфи ахборлари бу тарықадаки, ҳаммаги ва тамоми таҳминан бир таноб мазкур масжиднинг мавқуфа ерики....” деган жумла ҳужжат санасидан кейин келган. Ушбу ҳужжат мазмұнига кўра, З та шахс гувоҳ сифатида шаҳодат калимаси билан Хиванинг Гандумкон мавзеида жойлашган 1 таноб ер воқиға Маликабиқа томонидан унинг ўз номи билан аталувчи масжидга бир неча йил олдин вақф қилинганига иқрор бўлганлар. Шуниндек, улар воқиға қиёмат қунигача мутавалли лавозимиға масжид имомини тайинлагани ва вақф ерининг корандаси (ижарачиси) сифатида ҳам имомни белгилаганига гувоҳлик берганлар. Матннинг асосий қисми: “...ҳозирда, шу ҳудудлари келган[ер]нинг вақфномаси йўқ бўлгани сабабли илтимос қилурмизким, шу ҳудудлари келган[ер]га янгидан вақфнома расмийластириб берсалар, деб шундан сўнг, уларнинг илтимослари қабул қилиниб, қозилик ваколати билан вақфнома тайин этилиб амр қилинди: ҳар кимса-ким, ушбу масжид имоми бўлса, ўша шахс [вақфнинг] мутавалли ва корандаси бўлиб, мазкур вақф қилинганд ердан ҳар қандай турдаги даромад ҳосил бўлса, қадим дастури бўйича [уларни] олиб, ўз эҳтиёжига сарф қилсин, деб...” жумласи билан якунланган. Мазкур вақф ҳужжатидан шу нарса маълум бўладики, вақф мулки ва вақфномани тиклаш жараёнида гувоҳлар вақф мулки билан боғлиқ шартларга ҳам шоҳидлик йўли билан аниқлик киритишлари мумкин бўлган. Бундай шароитда қози ушбу вақф шартларига таяниб янги вақфномани тасдиқлаб берган.

Бошқа бир вақфномадан маълум бўлишича, Хива шаҳрида жойлашган Саййид Ниёзбой шоликор мадрасаси меъморий мажмуасига тегишли вақфнома ва вақф мулки билан боғлиқ шартлар Хива хони Оллоҳқулихон (1794–1842) даврида хоннинг шахсан ўзи томонидан қайта тикланган¹. Яна бир эътиборли жиҳати, вақфнома матнининг ўзида ҳам фиқҳий ҳукм ва у олинган манба “Жомеъ ал-фатово” асарининг алоҳида қайд этилганлигидир². Демак, шу икки вақфномаларга таяниб фатво ҳужжатларида акс этган назарий-хукуқий асос Хива хонлиги вақф амалиётида ҳам кенг қўлланилган, деган хулоса-га келиш мумкин.

¹ Якубов Қ. XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида Хива хонлигига вақф институти (тарихий-манбашунослик таҳлили). Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий дарражасини олиш учун ёзилган диссертация. Тошкент, 2018. Б. 97–98.

² ЎзР ФА ШИ қўлленималар фонди, 3-ийғмажилд, 4-хужжат.

Умуман олганда, Хива хонлиги суд тизимининг таркибий қисми – муфтийлар фаолиятини ёритишда ўз даврида яратилган хорижий тадқиқотларни маҳаллий манбалар билан қиёсий таҳлил қилган ҳолда ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, фатво ҳужжати ва у билан боғлиқ турли қозилик ҳужжатларини биргаликда тадқиқ этиш нафақат вақф мулкчилиги ва бошқа ижтимоий-иқтисодий масалаларнинг ҳуқуқий асосини, балки қозилик маҳкамаларининг ишлаш тартиби ва бу жараёнда муфтийларнинг ўрнини аниқлаш имконини беради. Бундан ташқари, биз кўриб чиққан бир мавзудаги тарихий ҳужжатлар Хива хонлиги вақф мулкчилигига назария ва амалиёт одатда ўзаро уйғун ҳолда амал қилганлигини намоён этади.

II БҮЛİM. СОВЕТ ДАВРИ

I БОБ. СИЁСИЙ ЖАРАЁНЛАР

Коллективизация в Каракалпакстане и ее последствия для аулов

Абдихалық Абдукаrimов

Нукусский государственный педагогический институт имени
Ажинияза, докторант кафедры Методика преподавания истории

С установлением советской власти, начался процесс реформирования страны, не взирая, на их неэффективность, тоталитарная власть все сильнее наращивала обороты. Доктрина «военного коммунизма» решала поставленные задачи, поэтапно изменяясь методом командно-административного управления. Наиболее выраженные её формы проявились в сельском хозяйстве. Этап коллективизации переустроил сельское хозяйство страны и внес страх и непонимание в общество сельчан.

Задачей данной статьи является исследование процессов внедрения коллективного метода хозяйствования сельского хозяйства, влияние реформ на социально-экономическое положение сельского населения Каракалпакстана в исследуемый период.

Попытки осуществления земельно-водной реформы в условиях Каракалпакстана в 1925–1928 годы не дали новой власти ожидаемых результатов. Землестроительные работы дали им возможность управления массой безземельных дехкан, в массовом сознании которых формировали образ врага в лице крупных землевладельцев и предпринимателей как важный элемент «классовой борьбы» посредством средств массовой информации¹.

Идеологическое противопоставление в обществе усилилось с прибытием П.И.Варламова², который осенью 1927 года сменил Абу Кудабаева на посту первого секретаря областной партийной организации. Письмо Казахского Крайкома ВКП(б) (октябрь 1927 г.) на имя П.И.Варламова прямо указывало, с кем вести борьбу: «В КАО еще сильно влияние байства и духовенства... Так как основой господства баев и ишанов являются их привилегии в области водопользования

¹ Советская степь. Москва, 1928. 17 января.

² Давлетова Г. Тахтакупырское восстание 1929 года.: Автореф. дис. ...канд. ист. наук. Нукус. 2001.

и землепользования ... то борьбу с ними нужно вести с помощью соответствующих реформ»¹.

Какие цели ставились перед государственными органами и общественными объединениями Каракалпакстана в конце 1920-х годов?

Во-первых, сложная кризисная ситуация в ауле и кишлаке, которая не позволяла адекватно решить стоявшие перед властными структурами задачи, раздражала и сковывала деятельность партийной власти для установления полного контроля над обществом и общественными процессами.

Во-вторых, экономическое влияние зажиточных слоев в аулах и кишлаках обуславливало и их идеологическое влияние на другие сословия.

В-третьих, развитие сельского хозяйства и создание рентабельного хозяйства в периферии, приносящего доход в пользу государства, были необходимы для укрепления экономической мощи промышленной метрополии.

Власти Каракалпакстана ходатайствовали перед Крайкомом Казахстана о перенесении сроков проведения земельно-водной реформы с конца 1930 года на весеннюю посевную кампанию². 24 ноября 1928 года Каракалпакское бюро обкома ВКП(б) принимает постановление «О земельно-водной реформе в КАО»³. Бюро обкома отмечало наличие «вполне достигнутой политической подготовки широких батрацко-бедняцких и маломощно-середняцких масс», что дает основание для достижения полного осознания батрацко-бедняцким слоем необходимости единого выступления в блоке с середняком против байства за социально классовое изменение земельно-водных отношений в ауле и кишлаке.

Однако, 20 ноября 1928 года на совещании секретарей райкомов ВКП(б) и председателей райисполкомов с участием членов Бюро обкома партии и партийного актива, где председательствовал П. Варламов, с основным докладом «О земельно-водной реформе в КАО» выступил Галето, который обобщив мнения и результаты деятельности в этой сфере, сказал, что «проводить реформу сейчас мы не можем, ибо предстоит кампания – чистка «Кошчи», перевыборы Советов, осуществление «казу» с новыми принципами обложения по доходности, посевная кампания»⁴.

¹ Варламов Петр Иванович (1899–1942).

² АЖК РК, ф. 1, оп. 2, д. 520, л. 53.

³ АЖК РК, ф. 1, оп. 2, д. 135, л. 12.

⁴ АЖК РК, ф. 1, оп. 2, д. 135, л. 11.

Главным из направлений наступления на «полуфеодально-капиталистические элементы» аулов и кишлаков Каракалпакстана, была названа борьба за советизацию воды и «казу», начавшаяся с весны 1928 г. и закончившаяся осенью 1929 года, ибо здесь был основной узел общественно-экономических взаимоотношений кишлака и аула.

Согласно этой реформе главный критерий - выделение «казучи» в зависимости от размеров поливной площади был заменен зависимостью от размеров доходности хозяйства. А именно, от натуральной повинности освобождались хозяйства, имеющие годовой доход менее 100 рублей. А хозяйства, имеющие доход от 200 до 300 рублей, выставляли одного рабочего, зажиточные и байские хозяйства с доходом до 408 рублей выставляли двух рабочих. Хозяйства с доходностью выше 400 рублей на каждые 100 рублей выставляли дополнительно по одному рабочему, а при доходности 800 рублей и более выставляли на каждые последующие 100 рублей по 2 рабочих¹.

Так, весной и осенью 1928/1929 гг. было привлечено за счет байских хозяйств 15939 человек. Вместе с баями обложению бельдерами подверглись и середняцкие хозяйства.

Эта политика проводилась на основе декрета Казахского ЦИКа от 17 августа 1928 года «О конфискации имущества байского землепользования». Суть содержания реформы по трудовой повинности на работах по очистке ирригационной сети «казу» сводилась к переложению основной тяжести работ на баев и ишанов. Эти меры, а также очищение всего аппарата водного хозяйства снизу доверху, замена «арык-аксакалов» представителями из среды батрачества, бедноты и середняков, по мнению большевистского лидера Каракалпакстана П.Варламова, должны были развязать «узел феодальных отношений, нанести крупнейший удар по остаткам феодализма и поставить на путь советизации широчайшие массы дехканства»². Результаты исследования А.Джумашева и С.Нуржанова показывают: В традиционной структуре каракалпакского общества верховенство баев, духовенства и торговцев было естественным. Они являлись организаторами и сосредоточением аульной жизни и в родовых связях играли большую роль, обеспечивая (пусть и на кабальных условиях) основную массу дехкан сельхозинвентарем, рабочим скотом, семен-

¹ Сарыбаев К.С. История орошения Каракалпакстана. Нұкус. 1995. С. 161.

² Аvezov K., Varlamov P. Каракалпакстан к 10-летию Казахстана. Алма-Ата. 1930. С. 12.

ным материалом. Особое место имели представители духовенства, владевшие вакуфным имуществом¹.

В 1928–1929 годы на восстановление ирригации автономной области было отпущено всего 841 рубл. А до этого, то есть в 1925–1927 годы на ирригации было выделено 302603 рубля². Все виды ирригационной работы - очистки арыков, постройка дамбы, ремонт и казу, и новых каналов и т.д. - проводились в порядке натуральной повинности дехканских масс. В конце 1920-х годов только в ирригационные работы вовлекались от 10 до 15 тысяч человек за счет байских хозяйств и торговцев. Такой порядок ирригационной работы продолжался и в период коллективизации и в годы пятилетних планов до 1950 годов.

Таким образом, «советизацию воды и «казу», можно характеризовать как земельно-водную реформу применительно лишь к условиям Каракалпакской автономной области, которая сопровождалась очищением партийно-советского аппарата, поднятием роли «белсенди» и «тепериш», то есть, если применить современный термин, «люмпен-пролетариата» аула и кишлака.

В целом можно констатировать, что партийные установки 1927–1928 гг. достигли своей цели - дехканство Каракалпакстана накануне сплошной коллективизации было расколото.

Еще одним направлением в этой борьбе стала «чистка» советских и партийных органов. С.Нуржанов утверждает, что чистка аппаратов управления в период с 1927 по 1932 гг. планировалось провести в 2 стадии: 1927–1928 гг. и 1929–1932 гг.³ главной задачей была «выявить лицо Каракалпакии, распутать всю организационную неразбериху, царившую в те времена во всех организациях, придать всему этому стройность»⁴.

Эта кампания была осуществлена в 1928/1929 г. в один этап и носила характер скоротечной кампании⁵.

В сентябре 1929 года в северных районах Каракалпакстана вспыхнуло восстание. Оно было быстро подавлено, уже 10 октября 1929 года на закрытом заседании бюро Казахского Крайкома ВКП(б) было

¹ Джумашев А., Нуржанов С. Политика Коллективизации в Каракалпакстане: вопросы истории // Вестник ККО АН РУз. Нукус. 2006. № 3. С. 71.

² АЖК РК, ф. 1, оп. 155, д. 61, л. 180.

³ Нуржанов С. Каракалпакская автономная область: история и источники.: Автореф. дис. ... канд. ист. наук. Нукус, 1988. С.16.

⁴ Аvezov K., Varlamov P. Каракалпакстан к 10-летию Казахстана. Алма-Ата. 1930. -С. 52.

⁵ АЖК РК, ф. 1, оп. 2, д. 85, л. 7.

решено организовать выездную сессию Верховного суда КазАССР по делам, связанным «с бандитскими шайками в Каракалпакстане»¹.

В постановлении Казахского Крайкома от 11 января 1930 года были конкретно обозначены земледельческие районы Каракалпакстана - Шураханский, Шаббазский, Ктай-Кипчакский, Ходжейлийский, Каразиякский, Тахтакупырский, Чимбайский, Кунградский. «В этих районах имелись необходимые предпосылки для проведения «политики ликвидации кулачества как класса», как-то: высокое товарное хозяйство, организованное батрачество и беднота». В ходе проведения земельно-водных мероприятий были выявлены в Турткульском районе крупные земельные наделы - Нурака Канеева, Насруллабая, Ибрагима кази, Нуразиза Казакбаева. По Чимбайскому району в такой список были включены; Халмурат Бегжанов, Аскарбай, Чыныкул Халлеков, Каип дарга, Ханмаксум, Каракум хазрат, Ибрагим Адылов, Калимбет бай, Утемурат бай, Ходжимурат бай, Темирхан бай, Толыбай, Толеген бай. Из Ходжейли в этот список попали: Казакбай Саллах, Джуманияз бай². В целом, считалось, что в Турткульском, Шаббазском, Чимбайском и Ходжейлийском районах имелось минимум по 100 баев и представителей духовенства – зажиточных хозяйств.

Больше всего дехканство пострадало от варварской продовольственной политики. Власть берет у дехканина хлеб в долг, ибо не имеет в своем распоряжении товаров для обмена на забираемые продукты. Это раздражает дехканство, потерявшее надежду когда-либо получить товары или соответствующую компенсацию. Ведь хлеб и продукты животноводства - это единственное, что есть в ауле для обмена. Не встречая никакого сопротивления со стороны терроризированного населения, уполномоченные власти в выборе карательных мер перешли границы всего человеческого, превращая свои действия в глумление и издевательство над людьми. В докладной записке комиссии ЦК ВКП(б) Гричманов приводит факт, наглядно свидетельствующий о творившемся беспределе в аулах Чимбайского района: «Женщину, вдову 13 аула Чимбайского района, Бекзаду Турсунову заставили тащить на спине полбатмана кукурузы в посуде, сделанной из тыквы, на ссыпной пункт на расстояние в 25 километров. И она, держа на руках грудного ребенка, принесла требуемое количество хлеба»³.

¹ АЖК РК, ф.1, оп. 2, д. 520, л. 28.

² АЖК РК, ф.1, оп. 2, д. 617, л. 37.

³ Алланиязов Т.К. «Контрреволюция» в Казахстане: Чимбайский вариант. Алма-Ата. С. 48.

В результате репрессивных мер в Тамдынский район былиозвращены из мест перекочевки 250 хозяйств (12 байских и ишанских, 130 середняцких, 108 бедняцких). Было привлечено к административно-судебному порядку 13 байских хозяйств, 3 середняцких (в том числе заместитель председателя аулсовета) и хозяйства 2 мулл¹.

На заседании комиссии Каракалпакского обкома партии от 10 ноября 1930 г. были даны определения признаков «полуфеодальных и кулацких хозяйств» для ежедневной работы тройки по ликвидации кулака как класса. Определение середняка-земледельца было следующим образом: норма посева - 1 танапа на члена семьи; количество скота: крупного 4–5, баранов и коз 15–20 голов; инвентаря омач-1,2, мала –1, арба 1–2, чигирей - 2 шт. Общее количество членов семьи в середняцких хозяйствах, как бы многосемейным оно ни было, не может превышать 10–12 человек, поэтому надел земли середняка ограничен в пределах 15–18 танапов. Середняцкие хозяйства в 15 и более членов должны быть взяты под подозрение. Наем середняками рабочей силы со стороны позволительно 10 дней в году.

К категории бая-земледельца, скотовода относились те хозяйства, которые имели другие доходы, превышающие нормы середняцкого хозяйства земледельца - подряды, поставки торговли, кредитования, мельницы, маслобойни, аренду и т.д. Байское скотоводческое хозяйство - это хозяйство с количеством скота (в переводе всех животных на крупный рогатый скот) свыше 35 голов. Бай торговцы - это хозяйство, имеющие торговый оборот 10 тыс. рублей².

Еще 20 февраля 1930 г. П.Варламов на закрытом заседании Секретариата КК обкома ВКП(б) добился принятия следующего антигуманного решения: «настоять перед центром об увеличении числа выселяемых из пределов ККАО за счет уже ликвидированных по контрреволюционным делам, терактам, басмачеству, поручить облотделу ОГПУ представить персональный список на предмет рассмотрения по выселению из пределов области»³.

17 марта 1930 г. члены Президиума Областного Исполкома ККАО, где приняли участие Поздняков (вр.и.о. председателя Облисполко-ма), Ф.Холковский (секретарь КК обкома ВКП(б)), Белоногов (на-чальник КК ОГПУ), Калменов, Кузин, Шиганов (ответработники Об-

¹ АЖК РК, ф. 1, оп. 2, д. 868, л. 25.

² АЖК РК, ф. 1, оп. 2, д. 803, л. 10–11.

³ АЖК РК, ф. 1, оп. 2, д. 530, л. 28.

лисполкома), поддержали это решение¹. Число выселяемых хозяйств достигло до 298 единиц.

Переход к коллективизации сельского хозяйства в условиях Каракалпакстана был преждевременным. Эта акция не имела надлежащих условий и была начата в 1929 году без учета качественных характеристик как морально-нравственного, так и экономического состояния области.

При подготовке условий для коллективизационных процессов, власти стали апеллировать к идеологическим аспектам вопроса, нежели экономическим. Во-первых, они опирались на мнение безземельной части населения, которые не могли понять, почему были остановлены работы по уравнительному переделу земель. Еще в сентябре 1927 года Президиум КазЦИКа, рассмотрев вопрос «О землепользовании в Южном Казахстане», постановил о немедленном разъяснении «причин прекращения работ по уравнительному переделу и приступить к подготовке общественного мнения к предстоящей земельной реформе»². Но, при условиях КАО, агитационно-пропагандистская работа дала сбой: в выступлениях представителей районов на совещании в обкоме партии 20 ноября 1928 года в основном озвучивалось мнение, что «почти во всех аулах Чимбайского района в вопросах и выступлениях требовался передел земли, изъятие лучших земель от баев и ишанов и передачи их бедноте»³. Во-вторых, государство не имело необходимых финансовых и материально-технических возможностей для осуществления мер по коллективизации. Они основывались лишь на простом, механическом объединении всех средств и возможностей без учета общественного мнения, опираясь лишь на традиционные устои и характер взаимоотношений в каракалпакском обществе. В-третьих, советская власть начало поступательное наступление на наиболее зажиточные слои, подвергая их насилию и репрессиям, тем самым лишая общество основного стержня (как в идеологическом, так и в экономическом плане). Например, 21 января 1930 г. Бюро Казахского Краевого комитета партии решило окончательно ликвидировать ханские, вакуфные и байские земли и выселить наиболее крупные так называемые «контрреволюционные элементы». 17 марта 1930 г. Исполком Каракал-

¹ ЦГА РК, ф. 12, оп. 11, д. 235, л. 99.

² АЖК РК, ф. 1, оп.2, д. 135, л. 25.

³ АЖК РК, ф. 1, оп.2, д. 140. л. 4–5.

пакской автономной области принял постановление «О ликвидации в КАО наиболее крупных влиятельных полуфеодалов». Волна чудовищного насилия обрушилась и на Каракалпакстан. Политическому геноциду, в первую очередь, оказались подвергнуты участники движения сопротивления 1929 года. Была составлена разнарядка в целом по автономной области, и было выселено 295 хозяйств¹.

В начальном этапе коллективизации сельского хозяйства Каракалпакстана предполагалось формирование различных объединений хозяйств-землепользователей в виде артелей, коммун, товариществ и т.п. Колхозное движение в области начало развиваться с началом посевной кампании и к 1 октября 1928 года были образованы 13 колхозов в форме сельхозартели и ТОЗов. Небольшие колхозы по 6-10 членов с общим количеством 28-40 человек составило в основном беднейшее крестьянство и батраки². В 1928/1929 году было объединено 568 хозяйств с охватом 2096 человек и площадью в 478 га хлопчатника. В 1929/1930 году было намечено объединение 3051 хозяйств с охватом 16233 человек. Председатель областного отдела Колхозсекции Лепешкин свидетельствует, что «высшими организациями такой темп признан недостаточным», и предложено «объединение поднять выше», т.е. объединить 4084 хозяйств с населением в 21965 человек с отводом земли 16335 га (с посевом хлопчатника - 7257,25 га)³.

Если в 1928 году в колхозы входило всего 200 дехкан, то в 1932 году они объединяли уже 29588 дехканских хозяйств. Росла и посевная площадь колхозов: в 1928 году колхозы засевали лишь 500 гектаров, а в 1932 году - уже 80234 гектаров, на долю единоличного сектора в этом году приходилась лишь одна четвертая всей посевной площади. Особенно придавалось значение росту хлопководческих колхозов, например, удельный вес колхозов хлопководческого направления к 1932 году поднялся до 64% против 2,8% в 1928 г., куда направлялись основные фонды капиталовложений. Властные структуры всемерно пытались приукрасить преимущество коллективных хозяйств перед единоличными. Постоянно увеличивалась посевная площадь хлопчатника: в колхозах она выросла за эти годы с 210 до 42750 гектаров. Если в 1928 году колхозники снимали в среднем 5,4

¹ АЖК РК, ф. 1, оп. 2, д. 140. л. 4-5.

² Нуржанов С. Власть и каракалпакское общество: анализ фактов взаимоотношений // Вестник ККО АН РУз. Нукус, 2001. № 1. С.89.

³ АЖК РК, ф. 1, оп. 2, д. 515. л. 65.

центнера с гектара и сдавали государству 1,5 тыс. тонн хлопка-сырца, то в 1932 году средний урожай составлял 7,5 центнеров с гектара, и государству было сдано около 30 тысяч тонн хлопка сырца¹. Единоличные хозяйства подвергались непомерными налогами и другими повинностями, что, по сути, не оставляли им возможностей для саморазвития и совершенствования.

Таким образом, наиболее тяжёлыми были 1929–1932 годы – период активного слома традиционных основ каракалпакского общества и форсирования темпов колLECTIVизации в сельском хозяйстве Каракалпакской автономной области. Этот период вобрал в себя ликвидацию байства и духовенства как класса с выселением их в другие места жительства с конфискацией имущества. В этот период активно происходило принудительное втягивание индивидуальных хозяйств в колLECTивные с обобществлением всей имущественной собственности².

В последующие 1933–1934 годы сельское хозяйство не давало тех результатов, которые планировалось получить органами управления и власти. Например, III сессия ЦИК ККАССР в сентябре 1933 года отмечала, что «Советы были оторваны от масс и зачастую ограничивались голым администрированием. Вокруг них не был создан актив из колхозников и трудового дехканства»³. При этом серьезные недостатки были в производстве сельскохозяйственной продукции. Например, в 1933 г. при сдаче хлопка государству в плане в 39 тысяч тонн было сдано около 28 тысяч, это было меньше, чем даже в 1932 году (37 тысяч тонн). В общем контексте развития ситуации, в целом по стране подобную картину можно обосновать сложной общественно-политической характеристикой процессов, которые обусловили падение производства в аграрном секторе. В Казахстане и центральной части России разразился страшный голод, который вынудил большую часть населения мигрировать в Среднюю Азию, в том числе и в Каракалпакстан. Причиной подобной ситуации стало сокращение поголовья скота и сельскохозяйственной продукции, ухудшилось снабжение городов, снизилось потребление в сельской местности. К этому прибавилась засуха лета 1932 года, что в совокупности повлекла за собой полный дисбаланс товарно-денежных

¹ История Каракалпакской АССР. Ташкент, 1974. Т. 2. С. 158.

² Нуржанов С.У. Каракалпакская автономная область: история и источники (1925–1932 гг.): Автореф. дис. ...канд. ист. наук. Нукус, 1998. С. 16.

³ Очерки истории Каракалпакской АССР. Нукус, 1974. Т. 2. С. 176.

отношений в экономике страны. Тогда из Казахстана, согласно данным А.Джумашева, в республику перекочевало 3358 хозяйств¹. В Каракалпакстане была введена карточная система для служащих и рабочих, а дехканство получало люцерный паек на трудодни.

Большой урон сельскому хозяйству нанесло наводнение 1934 года, когда 10220 хозяйств 8 районов республики подверглись стихийному бедствию. В результате наводнения было затоплено 17955 га посевов, в том числе 6973 га хлопчатника, 5466 колхозных и 2970 хозяйств остались без крова. Общий урон, нанесенный сельскому хозяйству, составил 6630 тысяч рублей, объем разрушений в ирригационной системе составил 2186 тысяч рублей².

К 1936 году были коллективизированы 85,7% всех хозяйств с охватом 36988 хозяйств, посевная площадь увеличилась до 120 тысяч га³. Общая посевная площадь колхозов в 1936 году составляла 120 тыс. гектаров. В республике имелись 14 МТС, в их ведении находились 745 тракторов⁴.

В 1936 году впервые за несколько лет был выполнен план хлопкозаготовок (113,7%), было сдано государству 53330 тонн вместо запланированных 40655 тонн в 1935 году. Наметились некоторые успехи в животноводстве, люцерноводстве и бахчеводстве.

Социалистическое переустройство сельского хозяйства дало свои результаты, но стоить отметить, процесс коллективизации проходил трагический для общества края⁵. Итоги форсированной коллективизации в крае обозначились разрушениями много вековой традиции дехканства, борьба против самодостаточных семей, «зажиточных», раскулачивание, гонение духовенства привели к раздробленности каракалпакского аула, погони за показателями, выразились в своей неэффективности. Реформы сельского хозяйства края конца 20-х начала 30-х годов отразились трагедией аула.

¹ Джумашев А. История переселенцев 1930х годов (на основе материалов ЦГА РК) // Вестник ККО АН РУз. Нукус, 1995. № 1. С. 107.

² АЖК РК, ф. 1, оп.163, д. 291, л. 1–2.

³ Советская Каракалпакия. Нукус, 1936. 6 июля, 8 октября.

⁴ Сарыбаев К.С. История орошения Каракалпакстана. Нукус, 1995. С. 180.

⁵ Нуржанов С. Власть и каракалпакское общество: анализ фактов взаимоотношений // Вестник ККО АН РУз. Нукус, 2001. № 1. С.89.

1930 йил бошларида ўзбек қишлоғидаги оммавий қатағонлар

Музробжон Абдуллаев

Андижон давлат университети, тарих фанлари доктори, профессор

1929 йил кузида совет мамлакатида қишлоқ хўжалигини ёппасига коллективлаштиришга ўтилиши муносабати билан партия-давлат раҳбарияти қишлоқда кескин чораларга асосланган янги қатағон сиёсатини ишлаб чиқишига киришди. 1929 йил 7 ноябрда И.В. Стalinning “Правда” газетасида “Буюк бурилиш йили” номли мақоласи эълон қилинганидан ва ВКП(б) Марказий Комитетининг ноябрь Пленумида “Колхоз курилишининг натижаси ва келгусидаги вазифалар тўғрисида” қарор қабул қилинганидан кейин дәҳқонларга қарши тазийқ авж олди. Қарорда қишлоқда бадавлат (қулоқ) хўжаликларининг тугатилиши ёппасига коллективлаштиришни жадал ва муваффақиятли амалга оширилишига ёрдам бериши зарурлиги асосий мақсад сифатида қўрсатилган эди. Қарорда таъкидланганидек, қулоқ хўжаликларининг йўқ қилиниши бир томондан янги ташкил этиладиган колхозларга рақобат қиласиганларга барҳам бериб, колхоз қурилишига кенг йўл очса, бошқа бир томондан қулоқ хўжаликларидан мусодара қилиниб, колхозларнинг бўлинмас фондига ўтказиладиган ишлаб чиқариш воситалари колхозларнинг моддий техник базасининг мустаҳкамланишига ҳисса қўшар эди¹.

Партия арббларининг фикрича, дәҳқонларнинг консерватив ва социалистик ўзгаришларга ишончсиз қатламларини қатағон қилиниши дәҳқонлар асосий оммасининг колхозлар томон юз буришида ҳал қилувчи рол ўйнаши лозим эди. Шу сабабли ҳам, ёппасига коллективлаштиришнинг дастлабки палласиданоқ большевиклар ҳукуматига хос бўлган “инқилобий” шиддат билан, дәҳқон хўжаликларни мажбурлаш, таъқиб-қувғин қилиш, қамоққа олиш каби репрессив усусларни кенг қўллаган ҳолда ўтказила бошланди.

Коллективлаштириш, қулоқ қилиш ва қулоқ оилаларини сургун қилиш мафкураси большевиклар ҳокимиятининг марказий сиёсий кампаниясига айланди. Бу сиёсий кампанияни амалий жиҳатдан бошлишга 1929 йил 27 декабрда Stalin аграр-марксчиларнинг бу-

¹ КПСС в резолюциях и решениях съездов, конференций и Пленумов ЦК. Том 5. 1929–1932. Под общ. ред. А.Г. Егорова, К.М. Боголюбова. – 9-е изд., доп и испр. Москва: Политиздат, 1984. С. 29–30.

туниттифоқ конференциясида “қулоқларни эксплуататорлик тенденцияларини чеклаш сиёсатидан синф сифатида тугатиш” сиёсатига ўтишни эълон қилганидан кейиноқ киришилди. Сталиннинг қулоқ хўжаликларига нисбатан янги сиёсатни эълон қилиши маҳаллий партия ва совет раҳбариятига мисли кўрилмаган қонунбузарлик ва қатағонлар қилишига кенг йўл очиб берди.

1930 йил 5 январда ВКП(б) Марказий Комитетининг “Коллективизацияриш суръати ва колхоз қурилишига давлат ёрдами тўғрисида” қарори эълон қилинди¹. Қарорда ВКП(б) МК ОГПУ (Бирлашган давлат сиёсий бошқармаси – БДСБ)га қулоқларни тугатиш кампаниясини ўтказиш жараёнида ишларни суддан ташқари ҳолатларда кўриб чиқиши ваколатларини жойлардаги ОГПУнинг муҳтор вакилликларига ҳам топшириш ҳуқуқини берди. Бундай ишларни кўриб чиқиши ВКП(б) ўлка (вилоят) қўмиталари ва прокуратура вакиллари иштирокида амалга оширилиши лозим эди.

ОГПУ органларининг 1930–1934 йиллардаги информацион материаллари ўз даврининг сиёсий манзарасини аниқ акс эттирган. Уларда Сталин бошчилигидаги раҳбариятнинг мамлакатнинг асосий аҳолиси бўлган дехқонларга нисбатан қатағон сиёсати яққол ўз ифодасини топган.

ОГПУнинг 1930 йилдаги махфий ҳисоботларида дехқон хўжаликларини оммавий қатағон қилиш – “қулоқ қилиш” масаласи ҳам диққат марказида турган. Бинобарин, ОГПУнинг 1930 йил 11 январдаги 771-сон директиваси қулоқларга ялпи зарба беришга қаратилган тадбирларнинг муқаддимаси бўлганди. Унга кўра, репрессив чорани фақат қулоқ хўжаликларгагина эмас, балки директивада аниқ белгилаб берилган “ташкilotлар, гуруҳлар, якка ҳолдаги жиноятчилар”га, “қулоқ-оқгвардиячи-бандит унсурлар” деб номланган кишиларга – яъни бутун оммага қарши жазо чораларини кенг қўллаш кўзда тутилган эди. Ушбу директива ОГПУнинг жойлардаги барча муҳтор вакилликларига юборилиб, тегишли ўлка ва областлар бўйича “қулоқ-оқгвардиячи-бандит унсурлар”га мансуб гуруҳлар, тўдалар, ташкilotлар ва шахслар миқдори ҳақида агентура маълумотларини зудлик билан аниқлаштириб, 14 январга қадар марказга етказилиши буюрилган².

¹ Документы свидетельствуют: из истории деревни накануне и в ходе коллективизации. 1927–1932 гг. Сост. В.П. Данилов, Н.А. Ивницкий. Москва, Политиздат, 1989. С. 127–129.

² Советская деревня глазами ВЧК-ОГПУ-НКВД. 1918–1939. Документы и материалы. В 4-х томах. Том 3. 1930–1934 гг. Кн. 1. 1930–1931 гг. / Под ред. А.Береловича, В.Данилова. Москва: РОССПЭН, 2003. С. 71.

Илмий адабиётларда айрим ҳудудларда ушбу қўрсатма берилган 1930 йилнинг 11 январидан кейиндоқ қулоқ деб ҳисобланган дехқон хўжаликларини тугатиш бўйича амалий ишлар бошлаб юборилгани айтилади. Бироқ мамлакатда қулоқ қилиш расман ВКП(б) МК Сиёсий бюросининг 1930 йил 30 январдаги “Ёппасига колективлаштириш районларида қулоқ хўжаликларини тугатиш тадбирлари тўғрисида” қарори эълон қилинганидан кейин бошланган. Бу қарорда қулоқ хўжаликлари тоифаларга ажратилди ва тоифалар бўйича қатағон қилинадиганлар нормаси белгиланди. Биринчи тоифа “аксилинқило-бий фаол”лардан – террорчилик ҳаракати ташкилотчилари ва советларга қарши фаолият қўрсатганлардан иборат бўлиши белгиланиб, уларни қамоқقا олиш ва сиёсий жиноятчи сифатида концентрацион лагерларга юбориш ёки олий жазо қўллаш лозимлиги белгиланган. Уларнинг оила аъзоларини эса мамлакатнинг чекка минтақаларидаги маҳсус посёлкаларга сургун қилиш қўрсатилди. Бу ҳудудларга шунингдек, иккинчи тоифага кирувчи “йирик қулоқлар, яrim помешчиклар ва колективлаштиришга қарши фаол қаршилик қўрсатганлар” ҳам оила аъзолари билан бирга сургун қилиниши лозим эди. Қулоқларнинг қолган қисми (3-тоифа) эса яшаб турган ўлка ёки вилоят ичida, колхоз ерларидан ташқаридаги чекка ерларга кўчирилиши белгиланди. Қулоқ қилинадиганларнинг умумий миқдори барча дехқон хўжаликларининг 3–5 фоизини ташкил этиши лозимлиги қарорда кўрсатиб ўтилди. Лекин 1 ва 2-тоифалар бўйича “чекланган контингентлар”нинг аниқ миқдори қуйидагича белгиланган: мамлакатнинг асосий қишлоқ хўжалик районларидан биринчи тоифа бўйича 60 минг хўжалик, иккинчи тоифа бўйича 150 минг хўжалик¹.

Қарорда “ёппасига колективлаштириш районларида қулоқ қилинши зудлик билан, қолган районларда эса колективлаштириш ҳаракати кўлами ошиши билан амалга ошириш” кераклиги қайд қилинган эди. Зудлик билан чора қўллаш жумласига “қулоқ хўжаликлиридан ишлаб чиқариш воситаларини, ҳайвонларни, туар жой ва хўжалик иншоотларини, фалла запасларини мусодара қилиш” кирап эди.

ВКП(б) МК Сиёсий бюросининг 1930 йил 20 февралдаги “Иқтисодий қолоқ миллий районларда колективлаштириш ва қулоқларга қарши кураш тўғрисида” қарорида ёппасига колективлаштириш районларидаги қулоқ (бой) хўжаликларига нисбатан кўриладиган чо-

¹ Трагедия советской деревни: коллективизация и раскулачивание. Документы и материалы. 1927–1939. В 5 томах. Том 2. Ноябрь 1929 – декабрь 1930. Москва: РОССПЭН, 2000. С. 325–328.

ра-тадбирлар асосий ўрин әгаллади. Қарорнинг муқаддимасида миллий республикаларда колхоз ҳаракати нисбатан секин суръатлар билан ривожланаётгандыгы ва шунинг учун ёппасига коллективлаштириш ҳудудларида қулоқтарга қарши кураш чораларини коллективлаштириш суръатларига мувофиқ равищда ўтказиш айтилган бўлса-да, миллий районларда ҳам барча қулоқ хўжаликлари ҳудди ғаллакор районлардагидек учта тоифага ажратилди. Қарорда 15 марта гача биринчи тоифадагилардан 2950 кишини хибсга олиш ва концлагерларга юбориш тавсия этилди, шу жумладан: Ўрта Осиёда 1300 киши (Ўзбекистондан – 1000 киши, Туркманистандан – 200 киши, Тожикистандан – 100 киши), Кавказортида 1200 киши (Грузиядан – 500 киши, Озарбайжондан – 500 киши, Арманистандан – 200 киши), Доғистонда – 350 киши, Бурят-Монголияда – 100 киши қамоққа олиниши кўрсатилди¹.

Қулоқ қилишнинг биринчи босқичи қандай кечганлиги ОГПУнинг Махфий-оператив бошқармаси ахборотларида тўла акс этган. Бу бошқарма 1-тоифадаги қулоқлар бўйича 31 январдан 24 апрелгача 68 та маҳсус ахборот тузган. Уларда 1-тоифа бўйича қулоқ қилишнинг динамикаси, унинг районлар бўйича тақсимоти бутун СССР бўйича келтирилган. Унинг муҳим томони шундаки, унда қамоққа олиш бўйича статистик рақамлар ва зарбага учраган ижтимоий ва сиёсий гуруҳлар миқдори аниқ қайд қилинган.

Қулоқ қилиш операцияси бўйича ОГПУ Махфий-оператив бошқармасининг №2 маҳсус ҳисботига кўра, 31 январдан 16 февралга қадар Ўрта Осиё бўйича 162 киши қамоққа олинган. Жумладан, 2 та аксилинқилобий ташкилот, 13 та гуруҳ (гуруҳ аъзолари 278 киши) тугатилган, 5 та қурол мусодара қилинган. Қамоққа олинганларнинг ижтимоий таркиби қуйидагича: қулоқлар – 65 киши, ўртаҳоллар – 33 киши, камбағаллар – 31 киши, черков ходимлари – 3 киши, савдогарлар – 1 киши, “собиқлар” – 1 киши, хизматчилар – 20 киши, масъуль ходимлар – 6 киши, “бошқалар” – 2 киши. Бутун иттифоқ бўйича 1930 йил 16 февралгача 64589 киши қамоққа олинган, 51 та аксилинқилобий ташкилот ва 1183 та гуруҳ тугатилган².

Маҳсус ҳисботларга эътибор берганда маълум бўладики, қулоқ қилиш бўйича операцияда ОГПУ ВКП(б) МК Сиёсий бюросининг 30 ян-

¹ Россия ижтимоий сиёсий тарихи давлат архиви (РИСТДА), 17-фонд, 162-рўйхат, 8-ийғмажилд, 94-101-варажлар.

² Советская деревня глазами ВЧК-ОГПУ-НКВД. 1918–1939. Документы и материалы. В 4-х томах. Том 3. 1930–1934 гг. Кн. 1. 1930–1931 гг. / Под ред. А.Береловича, В.Данилова. Москва: РОССПЭН, 2003. С. 113.

вардаги күрсатмасини 31 январдаёқ бажарғанлигига гувоҳ бўламиз. 15 февралга тегишли бўлган №16 маҳсус ҳисоботда мамлакат бўйича жами 64589 киши қамоққа олинганлиги, улардан 52166 таси 1 тоифага мансуб қулоқлар экани қайд қилинган. Маълумотдан кўриниб турадики, қамоққа олинганлар ичидаги камбағал дехқонлар, сабиқ савдогарлар, сабиқ “оқлар”, диний муассаса хизматчилари, қишлоқ зиёлилари ва хизматчилар, шунингдек, машғулоти номаълум бўлганлар, “кимлиги аниқланмаганлар” ва “бошқалар” кўпчиликни ташкил этган¹.

ОГПУнинг 1930 йил 2 февралдаги 44/21-сон “Кулоқларни синф сифатида тугатиш бўйича тадбирлар ҳақида” буйруғига биноан ОГПУ муҳтор вакилларидан 1-тоифа бўйича қамоққа олинганлар ишини кўриб чиқиш бўйича ўлка, вилоят ВКП(б) комитетлари ва прокуратура вакилларидан иборат “учлик”лар тузиш белгиланган. Сиёсий учликлар таркиби ОГПУ коллегиясида тасдиқланган. 2-тоифага мансуб қулоқлар ва оила аъзоларини сургун қилиш билан боғлиқ ишларга бевосита раҳбарлик қилиш учун ОГПУ муҳтор вакилларидан остида оператив учликлар ҳам тузилган. Оператив учликлар шунингдек, вилоятларда, округларда ҳамда ОГПУ округ бўйимларида ҳам бўлим бошлиқлари раҳбарлигига тузилган².

ОГПУнинг 1930 йил 11 январдаги 771-сон директив кўрсатмаси бўйича қамоққа олишлар тўхтовсиз давом этган. 1930 йил 9 марта келиб, Ўрта Осиё бўйича қўшимча яна 46 та “аксилинқилобий гуруҳ” тугатилиб, бу бўйича 298 киши қамоққа олинган. Шунингдек, битта тўда тугатилиб, 8 киши қамоққа олинган, якка ҳолда 525 киши қамоққа олинган. Қочиб юрган 650 нафар “кулоқ” ҳам қамоққа олинган. Операция давомида қўшимча равишда (16 февраль – 9 март оралиғида) жами 831 киши қамоққа олинган. 1930 йил 9 март ҳолатида Ўрта Осиё бўйича гуруҳлар ва якка ҳолда қамоққа олинганлар сони 993 кишини ташкил қилган. Жумладан, 2 та аксилинқилобий ташкилот тугатилиб, унинг аъзоларидан 17 киши қамоққа олинган, 59 та гуруҳ тугатилиб, булар бўйича 337 киши, битта тўда тугатилиб тўданнинг 8 аъзоси, якка ҳолда 631 киши ҳамда қочиб юрган қулоқлардан 650 киши қамоққа олинган³.

ОГПУнинг Ўрта Осиёдаги муҳтор вакиллигининг 1930 йил 20 марта даги ҳисоботига кўра, 1930 йил февралидан 17 марта қадар

¹ Советская деревня глазами ВЧК-ОГПУ-НКВД. Т. 3. Кн. 1. С. 9.

² Трагедия советской деревни: коллективизация и раскулачивание. Т. 2. С. 163–167.

³ Советская деревня глазами ВЧК-ОГПУ-НКВД. Т. 3. Кн. 1. С. 126.

ўтказилган оператив ишлар натижасида 1-тоифага мансуб бўлган “аксилинқилобий фаол” қулоқ-бойларни тугатиш минтақа бўйича қуидагича якунланган:

Андижон округида қамоққа олинган “аксилинқилобий фаоллар”-нинг умумий сони 607 киши. Улардан 257 таси бойлар, 31 таси муллалар, 22 таси савдогарлар, 54 таси ўртаҳол дехқонлар, 33 таси камбағаллар, қолганларнинг ижтимоий ҳолати аниқланмаган. Камбағал ва ўртаҳол дехқонлар оммавий норозилик чиқишилари иштирокчиси сифатида қамоққа олинган. Қамоққа олинганлардан 8 таси портия-совет ходимлари бўлиб, улар партия йўлидан чиқиши, оғмачилиги учун хибсга олинган. Қамоққа олинганларнинг барчаси Андижон турмасида жамланган.

Фарғона округида 164 нафар оммавий норозилик чиқишилари ташкилотчилари ва фаол иштирокчилари қамоққа олинган. Уларнинг ижтимоий таркиби ҳақида маълумот йўқ.

Бухоро округида жами 156 киши қамоққа олинган. Улардан 67 нафари бойлар, 5 нафари муллалар, 63 нафари ўртаҳоллар, 17 нафари камбағаллар бўлган, 4 кишининг ижтимоий мансублиги аниқланмаган. Бу округдаги камбағал ва ўртаҳол дехқонлар ҳам оммавий чиқишилардаги фаоллиги учун қатағон таъсири остига олинган.

Самарқанд округида қамоққа олинганлар 127 киши бўлиб, улардан 81 нафари бойлар, 10 нафари муллалар, 23 нафари ўртаҳоллар, 13 нафари камбағал дехқонлар бўлган.

Қашқадарё округида 123 киши қамоққа олинган. Уларнинг 50 нафари бойлар, 8 нафари муллалар, 16 нафари савдогарлар, 18 нафари ўртаҳол дехқонлар, 7 нафари камбағал дехқонлар, 7 нафари партия ва совет ходимлари бўлган.

Хоразм округида 12-13 март кунларида 18 киши қамоққа олинган. Улардан 8 нафари бойлар, 3 нафари муллалар, 1 нафари савдогар, 4 нафари ўртаҳоллар, 2 нафари камбағал дехқонлар эди.

Ўзбекистон бўйича жами 1195 киши қамоққа олинган. Республика бўйича 51 та аксилинқилобий гурӯҳ тугатилиб, унинг аъзоси сифатида умумий рўйхатга кирувчи 385 киши қамоққа олинган.

Тожикистон бўйича 126 киши қамоққа олинган. Улардан 70 нафари бойлар, 12 нафари муллалар, 3 нафари савдогарлар, 13 нафари ўртаҳол дехқонлар, 20 нафари камбағал дехқонлар, 1 нафари совет ходими бўлган. 15 та аксилинқилобий гурӯҳ тугатилиб, бу бўйича 108 киши қамоққа олинган.

Қирғизистон бўйича 420 киши қамоққа олинган.

Туркманистанда жами 281 киши қамоққа олинган. Улардан 180 нафари бойлар, 6 нафари муллалар, 1 нафари савдогар, 77 нафари ўртаҳол дехқонлар, 14 нафари камбағал дехқонлар, 4 нафари ижтимоий мансублиги аниқланмаганлар бўлган.

Бутун Ўрта Осиё республикалари бўйича (Тошкент, Зарафшон, Сурхондарё округларидан ташқари) жами 2022 киши қамоққа олинган¹.

Қулоқ қилиш операцияси жараёнида 1930 йил 24 апрелига қадар Ўрта Осиё бўйича тугатилган аксилинқилобий ташкилотлар, гуруҳлар, тўдалар ва қамоққа олинганлар миқдори қўйидагича бўлган:

1-тоифа бўйича қамоққа олинганлар – 2350 киши; тугатилган аксилинқилобий ташкилотлар – 2 та, қамоққа олинган ташкилот аъзолари – 17 киши; тугатилган аксилинқилобий гуруҳлар – 89 та, қамоққа олинган гуруҳ аъзолари – 917 киши; якка ҳолда қамоққа олинганлар – 1416 киши; тугатилган тўдалар – 22 та, қамоққа олинган тўда аъзолари – 1539 киши².

Бутун мамлакат бўйича эса 1930 йил 24 апрелгача 1-тоифа бўйича 123716 киши қамоққа олинган. Яъни, бу тоифа бўйича қамоққа олишлар ВКП(б) МК Сиёсий бюросининг 1930 йил 30 январдаги қарорида кўрсатилган миқдордан 2 баравар ортиғи билан бажарилган.

Қулоқлар бўйича операциянинг биринчи босқичида қамоққа нафақат хўжалик бошлиқлари, балки тегишли айб билан уларнинг меҳнатга яроқли фарзандлари ҳам олиндилар. Қолган оила аъзолари иккинчи тоифага мансуб қулоқ хўжаликлари билан бирга бошқа республикалардаги маҳсус посёлкаларга сургун қилинди.

Қулоқ қилиш операциясининг биринчи босқичи натижалари бўйича нисбатан тўла маълумотлар ОГПУ оператив гуруҳлари ҳисоботларида келтирилган. Унинг 1930 йил 20 майдаги ҳисоботида оила аъзолари кўрсатилмаган ҳолда 123716 киши 1-тоифа бўйича қатағон қилингани айтилган. Иккинчи тоифа бўйича сургун қилинган оилалар сони 99013 тани ташкил қилганки, уларнинг умумий миқдори 491893 кишидан иборат бўлган³. 1931 йилнинг бошларига

¹ Трагедия среднеазиатского кишлака: коллективизация, раскулачивание, ссылка. 1929–1955 гг. Документы и материалы. В 3-х томах. Сост.: Р.Т. Шамсутдинов, Б.М. Расулов; Под ред. Д.А. Алимовой. Том 1. Ташкент: Шарқ, 2006. С. 216–217.

² Советская деревня глазами ВЧК-ОГПУ-НКВД. Т.3. Кн. 1. С. 140.

³ Шашков В.Я. Раскулачивание в СССР и судьбы спецпереселенцев. 1930–1954 гг. Мурманск, 1996. С. 114.

тегишли бошқа бир маълумотда эса, 1930 йилнинг 1-ярмида 2-тоифа бўйича 113027 оила сургун қилингани айтилган¹. Лекин бу пайтда Ўрта Осиё республикаларида қулоқ оиласарини оммавий сургун қилиш хали бошланмаган эди.

Ниҳоят, 3-тоифа бўйича кўчирилган қулоқ оиласари миқдори ҳақида тўхталганда, бу тоифадагилар масаласи билан шуғулланиш ОГПУ тасарруфида бўлмасада, унинг ҳисоботларида бу ҳақида ҳам айрим маълумотлар сақланган. Тўла бўлмаган маълумотга кўра, 1930 йил май ойигача 3-тоифа бўйича иттифоқ бўйича 26333 оила (138182 киши) кўчирилган².

Келтирилган маълумотлар дехқонларнинг қатағон қилингани қисмининг умумий миқдорини аниқлаш нуқтаи назаридан жуда муҳимдир. Коллективлаштиришнинг дастлабки палласидаги қатағонлар кўлами ва қатағон қилингани дехқонлар миқдори Сталин бошчилигидаги компартия раҳбарияти томонидан юзага келтирилган ижтимоий-сиёсий вазиятни тўла намоён этади. Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, биринчи тоифа бўйича қатағон қилингандардан фақат ГУЛАГ (Лагерлар бош бошқармаси) лагерларига жўнатилганларининг миқдори ҳақида маълумотлар бор, холос. Афсуски, 1-тоифа бўйича отувга ҳукм қилингандар миқдори ҳақида аниқ маълумотлар йўқ. Чунки бу даврда отув ҳукми ОГПУ тасарруфидаги “учлик”лар орқали ҳам, судлар орқали ҳам амалга оширилган.

Келтирилган маълумотлардан кўриниб турганидек, қатағон қилингандарнинг асосий қисмини оила аъзолари билан сургун қилинг 2-тоифадаги қулоқлар ташкил этган. Уларга 1-тоифа бўйича жазолангандарнинг оила аъзолари ҳам қўшилган. Бу оиласар қаерга сургун қилиниши, қаерда ва қандай шароитда маҳсус манзилгоҳлар ташкил этилиши каби масалалар ВКП(б) МК Сиёсий бюросининг 1930 йил 30 январдаги қарорида ҳам, СССР Марказий Ижроия Комитети ва Халқ Комиссарлари Советининг 1930 йил 1 февралдаги “Ёппасига коллективлаштириш районларида социалистик қайта куришни мустаҳкамлаш ва қулоқларга қарши кураш чоралари тўғрисида” қарорида ҳам аниқ жавобсиз қолдирилган эди.

“Қулоқларни синф сифатида тугатиш” операцияси ОГПУ органлари фаолиятида “қулоқ-оқгвардиячи-бандит унсурларни йўқ қилиш”

¹ Земсков В.Н. Спецпоселенцы в СССР 1930–1960. Москва: Наука, 2003. С. 37

² Политбюро и крестьянство: высылка, спецпоселение. 1930–1940. В 2 кн. Кн.2. /Отв. ред. Н.Н. Покровский, В.П. Данилов, С.А. Красильников, Л. Виола. Москва: РОССПЭН, 2006. С. 378.

сифатида талқын қилинди. Қишлоқнинг бадавлат, ўзига тўқ қатламлари аввалданоқ “аксилинқилобчи, аксилсовет” деб эълон қилиниб, улар биринчи навбатда тугатилиши белгиланган эди. ОГПУнинг қатағончилик фаолиятининг биринчи обьекти қулоқлар эмас, балки “аксилинқилобчилар”, “аксилсоветлар” деб белгиланди. Холбуки, бу атамаларнинг бу пайтда қишлоқ билан хеч бир алоқаси йўқ эди.

Совет ҳукумати томонидан қишлоқларда юзага келтирилган бундай фожиали жараён бутун қишлоқ аҳолисини ваҳимага солиб қўйди. Кўплаб деҳқон хўжаликлари бутун мол-мулкини, яшаб турган қишлоқларини ташлаб бошқа жойларга қочиб кета бошлаганлар. Коллективлаштириш, “қулоқ қилиш” жараёнидаги зўравонликлар натижасида қишлоқ аҳолисининг хорижга чиқиб кетиши ҳам авж олган. Жумладан, 1930 йилнинг январь-февраль ойи бошларида Туркманистондан 185 хўжалик, Тоҷикистондан 64 хўжалик, Қирғизистондан 6 хўжалик муҳожирликка чиқиб кетган. Хорижга чиқиб кетишнинг асосий қисми ёппасига коллективлаштирилаётган районлар ҳиссасига тўғри келган. Муҳожирликка кетганларнинг аксарияти Шарқий Туркистонга чиқиб кетган¹.

Бундан ташқари, Ўрта Осиёнинг деярли барча районларида ўз қишлоғидан қочиб, бошқа шаҳар ва қишлоқлардан паноҳ излаган деҳқон оиласарини ва якка ҳолда қочиб юрган “қулоқ”ларни учратиш мумкин эди. Лекин булар ҳам совет давлати жазо органлари таъқибиға учраганлар. ОГПУ раиси ўринбосари Г. Ягоданинг 1930 йил 22 февралда Тошкентга – ОГПУнинг Ўрта Осиё бўйича муҳтор вакили В.А. Карутский номига юборган телеграммасида Ўрта Осиё бўйлаб қочқинда юрган якка ҳолдаги қулоқларни қамоқقا олиб, 2-3 вагон миқдорида гурухлаштириб Сибирга сургун қилиш, оила аъзолари билан қочиб юрганларни эса Қозоғистонга сургун қилиш учун ушлаб туриш, сургун қилинадиган районлар маълум қилингач, уларни зудлик билан кўрсатилган худудга сургун қилиш ҳақида кўрсатма берилган².

Хуллас, совет ҳукумати қишлоқ хўжалигини ёппасига коллективлаштириш сиёсатининг дастлабки кунлариданоқ қишлоқ аҳолисига қарши том маънода уруш эълон қилган эди. Бу жараён ОГПУнинг махфий ҳужжатларида “қулоқларга қарши операция” деб аталган бўлса-да, аслида қатағон чоралари қишлоқнинг барча ижтимоий қатламларига қарши қаратилди. Қишлоқнинг ўртаҳол, камбағал қат-

¹ Советская деревня глазами ВЧК-ОГПУ-НКВД. Т.3. Кн. 1. С. 165.

² Трагедия среднеазиатского кишлака: коллективизация, раскулачивание, ссылка. Том 1. С. 187.

ламига мансуб жуда қўплаб деҳқонлари ҳам “аксилинқилобчи”, “аксилсовет”, “босмачи” деган сохта айбловлар билан асоссиз равишда жазоландилар. Энг аянчлиси, қатағон чоралари нафақат хўжалик бошлиқларига, балки уларнинг бутун оила аъзоларига – бешикдаги гўдакларигача татбиқ этилди.

Ўрта Осиёда сайлов тизимидағиadolatsizliklar ва унинг совет ҳокимиятига қарши курашнинг кучайишига таъсири

Феруз Бобоев

ЎзР ФА Тарих институти докторанти, тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Ўрта Осиёда совет ҳокимиятига қарши кураш 1918–1935 йилларда давом этди. Ўрта Осиёда совет ҳокимиятига қарши қуролли ҳаракатнинг моҳияти бу – большевикларнинг минтақада юритган мустамлакачилик сиёсатига қарши миллий давлатчилик, мустақиллик, аҳолининг ўз хуқуқ ва эркинликлари учун курашидан иборат эди.

Ўрта Осиёда совет ҳокимиятига қарши курашнинг кучайишига таъсир кўрсатган омиллардан бири бу – аҳолининг сиёсий хуқуқлари, хусусан сайлаш ва сайланиш ваколатидан маҳрум этилиши эди. Асосан собиқ амир ва хон амалдорлари, диний фаолият билан шуғулланган тоифалар, аҳолининг ўзига тўқ, бой, ўртаҳол ва камбағал қатламлари, шу билан бир қаторда “босмачи” сифатида совет ҳокимиятининг рўйхатида бўлганлар сиёсий хуқуқлардан маҳрум этилди. Бу ҳолат ушбу аҳоли қатламларининг сиёсий жиҳатдан камситилиши ва жамиятда ижтимоий ва иқтисодий фаолиятини чекланиши эди. Сайлов хуқуқидан маҳрум этилиши аҳолининг қўйидаги сиёсий, ижтимоий-иктисодий имтиёзларини чеклаганлиги ва мажбуриятлар юклаганлиги учун катта норозиликларга сабаб бўлди:

- овоз бериш хуқуқидан маҳрум бўлган;
- солиқ юки оширилган (oshirilgan ставкалар бўйича солиқقا тортилди, ҳар хил турдаги тўловларни тўлашга мажбур қилинди);
- колхозларга ва кооператив аъзоси бўла олмаган, савдо дўконларида хизмат қилиши тақиқланган;
- озиқ-овқат рационидан (карталаридан) маҳрум қилинган;
- яшаб турган жойидан чиқариб юборилган;
- тиббий хизматдан фойдалана олмаган;

- фарзандлари мактаблардан четлатилган;
- эркин кишилар билан никоҳ тузишга рухсат берилмаган;
- армияга сафига олинмай, 18-45 ёшдагилар З йил муддатга фронт ортига давлат мажбуриятларини бажаришга сафарбар қилингандар (қурилиш ва бошқалар);
- давлат мажбуриятларни (йўлларни, ирригация тармоқларини таъмиглаш, қуриш, юкларни ташиш, ем-хашак тайёрлаш ва бошқалар) бажаришга сафарбар қилингандар¹.

Сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилиш жараёнида партия, совет ва маҳаллий бошқарув органлари томонидан кўплаб адолатсизликлар, қарорларнинг бузилиши юз берган. Қарорлар амалиётга мос келмаган. Сайлов қонунчилигида кўрсатилмаган чекловлар қўлланган. Масалан, шахснинг яшаб турган жойидан ҳайдаб чиқариш, озиқ-овқат рационидан ва сиёсий ҳуқуқидан маҳрум этилиши белгиланган пайтда унинг қолган бошқа оила аъзолари ўзини боқиш имконига эга бўлмаса, уларга чекловлар қўлланмаслиги керак эди. Бироқ уларнинг барчаси сайлов ҳуқуқидан маҳрум этилган. Бундан ташқари, сайлов ҳуқуқини қайта тиклаш учун ариза берган шахсларнинг ишлари юқори органларга топширилгач то у ўрганилиб, хулоса чиққанга қадар шахсга нисбатан ҳеч қандай чекловлар қўйилмаслиги лозим эди. Бироқ бу жараён амалда умуман ишламаган. Шунингдек, сайлов ҳуқуқидан маҳрум этилган шахслар “қулоқ” сифатида рўйхатга олинган шахслар билан бир хил чекловлар ва мажбуриятларни бажарган. Аслида бу жараёnlар жуда чалкаш ва қонунларда тўла ўз ечимини топмаган муаммолар бўлган. Бу катта норозиликларни юзага келтирганлиги сабабли СССР Марказий Ижроия қўмитаси Президиуми котиби А.С. Енукидзе 1930 йил 1 марта “ҳуқуқидан маҳрум қилинган”лар масаласида И.В. Сталинга юқоридаги камчиликлар тўғрисида маълумот берган. Шундан сўнг 1930 йил 22 марта “СССР сайлов қонунчилиги бузилишларига барҳам бериш тўғрисида” қарор Сиёсий бюро комиссияси томонидан тасдиқланган

¹ Қамбарова Ш.А. “Ҳақсизлар”нинг ҳуқуқларини тиклаш жараёнлари (Фарғона водийси мисолида) // “Ўтмишга назар”. 2020. № 2. Б. 451–458; Шу муаллиф. Совет харбий қўшинлари таркибида “орқа қўшинлар”ни ташкил топишининг ижтимоий-сиёсий сабаблари // “Academic research in educational sciences”. 2021. № 2. Б. 478–484; Тагаев М. Социальная и религиозная ксенофобия как инструмент политики советского государства. История и неизвлеченные уроки (1929–1936 гг.). На примере материалов юга Кыргызстана // https://www.pluralism.ca/wp-content/uploads/2018/04/Myktar-Tagaev_Russian-Apr2018-FINAL.pdf; Политбюро и крестьянство: Высылка, спецпоселение. 1930–1940 гг. Книга I. Москва. РОССПЭН, 2005. С. 125–132; Edgar A.L. Genealogy, Class, and “Tribal Policy” in Soviet Turkmenistan, 1924–1934 // “Slavic Review”. 2001. Vol. 60. № 2. P. 284–285.

ва ижро учун барча республикаларга юборилган¹.

Бироқ сиёсий хуқуқлари чекланган ижтимоий гуруұлар үзларининг ваколатлари учун қаттиқ ҳаракат қылди. Улар сайлов комиссиялари аъзоларига таҳдид қилиб, “хуқуқсизлар” рўйхатини йўқотишга ва аёлларнинг сайловларда қатнашишига қарши тарғибот қилдилар. Шу билан бир қаторда, диндорлар “хуқуқсизларни” Афғонистонга кўчиб ўтишга ундашди. Шундай ҳолат 1927 йилнинг март ойида Туркманистон ССРнинг Чоржўй, Карки ва қисман Полторатский районларида кузатилди. Бу ишда қўрбошиларнинг собиқ йигитлари ва диндорларнинг алоҳида фаоллиги қайд этилди². Шунингдек, Эски Чоржўйда сайлов хуқуқларидан маҳрум қилингандар сайлов комиссиясига қарши чиқиб шундай деган эди: “Агар биз ўз хуқуқларимизни тикламасак, кўлларимизга қурол оламиз, қарши ва тўсиқ бўлганлардан қасос оламиз”³.

Большевикларнинг сайлов тизимидағи адолатсизликлари катта норозиликларга сабаб бўлди. Бу совет ҳокимиятига қарши кучлар сонининг ошишига, қуролли ҳаракат иштирокчилари сафининг кенгайишига таъсир кўрсата борди. Масалан, 1925–1926 йилларда Қирғизистон АССРнинг Жалолобад районида овоз бериш хуқуқидан маҳрум қилингандар сони 193 нафар бўлса, бу рақам 1926–1927 йилларда 2237 кишига етди. Фрунзе районида 1925–1926 йилларда овоз бериш хуқуқидан маҳрум бўлганлар сони 1652 киши бўлса, 1926–1927 йилларда 2161 кишига этди⁴. Бутун жанубий Қирғизистонда 1928–1929 йиллардаги қайта сайлов кампанияси пайтида овоз бериш хуқуқидан маҳрум бўлганлар сони 12569 кишига етказилди. Бу рақамлар кейинги йилларда яна ошириб борилди⁵.

Жанубий Қирғизистонда сайлов йўриқномасининг талабларини ўзбошимчалик билан талқин қилиш натижасида сайлов хуқуқидан маҳрум этилганлар рўйхатига барча савдогарлар, савдо-сотиқ жараённида бозорлар учун анъанавий бўлган воситачилар (даллоллар), хунармандлар – декоратив-амалий санъат усталари (заргарлар, гилам

¹ Политбюро и крестьянство: Высылка, спецпоселение. 1930–1940 гг. Книга I. Москва. РОССПЭН, 2005. С. 129–131; Собрание законов и распоряжений. 1 апреля 1930 г. № 19. С. 360–361.

² “Совершенно секретно”: Лубянка – Сталину о положении в стране (1922–1934 гг.). Т. 5. 1927 г. Москва, 2003. С. 257.

³ “Совершенно секретно”: Лубянка – Сталину о положении в стране (1922–1934 гг.). Т. 5. 1927 г. Москва, 2003. С. 287–288.

⁴ Altımişova Z. 1930'lu yillarda kirgizistan'dan Çin'e göç hareketleri // "Turkish Studies". 2013. Vol. 8/11. S. 20.

⁵ Тагаев М. Социальная и религиозная ксенофобия как инструмент политики советского государства. История и неизвлеченные уроки (1929–1936 гг.). На примере материалов юга Кыргызстана // <https://www.pluralism.ca>.

ва каштачилар), косиблар ва қишлоқ оқсоқоллари (оқсоқоллар, элликтбошилар) киритилиши мумкин эди. Шунингдек, ҳар йили динга қарши тарғиботнинг кучайиши сабабли диний таълимот ва табобат билан машғул бўлган кишилар ҳам овоз бериш хуқуқидан маҳрум қилинди¹. Давлат мажбуриятларини бажариш шу даражада қаттиқ талаб қилиндики ҳатто соғлиги сабабли далада ишлай олмайдиган кишилар ҳам сайлов хуқуқидан маҳрум этилди².

1929 йилда Фарғона водийсида Ёрмат Махсумнинг ҳаракатлари кучайди. Натижада шу йил 28 сентябрда Андижон Округ Комитети ижроия бюроси томонидан илгари сабиқ “босмачилар”га нисбатан партия ва совет ҳокимияти сиёсатининг бузилишларини, яъни уларга нисбатан адолатсизликларни ўрганиш топширилди. Наманган, Янгиқўрғон, Косонсой ва Норин районларида 5 кун ичида сайлов хуқуқидан маҳрум қилинган ишларни қайта кўриб чиқиш, нотўғри равища сиёсий хуқуқлари чекланган кишиларга имтиёзларини қайтариш ва бу ҳақда тезда деҳқонларга маълумот бериш белгиланди³. Чунки бу даврда сайлов хуқуқларининг чекланиши катта норозиликларга сабаб бўладиган омиллардан бири эди. Шунингдек, 1931 йилнинг бошида Норин ва Атбаси (Отбоши) районларидағи қўзғолон қатнашчилари ҳам овоз бериш хуқуқидан маҳрум қилмасликни талаб қилиб чиқди⁴.

Шундай қилиб, сайлов хуқуқидан маҳрум қилиш: биринчидан, барча тоифаларига, яъни бой, ўртаҳол ёки камбағаллигидан қатъи назар қўлланди. Иккинчидан, маҳаллий бошқарув органлари орасида ўзаро адвокатда бўлган ижтимоий гурӯҳлардан, уруғлардан вакилларнинг бўлиши сайлов тизимининг бузилишига, оқибатда айрим аҳоли тоифаларининг ноҳақ равища сиёсий хуқуқларининг чекланишига сабаб бўлди. Учинчидан, ҳам марказий ҳам маҳаллий бошқарув органлари томонидан аҳолининг сиёсий хуқуқларининг ноҳақ равища бузилиши, чекланиши ва хуқуқларини қайта тиклаш учун мурожаатларни ўрганмаслик ёки узоқ вақт чўзилиши Ўрта Осиёда совет ҳокимиятига қарши кураш қўламиининг кучайишига таъсир кўрсатди.

¹ Тагаев М. Социальная и религиозная ксенофобия как инструмент политики советского государства. История и неизвлеченные уроки (1929–1936 гг.). На примере материалов юга Кыргызстана // <https://www.pluralism.ca>.

² Чеботарева В.Г. Противоречия в национальной политике Советской Киргизии (1920-е годы) // “Этнопанорама”. 2013. № 1–2. С. 22.

³ Ўзбекистон ПАА, 58-фонд, 5-рўйхат, 473-йиғмажилд, 25–26-вараклар.

⁴ РФДА, Р–374-фонд, 27-рўйхат, 269-йиғмажилд, 5–6-вараклар.

1920–1930 йиллардаги Ўзбекистонда совет ҳокимиятининг олиб борган сиёсати

Замира Ишанходжаева

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети профессори, тарих фанлари доктори

Ўзбекистон тарихида 1920–1930 йиллар ўта салбий ва мураккаб жараёнлар – моноидеология ва совет мустабид тузумнинг маъмурий буйруқбозликка асосланган тизими қарор топиши ва мустаҳкамланиши билан бир қаторда, меҳнаткаш ўзбек халқининг матонати, меҳнатсеварлиги ва бағрикенглиги туфайли эришилган ютуқлари билан ҳам аҳамиятлидир.

1925 йилнинг феврал ойида етарли тайёргарликларсиз миллий давлат чегараланиши амалга оширилди. Ўзбекистон советларининг I съездидаги «Ўзбекистон ССРнинг тузилгани ҳақидаги декларация»си тасдиқланди¹. Май ойида эса Советларнинг III съездидаги Ўзбекистон ССР Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи таркибига киритилди. Бу орқали иттифоқ ва Республика ўртасидаги вазифалар тақсимланди. Лекин ҳал қилувчи қарорлар фақат Марказ томонидан қабул қилинар эди.

Совет ҳокимияти иқтисодиётни ва тақсимотни бир жойдан туриб бошқаришни маъқул ҳисобларди². Шу боис, Ўрта Осиёда вақтингчалик бўлса-да, Марказнинг янги бошқарув органи ташкил этилиши керак эди. Худди шу мақсадда 1925 йилнинг 24 апрелида Ўрта Осиё СССР Меҳнат ва Мудофаа Кенгаши хузурида фавқулодда Республикалараро орган, яъни УполСТО - СССР Меҳнат ва Мудофаа Кенгашининг Ўрта Осиёдаги вакиллик органи тузилди. «УполСТО ва унинг қошидаги (вақтингчалик) Иқтисодий Бюро тўғрисида»ги Низомга қўра, УполСТО Ўрта Осиёдаги янги ташкил этилган Республикалар ва муҳтор вилоятлардаги давлат органлари фаолиятини мувофиқлаштириб, уларнинг хўжалик ҳаётини бошқариши, СССР Меҳнат ва Мудофаа Кенгаши ҳамда СССР иқтисодий комиссарликлари буйруқ ва қарорларининг бу ўлкада бажарилишини назорат қилиши керак эди. Шу билан бирга, Ўрта Осиёдаги Республикалар ва муҳтор вилоятлар ҳаётида вужудга

¹ Ишанходжаева З. Р. Репрессивная политика советской власти и культура Узбекистана: трагедия выживания. Ташкент: Тафаккур, 2012.

² Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. Тошкент: "Шарқ" нашриёт манбаа концерни бош таҳририят, 2000.

келадиган давлатлараро низоларни ҳал этиш, Ўрта Осиё ва СССР аҳамиятига молик бўлган корхоналарнинг, муассасаларнинг фаолиятига раҳбарлик қилиш ана шу янги орган вазифасига киради.

1925 йил 20 июнда Ўзбекистон ССР Иқтисодий Кенгашининг 4 сонли мажлисида Ўзбекистон ССР ХҚС қарори билан УполСТО қошида иқтисодий вакиллик органи ташкил этилгани маълум қилинди. Мазкур мажлисда “Иқтисодий вакиллик органи тўғрисида”ги Низом қабул қилиниб, унга биноан берилган топшириқ ва вазифалар Ўзбекистон ССР раҳбарияти томонидан қандай бажарилаётганлигини кузатиш ҳамда барча иқтисодий ва хўжалик фаолияти ҳам УполСТО орқали амалга оширилиши белгиланди. Иқтисодий вакиллик органига Ўзбекистон ССР Давлат режа комиссияси директивалари ҳамда УполСТОнинг муҳим тадбирларининг ҳаётга татбиқ этилишини назорат қилиш вазифаси юклатилди.

Ушбу қарор, аввало, Марказ ҳукмронлигини янада мустаҳкамлашга қаратилганди. Бу эса Ўрта Осиё Республикалари, жумладан, Ўзбекистон ҳам номигагина мустақил, амалда марказга қарам Республика эканини кўрсатарди. Умуман, Ўрта Осиёда юқорида қайд этилган ташкилотларнинг ташкил этилиши бу худудда Марказнинг ҳукмронлик таъсирини янада оширди. Иқтисодий бюро ўзининг қисқа, яъни бир йилу уч ойлик фаолияти давомида Ўрта Осиё Республикалари иқтисодиётини тўла бошқаришга ҳаракат қилди. Бу бошқарувни янада мустаҳкамлаш мақсадида Ўрта Осиё Республикаларининг 1925–1926 йилларга мўлжалланган хўжалик режаси ишлаб чиқилди. Нега энди узоқроқ муддатни кўзлаган эмас, айнан бир йиллик режа ишлаб чиқишига қарор қилинди. Чунки Марказ Ўрта Осиёда янги ташкил этилган Республикалар ва муҳтор вилоятларнинг ҳалқ хўжалиги, аҳолиси, ер ресурслари, ирригация иншоотлари ва бошқа табиий-моддий бойликлари ҳақида ҳали аниқ маълумотлар эга эмас эди. Шу боис, Иқтисодий Бюро Республикалар ва муҳтор вилоятлар ҳақида етарлича маълумотларга эга бўлмай туриб, узоқ муддатли режа ишлаб чиқишини маъқул кўрмади.

Иқтисодий Бюронинг талабига кўра, бир йиллик режа шундай пухта, маккор стратегияни ўзига сингдириши керак эдики, бу орқали Ўрта Осиё Республикалари Иттифоқнинг хомашё базасига айланиши лозим эди. Ана шу ғаразли мақсад Иқтисодий Бюро ишлаб чиқсан янги бир йиллик режада тўла аксини топди. Бу Ўзбекистоннинг Марказга қарамлигини ҳар томонлама кучайтиришга қаратил-

ган чораларни бошлаб берди. Ушбу мақсадга эришиш йўлида белгиланган вазифалардан энг муҳими Ўрта Осиё Республикаларида, хусусан, Ўзбекистонда ер-сув ислоҳотини ўтказиш, аввало, ерсиз ва кам ерли дехқон хўжаликларини ер билан таъминлаш эди. Айниқса, Фарғона водийсида ерсиз ва бир десятина (3–4 таноб)дан кам майдонга эга бўлганлар дехқон хўжаликлари 65 фоизни ташкил этиши Марказ эътиборини тортди. Чунки Фарғона водийси Ўрта Осиёда пахта етиширадиган асосий ҳудуд ҳисобланган. Шу боис, ерсиз дехқонларга қанчалик қўп ер бўлиб берилса, пахта экин майдонлари кенгайиб, ҳосил салмоғи ошиши маълум эди. Ўрта Осиё Иқтисодий Бюроси масаланинг мазкур жиҳатларини яхши англаб етган эди¹.

Қолаверса, СССР тўқимачилик саноатининг юқори суръатда ривожланиб бориши ҳам пахта хомашёсига бўлган талабнинг кучайишига олиб келди. Бутуниттифоқ Халқ Хўжалик Кенгаши (ВСНХО) нинг тахминий ҳисоб-китобига кўра, Иттифоқ тўқимачилик саноати учун яқин олти йилда 140 миллион пуд пахта толаси зарур бўлган. Бироқ Ўрта Осиё Республикалари томонидан етиширилаётган пахта Иттифоқ тўқимачилик саноатининг бу эҳтиёжини мутлақо қондирмасди. Масалан, 1925 йилда Ўрта Осиё ва Кавказорти Республикаларининг Иттифоқ саноати учун 11 миллион пуд пахта толаси етказиб бериши мўлжалланган. Ушбу рақамни яқин 6 йилга кўпайтирганда ҳам етказиб бериладиган пахта толаси 66 миллион пудни ташкил этар ва бу Иттифоқ саноати эҳтиёжининг ярмини ҳам ташкил этмасди. Муаммони тўлиқ ҳал қилиш учун эса Марказ четдан 74 миллион пуд пахта сотиб олиши керак бўларди. Бир пуд пахта толасини ўртacha 22–23 рублдан сотиб олганда ҳам 6 йил мобайнида 1 миллирд 700 миллион рубл сарфлашга тўғри келарди. Шунинг учун Ўрта Осиё Иқтисодий Бюроси қандай бўлмасин мамлакат пахтачилигини ривожлантириши зарур эди. 1925–1926 йилларга мўлжалланган хўжалик режасида пахтачиликни ривожлантириш энг муҳим йўналишлардан бири сифатида белгиланганинг боиси ҳам шунда эди.

Йиллик режаларда Ўзбекистонда пахтачиликни ривожлантириш билан бирга пахта тозалаш ва ёғ ишлаб чиқариш саноатини тараққий эттириш ҳам кўзда тутилди. Шу мақсадда Ўрта Осиё Республикаларида пахта тозалаш заводларини қуриш учун 6,5 миллион рубл, ёғ ишлаб чиқариш корхоналарини ташкил этишга 8 миллион

¹ Хайдаров И. Ўзбекистонда иқтисодий кенгашлар фаолияти. Тошкент: “Абу матбуот-консалт”, 2008.

рублдан ортиқ маблағ ажратилди. Ушбу давр хўжалик юритиш режасида Ўрта Осиё Республикаларида индустрлаштириш сиёсатига ҳам катта аҳамият берилди. Бу жараёнда ҳар бир Республика ва муҳтор вилоятнинг жуғрофий-иқтисодий имкониятларидан келиб чиқиб, уларни асосан пахтачилик, чорвачилик, ғаллачилик ва боғдорчиликка ихтисослаштиришга эътибор қаратилди. Ўрта Осиёда ана шу йўналишдаги саноат объектлари қурилди. Ўзбекистон ва Туркманистонда биттадан тўқимачилик комбинатини қуриш назарда тутилди. Кейинчалик Ўзбекистон ва Қозоғистонда ғалла омборлари – элеваторлар барпо этиш бошлаб юборилди. Ўзбекистон, Туркманистон, Тожикистон Республикаларида тегирмонлар, қофоз фабрикаси, тери ҳамда нефтни қайта ишлаш заводи, туз ишлаб чиқариш объектлари бунёд этила бошланди. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Ўзбекистонда қандай саноат корхоналари қурилишидан қатъий назар, ҳаракатнинг асл моҳияти - Республикадан хомашё олиб кетишга қаратилган эди. Айнан шу йилларда Ўрта Осиёдан олиб кетилган хомашёнинг умумий миқдори 222 миллион рублни ташкил қилиб, унда Ўзбекистоннинг ҳиссаси 24 миллион рублга, Қирғизистоннинг ҳиссаси 9 миллион рублга тенг бўлган. Марказнинг барча Республикалар негизида шакллантирилаётган ягона ҳалқ хўжалиги комплекси асосида олиб бораётган ҳаракатларидан бири Ўрта Осиёдан хомашёларни олиб кетиш ва ўрнига ҳалққа керакли маҳсулотларни ўз кўрсатмаларига биноан етказиб бериш эди. Мазкур йилларда Ўзбекистондан асосан пахта (180,6 млн рубл) ва чорвачилик маҳсулотлари (23,7 млн рубл) олиб чиқиб кетилган. Лекин бу ҳам Марказ манфаатларини тўла қаноатлантирумас эди. Шу боис, Ўрта Осиёда керакли хомашёлар етиштиришни янада кўпайтиришга жиддий эътибор қаратилди. Ана шу мақсадда Республикаларда хомашё тайёрлаш масаласи Иқтисодий Бюро Пленумида ва Президиумида 13 ой мобайнида 6 марта кўриб чиқилади. Аҳолини саноат моллари билан таъминлаш кониқарсиз даражада бўлгани боис, бу масала ҳам 5 марта Иқтисодий Бюро Пленумининг маҳсус кун тартибига қўйилган эди. Шунга қарамасдан, Иқтисодий Бюро Ўрта Осиё Республикалари иқтисодиётини бир йўналишга солишига, қишлоқ хўжалиги ҳамда саноатини фақат хомашё ва ярим хомашё етиштиришга мослаштирган ҳолда ривожлантиришга ҳаракат қилди¹.

¹ Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. Тошкент, "Шарқ" нашриёт манбаа концерни бош таҳририяти, 2000.

Шу вақт оралиғида Ўрта Осиё Республикалари, мәжнаткаш халқларининг ҳаракати туфайли, пахтачилик соҳасида қатор ютуқларга эришган бўлишига қарамасдан, бу кўрсаткичлар ҳам Иттифоқ тўқимачилик саноати эҳтиёжини қондира олмасди. Яъни бу билан Иттифоқ ҳали пахта мустақиллигига тўлиқ эриша олмаганди. Шу боис, Совет давлати четдан пахта толасини олтин ҳисобига сотиб олишини тезроқ камайтириб боришга интилди. Бу борада қатор ишларни амалга оширди. Хусусан, Ўзбекистонда пахта экин майдонларини кенгайтиришга киришди. Бу суғориладиган майдонларда бошқа экинларни қисқартириш ва янги ерларни ўзлаштириш ҳисобига амалга оширилди. Марказ ирригация тизимини яхшилаш ва каналлар қазиб, янги ерларга сув чиқариш билан боғлиқ ишлар учун маблағни аямади. Мисол учун, 1924–1925 йилда ирригация ишлари учун Ўзбекистонга 1 миллион 676 рубл ажратилган бўлса, 1925–1926 йилда бу рақам 3 миллион 799 минг рублни ташкил этди. Марказ ўз мустабид сиёсатини амалга оширишда Ўзбекистонни пахта хомашёси базасига айлантириш билан қаноатланмади. 1925 йил октябр ойидаги Иқтисодий Бюронинг навбатдаги мажлисида пиллачилик масаласи ҳам кўриб чиқилди ва Республикада бу соҳани ривожлантириш мамлакат учун муҳим иқтисодий аҳамиятга эга экани таъкидланди. Шу орқали четдан пилла сотиб олишни тўхтатишга эришиш мумкинлиги айтиб ўтилди. Шу тариқа, Ўзбекистон эндилиқда пахта ва бошқа соҳалар қатори пилла етиштиришда ҳам асосий хомашё базасига айланди.

Марказ Ўрта Осиёнинг мураккаб иқтисодиётини Иттифоқ халқ хўжалиги мажмуасига фақат қаттиққўллик, зулм билангина бирлаштириш мумкин деб биларди. Шу мақсадда СССР ХҚСнинг 1926 йил 10 сентябрдаги қарори билан Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгаши (СредазЕКОСО) ташкил этилди¹. Ташкилотнинг ташкилий тузилмаси шаклланди ва зиммасига қатор масалалар юклатилди. Булар сирасига ишчи-дехқон инспексияси, ички ва ташқи савдо, йўл транспорти, почта ва телеграф хизмати, пахта кампаниясини назорат қилиш ҳамда бошқа қатор масалалар кирап эди. СредазЕКОСОнинг бош органи Пленум ҳисобланиб, бир йилда камида 4 марта чақирилган. СредазЕКОСО большевиклар томонидан Ўрта Осиё халқларининг “социализмга сакраши” сифатида баҳоланган, маҳаллий аҳоли учун эса

¹ Хайдаров И. Ўзбекистонда иқтисодий кенгашлар фаолияти. Тошкент: “Абу матбуот-консалт”, 2008.

ўта мураккаб бўлган бир даврда фаолият юритди. У Ўрта Осиёning, хусусан, Ўзбекистоннинг биринчи (1927–1932) ва иккинчи беш йиллик (1933–1937) режаларини тузишга раҳбарлик қилди. Бу режаларда совет ҳокимиятининг давлатни бошқариш усулларидан бири – “синфийлик” принципига амал қилиш ва буни кенг қамровли доира-да қўллаш мақсадида Ўзбекистонда ва бутун Ўрта Осиёда маҳаллий миллат вакилларидан пролетариат (ишчи) синфини шакллантириш асосий сиёсий вазифа сифатида белгиланган эди. Бундан кўзланган асосий мақсад маҳаллий аҳоли орасида совет давлатининг хайри-хоҳларини кўпайтириш эди.

Ўзбекистонда индустрлаштириш жараёнини ҳам СредазЕКОСО бошқарди. Индустрлаштиришда асосан қишлоқ хўжалиги билан боғланган саноат тармоқларини вужудга келтиришга катта эътибор берилди. Шунинг учун ҳам режада қишлоқ хўжалик машинасозлиги, кимё, тўқимачилик машиналари ишлаб чиқариш, аграр сектор маҳ-сулотларини қайта ишлаш саноатларини ривожлантиришга алоҳи-да аҳамият қаратилди. Ўз навбатида Ўзбекистондаги қатор саноат тармоқлари республика ҳисобидан чиқарилиб, Иттифоқ саноати таркибиға киритилди. Масалан, «Ферганаугол» трести «Средазу-гол» трестиға айлантирилди. Умуман, фойда келтирадиган пахта, ёғ, ипакчилик каби ишлаб чиқариш корхоналарининг барчаси Иттифоқ саноати таркибиға киритилиб, улар устидан Марказ раҳбарлик назо-рати ўрнатилди. Фойда келтирмайдиган корхоналар эса Республика ҳисобида қолдирилди. Жумладан, ўша пайтда нефт, озиқ-овқат (ви-ночилик, пиво ишлаб чиқариш, қанд заводлари) ва кооператив сано-атлар фойда келтирмайдиган соҳалар қаторига киради. Лекин шун-га қарамасдан 1927 – 1928 йилларга келиб Республикада хўжалик ҳа-ётида сезиларли даражада жонланиш юз берди. Асосан пахтачиллик ва ипакчилик саноатида ўсиш юқори бўлди. Ўша йилларда пахта ва пилла ҳосили яхши бўлганидан ҳар икки тармоқ саноати корхона-лари етарли даражада хомашё олди. Натижада капитал маблағи ол-динги йилга нисбатан 144,2 фоизга ошди. Бироқ пахтачиллик ва пил-лачиликдаги бу ўсиш барча корхоналарга ҳам фойда бермади. Чунки Республиkaning бу икки саноати топган маблағдан асосан Иттифоқ тасарруфидаги корхоналар манфаатдор бўлди.

Шунингдек, мазкур даврда ҳунармандчилик саноати Ўрта Осиё Республикаларида, айниқса, Ўзбекистон ССРда яхши ривожланган эди. Чунки давлатга тегишли саноат корхоналари ҳали аҳолининг

кундалик эҳтиёжи учун зарур бўладиган маҳсулотларни тўлиқ етказиб бериш имкониятига эга эмасди. Марказий Статистика бошқармаси (ССУ) томонидан 1926–1927 хўжалик йилида биринчи маротаба Ўзбекистонда ҳунармандчиликнинг аҳволи ўрганилиб, бу соҳа анча яхши ривожланаётгани, тармоқда ишлаб чиқарган маҳсулот 138 миллион рублга teng экани аниқланди. Ҳунармандчилик саноатининг бир йиллик ишлаб чиқариши ЎзССР халқ хўжалиги умумий маҳсулотининг 18 фоизини ташкил қилган. Бу пайтда Ўзбекистонда ҳунармандчилик билан 130300 киши банд бўлган.

Саноат ривожланишини белгилайдиган рақамларга назар ташласак, 1931 йилда ЎзССР бўйича саноатнинг ялпи маҳсулоти 590 миллион рублга teng бўлиб, 1930 йилга нисбатдан 81,7 фоизга ортган эди. Ўша пайтда саноат тизимида меҳнат қиласидаги 27685 нафарга етганди. Бу 1930 йилга нисбатдан 54,3 фоиз ўсишга эришилганини кўрсатарди. Ушбу кўрсатгичлар айни шу даврда саноат ривожланиши Ўзбекистонда юқори бўлганини англатади. Умуман олганда, Марказ ўз манфаатини кўзлаган ҳолда саноатни тиклаш ишларини фаол олиб борди. 1928–1929 йилларда Ўрта Осиё Республикаларида ушбу жараён деярли тугалланган деб ҳисобланди. Ва 1929–1930 йилдан саноатни кенг реконструкциялаш, қайта қуриш даври бошланди¹.

Ўзбекистонда ҳам саноатни қайта қуриш, асосан электр энергиясига боғлиқ эди. Шунинг учун энергетика базасини мустаҳкамлашга муҳим вазифа сифатида қаралди. 1932–1933 йилларга келиб электр энергияси қуввати бирмунча ортган бўлса-да, айни шу соҳадаги корхоналарни қуриш жуда суст тарзда амалга оширилди. Шу боис, гидроэлектростанциялар билан бир қаторда теплоэлектростанция қурилишини ҳам бошлаб юбориш зарурияти юзага келди. Ўрта Осиё дарёлари арzon энергия ишлаб чиқарадиган энг муҳим ва катта ресурсларга эга бўлган бир пайтда ундан фойдаланиш суръати ҳам ниҳоятда паст эди. Умуман, худуддаги дарёларнинг электр қуввати имкониятлари Иттилоқ захирасининг 14 фоизини ташкил қилган. Кейинчалик, Чирчик, Норин, Шаҳриҳон, Исфара, Чу ҳамда Вахш дарёларида бир нечта гидроэлектростанциялар қурилди.

Шу тариқа электр энергияси ишлаб чиқаришнинг ортиб бориши натижасида Ўрта Осиёда саноат корхоналарининг сони ҳам, қуввати ҳам ортиб борди. Бу орқали саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотла-

¹ Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. Тошкент, "Шарқ" нашриёт манбаа концерни бош таҳририяти, 2000.

ри ўртасидаги тафовут ҳам ўзгарди. 1931 йилга келиб саноат етакчи ўринга чиқа бошлади. Агар 1929–1930 йилларда саноат ишлаб чиқаришининг салмоғи қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига нисбатдан 45 фоизни ташкил қилган бўлса, 1931–1932 йилларга келиб бу кўрсатич 51 фоизга етди. СредазЕКОСО амалга оширган чора-тадбирлар натижасида Ўрта Осиё Республикаларининг биринчи беш йиллик режасидаги ривожланиш кўрсаткичи умумиттифоқ суръатидан юқори бўлди. Ўзбекистон ССРда саноатнинг ўсиши 1927–1928 йилларда 95 фоизни ташкил этган бўлса, 1932 йилда 150 фоизга, 1934 йилда эса 362 фоизга етди.

Йўл ва транспорт тизими давлат аҳамиятига эга бўлган коммуникациянинг муҳим тармоғи ва ҳалқ хўжалигининг барча йўналишлари учун энг зарур соҳа ҳисобланади. Шуни ҳисобга олган ҳолда, 1927 йилнинг 16–19 январ кунлари Тошкентда СредазЕКОСО ва Госпланнинг қўшма кенгаши ўтказилди. Кенгаш Туркистон-Сибир темирйўл магистрали (Турксиб)ни қуриш масаласини кўриб чиқди. Қабул қилинган қарорда темирйўлни барпо этиш муддатини қисқартириш, объектни қурилиш материаллари, ишчиларни озиқ-овқат билан таъминлаш масалалари аниқ кўрсатилган эди. Ишни бир йўла икки йўналишда - Фрунзе (Бишкек) ва Семипалатинск шаҳарларидан бошлаш маъкул деб топилди. Марказ Ўрта Осиё Республика раҳбарларига Турксиб темирйўл магистрали қурилиши учун уларни зарур материаллар билан таъминлаш ва мунтазам ёрдам бериш вазифасини юклади.

Ўзбекистон учун муҳим бўлган ёқилғи муаммосини ҳал қилиш мақсадида Кўкёнғоқ кўмир конини ривожлантириш ва ундан беш йиллик режада кўзда тутилган 1 миллион тонна кўмир қазиб олиш ҳамда 1927 йилда Жалолобод-Кўкёнғоқ-Таранбозор темирйўл тармоғини қуриб битказиш учун СССР Госплани томонидан 400000 рубл маблағ ажратилди. Тошкент шахрини ёқилғи билан таъминлаш мақсадида Угаджа-Тутлик темирйўл тармоғи қурилиши ҳам бошлаб юборилди. Натижада, 1933 йилнинг охирига келиб Ўрта Осиё республикаларида 3 минг километрдан ортиқ янги темирйўллар қурилди. Шунинг билан бир қаторда СредазЕКОСО транспортнинг бошқа турларини, жумладан, сув транспортини (Амударё орқали юк ва йўловчиларни ташиш учун) ташкил этди. Булар ўз даврида нафақат Иттифоқ манфаати, балки Ўзбекистон ССР равнақи учун ҳам ижтимоий-иктисодий жиҳатдан катта аҳамиятга эга бўлган эди.

Юқорида таъкидланганидек, совет ҳокимияти ўз манфаатларини кўзлаган ҳолда қишлоқ хўжалиги катта эътибор қаратди. Натижада, Ўрта Осиёни “ривожлантириш”га қаратилган беш йиллик режаларида маҳаллий экологик вазият инобатга олинмай туриб, суғоришнинг кенг қамровли дастури қабул қилинди. Бу режага асосан суғориладиган ер майдонини 1930–1931 йилларга келиб 4106806 гектарга етказиш назарда тутилганди. Деҳқон хўжаликларини дастлаб иқтисодий рафбатлантириш, кейинчалик эса тарғибот-ташвиқот ва маъмурий чоралар кўриш йўли билан ғалла, шоли ўрнига пахта экишга мажбурлади. Пахта эккан деҳқон хўжаликлари солиқдан озод қилинди. Ғалла, шоли каби суғориладиган экин экканларга оғир солиқлар жорий қилинди.

Шу тарзда Марказ Ўзбекистон ССРнинг беш йиллик режасидаги пахтачилик қисмини ҳар йили қайта кўриб чиқиб, пахта экин майдонларини кенгайтириб борди. Чет элдан келтириладиган пахтадан озод бўлиш, тўқимачилик саноатини босқичма-босқич кенгайтириш мақсадида пахтачиликни изчил ривожлантиришга қаттиқ киришилди. Буларнинг барчаси охир-оқибатда пахта яккаҳокимлигини янада чуқурлаштирид ва келажакда катта экологик муаммоларнинг келиб чиқишига замин яратди¹.

Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий ҳаёти СССРда бошқарувнинг мустабид ва маъмурий буйруқбозлиқ тизими ўзининг барча салбий кўринишлари билан қарор топиши ва мустаҳкамланиши шароитида кечар эди. Ушбу даврнинг Республика ижтимоий-сиёсий ҳаётига салбий таъсир кўрсатган яна бир хусусияти – совет мустабид давлати сиёсий тизимида синфий мағкура шаклланиб, коммунистик партия мутлақ ҳукмронлик қиласи эди. Компартия ўзи амалга оширган октябр тунтариши туфайли ҳокимиятни кўлга олди ва «алоҳида олинган бир мамлакатда социализм қуриш»ни ўзининг асосий мақсади қилиб қўйди. Лекин Марказ Ўзбекистонда бўлаётган ижтимоий-сиёсий жараёнларни маъмурий-буйруқбозлиқ усули билан сунъий равишда тезлаштириб, республикадаги ҳақиқий аҳволни умуман эътиборга олмас эди.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон тарихининг ўрганилмаган саҳифаларидан бири бу - совет ҳокимиятининг XX асрнинг 20–30 йилларидаги қатағон сиёсатидир. Ушбу давр тарихини холисона ёритиш,

¹ Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. Тошкент, “Шарқ” нашриёт манбаа концерни бош таҳририяти, 2000.

халқымиз қандай зуғумларни, хўрликларни бошидан ўтказганини келажак авлодга етказиш давр талаби. Умуман, ушбу жараёнларни мұкаммал ўрганиш тарихий адолатни тиклашда муҳим аҳамиятга эга.

Совет судлари томонидан меҳнат резервларининг қатағон қилиниши

Дилшод Комолов

*Қашқадарё вилояти Педагогика марказининг Ўқув ва илмий ишлар
бүйича директор ўринбосари, тарих фанлари номзоди, доцент*

Совет давлатида 1937–1938 йилларда «Катта қирғин» амалга оширилганидан сўнг, орадан кўп вақт ўтмасдан навбатдаги жазо кампанияси бошланди. 1940 йилга келиб меҳнат резервларига нисбатан жазо қўллаш борасида судларга кенг ваколат берилди ва миллионлаб тинч аҳоли жавобгарликка тортилди.

ХХ аср 30-йиллари охирида халқаро вазият кескинлашиб, Германиянинг Евropa давлатларига хавфи тобора ортиб борди. Мана шундай вазиятда Сталин шарқий Европада таъсир доираларини белгилаб олиш учун Гитлер билан жиноий тил бириктирди. Бу 1939 йил 23 августда Москвада Совет Иттифоқи ва Германия ўртасида имзоланган Молотов-Риббентроп пактининг махфий иловасида ўз аксини топган эди. Орадан бир ҳафта ўтгач, Гитлер иккинчи жаҳон урушини бошлади. Икки давлатнинг Евropa шарқидаги таъсир доираси белгилаб қўйилган пактнинг махфий иловаси Гитлерга бемалол Польша билан уруш бошлаш имконини берган эди. Шартнома туфайли Сталин Шарқий Европада советларнинг таъсир доирасини кенгайтиришдан ташқари, энг муҳими Германияга қарши урушни кечиктириш имкониятига эга бўлди. Гарчи 1939 йил 28 сентябрда Германия ва СССР ўртасида ўзаро ҳужум қилмаслик ҳақида шартнома имзоланган бўлса-да, ҳар икки томон ҳам жиддий тўқнашувга тайёргарлик кўриб борарди.

Айни пайтда, Совет Иттифоқида сиёсий бюро ва ҳукуматнинг ҳар бир йиғилишида мудофаа саноатини мустаҳкамлаш, янги корхоналар қуриш, чет элдан дастгоҳлар ва қуролларни сотиб олиш тўғрисидаги масалалар тўхтовсиз муҳокама қилинар эди. Янги корхоналар қуриш катта миқдордаги ишчи кучини талаб этар эди. Масаланинг ечими сифатида совет давлати ўз халқини шафқатсиз эксплуатация

қилишга ва қўп миллионли маҳбуслардан текин ишчи кучи сифатида фойдаланишга қарор қилди. Буни ҳуқуқий жиҳатдан асослаш учун 1940 йил 26 июнда СССР Олий Совети Президиуми “Саккиз соатлик иш куни, етти кунлик иш ҳафтасига ўтилиши муносабати билан ишчи-ходимларнинг корхона ва муассасалардан ўзбошимчалик билан кетишини таъқиқлаш тўғрисида”ги фармонни қабул қилди¹. Жумладан, фармонда қуйидагилар баён этилган эди:

1. Барча давлат, кооператив, жамоат корхоналари ва муассасаларида ишчи ва хизматчилар иш кунининг давомийлиги оширилсин.

2. Барча давлат, кооператив, жамоат корхоналари ва муассасаларида иш ҳафтаси олти кундан етти кунга ўтказилсин.

3. Ишчилар ва хизматчиларнинг корхона ва муассасалардан ўзбошимчалик билан чиқиб кетиши, шунингдек, бир корхонадан бошқасига ўтиши таъқиқлансан.

Фармонга асосан корхона ва муассасаларда иш 24 соат давомида узлуксиз 3 сменада ташкил этилган. Ишчи ва хизматчиларнинг корхона ва муассасадан чиқиб кетиш ёки бир корхонадан бошқасига ўтиши фақат корхона директори ёки муассаса раҳбарининг рухсати билан амалга оширилиши мумкин эди. Қуйидаги ҳолларда ишчи ва хизматчининг ишдан бўшашга ҳақли эканлиги белгилаб қўйилган эди: биринчидан, ишчи ёки хизматчи тиббий эксперт комиссиясining хulosасига биноан, касаллиги ёки ногиронлиги сабабли аввали ишини бажара олмаса ва маъмурият унга ўша корхона ёки муассасада бошқа муносаби иш билан таъминлай олмаса; иккинчидан, ишчи ёки хизматчи олий ёки ўрта маҳсус ўкув юртига ўқиши муносабати билан ишлашни тўхтатиши мумкин эди.

Фармонга кўра, корхона ёки муассасалардан ўзбошимчалик билан кетган ишчи ва хизматчилар судга берилиб, халқ судининг ҳукми билан 2 ойдан 4 ойгача қамоқ жазосига ҳукм этилиши белгилаб қўйилди. Узрли сабабларсиз ишга келмаган ёки 20 дақиқадан кўп ишга кечикиб келганларни ойлик иш ҳақидан 25 фоизгача чегириб қолинган ҳолда, 6 ойгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланиши кўрсатиб ўтилган эди.

Бундай турдаги ишларни халқ судлари 5 кундан ортиқ бўлмаган муддатда кўриб чиқишлиари ва ҳукм дарҳол ижро этилиши лозим эди. Юқоридаги фармон 1940 йил 27 июнда кучга кирди. Шундай

¹ Сборник законов СССР и указов Президиума Верховного совета СССР. 1938–1944 г.г. М.: Ведомости Верховного совета СССР, 1945. С. 362.

қилиб, собиқ Иттифоқ худудида кучайтирилган, фавқулодда меҳнат тартиблари ўрнатилди.

Фуқаролар ўз давлатида дам олиш кунларисиз, қулларча ишлашга маҳкум этилган эди. Бундай тартибга бўйсунмаганларга жиноий жавобгарликка тортиш билан таҳдид қилинди. Шундай қилиб, давлат ишчи ва хизматчиларни корхоналарга бириктириб қўйди. Ишлаб чиқариш ставкалари оширилди, нархлар пасайтирилди ва минимал иш кунининг бажарилмаслиги жиноий жавобгарликка сабаб бўлар эди.

Амалдаги процесуал қонунчиликка асосан ҳар қандай жиноий иш юзасидан дастлабки тергов ўtkазилиши ва айблов хulosаси судга тақдим этилиши лозим эди. Фармонда эса ушбу расмий жараёнларнинг барчаси судда кўриб чиқилиши билан бирга беш кун ичida тугалланиши кўрсатиб ўтилган эди. Қатағон қилиш тартибларини янада соддалаштириш мақсадида СССР Олий суди Пленуми қарори билан ҳалқ судларида бундай турдаги ҳуқуқбузарликларни кўриш тартиби енгиллаштириб борилди. Масалан, 1940 йил 15 июлда бўлиб ўтган СССР Олий судининг Пленуми қуий судларга меҳнат интизоми бузилиши билан боғлиқ жиноят ишларни судья айблов учун материаллар етарли деб ҳисобласа дастлабки терговсиз кўриши мумкинлиги ҳақида кўрсатма берди¹. Ушбу ҳолатга: “Бу мунтазам равишда меҳнат интизомини бузувчиларга қарши самарали курашибораларидан биридир”, деб изоҳ берилган эди.

Судъялар, шубҳали ҳолатларда, ишни терговга қайтариши мумкин эди, аммо уларнинг аксарияти бу ҳуқуқ расмиятчиликдан бошқа нарса эмаслигини яхши билишар эди. Партия ва ҳуқуматнинг кўрсатмаларига мувофиқ “меҳнат интизомини бузувчилар” ниқоби остида, ишчи ва хизматчиларнинг дам олиш ҳуқуқини инкор этган ҳолда уларга қарши оммавий қатағонлар бошлаб юборилди.

1940 йил 23 июлдаги СССР Олий судининг навбатдаги Пленумида ишга кечикиш билан боғлиқ меҳнат интизоми такроран бузилган тақдирда, ахлоқ тузатиш ишлари жазоси қамоқ жазоси билан алмаштирилиши ҳақида кўрсатма берилди. Бунинг оқибатида меҳнат интизомини бузувчиларга нисбатан қўлланадиган жазо чоралари янада оғирлаштирилди.

1940 йил 10 августда қатағон оперативлигини таъминлаш учун судда амалга ошириладиган яна бир процесуал жараёндан воз ке-

¹ Сборник постановлений Пленума и определений коллегий Верховного Суда Союза ССР, 1940 год / Под ред.: Голяков И.Т. М.: Юрид. изд-во НКЮ СССР, 1941. С. 131–132.

чилди. Яъни, ушбу санада СССР Олий Совети Президиуми томонидан қабул қилинган фармонда қуидагича баён этилган эди: “Белгилаб күйилсинги, корхона ва муассасалардан рухсатсиз ва ўзбошимчалик билан чиқиб кетган шахсларнинг жиноий ишлари халқ судьялари томонидан халқ маслаҳатчилари иштирокисиз якка тартибда кўриб чиқилсин”¹. Ваҳоланки 1936 йилда қабул қилинган СССР конституцияси ва 1937 йилда қабул қилинган ЎзССР конституциясининг 102-моддасига мувофиқ барча судларда иш коллегиал тарзда амалга оширилиши, суд тизимининг барча бўғинида судья халқ маслаҳатчилари иштирокида иш юритиши белгилаб кўйилган эди².

Юқорида қабул қилинган қарорлар кетма-кетлигига эътибор қаратилса судьялар қатағон қилиш учун барча дастакларга эга бўлгани аён бўлади. Бундай турдаги ишларни судья дастлабки терговсиз, халқ маслаҳатчилари иштирокисиз кўриб чиқишига ваколатли эди. Энг ачинарлиси, суд томонидан қабул қилинган хукм дарҳол, бир кундан кечиктирмасдан ижро этилган. Судланувчи ҳукм юзасидан апелляция ва кассация шикояти бера олмаган.

1940 йил 15 сентябргача бўлган муддатда СССРда 1940 йил 26 июндаги фармонда кўрсатилган ҳолатлар бўйича 1 082 216 кишига нисбатан жиноий иш очилиб, судга тақдим этилган. Улардан, 906 824 киши судланган, шу жумладан 755 440 киши ишга кечикиб келгани учун, 131718 киши рухсатсиз ишдан кетганлиги учун, 2949 киши айборларни яширганлиги учун жазоланган.

Ўзбекистон ССРда ҳам ишчи-хизматчиларни меҳнат интизомини бузганликда айблаб ёппасига жазолаш кампанияси бошлаб юборилди. 1940 йил 1 сентябр ҳолатига кўра, Ўзбекистондаги халқ судларига меҳнат интизоми бузилиши билан боғлиқ 13877 та иш келиб тушган. Улардан 10861 таси эса суд тартибида кўриб чиқилган³.

Вилоятлар кесимида хуқуқбузарларнинг мутлақ кўпчилиги Тошкент вилояти хиссасига тўғри келган. 1940 йил 1 сентябргача бўлган ҳолатда Тошкент вилоятидаги халқ судларига 6896 та иш келиб тушган, шундан 5504 таси кўриб чиқилган. Фарғона вилоятида 2784 та ишдан 2548 таси, Бухоро вилоятида 1345 та ишдан 1210 таси, Самарқанд вилоятида 1782 та ишдан 1534 таси, Хоразм вилоятида 521 та ишдан 485 таси, Қорақалпоғистон АССРда 549 та ишдан 465 таси кўриб чиқилган⁴.

¹ Сборник законов СССР и указов Президиума Верховного совета СССР. 1938–1944 г.г. М.: Ведомости Верховного совета СССР, 1945. С. 231.

² Конституция (Основной закон) УзССР. – Ташкент.: Партиздат КП (б) Уз, 1938. С. 18.

³ ЎзМА, Р-904-фонд, 9-рўйхат, 1247-йиғмажилд, 8-варақ.

⁴ ЎзМА, Р-904-фонд, 9-рўйхат, 1247-йиғмажилд, 9-варақ.

1940 йил 26 июндаги фармонда меңнат интизомини бузилишига оид иш аниқланғандан сүнг, судья томонидан 5 кундан ортиқ бўлмаган муддатда кўриб чиқиши лозимлиги кўрсатиб ўтилган эди. Бироқ 1940 йил 15 августдан 1 сентябргача бўлган даврда Тошкент вилоятидаги халқ судлари томонидан 1140 та иш 5 кунлик муддатдан кечикиб кўриб чиқилган. Бошқа вилоятларда ҳам шундай аҳвол мавжуд эди: Фарғона вилоятида 508 та, Бухоро вилоятида 164 та, Самарқанд вилоятида 143 та, Хоразм вилоятида 59 та иш 5 кунлик муддатдан кечикиб кўриб чиқилган.

Меңнат интизоми бузилиши билан боғлиқ ишларни кечикиб кўрилишининг асосий сабаби иш ҳажмининг ҳаддан зиёд кўплиги эди. Масалан, Тошкент шаҳридаги 32-сонли халқ суди участкаси ҳудудида жойлашган Тўқимачлик комбинатидан 1940 йил 15 сентябргача 1000 та иш келиб тушган эди. Халқ суди 3 сменада 24 соат давомида узлуксиз иш юритишига қарамай кўришга улгурilmagan ишлар қолдиги 200 тага яқин эди¹.

Чирчиқ шаҳридаги халқ судига Чирчиқ электркимё заводи қурилишига хизмат қилаётган ишчилардан меңнат интизоми бузилишига оид 900 та иш келиб тушган. Натижада, Тошкент вилоятининг Калинин туманида қисқариш ҳисобига Чирчиқ шаҳрига қўшимча халқ суди участкаси ташкил этилган. Шунга қарамай, халқ суди жиноий ишларни 5 кунлик муддатда кўриб чиқишга улгура олмайди.

1940 йил 1 сентябр ҳолатига кўра Ўзбекистон ССРдаги барча халқ судлари томонидан 10738 киши жазога хукм қилинган. Вилоятлар кесимида маҳкумлар сони қуидагича эди: Тошкент вилоятида 4786 киши, Фарғонада 2353, Бухорода 1215, Самарқандда 1391, Хоразмда 467, Қорақалпоғистон АССРда 526 киши хукм этилган.

Маҳкумларнинг 9509 нафари ишга кечикиб келгани учун, 1206 нафари эса рухсатсиз иш жойидан кетгани учун жазоланган. Маҳкумларнинг 4462 нафарига (46%) 3 ойгача, 5035 нафарига (53,9%) 3 оидан 6 ойгача ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган эди.

Рухсатсиз иш жойидан кетганларнинг 303 нафарига 2 ой, 922 нафарига 2 оидан 4 ойгача қамоқ жазоси тайинланган эди².

СССР Адлия халқ комиссарлиги ва Олий суди томонидан иттифоқдош республикалардан 1940 йил 26 июндаги Фармон ижроси юзасидан ҳисботлар мунтазам равишда эшлиб борилган. Марказдаги

¹ ЎзМА, Р-904-фонд, 9-рўйхат, 1247-йиғмажилд, 9-варақ

² ЎзМА, Р-904-фонд, 9-рўйхат, 1247-йиғмажилд, 10-варақ.

маъмурлар томонидан айбдорларга оғир жазо чорасини қўллаш кераклиги ҳақида кўрсатмалар берилган. Ушбу талаблар бажарилишини назорат қилиш учун халқ судлари фаолияти тафтиш қилиб борилган. Маҳкумларга нисбатан енгил жазо тайин этган ёки объектив баҳо бериб айбсизларни оқлаган халқ судьяларига нисбатан таъсир чоралари кучайтирилган. Масалан, Тошкент шаҳридаги 32-участка халқ судьяси Павлов судланувчиларга нисбатан 20 та оқлов ҳукми чиқаргани ва 4 та ишда жиноят аломатлари йўқлиги учун ҳаракатдан тўхтатгани учун судьялик лавозимидан озод этилган. Кейинчалик эса сиёсий жиноятларни содир этганликда айбланиб, озодликдан маҳрум этилади.

Собиқ халқ судьяси Нурматов 44 нафар судланувчини оқлагани, халқ судьяси Чернишева 14 нафар судланувчига нисбатан ишни тўхтатгани, Учқўрғонда халқ судьяси Тошматов 3 нафар судланувчини оқлагани, Ўрта Чирчиқ туманидаги халқ судьяси Исокулов МТСда ишлаётган 4 нафар трактор ҳайдовчиларини оқлагани учун кейинчалик жавобгарликка тортилади¹.

1940 йил сентябр ойида ўз хизмат вазифасига “совуққонлик” билан қарагани учун Ўзбекистон ССРда 17 нафар халқ судьяси маҳаллий кенгашлар томонидан лавозимидан чақириб олинниб, улардан 10 нафари жиноий жавобгарликка тортилади. Шунингдек, яна бир қатор халқ судьяларига нисбатан маъмурий жазо чоралари қўлланилади. Республикада турли даражада жазолангандар судьялар сони 58 нафар эди². Бу ҳақда архив манбаларида шундай маълумот учрайди: «бу каби ҳолатлар судьялар ўртасида сиёсий ҳушёрлик ва интизомни яхшилашга имкон берди».

Албатта, маҳаллий депутатлар совети томонидан сайлаб қўйилган, улар тизгинидан чиқмаган, мустақилликдан маҳрум этилган совет халқ судлари коммунистик партиянинг топшириқларини сўзсиз бажаришга мажбур эди. Натижада, халқ судлари маҳкумларга нисбатан ахлоқ тузатиш, қамоқ жазосини максимал муддатга қўллаб, судланганликни механик равишда чиқара бошлайди. Буни қуйидаги статистик маълумотлар ҳам тасдиқлайди. 1940 йил 1 сентябрдан 15 сентябргача бўлган муддатда Ўзбекистон ССРда судланганларнинг умумий сони 4693 кишини ташкил этган бўлса, шундан 3 ойгача ахлоқ тузатиш ишлари жазосига ҳукм этилганлар сони 897 на-

¹ ЎзМА, Р-904-фонд, 9-рўйхат, 1247-ийғмажилд, 10-варақ.

² ЎзМА, Р-904-фонд, 9-рўйхат, 1247-ийғмажилд, 30-варақ.

фар(19%), 3 ойдан 6 ойгача ахлоқ тузатиш жазоси тайинланганлар сони 3779 нафар (79,6%) ни ташкил этган. Рухсатсиз иш жойидан кетгандарнинг 165 нафарига 3 ойгача, 946 нафарига эса 2 ойдан 4 ойгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган эди¹.

Агар 1940 йил август ва сентябр ойида халқ судлари томонидан қабул қилинган ҳукмлар қиёсланса, маҳкумларга нисбатан қўлланилган жазо чоралари оғирлашиб боргани яққол намоён бўлади. Яъни, 1940 йил август ойида 3 ой ва 6 ойгача ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилингалир нисбати деярли тенг миқдорда эди. Сентябр ойининг дастлабки 15 кунлигига жами маҳкумларнинг 4/5 қисми 6 ойгача, бор-йўғи 1/5 қисми эса 3 ойгача ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинган эди. Шунингдек, 4 ойгача қамоқ жазосига ҳукм қилинганлар сони ҳам ортиб борган.

1940 йил 1 сентябрдан 15 сентябргача бўлган даврда Ўзбекистон ССРда халқ судлари томонидан 5 кундан ортиқ муддатда кўриб чиқилган меҳнат интизомини бузиш билан боғлиқ жиноятлар сони 760 тани ташкил этиб, жумладан, Тошкент вилоятида 299 та, Фарғона вилоятида 296 та, Самарқанд вилоятида 102 тани ташкил этган.

Меҳнат интизомини бузган ҳуқуқбузарларга нисбатан суднинг ҳукми чиқарилгандан сўнг бир кундан кечиктирмасдан ижро этилиши меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда кўрсатиб ўтилган эди. Бироқ Тошкент вилоятидаги халқ судлари томонидан қабул қилинган ҳукмларнинг 33%, Бухоро вилоятида 40%, Хоразм вилоятида 60%, Қорақалпоғистон АССРда 30% бир кунлик муддатда ижро этилган. Натижада, ҳукмни ўз вақтида ижросини таъминламагани учун бир қатор масъулларга жазо чораси қўлланади. Жумладан, Тошкент шаҳридаги халқ судьяси Кубишкина жазоларни ўз вақтида ижро этишга масъулият билан ёндошмагани учун жавобгарликка тортилган эди.

Москванинг кўрсатмасига биноан Ўзбекистон ССР Адлия Халқ Комиссарлиги ва Олий суднинг бир қатор аъзолари Бухоро, Фарғона, Самарқанд, Хоразм вилоятлари ва Қорақалпоғистон АССРдаги ишларни тафтиш қилиш учун юборилади. Жумладан, Қорақалпоғистон АССРда фармон ижроси юзасидан амалга оширилаётган ишлар ўрганилганда суд органлари томонидан судланувчилар суд мажлисига чақирилмасдан сиртдан ҳукм қилиш авж олгани аниқланади².

¹ ЎзМА, Р-904-фонд, 9-рўйхат, 1247-ийғмажилд, 11-варақ.

² ЎзМА, Р-904-фонд, 9-рўйхат, 1247-ийғмажилд, 12-варақ.

Архив ҳужжатларида, бундай хатолар нафақат ҚҚАССР судларида, балки Ўзбекистон ССРнинг бошқа ҳудудларида ҳам содир бўлаётгани таъкидланган эди.

Тафтишчилар томонидан ҳалқ судларининг қабул қилган ҳукмлари қайтадан ўрганиб чиқилади. Маҳкумларга енгил жазо чораси қўлланилган ҳолатлар аниқланса, юқори инстанция суд органи бўлган Олий судга протест киритилади. Натижада, 1940 йил 1 октябрга ча бўлган даврда Ўзбекистон ССР Олий суди 500 та иш бўйича ҳалқ судлари томонидан қабул қилинган енгил жазо чораларини кўзда тутувчи ҳукмларни бекор қилиш ҳақида қарор қабул қилган эди¹.

1941 йил 1 январ ҳолатига кўра СССР да ишчи ва хизматчилардан 2 476 241 нафари меҳнат интизомини бузганликда айбланиб, иши судга оширилган. Улардан 1 955 790 киши жавобгарликка тортилган эди. Шунга қарамай, меҳнат интизоми билан боғлиқ тарзда фуқароларни жиноий жавобгарликка тортиш уруш йилари ҳам давом этди. 1943, 1944 ва 1945 йилларда ҳар йили бир миллиондан ортиқ фуқаролар жавобгарликка тортилган. 1945 йилда сobiқ Совет Иттилоқида судлар томонидан жиноий жавобгарликка тортилганларнинг 51,5% 1940 йил 26 июн фармони талабларини бузган шахслар эди.

Урушдан кейинги йилларда ҳам юқоридаги фармон амалда бўлди. Корхона ва муассасадан рухсатсиз чиқиб кетиш учун жазолаш 1956 йилга қадар амал қилди. Статистик маълумотларга кўра, ушбу фармон мавжуд бўлган даврда 18 миллионга яқин совет фуқаролари судланган.

Хуроса қилиб айтганда, Сталин раҳбарлигидаги сobiқ Иттилоқ раҳбарияти фашистлар Германияси билан жиноий тил бириктириб, иккинчи жаҳон урушининг асосий айборларидан бирига айланди. Тоталитар тузум томонидан Конституцияга зид равища бир қатор директива ва бошқа қонуности ҳужжатлари қабул қилиниб, фуқароларнинг эркин касб танлаш, меҳнат қилиш ва дам олиш ҳуқуқлари чеклаб қўйилди. Бундай тартибга бўйсунмаган шахслар жиноий жавобгарликка тортилди ва миллионлаб маҳбуслар хизматидан текин ишчи кучи сифатида фойдаланилди. Қатағон оперативлигини таъминлаш учун судлар томонидан амалга ошириладиган процессуал жараёнлар ҳам соддалашиб, жазолар репрессивлашиб борди. 1940 йил 26 июндаги фармонга асосан ҳуқуқбузарлар сифатида нафақат ишчи-хизматчилар, ҳатто суд жараёнига объектив баҳо берган

¹ ЎзМА, Р-904-фонд, 9-рўйхат, 1247-ийғмажилд, 12-варак.

судьялар ҳам қатағон қурбонига айланди. Фақат Сталиннинг вафтидан кейин, унинг даврида қабул қилинган айрим қонулар бекор қилинди, айбиз жазоланган фуқароларни реабилитация қилиш жараёнлари бошланди.

ХХ аср 20-йиллари Россиядан Фарғона вилоятига эвакуация қилинган болалар масаласи

Шоҳруҳбек Мамадалиев

Наманган давлат университети ўқитувчиси

Россиянинг мустамлака ўлкаларида, хусусан Туркистонда ХХ асрнинг бошларидағи ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий аҳвол муҳим аҳамиятга эга бўлгани ҳолда, маълум даражада ўзига хос зиддиятли ҳам эди. Совет ҳокимияти хукумронлиги йилларида миллатлараро муносабатлардаги воқеликлар асосан Россиядан бошқа халқларга “бегараз байналмилал ёрдамини” таъкидлашга қаратилганди.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, тарих ва унда бўлиб ўтган воқеликларга муносабат тубдан ўзгарди. Бугунги кунда ўтмишни чуқур ўрганиб уни, қиёсий таҳлиллар асосида холисона ёритиш тарихчи мутахассисларнинг олдидаги муҳим ва асосий вазифалардан ҳисобланади.

Мадомики шундай экан, очаркилик йилларида Туркистон халқарининг оч болаларга кўрсатган ёрдами, бу борада амалга оширилган ғамхўрликлари нафақат совет даври тарихшунослиги, балки СССР тарқалгандан кейинги тадқиқотларда ҳам бир томонлама ёндашувлардан холи бўла олмади. Шуларни инобатга олиб, қуйида Россиянинг очарчилик ҳудудларидан эвакуация қилинган болаларга Туркистон халқлари томонидан берилган бегараз ёрдамлар тўғрисида сўз юритамиз. Марказ кўрсатмасига мувофиқ, Волгабўйи, Уралолди ҳудудларидан ҳосилдор деб топилган ҳудудларга, хусусан Туркистонга очлар эвакуацияси ўлка раҳбарияти билан келишилмаган ҳолда амалга оширилган.

Бутунrossия Марказий ижроия қўмитаси қошидаги очларга ёрдам Марказий Комиссияси қарори билан болалар эвакуацияси очарчилик ҳудудларидаги раҳбариятни зудлик билан ташкилий масалаларни бажаришга унгади. Бу масала ўз даврининг муҳим вазифаларидан бири эди.

Туркистон Марказий ижроия құмитаси қошида тузилған “Очларга ёрдам марказий комиссияси” хузуридаги “Марказий болалар ки-чик комиссияси” вакиллариға берилған йүриқномада қуйидагилар үз аксини топған әди:

1. “Марказий болалар ки-чик комиссияси” вилоят, уезд-шаҳарларда ҳам, үзининг тегишли комиссиялари “Очларга ёрдам комиссиялари” қошида ташкил этилади. Хусусан, уезд комиссияси таркибига:

- а) уезд коммунистик партияси – хотин-қызылар бўлимидан;
- б) уезд ҳалқ таълими бўлимидан;
- в) уезд ёшлар коммунистик ташкилотидан аъзолар киритилади.

2. Биринчи галдаги вазифа – бу шаҳарда “Болаларни қабул қилиш ва тарқатиш бўлими”ни ташкил қилиш ҳисобланади.

3. “Болаларни қабул қилиш ва тарқатиш бўлими”дан “Болалар уй”ларига юборилди. Мумкин қадар болаларни ғаллакор посёлка ва совхозларга жойлаштириш керак.

4. Жойларда “Болалар комиссияси”га ёрдам бериш учун фаол кишиларни тарғибот-ташвиқот ишларига жалб қилинади.

5. Посёлкаларда мажлислар ўтказиб, Волгабўйидаги очарчилик аҳволи ва айниқса оч болаларга ёрдам зарурияти бўйича “Болалар уйи” ташкил этиш ва уларга жойларда ғамхўрлик намуналарини кўрсатишга тарғиб қилинади.

6. Посёлка ва қишлоқларда умумий мажлис ўтказиб, 3-5 кишилик гурӯҳлар ташкил қилиш ва жойларда “Болалар ташкилотлари”-ни ташкил қилиш керак.

7. Ҳамма иш фуқароларнинг ўзига қўйиб берилиши керак, аммо ҳар ойга маълум бир миқдорда озиқ-овқатларни болаларга ажратиб туриш тизимини ишга солиш зарур.

8. Олиб борилаётган ишлар жанговор ҳолатда бўлиши ва уезддаги “Очларга ёрдам комиссияси”, уезд ижроия құмитаси, уезд коммунистик партияси билан биргаликда олиб борилиши керак¹.

Шундай қилиб, 1921 йил август ойи биринчи ярмидан Саратов, Қозон, Стерлитомоқ, Симбирск, Самара, Уфа, Оренбург ва бошқа худудлардан темирйўл вагонларида ва сув йўли орқали пароходларда очлар келтирила бошланди.

Мавжуд маълумотлар шуни қўрсатадики, болаларни очарчилик худудларидан эвакуация қилишнинг дастлабки ойларида нафақат очарчилик азобини тортаётган марказий губерниялар вакиллари,

¹ ЎЭМА, Р-22-фонд, 1-рўйхат, 5 -йиғмажилд, 11-варақ.

балки Туркистон Марказий ижроия қўмитаси қошидаги “Очларга ёрдам” марказий комиссияси вакилларининг ўзлари ҳам Волгабўйи, Уралолди ҳудудларидағи болаларни очарчилик балосидан қутқаришда фаол қатнашганлар. Масалан, Фарғона вилояти “Очларга ёрдам” комиссияси вакиллари Россиянинг очарчилик ҳудудларига оч болаларни ўлкага олиб келиш учун борганлар.

Том маънода болажон ўзбек халқи, болалар жойлаштирилган интернат ва “Болалар уйлари”га имкон даражасида кийим-кечак, озиқовқат билан бериб, борини оч болалар билан баҳам кўрди. Масалан, Наманганде очлар учун хайрия йиғиш 1921 йил 5 августдан бошланиб, икки кун ичидаги озиқовқат маҳсулотларидан ташқари 1,5 млн. рублдан ортиқ пул йиғилган бўлса, орадан олти кун ўтиб хайрия суммаси 3 млн. рублга етган¹.

Туркистон ўлкасидаги интернат ва “Болалар уйлари” оч болаларга тўлиб кетди. Шундай шароитда Волгабўйи, Уралолди ҳудудларидағи очарчиликдан Туркистонга оч-қочоқ тариқасида келаётган болалар учун Сирдарё вилоятидаги кўплаб интернатларда яшаётган болалар ўзларига тегишли “нонуштани ҳам улар учун хайрия қилганлар”.

1921 йил 13 декабрдаги Туркистон “Очларга ёрдам” Марказий Комиссияси мажлисидаги маълумотга кўра, биргина Тошкент ҳарбий гарнizonida Волгабўйи, Уралолди ҳудудларидан келтирилган 200 нафар бола учун алоҳида жой ажратилган ҳолда, озиқовқат ва кийим-кечак билан таъминланиб, ҳарбийлар қарамоғига ўтказилган².

Шунингдек, эвакуация қилинган болаларни асраб олишда маҳаллий аҳолининг ўрни ва ғамхўрлиги юксак инсоний қарашлар билан ифодаланди.

Масалан, Полторацкка келтирилган оч болаларни маҳаллий аҳоли, кўпгина ташкилотлар томонидан талашиб-тортишиб, жондиллари билан ўз қарамоғларига олганлар³. Ўзбек халқининг чин болажонлик намунасини самарқандлик темирчи уста Оғафоров деган кишининг тимсолида ҳам кўриш мумкин. У эвакуация муносабати билан Волгабўйидан Самарқандга келтирилган болалардан 30 нафарини ўз оиласи қарамоғига олиб, уларни барча зарурий воситалар ва бошпана билан таъминлаган⁴.

¹ Известия (ТуркЦИК), 11, 14, 17 августа 1921 г.

² ЎзМА, Р-22-фонд, 1-рўйхат, 8-йиғмажилд, 28-варақ ва орқаси.

³ Пролетарий (Самарқанд), 5 январь 1922 г.

⁴ Расулов А.Н. Туркистон халқи бағрикенглиги. Т.: Янги нашр, 2011. Б. 61.

Туркистон худудига қанча болалар қўп эвакуация қилинган сайин Марказдан маблағ, кийим-кечак, дори-дармонлар таъминоти камайиб борган.

Шуни қайд этиш жоизки, Туркистонга болалар эвакуацияси сони бўйича ҳар хил статистик маълумотлар мавжуд. Масалан, П.Т. Ка занчанц китобида Самарқандга Волгабўйидан келтирилган болалар сони 1921 йил охиригача 825 нафарни ташкил этилган деб қайд этилга бўлса¹, бошқа бир манбада келтирилган оч болалар сони 11379 нафар бўлганлиги ёзилган².

Туркистон интернатларидағи маҳаллий болалар кийим-кечак билан 13,5 фоизга, оёқ кийим билан 15 фоизга, озиқ-овқат билан ҳам жуда оз миқдорда таъминлангани ҳолда³, яна Россиянинг очарчилик ҳудудларидан келаётган болаларни ҳам ўз қарамоғига олган эди. Туркистон Марказий ижроия қўмитаси Фарғонадаги очарчилик кўламидан келиб чиқиб, Марказга бир неча бор ёрдам бериш зарурлиги, аҳолининг деярли 500 минг нафари очарчиликдан қийналаятганлиги тўғрисидаги шошилинч хабарлари Москва раҳбариятини вазиятга жиддий ёндашишига ундумади.

Туркистон Марказий ижроия қўмитаси Фарғона вилоятидаги озиқ-овқат танқислиги билан боғлиқ аҳволни 1922 йил 31 январидаги кўриб чиқди.

1922 йил 19 февралида Қ.Отабоев ва И. Хидирайевлар Фарғона вилояти инқилобий қўмитаси мажлисида қатнашиб, вилоят озиқ-овқат комиссари Краснинг худуддаги иқтисодий аҳвол тўғрисидаги ҳисботини тинглайди. Мажлисдаги муҳокамалардан сўнг, Фарғонадан йиғилаётган озиқ-овқат солиғини бекор қилиб, вилоятга нон, гўшт маҳсулотлари бошқа вилоятлардан етказиш зарурлиги тўғрисида қарор қабул қилган. Шунингдек, ушбу қарорда Фарғона вилояти озиқ-овқат органларига Бухоро Республикаси ва Самарқанд, Туркман ва Сирдарё вилоятлари билан маҳсулот алмаштиришга киришиши ҳамда шу мақсадда 1922 йил март ойи учун 5 миллиард рубл ажратишга қарор қилинган эди⁴.

¹ Казанчанц П.Т. Становления и развитие народного образования в советском Туркестане. Т.: Ўқитувчи, 1982. С. 29.

² Жизнь национальностей (Москва), 14 марта 1922 г.

³ Иноятов Н.Ш. Коммунистическая партия в борьбе за развития народного образования в Узбекистане (1921–1925 гг.) Дисс... канд. Ист. Наук. Т., 1965. С. 54.

⁴ ЎзМА, Р-17-фонд, 1-рўйхат, 740-ийғмажилд, 41-варак.

Фарғонада истиқомат қилаётган Россиянинг очарчилик худудларидан кўчирилган очлар вилоятнинг оч аҳолиси ризқи ҳисобига кун кечирарди.

Туркистон халқи Россиянинг очарчиликка учраган баолаларини бу қийинчиликлардан қутқаришда, уларга озиқ-овқат, бошпана, кийим-кечак беришда юксак инсоний фазилатларни намоён қилиб, ўз саҳоватларини аямай, халқимизга хос бағрикенглик намуналарини кўрсатганлар.

**«Ужасы советской действительности» или «новое будущее страны»: памир, Киргизия и их жители в документально-литературных произведениях
(1930–1950 гг.)**

*Ойбек Махмудов
Институт истории АН РУз, к.и.н., доцент*

Как известно литература, во всех ее проявлениях и видах, обычно является в той или иной мере отражением эпохи, в которой живет автор. Конечно же, сознательно или подсознательно, часто при этом он вкладывает свои идеи, стремления, взгляды, представления и мечты в написанный текст. Но, именно это и ценно в таких произведениях. Благодаря этому мы можем проникнуть в глубинные пласти сознания людей эпохи, попытаться понять их представления, понятия и взгляды на времена, и окружающую их жизнь. Понимание же этого позволяет нам лучше понять мотивы и действия людей этого времени.

Но с другой стороны, хотя литература и «зеркало жизни», но часто оно бывает кривым или треснутым. И тогда отражаемые в нем события преломляются в некую пародию, гротеск или даже просто в пасквиль. Но, даже такое произведение может являться ценным источником по мировоззрению, восприятию и глубинным представлениям автора о предмете описания, как бы он отрицательно или положительно к нему не относился.

Поэтому, изучая любую эпоху исследователям чрезвычайно важно изучать и литературу этого времени, для, так сказать, более глубокого погружения в атмосферу, представлений и взглядов людей исследуемого периода. В том числе это важно и при изучении эпохи сталинизма, когда такие вещи обычно почти не были отражены не в каких официальных документах.

Среди разных жанров литературы можно выделить жанр, так сказать, «документальной» литературы, которая ставит своей целью на основе документальных зарисовок и свидетельств, а часто и дневниковых записей представить те или иные события, описать какую-либо территорию или местность, показать, что здесь происходит и так далее.

Особенно любопытно рассмотреть отражение «советского строительства», жизни местного населения окраинных районов Советского Союза и взглядов на последнее писателей и других представителей российской/советской интеллигенции сталинской эпохи в литературных произведениях этого периода.

Здесь, мне хотелось бы проиллюстрировать это на примере произведений двух (что, прежде всего, связанно с ограниченностью объема настоящего исследования) авторов – Ивана Лукьяновича Солоневича (1891–1953) и Павла Николаевича Лукницкого (1902–1975). Они представляют совершенно различные, антиподные точки зрения и представления на события происходящих на далеких среднеазиатских республиках СССР. Думаю, что рассмотрение таких полярных точек зрения поможет понять психологию, представления, мировоззрение, оценки и взгляды про/антисоветско настроенной интеллигенции сталинской эпохи на жителей далекой среднеазиатской окраины Советского Союза и преобразований советской власти происходящих здесь. Это тем более важно, что, насколько мне известно, практически почти не было специальных исследований, посвященных восприятию, репрезентациям и взглядам на население, местные реалии и вообще не европейские территории СССР – Среднюю Азию и Кавказ, – не только в эпоху сталинизма, но и в более поздние периоды советской истории. Хотя, при этом, существует ряд исследований подобного характера освещавшего этот вопрос (правда только с точки зрения колониальных чиновников, путешественников и исследователей) в средне/центральноазиатском регионе в период второй половины XIX – начала XX века¹.

Итак, первым произведением, рассматриваемым мной, является книга И. Л. Солоневича «Памир. Советские зарисовки». В ней содер-

¹ Sahadeo J. Russian colonial society in Tashkent: 1865–1923. Bloomington-Indianapolis, 2007; Morrison A.S. Russian Rule in Samarkand (1868–1910). A Comparison with British India. New York, 2008; Махмудов О.А. «Одичалые французы» Памира. Население Памира и припамирских владений глазами русских военных и исследователей // CIAS Discussion Paper. Kioto, 2013. № 35 и др.

жится помимо указанного в названии книги, еще ряд «зарисовок» о советской действительности 1930-х годов. Здесь мы ограничимся рассмотрением, непосредственно связанной с рассматриваемой мной территорией, первой и основной части книги озаглавленной «Памир», хотя речь в ней идет в основном о разных частях Киргизии, от Иссык-Куля до предгорий Памира, а скорей всего Алая или Заалайского хребта. Книга издана в старой орфографии, как было принято в эмигрантских русских изданиях вплоть до 1940-х – 50-х гг., несмотря на то, что реформа русской орфографии была произведена еще в 1918 г.

Но перед тем так перейти непосредственно к рассмотрению произведения, думаю, стоит кратко остановиться на личности автора, без чего трудно будет понять содержание и стилистику этой публикации.

Иван Лукьянович Солоневич родился в 1891 г. недалеко от Гродно. До 1917 г. занимался журналисткой деятельностью в разных изданиях. После Октябрьских событий 1917 г. и окончательного захвата власти в Петрограде большевиками Иван с семьей бежал на белый Юг России, в Киев, участвовал в Белом движении. Затем он продолжил свою подпольную деятельность в Одессе. С 1927 года он регулярно ездил в Ленинград под прикрытием журналистской работы и занимался подготовкой к побегу из СССР.

Готовясь к побегу, Солоневич не прекращал журналистской деятельности и изучения советской действительности. За довольно короткий срок он успел совершить множество поездок, осуществлённых под видом командировок от редакций московских газет и журналов. Побывал на Урале, в Поволжье, Карелии, Дагестане, Абхазии, Сванетии. Так, свою поездку в Киргизию он описал в нескольких статьях в журнале «На сuhe и на море», в завуалированной форме повествуя о неэффективности советской системы социалистического строительства. Скрытой целью поездок являлась разведка возможностей побега через персидскую границу, но при ближайшем рассмотрении Солоневич пришёл к выводу, что побег семейной группы по такому маршруту совершив невозможен¹.

Летом 1934 года Солоневичу вместе с сыном и братом удалось бежать в Финляндию. Умер Иван Лукьянович 24 апреля 1953 года

¹ Солоневич И.Л. Памир. Советские зарисовки. София, 1938. С. 61–62.

в столице Уругвая Монтевидео¹. Перу Солоневича принадлежит значительное количество статей и книг, написанных им в основном в эмиграции².

Итак, здесь мы остановимся на повести «Памир. Советские зарисовки»³, написанную и изданную Солоневичем уже в эмиграции в 1937 году. В ней содержатся описание реальных и вымышленных приключений Ивана Лукьяновича и его сына Юры⁴.

Стилистику и жанр, в котором написана повесть Солоневича можно охарактеризовать как памфлет, сатира, чуть ли не в стиле «Истории города Глупова» или «Господа ташкентцы» М. Е. Салтыкова-Щедрина, но доходящий порой, при описании особенностей быта и мировоззрения местного населения и особенно некоторых преобразований советской власти и до крайне гротескных форм, с известной долей желчи и даже злобы. Именно поэтому трудно назвать публикацию Солоневича документальным произведением, оно скорее именно литературно-сатирическое. Но, тем не менее, на его основании можно попытаться хоть отчасти реконструировать мировоззрение, взгляды и представления той части советской интеллигенции, которая была настроена «антисоветски» и «контрреволюционно», как на местное население окраин бывшей Российской империи, так и на преобразования советской власти здесь.

Практически с первых строчек повести мы видим презрительно-сатирическое отношение автора к советской действительности, когда он рассуждает о цене билета до Пишпека (Фрунзе) и вообще о ценности советских денег: «... в Советской России никто не считает на фунты стерлингов. Считают на фунты хлеба и сахара... Я думаю, что сладость советской жизни проще всего измерять сахарными единицами»⁵. Далее, он, рассуждая об «ужасах» советской действитель-

¹ Никандров Н. Иван Солоневич: народный монархист. М., 2007. С. 634–647.

² Солоневич И.Л. Россия в концлагере. София, 1935; Он же. Россия в концлагере. М., 1999; Он же. Памир. Советские зарисовки. София, 1937; Он же. Белая Империя. Шанхай, 1941; Он же. Белая Империя. Статьи 1936–40 гг. М., 1997; Он же. Статьи. Шанхай, 1942; Он же. Диктатура импотентов. Социализм, его пророчества и их реализация. Ч. 1. Буэнос-Айрес, 1949; Он же. Хозяин. Русская сказка. Буэнос-Айрес, 1952; Он же. Народная Монархия. Буэнос-Айрес, 1952; Он же. Роман во дворце Труда. Изд. 3-е. Буэнос-Айрес, 1953; Он же. Две силы. Роман из советской жизни. Борьба за атомное владычество над миром. Т. 1–2. Нью-Йорк, 1968; Он же. Наша страна. XX век. М., 2001 и др.

³ Здесь я пользовался вторым изданием книги: Солоневич И.Л. Памир. Советские зарисовки. София, 1938.

⁴ Никандров Н. Иван Солоневич: народный монархист. М., 2007. С. 84–109.

⁵ Солоневич И.Л. Памир. Советские зарисовки. София, 1938. С. 7–8.

ности, без всяких доказательств говорит, что из какой-то степной травы, которая будто бы содержит «тринацать с половиной процентов никотина» и собираемой по принуждению кочевниками перерабатывается «таинственными заводами» в какую-то «особо симпатичную разновидность иприта». А далее еще похлеще: «Я потом видел, как тот же никотин, с таким великими трудами собранный киргизскими семьями..., авиационными бомбами падал на те же киргизские юрты – оставалось пустое место...»¹.

И подобными странными и голословными утверждениями Солоневича о советской повседневности наполнена вся повесть. При этом все это пишется легко, порой с тонким юмором и иронией, что читатель невольно начинает улыбаться, подаваясь мастерству писателя.

Еще одним сюжетом у Солоневича является описание большого животноводческого колхоза в Киргизии, управляемого неким Пархоменко. В описании автора, этот колхоз превращается в нечто абсолютно бессмысленное, дикое, управляемое при этом совершенно не сведущим в животноводстве человеком с авторитарными замашками самодура и барина. Возможно, все так и было, но в мастерском описании Солоневича все это превращается в гротеск и памфлет на все колхозное строительство в СССР.

Интересным моментом является описание встречи и путешествия автора с некой «Гео-ботанической экспедицией Академии Наук» возглавляемой профессором Кондратьева. Вот как Солоневич объясняет действие этой и подобной ей экспедиций: «Теперь я постараюсь объяснить, что значат все эти бесконечные геологические, ботанические, петрографические, топографические и прочие экспедиции. Они представляют собой своеобразную разновидность внутренней эмиграции России. ...Число постоянных участников таких экспедиций я определяю цифрой от пятидесяти до ста тысяч»². Далее утверждается, что большинство открытых этими экспедициями утаивается от советских властей из контрреволюционных и других соображений.

Вообще, большинство событий и фактов, изложенных в повести Солоневичем представлены в таком виде, чтобы читатели из русской эмигрантской среды, чувствовали, что советская власть не встречает сочувствия и поддержки у значительной массы насе-

¹ Солоневич И.Л. Памир. Советские зарисовки. София, 1938. С. 8.

² Солоневич И.Л. Памир. Советские зарисовки. София, 1938. С. 48.

ления, начиная от простых киргизов-кочевников и кончая интеллигентами-учеными. Что жить в Советской России это какой-то ужас и постоянная опасность быть арестованным или убитым. Все это конечно было приятно и ожидаемо читать русским эмигрантам, но конечно было далеко от реальной жизни в сталинском СССР, которая конечно не была райской, но все же не была настолько ужасной, как ее описывает Солоневич. Конечно, людей с мировоззрением и мироощущением как у Ивана Лукьяновича в СССР сталинской эпохи, да и позже, было достаточно. Но, произведение Солоневича, замечательно тем, что оно написано весьма талантливо, и отражает то представление, которое существовало у противников советской власти среди российской интелигенции (как за рубежом, так и в СССР), а психологии человека свойственно то, что если во что-то веришь и что-то ненавидишь придавать этому негативные, неблаговидные черты. Поэтому, возможно, Солоневич не лгал перед собой, описывая все эти «ужасы», а всего лишь переносил свое представление о Советской России и ужасах ее жизни на бумагу. По отношению же к местному населению текст повести Солоневича пестрит целым рядом «ориенталистических» штампов и представлений¹.

Второе произведение, рассматриваемое мной здесь, принадлежит перу Павла Николаевича Лукницкого. С 1930 он участвовал во многих экспедициях по Памиру, который и стал с тех пор темой целого ряда его литературных произведений разного жанра².

Рассматриваемая здесь книга Лукницкого, «Путешествия по Памиру», хотя и опубликована в 1955 году, но является итогом наблюдений и записей автора во время участия в ряде экспедиций на Памир, начиная с 1930 года. Эта книга представляет собой, в отличие от повести Солоневича, именно документальное освещение событий, нововведений советской власти и жизни населения Памира в 1930-х – начале 1950-х годов. При этом в работе имеются обширные отступления по истории Памира в эпоху средних веков и нового времени, а также географического и топографического изучения региона в имперский период.

¹ Солоневич И.Л. Памир. Советские зарисовки. София, 1938. С. 12–13, 25–26, 29–31, 32–34, 43–45 и др.

² Лукницкий П. У подножия смерти. (Памир. Очерк). Л.-М., 1931; Он же. Памир без легенд. М., 1932; Он же. Всадники и пешеходы. Л., 1933; Он же. Ниссо. М., 1946; Он же. За синим камнем. М., 1955; Он же. Путешествия по Памиру. М., 1955 и др.

Но в целом, книга Лукницкого представляет собой своеобразный документ своей эпохи, со всеми вытекающими отсюда представлениями, штампами и стереотипами.

Начинается книга чуть ли не с «контрреволюционных» мыслей некого профессора Палея, об удобстве работы ученого в прежние времена, что в какой-то мере перекликаются с мыслями и взглядами профессора-контрреволюционера Кондратьева в книге Солоневича.

Но в отличие от Кондратьева, хотя Палей и не слишком доволен нынешними условиями работы, он, однако, не мыслит какими-либо контрреволюционными категориями. Конечно, это можно оправдывать абсолютно просоветской позицией автора, который мог вымышленному профессору Палею придать любые мысли.

Описания преобразований советской власти на Памире даны автором в несколько плакатно-восторженном стиле: «...советская власть уже проводит на Памире первые хозяйствственные и культурные мероприятия, уже оказывает всяческую помощь темному и отсталому местному населению». Далее Лукницкий пишет что «... могли я себе представить в том 1930 году, что ...вскоре в селениях по рекам Памира возникнут многие десятки школ, амбулаторий, кооперативов, клубов? Что в областном центре – Хороге – появятся кинотеатр, кустарные фабрики, своя областная газета, а затем и гидроэлектростанция, которая даст ток многим селениям в ущельях Гунта, Пянджа и Шах-Дары? Могли я думать, что самолет будет совершать регулярные пассажирские рейсы через высочайшие в Советском Союзе, обвешенные ледниками хребты? Ничего этого не было в 1930 году, и тогда изучая прошлое Памира, наблюдая настоящее, о его будущем я мог только мечтать»¹.

Как видно из приведенной цитаты, автор вполне разделял все предпринятые советской властью реформы, проводимые на Памире. Он считал, что это является великим достижением цивилизации и культуры, которую несла советская власть «отсталому местному населению» Памира и Припамиря. Но, при этом, что весьма любопытно, эта «ориенталистская» фразеология в значительной мере была весьма созвучна с теми представлениями и штампами, которые господствовали по отношению к «среднеазиатским окраинам Российской империи», среди русских колониальных чиновников и интеллигентных кругов до 1917 года.

¹ Лукницкий П. Путешествия по Памиру. М., 1955. С. 19.

То есть, как представитель и житель европейской России, Лукницкий, скорее всего, подсознательно разделял укоренившееся «ориенталисткие» представления и взгляд на Среднюю Азию и ее жителей как на людей стоящих намного ниже в культурном отношении, которым российская/советская власть несет культуру и все блага цивилизации. Это вполне было характерно для 20-х – 30-х гг. XX века, когда сталинский СССР осуществлял свою национальную политику в Средней Азии. Конечно, все эти преобразования, в значительной мере объективно, были благом, но субъективно, они отчасти нанесли удар по многим местным древним традициям и обычаям. Я не говорю здесь, о том были ли эти обычаи и традиции хороши или плохи, рациональны или иррациональны.

И эти представления, видение и штампы по отношению к окраинам Советского Союза разделялись значительной частью советской/российской интеллигенцией сталинской эпохи, и только позже, они постепенно, да и то не полностью, начали исчезать.

Таким образом, два таких разных писателя, стоящих на совершенно разных политических, социальных и идеальных позициях, как ярый «антисоветчик и контрреволюционер» И.Л. Солоневич и сторонник советской власти и ее преобразований П.Н. Лукницкий, по отношению к местному населению Средней Азии имели вполне близкие «ориенталисткие» представления и взгляды, причем, вполне соотносимые с тем как видели и презентировали «азиатов» российские авторы, путешественники и колониальные чиновники до 1917 года. Хотя конечно, Солоневич в своих высказываниях о жителях Киргизии стоит намного ближе к колониальным авторам, а у Лукницкого все эти высказывания о памирцах имеют скорее положительные черты, но произведения обоих авторов носят отпечаток осознанного или неосознанного «ориентализма».

СССРнинг агрессив ташқи сиёсати (1939–1941 йиллар)

*Қаҳрамон Ражабов
Тарих институти бош илмий ходими,
тарих фанлари доктори, профессор*

Ўзбекистон ССР аҳолиси¹ коллективлаштиришва қулоқлаштириш давридаги катта йўқотишлар ҳамда оммавий қатағон сиёсатидан сўнг XX асрнинг 30-йиллари охири ва 40-йиллари бошларига келганда муваққат тинчлик шароитида аста-секин ўзини ростлаб, фаол бунёдкорлик фаолияти билан шуғулланишга киришди. Бу даврда ўзбек қишлоқлари ва шаҳарлари қиёфаси ўзгара бошлади. 1938 йил 15 январда Ўзбекистон ССР таркибида дастлабки 5 та область: Бухоро, Самарқанд, Тошкент, Фарғона ва Хоразм областлари ташкил топди. 1941 йил 6 марта Бухоро области таркибидан Сурхондарё области, Фарғона области таркибидан Андижон ва Наманган областлари ажралиб чиқди². Ўзбекистонда кўплаб янги районлар ва шаҳарлар ташкил топди, қишлоқ советлари миқдори оширилди.

Ўзбекистон ССР шароитида пахта ва қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларини янада юксалтириш сув муаммосининг ҳал этилиши билан чамбарчас боғлиқ эди. Фарғона ва Зарафшон водийларидағи, Хоразм воҳаси ва Мирзачўлдаги унумдор ерларни сув билан таъминлашни тартибга солиши биринчи галдаги вазифа ҳисобланди³.

1939 йилнинг июлида ВКП(б) МКнинг пленуми “Катта Фарғона каналини қуриш тўғрисида” деган масалани қўриб чиқиб, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлари Советининг канал қурилишига доир амалий тадбирлар тўғрисида 1939 йил 6 июндаги қарорини маъқуллади ҳамда партия ва совет органлари зиммасига республика колхозчилари ва барча меҳнаткашлари орасида Катта Фарғона каналининг аҳамияти тўғрисида оммавий тушунтириш ишларини авж олдириб юбориш ва қурилишга амалий ёрдам бериш вазифасини юклади.

¹ Бу ҳақда қаранг: Ўзбекистон тарихи (1917–1991 й.). Иккита китоб. Иккинчи китоб. 1939–1991 йиллар. Масъул муҳаррирлар: Р. Абдуллаев, М. Рахимов, Қ. Ражабов. Тошкент: O’zbekiston, 2019. Б. 5–9.

² Ражабов Қ., Қандов Б., Ражабова С. Ўзбекистон тарихининг муҳим саналари (Энг қадимги даврлардан бугунги кунгача). Тўлдирилган ва қайта ишланган олтинчи нашр. Б. 213–215, 217–218.

³ Ўзбекистон Коммунистик партияси съездларининг резолюция ва қарорлари. Тошкент: Ўздавнашр, 1957. Б. 332

Катта Фарғона канали ҳашар йўли билан 45 кун ичида, яъни 1939 йил 1 август – 17 сентябрда қурилди. Канал қурилишида 160 000 киши қатнашди, унинг узунлиги 270 км бўлган. Катта Фарғона каналинг қурилганлиги натижасида 500 000 гектардан кўпроқ суфориладиган ерни сувга қондириш яхшиланди ва 60 000 гектар янги ер ўзлаштирилди. Бу канал Ўзбекистон ССРдаги 32 та пахтакор районни ва 5 та шаҳарни, шунингдек, қардош Тоҷикистондаги 4 та районни сув билан таъминлади. Кейинги йилларда Катта Фарғона каналининг узунлиги 350 километрга етказилди, урушдан кейинги даврда эса канал анча кенгайтирилди ва реконструкция қилинди¹.

Ўзбекистонда бу даврда ҳашар йўли билан халқ қурилишлари усули кенг ёйилди. Бу усул билан Катта Фарғона каналидан ташқари Шимолий Фарғона канали ва Жанубий Фарғона канали, Хоразмда Тошсоқа канали, Кампирравот тўғони, Қорақалпоғистонда В.И. Ленин номидаги катта канал, Тошкент канали ва бошқа ирригация иншоотлари қурилди. Шунингдек, Каттақўрғон сув омбори ҳам қурила бошланди. Бу сув омбори урушдан кейинги даврда қуриб битказилди.

Ўзбекистонда халқ қурилишлари авж олган ҳамда ўзбек халқининг бунёдкорлик фаолияти давом этаётган бир шароитда жаҳон сиёсий майдонида катта ўзгаришлар юз берди. 1939 йил 23 августда Москвада СССР ва Германия ўртасида 10 йил муддатга ҳужум қилмаслик тўғрисида битим имзоланди (бу битим тарихда Молотов -ХХСРнинг Тошкентдаги бош консулхонаси 1923 йилнинг охиригача фаолият олиб борган. 1924 йининг бошларига келиб бош консулхона тугатилиб, унинг ўрнига Хоразм республикасининг Туркистон республикасидаги савдо ва иқтисодий ваколатхонаси ташкил қилинади. ХХСРнинг бош консули бўлиб ишлаган Бобожон Ёқубов эндилиқда, ХХСРнинг Туркистон АССРдаги савдо ва иқтисодий вакили лавозимига тайинланди. Консулхона ходимлари Умрзоқ Ёқубжонов, Зупар Ҳошимжонов, Ахмаджон Самедовлар савдо ваколатхонасида ўз фаолиятларини давом эттирадилар. 1924 йилнинг охириларига келиб Ўрта Осиёда ўтказилган миллий-худудий чегараланиш натижасида ХХСР тугатилиши муносабати билан мазкур ваколатхона ҳам ўз фаолиятини тўхтатади.

Шундай қилиб, халқаро ҳукуқ меъёрлари ва қоидаларидан келиб чиқиб, Россиянинг муҳтор вилояти ҳисобланган Туркистон Республикасида давлат ва фуқароларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш

¹ Ўзбекистон ССР тарихи. Тўрт томлик. Том IV. Бош муҳаррир И.М. Мўминов. Тошкент: "Фан", 1971. Б. 35.

учун ташкил этилган ХХСРнинг Тошкентдаги бош консулхонаси 1921–1923 йилларда фаолият олиб борган. 1923–1924 йилларда эса тугатилиб, Хоразм республикасининг Туркистондаги иқтисодий ва савдо ваколатхонасига айлантирилган. Бош консулхона Хоразм республикасининг халқаро майдондаги обрў-эътиборини ошириш ва мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшди. Шунингдек, Германия, Россия ва унинг муҳтор республикалари Туркистон ҳамда Бошқирдистон билан доимий алоқаларни ўрнатишда консулхона ходимларининг хизмати салмоқли бўлди. Айниқса, бош консул вазифасини бажарган Бобожон Ёқубовнинг ватанпарварлиги, ташаббускорлиги ва ишчанилиги туфайли консулхона оғир шароитларда ҳам мувафаққият билан фаолият олиб борди.

Туркистон республикаси Хоразм республикаси билан маданий-маърифий соҳада ҳам алоқаларни ўрнатиб, ўзаро ҳамкорликнинг ривожланишига муносиб ҳисса қўшган. Махсус ихтисослаштирилган биноларда замонавий, яъни Европа типидаги театр томошларини намойиш қилиш Хоразмнинг маданий ҳаётига Туркистон республикаси орқали кириб келган. Миллий-демократик тамойилларга асосланган бошқарув тартибини ўрнатишга ҳаракат қилган маҳаллий жадидлар маориф ва маданиятни ривожланган Европа давлатлари даражасига олиб чиқиши максад қилган эдилар. Шунинг учун, Хоразм нозирлар кенгаши(Хоразм хукумати) таркибида маориф нозирлиги ташкил қилинади¹. Нозирликнинг асосий вазифаси Хоразмда замонавий мактаб, фан, маданият ва оммавий нашрлар билан боғлиқ фаолиятни тизимли ташкил қилиш ва ривожлантиришдан иборат эди. Хоразм хукумати маориф ва маданиятни ривожлантириш ишларига муҳим вазифа сифатида қаради. Тез орада нозирлик ташаббуси билан жадид усулида саккизта мактаб ва кенг халқ оммаси учун мўлжалланган маориф саройи ишга туширилди².

Хоразм хукуматининг нашри бўлган “Хоразм хабарлари” газетаси халқ учун театрнинг аҳамияти бекиёслигини назарда тутиб: “театр томошаси ўқув-ёзувни билмаган одамга жуда ҳам фойдалидир,”³ – деб таъкидлаган эди. Замонавий театр санъатининг ривожланишида Туркистондан Хоразмга юборилган атоқли ўзбек шоири, драматург, ўқитувчи, актёр ва режиссиёр Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг

¹ Сайдов Ш.Ж. Хоразм халқ совет республикасининг ташқи муносабатлари ва савдо алоқалари. Б. 123.

² Тўра Қиличев. Хоразм халқ театри. Т.: 1988 . Б. 169–170.

³ “Хоразм хабарлари” газетаси. 1921 йил, 15 сентябрь.

алоҳида ўрни бор. 1921–1924 йилларда Хоразмда яшаб, ижод қилган шоир маърифатпарварлик ва театр соҳасида самарали меҳнат қилди. Ҳамза халқ театрининг маҳаллий намояндаларидан Сафо Муғаний, Шерозий, Қурбон ашулачи каби иқтидорли ёшларни бир гурӯҳга тўплайди. Улар билан “Шарқ кечалари” деб номланган, театрлаштирилган томошалар намойишини ўтказади. Ҳамза ўша даврда Туркистон ўлкасида машҳур бўлган, шоир ва драматург Тожизода раҳбарлик қилаётган, маҳоратли актёрлардан иборат театр труппасини Хоразмга чақиртиради. Натижада, туркистонлик ва маҳаллий актёрлардан иборат театр гуруҳи ташкил қилинади.

Ҳамзанинг “Фарғона фожиалари”, “Бой ила хизматчи”, “Туҳматчилар жазоси”, “Ким тўғри?” каби йирик асарлари саҳна юзини кўрди. Айнан мазкур асарларнинг саҳналаштирилиши Хоразмда замонавий театрнинг вужудга келишига асос бўлиб хизмат қилган. Натижада, Хоразмнинг санъатга ўта ихлосманд халқи орасида театрнинг обрўйи ошиб кетади, пировардида театр томошаларига қизиқиш ниҳоятда ўсиб боради. Хоразм маданияти, санъати ва фольклорини чуқур ўргана бошлаган Ҳамза Ниёзий 1922 йилнинг январь ойида “Хоразм инқилоби” деб номланган янги асарини ёзиб тугатади. Мазкур асар театр труппаси томонидан 1922 йил март, апрел ойларида халққа намойиш қилинади¹. Асар Ҳамза ва Тожизодаларнинг ижодий ҳамкорлиги натижасида саҳналаштирилади. Бундан ташқари, Ҳамза Нуруллабойда фаолият олиб бораётган мусиқа тўгарагига ҳам яқиндан ёрдам беради. Тўгарак ишига атоқли мусиқачи. қўшиқчи ва ўйинчиларни жалб қиласди. Театр ва тўгарак иштирокчилари биргаликда шаҳар ва қишлоқларни кезиб, халққа томошалар кўрсатишган. Ҳужжатларнинг бирида 1921 йилнинг 14 декабрида Хоразм касаба уюшмаларининг ҳайъати мажлисида “...маданий-маориф шўъбаси ҳузурида санъати нафиса очмоқни ва унинг мудирлигига биродар Ҳамза Ниёзийни тайин этиб, ҳамма бир оғиздан қарор беради,” - деб ёзиб қолдирилган².

Ҳамза маҳаллий театрнинг фаол иштирокчиларидан бўлган Машариф Польнов раҳбарлиги остида Хивада ишлаб турган ҳаваскор драма тўгараги аъзоларини тўплаб, 1922 йилнинг апрел ойида 72 кишидан иборат Хива театр гуруҳини тузишга муваффақ бўлади³. Театр янгидан қурилган бинода иш бошлайди. Бу бино минг ўринга

¹ Қиличев Т. Хоразм халқ театри. Б. 6–7.

² ЎзМА, 73-фонд, 1-рўйхат, 58-ийғмажилд, 12-варақ.

³ Жизнь национальностей. 1923. №1. Б. 193.

мўлжалланган эди. Айтиш мумкинки, мазкур театр биноси Европа андозалари асосида қурилган, ўриндиқлари замонавий усулда жойлаштирилган Хоразмнинг қалдирғоч маданият маскани бўлган. Хива театрида “Фарғона фожиаси”, “Бой ила хизматчи”, “Севдим Али”, “Қалмоқ”, “Сейфулла хўр-хўр”, “Сўнгги хон”, “Тоҳир ва Зухра” ва бошқа пьесалар саҳналаштирилди. Машариф Полвонов Хива театрида бир мунча вақт режиссёр ва раҳбар сифатида фаолият олиб борди. Хива театри 1923–1924 йилларда ҳам фаолиятини муваффақиятли давом эттириб, юқорида қайд қилинган саҳна асарларидан ташқари, “Эрсиз дон табиб”, “Зангари шол” номли янги спектаклларни томошабинлар хукмига ҳавола этди¹. Театрда нафақат миллий асарлар, балки жаҳон адабиётининг ноёб намуналари ҳам саҳна юзини кўрди. Масалан, 1922 йилнинг сентябр ойида машхур рус ёзувчisi Н.В.Гоголнинг “Ревизор” асари намойиш қилинади. Бундан кўринадики, актёрларнинг маҳорати ва истеъоди жаҳон мумтоз адабиёти намуналарига қўл уришга ҳам имкон берган. Спектаклдан тушган 150 минг сўм маблағ Россиянинг Бошқирдистон республикасида рўй берган оммавий очарчиликдан жабр кўрган халққа инсонпарварлик ёрдами сифатида жўнатилади². 1923 йили Хивада мусиқа мактабининг ташкил этилиши Хоразмнинг маданий ҳаётида муҳим роль ўйнади. Мусиқа мактаби ва театрда муентазам фаолият олиб борган актёрлар турли давлат, жамоат муассасаларида иш билан банд бўлишларига қарамай, санъатни жон-дилидан севган ёшлардан иборат эди.

Шундай қилиб, қисқа тарихий даврда Хоразм ва Туркистон ўлкаси ўртасида деярли барча соҳаларда алоқалар ривожланиб борган. 1924/1925 йилларда ўтказилган миллий-худудий чегараланиш натижасида уларнинг ҳудудлари турли миллий республикаларга тақсимланди, кейинги алоқалар ушбу республикалар доирасида амалга оширила бошланди.

¹ Қиличев Т. Хоразм халқ театри. Б. 6–7.

² Туркестанская правда. 1922, 10 сентябрь.

Хоразм-Туркистон мунсабатлари тарихидан (1917-1924 йиллар)

Шавкат Саидов

Тошкент давлат шарқшунослик университети
доценти, тарих фанлари номзоди

1917 йилга келиб Россия империясида руй берган ижтимоий-иктисодий ва сиёсий инқизороз Хива хонлигига ҳам кучли таъсир кўрсатди. Хивалик миллий ватанпарвар кучлар Хоразмда демократик йўсинда давлат қуриш йўлида мутлоқ монархия тарафдорларига қарши ҳаёт-мамот курашини олиб боришган, айримлари бу йўлда жонларини фидо қилишган. 1917-1920 йилларда Туркистон ўлка-сининг Петро-Александровск, Чоржўй, Марв ва айниқса, Тошкент шаҳри хоразмлик демократик кучларнинг ўзига хос таянч нуқтаси, таъсир қилиш воситаси сифатида муҳим роль ўйнади. Чунки, Хива хони Асфандиёрхон ва унинг бош қўмондони, амалдаги Хива ҳукмдори бўлган Жунаидхонга қарши мухолифатда бўлган хоразмлик миллий-демократик руҳдаги ватанпарвар кучларнинг вакиллари, айрим туркман уруғларининг оқсоқоллари уларнинг таъқибларидан қочиб, ушбу шаҳарларда паноҳ топишган эди.

“Ёш хиваликлар”нинг Хоразм минтақасининг етакчи сиёсий кучи ва ижтимоий оқими сифатида уюшишида Тошкент шаҳридаги фаолияти муҳим босқич бўлди¹. 1917-1918 йилларда Тошкент шаҳрида Туркистон, Бухоро, Қўқоннинг етакчи жадид раҳномалари билан хивалик жадидларнинг илк учрашув, мулоқотлари бўлиб ўтган эди. Бу эса, уларнинг сиёсий, ижтимоий дунёқарашларининг шаклланиши ва такомилида, миллий-демократик руҳдаги ҳаракат дастурларини ишлаб чиқиб, ҳаётга тадбиқ қилиш билан боғлиқ келажакдаги фаолиятларида муҳим аҳамиятга эга бўлди. Туркистон вакиллари Хива хонлигининг ағдарилиши, XXСРнинг ташкил қилиниши, миллий-давлатчилик қурилиши, мамлакатда ижтимоий-иктисодий барқарорликни таъминлаш, маориф, маданий-маънавий соҳаларни янада ривожлантириш, кадрлар тайёрлаш каби ўта долзарб масалаларда Хоразм жадидларига амалий ёрдамлар берган эдилар.

¹ Қаранг: Саидов Ш. “Ёш хиваликлар”нинг Тошкентдаги фаолияти ҳақида. XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларида Туркистон тарихининг баъзи масалалари. ТДШИ, илмий тўплам. Т.: 2007. Б. 11-18.

1920 йилда Хива хонлиги ағдарилгач, унинг ўрнида ХХСР ташкил қилинади. ХХСРнинг раҳбарлари ҳам РСФСР таркибида бўлган Туркистон республикаси билан ҳам ҳар томонлама алоқаларни ўрнатишга жиддий эътибор беришган. Шу сабабли ҳам, Хоразм республикасининг РСФСРдаги фавқулодда ва мухтор ваколатхонаси(элчихонаси) Москвада иш олиб борган бўлса, унинг Бош Консулхонаси Туркистон республикасининг маркази -Тошкент шахрида фаолият юритган.

Хужжатларда ХХСРнинг Тошкентдаги бош консулхонасининг ўз фаолиятини бошлаш санаси сифатида 1921 йил 5 август этиб қўрсатилган¹. Бошқа бир хужжатда консулхона 1921 йил 9 августда иш бошлагани қайд қилинади². Шуни таъкидлаш керакки, бош консулхона расмий фаолият бошлашидан олдин, Тошкентда Хоразм республикасининг ваколатхонаси иш олиб борган. Бош консулхона, дастлаб Туркистон республикаси Ташқи ишлар халқ комиссарлиги қарашли чет эл миссиялари ётоқхонасида **1921 йил августидан 1922 йил декабригача** фаолият юритган. Хоразм ҳукуматининг қарори билан ХХСРнинг Туркистондаги бош консули лавозимига Бобоҷон Ёқубов тайинланган. Бобоҷон Ёқубов Хива хони Асфандиёрхон даврида Полвонниёз Ҳожи Юсупов, Бобоохун Салимовлар билан бир сафда туриб ислоҳотлар учун курашган “Ёш хиваликлар”дан бири эди. У мазкур лавозимда, консулхона тугатилганга қадар хизмат қилган. Шунингдек, бош консулхонада Умрзоқ Бобоҷонов бош консул ўринбосари, А.Шерстневский ишлар бошқарувчиси, Ахмадjon Собитов дипломатик куръер, Зупар Ҳошимжоновлар хўжалик мудири лавозимларида иш олиб борганлар³.

Аммо совет идора органларининг айби, маъсулиятсизлиги туфайли Хоразм республикасининг бош консулхонаси ходимлари жуда қийин шароитларда, мослаштирилган биноларда ўз вазифасини бажаришга мажбур бўлишган. Ҳатто, консулхона ходимлари ўз хизмат вазифаларини минимал даражада бажаришга имкон берадиган оддий стол-стуллар етишмаган, хоналар тор, совуқ бўлган. Большевик раҳбарларнинг бундай эътиборсизлиги, совуққонлиги мустақил давлат сифатида тан олган Хоразм халқ совет республикасининг дипломатик ваколатхонасига беписандлиги, мазкур соҳада қабул қилинган халқаро конвенцияларга амал қилмаганлигини яққол кўр-

¹ ЎзМА, 69-фонд, 1-рўйхат, 58-ийғмажилд, 111-варақ.

² ЎзМА, 69-фонд, 1-рўйхат, 58-ийғмажилд, 145-варақ.

³ ЎзМА, 69-фонд, 1-рўйхат, 58-ийғмажилд, 114-варақ.

сатади. Бу хақда ХХСРнинг Туркистон Республикасидаги бош консули Бобожон Ёқубов 1922 йил 23 октябрь куни РСФСР Ташқи ишлар халқ комиссарлигининг Ўрта Осиёдаги мухтор вакили ўринбосари лавозимида ишлаётган Силинга¹, шунингдек, шу йили 24 октябряда РКП МК(б)нинг Ўрта Осиё бюроси раиси Рудзутакка ёзган хатларида жиддий тўхталиб ўтган. Б.Ёқубов ўз хатида, аввал “Ёш хиваликлар” Марказий қўмитасига қарашли бўлган, Гоголь кўчаси, 31-йда жойлашган, ҳозирда эса советлар томонидан мусодара қилинган бинони бош консулхона фойдаланиши учун қайтариб берилишини сўраган². Мазкур ҳовли “Ёш хиваликлар” етакчиларидан бири, Хиванинг йирик савдогарларидан ҳисобланган Ҳусайнбек Матмуродовнинг хусусий мулки бўлган. Хива хони Асфандиёрхон таъқибидан қочган Полвонниёз Хожи Юсупов ва бошқа “Ёш хиваликлар” 1917-1920 йилларда шу уйда яшаб, ўз фаолиятларини олиб боришган. Шунинг учун ҳам Хоразм республикасининг Тошкентдаги вакиллари совет органларига расмий равишда мурожаат қилган эди. Аммо сўров эътиборга олинмади. Тошкент шаҳар Ленинград кўчаси, 34- уйда жойлашган бинонинг бир қисми ХХСРнинг Туркистон АССРдаги бош консулхонаси учун ажратилган³.

Бундай ноқулайликлар ва сунъий тўсиқларга қарамасдан, ХХСРнинг ташқи алоқалар ва халқаро майдондаги мавқеини мустаҳкамлашда бош консулхона ходимлари катта хизмат қилдилар. Масалан, Бобожон Ёқубов ва ваколатхона ходимлари Хоразм халқи ҳаётида муҳим аҳамиятга эга бўлган, 1922 йил 29 июня Тошкент шаҳрида РСФСР ва ХХСР ўртасида имзоланган янги иқтисодий битимнинг тайёрланишида фаол иштирок этдилар. Маълумки, иккала мамлакат ўртасида 1920 йил 13 сентябрь куни имзоланган шартнома Хоразм Республикасининг ташқи сиёсий ва иқтисодий алоқаларини, халқаро майдондаги суверен фаолиятини деярли чеклаб қўйган эди. Хоразмнинг ватанпарвар раҳбарлари ҳамда Москва ва Тошкентдаги дипломатик ваколатхона вакилларининг саъй-ҳаракатлари туфайли давлатлараро муносабатларни тартибга солувчи янги шартнома лойиҳаси тайёрланди. Бунда, юқорида таъкидлаганимиздек ХХСРнинг Тошкентда жойлашган Бобожон Ёқубов бошчилигидаги консулхона ходимлари, айниқса жонбозлик кўрсатишиди. Натижада,

¹ ЎзМА, 69-фонд, 1-рўйхат, 58-ийғмажилд, 94-варап.

² ЎзМА, 69-фонд, 1-рўйхат, 48-ийғмажилд, 114-варап.

³ ЎзМА, 69-фонд, 1-рўйхат, 45-ийғмажилд, 3-варап.

Тошкентда РСФСР ва ХХСР ўртасидаги муносабатларнинг янги тартибини белгиловчи, ташқи иқтисодий алоқаларда бирмунча эркинликлар берувчи шартнома юзага келди. Битимни РСФСР хукумати томонидан Бутун Россия Марказий ижроия қўмитаси ва Халқ комиссарлар кенгашининг Туркистон ишлари бўйича комиссия раиси С.И. Гусьев, РСФСР Ташқи ишлар халқ комиссарлигининг Ўрта Осиёдаги мухтор вакилининг ўринбосари В.М.Цукерман, ХХСР хукумати номидан ХХСР Нозирлар кенгashi раиси Абдулла Абдураҳмон Ҳўжаев имзолаган¹. Маълумки, ушбу шартнома кучга кирганидан кейин Тошкент шахрида, ХХСРнинг Туркистондаги консулхонасидан ташқари, савдо ваколатхонаси ҳам фаолият олиб бора бошлади.

ХХСРнинг ушбу дипломатик муассасаси Тошкентда жойлашган, Туркистонда фаолият олиб бораётган бошқа республикалар ва хорижий давлатларнинг худди шундай ваколатли органлари билан доимиий мулоқат ва алоқалар ўрнатган. Маълумки, 1921 йили табиий офат туфайли юз берган, қурғоқчилик ва ҳосилсизлик натижасида Россиянинг Волга бўйи ҳудудларини оммавий очарчилик қамраб олади. Шу муносабат билан Бошқирдистон республикасининг Туркистон республикасидаги мухтор вакили Амиров, Хоразм республикасининг Бош Консули ва Хоразм хукуматига расмий равишда мурожаат қилиб, очликдан қийналаётган бошқирд халқига ёрдам беришини сўрайди². Расмий хатда қурғоқчилик натижасида Россия ва Бошқирдистонда вужудга келган фожиавий аҳвол, яъни оммавий очарчиликнинг даҳшатли оқибатлари рўй-рост баён қилинган. Унда ёзилишича, очарчилик аҳолининг 90 фоизини қамраб олган³. Хоразм республикасининг Тошкентдаги бош консули Бобоҷон Ёқубов мамлакат раҳбарларига мазкур илтимосномани зудлик билан етказади. Хоразм хукумати қарори билан Россия халқига минг пуд (16 тонна) озиқ-овқат жўнатилган⁴.

Бу даврда Тошкентда Фарбнинг айрим давлатларига тегишли бўлган савдо кампаниялари фаолият олиб бормоқда эди. Айниқса, 1922 йилда РСФСР ва Германия ўртасида имзоланган савдо шартномаси ўзаро алоқаларнинг ривожланишига кенг йўл очиб берди. Мазкур халқаро миқёсда иш олиб бораётган фирма ва компанияларнинг вакиллари Хоразм бозорига ўз қизиқишиларини билдиришган.

¹ ЎзМА, 71-фонд, 1-рўйхат, 30-ийғмажилд, 10-12-вараклар.

² ЎзМА, 69-фонд, 1-рўйхат, 9-ийғмажилд, 11-12-вараклар.

³ Ўша жойда.

⁴ Хоразм хабарлари. 1922 й. № 2.

Масалан, Германиянинг “К.Мебес Ориент-Линия” номли кема-транспорт компаниясининг Ўрта Осиёдаги ваколатхонаси бошлиғи XXСР-нинг Тошкентдаги бош консулига мурожаат қилиб, қуйидагиларни ёзади: “...Хоразм халқ республикасининг Тошкентдаги бош консули жанобларига Германиянинг “К. Мебес Ориент-Линия” жамияти Ўрта Осиё ваколатхонаси, Сиздан XXСР худудларида Германияга тегишли бўлган “К. Мебес Ориент-Линия” кема-транспорт ва экспедиция компанияси агентлигини очишда амалий ёрдам беришингизни сўрайман. Агентлик ишларида қатнашиш учун Хоразм халқ республикаси ва РСФСР фуқаролари ҳам таклиф қилинади. Сизга чукур ҳурмат билан Германиянинг “К.Мебес Ориент-Линия” жамияти Ўрта Осиё ваколатхонаси бошлиғи Майеер¹. Мазкур кема-транспорт компаниясининг дунё савдосида ўзига хос ўрни бўлиб, Гамбург, Константинополь (Стамбул, Туркия), Боку, Ботуми (Грузия) каби шаҳарларда савдо-агентликлари мавжуд эди. Германияликлар шундай агентликни Хоразмда ҳам очишни режалаштирганлар.

XXСРнинг бош консулхонаси нафақат ташқи савдо муносабатларини ривожлантириш, балки, Туркистонда Хоразм республикаси фуқароларининг манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган фаолият билан ҳам шуғулланган. Айниқса, хоразмлик ўнлаб талаба ёшларни Тошкентда яشاши ва зарур мутахассис бўлиб етишишида консулхонанинг ўрни беқиёс бўлди. Масалан, ҳужжатларнинг бирида қайд қилинишича XXСР бош консули Хоразм фуқароси, талаба Н. Аллабергановнинг ўқишига қабул қилиниши ва ўқиши учун етарли шарт-шароитларни яратиб беришни сўраб Тошкент шаҳрида жойлашган, юқори малакали ходимлар тайёрлашга хизмат қилаётган Ишчилар университети маъмуриятига мурожаат қиласиди². Натижада, масала ижобий ҳал бўлади. Хоразм республикасининг ватанпарвар раҳбарлари ўз мамлакатини илфор-демократик, маърифий мақомда бўлишини хоҳлаганлар. Шу мақсадда Хоразмнинг ўнлаб ёшларини таълим олишлари учун Россия ва Европанинг ривожланган давлатларига ўқишига юборганлар³. 17 ёшли Мариям Султонмуродова* ҳам шу ёшлар қаторида чет элга таълим олиш учун жўнатилади. У 1922-1926 йилларда Германиянинг Дармштадт шаҳрида педагогика семинариясида таълим олган⁴. XXСРнинг Туркистондаги бош консу-

¹ ЎзМА, 69-фонд, 1-рўйхат, 9-ийғмажилд, 3-варак.

² ЎзМА, 69-фонд, 1-рўйхат, 48-ийғмажилд, 94-варак.

³ История Хорезмской народной советской республики. Сборник архивных документов. -С.120.

⁴ “Халқ сўзи” газетаси. 1991 йил, 3 июль.

ли Хоразм республикасига ёзган хатида, Мариям Султонмуродовани қўйналиб қолганлиги боис моддий қўллаб-қувватлашини сўраган¹.

ХХСРнинг Тошкентдаги бош консулхонаси 1923 йилнинг охиригача фаолият олиб борган. 1924 йининг бошларига келиб бош консулхона туғатилиб, унинг ўрнига Хоразм республикасининг Туркистон республикасидаги савдо ва иқтисодий ваколатхонаси ташкил қилинади. ХХСРнинг бош консули бўлиб ишлаган Бобожон Ёқубов эндиликда, ХХСРнинг Туркистон АССРдаги савдо ва иқтисодий вакили лавозимига тайинланади. Консулхона ходимлари Умрзоқ Ёқубжонов, Зупар Ҳошимжонов, Ахмаджон Самедовлар савдо ваколатхонасида ўз фаолиятларини давом эттирадилар. 1924 йилнинг охирларига келиб Ўрта Осиёда ўтказилган миллий-худудий чегараланиш натижасида ХХСР тугатилиши муносабати билан мазкур ваколатхона ҳам ўз фаолиятини тўхтатади.

Шундай қилиб, халқаро ҳуқуқ меъёрлари ва қоидаларидан келиб чиқиб, Россиянинг муҳтор вилояти ҳисобланган Туркистон Республикасида давлат ва фуқароларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш учун ташкил этилган ХХСРнинг Тошкентдаги бош консулхонаси 1921-1923 йилларда фаолият олиб борган. 1923-1924 йилларда эса тугатилиб, Хоразм республикасининг Туркистондаги иқтисодий ва савдо ваколатхонасига айлантирилган. Бош консулхона Хоразм республикасининг халқаро майдондаги обрў-эътиборини ошириш ва мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшди. Шунингдек, Германия, Россия ва унинг муҳтор республикалари Туркистон ҳамда Бошқирдистон билан доимий алоқаларни ўрнатишда консулхона ходимларининг хизмати салмоқли бўлди. Айниқса, бош консул вазифасини бажарган Бобожон Ёқубовнинг ватанпарварлиги, ташаббускорлиги ва ишчанлиги туфайли консулхона оғир шароитларда ҳам мувафақият билан фаолият олиб борди.

Туркистон республикаси Хоразм республикаси билан маданий-маърифий соҳада ҳам алоқаларни ўрнатиб, ўзаро ҳамкорликнинг ривожланишига муносиб ҳисса қўшган. Махсус ихтисослаштирилган биноларда замонавий, яъни Европа типидаги театр томошаларини намойиш қилиш Хоразмнинг маданий ҳаётига Туркистон республи-

*Мариям Султонмурадова (1905-195?), Германияда таҳсилни тутатгач, 1928 йилда Ўзбекистонга қайтиб келади. Тошкентда турли газета ва журнал, давлат нашрларининг таҳrirётларида мухаррир ва таржимон сифатида хизмат қилган. 1937-1938 йилларда СССРни қамраб олган “катта террор” давридаги қатоғонлик сиёсати жараённада европада ўқиши даврида туркистонлик жадидлар билан яқин алоқада бўлган деган айб билан узоқ муддатта қамоқقا хукм қилинган(С.Ш).

¹ ЎзМА, 73-фонд, 1-рўйхат, 12-ийғмажилд, 8-варақ.

каси орқали кириб келган. Миллий-демократик тамойилларга асосланған бошқарув тартибини үрнатышга ҳаракат қылған маҳаллий жадидлар маориф ва маданиятни ривожланған Европа давлатлари даражасига олиб чиқиши мақсад қылған әдилар. Шунинг учун, Хоразм нозирлар кенгашы(Хоразм ҳукумати) таркибида маориф нозирлиги ташкил қилинади¹. Нозирликнинг асосий вазифаси Хоразмда замонавий мактаб, фан, маданият ва оммавий нашрлар билан боғлиқ фаолиятни тизимли ташкил қилиш ва ривожлантиришдан иборат әди. Хоразм ҳукумати маориф ва маданиятни ривожлантириш ишларига муҳим вазифа сифатида қаради. Тез орада нозирлик ташаббуси билан жадид усулида саккизта мактаб ва кенг халқ оммаси учун мұлжалланған маориф саройи ишга туширилди².

Хоразм ҳукуматининг нашри бўлган “Хоразм хабарлари” газетаси халқ учун театрнинг аҳамияти беқиёслигини назарда тутиб: “театр томошаси ўқув-ёзувни билмаган одамга жуда ҳам фойдалидир,”³ – деб таъкидлаган әди. Замонавий театр санъатининг ривожланишида Туркистондан Хоразмга юборилган атоқли ўзбек шоири, драматург, ўқитувчи, актёр ва режиссиёр Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг алоҳида ўрни бор. 1921-1924 йилларда Хоразмда яшаб, ижод қылған шоир маърифатпарварлик ва театр соҳасида самарали меҳнат қилди. Ҳамза халқ театрининг маҳаллий намояндадаридан Сафо Муғанний, Шерозий, Қурбон ашулачи каби иқтидорли ёшларни бир гурухга тўплайди. Улар билан “Шарқ кечалари” деб номланған, театрлаштирилган томошалар намойишини ўтказади. Ҳамза ўша даврда Туркистон ўлкасида машҳур бўлган, шоир ва драматург Тожизода раҳбарлик қилаётган, маҳоратли актёрлардан иборат театр труппасини Хоразмга чақириради. Натижада, туркистонлик ва маҳаллий актёрлардан иборат театр гуруҳи ташкил қилинади.

Ҳамзанинг “Фарғона фожиалари”, “Бой ила хизматчи”, “Туҳматчилар жазоси”, “Ким тўғри?” каби йирик асарлари саҳна юзини кўрди. Айнан мазкур асарларнинг саҳналаштирилиши Хоразмда замонавий театрнинг вужудга келишига асос бўлиб хизмат қылған. Натижада, Хоразмнинг санъатга ўта ихлосманд халқи орасида театрнинг обрўйи ошиб кетади, пировардида театр томошаларига қизиқиш ниҳоятда ўсиб боради. Хоразм маданияти, санъати ва фольклорини чуқур

¹ Сайдов Ш.Ж. Хоразм халқ совет республикасининг ташқи муносабатлари ва савдо алоқалари. Б. 123.

² Тўра Қиличев. Хоразм халқ театри. Т.: 1988 . Б. 169-170.

³ “Хоразм хабарлари” газетаси. 1921 йил, 15 сентябрь.

ўргана бошлаган Ҳамза Ниёзий 1922 йилнинг январь ойида “Хоразм инқилоби” деб номланган янги асарини ёзиб тугатади. Мазкур асар театр труппаси томонидан 1922 йил март, апрел ойларида халқقا намойиш қилинади¹. Асар Ҳамза ва Тожизодаларнинг ижодий ҳамкорлиги натижасида саҳналаштирилади. Бундан ташқари, Ҳамза Нуруллабойда фаолият олиб бораётган мусиқа тўгарагига ҳам яқиндан ёрдам беради. Тўгарак ишига атоқли мусиқачи, қўшиқчи ва ўйинчиларни жалб қиласди. Театр ва тўгарак иштирокчилари биргаликда шаҳар ва қишлоқларни кезиб, халқقا томошалар кўрсатишган. Ҳужжатларнинг бирида 1921 йилнинг 14 декабря Хоразм касаба уюшмаларининг ҳайъати мажлисида “...маданий-маориф шўъбаси хузурида санъати нафиса очмоқни ва унинг мудирлигига биродар Ҳамза Ниёзийни тайин этиб, ҳамма бир оғиздан қарор беради,” - деб ёзиб қолдирилган².

Ҳамза маҳаллий театрнинг фаол иштирокчиларидан бўлган Машариф Польвонов раҳбарлиги остида Хивада ишлаб турган ҳаваскор драма тўгараги аъзоларини тўплаб, 1922 йилнинг апрел ойида 72 кишидан иборат Хива театр гурухини тузишга муваффақ бўлади³. Театр янгидан қурилган бинода иш бошлайди. Бу бино минг ўринга мўлжалланган эди. Айтиш мумкинки, мазкур театр биноси Европа андозалари асосида қурилган, ўриндиқлари замонавий усулда жойлаштирилган Хоразмнинг қалдирғоч маданият маскани бўлган. Хива театрида “Фарғона фожиаси”, “Бой ила хизматчи”, “Севдим Али”, “Қалмоқ”, “Сейфулла хўр-хўр”, “Сўнгги хон”, “Тоҳир ва Зухра” ва бошқа пьесалар саҳналаштирилди. Машариф Польвонов Хива театрида бир мунча вақт режиссер ва раҳбар сифатида фаолият олиб борди. Хива театри 1923-1924 йилларда ҳам фаолиятини муваффақиятли давом эттириб, юқорида қайд қилинган саҳна асарларидан ташқари, “Эрсиз дон табиб”, “Зангори шол” номли янги спектаклларни томошабинлар хукмига ҳавола этди⁴. Театрда нафақат миллий асарлар, балки жаҳон адабиётининг ноёб намуналари ҳам саҳна юзини кўрди. Масалан, 1922 йилнинг сентябр ойида машхур рус ёзувчиси Н.В.Гоголнинг “Ревизор” асари намойиш қилинади. Бундан қўринадики, актёрларнинг маҳорати ва истеъоди жаҳон мумтоз адабиёти намуналарига қўл уришга ҳам имкон берган. Спектаклдан тушган 150

¹ Киличев Т. Хоразм халқ театри. Б. 6-7.

² ЎзМА, 73-фонд, 1-рўйхат, 58-ийғмажилд, 12-варақ.

³ Жизнь национальностей. 1923. № 1. Б. 193.

⁴ Киличев Т. Хоразм халқ театри. Б. 6-7.

минг сўм маблағ Россиянинг Бошқирдистон республикасида рўй берган оммавий очарчиликдан жабр кўрган халқа инсонпарварлик ёрдами сифатида жўнатилади¹. 1923 йили Хивада мусиқа мактабининг ташкил этилиши Хоразмнинг маданий ҳаётида муҳим роль ўйнади. Мусиқа мактаби ва театрда мунтазам фаолият олиб борган актёрлар турли давлат, жамоат муассасаларида иш билан банд бўлишларига қарамай, санъатни жон-дилидан севган ёшлардан иборат эди.

Шундай қилиб, қисқа тарихий даврда Хоразм ва Туркистон ўлкаси ўртасида деярли барча соҳаларда алоқалар ривожланиб борган. 1924/1925 йилларда ўтказилган миллий-худудий чегараланиш натижасида уларнинг худудлари турли миллий республикаларга тақсимланди, кейинги алоқалар ушбу республикалар доирасида амалга оширила бошланди.

Ўзбекистонда совет ҳокимиятининг 1920–1930 йилларда диний уламоларга нисбатан юритган сиёсати

Соибжон Ҳошимов

Андижон давлат университети доценти, тарих фанлари номзоди

Большевиклар ҳали ҳокимиятга келмасларидан олдиноқ динни инкор қилган эди. Уларнинг динни халқ учун афюндир деб эълон қилиши замерида инсониятнинг неча минг йиллар давомида шаклланган эътиқодини чилпарчин қилиш ғояси ётар эди. Большевиклар ҳокимиятга келгандан кўп ўтмай, бутун мамлакат бўйлаб дин ва диндорларга қарши ташвиқотни, очиқдан – очиқ бошлаб юборди. Пролеткульт (йўксиллар маданияти) ташкилоти динга карши коммунистлар ғоясини ташвиқ қилувчи ва амалга оширувчи муассаса вазифасини ўтай бошлади. Эски жамиятдан мерос бўлиб қолган, яъни миллатлар неча асрлар давомида вужудга келтирган барча маданий қадриятлар, жумладан, маданият, адабиёт, дин, эътиқод, урф-одат, ананалар барча-барчаси инкор этилди. Дин ҳамда диндорларга қарши кураш мутасил равишда, босқичма-босқич кучайтирилган ҳолда олиб борилди.

Ўзининг атеистик ҳамда динга қарши фаолиятига қарамасдан, большевиклар Туркистонда ўз ҳокимиятини ўрнатилишининг дастлабки йилларида дин ва диндорларга муносабатда ўта айёrona, эҳтиёткор сиёсат олиб борди. 1917 йил октябрь тўнтаришидан сўнг

¹ Туркестанская правда. 1922, 10 сентябрь.

зўрлик билан ҳокимиятини олган большевиклар сиёсий фаолиятларида, айниқса, диний сиёсатни амалга оширишда, маданий соҳаларни ўз мафкура измига солишда доим Россия большевикларининг инструкция ва кўрсатмаларига оғишмай амал қилишган эди.

Большевикларнинг “маданий” сиёсати аввал бошдан ахлоқ, адабиёт, санъатни миллий заминдан ажратиб қўйишига, миллий фикрлаш тарзига ёт бўлган “пролетар маданияти”, коммунистик мафкуруни сингдиришига сафарбар қилинди. Бу моҳиятан тушунарли ҳолдир. Совет ҳокимияти халқимиз менталитетини ўзгартирмасдан коммунистик андозага солмасдан туриб, бу ўлкада узоқ муддат қола олмасликларини яхши билар әдилар. Буюк маънавиятимизга қарши кураш сиёсатини большевиклар бирданига эмас, хуфиёна ва ошкора босқичма-босқич амалга ошириб бордилар.

РСФСР Халқ Комиссарлари Совети (ХКС) 1917 йил 20 ноябрда эълон қилган “Россия ва Шарқнинг барча мусулмон меҳнаткашларига” мурожаатида: “Сизнинг дин ва урф – одатларингиз, сизнинг миллий ва маданий муассасаларингиз бундан буён эркин ва дахлсиз деб эълон қилинади. Ўз миллий турмишингизни эркинлик билан ва баҳузур туза берингиз. Шундай қилишига хақлисиз. Билинки, сизнинг ҳуқуқингиз ҳам Россиядаги барча халқларнинг ҳуқуқи каби революция ва унинг органлари бўлган ишчи, солдат ва деҳқон депутатлари Советининг бутун қудрати билан ҳимоя қилинади”, деб эълон қилгани ҳолда ҳақиқий хаётда бунинг акси бўлди.

РСФСР ХКСнинг 1918 йил 2 январдаги “Черковни давлатдан мактабни черковдан ажратиш тўғрисида”ги декрети асосида Туркистонда ҳам атеистик экстремизм сиёсати фаол равишида ўтказила бошлианди. Туркистон АССР Халқ Комиссарлари Совети 1918 йил 20 ноябряда РСФСР даги каби Туркистонда ҳам динни давлатдан, мактабни диндан ажратиш тўғрисидаги декретини эълон қилди. Ҳудди шу декрет асосида Туркистонда ҳам масжид ва мадрасаларни ёппасига ёпиш, ислом дини ва унинг раҳнамоларига қарши кураш бошлашга “фатво” берилди. Мазкур ҳужжат асосида мусулмон ташкилотлари га қарашли вақф мулклари халқ мулки деб эълон қилинди ҳамда Туркистон АССРнинг Миллатлар бўйича халқ комиссарлиги қошида Вақф бўлими ташкил қилинди. Шунингдек, мактабларда динни ўқитиш ҳам тақиқланди².

¹ Икромов А. О духовенстве и школе // Избранные труды в 3-х томах. Т. 1. Ташкент, 1972. С. 283.

² Ўзбекистон тарихи (1917–1991 йиллар). Иккинчи китоб 1939–1991 йиллар. Тошкент: O'zbekiston, 2019. Б. 337.

Туркистондаги совет ҳокимиятининг динга қарши атеистик сиёсати даставвалидаёқ маҳаллий аҳоли орасида норозиликларни келтириб чиқарди. Бундай шароитда большевиклар жамиятда кучли мавқега эга бўлишмагани, ўлкадаги ўзларининг сиёсий ҳокимиятини мустаҳкамлаш режаси уларга дин ва диндорларга нисбатан сиёсатини ўзгартиришга мажбур этди. Ислом дини Ўрта Осиё халқлари маданий қадриятларининг асосини ташкил қилишини яхши билган большевиклар, динга қарши очиқ кураш, яни уни очиқдан-очиқ инкор этиш эмас, балки зимдан кураш тактикасига ўтган эди.

Шу сабабдан ҳам Туркистон большевиклари бундай шароитларда, ўзининг диний сиёсатида Марказнинг “диний сарқитларга қарши курашда жуда эҳтиёткор бўлиш”га чақириб, динга қарши уни бевосита инкор қилмасдан, балки саводхонликни ёйиш, мактаблар, клублар, қироатхоналар очиш, ер ва инсон тарихи ҳақидаги билимни ёйиш ва энг асосийси мусулмон диний ташкилотларнинг синфий ҳарактерда эканлигини кўрсатиш орқали курашиш лозим, дея берган кўрсатмаларига амал қилдилар¹. Бироқ бундай муносабат большевикларнинг вақтингчалик қўллаган тактик усули эди. Ўз ҳокимиятини сал бўлса-да мустаҳкамлаб олгандан сўнг дин ва диндорларга қарши очиқдан – очиқ кураш тактикасига яна қайтилган эди.

Динга ва диндорларга қарши сиёсат масаласидаги янги қадам 1921 йил 9 августда қабул қилинган РКП (б) МКнинг “динга қарши ташвиқот олиб бориш масалаларига доир” кўрсатмаси бўлди. Партияning дастурига мувофиқ партия ходимларининг диний муассасалар билан алоқа қилиши таъқиқланиб, уларга фаол атеистик ташвиқот ва тарғибот олиб бориши уқтирилди, шунингдек, партия сафларига диний муассаса ходимлари ва улар билан алоқадор кишиларнинг кириб қолишига йўл қўймасликка чақирди. 1923 йилдан бошлаб Туркистон МИҚ қарори асосида жойларда диний маросимларда қатнашган ва диндорлар билан алоқада бўлган партия ходимларини партия сафларидан чиқариш бошланди.

1926 йилнинг 30 апрелида ВКП(б) Марказий қўмитаси ҳузурида бўлиб ўтган партия кенгашида динга қарши тарғибот тезислари қабул қилинади. Марказқўм белгилаб берган вазифалар жойларда ортиғи билан адo этишга киришилади. Ўз КП(б) Марказий қўмитасининг маъсул котиби Бурнашев 1927 йил 7 августда “Шахсан Округ партия қўмиталари маъсул котибларига” берган 02237-М рақамли

¹ Ўзбекистон тарихи (1917–1991 йиллар). Иккинчи китоб. 1939–1991 йиллар. Тошкент: O’zbekiston, 2019. Б. 337.

“ўта махфий” йўриқномасида “истисносиз, фақат ижроия бюронинг ёпиқ йифилишларида динга қарши курашнинг қатор масалалари кўриб чиқилсин¹”, - деб кўрсатма беради.

1927 йил 16–24 ноябрда Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган Ўзбекистон Компартиясининг III съезди “Дин ва динга муносабат” масаласида иккита резолюция қабул қилиб, ушбу резолюциялар “партия аъзолари ичидаги ярамас ҳоллар ва сиёсий оқартув ишлари” деб номланган. Съезд резолюцияларида “мактаб, қизил бурчак, қизил чойхона, клублар, деҳқонлар уйи, агрономия марказлари ва худосизлар ячейкалари динга қарши ташвиқот марказига айланиши керак” деб таъкидланган. Шу билан бир қаторда, фаоллар орасида диний-маиший урф-одатларга – хатна қилиш, диний дағн маросимлари ўтказиш, мозорларни зиёрат қилиш, никоҳ ўқитиш ва ҳакозоларга қарши кураш олиб бориш лозимлиги талаб қилинди².

Ўзбекистон Компартияси Марказий қўмитасининг 1927 йил 13–15 июнда Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган VI пленумида ЎзКП Марказий қўмитасининг маъсул котиби Ақмал Икромов “Руҳонийлар ва мактаб ҳақида” маъруза қилди³.

Ўз КП(б) Марказий қўмитасининг VI пленуми ислом дини ва унга муносабат масаласида асосий ғоявий кураш асосларини белгилаб берган йўналиш бўлган эди. ВКП(б) Марказий қўмитаси Ўрта Осиё бюросининг XIII пленуми “қарорларини ривожлантириш ва аниқлаштириш”да динга қарши ташланган катта қадам бўлган VI пленумда: “Ислом бошқа динлар каби маданиятни ривожлантириш йўлида пролетариат ғояларини мустаҳкамлаш ва социализм қурилишида катта тўсиқ ҳисобланади” деган қарорга келинади. “Эшонлик эса патриархал-феодал жамиятнинг асосий ғояси ўлароқ, Ўзбекистоннинг қолоқ вилоятларида, айниқса, Қашқадарё, Сурхондарё ва Хоразмда чуқур илдиз отган”⁴, – деб кўрсатилади.

Ўзбекистон КП(б) Марказий қўмитаси ижроия бюросининг 1927 йил 21 июлда ўtkazilgan ёпиқ мажлисида 104-қарор қабул қилинади ва динга қарши мунтазам олиб бориладиган кураш моҳияти белгилаб берилади. Жумладан, унда, “округлар фирмә қўмиталарига

¹ Равшанов П. Қизил салтанат исканжасида. Тажовуз. (Хужжатлардаги тарих). Уч жилдлик. I жилд. Тошкент: Шарқ, 2011. Б. 269.

² Ўзбекистон Коммунистик партияси съездлар, резолюция ва қарорлари. I том. Тошкент, 1957. Б. 251

³ Коммунистическая партия Узбекистана в резолюциях и решениях съездов и пленумов ЦК. Том первая 1925 – 1937. Ташкент: Узбекистан, 1987. С. 301–305.

⁴ Ўша манба. Б. 305.

қатъиян таъкидлансин ва қўрсатилсинки, дин билан кураш олиб борища асосий тадбирларни амалга оширишда Ўз КП(б) Марказий қўмитасининг VI пленуми қарорлариға оғишмай амал қилинсин. Марказқўмнинг қўшимча қарорларидан 1927-1928 йил қиши мавсумида фойдаланиш давом этиб, келгуси йилнинг кузига қадар барча ички тайёргарлик ишлариға асос қилиб олиш керак бўлади.

Ҳозирги пайтда дин билан курашдаги барча ишлар фаол ташвиқот юритиш ва тушунтиришга қаратилган бўлиб, оммага таъсир ўтказиш ва ўртаҳолларни оғдириб олишни мақсад қилиб қўйиш керак, бунда бойлар ва советларга қарши унсурларни, советларга душманлик, босмачиларга ён босищ, иғвогарлик иллатларини фош этиш асосий эътиборда тутилиши лозим"¹, – дейилади.

“Консерватив руҳонийлар, – дейилади VI пленумнинг “махфий” руҳни остидаги қарорида, савдогарлар табақасининг таниқли қисмида, чорвадорлар ва қулоқлар орасида томир ёйган бўлиб, инқилобга қадар бўлган даврларда эгаллаган мэррасини ҳали охирига қадар қўлдан чиқарган эмас. Ўзбекистонда динга қарши масалалар партия аъзолари ўртасида зарур даражада қўйилган эмас эди. Ҳар бир партия аъзоси, айниқса, фаоллар тушуниб этиши керакки, коммунизм ва дин ўзаро кўндалангига қарама-қарши бўлиб, уларни бир бутун ҳолда бирлаштириш мутлақо мумкин эмас. “Ким дин тарафдори бўлса, у партия аъзоси бўлиши мумкин эмас”- шиори ҳаётга тадбиқ этилиши лозим...²”.

Ушбу қарор асосида жойларда динга қарши кенг тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилди. ОГПУ органлари эса диний идоралар ва диндорлар фаолиятини қатъий назорат остига олди. Диний уламолар орасига ўз одамларини киритиб ёки айғоқчилар ёллаб диний маросимлар ва диндорлар ичидаги вазият ҳақида маълумотлар тўплаб бордилар.

1928 йилнинг февраль ойида Ўзбекистон Компартияси МИҚ тарғибот-ташвиқот бўлимининг республикада динга қарши фаол ташвиқот олиб бориш учун 1928 йил “Худосизлар” журнали таъсис этилди. Журнал бир ойда бир маротаба 3000 нусҳада, 3-4 босма табоқ ҳажмда, араб имлосида чоп этиш ҳақида маҳсус қарори чиқди³. 1929 йил 1 февралдан бошлаб “Худосизлар” журнали лотин имлосида ўзбек тилида чоп этила бошланди⁴. Кейинроқ “Ўзбекистон

¹ Равшанов П. Қизил салтанат исканжасида. Тажовуз. (Хужжатлардаги тарих). Уч жилдлик. I жилд. Тошкент: Шарқ, 2011. Б. 270-271.

² Ўша манба. Б.269.

³ ЎзМА, 94-фонд, 2-рўйхат, 41-йиғмажилд, 31-вараг.

⁴ ЎзМА, 94-фонд, 1-рўйхат, 642-йиғмажилд, 98-вараг.

худосизлари” (“Ozbekistan xudasizlari”), “Худосиз” (“Xudasiz”) номли газеталар чоп этилди. Ушбу газета ва журналлардаги мақола ва фельетонлар орқали динга ва руҳоният вакилларига қарши ташвиқот олиб борилди. Жумладан, “Худосиз” (“Xudasiz”) газетасида “Бутхоналар фронтда”, “Динга қарши зарба беражак” (Б.Захд мақоласи) сарлавҳали мақолаларда динни эскилик сарқити сифатида қоралаб, масжидга бориб намоз ўқишилар хурофот деб уқтирилди¹.

Ўзбек халқи эътиқод-қадриятларига қарши курашда мумтоз чойхоналар ҳам кураш майдонига айлантирилди. 1925 йилнинг январь ойида республика ҳудудида 25 та “қизил чойхоналар” очилиб, керакли адабиётлар, газета ва журналлар билан таъминланган². Ҳар бир қизил чойхонада “Ленин бурчаклари” ташкил этилиб, унда Лениннинг асарлари, портретлари, фотосуратлари, ҳәёти ва фаолиятидан ҳикоя қилувчи плакатлар тарғиб қилинди. Диний қадриятларга қарши “Динга қарши курашда комсомол”, “Динга қарши кураш социализм учун курашдир” каби шиорлар илиб қўйилди³.

1926 йилга келиб Ўзбекистонда 177 та қизил чойхона фаолият кўрсатар эди⁴. Аҳолини қизил чойхоналарга жалб қилиш мақсадида совет давлати томонидан турли хил тадбирлар ҳам олиб борилди. Жумладан, 1925–1926 йилларда Ўзбекистоннинг жанубий вилоятларида юз берган қурғоқчилик оқибатида содир бўлган қийин шароитда қизил чойхоналарда аҳолига арzon нарҳда озиқ-овқат маҳсулотларини сотиш ишлари ташкиллантирилди.

1929 йилдан Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган қизил чойхоналарда худосизлар ячейкалари ҳам ташкил қилинади⁵. Худосизлар уюшмасининг 3300 та қуи ташкилотлари бўлиб, уларда 12 минг киши бирлашган эди⁶.

1930–1935 йилларда республиканинг 362 та маданий клуби, 2560 та қизил чойхонаси, 5 та хотин-қизлар клуби ва 12 та маданий истироҳат боғи динга қарши тарғиботчилик ўчоқлари сифатида хизматда бўлди⁷. Қизил чойхоналар фаолияти, уларнинг динга қарши олиб бораётган тарғиботи масалалари доимий назорат қилиб борилган.

¹ Xudasiz. 1931, 13 февраль.

² РИСТДА, 62-фонд, 2-рўйхат, 310-йиғмажилд, 130-варақ.

³ Xudasiz, 1931, 25 февраль.

⁴ Рўзматов А. Клуб муассасаларда ғоявий-сиёсий тарбия. Тошкент, 1982. Б. 49.

⁵ ЎзМА, Р-94-фонд, 8-рўйхат, 122-йиғмажилд, 7-варақ.

⁶ Макаров К. Отчетный доклад о деятельности Республиканской организации “Курашкан худосизлар” за 1930–31 гг. Т., 1931. С. 19.

⁷ ЎзМА, Р-94-фонд, 5-рўйхат, 1456-йиғмажилд, 5-варақ.

“Қизил чойхоналарда динга қарши кураш йўлга қўйилсин” номли 1931 йил “Худосиз” (“Xudasiz”) газетасида эълон қилинган мақолада Фарғона вилоятининг кўплаб шаҳар ва қишлоқларидағи қизил чойхоналарнинг динга қарши ташвиқот юргизувчи газета ва журналлар билан таъминланмаганлиги танқид остига олинган. 1931 йилда биргина Кўқон шахрининг ўзида 20 дан ортиқ қизил чойхона мавжуд бўлиб, ҳар бир чойхонада деворий газеталар, қизил бурчаклар ташкилланиб, динга қарши ташвиқот-тарғибот фаолиятини олиб борган¹.

1931 йил 22 январда “Худосиз” (“Xudasiz”) газетасида “Бойлар билан муллалар иттифоқи” сарлавҳаси остида эълон қилинган мақолада “Синфий душман бой ва муллалар дину хурофотлардан фойдаланиб, ўз кучини уюштириб советларга қарши чиқмоқда, маҳаллий партия ҳодимларини уларга қарши уюштириб зарба бериш лозим” деб уқтиради².

Совет ҳокимияти диний уламоларга ва хизматчиларга нисбатан иқтисодий ҳамда сиёсий таъқибларни амалга ошириб, уларни ҳам маънан ҳам иқтисодий жиҳатдан синдиришга ҳаракат қилди. Бу эса руҳоният вакиллари норозилигини ошириб борди. 1925 йил мартада Наманган уездининг Аҳси-Шаханд, Поп волостларида диний уламолар ва оддий халқнинг совет ҳокимиятининг мусулмон дини, шариат қонун-қоидаларини топтаётгани, диндорларга нисбатан таъқиб кучайиб бораётганидан норозилик чиқишлири уюштиридилар. Унда шариатча яшашга рухсат беришни талаб қилдилар. Намойиш қатнашчиларидан бир гуруҳи ГПУ ҳодимлари томонидан ҳисбга олинган³.

Диндорларга қарши курашда совет ҳокимияти синовдан ўтган асосий методлардан бири иқтисодий исканжага олиш йўлидан ҳам кенг фойдаланди. Бунга унинг 1920–1930 йилларда диндорларга қарши курашда иқтисодий таъқиб чораларини кучайтириш юзасидан қабул қилган қарорлари андаза бўла олади.

Диндорларга қарши иқтисодий таъқибнинг кўринишларидан бири бу уларни солиққа тортилиши эди. Кўрсатилган тартибда диний хизматчилар ҳам қуйидаги солиқларни тўлашга тортилди: қишлоқ хўжалиги солиғи, асосий (синфий) ёндашув мол-мулқдан олинадиган, мулкий нақд пул солиғи, тенгглаштирувчи йиғим, маҳаллий йиғим, фуқаролик бадали, жон бошига олинадиган солиқ, ҳарбий мажбурият

¹ Xudasiz. 1931, 25 февраль.

² Xudasiz. 1931, 22 январь.

³ РИСТДА, 62-фонд, 2-рўйхат, 310-йиғмажилд, 196-варақ.

солиғи, бирданига тұланадиган солиқ, ўсиб борувчи солиқ. Ундан ташқары 1923–1924 йилларда маҳаллий волост ва уезд солиқ комиссиялари беш сүмлик иккита, бири давлатники, иккінчиси ютуқ пуллік лотереялар чиқарып, уларни мажбурий тарқатар эдилар¹.

Диний муассасалардан қишлоқ хұжалик солиғи билан биргалиқда иш ҳайвонлари ва мол-мұлқидан алоҳида солиқ нақд пулга мол бошига ҳамда ҳайвонлар турига қараб олинган. Мұлкий нақд пул солиғи диндорлардан 14 рубл 40 тийиндан, ундан ташқары тенглаштирувчи йиғим солиғи ҳам құшиб үндирілган. Уни маҳаллий идоралар белгилаб, 10 рублдан бошлаб ижтимоий ахволига қараб ортиб борган. 1930 йил 5 январда СССР Молия ХҚ қарори билан барча диний идоралар ва ташкилотлар ўзлари фойдаланаётган бино ва ер майдонлари учун оширилган тартибда солиққа тортилдилар².

Диний уламоларга нисбатан иқтисодий ҳамда сиёсий жазо чораларини құллаш 1927–1928 йилларда янада кучайди. Масалан, Тошкент шаҳар Ҳазрати Имом (Ҳастимом) маҳалласида 1858 йилда туғилған Тилла Шайх масжиди имом-хатиби Эшон Бобохон ибн Абдулмажидхонни 1928 йил Яланғоч мавзесидаги ерлари ва мол-мұлқи мусодара қилинади. Фарзандлари мактабдан ҳайдалади. Ўзи милиция кузатуви остида бўлади³. Яна бир диний уламо Нарзулло махсум Абдуллаев (1894–1980) Самарқанд вилояти Кўшработ тумани Қийқим қишлоғида туғилған. Бухородаги Мир Араб мадрасасида таълим олган. 1927 или мол-мұлқи мусодара қилиниб, ўн йилга Қозоғистоннинг Қизил Ўрдасига сургун қилинган⁴.

Диндорларга, диний хизматчиларга нисбатан иқтисодий репрессиялар билан бир вақтда сиёсий репрессиялар ҳам құлланиб борилди. Сиёсий репрессия кўринишларидан бири бу ҳуқуқлардан маҳрум қилинишда зоҳир бўлди. Кўрилаётган даврда аҳолининг кўплаб қатламларига нисбатан ҳуқуқлардан маҳрум қилиш сиёсати қўлланилди. “Маҳрумлар”га солиқлар оширилди, колхозларга кириш чекланди, ишга жойлашишда муаммоларга дучор қилинди. “Ҳуқуқлардан маҳрум” қилинганлар, уларнинг оила аъзолари ва яқинлари ҳам ёт унсурлар сифатида ушбу сиёсатдан четда қолмади.

1925–1926 йиллар шаҳар ва қишлоқ советларига сайловлар үтказилганда ҳам сайлов ҳуқуқидан “маҳрумлар” рўйхатидан диний хиз-

¹ Известия ЦК КПСС. 1990. № 4.

² РФДА, 5263-фонд, 2-рўйхат, 3-йиғмажилд, 11-варақ.

³ Ўзбекистон уламолари. Тошкент: Movarounnah, 2015. Б. 65–67.

⁴ Шамсутдинов Р. Қишлоқ фожиаси: жамолаштириш, кулоқлаштириш, сургун (Ўрта Осиё республикалари мисолида). Тошкент: Шарқ, 2003. Б. 342.

матчилар, имомлар, хуллас, диний лавозими ва иқтисодий аҳволидан қаътий назар барча диний хизматчилар жой олди¹.

1927 йилдаги Ўзбекистон ССР Конституциясида сайлаш ва сайланиш ҳуқуқи “Шўроларга сайлаш тӯғрисида”ги 6-бўлиминг 13-боби 92–93-моддаларида белгиланган. Ўзбекистон ССР МИҚнинг 1927 йил 12 декабрдаги “Шўроларга сайлов тӯғрисида дастуриламал”ида эса сайлов ҳуқуқидан фойдаланилмадиганларга тавсиф берилган². Унга кўра, фойда олиш мақсадида ёлланма меҳнатдан фойдаланувчи, меҳнатсиз топилган даромадлар (сармоядан келган фоизларга, савдо корхоналаридан келган даромадга, мулкдан келган унумлар) ҳисобига яшовчилар, савдогарлар, диний хизматчилар, собиқ миршаблар ва бошқа тоифадагилар қонун бўйича сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилиниши кўрсатилган.

Самарқандда 1929 йилда 18 ёшга тўлган сайловчиларнинг сони 86 981 кишини ташкил этган бўлиб, шундан 8772 киши сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилинган. Бу сайловчилар умумий сонинг 11,2 фоизини ташкил этади. Сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилинганлардан 471 нафари тадбиркорлар ва 419 нафари меҳнатсиз даромад ҳисобига яшаётганлар деб топилган, 4464 нафари савдо-сотиқ билан шуғулланувчилар, 150 нафари собиқ миршаблар ҳамда Россия империяси ва амирнинг амалдорлари бўлгани ҳолда 621 нафари имомлар ва бошқа руҳонийлар ҳам сайлов ҳуқуқидан маҳрум этилган эди³.

Сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилинганлар нафақат сиёсий, балки фуқаролик ҳуқуқларидан ҳам маҳрум қилиндилар. Улар иш жойларидан бўшатилдилар, касаба уюшмалари ва колхозларга аъзоликка қабул қилинмадилар, товар ва озиқ-овқат маҳсулотлари олиш карточкалари берилмади, бирон-бир лавозимга тайинланиши ёки олий ва ўрта маҳсус билим юртига ўқиши мумкин бўлмади⁴.

Ундан ташқари 1930 йил августда қабул қилинган “Фуқароларни бандлигини таъминлаш тӯғрисида”ги БМИҚ қарорига мувофиқ собиқ диний идора хизматчиларининг ишга жойлашуви ҳам муаммо

¹ РФДА, 5263-фонд, 2-рўйхат, 3-ийғмажилд, 19–21-варақ.

² Расулов Б. Ўзбекистонда колективлаштириш жараёнларидағи сиёсий қатағонлар ва сургун қилинган деҳқонлар аҳволи (1929–1959 йиллар). Тошкент: Sharq, 2012. Б. 210.

³ Ўзбекистон тарихи (1917–1991 йиллар). Биринчи китоб 1917–1939 йиллар. Тошкент: O'zbekiston, 2019. Б. 431–432.

⁴ Расулов Б. Ўзбекистонда колективлаштириш жараёнларидағи сиёсий қатағонлар ва сургун қилинган деҳқонлар аҳволи (1929–1959 йиллар). Тошкент: Sharq, 2012. Б. 213.

остида қолди. Диний хизматчилар энди ишга жойлашиш истагида яшаш жойини ҳатто фамилиясини ҳам ўзгартиришга мажбур бўлар эди. Агарда шундай қилиб ишга жойлашиб олганда ҳам, улар заар-курандаликда айбланиб, ҳибсга олинар эди.

Динга қарши ваҳшийларча муносабат туфайли ислом дини ва маънавиятини мукаммал эгаллаган, имони бутун, ҳалол ва виждони пок юзлаб шахслар қамалди, қатағон қилинди ёки мамлакатдан ҳайдалди. Совет ҳокимияти жазо органлари диний хизматчиларни таъқиб қилишни тўхтатмадилар. Қашқадарё вилояти Фузор туманида З-участка ҳалқ судининг раиси бўлиб ишлаган 33 ёшли Мулло Мурод Нурмуҳаммедов уйланиш тўйида диний асосда никоҳ ўқитганлиги учун ўзи ҳам, никоҳ ўқиган мулла ҳам жазога тортилади. Бу масала округ фирмә қўмитаси назорат комиссиясининг 1927 йил 7 майдаги йиғилишида кўриб чиқилган ва 7-қарорда ўз аксини топади. Қори Файзи Нуриллаев 1927 йил 17 марта фирма коллегиясининг 5-қарори асосида, руҳонийнинг ўғли бўлганлиги учун “ёт унсур” сифатида жазога тортилади. Бу 38 ёшли Абдураҳмон Пўлатов ва Ҳол Шокировларга ҳам тегишли бўлади. Шаҳрисабз қамоқхонасининг бошлиғи бўлган, 29 ёшли Ҳол Шокиров шариат қозиси вазифасида ишлаганлиги, буни фирмәга киришда яширганлиги учун “ёт унсур” сифатида жавобгарликка тортилади¹.

Китоб тумани маориф бўлимида назоратчи бўлиб ишлаган, 40 ёшли Абдухалил Юнусов ҳам шу даврда ҳожи бўлганлиги, эски усул мактабини ёқлаганлиги учун партиядан чиқарилган. Ҳусайн Насруллаев тўй қилганлиги, диний урфларга риоя қилиб, ош берганлиги учун “Қизил Ўзбекистон” газетасида танқид остига олинади ва қамаб юборилади. Партия ва совет ишларида бўлган Мулло Расулов – собиқ имом сифатида, мулло Эрмат Шорматов эса босмачиларга кўмак беришда² фош этилиб жазога тортилади.

ОГПУнинг Ўрта Осиёдаги Мухтор вакиллигининг 1927 йил 30 ноябрда берган маълумотида Бухоро вилояти Кармана тумани Ташробот қишлоғидан мачит имоми Аҳмедов Сайдкомил, ўша қишлоқдан 1904 йил туғилган Сайдов Муллаёдгор имом котиби, Ташробод қишлоғидан 1899 йилда туғилган Эргашев Йўлдош диндор, мулла, Варрак қишлоғида 1905 йил туғилган маҳалла имоми Идрисов Баҳром-

¹ Равшанов П. Қизил салтанат исканжасида. Тажовуз. (Хужжатлардаги тарих). Уч жилдлик. I жилд. Тошкент: Шарқ, 2011. Б. 272.

² Ўша манба.

ларни руҳонийларнинг исёнчилик ҳаракатларида мунтазам қатнашгани, совет тузуми олиб бораётган сиёсатга қарши ташвиқот олиб боргани, “босмачилар”ни ғоявий руҳлантирганликда айбланиб, 5 йилга сургун қилинган¹.

1927 йил 9 июндаги СССР МИҚ қарорига мувофиқ ОГПУнинг Ўрта Осиёдаги Мухтор вакиллиги хузурида ташкил қилинган “учлик”нинг 1930 йил 17 декабрдаги №114-сонли баённомасига мувофиқ Бойзаков Санақул, Гойбердиев Муллаусмон, Мулларозиқхон Алиев, Омонуллаев Абдулла, Хўжамқулов Ҳожимурот, Муқимов Ҳокимхонлар мулла, имом, диний уламо сифатида ёт унсур, “босмачилар”нинг ғоявий раҳнамолари, совет тузумини ағдариш учун зимдан ташвиқот олиб борган, деган айловлар билан 3 йилдан 10 йилгача муддатга қамоқ жазосига ҳукм қилинади². 1931 йил 24 октябрда ОГПУ нинг Ўрта Осиёдаги Мухтор вакиллиги “учлиги”нинг ҳукмига кўра, Зулфиқор Бойқуловни ўтмишда дин пешвоси, имом бўлган, 1931 йил баҳоридан Ҳусайнбек сўнгра Мулла Ҳайдар қўрбошиларга ёрдам берган, “босмачилар”ни ғоявий жиҳатдан руҳлантириб турган, совет ҳокимиятига қарши курашган деб отувга ҳукм этди³. Худди шу куни “учлик” 37 ёшли Досат Тошпўлатовни ўтмишда имом бўлган Зулфиқор қўрбошини қўллаб-қувватлаган деб отувга, 47 ёшли Рустам Қосимовни имомнинг ўғли, ўзи ҳам масжидда имом бўлган Мулла Зулфиқор қўрбоши йигитларига қўшилган ва уларни руҳлантириб турган, деган айловлар билан 5 йилга озодликдан маҳрум этилди⁴.

Совет ҳокимияти қатағон сиёсатининг қурбони бўлган диний уламолардан Муҳаммад Исахон Бадалмуҳаммад ўғлидир (1854–1930). У 1854 йил Тошкент шаҳри Себзор даҳасининг Чархчикўча маҳалласида зиёли оиласида таваллуд топган. Мир Араб мадрасасида ўқиган. Муҳаммад Исахон 1918 йилдан бошлаб Уламолар жамиятининг раиси бўлиб ишлайди. У шунингдек Себзор даҳасининг аълами сифатида турли масалалар юзасидан аҳолига фатво берган. 45 йилга яқин Бароқхон, Қосимбой, Худойқули Додҳоҳ мадрасаларида турли фанлардан талабаларга дарс берган. Қосимбой мадрасаси ёпилгач, Муҳаммад Исахон ўз маҳалласидаги масжидда имом-хатиблик қилган. 1930 йил совет органлари томонидан ҳибсга олинган. Омманинг

¹ РИСТДА, 62-фонд, 2-рўйхат, 398-ийғажилд, 123-варақ.

² Ўша манба. 18–33 варақлар.

³ Среднеазиатский кишлак в годы Большого террора. (Составители Шамсутдинов Р.Т., Юсупов Э.Ю., Хошимов С., Дустматов Э.П.) Андижон, 2007. С. 69–70.

⁴ Ўша манба. 74–80 бетлар.

норозилиги кучайгач, уни 54 қунлик ҳибсдан кейин озод этилган. Мұхаммад Исахон озодликда унча узоқ яшамади, қамоқдаги қий-ноқлар ўз кучини кўрсатиб, 1930 йил 16 ноябрда вафот этди¹.

ХХ асрнинг 30 йилларида совет ҳокимияти қатағон сиёсатининг қурбони бўлган руҳоният вакилларидан Очилов Пўлат қоридир. У 1897 йил Асака туман Қоратепа қишлоғида туғилган, ўзбек. 1932 йил 19 майда ОГПУнинг Ўрта Осиёдаги доимий вакиллиги “учлиги”нинг хукмига кўра, Очилов Пўлатни 1926 йилгача домла-имом бўлиб ишлаган, отаси ҳам диний уламо бўлган, совет тузумига қарши чиққан, колхозлаштиришга қарши ташвиқот олиб борган, деб 10 йилга қамоқ жазоси тайинланган².

Тоталитар тузумнинг жабр-зулмларини тортган асакалик яна бир диний уламо, Маҳмудов Оббосхон Тўра (1889 йил Асака туман Ниёзбетир қишлоғида туғилган, ўзбек) ҳам 1932 йил ГПУ ҳодимлари томонидан ҳибсга олинган. У бу пайтда масжидда имом бўлиб хизмат қилган. Маҳмудов Оббосхон Тўрага аксилиңқилобий ҳаракатлар қатнашчиси, колхоз тузумига қарши тарғибот олиб борган деган “айблов” асосида 3 йилга озодликдан маҳрум этиш жазоси қўлланилган³.

Андижон округи Марҳамат туман Қорабоғиши қишлоғида масжид имоми Эргашев Йўлдош Қори (1899 йилда Андижон округи Марҳамат туман Қорабоғиши қишлоғида туғилган, ўзбек, масжид имом-хатиби) ҳам ГПУ ҳодимлари томонидан 1931 йил 21 августда қамоққа олинган. 1931 йил 24 октябрда ОГПУ нинг Ўрта Осиёдаги доимий вакиллиги “учлиги”нинг хукмига кўра, руҳонийларнинг исёнчилик ҳаракатларида мунтазам қатнашган, совет тузуми олиб бораётган сиёсатга қарши ташвиқот олиб борган, “босмачилар”ни ғоявий руҳлантирганлик каби айбловлар билан 5 йилга сургун қилинган⁴.

1932 йил 19 майда ОГПУнинг Ўрта Осиёдаги Мухтор вакиллиги “учлиги”нинг хукмига кўра, Очилов Пўлатни 1926 йилгача домла-имом бўлиб ишлаган, отаси ҳам диний уламо бўлган, совет тузумига қарши чиққан, колхозлаштиришга қарши ташвиқот олиб борган, деб 10 йилга, Имомов Тошниёз имомнинг ўғли, дин пешвосига, колхозлаштиришга қарши ташвиқот олиб борган, деб 5 йилга, Музофаров Нурилламуллани имомнинг ўғли, 1926 йилга қадар масжидда қори бўлиб ишлаган, совет ҳокимиятининг колхозлаштириш сиёсатига

¹ Ўзбекистон уламолари. Тошкент: Movarounnah, 2015. Б. 145.

² РФДА, 5263-фонд, 2-рўйхат, 3-ийғмажилд, 95-варақ.

³ Ўша манба. 123-варақ.

⁴ РИСТДА, 62-фонд, 2-рўйхат, 398-ийғмажилд, 78-79-варақлар.

қарши кураш олиб борган, деган айблар билан 5 йилга озодликдан маҳрум этилади¹.

Таъкидлаш жоизки, аввало таъқиб ва тазийиққа учраган диний уламолар, тақводор кишилар ваҳшийларча муносабат туфайли ўз жонларини ҳамда оиласлари ҳаётини сақлаб қолиш учун хорижга кетишга мажбур бўлгандар. 1917- 1934 йилларнинг ўзида Ўрта Осиёдан 900 мингдан ортиқ киши хорижга чиқиб кетган. Расмий маълумотларга қараганда, XX аср охирларида хорижда 3 миллионга яқин ўзбеклар яшаётгани, шундан 2 миллиони ўзбекистонлик ўзбеклар экани қайд этилган². Ана шундай муҳожирлардан бири Муҳаммаджон Хушмоқов 1914 йилда Намангандек вилояти Тўракўрғон туманидаги Найманча қишлоғида туғилган. 1928-1929 йилларда 14-15 ёшларида мадрасада ўқиб юрганида мадраса беркилиб, унинг талабалари таъқиб остига олинганлиги сабаб Туркияга муҳожир бўлиб кетган³.

Таъқиблар остида ҳорижга чиқиб кетган диний уламолардан яна бири Абдулбоқий Рўзи қори ўғли оиласидир. У Андижон вилояти Асака туманида 1925 йилда туғилган. Отаси Рўзи қори Андижон мадрасаларида талабаларга Қуръон ва тажвид илмидан сабоқ берган. 1929 йил Рўзи қори бутун оиласини олиб Қашқарга қочи борган, 1933 йилда ўша ерда вафот этган. Абдулбоқий Рўзи қори ўғли эса 1959 йил Ўзбекистонга қайтиб 1993 йил вафот этган⁴.

Муҳаммадхон Мулла Исҳоқ қори ўғли Маҳжурий (1889-1973) Андижонлик диний уламо. 1933 йилда “хақсиз”лар рўйҳатига тиркалади. Бундан хабар топган Муҳаммадхон маҳдум Қирғизистоннинг Ўш шаҳрига қочиб бориб ўша ердан қўним топган⁵.

Динни, руҳонийлар ва диндорларни сиёсий ва жисмонан таъқиб қилиш халқнинг маънавий маданиятига катта завол етказди. Лекин шунга қарамасдан, Ўзбекистон халқлари диний эътиқоддан, диний қадриятлардан мутлақо воз кечмади. Большевикларнинг динга қарши зўравонлиги ва таъқибларига қарамай, бу эътиқодни имкон даражасида сақлаб қолишга ҳаракат қилди. Диндорлар масjid ва

¹ Среднеазиатский кишлак в годы Большого террора. (Составители Шамсутдинов Р.Т., Юсупов Э.Ю., Хошимов С., Дустматов Э.П.) Андижон, 2007. С. 89-120.

² Шамсутдинов Р. Қишлоқ фожиаси: жамолаштириш, қулоқлаштириш, сургун (Ўрта Осиё республикалари мисолида). Тошкент: Шарқ, 2003. Б. 328.

³ Хайитов Ш. Ўзбек муҳожирлиги тарихи (1917-1991 йиллар). Тошкент: ABU МАТВИОТ-KONSALT, 2008. Б. 123.

⁴ Ўзбекистон уламолари. Тошкент: Movarounnahr, 2015. Б. 286-287.

⁵ Ўша манба. Б. 158-159.

хақ-хуқуқларидан маҳрум этилган бўлсалар ҳам, тоат-ибодатларини яширинча давом эттиравердилар. Масжид, мадрасаларнинг ёпилиши, руҳонийларнинг қатағон қилиниши аҳоли орасида умуминсоний ахлоқий қадриятларни, миллий маънавиятни тарғиб қилиш, қарор топтириш ишига катта зиён етказди. Ёш авлод ислом дини қолдирган улкан маънавий меросдан маҳрум бўлди. Бу эса Ўзбекистоннинг шу даврдаги ижтимоий-маънавий ҳаётига шубҳасиз, салбий таъсир кўрсатди.

Хуллоса қилиб айтганда, XX асрнинг 20-йиллари охирлари 30-йилларнинг биринчи ярмида диний уламолар ва руҳоният вакиллари турли фуқаролик хуқуқларидан ҳам маҳрум этилиб, турли муддатларга қамоқ, сургун азобларига дучор қилинди. Масжидлар, мадрасалар ёпилди, уларнинг иқтисодий таъминоти бўлмиш вақфлар тугатилди, диндорлар таъқиб остига олинди. 1936–1938 йилларга келиб эса жазони ўтаб қайтиб тинч ҳаётда меҳнат қилаётган диний уламолар, руҳонийлар ўтмишда “босмачилар”га ёрдам берган, уларнинг ғоявий раҳнамоси, “халқ душмани”, “синфий ёт унсур” каби айбловлар асосида қайтадан қатағон қилиндилар.

II БОБ. ИҚТИСОДИЙ ВА ИЖТИМОИЙ-МАДАНИЙ ҲАЁТ

**Мустамлака даврининг тараққийпарвар инсони:
Ғози Юнуснинг ҳаёти ва ижтимоий-сиёсий фаолияти**

Алижонов М.

*Қатарон қурбонлари хотираси давлат музейи мустақил
тадқиқотчиси*

ХХ асрнинг биринчи чораги Туркистон ўлкаси тарихида ўзининг мураккаблиги, жараёнларнинг тез ва шиддатли тарзда кечгани, одамларнинг онги ва тафаккуридаги динийлик ва дунёвийлик ўртасидаги курашнинг аёвсиз шаклга эга бўлгани, бир томондан эскилик анъаналарни сақлаб қолиш мақсадида қаттиқ қаршилик ҳаракатига эга бўлган диний қатлам, иккинчи томондан халқ ва миллатни замона руҳига мос тарбиялаш, одамларнинг тафаккурини ўрта асрлар даражасидан ХХ аср даражасига кўтариш учун бор кучлари билан ҳаракат қилган тараққийпарварлар ўртасидаги кескин кураш билан ёдда қолди. Бу аср Туркистон халқлари учун эрку-диёнат бой берилган, асрий урф-одат ва анъаналар қадрсизланган, тафаккур қоюлоқлик ва жоҳилликка юз тутган давр сифатида тарих саҳифаларига муҳрланди. Бироқ ана шундай оғир жараёнларда ҳам XIX аср охирида юзага чиққан жадид тараққийпарварларининг ижтимоий-сиёсий ғоялари ХХ асрнинг бошларига келиб сиёсий ва амалий аҳамиятга айланади. Гарчи жадид тараққийпарварлари бу курашда жисмоний жиҳатдан мағлубиятга учраган бўлсалар-да, бироқ маънавий нуқтайи назардан ғолиб бўлган ҳолда, кейинги давр авлодларининг қалбида озодликка интилиш, ислом дини ва акидасига бўлган садоқат, ёш авлоднинг ёрқин келажакка ишонч туйғуларини шакллантиришда ўзларидан чуқур из қолдирдилар. Бу тарихий жараёнларнинг кечишида Ғози Юнуснинг ҳам ўзига хос ўрни ва роли мавжуд.

Ғози Юнуснинг аниқ таржимайи ҳоли илк маротаба жадидшунос олим Сирожиддин Аҳмедов томонидан эълон қилинган бўлиб, муаллифнинг ёзишича Ғозимаҳамат Маҳаматюнус ўғли 1887 йилда Тошкент шаҳар З-Охундгузар маҳалласида иморатсоз уста Маҳаматюнус ва машҳур шоири – “Котиб”-Пирмуҳаммад Аълам Турсунмуҳаммад ўғ-

лининг синглиси мактабдор Зулфия отин оиласида дунёга келган¹. Ғозимаҳамат илк таълимни онасининг қўлида олиб хат-саводини чиқаради². Бу тўғрида унинг ўзи қўйидагиларни ёзади: “Ибтидоий таҳсилим эски мактабда бўлуб, ёшим 15 га киргандা Бароқхон мадрасасина таҳсилга киrub, 8 йил истиқоматимда “Аввали илм”дан бошлаб, “Ақоид”га етдим”³.

Сирожиддин Аҳмад Фози Юнуснинг мадрасани давом эттиришга иқтисодий имконияти йўл қўймаганини таъкидласа, Ғафур Умурзақов аксинча у мадрасада таҳсил олиб, форс, араб, турк тилларини мукаммал эгаллаганини, ўқиши тамомлагач унга “мулла” унвони берилганлигини, ҳатто мударрисликка ҳам таклиф этилганлигини, бироқ бу таклиф Фози Юнус томонидан босмахона очишга доир режалари сабаб рад этганини ёзади⁴. Бироқ Фози Юнуснинг авлодлари қўлида сақланиб қолган илмий мероси ва ўғли Тўлқин Гозиевнинг хотира дафтарларини ўрганиб гувоҳ бўлдикки, Фози Юнус ўзига тўқ ва бой оиладан бўлиб, ҳеч қачон отаси билан сувоқчилик касби билан шуғулланмаган ва иқтисодий жиҳатдан қийинчилиқда яшамаган. Фози Юнуснинг ўз таржимайи ҳолини бу тарзда ўзгартиришига сабаб давр сиёсати бўлиб, большевиклар ҳукумати йўқсуллар (камбағаллар - М. Алижонов) мамлакатини қурмоқчи ва табиийки бундай мамлакатда ўзига тўқ ва бой одамларнинг бўлиши мумкин эмас эди. Шу боисдан ҳам Фози Юнус давр тақозиси билан ўзидан “камбағал” шахсни ясашга мажбур бўлди. Шунингдек, Фози Юнус мадрасада бир муддат мударрислик фаолияти билан ҳам шуғулланган ва диний илмларда замонасининг илғор вакилларидан бири бўлган.

1916 йилда подшо Николай II томонидан “Империядаги бегона халқлар эркак аҳолисини ҳаракатдаги қўшин туманларида, ҳарбий иншоотлар ва шунингдек давлат мудофааси учун зарур бўлган бошқа ҳар қандай ишларга жалб қилиш” фармонига мувофиқ Туркистоннинг барча шаҳарлари, шунингдек Тошкент шаҳридан чақирилган эркаклар билан бирга Фози Юнус ҳам мардикорликка жалб этилади. Унга рус тилини билиши қўл келиб, чор қўшинларининг “Сотник” ҳарбий унвонида таржимонлик билан шуғулланади. Бу ҳақида унинг ўзи “1916 йилгача савияйи фикрим ва аҳволи руҳи-

¹ Сирожиддин Аҳмад. Фози Юнус. Тошкент: Мумтоз сўз. 2017. Б. 13.

² Умурзақов Ғафур. Фози Юнуснинг ижодий йўли. Филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертатсия. Тошкент, 1996. Б. 7.

³ Сирожиддин Аҳмад. Фози Юнус. Тошкент: Мумтоз сўз. 2017. Б. 14.

⁴ Умурзақов Ғафур. Фози Юнуснинг ижодий йўли ... Б. 8.

ям шу даражада ўринсиз асосга қурилғон әдики, агар ёдга тушса, юрагим тепадир. Агар Оврўпа муҳорабаси чиқуб, биз туркистонликлардан ишчи кучлар олинмасайди, балки ўша мадрасада мутаассиб жаҳолатнинг қурбони бўлур эдим. Мен муҳорабадан (I жаҳон уруши назарда тутилмоқда - М.Алижонов) мамнундирманки, мени ҳақиқатга йўлиқтириди. Ишчи баҳонаси бирла мени Лапландия губерниясиға олиб борди ва губерниядаги ерлик халқ умумиятла лотиш халқидан иборат экан. Тўқуз ойда бу миллатнинг аҳволи руҳияси бирла яхши танишдим. Бу миллатнинг руҳонийлари ҳар бир соҳада, сиёсатда халқнинг фикри бирла ҳисоблашаркан, лотишлардаги тараққийни руҳонийларнинг фаолиятида кўрдим. Фикримда шу даражада ўзгариш сездимки, бутун Туркистон жаҳолат ўчоги эканини яхши тушундим. Руҳонийларимизнинг ўз манфаати шахсиялари учун миллатни ботурмоққа тайёр эканликларини англадим. Бу ҳақиқат менга маълум бўлғонидан кейин ўткан умримга пушаймондан бўлак нима дейман? Ўз турмушимиздан ҳеч ибрат олғоним йўқ”¹ деб ёзади.

Ғози Юнус мардикорчиликда юрган пайтда яраланади. Унинг жиноий ишига доир шахсий делосидаги 908-рақамли Шимолий дала госпиталининг 1916 йил 1сентябр, 6726-рақамли рақамли маълумтономасига биноан учинчи гуруҳ ногирони бўлиб мардикорликдан қайтиб келади. Ғози Юнус мардикорликдан қайтиб келгач, укаси Файзи Юнус тарғиботи билан 1916 йилдан аъзо бўлган “Турон” труппаси ва жамияти ишларида қатнаша бошлади². Бу ерда у Мунаввар қори Абдурашидхонов, Убайдула Хўжаев, Абдулла Авлоний, Низомиддин Хўжаев, Бадриддин Аъламов, Баширулла Хўжаев каби зиёлилар таъсирида жадидчилик ҳаракати вакиллари томонидан илгари сурилаётган маслак ва мақсад йўлида ҳаракат қилишга қарор қилди.

Ғози Юнус 1918 йилнинг январида “Ишчилар комитети” томонидан ташкил қилинган ҳамда Ҳисомиддин Жалолий масъул муҳаррир бўлган “Ишчилар дунёси” журнали бўлим мудири сифатида фаолият бошлади. Бироқ журналнинг бир нечта сонлари чоп қилингач, большевиклар ҳукуматининг тазиики сабаб тўхтаб қолади. Шундан сўнг у 1920 йил январигача Черняев уезди Сайрам ижроқўмида ишлади. Бироқ ундаги матбуот ва нашриёт ишларига бўлган қизиқиш устун келиб “Нашриёти Ғози Юнус” матбаасини ташкил қилди ва ушбу

¹ Ишчи. Жадид-қадим песаси ўйналди // Иштирокион газетаси. 1919йил 22-август. № 160. Б. 2.

² Сирожиддин Аҳмад. Ғози Юнус. Тошкент: Мумтоз сўз. 2017. Б. 15.

матбаада М. Ордобудийнинг “Андалуснинг сўнгги кунлари”, Абдурауф Фитратнинг “Ўғузхон”, М. Уйғурнинг “Туркистон табиби” ва ўзининг “Захҳоки морон” асарларини нашр эттирди. 1919-1920 йилларда “ТуркРОСТА” ва “Иштирокион” газетасида адабий муҳаррир, таржимон ҳамда адабий ҳодим вазифаларида фаолият кўрсатди¹.

1921 йил 16 декабрда Туркистон марказий ижрўия қўмитаси ва ТКП (б) Марказқўми буйруғи билан “Қизил байроқ” газетасига ма-съул муҳаррир қилиб тайинланади. Фози Юнус ушбу газетада 1921 йил 16 декабрдан 1922 йил январгача фаолият олиб бориб, сал кейинроқ яъни 1923 йилдан бошлаб “Туркистон” газетасида ҳам меҳнат қилди. У “Қизил Байроқ” газетасини жонлантириш ва савиясини кучайтириш учун газета таҳририятига Санжар Сиддиқ, Шоҳрасул Зуннун, Аъзам Айюб, Карим Бакир, Вали Алламов, Муҳаммаджон Аҳмаджонов Муҳаммад Ҳасан ва бошқа зиёлиларни жалб қилди². 1923 йилда Туркистон МК буюруғи билан Тошкент эски шаҳар ижроқўми Фози Юнусни “Меҳнат ва матбуот қаҳрамони” унвони билан тақдирлайди. 1922 йилнинг бошига келиб “Инқилоб” журналининг таҳрир ҳайъати аъзоси этиб белгиланади. 1922 йил сентябр ойида Самарқандда чоп қилинадиган “Камбағаллар товуши” газетасини жонлантириш ва янада самаралироқ фаолият олиб боришини жадаллаштириш мақсадида Туркистон КП Самарқанд вилоят ижроия бюроси 1922 йил 25 сентябр кунги қарори билан Фози Юнусни ушбу матбуот органига масъул муҳаррир этиб тайинлайди. Шу йилнинг ўзида Самарқандга яна қайтиб “Зарафшон” газетасини ташкил қилишда ҳам асосий ташкилотчи вазифасини ўтайди. Бу тўғрисида маърифатпарвар Ҳожи Муъин “Самарқанд матбуотининг тарихи” мақоласида: “Туркистон жумхуриятининг марказий фирмә қўмитаси Самарқандда “Зарафшон” отлиғ мунтазам бир газета чиқориш учун ўртоқ Фози Юнусни тайинлади. Фози ўртоқ Тошкентдан бир неча пуд янги ҳарф, 150 пудча яхши оқ қофоз ва иккита хуруфчини (ҳарфчи - М.Алижонов) келтириб, бу ерда “Зарафшон” газетасини чиқора бошлади. Гози ўртоқ бу газетани ҳар жиҳатдан яхшигина йўлга қўйгач ўзи 1923 йилнинг бошларида Тошкандга кетди”³ деб ёзган эди. Фози Юнус Самарқанддан қайтиб келгач “Туркистон” газетасида

¹ Сирожиддин Аҳмад. Ватан ва халқ манфаатини кўзлаган адиб. Тарихнинг номаълум саҳифалари. 6-китоб. Тошкент: Унлимитед-принт. 2017. Б. 65.

² Сирожиддин Аҳмад. Ватан ва халқ манфаатини кўзлаган адиб. Тарихнинг номаълум саҳифалари. 6-китоб. Тошкент: Унлимитед-принт. 2017. Б. 66.

³ Ҳожи Муъин. Самарқанд матбуотининг тарихи // Зарафшон. 1922 йил 5 май. № 65. Б. 2.

(1923-йил) бўлим мудири ва масъул муҳаррир вазифаларида ишлади. 1922-1924 йилларда “Туркистон”, 1924 йил декабрдан бошлаб “Қизил Ўзбекистон” газетасида бўлим мудири сифатида фаолият кўрсатди. Орада (1923-йилда) “Муштум” журналининг асосчиларидан бири бўлишга ҳам улгурди¹.

1925 йилдан бошлаб Фози Юнуснинг фаолияти сиқувга олина бошланади. Бунга “Муштум” журналида “Оттўрва соқол” имзоси бо силган “Бас энди”² ва “Оқпадар” тахаллуси остида эълон қилинган “Ерлилашдириш теварагидаги лўттибозликлар”³ мақолалари сабаб бўлган. Айниқса “Қизил Ўзбекистон” газетасининг 245-сонида эълон қилинган “Ҳўл бало” мақоласи унинг жиноят ишига тиркалганига қараганда большевиклар ҳукуматининг қаттиқ норозилигига учраган. Фози Юнус ушбу мақоласида: “Бу кун мамлакатимизда бўлиб турғон бузғунчилиқ ва ярамаслиқлар тўғрисида кундалик матбуотда ёзилиб турғон дод-ҳасратни бир ерга тўпласангиз эс кетар даражада бир даҳшат кўз олдингизга келиб босадир. Атрофни тамом ҳар хил бандитлар, оғрилар, жиноятчилар босқон”⁴ деб ёzádi. Муаллиф бунга сабаб сифатида илгарилари ҳар бир шаҳар ва ҳар бир қишлоқларда халқнинг пишиқ ҳисоби юритилганлигини, шунингдек четдан ким келишидан қатъий назар рўйҳатга олинганлигини, ҳозир эса бу амалиёт ташлаб қўйилганлигини қайд этиб, маҳаллий ҳокимиятнинг иш услубини танқид қиласади. Албатта, бундай танқидлар шўролар ҳукуматининг назаридан четда қолмасдан, матбуотда унинг шахсияти ва ижодидан айб ахтариш авж олдирилади. Жумладан, ҳудди шу “Қизил Ўзбекистон” газетасининг 1928-йил 30-март кунги сонида Мамат Ҳасан (Муҳаммад Ҳасан)нинг “Фози Юнуснинг баъзи “табдилот” ва “татбиқотлари” номли мақоласи эълон қилиниб, жадидшунос олим Сирожиддин Аҳмедовнинг таъбири билан айтганда мақола муаллифи Фози Юнусни “хунвайбинчасига” уриб чиқади. Мамат Ҳасан ушбу мақоласида Фози Юнус томонидан таржима ва табдил қилинган “Ҳой Шарқ”, “Октябр гуллари” ва “Хоннинг севгиси” песаларини “холисона” таҳлил қиласади. Мамат Ҳасан мақолада энг аввало инқилобчи сиймосига таъриф бериб, одатда инқилобчи деганда инсоннинг кўз олдига умидсизлик, йиғи-сиғи деган нарсани

¹ Зиё Сайд. Ўзбек вақтли матбуоти тарихига оидматериаллар. Тошкент: 1927. Б. 2.

² Оттўрва соқол (Фози Юнус). Бас энди. // Муштум. 1924 йил 16 июл. № 3. Б. 2.

³ Оқпадар (Фози Юнус). Ерлилашдириш теварагидаги лўттибозликлар // Муштум. 1925 йил 14 март. № 3. Б. 3.

⁴ Фози Юнус. Ҳўл бало // Қизил Ўзбекистон. 1925 йил 15 май. № 245. Б. 1.

билмайдирган, пролетариат мафкураси билан суғорилган, бутунлай пролетариат ишига содик бўлган темир иродали бир кишининг қиёфаси гавдаланишини ёзиб, Фози Юнуснинг асарларида шундай инқиlob кишиси тасвирланмаганини танқид остига олади. Жумладан Мамат Ҳасан: “Фози Юнуснинг инқилобчилари тамом бошқача. Биз “Ҳой Шарқ”да унинг бир инқилобчиси билан танишидиқ (нозик кўнгилли, 21 ёшлиқ йиғлоқ бир талаба)¹ деб ёзиб, Фози Юнуснинг қаҳрамонлари давр инқилобий руҳиятига салбий таъсир кўрсатаётганлини таъкидлайди. Кейинчалик худди шу муаллиф томонидан “Коммунист” журналида “Нафис адабиёт майдонида пролетариат мафкураси усун кураш масаласи” номли мақола ҳам Фози Юнуснинг атрифида қора булувларнинг янада қуюқлашишига сабаб бўлди. Шундан сўнг Фози Юнус ишлаб келаётган Давлат нашриётидан бўшаб, 1929-йил апрелмай ойларида “Шарқ ҳақиқати” газетасида техник редактор, 1929-йил июндан то 1936-йил июн ойигача “Қишлоқ ҳўжалиги” журналида мусаҳҳиҳ лавозимида фаолият кўрсарди ва қатағон қилинишига яқин бу ердан ҳам сабабсиз бўшатиб юборилди². Воқеалар тезлик билан ривожланиб ОГПУнинг ваколатли вакиллиги Ўрта Осиё бошқармасига Фози Юнус шахсиятига доир бўйтон ва туҳматлардан иборат чақувлар кела бошлайди. Натижада Фози Юнус 1937-йил 6-августда қамоққа олинади. “Фози Юнуснинг бугунки кунда архивда сақланандеган делосига кўра унга қуидаги олтита банддан иборат айлов қўйилган:

- 1) 1918-1920-йилларда Тошкент шаҳрида хусусий нашриёт очиб, “Миллий иттиҳод” ғояларига уйғун бўлган аксилинқилобий, панисломизм ва пантуркизм адабиётларини нашр этган;
- 2) 1920-1926-йилларда “Миллий иттиҳод” ташкилоти вакилларининг “Ишчилар дунёси” ва “Муштум” журналларида мунтазам тарзда миллатчиликка йўғрилган, жумладан рус миллатига доир мақолаларни эълон қилиб борган;
- 3) У ўзининг матбуот чиқишлирида совет ҳокимияти ва партияниң тадбирларига қарши чиқиб, аксилинқилобчи ва миллатчи ташкилот бўлмиш “Миллит иттиҳод” ғояларини тарғиб қилган, ташкилот тугатилгач эса Хитойга қочишни мақсад қилган;
- 4) У сўнгги йилларда адабиёт ва санъат борасида аксилинқилоб-

¹ Мамат Ҳасан. Фози Юнуснинг бази “табдилот” ва “татбиқотлари” // Қизил Ўзбекистон. 1928 йил 30 март. № 73. Б. 4.

² Сироҗиддин Аҳмад. Фози Юнус. Тошкент: Мумтоз сўз. 2017. Б. 23.

чилик фаолиятини олиб бориб, “Хоннинг севгиси”, “Миллатчилар” ва “Инқилоб шарораси” каби песаларни таржима ва табдил қилди;

5) Қамоққа олингунига қадар Ғози Юнус аксилиңқилобий фаолият олиб бораётган миллатчиларни уйида тўплаб, биргаликда шўро ҳокимиютига қарши иш олиб броган;

6) Қамоққа олингун кунгача жосуслардан бўлмиш Шоҳид Эсон Мусаев, Саттор Жаббор, Фитрат ва Чўлпонлар билан яқин алоқа боғлаб турган”.

Шунингдек, у томонидан таржима ва табдил қилинган жами 27 та пеша ҳам заарарлик деб топилади. Бироқ терговчилар томонидан кўйилган айловвларнинг бирортаси ҳам ўз тасдифини топмади.

Адиб, публисист, ўз даврининг улкан ва моҳир ташкилотчиси Ғози Юнус 1938-йилда Россиянинг Вологда шаҳрига сургун қилинади ва у ерда 1942-йил 5-майда очлиқдан вафот этади. Ғози Юнус 1957 йил 22-январда Ўзбекистон ССР Олий Судининг қарори билан оқланган.

Ўзбекистон ССРда темирийўл транспорти фаолиятининг айрим жиҳатлари (1950-1970 йиллар)

Мансур Жумаев

*Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети
ўқитувчиси*

Ягона транспорт тизимининг муҳим таркибий қисми – темирийўл транспорти Ўзбекистон республикасининг иқтисодий-ижтимоий ҳаётида катта ўрин тутади. Темирийўл шунчаки транспорт воситаси бўлиб қолмай, у кўп хўжаликли тармоқ ҳисобланади ва унга ҳамма йўл иншоатлари, корхоналари, дам олиш ва тиббий ёрдам кўрсатиш муассасалари, маъмурий-хўжалик ташкилотлари ва ўқув юртлари киради¹. Маълумки, совет даврида Ўзбекистон ССР транспорти мустақил фаолият юритмаган, балки бир қанча совет республикалари билан яхлит тармоқ бўлиб шаклланган. Шу бир вақтда, Марказий Осиё транспорти Совет Иттифоқи транспортининг муҳим бўғинларидан ҳисобланган.

Иккинчи жаҳон урушдан кейинги даврда Ўзбекистон ССР темирийўл тармоқлари кенгайди. Умумий узунлиги 5,4 минг кмни ташкил этган Ўрта Осиё темирийўли Ўзбекистон, Қозогистон, Тожикистон,

¹ Нурхўжаев Ҳ. Локомотивлар ва улардан фойдаланиш. Тошкент: “Ўзбекистон”, 1996. Б. 12.

Туркманистон ҳудудларини Россия билан боғлашга хизмат қилган. 1963 йилга оид маълумотларга кўра, Ўрта Осиё темирйўлининг юк айланмаси Иттифоқ юк айланмасининг 2,1 %ини ташкил этган¹.

Бу даврда Ўзбекистон ССР темирйўл транспорти тизими фаолиятини йўлга қўйишда республиканинг эмас, балки Иттифоқ манфаатлари асосий ўринга қўйилди. Бу ҳолат янги йўналишларнинг танланиши ва қурилишида, юк ва йўловчи ташишда, республиканинг транзит алоқаларида, тармоқ фаолияти бошқаруви, умуман ушбу транспорт билан боғлиқ бўлган барча жараёнларда намоён бўлди. Иккинчи жаҳон урушидан кейинги йилларда республикадаги темирйўллар фаолиятининг ташкил этилиши масаласининг тадқиқи асосида бу ҳолатни яққол кузатиш мумкин.

Хусусан, республика иқтисодиётининг фақат бир томонлама – хомашёга йўналтирилган ҳолда ривожлантирилиши кўплаб салбий оқибатларни келтириб чиқарди. Булар орасида, шубҳасиз, республикада пахта яккаҳокимлигининг ўрнатилишини алоҳида айтиб ўтиш лозим. Республикадаги кўпгина янги темирйўл тармоқларини барпо этишда биринчи галда шу омил ҳисобга олинган. Айниқса, Иккинчи жаҳон урушидан кейинги йилларда бунга катта эътибор қаратилди. Бунга 1950-йиллар бошида барпо этилган Чоржўй-Урганч йўналишидаги темирйўлни мисол қилиб келтириш мумкин².

Темирйўл қурилган 1953 йилга қадар Амударёнинг қуи қисмларидаги энг асосий қишлоқ хўжалик соҳаси бўлган пахтачилик иттифоқ манфаатлари учун “етарли даражада ривожланмаган” бўлиб, бу пайтгача пахта этиштириш ҳажми Хоразм области ва ҚҚАССРда йилига 84,7 минг тоннани ташкил этган. Чоржўй-Қўнғирот темирйўли ишга туширилгач, ҳудудда пахта этиштириш ҳажми кескин ошган. 1955 йилга келиб, 134,6 минг тонна пахта толаси олинган, 1960 йилда эса бу кўрсаткич 155 минг тоннага етган³. Шу тариқа, ушбу йўналишда темирйўл алоқаларининг йўлга қўйилиши пахта майдонларининг кўпайишига бевосита таъсир кўрсатган. Маълумот учун шуни айтиб ўтиш лозимки, қуи Амударё ҳудудининг умумий темирйўл тармоқлари билан бевосита боғланмаганлиги ва бунинг Хива хонлиги иқтисодий алоқаларига “салбий таъсири” империя

¹ Ходжаев С. Транспортно-экономические связи Средней Азии. Ташкент, “Узбекистан”, 1966. Б. 9.

² ЎзМА, Р-837-фонд, 33-рўйхат, 6176-йиғмажилд, 29-варақ; Ўша жойда, 6174-йиғмажилд, 76-варақ.

³ Ходжаев С. Межрайонные транспортно-экономические связи Узбекистана (по материалам железных дорог). Тошкент: Издательство Академии наук Узбекской ССР, 1963. Б. 143.

мустамлакачилиги давридан бошлаб мисолида мұхокама қилиб келінгандардан бири бўлган.

Мутахассисларнинг баҳолашича, 1970-йилларга келиб темирийўл транспорти барча транспорт турлари орасида юк ташиш жиҳатидан устун турганлиги Ўзбекистон ССР транспортининг ўзига хос хусусияти эди. Бу борада ҳатто республика кўрсаткичлари иттифоқ кўрсаткичларидан юқори бўлганлиги таъкидланади. Бунинг сабаблари сифатида республиканинг ўзига хос географик хусусиятлари ва ишлаб чиқариш кучлари кўрсатилган. Республика ҳудудига жуда катта ҳажмдаги маҳсулотларнинг киритилиши ва бу ердан ташиб кетилиши юк ташиш ҳажмининг юқори бўлишига олиб келган эди. Хусусан, ўзаро иқтисодий алоқаларда республикадан кўмир, руда, минерал ўғитлар, пахта хомашёси каби маҳсулотлар четга чиқарилган бўлса, бу ерга буғдой, ўрмончилик маҳсулотлари, қурилиши материаллари кабилар ташиб келинган¹. Бу юклар узоқ масофаларга ташиб кетилганлиги сабабли темирийўл транспорти орқали юк ташиш ҳажми йирик бўлган.

Шунга қарамай, совет даврида иқтисодчилар Ўзбекистон ССР-нинг транспорт алоқалари етарлича ривожланмаганлигини таъкидлайдилар. Бу нафақат темир ва автомобил йўлларининг секин барпо этилиши билан, балки бошқа кўплаб омиллар билан бир қаторда, транспорт алоқаларини нотўғри режалаштириш билан ҳам боғлиқ эди². Ўша пайтларда марказдан туриб ССР бўйича ҳудудларни иқтисодий районлаштириш билан боғлиқ ҳолда амалга оширилган ўзаро алоқаларни режалаштиришда жуда кўп чалкашликларга йўл қўйилганлиги ўз даврида бошқа иқтисодчи олимлар томонидан ҳам кўрсатиб ва асослаб берилган.

Халқ хўжалигининг марказдан туриб режалаштирилиши, иттифоқдош республикалар иқтисодиётининг бир-бирига боғлиқ қилиб қўйилиши оқибатида ҳудудлараро хўжалик алоқалари чигаллашган. Кўп ҳолларда юқоридан туриб республика иқтисодиётининг нотўғри режалаштириш натижасида чалкашликларга йўл қўйилганлиги халқ мулкининг исроф қилинишига олиб келган эди. Масалан, 1950-йилларга оид маълумотга кўра, Бекобод ва Қувасой заводларида бир хил маргадаги цемент ишлаб чиқарилган. Аммо Қўқон шахри

¹ Жабаров А. Развитие транспорта Узбекской ССР в период развитого социализма (1961-1980 гг.) Автореферат на соискание ученой степени кандидата экономических наук. – Киев, 1982. С.15.

² Ходжаев С. Транспортно-экономические связи Средней Азии. Ташкент, “Узбекистан”, 1966. Б. 4.

эҳтиёжлари учун керак бўладиган катта миқдордаги цемент яқин масофадаги Қувасой заводидан эмас, Тошкент темирйўли орқали Бекободдан келтирилган¹. Манбаларда шунга ўхшаш бошқа кўплаб мисолларни учратиш мумкин.

СССР миқёсида ҳам иқтисодий районлаштириш натижасида йўл қўйилган хатолар танқидга учраган. СССР раҳбари Н. Хрушчев Украина ва мамлакатнинг марказий қисмларидан ҳар йили миллион тоннадан зиёд ўғит Ўрта Осиё ва Қозоғистонга келтирилишини, ваҳоланки Ўзбекистоннинг табиий газ ва фосфорит каби хомашё манбаларига бой эканлигини, аммо Бухоро гази асосида аммиак ва азот ўғитларини ишлаб чиқариш секин бораётганлигини қайд этади².

1960-йилларга тегишли адабиётларни шуни кўрсатадики, бу пайтга келиб иқтисодий районлар ўртасидаги нотўғри йўлга қўйилган транспорт алоқаларини бартараф этишга ҳаракат қилинган ва иқтисодчилар томонидан турли таклифлар берилган. Чунки нотўғри иқтисодий алоқалар кўплаб моддий ва инсоний ресурсларнинг беҳуда сарфланишига олиб келади. Республика табиий ресурслари ва иқтисодий салоҳиятини етарлича баҳоламай, чуқур илмий хуласаларга таянмасдан, фақат марказ манфаатларидан келиб чиқиб иш тутилиши бутун совет даврида кузатилди ва транспорт алоқаларининг йўлга қўйилишида қийинчиликлар туғдирди.

Германияда ўқиган шифокор қиз Зухра Кашаева тақдири

Абдували Йўлдашев

Тарих институти кичик илмий ходими

ХХ асрнинг 20-йиларида Туркистонда совет ҳокимияти ўрнатилиб, мамлакатда большевиклар ўз ҳукмронлигини мустаҳкамлаш йўлида турли чораларни қўраётган эди. Большевиклар ҳукуматининг Туркистондаги сиёсати Россия империясининг мустамлакачилик сиёсатининг янгича кўриниши эканлигини 1917 йил октябрь тўнтирилишидан кейинги воқеа жараёнларида кўрсатиб берди. Ўлка учун миллий кадрларга бўлган эҳтиёж катта эди. Ана шу вазиятда миллий зиёлилар томонидан тез ва қисқа фурсатда миллий кадрлар тайёр-

¹ Тогаева А. Ўзбекистонда урбанизация жараёнлари ва шаҳар маданияти муаммолари. Тошкент: "Yangi nashr", 2017. Б. 35.

² «Правда» газетаси. 1963 йил 26 апрел.

лаш асосий масалалардан бири сифатида қаралди. Миллий кадрлар тайёрлаш учун иқтидорли ёшларни ривожланган хориж мамлакатлари ва Россиянинг марказий шаҳарларида юбориб ўқитиш ғояси илгари сурилиб XX асрнинг 20-йилларида Туркистон Автоном Совет Республикаси (ТАССР) ва Бухоро Халқ Совет Республикаси (БХСР)да хукуматнинг турли идораларида маҳокамага тортилди. Бунинг натижасида 1922 йилда кўплаб ёшлар хорижга таълим олиш учун юборилди. Бундан кўзланган мақсад ўша замонда илм-фан техникаси ривожланган илғор мамлакатлар тажрибасини ўрганиш ва тажриба тўплаш ҳамда ёшлардан замонага мос мутахассислар тайёрлаш эди.

Бу ёшларнинг бир гуруҳи хукуматнинг, яна бир нечтаси хусусий йўллар билан Европа илм-фанини ўрганиш мақсадида Германияга йўл олди. Масалан, Бухоро Халқ Совет Республикаси хукуматида фолият олиб борган миллий зиёлиларнинг фаол ҳаракати ва республиканинг сиёсий жиҳатдан Туркистон АССРга нисбатан имконияти яхшилиги боис бу жараёнда ёшлар давлат томонидан кўпроқ қўллаб қувватланди. Шу билан бирга Туркистон ва Хоразм Халқ Совет Республикаларидан келган ёшларни ҳам БХСР хукумати ўз таркибиغا кўшишга муваффақ бўлди¹.

Туркистон АССРда эса ёшларнинг ташаббуси натижасида вужудга келган “Кўмак” уюшмаси (1922 йил 2 май) ва унинг ҳаракатлари алоҳида ўрин тутади. Уюшма хорижда ўқиши умидидаги ёшлар учун турли хайрия маблағларини йиғди. Иқтидорли ёшларни жалб этди. Бунинг натижасида кўплаб маҳаллий ёшлар Озарбайжон, Россия ва Германиянинг марказий шаҳарларида ўқиши учун “Кўмак” уюшмасига мурожат қилган.

“Кўмак” жамияти Туркистон АССР Маориф комисарлиги орқали бевосита хукумат билан алоқа ўрнатди. Туркистон Марказий Ижроя комисарлиги (МИҚ) бошлигига хукумат таъминоти орқали 11 нафар маҳаллий ёшлар Германияга таълим олиш учун юборилди². Шу ўринда бир савол туғилади: Нима учун Германия давлати танланди? Туркистонда нашр этилган “Қизил байроқ” газетасининг 1922 йил 29 август сонида чоп этилган мақолада Германия таълим муассасалари ҳақида яхши маълумотга эга татар муаллими Олимжон Идрисийнинг Тошкент татар билмютидаги маърузаси баён қилинади. Олимжон Идрисий БХСР хукумати томонидан ёшларни хорижда ўқи-

¹ Германияда Бухоро талабаси // Бухоро ахбори. 1923, 17 март.

² ЎзМА, 17-фонд, 1-рўйхат, 335-йиғмажилд, 213-варақ.

тиш учун амалга оширилаётган ҳаракатда Бухорога таклиф этилган татар зиёлиларидан эди. У БХСР ҳуқумати томонидан хорижга талаба юбориш учун тузилган З кишилик комиссиянинг бириси эди. Мақолада Олимжон Идрисий Россия мустамлакаларидағи мусулмон ёшларнинг Германияга бориб таълим олишига бир нечта сабабларни кўрсатади. Жумладан:

“Биринчидан, бошқа мамлакатларга қараганда Германияда харажатларнинг кам сарфлаш мумкин. Масалан, Францияда сарфланадиган харажатнинг 3/1 Германия учун етарлидир;

Иккинчидан, Германия ҳуқумати билан совет ҳуқумати ўртасидағи муносабатнинг яхшилиги;

Учинчидан, Европа билан алоқа ва муносабатда қўшни мамлакатларга энг яқини Германия Республикаси хисобланган”¹.

Шунингдек, Германия таълим муассасаларида ўқитишиш бошқа мамлакатлар таълимидан ҳам амалий, ҳам назарий билимларни бир вақтда олиб борилиши билан аҳамиятли эканлигини бошқа мамлакатлардаги таълим билан таққослаб қўрсатиб берган. О.Идрисий Германиядаги таълим ва у ердаги мусулмонларга бўлган муносабат, шарт-шароитларга ҳам алоҳида тўхталиб ўтган. Унинг маърузаси Туркистоннинг хорижга бориб ўқиш ниятидаги ёшлари томонидан катта қизиқиши билан қабул қилинган. Ҳукумат стипендияси билан кетувчи ёшлар билан бирга ўз маблағи хисобига бориб таълим олишни мақсад қилган ёшларга ҳам бу маъруза катта ишонч вазифасини ўтаган дейиш мумкин. Чунки ўша вақтда фаолият олиб бораётган “Кўмак” уюшмасига Германияда ўз ҳисоби билан таълим олиш ниятидаги ёшлар ёрдам сўраб мурожат қилганлигини архив манбалидаги маълумотлар тасдиқлайди.

Ўз навбатида уюшма бу ёшларга ўз амалий ёрдамини берган. Уюшма томонидан 1922 йил 20 августда ёзилган “Ўқувчилар дикқатига” номли эълонда: “Ўз ҳисоби билан чет элларда ўқимоқ истагидаги ўқувчилар (ўзбек, қозоқ, туркман, татар ўқувчилар) “Кўмак” уюшмасига мурожаат этсинлар. Кўмак лозим доираларга мурожаат этуб, керакли хужжатларни тайёрлатиб берадур”², – дейилади. Бунинг натижасида бир гурӯҳ ёшлар хорижда талим олиш учун уюшмага мурожаат қилганлар.

Хусусан, “Кўмак” уюшмасига ёзилган бир мурожаатда хусусий йўл билан кетиш умидидаги ёшларнинг 15 кишилик рўйхат келтири-

¹ Сирожий. Германияда ўқувчи мусулмонлар // Қизил байроқ. 1922, 29 август.

² ЎзМА, 34-фонд, 1-рўйхат, 1380-йиғмажилд, 385- варақ.

либ, уларга виза ва хориж паспорти олишлари учун ёрдам сўралган¹. Уюшмага мурожаат қилган ёшлар орасида ўз хисоби билан ўқишни нийят қилган бир гуруҳ йигитлар билан бирга қизлар ҳам бор эди. Ана шу ёшлардан бири Германияга бориб Хайдальберг университетининг тиббиёт йўналишида таълим олган Зухра Кашаева² эди.

Ўзбекистон Миллий архиви маориф комиссарлигига оид жамғар



маларда сақланаётган хужжатларда Зухра Кашаева шахсига оид бир қатор маълумотларни учратиш мумкин. Унинг “Кўмак” уюшмасига 1922 йил 25 августда тўлдирган анкетасидан куйдагиларни билиш мумкин. У 1901 йил 1 марта Рязан губернияси Касимовский уездидан оддий дехқон оиласида туғилган. Дастрраб Касимовский уездидан қизлар гимназиясида ўқиёди. Зухра Кашаева 6 йиллик қизлар гимназиясини битиргач, Харьков шаҳрида Убилинский номли ўрта мактабда таълим олади.

1919 йилда ушбу мактабни тамомлаб, сўнг 1920 йил Тошкентга келиб Туркистон Давлат Университети ишчи факультети тиббиёт бўлимига ўқишига киради. Ўқиши билан бирга тириклий учун муаллимлик билан машғул бўлади. У Тошкентнинг эски шаҳар қисмида очилган қизлар гимназиясида ўқитувчилик қилди. Ўша вақтда Зухра Тошкентнинг эски шаҳар қисми Шайхонтоҳур даҳаси Пўстиндўз маҳалласидаги Аброрхўжа Ахрорхўжа ҳовлисида истиқомат қилган³.

Ишчи факультетининг иккинчи курсини ўқиётган вақтда “Кўмак” уюшмасининг хорижга талаба юбориш ишларидан хабардор бўлиб, туркистонлик ёшлар қатори уюшмага ариза билан мурожат қилган ва Германияда тиббиёт йўналиши бўйича таълим олиш истаги борлигини билдирган. Уюшмага оид архив хужжатларида кейинчалик ўз маблағи билан Германияга бориб таълим олган Фузайл, Насрид-

¹ ЎзМА, 34-фонд, 1-рўйхат, 1380-йиғмажилд, 375- варак.

² Араб имолсидаги эски ўзбек ёзувидаги хужжатларда унинг исми Зухра Кашои кўринишида, рус тилидаги манбаларда эса Зухра Кашаева кўринишида ёзилган.

³ ЎзМА, 34-фонд, 1-рўйхат, 1380-йиғмажилд, 385- варак.

дин, Саида Шераҳмедовалар, Тоҳир Шокирзода каби ўзбек ёшлари билан бирга, Хайринисо Исмоилова, Қодир Халил Олимий, Сарвар Собитали қизи Раҳматулина ва бошқа бир қанча татар ёшларининг анкеталари билан танишиш мумкин. Бу ёшлар ҳам Европа илм-фани ва техникасини ўрганиш, таълим олиш учун Германия олий ўқув юртларига бориб ўқиши мақсад қилган. Уларнинг анкеталарида иқтисодий масаларга ҳам алоҳида тўхталинган.

Айрим талабалар уюшмадан фақатгина йўл харажатига етарли ёрдам сўраган бўлса, айримларида эса 5–6 ойлик харажат учун кўмак сўраганлар¹. Зухра Кашаева анкетасида уюшмадан 8 ойлик таъминот ҳамда хориж паспорти ва виза олишда ёрдам қилишларини сўраганлигини кўриш мумкин. У ўз анкетасида Германиядаги таълими давомидаги қолган харажатлари учун маблағни янқинларидан олишини ёзган².

Туркистон ёшлари 1922 йилнинг куз ойларида иқтисодий таъминоти ва хориж ҳужжатларини ҳал қилган ҳолда Берлинга етиб борди. Ушбу жараёнда Зухра Кашаева ҳам паспорт ва визаларини ҳал қилиб Германияга боради. Германияда таълим олган туркистонлик Насриддин Шераҳмедовнинг НКВД (Ички Ишлар Халқ Комисарлиги) даги сўроқ жараёнида ўзининг Германияга кетиш жараёнига тўхтабиб ўтади. Унинг берган маълумотича, “Насриддин, Саида ва Фузайл Шераҳмедов ҳамда Зухра Кашаева Ленинградда Муса Жорилла Бегиев³ хонадонида икки ҳафта тургач, уларни Германияга кузатиб борувчи Пешко ва Адлер ёрдамида пароходда уч кун юриб етиб борадилар. Пешко уларни Ганновер шаҳридаги бир панционга жойлаштиради”⁴.

Зухра Кашаева Германияга борган туркистонлик талабалар қаторида дастлаб олти ойлик немис тили курсида тилини ўрганишга киришади. У тил ўрганиш билан бирга тиббиётга оид билимларини ҳам ошириб борган. Немис тилини ўрганиб Ҳайдельберг университетига танлаган йўналиши бўйича имтиҳон топширган. У дорилфунуннинг тиббиёт факультетига ўқишига киради. Ўша йилларда университетнинг турли факультетларида Туркистондан борган бир нечта талабалар имтиҳон топшириб ўқишига қабул қилинган. Жумладан, тошкетлик Абдуваҳоб Исҳоқ Германияга боргач Берлин университети қошидаги тил ўрганиш курсида немис тилини ўрганади. Сўнг 1923 йил ноябрида Ҳайдельберг университетининг тиббиёт факультети-

¹ ЎзМА, 34-фонд, 1-рўйхат, 1380-ийғмажилд, 377-варак.

² ЎзМА, 34-фонд, 1-рўйхат, 1380-ийғмажилд, 385-варак.

³ Мусо Жорилла Бегиев – татар зиёлларидан.

⁴ Турдиев Ш. Улар Германияда ўқиган эдилар. Тошкент, 2006. Б. 143.

га ўқишига кирган¹. Университетнинг кимё факультетида Саттор Жаббор², фалсафа ва иқтисод йўналишида Тоҳир Шокир (Чигатой)лар таълим олган³.

Иқтисодий қийинчиликларга қарамай З. Кашаева Ҳайдальберг университетида тиббиёт бўйича назарий ва амалий билимларни пухта эгаллаб 1929 йилда ўқиши тамомлайди. Тиббиёт соҳасида Туркистонда олган билмларини Ҳайдельберг университетида мустаҳкамлайди ва янги билимларни ўзлаштириди. Амалий машғулотларни шифохоналарда олиб борилиши назарий билимларни амалиётга тадбиқ қилиш учун қўл келади. Германия таълим муассасаларининг яхши жиҳатларидан бири назарий дарслар билан бирга лабораторияларда амалий дарслар ташкил этилган эди. Шунингдек, амалиётни талabalар шифохоналарда ҳам ўтаган. Ўқиш жараёнида Зуҳра Кашаева тиббиёт соҳасидаги йирик Ҳайдельберг, Вурмс, Штутгард шаҳарларида шифохоналарда амалиётда бўлди⁴.

Зуҳра Кашаева ўқиши тамомлагач Штутгард шаҳридаги шифохоналардан бирида ишлаб қолади. Совет ҳукуматининг 1925 йилдан бошлаб Туркистондан Германияга юборилган талabalарни ортга қайтариш ҳаракатлари натижасида бухоролик бир гуруҳ Кёслин гимназиясидаги ўқувчилар ортларига қайтарилиди. 1926 йилдан бошлаб айrim талabalар ҳукумат томонидан бериладиган стипендиялардан маҳрум қилинди. Германияда таълим олаётган ёшларга нисбатан зиддиятлар ортиб борди. Ушбу жараёнда совет ҳукумати ўз мафкурасига бўйсундириш чораларини амалга оширди. Айrim талabalарнинг ўқиш жараёнидаги ҳаётига шубҳа билан қараб, ўқиши тамомлаб мамлакатга қайтиши билан қўлга олиниб сургун қилинди. Жумладан, Берлин “Қишлоқ хўжалиги академияси”ни битириб чорвачилик бўйича мутахассис бўлиб етишиб, 1928 йилнинг март ойида ўз юритига қайтган Азимбек Беримжон ўғли қамоққа олиниб Россиянинг олис шимолига сургун қилинди⁵.

Туркистондаги совет ҳукуматининг зиёлилар ва хорижда ўқиб қайтган ёшларга нисбатан олиб бораётган сиёсати Германиядаги талabalар эътиборидан четда қолмаган. Уларни кейинги тақдирини ўйлашга мажбур этган. Зуҳра Кашаеванинг Германияга кетиш чофи-

¹ ЎзМА, 17-фонд, 1-рўйхат, 529-ийғмажилд, 216-варақ.

² ЎзМА, 94-фонд, 1-рўйхат, 475-ийғмажилд, 13-варақ.

³ Турдиев Ш. Улар Германияда ўқиган эдилар. Тошкент, 2006. Б. 155.

⁴ Мусоғир бир зиё // Ёш Туркистон, 1931. 24-сон. Б. 38.

⁵ Азимбек сургунда, Абдуваҳоб Мурод қамоқда! // Ёш Туркистон, 1930. 7-8 сонлар. Б.50-51.

даги анкетасида ёзган “Туркистонга қайтиб хизмат қилиш” мақсадини советларнинг хорижда ўқиган талабаларга нисбатан олиб борган сиёсати ўзгартириб юборган. Шу боис ҳам у ўқишни тамомлагач Штутгард шаҳридаги шифохоналардан бирида ишлаб қолган. Бироқ унинг шифокорлик фаолияти узоқ давом этмаган. Берлинда нашр этилган “Ёш Туркистон” журналидаги мақолада ёзилишича Зухра Кашаева касалхонада ишлаш жараёнида беморлардан ўзига касаллик юқтириб олади ва оғир касалликка чалинади. Кўп вақт ўтмай 1931 йилда касаллик натижасида вафот этади¹.

Хулоса қилиб айтганда, XX аср 20-йилларида Германияга борган туркистон талабалари илм-фаннынг турли соҳаларида таълим олдилар. Муҳим йўналишлардан бўлган тиббиёт соҳасида бир нечта Туркистон ёшлари олий маълумотга эга бўлди. Аммо совет хукуматининг олиб борган сиёсати натижасида хорижда ўқиган ёшларнинг бир гуруҳи Туркистонга қайтиб кўп вақт ўтмай қатағон қурбони бўлди. Яна бир гуруҳи эса ўзга мамлакатлардан қолишга мажбур бўлди. Ўша мамлакатларда илмий фаолияти ва ҳаётини давом эттириди. Улар орасида Зухра Кашаева каби она юрти тупроғига қадами етмай, Германияда вафот этган ёшлар тақдирини ҳам кўриш мумкин.

1925–1930 йилларда Бухоро вилоятида мактаблар фаолияти (Ўзбекистон миллий архиви ҳужжатлари асосида)

Дилрабо Муродова

Бухоро давлат университети таянч докторанти

1924 йил 1 октябрда Бутунбухоро МИК қарори билан БССРда маъмурий –ҳудудий бўлиниш қайта ўтказилиб, вилоятлар ўрнида 5 та округ: Зарафшон, Қашқарё, Сурхондарё, Туркман (Амударё) ва Шарқий Бухоро округларига асос солинди. Зарафшон округи таркибида 3 та вилоят: Бухоро, Кармана, Нурота вилоятлари тузилиб, улар таркибида 8 та туман ташкил этилди². Минтақада ўтказилган маъмурий ислоҳот ўз навбатида худуднинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётига ҳам сезиларли таъсир ўтқазди. Округдаги таълим-тарбия жараёнига маъсул бўлган барча таълим муассасалари Зарафшон вилояти ишчи, дехқон ва қизил армия депутатлари

¹ Андикон А. Туркистон учун кураш. 1-жилд. Туркчадан Тоҳир Қаҳҳор таржимаси. Тошкент, 2017. Б. 244.

² Ражабов Қ., Қандов Б., Ражабова С. Ўзбекистон тарихининг муҳим саналари. Тошкент: O'zbekiston, 2015. Б. 173.

кенгаши ижроия қўмитаси халқ таълими бўлими тасарруфида бўлиб, дастлаб Зарафшон вилояти Халқ таълими бошқармасининг туманлаштириш натижаларига кўра, унинг таркибига: Бухоро, Қоракўл, Баҳовуддин, Фиждувон, Вобкент, Кармана, Хатирчи, Мирбозор, Нурутса киритилган¹. Бошқарманинг маркази эса Эски Бухоро шахрида бўлиб, худуддаги янги ташкил этилган барча таълим муассасалари бошқарма томонидан назорат қилинган.

XX асрнинг биринчи ярмида Ўзбекистонда халқ таълими мактаблари сони жадал суръатда ошиб бориб, 1924–25 ўқув йилида республикада 160 та совет типидаги таълим муассасалари ташкил қилинган ва уларда 17209 нафар ўқувчи таълим олган.² Бу даврда эса Бухородаги таълим муассасаларининг асосий қисмини I даражали мактаблар ташкил этган бўлиб, дастлаб 1924–1925 йилларда жами 29 та, Эски Бухоро шахрида эса 19 та шундай мактаблар фаолият юритган³. 1926 йил 1 май ҳолатида эса Зарафшон вилоятида 148 та I даражали мактабларда жами 4693 нафар ўқувчилар таълим олган.⁴ Шундан бир синфли мактаблар – 101 та, икки синфли – 21 та, уч синфли – 20 та, тўрт синфли мактаблар эса – 6 тани ташкил этган. Шу ўқув йилида ҳудуд бўйича I даражали мактабларнинг 4693 нафар ўқувчисидан 3038 нафари умумий ҳисобда 64,7% ўқувчи синфдан синфга муваффақиятли ўтиб мактабни тугатган. 1655 нафар (35,3%) ўқувчилар эса турли сабаларга кўра ўқув дастурларини ўзлаштира олмаганлиги учун синфда қолдирилган⁵.

Мактаблар сони 1926 йил 1 май ҳолатига кўра

Шаҳар ва уезд-лар	Хусусий мактаблар	Давлат мактаблари	Жами	Ўғил болалар	Қиз болалар	Жами
Эски Бухоро ш.	21	-	21	749	297	1046
Коғон ш.	4	-	4	236	230	466
Бухоро уезди.	25	7	32	866	13	879
Фиждувон уезди.	31	12	43	1010	48	1058
Кармана уезди.	36	5	41	808	57	865
Нурота уезди.	-	7	7	379	-	379
Жами:	117	31	148	4048	645	4693

¹ ЎзМА, Р-94-фонд, 1-рўйхат, 91-ийғмажилд, 59-варақ.

² Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. -Тошкент: "Шарқ", 2000. Б. 387.

³ Бухоро вилоят давлат архиви. 43-фонд, 1-рўйхат, 121-ийғмажилд, 10-варақ.

⁴ ЎзМА, Р-94-фонд, 1-рўйхат, 91-ийғмажилд, 10-варақ.

⁵ ЎзМА, Р-94--фонд, 1-рўйхат, 91-ийғмажилд, 11-варақ.

Юқоридаги жадвалда келтирилган рақамлар бўйича Бухоро вилоят давлат архиви фондларида қуидаги тарихий маълумотлар учрайди. Ҳужжатлар гувоҳлик беришича, 1926–1928 йилларда Бухоро шаҳри аҳолиси учун жами 21 та биринчи даражали мактаблар фаолият юритган. 12 та ўзбек мактаблари (57%), 3 та тожик мактаби (14%), 5 та яхудийлар мактаби (24%), 1 та эрон-озарбайжон мактаби (5%) мавжуд бўлган¹. 148 та мактабдан 49 тасида пионерлар фаолият юритмаётганлиги қайд этилган².

Мактаблар 168 та бинода, аниқроги 1 та хусусий, 9 та давлат ва 158 таси ижара жойларида жойлашган. 1925 йил 13 февралда Халқ маорифи Комиссарлигига қишлоқ овулларида мактаб қурилиши учун 125.000 рубл ажратилади³. 1 та намунавий мактаб учун 20.736 рубл сарфланиши белгиланади. Республика бўйича белгилан рўйхатда Зарафшон вилоятида 1 та мактаб учун 12.500 рубл ажратилган бўлиб, бу таълим маскани учун Вобкент туманидаги қишлоқ танланган⁴. Мактаб биносида 2 та 40 тадан бола ўқишига мўлжалланган синф хонаси, йиғилишлар зали, ўқитувчилар хонаси, кутубхона ва коридор қурилиши белгиланган. Шундай мактаблардан Тошкент, Самарқанд ва Фарғонада 1 тадан, Сурхандарё, Қашқадарё, Хоразмда эса 2 тадан қурилиши режалаштирилган⁵.

1926–1927 ўқув йилида вилоят ҳудудидаги туман қишлоқларида 12 та мактаб қурилиши режалаштирилган бўлиб, улар асосан 2 ва 3 синфли таълим масканлари эканлиги қайд этилган⁶. Вақф бошқармаси томонидан қурулиш режаси учун вилоят халқ таълими бошқармасига 145,466 рубл сумма ажратилган⁷. Халқ маорифи Комиссарлиги ходими Мустафоев шу масалада унга берилган топшириқ бўйича Вақф бош бошқармасига боради ва натижада бошқарма томонидан ҳудудда янги мактаблар қуриш учун керакли маблағлар ажратилишига келишилади. Унга кўра, Бухоро шаҳридаги мактаблар қурилиши учун 86,251 рубл, Ғиждувон уезди учун эса 32,204 рубл маблағ ажратилади⁸.

Қишлоқларда оммавий тарзда совет мактабларининг очилиши эски усул мактабларига чек қўйди. Ўқув йили бошида биргина Бухоро уездидаги мавжуд бўлган 100 та диний мактабдан йил охирида 11 та, Ғиждувон уездидаги эса юздан ортиқ эски диний мактаблардан атиги 16 таси сақланган⁹.

¹ Бухоро вилоят давлат архиви. 37-фонд, 1-рўйхат, 42-йигмажилд, 31-варақ.

² ЎзМА, Р-94--фонд, 1-рўйхат, 91-йигмажилд, 15-варақ.

³ ЎзМА, Р-94--фонд, 1-рўйхат, 69-йигмажилд, 37-варақ.

⁴ ЎзМА, Р-94--фонд, 1-рўйхат, 69-йигмажилд, 44-варақ.

⁵ ЎзМА, Р-94--фонд, 1-рўйхат, 69-йигмажилд, 41-варақ.

⁶ ЎзМА, Р-94--фонд, 1-рўйхат, 51-йигмажилд, 217-варақ.

⁷ ЎзМА, Р-94--фонд, 1-рўйхат, 91-йигмажилд, 18-варақ.

⁸ ЎзМА, Р-94--фонд, 1-рўйхат, 644-йигмажилд, 11-варақ.

⁹ ЎзМА, Р-94--фонд, 1-рўйхат, 91-йигмажилд, 13-варақ.

Тадқиқ қилинаётган давр мобайнида вилоятда жами Зта II даражали мактаблар мавжуд бўлиб, Когон шаҳридаги яхудийлар мактаби ва қолган иккитаси эса Бухоро шаҳрида фаолият юритган таълим муассасалариридир. Бундан ташқари минтақада дехқон ёшлари мактаблари ҳам фаолият юритганлигидан хужжатлар гувоҳлик беради¹. Қишлоқ ўқитувчисининг ўртача ойлиги 120 рубл бўлиб, ҳудудларда педагог ходимларнинг малака даражаси ва иш фаолиятининг натижасига қараб 70 рублдан 147 рублгacha маош тўланган. Мактаб таълимининг нархлари шаҳар ва уездларда кескин фарқ қилган. I даражали шаҳардаги 4 нафар ходимга эга мактаб нархи 5259 рубл, уезддаги 2 нафар ходимга эга мактаб нархи эса 1689 рубл, II даражали шаҳар мактаби учун эса 12442 рубл тўлови ўрнатилган². Мактаб ўқувчиларининг ўқув қуроллари билан таъминланганлик даражаси ҳам қониқарли аҳволда бўлмай, 25 та ўқувчига бир ойга 4 та дафтар, 1 та қалам ва дарслик берилган³.

Шу йилларда янги ташкил қилинган совет мактаблари учун педагог кадрлар тайёрлаш масаласи ҳам ҳукуматнинг диққат эътиборида бўлди. 1926 йил 25 апрелда Тошкентда I даражали мактабларнинг қишлоқ ўқитувчилари учун конференция бўлиб ўтади⁴. Конференцияда шу йилнинг 15 майидан 10 июнигача Тошкентда 415 нафар педагог кадрлар учун тайёрлов курслари ташкил этилади. Тайёрлов курсларида ўқиш учун Самарқанддан 100 нафар, Кўқондан 150 та, Бухородан 80 та, Хивадан 55 киши учун жой сўралган. Зарафшон вилояти учун жами 100 нафар кадрни тайёрлашга эҳтиёж борлиги таъкидланади⁵.

Қатнашувчиларнинг 10% ни майда миллат вакилларидан бўлган ўқитувчилар ташкил этиши зарурлиги белгиланади. Ҳудудда истиқомат қилаётган барча миллатлар қаторида яхудийлар маданий муҳитини юксалтириш ва саводхонлик даражасини кўтариш мақсадида тавсия этилаётган номзодлар орасида бухоро яхудийларига тайёрлов гуруҳларида таълим олишлари учун имкон берилди. 1926 йил 16 августда Зарафшон вилояти ҳайъати йиғилишининг 19-сонли баённомасида қайд этилгандек, жараёнга матьсул бўлган Мастворнинг “Республика Маориф Халқ Комиссарлиги томонидан юборилган ўқитувчилар тўғрисида”ги баёнотини эшитиб, шундай қарор қабул

¹ ЎзМА, Р-94-фонд, 1-рўйхат, 91-йиғмажилд, 14-варақ.

² ЎзМА, Р-94-фонд, 1-рўйхат, 91-йиғмажилд, 14-варақ.

³ ЎзМА, Р-94-фонд, 1-рўйхат, 91-йиғмажилд, 16-варақ.

⁴ ЎзМА, Р-94-фонд, 1-рўйхат, 85-йиғмажилд, 92-варақ.

⁵ ЎзМА, Р-94-фонд, 1-рўйхат, 85-йиғмажилд, 93-варақ.

қилинади: “5 нафар яхудий ўқитувчиси Маориф халқ комиссарлиги томонидан 1926 йил 10 августдан ўқув курсларида ўқиш учун қабул қилинади¹”. 1929 йил 1 июндан Тошкентда Ўзбек Инпросда асосан қозоқ, қирғиз ва яхудий мактаблари учун ўқитувчиларни қайта тайёрлаш курслари ташкил қилинади. Маҳаллий яхудийлар учун эса тайёрлов курслари Арраполск кўчасидаги бинода ташкил этилиб, Бухородаги таянч мактаблардан – 9 та, тожик мактаблари учун – 10 та, яхудий мактаблари учун – 7 та, қирғизлар учун – 3 нафар номзодлар ўқишига қабул қилинади². 1928 йил 1 октябр ҳолатида вилоятда мавжуд 144 та биринчи даражали мактабларларнинг 117 тасида ўзбеклар, 13 тасида форс-тожиклар, 1 тасида араблар, 4 та мактабда маҳаллий яхудийлар, 1 тасида қозоқлар, 2 тасида озарбайжонлар ва 6 та мактабда эса рус-татарлар таълим олишган³. Бундан ташқари 1929 йилда Тошкентдаги маҳаллий яхудийлар педагогика техникумida ўқиш учун Бухородан 5 нафар номзод сўралганлиги ҳақидаги мактубда ҳам яхудийларга XX аср бошида берилган имкониятлар ҳақидаги тарихий маълумотлар акс эттирилган⁴.

1926–1927 ўқув йилида республика мактаблари пухта ишлаб чиқилган ўқув режага эга эмас эди⁵. 1926 йил 26 марта республика мактабларида жисмоний тарбия дарслари ўқитилиши мажбурийлиги тўғрисида ҳукумат қарори қабул қилинади. Унга кўра 1926–1927 ўқув йилидан бошлаб ҳар бир мактабдаги гуруҳларда ҳафтасига 2 соатдан жисмоний тайёргарлик дарслари ташкил қилиниши, бу жараёнга жойлардаги жисмоний маданият кенгашлари масъул бўлиб, улар томонидан таълим муассасаларига дарсларни олиб борадиган соҳа мутахассислари ва раҳбарлар берилиши белгиланади⁶.

1929–1930 йилларда Бухоро шаҳрида: Карвон боши қўчасида 1-даражали қишлоқ хўжалик Коммунасига қарашли мактаб, Корхона гузарида 1-даражали “Турон” мактаби, Чор харогда озарбайжонлар учун мактаб, Қирғиз - Ойимда “Саодат” мактаби, Фазлитдин – Махсумда “Ким” мактаби, Шайх – Шада “Намуна” мактаби, Эски маҳаллада “Луначарский” мактаби, Маҳаллайи Навда “Роза Люксембург”, “Фрунзе”, “Рўшнои”, Чашмайи Аюбда “Икрамова”, Меҳтар Амбарда

¹ Бухоро вилоят давлат архиви. 546-фонд, 1-рўйхат, 52-ийғмажилд, 9-варақ.

² Бухоро вилоят давлат архиви. 43-фонд, 1-рўйхат, 123-ийғмажилд, 509-варақ.

³ Бухоро вилоят давлат архиви. 43-фонд, 1-рўйхат, 121-ийғмажилд, 4-варақ.

⁴ Бухоро вилоят давлат архиви. 43-фонд, 1-рўйхат, 169-ийғмажилд, 112-варақ.

⁵ ЎзМА, Р-94-фонд, 1-рўйхат, 461-ийғмажилд, 28-варақ.

⁶ ЎзМА, Р-94-фонд, 1-рўйхат, 85-ийғмажилд, 89-варақ.

“Зхурия” мактаби, Шарифжон гузарида “Ф.Хўжаев” номидаги мактаб, Хонақо – Жўйборда “Нажот” мактаби, Самарқанд кўчасида турк – татар мактаби, Холид Хўжа гузарида 1 - аёллар мактаби, Пўстун Дўзон гузарида 2 – аёллар мактаби, Порсо Хўжа гузарида 3 – аёллар мактаби, Шоҳ Зангир гузарида 5 – аёллар мактаби, Муртазо Хўжа гузарида 6 – аёллар мактаби, Хонақо – Жўйборда 7 – аёллар мактаби кабилар фаолият юритган¹.

Вилоят бўйича 1926–1927 ўқув йилида 5 та интернат мавжуд бўлиб, уларда жами 216 нафар болалар таълим ва тарбия олишган. Эски Бухорода 2 та, Когон шаҳрида 1 та, Карманада 1 та, Фиждувон шаҳрида 1 та. Бухоро ва Карманадаги интернатлар давлат бюджети, Когон ва Фиждувондаги муассасалар эса маҳаллий бюджет ҳисобидан фаолият юритган. Интернатлардаги таълим жараёнлари II дараҷали мактаблар ўқув дастури асосида олиб борилган².

Умумтаълим мактабларидан ташқари ўрта маҳсус таълим муассасалари, маҳсус мактаб ва интернатлар ҳамда олий таълим курслари ҳам фаолият юриганлигини хужжатларда кўриш мумкин. Эски Бухоро Регистонида эркаклар билим юрти (Мужской инпрос) ва ишчилар учун тайёрлов курслари, Кўкалдош гузарида аёллар педагогика техникуми, Когон шоҳ кўчасидаги Арабовлар уйида Қишлоқ хўжалик техникуми, Мирзо Раҳматулло гузарида Шарқ мусиқа мактаби, Шарифжон гузарида аёллар хунармандчилик мактаби, Собун Гарон гузаридаги 7 йиллик мактаб қошида интернат, Дегрези гузарида икки йиллик педагогик курслар фаолият юритган³.

1920 йилда бўлиб ўтган Бутунроссия касаба уюшмалари съездида мамлакатда ишлаб чиқариш ва саноат соҳаларини ривожлантириш кераклигига урғу берилди. Бу борадаги амалий ҳаракатларни биринчи навбатда таълим соҳасидан бошлаш зарурлиги кун тартибидаги асосий масалага айланди. Натижада 3–4 йиллик фабрика завод таълими мактаблари, касб-хунарга йўналтирилган маҳсус мактаблар I дараҷали мактаблар ўқув дастури асосида фаолият юритиб, II дараҷали ишчи ва II ўрта техник персонал (мухтассис) тайёрлаган. 4 ва 7 йиллик мактаблар асосида 4 йиллик индустрисал техникумлар ташкил қилиниб, саноат соҳалари учун керакли бўлган масъул техниклар тайёрлашга ихтисослаштирил-

¹ Бухоро вилоят давлат архиви. 162-фонд, 1-рўйхат, 193-ийғмажилд, 53-варап.

² ЎзМА, Р-94-фонд, 1-рўйхат, 91-ийғмажилд, 14-варап.

³ Бухоро вилоят давлат архиви. 162-фонд, 1-рўйхат, 193-ийғмажилд, 61-варап.

ди¹. Янги ташкил қилинган ўрта маҳсус саноат ўқув юртларининг талабалари сафини кўпайтириш мақсадида болалар уйларининг 16 ёшга тўлган болаларни техникумларга ўқишга юбориш тартиби жорий қилинди². Бухорода эса бу борадаги амалий ҳаракатлар дастлаб 1921 йилда бошланган бўлиб, муҳандис Островский томонидан 24 августда Ҳарбий Нозирликка Бухорода техника билим юртини очиш бўйича асоснома тақдим этилади. Айни пайтда Бухоро Ҳалқ Совет Республикасининг техник кадрларга муҳтожлиги, Россиядан эса соҳа мутахассисларини олиш қийинлигини инобатга олиб маҳаллий аҳоли ёшларини тайёрлаш зарурлиги асосслаб берилганди. Муассасада дарслар вақтинча рус тилида олиб борилиши ва рус-тилини биладиган бухороликларни ўқишга олиш кераклиги алоҳида таъкидланади. Муассаса 4 та бўлимдан иборат бўлиши жумладан, гидротехника, қурилиш, механика ва ерларни ўлчаш (кадастр) йўналишлари ташкил қилиниши зарурати борлиги айтилади. Лойиҳа ташаббусчиси томонидан билдирилган таклифга жавобан бош юрист-консул томонидан штатлар бирлиги тузилиши ва кейинги ўқув йили бошидан муассасанинг очилишига рухсат берилганилиги айтилади³.

XX асрнинг 20–30 йилларида совет ҳукумати томонидан республикада олиб борилаотган ислоҳотлар қаторида таълим соҳасида ҳам шошма-шошарлик билан маҳаллий аҳолининг турмуш тарзи, моддий аҳволи инобатга олинмай, умумий таълимни жорий қилишда жиддий хатоликларга йўл қўйилди. Янги ташкил қилинаётган совет мактабларидаги таълим – тарбия жараёни қисқа вақт ичida бутунлай хукмрон мафкура измига бўйсундирилиб, маҳаллий ҳалқ зиёлилари, жадидлар фаолиятига чек қўйилди.

¹ ЎзМА, Р-94-фонд, 1-рўйхат, 461-йифмагилд, 49-варақ.

² ЎзМА, Р-94-фонд, 1-рўйхат, 69-йифмагилд, 95-варақ.

³ ЎзМА, Р-48-фонд, 1-рўйхат, 46-йифмагилд, 15-варақ.

**Иккинчи жаҳон урушидан кейинги йилларда Андижондаги
26-ҳарбий асирлар жамлоқларида озиқ-овқат таъминоти,
муаммо ва ечимлар**

*Мұхаммадалихұжас Назирхұжасев
Андижон давлат университеті катта ўқитуучиси
тарих фанлари бүйіча фалсафа доктори (PhD)*

Башариат, давлатлар тарихини ўрганаң эканмиз, ҳарбий түқнапшувлар, қирғинбаротлар тамаддуң ривожланишини доимо таъқиб этиб ортидан әргашиб келган. XX асрнинг энг күп қурбонлар билан якунланган 1939–1945 йиллар мобайнидаги бўлиб ўтган Иккинчи жаҳон уруши инсоният тарихида ачинарли из қолдирган. Мазкур урушда бир неча ўнлаб давлатлар ўз манфаатларини ҳимоя қилган ҳолда қатнашиб, жуда катта талофатлар кўришган.

Расмий маълумотларга қараганда, Иккинчи жаҳон урушида 50 миллиондан зиёд одам ҳалок бўлганлиги ачинарли ҳолдир¹. Давлатлар ўртасидаги уруш ва уларнинг манфаатларини инсонлар ҳимоя қилиб ва айнан ўшалар азият чекадилар. Уруш натижасида, албатта, қурбонлар, ғолиб ва мағлуб давлатлар ва ўша давлат қуролли қўшинлари сафида туриб урушган аскар ва зобитлар, урушнинг барча жабр-ситамларини ўз таналарида ҳис қиласди, руҳан эзилади ва бу хотиралар уларни бир умр таъқиб этиб юради. Агар мағлуб давлат аскарлари рақиб армияси қўлига тушиб қолса “ҳарбий асир” деган тамға то улар асирликдан ҳалос бўлмагунича уларнинг бўйинларида кўринмас сиртмоқ бўлиб осилиб юради. Ана шундай асирлик қисматига Иккинчи жаҳон урушининг якуни арафасида бир неча юз минглаб япон аскар ва зобитлари дучор бўлишган. Шулар қаторида Ўзбекистон ССР ҳудудидаги жамлоқларга² 25 минг атрофига япон ҳарбий асирлари жойлаштирилган. 1945 йилнинг кузига келиб, Совет Иттифоқи ҳудудида бир неча миллионлаб асирлар тўпланган бўлиб, уларнинг олдида турган энг катта қийинчиликлардан бири, уларни

¹ Ўзбекистон тарихи. 2-жилд. Тузувчилар: Р. Абдуллаев. М. Рахимов. Қ. Ражабов. Т: Ўзбекистон, 2019. Б. 51.

² Жамлоқ-лагер сўзининг она тилимиздаги интернационал бўлган лагер сўзига муқобил сўз сифатида тадқиқотимизда “Жамлоқ” деб юритдик. Мазкур “жамлоқ” атамаси туркӣлашган арабча “жамаа” сўзидан келиб чиқади. “Жамлоқ” сўзи инсонлар(аскар, зобит, асирлар)ни бир ерга жамлаш, жамламоқ сўзининг намунасидир. Жумладан тадқиқотимизда ҳарбий асирларнинг бир ерга жамланган жойи сифатида фойдаланилган.

яшаш жойи ва озиқ-овқат билан доимий равища таъминлаш масаласи бўлган. Андижон вилоятида ташкил этилган 26-ҳарбий асиirlар жамлоқига 3000 атрофида япон ҳарбий асиirlари жойлаширилган. Мазкур жамлоқнинг бошқармаси Андижон вилояти Избоскан тумани Чувама қишлоғида жойлашган. Жамлоқ бошқарувида битта бўлим мавжуд бўлиб, у Андижон вилояти Жалолқудуқ туманида ташкил этилган.

Япон ҳарбий асиirlарини жойларда озиқ-овқат билан таъминлаш СССР Мудофа вазирлигининг 1945 йил 23 августдаги қарорига¹ асосланган ҳолда, 1945 йил 28 сентябрда СССР Ички ишлар Халқ Комиссарлиги ва Қизил армия фронт орти қисмининг бошлиқларининг “Япон армиясининг ҳарбий асиirlарини озиқ-овқат билан таъминлаш” ҳақидаги буйруғи²эълон қилинган³. Мазкур фармонни ишлаб чиқиша япон миллий ошхонасининг хусусиятлари инобатга олинган.

Мазкур фармондан келиб чиққан ҳолда, ҳар бир ҳарбий асирга кунлик озиқ-овқат миқдори белгиланган. Шунингдек, жамлоқлар ва уларнинг бўлинмаларидағи асиirlарнинг сонидан келиб чиқиб, ҳарбий таъминот бўлинмалари жамлоқ ҳамда унинг бўлинмаларига етказиб бериш керак бўлган бир ойлик маҳсулотни ҳисоблаб чиқиб туришган. Ҳарбий асиirlар учун мўлжалланган маҳсулотларнинг кунлик миқдори Ҳарбий асиirlар бош бошқармаси ва Ҳарбий таъминот бош бошқармаси томонидан белгиланиб берилган. Кунлик озиқ-овқат миқдори Ички ишлар халқ комиссари бошлиғи (кейинроқ Ички ишлар вазири) буйруғига кўра белгиланиб, иловалари билан биргаликда эълон қилинган. Асиirlарнинг мавқеи (унвони)га қараб, оддий аскар, кичик офицер, офицер, генералларнинг кунлик нормалари бир биридан фарқ қиласан. Спецгоспиталлар ва лазаретларда даволанаётган ҳарбий асиirlарга, уларнинг соғлиқларидан келиб чиққан ҳолда қунлик овқат миқдори тайинланган. Совет ҳукумати худудидағи жамлоқларда асиirlиқда сақланаётган немис, италян ва бошқа миллат асиirlарига қараганда, япон асиirlарининг миллий ўзига хослиги ҳисобга олиниб маҳсус овқатланиш миқдори ишлаб чиқилган.

¹ СССР Мудофа вазирлигининг 1945 йил 23 августдаги “Япон ҳарбий асиirlарини қабул қилиб олиш, худудларга тақсимлаш ва уларнинг меҳнатидан фойдаланиш” ҳақидаги 9898-сонли қарори.

² 1945 йил 28 сентябрда СССР Ички ишлар Халқ Комиссарлиги ва Қизил армия фронт орти қисмининг бошлиқларининг “Япон армиясининг ҳарбий асиirlарини озиқ-овқат билан таъминлаш” ҳақидаги 001117/0013-сон буйруғи.

³ Военнопленные в СССР. 1939–1956. Документы и материалы // Сост. Загорулько М.М., Сидоров С.Г., Царевская Т.В; гл. ред. Загорулько М.М.. М. Логос, 2000. С. 340.

Харбий асирлар орасида белгиланган меъёрдан ташқари, оғир жисмоний меҳнат билан машғул бўлган, жамлоқнинг хўжалик ишларида ишлайдиган ҳарбий асирларга, шакар ва сабзавотлар меъёрига қўшимча 25 фоиз кўпайтирилиб берилган. Нон ва гуруч мейёrlа-рининг қўшимчаси ҳам ҳарбий асирларнинг режадаги ишнинг қай даражада бажарилишига қараб қўшилган. Нон ва гуручининг мейёри тенг миқдорда оширилиб борилган. Белгиланган режадаги ишнинг 50 фоизи бажарилганда 25 грамм, режа 50–80 фоизгача бажарилса 50 грамм, 80–100 фоизгача 75 грамм, иш режадан 101 фоизга бажарилганда эса 100 грамм миқдорда қўшимча озиқ-овқат қўшиб берилган¹. Бу каби ишлар билан совет ҳукумати асирларни рафбатлантиришга ва бунинг натижасида иш унумининг ошишига уринган.

Жамлоқда хўжалик ва бошқа ишлар билан машғул бўлган ҳарбий асирлар учун 300 грамм нон ва шунча миқдорда гуруч (ярим тозаланган ҳолда) белгиланган. Ишлётган ҳарбий асирларнинг ҳар бирига кунига 5 грамм миқдорда сифати паст бўлган тамаки бериб борилган. Витаминалар эса шифокорлар тавсиясига кўра берилган.

Япон ҳарбий асирларининг СССРга олиб кирилиб жамлоқларга жойлаштирилгунгача бўлган вақт оралиғидаги озиқ-овқати Манжурия ерларида ўлжа сифатида қўлга киритилган Квантун армиясининг омборларида сақланаётган армия истеъмоли учун олиб қўйилган маҳсулотлардан иборат бўлган. Лекин япон ҳарбий асирларини мамлакатнинг бир қатор ҳудудларига жўнатиш вақтида 1945 йил сентябр ойининг охиригача, озиқ-овқатларнинг берилиши бир хил тартибда бўлмаган. Шундай бўлса-да, расмий равишда япон асирлари тўпланган фронт орти пунктларида озиқ-овқат нормалари мавжуд бўлган. Овқат маҳсулотларини асирларга вақтида берилишини назорат қилиш қўмондонлик ходимларига топширилган. Асирларнинг хотираларида қайд этилишича “Биз Хоутен, Чоушюн ва Харбиндан² ўтганимизда ҳаво совуқ эди. Овқатимиз қора нон ва бўтқасифат аралашмадан иборат эди. Нон шунчалик қотиб қолган эдики, уни умуман кесиб бўлмасди”³. Озиқ-овқат муаммоси нафақат асирларда, балки маҳаллий аҳолининг озиқ-овқат масаласи ҳам оғир аҳволда бўлган, чунки уруш тугагунча барча аҳоли истеъмол маҳсулотлари

¹ Военнопленные в СССР. 1939–1956. Документы и материалы // сост. Загорулько М.М., Сидоров С.Г., Царевская Т.В.; гл ред. Загорулько М.М. М. Логос, 2000. С. 389.

² Хитойнинг шимолий-шарқида жойлашган шаҳарлари. 1945 йилгача бу шаҳарлар Манчжуго давлати таркибиға кирган.

³ Худойкулов Ш. Японларга паноҳ бўлган юрт. Тошкент, 2012. Б. 21–22.

фронтга сафарбар қилинган бўлиб, ўзбек халқининг ўзи ҳам бу каби маҳсулотларга муҳтоҷ эди.

Бир тарафдан совуқ иқлим, бир тарафдан оғир шароит натижасида кўплаб асиrlар турли касалликларга чалинган. Япон асиrlари манзиллариға етиб келганларида, кўплари ҳолдан тойган ҳолатда бўлган. Совет ҳокимияти томонидан ҳосилни йиғиш бўйича буйруқ бўлмаганлиги сабабли, далалардаги кузги ҳосил йиғиб олинмаганлиги ҳам бу ишларга турткি берган. Лекин бу маҳсулотлар темирйўл бормаган ва район марказларидан узоқда жойлаштирилган асиrlарга тўлалигича етиб бормаган, натижада озиқ-овқат миқдорининг камлиги сабабли асиrlар орасида касаллар ва ўлим ҳолатлари кўпайиб кетган.

Ҳарбий асиrlар жамлоқларини озиқ-овқат билан таъминлаш Мудофаа вазирлигининг маҳсус “Жамлоқларни озиқ-овқат билан таъминлаш” бўлими ваколатига кирган. Мазкур бўлим дастлаб НКВД-га, кейинчалик ИИВга бўйсунган ҳолда фаолият олиб борган. Жамлоқлардаги асиrlарга озиқ-овқат маҳсулотларини етказиб бериш ва узлуксиз таъминлаш республика ва вилоятлардаги жамлоқларга бириктирилган ҳарбий асиrlар жамлоқлари омборларидағи захиралар ҳисобидан амалга оширилган. Озиқ-овқат маҳсулотлари дастлаб жамлоқлардаги омборларга келиб тушган ва у ердан турли истеъмол ҳамда талабга кўра жамлоқлардаги овқат тайёрлаш пункларига тақсимланган. Озиқ-овқат таъминотини етказиб бериш ташкилоти СССР ҳудудидаги ҳарбий асиrlарни истеъмол маҳсулотлари билан таъминловчи ягона ва йирик ташкилот ҳисобланган¹.

Ҳарбий асиrlар жамлоқларига яқин жойдаги колхозлар ва бошқа ташкилотлар ҳам, асиrlарни ишлатиш жараёнида улар билан тузилган шартномага асосан асиrlарни озиқ-овқат билан таъминлашнинг бир қисмини ўз зиммаларига олган. Одатда сабзавот ва мевали экин маҳсулотларини етказиб бериш, жамлоқларга яқин жойларда жойлашган совхоз ва колхозлар томонидан амалга оширилган. Бунинг эвазига улар ҳарбий асиrlарнинг меҳнатидан ўз эҳтиёjlари учун фойдаланиб туришган.

Япон ҳарбий асиrlарининг кунлик овқат меъёри Ғарбий давлатлар асиrlарнидан фарқ қиласан. Агар ғарб давлатлари асиrlари кунлик овқат меъёрида 600 грамм нон бўлса, япон асиrlарида шу

¹ Ким С.П. Продовольственное обеспечение японских военнопленных в 1945–1950 гг // Военно-исторический журнал. 2015. №2. С. 62–63.

меъёр иккига тақсимланган, шунда 300 грамм нон, 300 грамм гуруч ҳар бир япон асирининг кунлик меъёрига тўғри келган. Гарчи урушдан кейинги дастлабки йилларда гуруч қиммат маҳсулотлардан ҳисоблансада, бу ҳаракат билан советлар ўзларини японларга ғамхўр кўрсатаётгандек қўринган, лекин эътибор берилса кунлик ноннинг ярмини гуручга алмаштирилган.

Асиrlарга бериладиган кунлик миқдор асирининг унвонидан ташқари у ишлайдиган соҳага ҳам боғлиқ бўлган. Агар асир касал бўлса унга одатдагидан камроқ миқдорда озиқ-овқат берилган, лекин иложи борича рационга витамибли маҳсулотлар қўшишга ҳаракат қилинган.

Япон ҳарбий асиrlари орасида турли хил касалликлар келиб чиқ-маслик, озиқ-овқатларни витаминга бой қилиб тайёрлаш мақсадида 1945 йил 21 июндаги СССР Ички ишлар халқ комиссари муовини томонидан “Фойдали ёввойи ўт-ўланлар ва томирларни йиғиш ва бир жойга тўплаш”¹ тўғрисидаги фармойиши асосида асиrlар орасида ёрдамчи бригадалар ташкил этилиб, ҳафтанинг маълум вақтларида, юқоридаги ишларни бажариш мақсадида конвой билан тоғудаларга чиқиб кеч қайтишган. Териб келинган қўзиқорин, дартарбош (пижма), янтоқ, қичитқи ўт (крапива), дўлана, наматак, брусника, хўжагат (малина) ва бошқа шунга ўхшаш ёввойи ўт-ўланлар ҳамда мевалардан керакли миқдорда овқатга ишлатилиб, қишига ҳам захира сифатида олиб қўйилган.

Совет Иттифоқининг турли республикаларида кўплаб асиrlарни қабул қилиш ва жойлаштириш деярли бир хил бўлган. Шулар қатори Ўзбекистон ССРда ҳам, япон ҳарбий асиrlари келгунича бу ерда сақланаётган немис ҳарбий асиrlари билан бир қаторда уларни ҳам ётоқ, кийим-бош, озиқ-овқат ва турли хил шароитлар билан таъминлаш бир қатор нокулайликлар келтириб чиқарган. Хусусан, Ўзбекистон ССРдаги бир қанча ҳарбий жамлоқларга япон ҳарбий асиrlари жойлаштирилган. Шулар қатори Андижондаги 26-сонли ҳарбий асиrlар жамлоқида қарийб 2500 мингга яқин япон ҳарбий асиrlари жойлаштирилган. Ушбу жамлоқдаги япон ҳарбий асиrlарининг озиқ-овқат билан боғлиқ ишларини ташкиллаштириш ва бошқа маълумотларни 1947 йилларда Ўзбекистон ССР Ҳарбий асиrlар билан

¹ РФДА(Россия Федерациясининг Давлат архиви), 9401-фонд, 1-рўйхат, 745-ийғмажилд, 163-165-варақлар.

ишлиш бошқармасининг биринчи бўлим бошлиғи майор Смирнов¹ томонидан тузилган ҳисобот эътиборга лойикдир. Андижон вилояти Избоскан тумани Чувама қишлоғида жойлашган 26-сонли ҳарбий асиrlар жамлоқига озиқ-овқатлар марказдан туриб таъминланиши билан бирга қўшни Қирғизистон ССРдан ҳам етказиб турилган.

Андижон вилоятидаги 26-жамлоқ тасарруфидаги мазкур 300 гектар ердан 188 гектари ҳайдаб экишга мўлжалланган. Жамлоқ қарамоғидаги ердан жамлоқ учун полиз экиnlари, ҳамда турли ҳил уй ҳайвонларининг парваришилаши натижасида гўшт ва сут маҳсулотлар етиштирилиб, япон ҳарбий асиrlари истеъмоли учун етказиб берилган².

1944–1946 йилларда 26-сонли ҳарбий асиrlар жамлоғидаги асиrlар томонидан ёрдамчи хўжаликлирида экин ерларини кенгайтириш ва чорва молларини кўпайтириш бўйича муҳим ишлар амалга оширилган. Жамлоқ ёрдамчи хўжалиги учун ажратилган ер майдони пахта майдонларининг охирида жойлашгани ва ерларни суғориш учун керак бўладиган ариқ сувларининг яхши етиб бормаслиги ҳамда экин экишга нокулай бўлса-да, асиrlарнинг қаттиқ меҳнатлари самараси ўлароқ яхши ҳосил олинган.

1946–1947 йилларда Андижон вилоятидаги Избоскан тумани Чувама қишлоғи ва Жалолқудук тумани Жанубий Оламушук шаҳарчасидаги 26-ҳарбий асиrlар жамлоғи учун ёрдамчи хўжалик ерлари, экиnlар учун қуийидагича тақсимланган, жумладан, донли ва дуккакли экиnlар учун 168 гектар, картошка учун 6–10 гектар атрофида, беда - 30 гектар, полиз экиnlари учун – 46 гектар, жами 260 гектар. Булардан ташқари, мазкур 26-жамлоқ қарамоғига 62 гектардан иборат узумзор ва мевали дараҳтлардан иборат боғ берилган. Жамлоқдаги асиrlарни сабзавот билан тўлиқ таъминлаш учун жамлоққа яна 120 гектар ер етишмаган, бунга асосий сабаблардан бири жамлоқ жойлашган ҳудудда бўш ерларнинг мавжуд эмаслиги эди. Шу каби ҳолатлар туфайли ҳам ёрдамчи хўжалик ерларида етиштирилган сабзавотлар ва дуккакли экиnlар жамлоқнинг озиқ-овқатга бўлган эҳтиёжини тўлиқ қондира олмаган³.

¹ РДХА, 1а-фонд, 15-рўйхат, 67-ийғмажилд, З- З- варакнинг орқа томони.

² Региональные структуры ГУПВИ НКВД-МВД СССР. 1941–1951: Отчётно-информационные документы // гл. ред. Загорулько М.М. Волгоград: Издатель, 2006. Т.5. Кн. 2. С. 433.

³ Региональные структуры ГУПВИ НКВД-МВД СССР. 1941–1951: Отчётно-информационные документы // гл. ред. Загорулько М.М. - Волгоград: Издатель, 2006. Т. 5. Кн. 2. С. 434.

Мазкур жамлоққа экиш ва полиз маҳсулотлари етишириб олиш учун берилган ерларнинг учдан бири етишмаслигини ҳисобга олиб, жамлоққа бириктирилган ёрдамчи хўжаликда етиширилган қишлоқ хўжалиги истеъмол маҳсулотлари асиirlарнинг бу маҳсулотларга талабининг 30%-40% гача бўлган талабини қондира олган.

Озиқ-овқат етказилишидаги узулишларни марказий омборлардан олинган буюртмалар асосида олиб келинган озиқ-овқат ҳисобига қопланган. Ёрдамчи хўжалик томонидан жамлоққа сабзавотларни етишириб беришда узилишлар бўлмаган, фақат Ўзбекистон ССРда ҳосили кам бўлган картошка бундан мустасно эди.

Жамлоқ истеъмол учун режалаштирилган қўп миқдордаги сут ва гўшт маҳсулотларини ўзига бириктирилган ёрдамчи хўжаликда боқилаётган чорва молларидан олинган. Ёрдамчи хўжаликда асиirlар томонидан ҳайвонларни парвариш қилиш уюшган ҳолда амалга оширилганлиги учун яхши натижа берган. Жамлоқга истеъмол учун олиб келинган озиқ-овқатни тайёрлаш ва асиirlарга тақсимлаш учун, жамлоқда 2500 киши овқатланиши учун 700 ўриндиқдан иборат ошхона, 50 тоннагача сабзавот ва 200 тоннагача озиқ-овқат сақлашга мўлжалланган омборхона мавжуд бўлган¹.

Жамлоқ тарқатиб юборилгунга қадар жамлоқдаги ёрдамчи хўжаликда 41 та от, 87 та қорамол, 193 та чўчқа, 211 та қўй ва эчкилар, 31 та парранда бўлиб, 1947 йилнинг май ойида жамлоқ тарқатилиб юборилгандан сўнг, унга қарашли ёрдамчи хўжалигидаги бинолар қорамоллар ва экин ерлари унинг ўрнида ташкил этилган Андижон болалар колониясига ўтказилган².

Жамлоқлардаги ҳарбий асиirlарни кийим-кечаклар билан таъминлаш, уруш вақтида ўлжа сифатида қўлга киритилган кийимлар ҳисобидан амалга оширилган. Асиirlарни кийим-кечак билан таъминлашда камчиликлар қузатилмаган. Асиirlар устки ва ички кийим ҳамда пойабзал билан таъминланган бўлиб, булардан ташқари жамлоқ омборхонасида захирада ҳам ортиқча кийим-кечак сақланган. Жамлоқдаги асиirlарнинг яроқсиз ҳолга келган кийим-кечакларини таъминлаш учун тиқувчилик ва поябзал устахоналари мавжуд бўлган. Жамлоқдаги барча асиirlар ётоқ учун чойшаб ва тўшак билан тўлиқ таъминланган³.

¹ РДҲА, 1а-фонд, 15-рўйхат, 66-йиғмажилд, 4-варақ.

² РДҲА, 1а-фонд, 15-рўйхат, 66-йиғмажилд, 2-54-вараклар

³ Бу каби ишлар 1946 йилнинг баҳоридан бошлаб амалга оширилган.

СССР ИИВнинг 450-сонли фармонига биноан, асиrlарга озиқ-овқатни табақалаштирилган кўринишда берилиши, ҳарбий асиrlар ичида уларга юклатилган иш режасини бажармаётган ишчи ҳарбий асиrlарнинг ярмидан кўпининг овқат меъёрининг камайишига олиб келган. 1947 йилнинг 17 март ойидан бошлаб, асиrlарнинг овқатга бўлган эҳтиёжнинг кўплиги сабабли овқатни емакка кўпроқ эга бўлиш мақсадида япон асиrlарининг ичида кўйилган талабдаги ишнинг 80 фоизни бажараётганлар камайиб борган, энди асиrlар ишни 100 фоизга ва ундан оширишга ҳаракат қилишаётганилиги кўринган. Шундай бўлса-да, 1947 йилнинг январ ойидан апрел ойигача асиrlарга марказий омборларидан озиқ-овқатларни келтириш камайган, баъзида узилишлар бўлиб турган¹.

Жамлоқлардаги омборхоналарда сақланаётган захирадаги маҳсулотлар етмай қолиш ҳолатлари ҳам кузатилган. Жамлоқлар қаромоғидаги ёрдамчи хўжаликларда етиширилган полиз маҳсулотлариниг ҳаммаси асиrlарга овқат учун ишлатилмаган, чунки бу маҳсулотнинг бир қисми давлат омборларига топширилган. Бу вазиятдан чиқиш мақсадида барча жамлоқларга асиrlарни ишдан бўш вақтларида, истеъмолга яроқли ёввойи ўсимликларни териб жамлоқларга олиб келиб, овқатга қўшимча сифатида ишлатиш ҳақида 1947 йил 6 март куни 43-йўриқнома келиб тушган².

Худди шундай ҳолатни Андижон вилояти Жалолқудук туманида жойлашган 26-сонли ҳарбий асиrlар жамлоғида ҳам кузатиш мумкин. 1966 йилда Жалолқудук тумани Жанубий Оламушук шаҳарчаси “Бирлашган” маҳалласида туғилган Сирожиддинов Ҳакимжонҳожининг хотирлашича, унинг дадаси Маҳсумҳожи ота уларга бригадир бўлиб ишлаган. “Японлар ишдан бўш вақтларида Қора дарё ва Андижон сойга тушиб ёввойи ҳайвонлар (илон, қурбақа, шиллиқурт, чигиртқа)ни тутишар, адирларга чиқиб ёввойи ўсимликларни териб келишар эди. Маҳаллий аҳоли буларнинг ишларига ажабланиб қарарди. Бизлар уларга уйларимиздан нон, сут, қатиқ олиб келиб берар эдик. Мамлакатда вазият шундоқ ҳам оғир эди”³.

Баъзида ёввойи ўсимликларни ёки қўзиқоринларни еб заҳарланиш ҳолатлари ҳам бўлиб турган. Заҳарланган япон асиrlарининг

¹ Ким С.П. Продовольственное обеспечение японских военнопленных в 1945–1950 гг. // Военно-исторический журнал. 2015. № 2. С. 67–68.

² Японские военнопленные в СССР: 1945–1956. Сборник документов. Под ред. Гаврилов В.А. Катасонова Е.Л. М.: 2013. С. 83–85.

³ Дала тадқиқотлари. Андижон вилояти. Суҳбат 2013йил 27 март куни бўлиб ўтди.

ярми вафот этган. Заҳарланган японлардан сабабини сўрашганда, баъзи ёввойи ўсимликлар ва қўзиқоринларни ўзларидағи қўзиқорин ва ўсимликларга ўхшашлиги учун истеъмол қилишганини айтишган¹.

Ҳарбий асиrlар жамлоғида асиrlарнинг озиқ-овқатга бўлган талаби қондирилмай, соғлиги ёмонллашгани ва ўлим ҳолатлари кўпайиб бораётганли ҳақидаги кўплаб мурожаатлардан сўнг ССР Ички ишлар вазири С.Н. Круглов томонидан 1947 йил 25 январда барча ҳарбий асиrlар жамлоқлари бошлиқларига 21-рақамли маҳфий йўриқнома жўнатилган. Унга кўра, барча жамлоқларда озиқ-овқатни вақтида етказиш ва асиrlарга тўғри тақсимлаш, шу билан бир қаторда жамлоқларда тафтиш ўтказиш буюрилган. Текширишлар натижасида, кўплаб ҳарбий жамлоқларнинг маъмурияти ва ходимлари томонидан озиқ-овқатни маълум миқдорини асиrlарга бермай, хужжатларни сохталаштириб, кўчириш ҳолатлари кузатилган².

Бу каби ишларни қилганлар жазо сифатида кўплари партия сафидан ўчирилиб, жиноий жавобгарликка тортилиб, айrim ходимларни бошқа жамлоқларга ишини кўчиртириб ўтказиб юборишган, ишдан ҳайдашган, пенсия ёшига етиб қолганларини пенсияга чиқариб юборишган. Жами 250 ходим жавобгарликка тортилга³. Жамлоқларга янги бошлиқлар тайинланган, жамлоқнинг кўплаб ҳодимлари алмаштирилган, огоҳлантиришлар берилган. Шундай тадбирлардан кейин жамлоқлардаги озиқ-овқат муаммоси бартараф этила бошлаган.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзекистонда сақланаётган япон ҳарбий асиrlарининг озиқ-овқат таъминоти ССР Ички ишлар халқ комиссариати буйруқлари асосида амалга оширилган. 1945 йилнинг охирларида Совет Иттифоқида сақланаётган миллионлаб турли миллат вакилларидан иборат асиrlарни озиқ-овқат билан таъминлаш, катта машиққат талаб этган. Уларнинг меҳнатидан мамлакат қишлоҳ хўжалиги, саноати ва иқтисодини қўтаришда сезиларли даражада фойдаланилган. Асиrlарга табақалаштирилган тарзда ва меҳнат унумдорлигига қараган ҳолда озиқ-овқат меъёрлари тайинланган, бу эса ўз навбатида мамлакатда озиқ-овқат захирасининг этишмаслигидан дарак берарди. Асиrlарга берилиши керак бўлган озиқ-овқат, кўп ҳолларда рўйхатдаги овқат маҳсулотларини бошқа маҳсулотлар билан алмаштириб турилган. Япон ҳарбий асиrlарининг озиқ-овқатларнинг сифати 1945 йилга нисбатан 1947 йилларга келиб яхши тарафга ўзгарган.

¹ РФДА, 9401-фонд, 1-рўйхат, 2434-йиғмажилд, 105-варақ.

² РФДА, 9401-фонд, 1а-рўйхат, 257-йиғмажилд, 7, 29, 45-46-варақлар.

³ РДҲА, 1-фонд, 17а-рўйхат, 18-йиғмажилд, 23-24, 29-варақлар.

XX асрнинг 60–80 – йилларида Сурхон воҳаси бронза даври ижтимоий ҳаёт масалаларининг ёритилиши

Тоҳир Норкобилов

Ўзбекистон тарихи давлат музейи илмий ходими

XX асрнинг 60–80 – йилларида Сурхон воҳаси бронза даврига оид археологик маълумотларнинг кенгайиши натижасида, турли тадқиқотларда қадимий дәҳқончилик жамоаларнинг ривожланиш хусусиятларини таҳлил қилиш имкони пайдо бўлди.

Ўрта Осиёдаги бронза даври ёдгорликларини ўрганган В.М. Массон, А.А. Асқаров, В.И. Сарианиди, И.С. Масимов, Т.Ш. Ширинов ва бошқа олимлар, бу даврда ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг тараққиётини қайд этганлар. Минтақанинг турли дәҳқончилик вилоятларида турлича ишлаб чиқариш фаолияти мавжуд бўлганлиги тўғрисида ихтисослашган ҳунармандчилик-кулолчилик, металличилик, тўқимачилик, заргарлик ҳамда бинокорлик ва сунъий суғоришга асосланган зироатчилик дарак беради¹. Тадқиқотчиларнинг муҳим хулосаларидан бири шундан иборатки, бронза металлургиясининг ривожланиши натижасида меҳнат қуролларнинг турлари кўпайди. Бу ўз навбатида меҳнат унумдорлигини оширди ва натижада кўп тармоқли ҳунармандчилик соҳалари вужудга келди².

А.А. Асқаровнинг тадқиқотларига кўра, Сополлитепада саккизта катта оила жамоалари истиқомат қилган. Улар кичик оила аъзоларидан иборат бўлиб, алоҳида уй-жойларда яшаган³. Ҳар бир хонадон турар жойлар, рўзғор ва хўжалик хоналаридан иборат бўлган. Аҳолининг ижтимоий тизимида катта оиласалар ўз хўжалигига эга бўлиб, иқтисодий мустақил жамоаларни ташкил қилган. Ўзбекистоннинг бронза даври археологиясида мазкур маълумотлар турли масалаларни ҳал қилишда хизмат қилган.

Сурхон воҳасининг бронза даври манзилгоҳларида истиқомат қилган аҳолининг умумий сонини аниқлаш жараёнида, тадқиқотчи-

¹ Массон В.М. Экономика и социальный строй древних обществ. Ленинград: Наука, 1976. С. 180; Аскаров А.А. Сапаллитепа. Ташкент: Фан, 1973. С. 139; Сарианиди В.И. Бактрия в эпоху бронзы // СА. Москва, 1974. №4. С. 49–71; Ширинов Т.Ш. Джаркутан – ранний город эпохи бронзы юга Узбекистана // Зоны и этапы урбанизации. Ташкент: Фан, 1989. С. 43–44.

² Аскаров А.А., Ширинов Т.Ш. Ранняя городская культура эпохи бронзы юга Средней Азии. Самарканд: Институт археологии АН РУз, 1993. С. 96.

³ Аскаров А.А. Древнеземледельческая культура эпохи бронзы юга Узбекистана. Ташкент: Фан, 1977. С. 134.

лар Ўрта Осиё археологиясида мавжуд маълумотлар ҳамда Қадимги Шарқ тарихига оид ёзма манбаларга таянишган. Шумер ҳужжатла-рида мавжуд оилалар рўйхати, Қадимги Шарқдаги кичик оила мил. авв. III-II мингийиллиқда 4–5 кишидан иборат бўлғанлигидан гувоҳлик беради¹. Ушбу далилларни инобатга олган ҳолда, В.М. Массон² ва А.А. Асқаровлар³ бронза даври оиласи 5–6 кишини ўз ичига олган деб холоса чиқарганлар. Шунга кўра, А.А. Асқаров Сополлитепада биринчи босқичда 154 киши, иккинчи босқичда 314 киши, учинчи босқичда 242 киши истиқомат қилган деб ёзган⁴. Бунда турар жой-ларнинг майдони ва ошхона ўчоқларининг умумий сони ҳисобга олинган. Мазкур масалаларнинг илгари сурилиши ва ҳал қилиниши ҳолатларини Ўзбекистон бронза даври археологиясида янгича ёнда-шув сифатида баҳолаш мумкин.

Катта оила аъзолари умумий уй-жойда ҳаёт кечиришган ва бун-дай уйлар аҳоли масканларида уруғдош жамоаларга тегишли гузар-ларни ташкил этган. Шу давр жамиятнинг ижтимоий муносабатла-рида уруғчилик тузумига хос алоқалари ривожланишига доир қўлга киритилган маълумотлар шундан дарак берадики, хўжалик ишла-рини катта оила аъзолари биргаликда амалга оширишга ва шу са-бабли жамоанинг озиқ-овқат маҳсулотлари умумий мулкка айлан-тирилган. Бундай шароитда жамоа аъзолари орасида маҳсулотлар баравар тақсимланганлиги ибтидоий тузумнинг асосий белгилари ҳисобланади.

Сополлитепада топилган моддий ашёлар ҳунармандчилик соҳа-лари (кулолчилик, тўқимачилик, бронзага ишлов бериш) юксак даражада ривожланганлигини исботлаб берган. А.А. Асқаровнинг таъкидлашича дехқончилик ва ҳунармандчиликнинг тараққий эти-ши аҳоли ижтимоий ҳаётида сезиларли ўзгаришларга олиб келган⁵. Бундан келиб чиқиб, жамиятнинг ривожланиши, ишлаб чиқарувчи кучларнинг ўсиши билан катта оилаларнинг озиқ-овқат маҳсулот-лари ва ҳунармандчилик буюмларини орттиришлари учун қулай шароит яратилган, деб холосага келиш мумкин. Лекин бронза даври

¹ Дьяконов И.М. Общественный и государственный строй древнего Двуречья. Шумер. Москва: Наука, 1959. С. 17–18.

² Массон В.М. Эволюция первобытных поселений Средней Азии // Успехи среднеазиатской археологии. Ленинград: Наука, 1972. Вып.1. С. 9.

³ Аскаров А.А. Древнеземледельческая культура эпохи бронзы ... С. 150

⁴ Аскаров А.А. Древнеземледельческая культура эпохи бронзы... С. 150

⁵ Аскаров А.А. Сапаллитепа. Ташкент: Фан, 1973. С. 139.

Ўрта Осиёда хусусий мулкчилик ва мол айирбошлаш даражаси ҳақида тарих фани фақат археология маълумотларига эга. Бизнингча, археологик маълумотлар бронза даврида Ўрта Осиёning жанубидаги, шу жумладан Сурхон воҳасида ижтимоий-иқтисодий жараёнларнинг ҳар томонлама ўрганиш жиҳатдан бироз чекланган. Шу боис А.С. Сагдуллаевнинг дехқончилик аҳолисининг ҳаётида қадимги уруғчилик анъаналари, шу жумладан, катта оила аъзолари томонидан хўжаликни биргалиқда олиб бориш, ерга эгалик қилиш, умумий турар жойда (катта жамоа уйларида) яшаш анъаналари сақланиб қолган деган фикрига кўшилиш мумкин¹.

Хусусий мулкчилик ва ижтимоий табақаланиш тўғрисида бронза даври қабрларидан топилган буюмлар ҳам далолат бериши мумкин. Сополлитепанинг айrim қабрларида сопол идишлар билан биргалиқда бронзадан ишланган қуроллар, тақинчоқлар, баъзи қабрлардан эса фақат сопол идишлар топилган. Қабрларда учрайдиган буюмларнинг сон ва сифат кўрсаткичлари аҳоли ижтимоий табақалашишнинг белгиларидан биридир.

Шимолий Афғонистон, Жанубий Туркманистондаги ёдгорликлар билан қиёслаш сифатида, шуни таъкидлаш жоизки, Жанубий Туркманистондаги бронза даврига оид Олтинтепа аҳолиси В.М. Массоннинг фикрига кўра, зироатчи, ҳунармандлар ва зодагонлар гуруҳларига ажралиб, алоҳида уй-жойларда яшаганлар².

В.И. Сарианиди ўз тадқиқотларида Шимолий Афғонистондаги (Жанубий Бақтрия) хронологик жиҳатдан Сополли маданиятига замондош бронза даври ёдгорликларини ўрганиш натижасида, Қадимги Бақтриядаги оила ва жамият, ижтимоий-иқтисодий муносабатларни таҳлил қилган³. Даشتли З ёдгорлигига топиб текширилган ибодатхона ва сарой меъморчилиги ҳамда археологик мажмуалари таҳлилига алоҳида эътибор қаратилган⁴. В.И. Сарианидининг таъкидлашича, ибодатхонада тахминан 150–200 киши истиқомат қилган (миқдор жиҳатдан бу кўрсаткич Сополли аҳолисига тенгдир). Улар, асосан дехқончилик ва ҳунармандчилик билан шуғулланишган⁵.

А.А. Асқаровнинг таъкидлашича, Сополли маданияти ижтимоий тизимишининг ўрганиш жараёнида “Авесто”да тасвирланган қадимги

¹ Сагдуллаев А.С. Қадимги Ўрта Осиё тарихи. Тошкент: Университет, 2004. Б.32.

² Массон В.М. Алтын-Депе // Труды ЮТАКЭ. Т.XVIII. Ленинград: Наука, 1981. Т.XVIII. С. 101.

³ Сарианиди В.И. Древние земледельцы Афганистана. Москва: Наука, 1977. С. 132–139.

⁴ Сарианиди В.И. Бактрия в эпоху бронзы // СА. Москва, 1974. № 4. С. 49–71.

⁵ Сарианиди В.И. Древние земледельцы Афганистана... С. 138.

жамиятнинг тизими ва мазкур манбада тилга олинган түртбурчакли қалъя - “вара” ҳақида маълумотлар муҳим аҳамиятга эга¹. “Вара” “Авесто”нинг “Видевдат” китобида тилга олинган бўлиб, ёзувсиз замонларга оид тасаввурларини ўзида сақлаган. А.А. Асқаров Сополли, Даштли-3 ва Кучуктепа каби ёдгорликларни “вара” билан таққослаган. Аммо Сополли ва Кучуктепа ёдгорликлари хронологик ҳамда меъморчилик жиҳатдан бир-биридан фарқ қилган. Кучуктепа алоҳида жойлашган нисбатан кичик уй-қўрғон бўлган. Шунинг учун ҳам уни Сополли қаторида “вара” билан қиёслаш баҳслидир. Бундан ташқари Сополли маданияти жамоалари “Авесто” жамиятига нисбатан юқорироқ даражада ривожланганлиги эҳтимолдан ҳоли эмас, бироқ бу масала илмий адабиётларда муҳокама қилинмаган.

А.А. Асқаров бронза давридаги оила, хусусий мулк ва ижтимоий тизим мавзусини таҳлил қилиб, Сополлитепанинг ҳар бир гузаридага алоҳида уруғ вакиллари ва умуман саккизта яқин қариндош уруғ аъзолари истиқомат қилган деб ёzádi². Ундан ташқари Сополли маданияти аҳолисининг ижтимоий тизимини “Авесто” маълумотлари билан қиёсланган ҳолда, Сополли аҳоли масканини “Авесто” тушунчасидаги - “вис” (урӯғ) ва унинг саккизта гузар-даҳаларини - “нмана” (оила) билан таққосланган³. Фикримизча, ушбу хulosага ойдинлик киритиш лозим, яъни, “саккизта яқин қариндош уруғ аъзолари” ўрнида, Сополлитепада “саккизта катта патриархал оилаларнинг аъзолари истиқомат қилиб, улар бир умумий уруғ – “вис” вакилларини ташкил этган” деган хulosса бу жойда ўринлидир. А.А. Асқаровнинг дастлабки тадқиқотларида ҳам айнан шу хulosса чиқарилган⁴.

Олиб борилган археологик тадқиқотлар натижаларининг таҳлилига кўра, бронза даврида Сурхон воҳасидаги Сополлитепа маданиятининг пайдо бўлиши қадимги қабилалар томонидан янги ерларни ўзлаштирилиши, сув манбалари ва хомашё конларини кашф этиш жараёнлари билан боғлиқ бўлган, деб хulosса чиқариш мумкин. Саккизта катта патриархал оилалари аъзоларидан иборат бир умумий уруғ вакиллари янги ерларда мураккаб мудофаа тизимиға эга манзилгоҳ ва уй-жойларни барпо этиб, асосан дехқончилик ва хунармандчилик билан шуғулланишган. Фикримизча, Сополли аҳолиси ижтимоий бирлашма бўлиб, ерга биргаликда эгалик қилган.

¹ Аскаров А.А. Древнеземледельческая культура эпоха бронзы... С. 143.

² Аскаров А.А. Древнеземледельческая культура эпоха бронзы... С. 143.

³ Аскаров А.А. Древнеземледельческая культура эпоха бронзы... С. 143.

⁴ Аскаров А.А. Сапаллитепа... С. 137.

**Ўзбекнинг бойлиги кимларни бойитди?
(Тошкент вилояти табиий хомашёлари
ўзлаштирилишига доир)**

Жамишид Пиримқулов

*Ўзбекистон тарихи давлат музейи бўлими мудири,
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)*

Мустамлакачилик шароитида марказий ҳокимият биринчи навбатда, қўл остидаги ҳудудларнинг табиий захираларига эътибор қартиши барчага маълум. Хусусан, совет ҳукумати мамлакатда олиб борган иқтисодий ислоҳотлар ҳам айнан шу мақсад негизига қурилган бўлиб, айниқса, янги саноат шаҳарларининг вужудга келишида бу ҳолат яққол номоён бўлди. Шу жиҳатдан, мазкур тадқиқот орқали ўтган асрда совет ҳукумати олиб борган иқтисодий ислоҳотлар Тошкент вилояти саноат шаҳарлари мисолида, уларнинг зиддиятли тараққиёти очиқланиши мақсад қилиб олинди.

Аввало, шуни қайд этиш жоизки, ўлканинг табиий ресурслари ни совет иқтисодига жалб этиш ўтган асрнинг 20–30-йилларидан бошлаб Ўзбекистон ҳудудида амалга оширилган совет геологлари қидирув экспедицияларидан бошланди. Ушбу экспедиция хулосаларига кўра, Тошкент атрофидаги тоғли ҳудудлар мис, уран, олтин, кўмир ва бошқа мамлакат иқтисодиёти учун муҳим табиий хомашёларга бой эканлиги маълум бўлди. Бундан ташқари, ўлканинг қулай табиий шароити ҳам эътибордан четда қолмади. Жумладан, тоғ ёнбағирларидан оқиб ўтувчи Чирчиқ дарёсининг айланма ҳаракати арzon электр манбаига асос бўлиши ўз илмий исботини топди. Натижада, Тошкент воҳасида дастлаб электрэнергияга ихтисослашган Чирчиқ (1935), кейинги йилларда эса, тоғ-кон саноатига асосланган Бекобод (1945), Ангрен (1946), Олмалиқ (1951) каби саноат шаҳарлари вужудга келди.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида мазкур ҳудудларда аниқланган табиий хомашёлар ғалаба учун хизмат қилди. Хусусан, 1941–1945 йиллар оралиғида Ангрен атрофларидан жами 475 минг тонна кўмир¹, Олмалиқ ҳудудида аниқланган конлардан 500 минг тоннадан ортиқ қимматбаҳо маъданлар², Чирчиқ шаҳрига урушнинг даст-

¹ История новых социалистических городов Узбекистана (Ташкентская область). (Отв. ред. д.и.н. Г.Р. Рашидов). Ташкент: "Фан", 1976. С. 112.

² Безродный И. Баратов Т. Кутлуг ёшинг муборак Олмалиқ! // Олмалиқ ҳақиқати. 27-сон. 11 июль, 1996. Б. 1.

лабки йилларида күчириб келтирилган саноат корхоналари ишлаб чиқарған 800 минг тоннадан ортиқ кимёвий маҳсулотлар ва қурол яроғлар, Бекобод ҳудудига күчирилган металлургия комбинати томонидан 150 минг тоннадан зиёд рангли металлар¹ фронт эхтиёжла-рига сафарбар этилди.

Урушдан кейинги йилларда ҳам совет ҳукумати халқ хўжалиги назоратини ўз қўлида сақлаш мақсадида уруш йилларида самара берган маъмурий буйруқбозлик усулидан фойдаланишни давом эттирди. Ушбу жараёнда энг аввало, мамлакатда йирик саноатни вужудга келтиришга катта эътибор қаратилди. Натижада, Ўзбекистон ҳудудида саноат учун зарур ислоҳотлар олиб борилди. Ҳусусан, 1945 йилдан бошлаб, республикадаги машинасозлик корхоналари қишлоқ хўжалиги техникалари учун шиналар, кимё саноати корхоналари ўз навбатида қишлоқ хўжалиги учун табиий ўғитлар ишлаб чиқара бошлади. Бундан ташқари, ўлқадаги оғир саноат корхонала-ри ҳам халқ хўжалигига йўналтирилди.

Масаланинг яна бир муҳим жиҳати, совет ҳукумати мамлакатда-ги барча ишлаб чиқариш тармоқлари бошқарувини давлат тизгини-да ушлаш учун ўзига хос тизимни йўлга қўйган эди. Унга қўра, рес-публикалардаги ишлаб чиқариш кучлари бошқа ҳудуддаги саноат маҳсулотларига бевосита қарам бўлиши талаб этилар эди. Бундан ташқари, корхоналар фаолияти учун зарур хомашё миқдори ҳам дав-лат томонидан белгилаб қўйилган эди. Ушбу жараён 1923 йилдан фаолияти йўлга қўйилган Давлат режа қўмитаси (“Госплан”) ҳамда 1948 йилда ташкил этилган Моддий ва техник таъминот бўйича дав-лат қўмитаси (“Госснаб”) орқали бошқарилар эди. Мазкур идоралар тузилмаси совет ҳукумати бошқаруви даврида бир неча бор ўзгарга-нига қарамай, умумий иқтисодий қонуниятларни четлаб ўтолмади. Оқибатда мамлакатдаги барча корхоналарда ишлаб чиқариш билан боғлиқ жиддий муаммолар кучайиб борди.

Шунинг билан бир қаторда совет ҳукумати саноат корхоналарида ишлаб чиқариш ҳамда уни тақсимлаш вазифасини бевосита республика ихтиёридан олиб қўйган эди. Ушбу жараён ҳукумат томонидан ишлаб чиқилган ўзига хос тизим асосида олиб борилди. Иккинчи жаҳон урушидан кейинги йилларда Ўзбекистон ҳудудидаги оғир са-ноатга ихтисослашган корхоналар иш фаолиятининг ташкил этили-

¹ Трудовой подвиг строителей Фарҳад ГЭС. // Общественные науки в Узбекистане. № 5, 1985. С. 40.

ши масаласи Ангрен шаҳридаги кўмир саноати корхоналари мисолида кўриб чиқиш мумкин.

Жумладан, 1947 йилга оид архив хужжатларида қайд этилишича, Ангрен шаҳридаги “Кўмир кон қурилиш” шўъбаси томонидан тайёрланган хомашё дастлаб “Ўрта Осиё кўмир қидирув” (“Средазуглеразведка”) ташкилоти фондига ўтказилган¹. Ўз навбатида, мазкур ташкилот Москвадаги “Шарқ кўмир қидирув бош бошқармаси” (Главвосток углеразведка)га хомашёни юборган². 1948 йилда ушбу бошқарма давлат таъминот идорасига ҳисоб тақдим этган. Давлат таъминот идораси ишлаб чиққан режа асосида Шарқий худудлардаги кўмир саноати вазирлиги (Министерство угольной промышленности восточных районов) маҳсулотни мамлакат бўйлаб барча зарур соҳаларга тақсимлаш вазифасини олган³. Шу тартибда кўмирнинг маълум қисми “Ўрта Осиё кон лойихалаш институти” (Средазгипрошахта) фондига қайтарилган. Ушбу муассаса 1949 йилда лойиҳа асосида тақсимланган республика халқ хўжалиги учун зарур кўмирни Ўзбекистон Министрлар Кенгашига тақдим этган⁴. Ўзбекистон ҳукумати, ўз навбатида, кўмирни соҳалар бўйича тақсимлаган. Кўриб турганимиздек, Ангрен худудида қазиб олинган кўмир маҳсулоти Москва (Марказ) орқали бошқарилган бўлиб, республика эҳтиёжлари учун маълум қисмигина қайтарилган. Бунда асосан Марказ томонидан белгилаб берилган иқтисодий вазифалар инобатга олинган. Яъни, у даврда Ўзбекистонни пахта етиштириш базасига айлантириш сиёсати олиб борилганлиги ҳисобга олинса, тақдим этилган кўмир ҳам айнан шу соҳага хизмат қилиши талаб этилган. Республикадаги бошқа тармоқларда маҳсулот тақчиллиги йиллар давомида хал этилмай келинган. Натижада республика иқтисодиёти бир тарафла-ма шаклланишга мажбур бўлган.

Бу каби сиёсат Олмалиқ шаҳридаги оғир саноатга ихтисослашган корхоналарга ҳам тадбиқ этилган. Жумладан, “Олмалиқ қўрғошин қурилиш” шўъбаси томонидан тайёрланган қимматбаҳо металлар аввало, Москвадаги Рангли метал қидирув (“Цветметразведка”) ташкилоти фондсига юборилган⁵. Ушбу ташкилот шўъбадан қабул қилиб

¹ ЎзМА, 2117-фонд, 1-рўйхат, 332-ийғмажилд, 1-варақ.

² ЎзМА, 2117-фонд, 1-рўйхат, 385-ийғмажилд, 70-варақ.

³ Ўша манба, 81–92-варақлар.

⁴ “Правда Востока”. 20-сентябрь, 1949.

⁵ Ҳасанов А., Топилов Т., Асқаров М., Атаканов А. Кўҳна ва навқирон Олмалиқ. Тошкент: “Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси” нашриёти, 2000. Б. 59.

олган маҳсулот ҳақида давлат таъминот қўмитасига ҳисобот берган. Берилган ҳисобот асосида таъминот қўмитаси мамлакатдаги турли саноат корхоналарига белгиланган иқтисодий вазифалардан келиб чиқсан ҳолда хомашёни тақсимлаган. Шунингдек, Чирчиқ шаҳрида фаолияти йўлга қўйилган қишлоқ хўжалиги учун зарур ўғитлар тайёрлаб берувчи корхоналар ҳам даставвал ўз маҳсулотларини Москвадаги Кимё саноати вазирлиги (“Министерство химической промышленности”)га юборишга мажбур бўлган. Ушбу вазирлик ўз навбатида тақсим режа тузиш учун давлат таъминот қўмитасига ҳисобот тақдим этган. Давлат таъминот қўмитаси тузган тақсим режа асосида Ўзбекистонга пахта саноати учун маҳсулотнинг бир қисми етиб келган. Бундан ташқари, Бекобод ҳудудида фаолият олиб борган Ўзбекистон металлургия заводи томонидан ўзлаштирилган Фарҳод тоғлари этагидаги металлар ҳам Ўзбекистон металлургия комбинатида хомашё ҳолатига келтирилиб, Москвадаги Оғир саноат вазирлиги (“Министерство тяжёлой промышленности”) ихтиёрига ўтказилган. Ушбу вазирлик ҳам тақсим режа учун давлат таъминот қўмитасига ҳисобот тақим этган. Давлат таъминот қўмитаси ишлаб чиқсан тақсим режа асосида вазирлик маҳсулотни мамлакат бўйлаб етказиш мажбуриятини олган. Бекободда фаолият олиб борган цемент ишлаб чиқариш корхонаси томонидан тайёрланган маҳсулотлар ҳам худди шу тартибда халқ хўжалиигига жалб этиш тизими жорий қилинган. Цемент маҳсулотлари даставвал Москвадаги Министрлар кенгашининг қурилиш ишлари бўйича давлат қўмитаси (“Госстрой”) ихтиёрига ўтказиб берилган. Мазкур муассаса мамлакатдаги қурилиш режасига жалб этиш мақсадида давлат таъминот қўмитасига ҳисобот топширган. Мазкур ҳисобот асосида таъминот қўмитаси тақсим режа ишлаб чиқсан. Тақсим режа ижроси қурилиш ишлари бўйича давлат қўмитасига юклатилган. Иккинчи жаҳон урушидан кейинги йилларда Бекобод ҳудудида тайёрланган цемент маҳсулотлари асосан республикада қурилган янги йирик иншоотлар хусусан, Фарҳод ГЭС, йирик саноат корхоналари, ишлаб чиқариш муасасаларига жалб этилган эди.

Шунингдек, ушбу корхоналар учун кадрлар тайёрлаш тизими ҳам урушдан кейинги йилларда бирёқлама кечди. Янги ташкил этилган саноат корхоналари учун ишчиларнинг катта қисми Москва ташаббуси билан кўчириб келтирилган аҳоли вакиллари хиссасига тўғри келар эди. Бундай тизимни вужудга келиши аввало, режага асосланган иқти-

содий муносабатлар туфайли, имкон қадар тез фурсатда кўпроқ маҳсулот тайёрланиши заруриятидан маҳаллий кадрларни етиштириш учун вақт ҳам маблағ ҳам ажратилмаганлиги билан боғлиқ эди¹. Бу ўз навбатида, янги ташкил этилган ресурс шаҳарлар аҳолиси ҳам асосан қўчириб келтирилган аҳоли вакилларидан иборат бўлишига олиб келди.

Масаланинг яна бир жиҳати корхоналарнинг ишлаб чиқариш кувватлари урушдан аввалги даврга мансуб бўлиб, хорижий асбоб-ускуналарга нисбатан 15–20 йил ортда қолган эди². Умуман, ишлаб чиқаришда ишчилар жуда оғир шарт шароитларда меҳнат қиласар эдилар. Масалан, урушдан кейинги дастлабки босқичда металлургияда хали хануз кислород орқали портлатиш усули қўлланилмай келар эди, кўмир очик усулда қўлга киритилар, бошқа тармоқ корхоналарда ҳам қўл меҳнати устунлик қиласар, ускуналар автоматлашмаган эди. Бу қолоқлик фан ва техникани ишлаб чиқариш билан узвий боғланмаганлиги оқибати эди. Ушбу жараён кейинги йилларда шаҳарлардаги экологик мувазанатнинг бузилиши, тоғ кўчкилари сингари бир қатор муаммоларни юзага келтирди.

ХХ асрнинг 80-йиллари иккинчи ярмига келиб, ишлаб чиқариш технологияси ўз давридан ортда қолиб кетгани, бу эса ўз навбатида маҳсулотлар сифатига таъсир кўрсатиб, омборхоналар сифатсиз маҳсулотларга тўлиб кетгани даврий матбуотда қаттиқ танқид остига олина бошланди. Бошқарувнинг маъмурий буйруқбозлиқ усули ва уни мафкуралаштириш иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда халақит берар эди.

Гарчанд, ишлаб чиқариш тенологияларини янгилаш талаб этилса-да, ҳукумат томонидан корхоналарни молиялаштиришда тенг тақсимлаш³ ва қолдиқ тамоилига⁴ амал қилиниши оқибатида, маблағлар етишмаслиги билан муаммолар йиллар давомида ўз ечими ни топмай келди. Шунингдек, совет ҳукумати бошқаруви йилларида жамиятда порахўрлик, қўшиб ёзиш, боқимандалик каби хислатлар авж олди. Ҳусусан, ҳисбот ҳужжатларда Тошкент вилояти Чирчик шаҳридаги авто-таксо парк ҳодимлари томонидан 1986 йилда режа бажрилганлигини кўрсатиш мақсадда “қўшиб ёзиш” сиёсати нати-

¹ Батафсил қаранг: Peremkulov J.A. Historical demographic review of industrial cities of Tashkent region // International Journal of Psychosocial Rehabilitation. Vol. 24. Issue 09, 2020. P. 2364–2376.

² Самохин М. Ю. Экономическая история России. Москва: ГУ ВШЭ, 2001. С. 275.

³ * Тенг тақсимлаш (уравнилировка) – ишлаб чиқариш кучларини мамлакат бўйлаб тақсимлаш тизими.

⁴ ** Қолдиқ тамойили – иқтисоддаги бирон-бир тармоққа бефарқлик, иккинчи даражада муносабат билдириш.

жасида умумий қиймати 6.000 сүмлик ёқилғи күчага оқизиб юборилғанлик ҳолати аниқланғанлиги қайд этилган¹. Бошқарувнинг буйруқбозлик усули, бефойда қоғозбозлик ва охири йўқ мажлисбозликлар қонунларнинг амалда ишлашига ва иқтисодиётнинг ривожига салбий таъсир кўрсатиб келди. Бундай шароитда ишчилар ҳам масъулиятсизликка ва ташаббусизликка мослаша бордилар. Совет хукумати томонидан саноат корхоналари фаолиятини ривожлантиришга оид 200000 дан ортиқ қонун хужжатлари қарор қилингандан бўлса-да, маъмурий тўсиқлар туфайли ташаббуслар бўғиб борилар эди.

Бундан ташқари, совет ҳокимиятининг сўнгги йилларида республика қишлоқ хўжаликлари шаҳарлар томонидан оталиққа олиниши вазиятни янада оғирлашишига олиб келди. Хусусан, 1985 йилга оид матбуот материалларида Ангрен шаҳри Тошкент вилояти Бўка туманидаги “Мичурин” номли жамоа хўжалигига ва Оҳангарон туманида ташкил этилган ёрдамчи хўжаликларни ўз оталиғига олганлиги акс этган бўлиб, ушбу худудлардаги озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш давлат режасига бевосита Ангрен шаҳридаги “Резинотехника” корхонаси масъул этиб белгиланган эди². Жумладан, 1986 йилга оид матбуот саҳифаларида корхона ишчилари томонидан ёрдамчи хўжаликлarda 80 тонна гўшт, 50 тонна сут, 3 тонна асал, 80 минг дона тухум, 14 тонна сабзавот маҳсулотлари етиштириб бериш мажбурияти акс этган мақолалар чоп этиб борилган³. Бу турдаги мажбуриятлар республикадаги барча корхоналар томонидан қабул қилингандиги даврий матбуотда ўз аксини топган⁴. Иқтисодиётдаги бундай мажбуриятлар натижасида, саноат корхоналари ишчилари зиммасига ишлаб чиқаришдан ташқари ёрдамчи хўжаликларни юритиш билан ҳам овора бўлганликлари режаларнинг ўз вақтида бажаришда тўсиқ бўлганлигини асослаш мумкин.

¹ Сессияда депутатлар таклиф киритади, танқид қиласи (Чирчиқ шаҳридаги автобустаксомотор паркининг слесари А.В. Глушченко) // Тошкент ҳақиқати. 84-сон. 24 апрель, 1986 йил. Б. 2.

² Мехнат коллективларининг 1985 йилги социалистик мажбуриятлари (Ангрен шаҳри) // Тошкент ҳақиқати. 3-сон, 4 январь, 1985. Б. 2.

³ Интенсивлаштириш йўлидан: “Ўзбекрезинатехника” ишлаб чиқариш бирлашмасининг 1986 йилги социалистик мажбуриятлари // Тошкент ҳақиқати. 20-сонлар. 25 январь, 1986 йил. Б. 2.

⁴ Мехнат коллективларининг 1985 йилги социалистик мажбуриятлари: Янгийўл, Ангрен шаҳарлари, ОКМК Рух заводи электролит цехи катодчилари бригадаси, Чирчиқдаги “Фунча” тикувчилик фабрикаси ва б. // Тошкент ҳақиқати. 2-4-сонлар. 3-5 январь, 1985 йил. 2-бет; Машинасозларнинг янги мэрралари: “Ўзхиммаш” заводи колективининг 1985 йилги социалистик мажбуриятлари // Тошкент ҳақиқати. 11-сон. 16 январь, 1985 йил. 1-бет; Ишчи кучи кам эмас. // Тошкент ҳақиқати. 22-сон. 29 январь, 1986 йил. Б. 2.

Шу тариқа республика иқтисодида таназзул қучайиб борди. Хатто 1985 йилда қабул қилинган иқтисод асосини қучайтиришга қаратилган дастур ҳам, республикадаги саноат, қурилиш ва транспорт корхоналарини хўжалик ҳисобига ўтказиш тадбирлари ҳам, 1987 йилда иқтисодни қайта ташкил этиш ҳамда хўжалик тизимини қайта ислоҳ қилиш сиёсати ҳам фойда бермади.

Маъмурий буйруқбозлик усулларини кўллаб келган вазирлик ва бўлинмалар иқтисодий ислоҳотларга тўсқинлик қилишда давом этдилар. Ҳусусан, Ангрен шахридаги кўмир кони бу даврда Кўмир саноати вазирлиги қошида фаолият юритганлигига қарамай, Энергетика вазирлиги буйруқлари орқали ишлаб чиқариш йўлга қўйилганлиги ҳамда бунинг натижасида ҳисботлар топшириш жараёнида тушунмовчиликлар юзага келганлиги расмий ҳисботларда ўз аксини топди¹.

Хулоса қилиб айтганда, иккинчи жаҳон уруши ва ундан кейинги йилларда совет ҳукумати олиб борган иқтисодий ислоҳотлар энг аввало, иқтисодни марказлаштириш, давлат томонидан белгиланган режа асосида шаклланишига замин яратди. Аммо бозор муносабатлари хусусиятлари эътиборга олинмаслиги оқибатида XX асрнинг 80-йиллари ўрталаридан мамлакат иқтисоди тушкунликка учради. Бунинг асосий сабаблари қуидагиларда намоён бўлди:

1. Совет иқтисодида ишлаб чиқариш қуввати сифат билан эмас, миқдор билан белгиланар эди. Бунинг оқибатида тайёрланган маҳсулотнинг катта қисми яроқсиз эди. Бу ўз навбатида мамлакат бўйлаб маҳсулот танқислигини сунъий равища юзага келишига олиб келди.

2. Маҳсулотнинг тан нархи ишлаб чиқариш харажатларига мос келмас эди. Йирик саноат корхоналари томонидан етказиб берилиган хомашё тан нархи давлат томонидан белгиланган бўлиб, унда кўп холларда йўл харажатлари, меҳнатга хақ тўлаш ва хатто фойда ҳисобга олинмас эди.

3. Режа ҳамда таъминот қўмиталари ўртасидаги номутаносиблиқ. Давлат иқтисоди мазкур икки муассаса қўлида жамланган эди. Аммо улар ўртасида маҳсулот етказиб бериш ва уни истеъмолчига тақдим этиш билан боғлиқ тизим мукаммал эмас эди. Бундан ташқари, ишлаб чиқариш учун белгиланган маблағларни сунъий қисқартирилиши ҳам ушбу тизимдаги энг катта муаммолардан бири эди.

¹ Кўмир қазиб чиқариши тезлаталийлик. // Тошкент ҳақиқати. 41–42-сонлар. 26 февраль, 1986 йил. 12-бет; В.В. Березовский. Сессияда депутатлар таклиф киритади, маслаҳат беради, танқид қиласди // Тошкент ҳақиқати. 84-сон. 24-апрель, 1986 йил. Б. 2.

4. Давлат иқтисодида ишлаб чиқаришдан кўра, тайёр маҳсулотни (кўмир, нефт ва газ сингари ёқилғи маҳсулотлари, қимматбаҳо металлар, пахта ва б.) сотиш амалиёти устуворлик қилас эди.

5. Совет ҳукумати томонидан саноат корхоналари тараққиётига эътиборнинг кучайтирилиши натижасида қишлоқ хўжалиги катта зарар кўрди. Йиллар давомида истеъмол маҳсулотлари танқислиги кучайиб бориши билан бир қаторда, қишлоқ аҳолисининг турмуш даражаси танг аҳволга келиб қолди.

Кадрлар орасида боқимандалик кайфияти кучайди. Бу энг аввало, мулкка эгалик ҳуқуқи бўлмаганлиги билан изоҳланади. Маъмурий буйруқбозлик туфайли, ишлаб чиқариш жараёнида бюрократик тўсиқларнинг кучайиши билан корхона раҳбарлари орасида вужудга келган вазиятдан чиқиш йўлларини излаш жараёнида порахўрлик, “кўшиб ёзиш” каби салбий иллатларнинг авж олиши кучайди.

О трех знаменитых Туркменах из Мерва (Мары), репрессированных в 1930-е годы

Мурадгелди СОЕГОВ,
доктор филологических наук, профессор, академик Академии
наук Туркменистана, г. Ашхабад

Введение. Впервые о видных национальных деятелях 20-х годов XX века Бекги Эмировиче Бердиеве и Аллакули Шазадаевиче Карабахнове я услышал во второй половине 70-х годов прошлого столетия из уст народного писателя республики Хыдыра Дерьяева, когда он, как член-корреспондент Академии наук участвовал на заседаниях Ученого совета тогдашнего академического Института языка и литературы имени Махтумкули, а я, будучи секретарем молодежной организации, представлял там институтскую научную молодежь. Хыдыр-ага, так к нему тогда с почтением обращались все, в своих редких и очень кратких репликах по обсуждаемым НИР и научным статьям называл иногда имена и фамилии этих своих наставников, хотя он 40 лет тому назад, как показывают протоколы его допросов, проводимых в 1937 году, ради спасения своей жизни от неминуемой смерти был вынужден отрицать свое близкое знакомство с ними, в частности, со своим земляком, доцентом Среднеазиатского государст-

венного университета (САГУ) Б.Э. Бердиевым, первого вуза по всей Центральной Азии, где Х. Дерьяев тогда обучался.

Для автора настоящих строк, защитившего кандидатскую (в 1978 г.) и затем докторскую (в 1991 г.) диссертации по лингвистике, члена-корреспондента Академии наук Туркменистана (с 1993 г.), профессора по специальности «Национальные языки» (с 1994 г.) и действительного члена – академика (с 1995 г.) Туркменской академии наук, а также издавшего в разные годы несколько сборников своих стихов и члена тогдашнего Союза писателей СССР (с 1989 г.), наряду с чисто научными проблемами, были и остаются небезразличными вопросы, связанные с жизнью и деятельностью знаменитых людей, репрессированных по политическим мотивам в 30-е и 50-е годы прошлого столетия. Исследования, проводимые нами в данной области научных знаний, как бы духовно компенсируют не созданные прозаические произведения уже не состоявшегося писателя-документалиста. Это – одна сторона медали. Ее другая сторона состоит из того, что на основе вновь выявленных сведений мы снова и снова возвращаемся к ранее опубликованным своим разработкам¹, дополняя и дорабатывая их. Одним из примеров подобного рода может служить настоящая публикация.

2. Бекги (Бекки, Беки) Эмирович Бердиев (1897(98?)–1970). Ознакомившись с выдержками из протоколов допроса арестованных и свидетелей в 30-е годы по уголовным делам политически неблагонадежных, приведенными в книгах писателя-публициста и поэта-песенника Аллаяра Чуриева, а также из подобных документов, размещенных в интернет-сайты, узнаем о неуточненных до этого нами событий из жизни Б.Э. Бердиева. Это, во-первых, то, что в начале 20-х годов он несколько лет проживал в Батуми (Грузия) и, во-вторых, в конце 20-х и начале 30-х годов работал в Среднеазиатском государственном университете (САГУ) в Ташкенте (Узбекистан). В разговоре, проведенном с Б.Э. Бердыевым в ноябре 1952 года, он сообщил, что после Закаспийской авантюры (скорее всего, он имел в виду, прежде всего, свое нахождение в составе первого Туркменского национального правительства 1918 года в качестве министра продовольствия)

¹ Ssöýegow M. Hydry Derýáýew. Türkmen dili hem edebiýaty. Aşgabat, 1995, No. 5–6. 50-52-s; Соегов М. Страницы из истории “Большого террора”: Врач, который занимался ученебно-методическими и научными вопросами родного языка // Сохранение и развитие родных языков в условиях многонационального государства: проблемы и перспективы. V Международная научно-практическая конференция, 19–22 ноября 2014 г. Казань, 2014. С. 277–279; Соегов М. Репрессированная наука Туркменистана: Б. Э. Бердиев (1898–1970) // Сходознавство. Киев, 2015. С. 116–125.

он работал в Батуми у коммерсанта, торгующего часами, по поручениям которого с коммерческой целью побывал в Турции, Иране и Афганистане и там встретился с туркменскими эмигрантами, хорошо знавшими своего отца Эмир-хаджи Бердиева¹.

Многодетный Эмир-хаджи Бердиев, совершивший несколько раз хадж в святые места для мусульман в Аравии, был образцом подражания для Бекги, Какаджана и других своих сыновей, он принадлежал к активной и передовой части туркменского общества того времени. Усилиями своего отца Бекги и его братья получили превосходное образование своего времени: он и Какаджан еще до 1917 года окончили Императорский Петербургский университет, обучаясь соответственно по медицинскому и юридическому направлениям. Некоторые его братья получили военное образование. Их отец, Эмир-хаджи Бердиев, активно участвовал в бурных событиях тех лет, при этом всегда старался исходить из требований быстроменяющейся общественной обстановки. Как явствует из «Стенограммы 1-го Съезда представителей Туркменского народа», состоявшего в Ашхабаде в марте 1920 года с участием Командующего Туркестанским фронтом М.В. Фрунзе, хаджи Эмир Бердиев наряду с А. Кульмухамедовым и другими видными представителями туркменского народа выступал за установления в Туркменистане Советской власти. Он, в частности, сказал: «Мы видим, что Советская власть стремится к свободной жизни для всех народов и мы восславляем эту Советскую власть»².



Рис. 1. М.И. Богданова



Рис. 2. Б.Э. Бердиев

¹ Türkmen edebiyaty Taryhy şahslar Bekgi Berdiýew URL: androidbook.clan.su/news/bekgi.../2018-10-26-2965 (дата обращения: 09.05.2022).

² Стенограмма 1 съезда представителей туркменского народа. URL: http://islamperspectives.org/gri/items/show/11525 (дата обращения: 05.01.2022)

Не вдаваясь в подробности дальнейшей политической жизни братьев Бердиевых, лишь отметим, что Бекги Бердиев еще в студенческие годы вступил в ряды партии кадетов (Конституционно-демократическая партия), программной целью которой в марте 1917 года было провозглашено установление в России демократической и парламентарной республики, в отличие от большевиков, установивших в стране после октября того же года диктатуру пролетариата, Бекги Бердиев (Рис. 2), ставший в последующем беспартийным, до конца своей жизни боролся открыто или скрытно за подлинную демократию и парламентаризм. Он – участник съезда (курултая) народных представителей, провозгласившего в ноябре 1917 года Туркестанскую (Кокандскую) автономию.

Еще укажем на то, что в книге «История революции в Бухаре» участника революции в Бухаре Файзуллы Ходжаева приводится факт о том, как в Новой Бухаре (в последующем Каган), после принятия Манифеста бухарского эмира от 17 марта 1917 года против этого манифеста «при большом стечении рабочих и солдат, открылось заседание Совета рабочих и солдатских депутатов совместно с представителями младобухарцев и джадидов. На этом собрании из младобухарцев выступил я (т.е. сам Ф. Ходжаев – М.С.), а из сочувствующих нашему делу не членов младобухарской партии – Беки Бердиев и Ариф Каримов». Автор книги под номером 38 дает следующее разъяснение в отношении этих двух лиц: «Каримов Ариф – брат известного Фатыха Каримова, редактора газеты «Баки», долгое время издававшейся в Оренбурге. Беки Бердиев – туркмен, тогда студент-медик из Закаспия»¹. Нет никаких сомнений в том, что Файзулла Ходжаев в своей книге речь ведет именно о Бекги Эмировиче Бердиеве, обучающемся тогда на последнем курсе Санкт-Петербургского университета².

Согласно показаниям бывшего директора НИИ языка и литературы при Правительстве Туркменской ССР (ТССР) Богдановой Медины Искандеровны (Рис. 1) [в книге А. Чуриева сокращенно: В. (8, стр. 119, 135)], 1908 года рождения, уроженка г. Бухары, по национально-

¹ Ходжаев Ф. История революции в Бухаре URL: <http://saint-juste.narod.ru/Khodzhaev.html> (дата обращения: 04.02.2022).

² О его политической деятельности еще см.: СОЕГОВ, Мурадгелди. Еще раз о первом председателе Государственного ученого совета Туркменистана, авторе вводной статьи к сборнику Махтумкули 1926 года и других работ // Актуальные проблемы гуманитарной науки: фольклористика, литературоведение, этнография, история, археография. Материалы Всероссийской (с международным участием) научно-практической конференции. Уфа: ИИЯЛ УФИЦ РАН, 2019. С. 484–489.

сти татарка, осужденная в 1937 году по статье 58 Уголовного Кодекса ТССР и реабилитированная уже в 1938 году, в период ее обучения в 1925–1929 гг. в САГУ Б.Э. Бердиев преподавал, будучи доцентом, в Восточном факультете того же вуза (допрос производился 12 мая 1955 года, в г. Москве лейтенантом Ушаковым. Тогда М.И. Богданова занимала должность заведующей кафедрой литературы народов СССР МГУ им. М.В. Ломоносова¹). Из этих же документов следует, что Б.Э. Бердиев в 1925–1931 гг. в период работы в САГУ составил «Очерки по истории Туркменистана» и «Русско-туркменский словарь»², которые остались неизданными. Из опубликованных трудов Б.Э. Бердиева можем указать на его «Предисловие» к сборнику стихов Махтумкули (Ашхабад, 1926) и его доклад, включенный в «Стеклографический отчет» Первого тюркологического съезда (Баку, 1926), а также переводные с русского языка книги.

Бекги Эмировичу Бердиеву более 30 лет (с 1932 по 1954 гг.) своей жизни на основе решений органов тогдашнего человеконенавистнического режима пришлось провести вдали от родного края в каторжных условиях. Несмотря на это, он никогда не падал духом и умер естественной смертью, прожив еще 16 лет после полной реабилитации и возвращения в родной Туркменистан.

3. Аллакули (Алла Кули) Шазадаевич Карабаханов (1892–1938). Начнем с ознакомления со справкой об уголовном деле, составленной по нашему письменному обращению и поступившей в наш адрес с сопроводительным письмом за номером 10/1456 от 10 июня 1992 года, которое подписано начальником подразделения КГБ Туркменской ССР Еписфановым С.М. В нем, в частности, говорится о том, «что рукописи Карабаханова А.К. в архивных материалах не обнаружены». Ниже приводим полный текст упомянутой справки:

«С П Р А В К А
по материалам архивного уголовного дела
в отношении Карабаханова Алла Кули

КАРАХАНОВ Алла Кули. 1892 г.р., уроженец Мервского района, а. Мюльк-Бахши, туркмен, гр-н СССР, образование высшее, на день

¹ Çüriýew A. Bir soragyň ýigrimi ýyllyk sütemi. Taryhy-publisistik oçerkler. Aşgabat: «Mesrep» nesirýaty 1993. S. 135, 138. (PDF-a geçirildi 01.12.2018. Internetde «Enedilim.com» sahypasynyn kitaphanasy.

² Türkmen edebiýaty Taryhy şahslar Bekgi Berdiýew URL: androidbook.clan.su/news/bekgi.../2018-10-26-2965 (дата обращения: 09.05.2022).

ареста органами НКВД работал зав. врачебным пунктом в ауле Мюльк-Бахши, проживал там же»

Алла Кули Карабанов воспитывался в семье дяди Ораза Чары оглы, проживавшего в ауле Мюльк-Бахши, Мервского р-на, так как рано потерял родителей.

Учился у известного ахуна в Мервском районе Молла Чадама, затем Медресе в г. Бухаре. Ещё в дореволюционный период поступил в высшее учебное заведение европейского типа в г. Уфе (так указано в деле). После Советизации Среднеазиатского региона Алла Кули Карабанов учится в г. Ташкенте в САГУ, по окончании которого работает там же, в Инпросе.

О служебной деятельности Карабанова А.К. в материалах дела имеются отрывочные сведения, в основном, со слов его самого. В 1920 году Карабанов организовывает высшие курсы для учителей в г. Мерве, которые создавались по инициативе Атабаева К. По окончании курсов слушатели направлялись в школы, техникумы и высшие учебные заведения для преподавательской деятельности.

К лингвистической конференции, состоявшейся в 1929 году в г. Ашхабаде. Карабанов А.К. подготовил грамматику туркменского языка, в которой преобладал текинский диалект (из его показаний на допросах). Конференция была посвящена проблемам развития туркменского языка, а также его реформированию. На ней была также рассмотрена грамматика Мухамеда Гельдыева, в основу которой был положен иомудский диалект. В итоге было принято компромиссное решение – частично объединение текинской и иомудской грамматик.

20 сентября 1937 года Карабанов А.К. подвергается аресту органами НКВД ТССР по обвинению в принадлежности к контрреволюционной организации “Туркмен Азатлыгы”, по заданию которой “популярировал феодально-националистических классиков и тормозил реформы туркменского языка, проводимые партией и правительством”.

Постановлением тройки НКВД ТССР от 25 января 1938 года осужден к высшей мере наказания – расстрелу. Приговор приведен к исполнение 26 февраля 1938 года в г. Ашхабаде. Место захоронения установить, к сожалению, не представляется возможным, так как сведений о захоронения жертв репрессий в архивах КНБ – МВД не имеется.

Определением Судебной коллегии по уголовным делам Верховного суда ТССР от 4 декабря 1959 года уголовное дело в отношении Ка-

раханова А.К. производством прекращено за отсутствием в его действиях состава преступления, и он реабилитирован. По материалам дела Карабанов А.К. состоял членом ВКП(б). Год вступления неизвестен, исключен, видимо, в связи с возбуждением уголовного дела. Семья Карабанова А.К. состояла из жены Джумасолтан, 28 лет (возраст на 1937 год) и дочерей: Огулджемал, 8 лет, Энеджан, 6 лет, Акджемал, 4 года и Огул Халлы, 1 год. Все проживали в ауле Мюльк-Бахши Мервского района. На январь 1962 года жена Аклякулиева Джумасолтан проживала там же.

Сотрудник подразделения КНБ Туркменистана

(Подпись) Е.И. Пурисова

10 июня 1992 года. № П-48740

Данная справка, содержащая ценные сведения о А.Ш. Карабанове, вместе с тем нуждается в некоторых разъяснениях и уточнениях. Так, например, известный мулла, у которого обучался наш герой в детстве, был знаменит в Мервском регионе под именем Гадам-ахун, а не молла Чадам, как написано в справке. По-видимому, кто-то перепутал начальные буквы в его личном имени.

“Высшее учебное заведение европейского типа в г. Уфе”, в котором обучался Карабанов, был Медресе “Галия”. Там же, но до него, получил превосходное образование видный туркменский языковед Мухаммед Гельдыев (1889–1931). Атабаев К., по поручению которого в 1920 году Карабанов организовал в Мерве высшие учительские курсы, не мог быть никем иным, как Кайгызыза Атабаевым (1887–1938), занимавшим в том 1920 году высшие руководящие должности сначала в Туркменской области, а затем в Туркестанско АССР – Председатель Правительства Автономной Республики.

В 1920 году А.Ш. Карабанов (Рис. 3) поступил в Туркестанский государственный университет, переименованный в 1923 году в Среднеазиатский государственный университет, и окончил его медицинский факультет.

Первая научная конференция Туркменистана, обсудившая тогдашние насущные вопросы туркменского языка, проходила в мае 1930 года, а не в 1929 году, как об этом констатируется в “Справке”. В 1929 году была издана “Грамматика туркменского языка” М. Гельдыева, выполненная на туркменском языке, а “Грамматика туркменского языка” написанная А.Ш. Карабановым, вышла лишь в 1931 году. В этой книге впервые указано и отчество ее автора: Шазадаевич. Учеб-

ное пособие для чтения “Эне дилемиз” (“Наша родная речь”) А.Ш. Каражанова нашло своих читателей еще в 1923 году тиражом 5 тыс. экз.



Рис. 3. А.Ш. Каражанов

Начиная с 1922 года (журнал “Туркмен или” и другие издания), А.Ш. Каражанов выступал со своими статьями и сообщениями, посвященными злободневным для тех лет темам. Заинтересованным читателям рекомендую ознакомиться с нашими публикациями, появившимися в разные годы в научных изданиях России и Казахстана¹.

4. Хыдыр (Хидыр, Хадыр) Дерьяев (1905–1988). Если мне не изменяет память, это происходило в первые годы распространения телевидения среди жителей моего родного Ходжамбазского района Лебапского вилайета, который граничит с Узбекистаном. Телевизоры тогда не показывали передачи на туркменском языке из телецентра далекого Ашхабада, и поэтому смотрели передачи на узбекском языке, передаваемые телецентром в Ташкенте. Помню, когда я, приезжая из Ашхабада, находился в летнем трудовом отпуске в Ходжамбазе у своих родителей, мои родные и их соседи, как увлеченные телезрители, смотрели по узбекскому телевидению телеспектакль «Қисмат» режиссера Саъдуллы Анорқулова, созданный им по одноименному роману туркменского писателя Хыдыра Дерьяева (название романа по туркменскому оригиналу «Ықбал», по-русски «Судьба»).

¹ Соегов М. Страницы из истории “Большого террора”: Врач, который занимался ученно-методическими и научными вопросами родного языка. Сохранение и развитие родных языков в условиях многонационального государства: проблемы и перспективы (V Международная научно-практическая конференция, 19–22 ноября 2014 г.), Казань, 2014. Стр. 277–279; Соегов М. Три эпизода из периода «Большого террора»: депрессированная национальная филология. Вестник Казахстанско-Американского Свободного Университета Научный журнал. Вып. 2. Общие проблемы филологии. Усть-Каменогорск, 2014. С. 8–19.

Первый вариант своего будущего четырехтомного романа-эпопеи «Ыкбал» Хыдыр Дерьяев издал еще в 1937 году под названием «Ганлы пунжеден» («Из кровавых ногтей»). Но не дали доценту Хыдыру Дерьяеву заниматься дальше своей любимой научно-педагогической работой и художественно-творческим творчеством. 27 сентября 1937 года состоялось расширенное заседание кафедры языка и литературы Ашхабадского государственного пединститута, на котором после соответствующего обсуждения было принято постановление следующего содержания: просить дирекцию пединститута освободить доцента кафедры Хыдыра Дерьяева от занимаемой должности, который занимался и занимается националистической и контрреволюционной деятельностью, ярко проявившуюся в его научных трудах и литературных произведениях, в частности, в романе «Из кровавых ногтей», а также за его связи в студенческие годы в САГУ с уже разоблаченными и арестованными Бекги Бердиевым, Аллакули Карабановым и другими контрреволюционерами-националистами. Доводы, приводимые в выступлении доцента в свое оправдание на заседании кафедры, не были приняты во внимание. Вскоре после этого заседания Х. Дерьяева увольняют с работы, и 11 октября 1937 года он был взят под стражу¹.

Свидетели, допрошенные по делу обвиняемого Х. Дерьяева, дали подтвердительные показания. Так, например, упомянутая выше нами М.И. Богданова на допросе, состоявшемся 14 ноября 1937 года, на вопрос оперуполномоченного 4-го отдела ГУБ, сержанта службы госбезопасности А.Г. Айрапетяна, знает ли она задержанного, Х. Дерьяева рассказала, что с ним ее ознакомил в 1929 году доцент Восточного факультета САГУ Бекги Бердиев, когда они вместе обучались на этом факультете: М. Богданова – по специальности «Иранистика», Х. Дерьяев – по специальности «Тюркология». Бекги Бердиев консультировал студентов их курса по турецкому и татарскому языкам. Он представил Х. Дерьяева как способного студента-туркмена с надеждой на его блестящее будущее. Поэтому, по мнению Богдановой, между ними существовала крепкая дружба. Она также рассказала о том, что вторично с Х. Дерьяевым встретилась уже в 1935 году, когда приехала на работу в Ашхабад.

¹ Çüriýew A. Bir soragyň ýigrimi ýyllyk sütemi. Taryhy-publisistik oçerkler. Aşgabat: «Mesrep» nesirýaty 1993. S. 113-118. (PDF-a geçirildi 01.12.2018. Internetde «Enedilim.com» sahypasynyn kitaphanasy).



Рис. 4. Хыдыр Деръяев

Самого задержанного Хыдыра Деръяева подверг допросу 3 декабря 1937 года оперуполномоченный 4-го отдела ГУБ, сержант службы госбезопасности Ерастенков, в ходе которого обвиняемый отрицал свою причастность к националистическим организациям и дружбу с Бекги Бердиевым. Несмотря на это, после этого единственного допроса Хыдыр Деръяев был осужден 5 декабря 1937 года тройкой НКВД ТССР сроком на 10 лет с условием пребывания в исправительно-трудовом лагере (ИТЛ). В момент ареста его семья, проживавшая в г. Ашхабаде, состояла из жены Кумуш (22 года от роду) и 5-летнего сына Эзиза.

Выдержки из документов, относящихся к уголовным делам, возбужденным в 30-х годах XX века, которые включены в уже упомянутую нами книгу писателя-публициста и поэта-песенника Аллаяра Чуриева, свидетельствуют о том, что Х. Деръяев, отсидевший два года своего 10-летнего срока в г. Уде-Уде, 5 сентября 1939 года подал на имя Генерального Прокурора СССР кассационную жалобу с просьбой по пересмотру своего уголовного дела¹. Спустя еще два года, в начале апреля 1941 года были еще раз допрошены свидетели по делу К. Деръяева. Один из них, свидетель Курбан Сопиев (в книге сокращенно: С.), допрошенный 5 апреля 1941 года следователем следственного отдела КГБ ТССР, сержантом службы госбезопасности Семченко, ссылаясь на рассказы Ходжамурада Байлиева, в частности, дал показание о том, что Хыдыр Деръяев в период учебы в САГУ имел тесные связи с Бекги Бердиевым и Аллақули Каражановым².

¹ Çüriýew A. Bir soragyň ýıgrımı ýyllyk sütemi. Taryhy-publisistik öcerkler. Aşgabat: «Mesrep» nesiryaty 1993. S. 125. (PDF-a geçirildi 01.12.2018. Internetde «Enedilim.com» sahypasynyn kitaphanasy).

² Çüriýew A. Bir soragyň ýıgrımı ýyllyk sütemi. Taryhy-publisistik öcerkler. Aşgabat: «Mesrep» nesiryaty 1993. S. 128-130. (PDF-a geçirildi 01.12.2018. Internetde «Enedilim.com» sahypasynyn kitaphanasy).

Обращения Х. Дерьяева в вышестоящие дистанции не дали никаких положительных результатов¹, если не считать его перевод с ИТЛ в Улан-Уде в Алтайский ИТЛ, существовавший с января 1943 по апрель 1945 гг. По этому поводу мы располагаем пока лишь следующим интернет-сообщением: Дерьяев Хадыр. Родился в 1905 г., Закаспийская обл; туркмен; Заключенный 37 колонны 3 отделения Алтайлага НКВД. Проживал: с. Николаевка Михайловского р-на. к 6 годам лишения свободы с последующим понижением в правах на 3 года². По непроверенным данным, он тогда наряду с другими заключёнными был занят на строительстве зданий для содовых печей Михайловского содового комбината. Наше личное письмо как ученого-исследователя, работающего по данному направлению, которое было отправлено 13 августа 2021 года по электронному адресу на имя главы администрации Николаевского сельсовета Михайловского района Алтайского края Маркина Анатолия Владимировича и заместителя главы администрации сельсовета Федоткиной Оксаны Александровны с просьбой сообщить сохранившиеся официальные данные или воспоминания старожилов села о временном их односельчанине Х. Дерьяеве, пока остается без ответа. Хыдыр Дерьяев (Рис. 4) провел 19 мучительных лет своей жизни в местах лишения свободы вдали от родного Туркменистана, куда он смог вернуться после своей полной реабилитации в 1956 году. Удручет тот факт, что после такой длительной разлуки его 24 летний сын Эзиз, студент мединститута (впоследствии доктор медицинских наук, профессор), не помнил и не узнал своего отца. Последующие 32 года жизни бывший доцент-языковед посвятил развитию туркменской художественной прозы, создав, кроме эпопеи «Судьба», ряд романов и других сочинений, при этом, никогда не затрагивал вопросы своей жизни, проведенной в сталинских застенках за колючей стальной проволокой. В конце также вспомним, что в свое время по Узбекскому государственному телевидению была показана телеспектакль «Кисмат», поставленная узбекскими актерами по роману «Судьба» Х. Дерьяева.

5. Некоторые выводы и задачи на будущее. Хотя работы отдельных авторов (А. Чуриев и др.), в том числе некоторые наши статьи были выполнены на основе анализа ранее засекреченных архив-

¹ Çüriýew A. Bir soragyň ýıgrımı ýyllyk sütemi. Taryhy-publisistik oçerkler. Aşgabat: «Mesrep» nesirýaty 1993. S. 131-133. (PDF-a geçirildi 01.12.2018. Internetde «Enedilim.com» sahypasynyn kitaphanasy).

² ОТКРЫТЫЙ СПИСОК. URL: <https://ru.openlist.wiki> (дата обращения: 23.04.2022).

ных документов, необходимо продолжить усилия по их выявлению и делать достоянием научной общественности, особенно, те, которые свидетельствуют о каторжных условиях труда и быта в ИТЛ осужденных по политическим мотивам за свои убеждения. Радует то, что не только ученые со стажем со своими исследованиями в научной периодике¹, но и молодые авторы-студенты, используя уже опубликованные наши материалы, выступают со своими статьями на страницах периодической печати². Значит, наши начинания в данной области знаний найдут свое продолжение и в будущем.

Иккинчи жаҳон уруши ва Ўзбекистон ССРда рус тилини ўргатиш хусусида

Анорой Тоғаева

Тарих институти катта илмий ҳодими, тарих фанлари номзоди

Совет даврининг ҳар бир босқичида совет ҳукумати ва коммунистлар партияси ўз мафкуравий манфаатларидан келиб чиқиб иш тутгандиги ва турли усуллар билан барча жараёнларни шу мақсадга йўналтиргандиги барчамизга яхши маълум. Совет давлати миллий масала, дин ва тил масаласида ҳам айнан халқаро вазиятдан келиб чиқиб ёндашган.

Тарихий манбаларнинг маълумот беришича, тил масаласида ҳам совет давлати устомонлик билан сиёsat олиб борган ва ҳар бир вазиятдан рус тилининг мавқенини кўтариш йўлида унумли фойдаланган. Жумладан, рус тилининг Иттифоқ миқёсида оммалашшига сабаб бўлган қарорлар Иккинчи жаҳон уруши даврида ҳам қабул қилинган бўлиб, бу ўз даврида руслаштириш сиёsatи учун жуда қўл келган эди.

Умуман, Иккинчи жаҳон уруши арафасидаёқ барча иттифоқдош республикалар сингари Ўзбекистон ССРда ҳам рус тилини таълим тизимида кенг ёйиш борасидаги ҳатти-харакатлар авж олганди. Қашқадарё вилояти архиви фондларида сақланаётган бир қатор ҳужжатларда келтирилишича, Халқ таълими комиссарлигининг 1940 йил 14 декабрда чиқарган қарорида ҳарбий хизматга чақирилган ёшларга рус тилини ўргатиш масаласи ҳақида сўз борган³.

¹ Durdyýew H. Türkmen diliniň öwreniliş taryhyndan. Miras. Aşgabat, 2021, No. 2. S. 30–41.

² Hydyrowa M. İlkinji dilçileriň biri. Maru-şahu jahān (gazet). Mary 2021, 8 iýun, No. 68 (16412)

³ Қашқадарё вилоят давлат архиви. (Халқ таълими Қарши шаҳар бўлими) 2-фонд, 1-рўйхат, 36-ийғмажилд, 4–10 вараклар.

1941 йил 20 апреда ЎзССР ХКС ва ЎзКП(б)нинг “Ўзбекистон ССР-нинг рус бўлмаган мактаблари ва олий ўқув юртларида рус тили ва адабиётини ўқитишни яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинганд. Шу асосда Ўзбекистон ССР Маориф халқ комиссарлигининг 1941 йил 18 июндаги “Ўзбек ва бошқа рус бўлмаган мактаблар ҳамда олий ўқув юртларида рус тилидан таълим бериш ва ўрганиш сифатини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” деб номланган буйруғи чиқарилган бўлиб, у ҳам урушдан олдинги даврда ЎзССР аҳолисига рус тилини ўргатиш масалаларига бағишиланган. Буйруқда “рус бўлмаган аҳолига” рус тилини ўргатиш борасида кенг кўламдаги вазифалар ёритилган. Унда қайд этилишича, 1940/1941 ўқув йилида ЎзССР мактабларида рус тилини ўргатиш масаласи қониқарсиз борганлиги текширувларда маълум бўлган. Ҳужжатда халқ таълими бўлимларининг кўпчилик раҳбарлари “ушбу муҳим фаннинг” аҳамиятини етарлича тушуниб етмаганлиги, кўпгина худудларда рус тили ўқитувчиларнинг ўзлари “чаласавод” бўлганликлари сабабли рус тили дарсларини яхши ўтмаганликлари танқид остига олинган¹.

Қарорнинг ижросини таъминлаш мақсадида ҳар бир маориф бўлимига методологик ишларни яхшилаш ва 2-3 тажрибали мутахассисдан иборат жамоат назоратини ўрнатиш, олий маълумотга эга бўлмаган рус тили ўқитувчиларининг Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Андижон, Фарғона, Кўқон сингари шаҳарларда кечки ва сиртқи олий таълим олишларини ташкил этиш топширилган. Мазкур қарорга кўра, Тошкент ўқитувчилар малакасини ошириш институтида ҳар икки ойда юзлаб рус тили ўқитувчиларини қайта тайёрлаш ишлари режалаштирилган.

Бу даврда ўзбек ва бошқа “рус бўлмаган аҳолига” рус тилини ўқитиш йўналишидаги рус тили ўқитувчиларини тайёрлашга катта аҳамият қаратилган. Жумладан, олий ва ўрта маҳсус ўқув юртларида “ўзбек ва “рус бўлмаган” ўрта мактабларда рус тилини ўқитиш” йўналишида тайёрланадиган кадрлар сонини ошириш кўзда тутилган ва қабул квоталари белгиланган. Ҳусусан, мазкур йўналишда республика бўйича (жами 13 та педагогика ва ўқитувчилар институтларида) 720 та талаба қундузги ва 240 та талаба кечки таълим тизимида ўқиши режага киритилган. Шунингдек, рус тили ва адабиётини ўқитиш бўйича малакали илмий кадрларни тайёрлашга ҳам аҳамият

¹ Қашқадарё вилоят давлат архиви. 2-фонд, 1-рўйхат, 37-ийғмажилд, 4-варақ.

қаратилган. Масалан, 1941 йил сентябрдан бошлаб Тошкент педагогика институтида “рус бўлмаган мактабларда рус тилини ўқитиши” йўналиши бўйича 7 та аспирантни қабул қилиш режалаштирилган¹.

1941/1942 ўқув йилларида республиканинг 6 та педагогика билим юртларида жами 210 та талаба юқорида номи келтирилган йўналишда таҳсил олиши белгиланган. Бундан ташқари, бир йиллик ўқув курсларида ҳам мазкур йўналишда йилига 1000 та ўқитувчи кадр тайёрланиши кўзда тутилган. Албатта, келтирилган маълумотлар кўриб ўтилаётган йилларда ўзбек ва рус бўлмаган миллат фарзандларига рус тили ва адабиёти фанини ўқитишига катта аҳамият қаратилганлигидан далолат беради.

Иккинчи жаҳон уруши бошлангач, рус тилини ўргатиш масаласига янада қаттиққўллик билан ёндашилганлигини кўриш мумкин. Ўзбекистон ССР Халқ таълими комиссарлигининг 1941 йил 27 июлдаги буйруғида маҳаллий аҳоли орасидан ҳарбий хизматга чақирилгандар орасида “саводсиз”, яъни рус тилини билмайдиганлар кўп эканлиги таъкидланган. Хусусан, Хоразм, Бухоро, Тошкент вилоятлари, ҚҚАССРда бу борада натижалар ўта қониқарсиз эканлиги айтилган. Мисол тариқасида, бу пайтда Бухоро вилоятида 334 та ҳарбий хизматга лаёқатлиларнинг рус тилини умуман билмаслиги қайд этилган. Ҳужжатларда ўқувчиларнинг дарсларга яхши қатнашмаслиги, педагог кадрлар билан таъминланиш даражасининг пастлиги каби омиллар бунга сабаб бўлганлиги, мутассадди ташкилотлар шу пайтгача бунга етарлича эътибор бермаганлиги айтиб ўтилади. Буларнинг ҳаммаси бошланиб кетган Иккинчи жаҳон уруши шароитида вазиятни янада чигаллаштирган. “Ваҳоланки, ҳозирги пайтда ҳар бир ҳарбий хизматга чақирилган киши “маданиятли ва саводли” бўлиши зарур”, – дейилади ҳужжатда. Кўриниб турибдики, совет даврида аҳолининг “маданиятли ва саводли” ҳисобланиши учун биринчи галда унинг рус тилини билиши эътиборга олинган.

Рус тилини билмасликнинг олдини олиш учун вилоят халқ таълими бўлими бошлиқлари шахсан жавобгар бўлиб, хусусан 1921 ва 1922 йилда туғилган ва ундан катта ёшдаги умумий ҳарбий хизматга чақириувчиларнинг рус тилини ўрганишларини қаттиқ назоратга олишлари лозим бўлган². Чунки умумий ҳарбий тайёргарлик ва уруш шароитида кўпмиллатли армия вакилларини ўзаро боғлаб турадиган ягона тил – бу рус тили эди.

¹ Қашқадарё вилоят давлат архиви. 2-фонд, 1-рўйхат, 37-ийғмажилд, 8-варак.

² Қашқадарё вилоят давлат архиви. 2-фонд, 1-рўйхат, 36-ийғмажилд, 3-варак.

ЎзССР ХКСнинг 1941 йил 11 ноябрдаги “Умумий ҳарбий таълимга жалб этилган ЎзССР фуқароларига рус тилини мажбурий ўргатиш тўғрисида”ги қарори асосида ЎзССРда умумий ҳарбий таълимга жалб этилган, аммо рус тилини билмайдиган фуқароларнинг рус тилини ўрганиши мажбурий этиб белгиланган¹. Қарорда кўрсатилишича, Қизил армия сафларини ҳарбий ишга лаёқатли кучлар билан таъминлаш энг асосий вазифа бўлиб, бунинг учун рус тилини чуқур билиш талаб этилади. Шу сабабли Қарши шаҳар маориф бўлими қарорига кўра ўқитувчилар, мактаблар, район ва шаҳар маориф бўлими-ларига ҳарбий таълимга жалб этилганларнинг рус тилини билиш даражасини аниқлаш учун рус бўлмаган мактабларда дарс берадиган рус тили ўқитувчиларини район ҳарбий комиссарлиги ихтиёрига ажратиш талаби қўйилган. Умумий ҳарбий таълим ўташга жалб этилганлар орасидаги рус тилини билмайдиганлар ўқитувчилар томонидан аниқлангач, уларга рус тили ўргатилиши қўзда тутилган. Бунда биринчи галда 1923–1924 йилда туғилган фуқаролар, яъни чақириув ёшидагиларга эътибор қаратиш лозимлиги белгиланган.

Шаҳар маориф бўлими-нинг белгилашича, рус тилини ҳарбий чақириувчиларга ўргатадиган ўқитувчилар ҳар қандай қўшимча мажбуриятларидан, жумладан саводсизликни тугатишга қарши курашиб ишидан ҳам озод қилинганлар. Ушбу ишлар район ҳарбий комиссариати билан биргаликда амалга оширилган ва ҳарбий хизматга чақириувчилар учун ҳафтасига 4 соатдан рус тили дарслари ташкил этилган. Рус тилини ўқитиши дарслари ҳарбий тайёргарлик фанларидан дам олинган кунларда амалга оширилиши лозим бўлган.

Ҳарбий комиссарлик рус тили дарслигини ҳам ўзи танлаб берган. Шунингдек, ҳарбий хизматга чақириувчилар учун тузилган русча-ўзбекча луғат, газета материаллари ва ҳарбий адабиёт, қизил армиячиларнинг ҳикояларидан фойдаланиб, асосан оғзаки мулоқотни ўргатиш талаб этилган. Керакли китоб, дафтар ва бошқа ўқув қуроллари билан таъминлаш ҳарбий хизматга чақирилганлар ҳисобидан амалга оширилган. Рус тилидан таълим берувчи ўқитувчиларнинг янги тавсиялар олиши учун уларга ҳам ойида икки марта семинарлар ташкил этилган².

ЎзССР ХКСнинг “Умумий ҳарбий таълимга жалб этилган ЎзССР фуқароларига рус тилини мажбурий ўргатиш тўғрисида”ги қарори

¹ Қашқадарё вилоят давлат архиви. 2-фонд, 1-рўйхат, 37-ийғмажилд, 25-варақ.

² Қашқадарё вилоят давлат архиви. 2-фонд, 1-рўйхат, 37-ийғмажилд, 26-варақ.

ижросини таъминлаш ва доимий назоратга олиш район ва шаҳар маориф бўлимларига топширилган. Архив хужжатларидан маълум бўлишича, рус тилини ўргатиш ишлари ҳудудлардаги маориф бўлимлари, республика бошқарув ташкилотлари томонидан қаттиқ назорат қилиб борилган. Архив хужжатларида рус тилини билмаганликда айбланганд ҳарбий хизматга чақирилувчилар “саводсиз”лар деб ҳисобланганлиги қайд этилган.

Кўриб ўтилганидек, Иккинчи жаҳон уруши арафасида ва уруш йилларида Ўзбекистон ССРда рус тили ва адабиётини ўқитиш, бу борада педагог кадрларни тайёрлашга алоҳида аҳамият қаратилган. Урушдан олдинги даврда аҳолини ва айниқса ёшларни ҳалқ ҳўжалигидаги фаолиятга жалб этиш учун рус тилини ўргатиш қўпроқ назарда тутилган бўлса, уруш эҳтиёжлари, фронтга ҳарбий кучларни жалб этиш мақсадида ўзбек ва республикада истиқомат қиласиган рус бўлмаган миллат вакилларига рус тилини ўргатишни тақозо этган. Ҳукумат доирасида бу борадаги қарорларнинг узлуксиз қабул қилинганлиги ҳам масаланинг совет давлати ҳамда коммунистик партия учун долзарб бўлганлигидан далолат беради. Умуман олганда эса, бу ишларнинг энг асосий сабаби сифатида совет ҳукумати ва коммунистлар партиясининг ягона тилда сўзлашувчи, мақсади ва маслаги бир бўлган “совет ҳалқи”ни яратиш истаги билан боғлиқлигини кўрсатиш ўринлидир.

1918-1930 йилларда хотин-қизлар таълими ва маориф

*Юлдуз Турсунова
Тарих институти таянч докторанти*

Совет ҳукумати даврида “аёллар масаласи” жадидлар ва большевиклар қарашлари ўртасидаги баҳсли муаммолардан бири бўлган. Жадидлар ислом таълимотидан далиллар келтирган ҳолда оила ҳаётига боғлиқ қўпгина урф-одатларни (ҳашаматли тадбирлар, кўпхотинлик, аёлларни жамият ҳаётидан ажратиб, уйда сақлашни, ҳатто паранжиларни) қоралаб, уларга қарши чиққанлар. Лекин уларнинг асосий хавотири аёллар таълими бўлган¹.

Махмудхўжа Беҳбудий, Абдурауф Фитрат, Файзулла Хўжаев, Абдулҳамид Чўлпон, Абдулла Авлоний, Ҳожа Муин каби тараққийпарварлар хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрнини ниҳоятда юқори баҳо-

¹ Khalid A. Making Uzbekistan. Nation, Empire and Revolution in the Early USSR. London 2015. P. 198.

лаб, уларни ижтимоий озодликка чиқариш зарурлигини таъкидлаган әдилар. Уларнинг фикрича, жамиятни ўзгартириш маънавий ва маданий ҳаётни тубдан ислоҳ қилинишидан бошланиши керак эди. Хотин-қизларни жамиятнинг тўлақонли аъзолари сифатида қабул қилмасдан, оила масаласини тўғри ҳал қилмасдан, ёш авлодни тўғри йўлда тарбияламасдан туриб, жамиятни ислоҳ қилиш, унинг ривожини тараққиёт сари йўналтириш мумкин эмас, охир оқибатда миллат тақдири унинг аёллари ва оиласининг ҳолатига боғлиқдир. Шунинг учун 1920-йилларда амалга оширилган тадбирлар нафақат хотин-қизлар, айни пайтда жамиятнинг прогрессив руҳдаги эркаклари томонидан ҳам қўллаб-қувватланган эди¹. Бу масалада Фитрат: “миллат оналари тарбия ва илм олишлари лозим, ахлоқ ва билимларини камолга етказишлари зарур. Акс ҳолда хотинларимиз эркаклардан ҳам қўрқоқроқ, заифроқ ва ғайратсиз бўлганларидан болаларимиз ҳам уларга ўхшаб кетадилар. Ва агарда она соғлиқни сақлаш ва болалар тарбиясидан хабардор бўлмаса, бу қоидаларни бажара олмайди”², – деб қайд этган бўлса, Ҳожа Муин: “Биз туркистонликлар ҳам 15 йил бўладирки, бу дунёда ўзгалардек тараққий ва таолий этмак орзузи билан янги мактаблар оча бошладик. Ёлғиз эркак болаларимизни тарбия этарға киришдиқ, аммо қизларимизнинг тарбиясига ҳозиргача ҳеч бир аҳамият бермадик. Бизлар ушбу ноқис ва хато ҳаракатларимиз билан яна истармизким, келар замонда бизлардан ҳам масъуд оилалар етишсин, бизлар ҳам бошқалар қаторинда мутараққий ва мутамаддун бўлайлик. Лекин ҳозирдан билмагимиз ва амин бўлмоғимиз керакдирким, бизлар то эркак ва қиз болаларимизни биргалиқда тарбия этмагунча бизлардан келажақда масъуд оилалар етишмас. Бизлар ҳеч вақт ғоя-и аъмолимиз бўлғон чин баҳт ва саодатга, тараққий ва тамаддунға етолмасмиз³”, – деган ғояларни илгари суради.

1917 йил 20 августда Марғилон шаҳрида маҳаллий «Шўрайи Ислом» ташкилоти фаоллари йиғилиши федералистлар фирмаси шўъбаси тузиш муносабати билан қабул қилинган қарорининг 4-бандида куйидагилар ёзилганди: «Миллатнинг йигирма ёшга етуб ақлият пайдо қилғон ҳар бир фарзанди: эр бўлсун, хотун бўлсун, – синф, дин ва мазҳаб айирмасига боқмасдан сайламак ва сайланмак ҳақиқатга мойилдир»⁴.

¹ Ўзбекистон янги тарихи. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. 2-қисм. Тошкент, Шарқ.2000. Б. 375.

² Абдурауф Фитрат. Оила ёки оила бошқариш тартиблари. 2-нашр. Тошкент: Маънавият, 2000 й. Б. 98.

³ Ҳожи Муин – Оила тарбияси. “Мехнаткашлар товуши” газетаси, 1918 йил 9 июль.

⁴ Аъзамхўжаев С. Туркистон мухторияти. Тошкент. Маънавият. 2000. 78- бет.

Абдулла Авлоний: “Оҳ золим маданият, бизнинг туркистонликлар орасиға қачон келуб томур ёясан?! Хотун-қизларимиз илму маориф ила нурланмағунча, бизнинг орамизда шундай кўнгулсиз ҳоллар давом этса керак. Мана бу хотун бечорани эрга берғон вақтларида ўз ҳоҳиши билан, ўзининг ризолиги билан, ўзи кўруб ҳоҳлағон эрига бермасдан ҳайвон каби кучлаб, қўлидан тутуб бир золимнинг қўлига берганлар. Мана бундай кўнгулсиз ҳолларни йўқ қилмоқ учун бутун куч-қувватимизни хотун-қизларимизни ўқутмоқ, маориф ва маданият или ошно қилмоқ йўлинда сарф қилмоғимиз лозимдур”¹, – деган эди.

Мунаввар Қори Абдурашидхонов ҳам аёлларни тезроқ озод қилиш, мактабларда эркаклар билан тенглик асосида ўқитиш ва ишга жалб этиш, уларнинг ҳуқуқларини эркакларга тенглаштириш йўлида турли хил усулларни қўллаш тарафдорларидан бири бўлган. Ҳатто у 1923–1924 йилларда ўз умр йўлдошининг паранжисини ечирганини ва ўқишига жалб этганини айтган. Шунингдек, маҳаллий зиёлилар аёлларни озод қилиш учун курашганлигини, лекин диндорларнинг қаршилиги туфайли уларда етарлича куч йўқлиги сабабли, бу масалани шўро ҳукумати зиммасига тушишини, уларда бунинг учун етарлича куч ва имконият борлигини айтган².

Туркистон жадидлари вақтли матбуот саҳифаларида ўз мақола ва чиқишиларида хотин-қизларнинг сайлов жараёнида фаол иштирок этиши, сиёсий мустақиллик ва демократияни жорий этиш билан боғлиқ ишлар, кўп партиявийликнинг ва кенг жамоатчилик фаоллигининг ўта зарурлиги, улар ўртасидаги келишмовчиликлар ва қарама-қаршиликларнинг салбий оқибатларини тарғиб этдилар. Бироқ бу ҳақда камчилик аёллар билган, 1920-йил охирларига қадар уларни амалда қўллашмаган эдилар. Октябр инқилобидан сўнг коммунистик партиянинг аёллар бўлими ўзбек аёлларини партия фаолиятига, сайловлар ва маҳаллий ҳукумат фаолиятида иштирок этишига жалб қилишга интилган эди.

Жадид зиёлилари аёлларни эркаклар билан тенг ҳуқуқли бўлиши, эрта турмушнинг олдини олиш, қизларни маърифатли қилиш учун алоҳида дастур ишлаб чиқдилар. Шу билан бирга, тараққий-парварлар миллатнинг русласиб кетишидан қаттиқ қайғурдилар. Шунинг учун ўзбек қизларини маърифатли қилишни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйдилар. Бир номаълум муаллиф ўз мақоласи-

¹ А. Авлоний. Адвокатлик осонми? Танланган асарлар. 2-жилд. Тошкент: Маънавият. Б. 140.

² Абдурашидхонов М. Хотин-қизларни озод қилиш масаласи ҳақида. Хотираларим. Тошкент: Шарқ. Б. 62–63.

да: замон ўзгарган, эркаклар энди ўқимишли аёлларга уйланишни ҳохлайди. Агар биз қизларимизни ўқитмасақ, эркаклар рус аёллари-га уйланиб кетади ва миллий манфаатларга путур етади¹, деб ёзган эди. Дарҳақиқат, ўша даврда Махмуд Ҳодиевнинг рус аёли Валентина Василевага, Абдулҳамид Чўлпоннинг Екатерина Токаревага, Акмал Икромовнинг Евгения Зелкинага, Файзулла Хўжаевнинг Фатина Петровага уйланганлигини кўриш мумкин.

Совет ҳукумати аёлларнинг бутунлай янги авлодини, уларни фақат оилани ўйлайдиган шахслар эмас, балки кўпроқ жамият ижтимоий, сиёсий ҳаётида эркаклар билан тенг асосда фаол иштирок этишни истайдиган шахслар қилиб тарбиялашни асосий вазифа қилиб қўйди². Улар ҳам аёлларни ўзгартиришни маорифдан бошладилар. Лекин ўша даврда шарқ аёлларини маориф масалаларига жалб қилиш осон бўлмади. Мавжуд мактабларда ва ҳунар-техника билим юртларида маҳаллий миллат қизлари ўқувчиларнинг атиги 7–8 %ини ташкил қиласр эди. Қизларни мактабларга тортишда шошма-шошарлик, урф-одатлар ва анъаналарни ҳисобга олмаслик бир қатор мураккабликлар туғдирди. Хотин-қизлар учун алоҳида мактаблар тузиш, шу билан бирга хотин-қизлардан ўқитувчи-педагогларларни етишириш керак эди. Бу муаммони ҳал қилиш учун ўлканинг бир қатор шаҳарларида хотин-қизлар учун маҳсус педагогика техникумлари очилди³. 1917 йил декабрда Тошкентнинг Бешёғоч даҳасида Башорат Жалилова томонидан биринчи хотин-қизлар мактаби ташкил этилди. Унда 42 та хотин-қиз таълим олди. 1918 йилнинг ёзида Тошкентдаги ўзбек аҳолиси ўртасида Ҳалқ университети томонидан очилган 13 та катталар ва ўсмиirlар мактаби орасида 4 та қизлар мактаби бор эди⁴. Лекин айрим даврий нашрларда уларнинг 5 таси хотин-қизларга тегишли эканлиги, унда 75 нафар муаллим ва муаллима билан 700 дан ортиқ талаба борлиги айтилган⁵.

Кўп ўтмай бундай мактаблар Андижон, Қўқон ва бошқа шаҳарларда очила бошланди.Faқат Қўқон шаҳри ва Қўқон уездининг ўзида 1919 йилда 400 нафар қизлар таълим олган. Қўқондаги хотин-қиз-

¹ Хотин-қизлар товуши // Иштирокион. 22.02. 1920 . Матбуотда хотин- қизларни ижтимоий ҳаётга жалб этиш масаласи кенг ёйилганди. Adeeb Khalid. Making Uzbekistan. Nation, Empire and Revolution in the Earli USSR. London 2015. Ch.199

² Ўзбекистон янги тарихи. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. 2 қисм. Тошкент. Шарқ. 2000. 375-бет

³ Ўзбекистон тарихи (1917–1991 йиллар). 1 жилд. Тошкент. Ўзбекистон. 2019. 349-бет

⁴ К.Е. Бендриков. Очерки по истории народного образования в Туркестане. М., 1960, стр. 491.

⁵ Ҳожи Муин. Ҳалқ дорилфунуни. “Меҳнаткашлар товуши” газетаси 1918 йил, 23 июль.

лар мактабларининг дастлабки маҳаллий ўзбек ўқитувчилари Солиҳон Муҳаммаджонова, Мукаррама Қодирова, Гулсум Тоғаева, Фотима Бурнашева, Зебинисо Рассоқова, Зайнаб Садриддинова, Майрам Шарипова ва бошқалар бўлган¹.

1919 йил 20 июлига қадар Самарқанднинг шаҳрида шаҳар мактабларида 4100 бола таълим олар, шулардан 2200 таси ўғил ва 1900 таси қиз болалардан иборат бўлган. 1920 йил Самарқанд эски шаҳар қисмида 37 та мактаб бўлиб, 3150 та ўғил ва 270 та қиз бола ўқиган². 1923 йилги маълумотга кўра, хотин-қизларнинг 22,7 % қисми саводхон эди³. Бундан кўринадики, ўша даврда фақат шаҳар мактабларига эътибор берилган. Лекин қишлоқ мактаблари эътибордан четда қолиб кетаверган.

Мактабларга, билим юртларига кўпроқ мазлума аёллар бориб ўқидилар. Уларга мисол қилиб “Саодат” журнали бош муҳаррири Саодат Шамсиева ҳаёти ва ижодини келтириш мумкин. Саодат Шамсиеванинг хотираларида, “Мен 1908 йил Тўрткўл районинг Хўжайли қишлоғида туғилдим. Отам Полвон Оллақул ўғли асли хивалик бўлиб, турмуш тақозоси билан Тўрткўл шаҳрига келиб қолган. У ўғилларини рус мактабига, қизларини ўзбек мактаби йўқлиги сабабли шу ердаги татар мактабига бериб ўқитди. Мен ҳам татар муаллимаси Зайтуна отинойида 3 йил ўқиб хат-савод чиқардим. Шундан сўнг бўйи етиб қолди деб ичкарига олишди. Отам вафотидан сўнг, мени мажбурлаб 70 яшар чолга узатмоқчи бўлишди, шунда акамнинг дўсти асли фарғоналик Полиграфия техникумини тамомлаб, Нукусда янги газета очган йигит Зокиржон билан уйдан қочиб кетиб, Тошкент Педагогика билим юртининг иккинчи курсига кирдим⁴. Бу ерда менга ўхшаган озодликка интилганлиги учун ота-онаси зуғумига дучор бўлган, эри зулмидан додлаган, бойлар эшигида хўрланган, муллалар томонидан зўрланган аламзада, аёл зотини камситган шариат қонунларга қарши қурашган, янги ҳаёт учун жон фидо қилишга тайёр, довюрак хотин-қизлар кўп экан”⁵.

Бундан ташқари, биология фанлари доктори Арифжанова Мухтарам ҳам ўз хотираларида 1911 йилда ўртаҳол оиласда таваллуд топганигини, 1920 йилда отаси вафот этгандан кейин, амакилари қўлида тарбия топганлиги ва 7 та бола билан онасининг ёлғиз қолганлигини,

¹ Ўзбекистон тарихи (1917–1991 йиллар). 1–2-жилдлар. Тошкент. Ўзбекистон, 2019. 1-жилд. Б. 492.

² Самарқанд тарихи. 2-жилд. Ўзбекистон ССР. Фан, 1970. Б. 81.

³ Ўша манба. Б. 86.

⁴ ЎзМА Р- 2854-фонд. 1-рўйхат. 8-ийғмажилд, 1–2 варақ

⁵ Ўша манба. Р- 2854-фонд. 1-рўйхат. 10-ийғмажилд, 32- варақ.

болаларининг тақдири эрининг ақа-укалари қўлида бўлганлиги учун онасининг аралаша олмаслигини, бувиси отинойи бўлганлиги сабабли эски мактабда хат-савод чиқарганлигини ва 1926 йил амакиси уни 55 ёшли кишига 4 хотин қилиб узатмоқчи бўлганида, уйдан қочиб кетиб, поччасининг ёрдами билан 1931 йил тиббиёт техникумга кирганлигини ва у ерни 1932 йил тамомлаб, Ўрта Осиё давлат университети биология факультетига ўқишига кирганлигини ёзиб қолдирган¹. Бундан кўринадики, ўша даврда аёлларнинг озодлиги учун курашган, уларни эркаклар билан тенг ҳукуқли қилишга интилган, маърифатли бўлишлари учун ҳаракат қилган тараққийпарварлар билан бирга, уларга қарши бўлган кучлар ҳам кўпчиликни ташкил этарди. Бу ерда кўпроқ турмуш қийноқларига учраган хотин-қизлар ўз озодлиги, эрки учун курашган. Уларнинг кўплари бу йўлда қурбон ҳам бўлганлар. Лекин ўз тақдири ва оиласи шароитларидан мамнун бўлган аёллар ҳам кўп эди. Уларни зўрлаб ижтимоий ҳаётга жалб этиш осон эмас эди. Табиийки, уларнинг эркаклари бунга қарши бўлган. Улар учун юрт аёлларини паранжисиз очиқ минбарларда нутқ сўзлаб туришлари, маориф масканларига боришлари шармандали ҳолат ҳисобланган. Бу ҳолатлар уларнинг иззат-нафси, фурурига теккан. Лекин агарда кимки аёлларнинг таълим олишига қарши чиқса, совет ҳукумати томонидан аёвсиз жазоланган, ҳаттоқи сургун ҳам қилиб юборилган. Шундай бўлса-да, хотин-қизлар маорифи тўхтаб қолмади. Аёллар маорифини 1920 йилларда Туркомпрос молиялаштириб турган бўлса-да, 1920 йил ўрталаригача у жадид маорифи ҳисобланган. 1921–1922 йилларда билим юртига 1912 илии Туркистонда аёллар учун илк янги усул мактабини очган Шокиржон Раҳимий раҳбарлик қилди². Мактабларда ва билим юртларида кўпроқ татар муаллималари дарс берганлар. Лекин кейинчалик мактабларнинг ўсиб бориши туфайли, билим юртларини тугатмасданоқ хотин-қизларни таълим муасасаларига жалб этганлар. Бу ҳақда Ҳожи Муин ҳам: “қиз болаларни ўқитмоқ учун Туркистонда иқтидорли муаллималаримиз йўқ эди. Татар қардошларимиздан муаллималар келтирарга замони мусоид йўқ эди. Яъни эски ҳукумат монеъ бўлар эди”³. Шунинг учун бу тўғрида айб ёшларимизда эмас, замондадир”, – деган гапларни айтиб ўтган.

¹ ЎзМА Р-2689-фонд, 1-рўйхат. 71-ийғмажилд, 1–2 варақлар.

² Ўз МА Р-34-фонд. 1--рўйхат, 1014-ийғмажилд, 1–8-варақлар.

³ Ҳожи Муин. Ёшларимиз ва қизлар тарбияси. “Меҳнаткашлар товуши”, 1918 йил, 28 июнь.

Хотин-қизлар таълими масаласи 1925 йилларда ҳам, ундан кейин ҳам совет ҳукумати учун долзарб масала бўлиб қолаверди. Бу хусусда Ўзбекистон хотин-қизлар конференциясида Маориф Халқ Комиссари Раҳим Иноғомов ўз маъruzасида, жумладан, қўйидаги фикрларни маълум қиласди: “Бу кун ўқув орзусида бўлган қизларимиз учун очилган мактабларнинг сони 58 тадан бўлиб, уларда 3 262 та қиз ўқийдир. Биз бу рақамларни ҳам бутун вилоятларни (музофотларни) бирга қўшиб улар ўртасидан ола олмаймиз, чунки бу кунда Қашқадарё ва Сурхондарё музофотларида хотин-қизларимиз учун янги усул мактаблари қониқарли даражади эмас. Жумхуриятимизда хотин-қиз маорифининг энг катта эҳтиёжини тугатиб турган ёлғиз биргина хотин-қизлар билим юрти бўлиб бунда тўпланғон хотин-қизларимизнинг сони 158 тадандир. Шунинг бари бир қизлар учун очилган мактаблар, саводсизлик мактаблари ва билим юртидан чиққан ўқутучиларимизнинг ҳаммаси дейиш мумкин. Шаҳарларга тўпланган қишлоқда ўқиш ва ёзиш умидида бўлган хотин-қизларимиз кўринмайдур. Юқоридаги аҳвол хотин-қизларимизнинг маорифдан қанча орқада қолганини кўрсатади. Лекин бунга қараб масалани фақатгина бир томонига қараб ҳал қилиш, умидсизланиш ярамайдир. Чунки бизнинг умумий ҳалқ маорифини кўтариш тўғрисида қилиб келган ишларимиз ва кенг ташвиқотимиз ҳозирда ҳалқда қизиқиш уйғотди. Бу уйғонишнинг хотин-қизларимизга ҳам таъсир этмасдан қолиши эҳтимоли йўқ эмас. Шу сабабдан ҳозирда хотин-қиз маорифини кенгайтиришлик қулай бир фурсат хотин-қизлар орасида бўлғон кучлардан фойдаланиб уларнинг ҳозирғача бўлиб келган маориф ишларини кучайтириш ва уларни уйғонишларидан фойдаланиб майдонни кўпайтиришдир. Ҳозирда бизнинг маориф ишларимиз ҳар бир вилоятда (музофотда) бир текис қўйилган эмиш. Масалан, Тошкент шаҳрида ҳар фаннинг ўзига маҳсус билим юрти бўлғони ҳолда Хоразм вилоятида бир дона бўлсин билим-фан юрти йўқдир, Қашқадарё ва Сурхон вилоятларида ўша фан-билим юрти эмас, биринчи босқич мактаблари ҳам йўқдир. Мана шунинг биринчи навбатда музофотлар орасидаги бундай нотекисликларни битириш чорасини кўриш лозим. Қишлоқ билан шаҳар орасида ҳам нисбат шундайдир.

Олдимиизда шундай муҳим вазифалар тургани ҳолда баъзи бир шаҳар ва қишлоқлардаги фирмә ва ўйро идоралар хотин-қиз маорифи йўлида катта ташвиқот ва тарғибот ўрнига унга қарши ҳаракат қиласди. Шунга қараб кўпгина ишчиларимиз ҳам уларга эргашиб ва руҳонийлар таъсирига берилиб хотин-қиз маорифига қарши

чиқадирлар. Мана шундай ҳолларнинг кўрилиб туриши, бизни хотин-қиз маорифи масаласида ўткир тушунчалар ва катта қучлар билан қуроллатиб жуда шитоб билан ҳаракат қилишга мажбур этадир.

Саводсизликни битириш жойлари маданий ва оқартиш ишларидага жуда катта таълим муассасалардандир. Лекин 1924–1925 йилда саводсизлиқни битириш мактаблари ерлик халқ хотин-қизларининг мактабидан фақат 7 тасинигина ўз ичига олади. Бу йил саводсизликни битириш курсларини фақатгина 1080 та хотин-қиз ўқиб чиқди. Бу сон жуда оз бўлғонидан саводсизлиқни битириш курсларини ортириш учун бор кучни бериш керак. Шу сабабдан 1925–1926 йилда хотин-қизлар учун 2160 кишилик саводсизликни битириш курслари очишига тайёрланамиз. Саводсизлик мактабларини кўпайтириш учун энг муҳими саводсизлик мактабларида ўқитиш учун муаллимларнинг йўқлиғидир. Мана шу тўсукни оз бўлса ҳам битириш учун биз бу йил Тошкентда 310 кишилик, Самарқандда 90 кишилик саводсизлик битириш мактабларига ўқитувчилар тайёрлайдурғон курс очдик. Уларнинг нуқсонлари жуда кўп. Лекин улар орқали биз кўп тажрибалар олиб келгуси йилда уларни кўпайтирумиз. Бунинг устига биз келгуси мавсумда хотин-қизлар учун 210 кишилик 4 та таълим-тарбия техникумлари очиш фикридамиз. Ўйлаймизки, уларнинг 2 таси Самарқандда, 1 таси Хоразмда, 1 таси Бухорода очиладир. Мана бу мактаблар учун хотин-қизларимизнинг боришлиари лозимдир”¹.

Шуни айтиш мумкинки, Қашқадарё вилоятининг марказида 1927 йилгача бирорта ҳам қиз бола мактабда ўқимаган. 1928 йилда 62 та қиз мактабга тортилган. Европа миллатларига мансуб қизлар билан биргаликда уларнинг сони 107 тага етган. 1930 йилга келиб қизларнинг атиги 4% и мактабга тортилган².

Конференциядан кейин хотин-қизларни маорифга тортиш масаласида яна бир муаллиф мақола ёзиб чиқади. “Эркаклар учун жуда кўп бўлмаса ҳам мактабларимиз, ўқув юртларимиз бор уларга мумкин қадар ёрдамлар ҳам берилиб турадир, ишлагучи кишилар ҳам топилиб турадир. Хотин-қизлар мактабига келганда ҳатто юқори идораларимизгача яхши аҳамият бериб қарамайдирлар. Шунинг учун шу вақтгача баъзур кўзга кўринарлик хотин-қиз мактаби йўқ. Хотин-қиз маорифи тўғрисида халқнинг шубҳасини ҳали ҳам йўқотолғонимиз йўқ. Халқ ҳамон “хотин-қизлар ўқиши, эркакларга хат ёзадурғон бўлиб кетадир”

¹ Қизил Ўзбекистон. Ўзбекистонда хотин-қизлар маорифи. 1925 йил 28 август.

² Равшанов П. Қизил салтанат исканжасида. З жилдлик. 2-жилд. Тошкент: “Шарқ”, 2011. Б. 230.

деган шубҳадан қутулғони йўқ. Бунинг устига бизда тарбиячи ва муаллималар жуда оз. Ҳар хил курслар очғон бўлса ҳам тузуккина натижа бергани маълум эмас. Ўтган йил хотин-қизлар учун очилган курсдан 4 тагина муаллималар битириб чиқди. Улар ҳам бир қанча тажриба ортиришлари керак. Бу йил хотин-қизлар учун 70 кишилик бўлиб очғон таълим-тарбия курсига бошда 8 киши ёзилғон эди. Тепасида турувчиларнинг ҳисоблашмасдан пала-партиш иш қилиши орқасида тарқалиб кетдилар. Бунинг ҳам сўнги нима бўлиши маориф бўлиб қолди.

Қарашлар орқасида хотин-қизлар маорифи орқада қолмоқда. Қандай чора кўриш керак?

Фикримча тубандаги чораларнинг кўрилиши лозим:

1- хотин-қизлар учун очиладурғон курсларга тажрибалиқ, шунинг билан ташвиқотчи уста киши қўйулсин;

2- ҳар даҳадан дорулмуаллимот шўбалари очилсин;

3- ҳар бир эр болалар мактаби қошида қизлар шўбаси очилсин;

4- қизлар мактаби сони кўпайтирилсин.

Мана шундай чоралар кўрилсагина хотин-қизлар маорифи қўтарилиши мумкин¹.

1927 йилда “Хужум” ҳаракати натижасида озодликка чиққан 5 мингта хотин-қизлар 120 га яқин саводсизликни тугатиш мактабларида ўқиди².

Кўриб ўтилганидек, совет даврида хотин-қизларни мактаб ва маориф ишларига жалб этишга катта аҳамият қаратилди. Айниқса, “Хужум” ҳаракатидан кейин бу борадаги ишлар авж олди. Ҳаттоқи “бурунги зиёлиларнинг” қатағони билан бир вақтда мусулмон таълими ва шаръий судлар ҳам бекор қилинди, вақф мулклари мусодара этилди, масжид, мадраса ва зиёратгоҳлар ёпилди. Маориф тизимида ҳам ўзгартиришлар киритилди. Совет ҳукумати жадид маорифчиларининг кўпчилигини четга чиқариб, барчасини ўз қўлига олди. Таълим тизими ва ўқитувчилар фаолияти тўлиқ назоратга олинди. Таълим масканлари советлаштирилди, ўқитувчиларнинг сиёсий содиклиги таъминланди. Аёлларнинг паранжини ташламаслиги, уларнинг уйда ўтириб қолиши қораланди. Уларнинг ижтимоий аҳволи, оиласиий шароити совет ҳукуматини қизиқтиrmади, аёллар турли худудларга сўроқсиз жўнатиб юборилаверди. Бунинг оқибатида,

¹ Қизил Ўзбекистон. Чўбон. Хотин-қизлар маорифи тўғрисида. 1925 йил 30 август.

² Икрамов А. Избранные труды. Ташкент. 1. С. 334; Ўзбекистон тарихи (1917–1991 йиллар). 1–2-жилдлар. Тошкент: Ўзбекистон, 2019. 1-жилд. Б. 496.

оилавий жанжаллар, ажримлар кўпайди. Хуллас, совет ҳукумати ўз мақсадига эришди ва назоратни ўз қўлига олди.

Барқарор шаҳар муҳитини шакллантириш ва экологик муаммолар (Бухоро шаҳри мисолида)

Нафиса Ҳаётова

Бухоро давлат университети мустақил тадқиқотчиси

Бугунги қунда ер юзидағи аҳолининг тенг ярми тахминан 3,5 млрд киши шаҳарларда яшайди ва бу рақам йилдан йилга ошиб бормоқда. Зотан келажақда инсонлар ҳаётида шаҳарлар аҳамиятининг ошиб бориши, инсонлар олдига камбағаллик, иқлимининг ўзгариши, соғлиқни сақлаш ва таълим –тизимидағи мавжуд муаммолар ўз ечимини кутмоқда.

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллиги эълон қилингач, шаҳарсозлик соҳасининг ривожланиши ва барқарор шаҳар муҳитини шакллантириш учун шарт-шароитларни яратиш борасида амалий ишлар қилинди. Республиқанинг бир қатор шаҳарларида ижтимоий-иқтисодий инфратузилмани барпо қилиш, мавжуд муаммоларни бартараф этиш, аҳоли учун қулай бўлган замонавий шаҳарсозлик инфратузилмани яратиш борасида ислоҳотлар олиб борилди. Бундай жараён туризм салоҳияти катта бўлган қадимий ва навқирон Бухоро шаҳрида ҳам йўлга қўйилди. Жумладан, шаҳарнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини тартибга солиш кун тартибидаги долзарб вазифага айланди. Биринчи навбатда шаҳарнинг тарихий худудида жойлашган ҳар бир ёдгорликни замонавий жамият мақсадларига илмий асосланган ҳолда мослаштириш яъни жаҳон андозаларига жавоб берадиган туризм инфратузилмасини шакллантириш, умуман барқарор шаҳар муҳитини вужудга келтиришдан тортиб, ёдгорлик биноларидан амалда фойдаланиш, уларнинг худудини ободонлаштиришни ташкил қилиш, экологик муаммоларни енгиллаштиришгacha бўлган кўплаб мурракаб вазифаларни ташкил қилувчи масалалар доираси ҳам кенгайди.

Маълумки, Бухоро вилояти атмосфера ҳавосида трансчегаравий ифлосланиш тенденцияси мавжуд¹. Яъни вилоят атрофида Навоий вилоят саноат корхонаси, Қашқадарё вилояти ва Туркманистоннинг

¹ Муртазоев М.И., Махмудов М.Ғ., Пардаев Ш.С. Бухоро вилоятида вужудга келган экологик муаммолар ва уларнинг ечимлари // “Минтақада вужудга келган экологик муаммоларни юмшатиш омиллари” мавзусидаги республика илмий-амалий анжуманнинг материаллари. 5 июнь 2019 йил. Бухоро. 2019. Б. 7.

Лебоб вилояти нефтгаз саноати корхоналари билан ўралган. Албаттада бундай ҳолат Бухоро вилояти экологиясини ўзгаришига ҳам таъсир қилмай қолмайди. Жумладан, кўп йиллар давомида шаклланган ҳудудда экологик муаммолар мавжуд бўлиб, уларнинг сирасига:

- ✓ Тупроқ таркибининг бузилиши
- ✓ Атмосфера ҳавосининг ифлосланиши
- ✓ Орол денгизининг қуриб бориши
- ✓ Чўлланиш жараёнининг қучайиши ва иқлимнинг қуруқлашиши
- ✓ Маданият ёдгорликларининг емирилиши
- ✓ Ер ости ва ер усти сувларининг ифлосланиши
- ✓ Қаттиқ чиқиндиларнинг, жумладан саноатнинг заҳарли чиқиндиларини тўпланиб қолиши
- ✓ Аҳолини тоза ичимлик суви билан етарлича таъминланмаганлиги кабилар киради.

Бухоро ҳудудида экологик муаммоларни бартараф қилиш ва атроф-муҳит мувозанатини сақлаш мақсадида ҳукумат турли дастурларни амалга оширмоқда. Айтиш жоизки атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича ислоҳотлар ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш борасидаги қонун лойиҳаларини қабул қилинишининг қучайиши мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида бошланган. Дастлабки қонунлардан бири 1992 йил “Табиатни муҳофаза қилиш” тӯғрисидағи қонундир¹. Кейинги йилларда экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, чиқиндиларни қайта ишлаш борасида янги норматив ҳужжатлар, мавжуд қарор ва қонунларга ўнлаб ўзгариш ва қўшимчалар киритилди. Мустақиллик йилларида экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги фаолиятни белгилаб берувчи 30 яқин қонунлар ва 200 дан зиёд қонуности меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди.

Шуни айтиш жоизки Бухоро ҳудудида экологик хавф муаммолари, советлар ҳукмронлиги даврида ривожланиб, пахта якка ҳукмронлиги мафкураси таъсирида амалга оширилган сиёсатнинг ҳосиласи эди. Совет давлати узоқ йиллар давомида ҳалқ ҳўжалигини ривожлантиришнинг экстенсив усулидан фойдаланиб, табиат ва атроф-муҳитга салбий таъсир кўрсатиб келди. Пахта якка ҳокимлигининг мажбурий тарзда авж олдирилиши натижасида, кимёвий моддаларни ишлатиш динамикаси ва заҳарли воситалар миқдорининг йилдан-йилга ортиб бориши экологик муҳитнинг ёмонлашуви билан бирга ҳудудда эпидемологик шароит вужудга келди. Масалан, 80-йилларнинг ўрталарига келиб, Бу-

¹ <https://lex.uz/acts/107115>

хоро, Хоразм ва Қорақалпоғистонда катта ёшдагиларнинг 70 фоизидан кўпроғи ва болаларнинг 80 фоиздан ортиғи битта ёки бир неча касалликлар билан оғриган эди¹. Республиkaning таниқли олимлари, миллий зиёлилари ўз халқининг тақдирига бефарқ бўлмай, огоҳлантирувчи хатлар билан иттифоқ органларига мурожаат қилганлар. Лекин буларнинг барчаси эътиборсиз ҳолда қолиб кетганини кўриш мумкин.

Азалдан воҳанинг экин экилган ерларини дарё сувлари билан суғорганлар, чунки дарёнинг лойқа суви таркибида ўсимлик ва тупроқ учун фойдали турли моддалар кўп бўлган. Тупроқ таркиби ҳам лойқа ҳисобига ўсиб борган. Совет даврида янги ерларни ўзлаштириш мақсадида кўплаб каналлар курилди. Энди каналлар орқали сув омборларида тиндирилган сувлардан суғориш тизимида фойдаланишлари тупроқнинг таркибини ўзгартириб юборган. Ер ориқлаб, унинг фойдалилик таркиби камая бошлади. Натижада кўпроқ минерал ўғит солинмаса, пахта ҳосилдорлиги паст бўлаверди. Шу сабабли асосий эътибор, кимё ва оғир саноатни ривожлантиришга қаратилди². 1984 йилга келиб, Ўзбекистонда ҳар гектар ерга ишлатилаётган минерал ўғитларнинг миқдори ўрта ҳисобда 600 кг ни ташкил этди, бу эса жаҳонда қабул қилинган нормадан 20–30 марта юқори даражада бўлди. Ҳолбуки, бу ўғитларнинг деярли 60 фоизи аксарият ўзлаштирилмай, тупроқ саҳнида қолиб кетди ва ер таркибини бузиб юборди³. Натижада атроф-муҳит мувозанати издан чиқиб, тупроқнинг таркиби оғир ҳолатга келиб қолди. 1985-йилда Бухоро вилоятидаги суғориладиган ерларнинг 25 фоизи турли даражада шўрланган бўлса, 2010 йилга келиб бу рақам 90 фоизга тўғри келди⁴. Тупроқ таркиби турли кимёвий ўғитлар, пахтазорларни ҳашоратларга қарши дорилаш, кимё ва металлургия саноати чиққиндилари ҳисобига бузилди.

Совет даврида Бухоронинг пахта саноатига ихтисослашуви йирик саноат корхоналарнинг кўпайиши ва аҳоли сониниг ўсиши билан бирга кечди. Ўсиб бораётган ишлаб чиқариш соҳасида санитар ҳолатга бўлган эътиборсизлик, турли экологик муаммоларнинг пайдо

¹ Ўзбекистоннинг янги тарихи. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. Т., “Шарқ”, 2000. Б. 556.

² Юлдошева Б.М. XX асрнинг 80-йилларида атроф-муҳит масаласига ёндашувлар тарихидан (Бухоро вилояти мисолида). // Ўтмишга назар. Т., 2020. Б. 639

³ Муртазоева Р.Х. Ўзбекистон тарихи. 2-жилд. Т., 2015. Б. 397.

⁴ Муртазоев М.И., Махмудов М.Ғ., Пардаев Ш.С. Бухоро вилоятида вужудга келган экологик муаммолар ва уларнинг ечимлари. // “Минтақада вужудга келган экологик муаммоларни юмшатиш омиллари” мавзусидаги республика илмий-амалий анжуманнинг материаллари. 5 июнь 2019 йил. Бухоро. 2019. Б.7.

бўлиши, ҳаво ва сувнинг ифлосланиши, чиқиндиларнинг кўпайиши яққол кўзги ташлана бошланди. Бухоро шаҳрида 1950–1980 йилларга қадар қурилган саноат корхоналари, жумладан азот-ўғит комбинати, пахта, ёғ-мой экстаркти, цемент, ғишт, ремонт-механика, тош блоклаш ва пиво заводлари шаҳар ичи ва унга туташ ерларда қурилиб, коммунистик-мағкура остида амалга оширилаётган сиёсат таъсирида фаолият кўрсатган. Корхоналарга марказдан йиллик режа белгиланиб, экология, атроф-муҳитга салбий таъсир, атмосфера ҳавосининг бузилиши, санитар-гигеник талабларнинг қониқарсизлиги, тупроқ, сув ифлосланиши каби муаммолар иккинчи даражали масала сифатида қаралди. Ягона мақсад давлат томонидан қўйилган режани бажариш бўлган. Цемент ва ғишт заводлари атроф-муҳитни ифлослантиришда энг хавфли саноат корхоналар эканлиги тасдиқланган¹. Ушбу омиллар таъсирида Бухоро шаҳри атроф-муҳити мувозанати бузилиб, кўпгина экологик муаммолар юзага келди.

Худудда пахта экиладиган майдонлар кўп бўлганлиги ва ерга ишлов бериш учун ишлатилаётган турли ҳил ўғитлар ҳам шаҳар экологиясига таъсир қилган. Жумладан, пахта экин майдонларига 70 хилга яқин кимёвий дорилардан фойланилган. 1985 йилда ҳар гектар пахта майдонига 241 кг азот, 120 кг фосфор ва 51,6 кг калий ишлатилиб, йилига жами 412,6 кг минерал ўғитдан фойдаланилган². Фойдаланилган пестицидларнинг фақат 1 фоизи пахта зааркунандасига, қолган 99 фоизи эса ҳаво, сув, тупроқ ва тирик организмнинг ифлосланишига олиб келган³. 1975–1985 йилларда атмосфера ҳавоси таркибидаги заҳарли газлар миқдори 1,5–2,5 баробарга ортган⁴. Дарё ва бошқа сув манбаларининг сувлари асосан қишлоқ хўжалиги ва саноат мақсадларида сарфланиб, ортиб қолган қисми аҳолининг шахсий мақсадларида ишлатилишига руҳсат берилган. Аҳолининг ичимлик суви билан таъминланиш даражаси пастлиги, бундан ташқари усти очиқ ичимлик суви ҳавзалари қишлоқ хўжалиги учун ишлатилган кимёвий моддалардан мунтазам равишда заҳарланиб турган. Бу орада Бухоро худудида пахта унумдорлиги учун ишлатиладиган турли

¹ Рахимова Г.С. XX аср 50–90 йиллари Фарғона водийси саноат ривожланишининг экологик ҳолатига таъсири: тарих фан. фалсафа док. (PhD) ...дисс. автореф. Т. 2018. Б. 12.

² Жўраев Н. Каримов Ш. Ўзбекистон тарихи. Ўзбекистон мустамлакачилиги даврида. Иккинчи китоб. Т.: “Шарқ”, 2011. Б. 531.

³ Жўраев Н. Каримов Ш. Ўзбекистон тарихи. Ўзбекистон мустамлакачилиги даврида. Иккинчи китоб. Т.: “Шарқ”, 2011. Б. 586.

⁴ Юлдошева Б.М. Пахта монополиясининг Бухоро шаҳар атроф-муҳитига таъсири (XX аср давомида). Таълим ва инновацион тадқиқотлар. 2022 й. № 5. Б. 48.

пецидитлар тупроқ таркибининг бузилишига ҳам олиб келган. Бухоро обикор ерларининг деярли барчаси шўрланган¹. Зах қочириш, шўр ювиш сингари хўжалик ишларини ўз вақтида ўтказилмаслиги тупроқ дегредациясини кучайтирган. Тупроқнинг шўрланиши оқибатида қум ва тузли шамолларнинг атмосферага кўтарилиши шаҳар ҳамда унинг атрофидаги ҳудудларда кучли шамол таъсирида қўчиб бориши аниқланган. Шу ўринда айтиш жоизки, бугунги кунга қадар Бухоро вилоятининг суви бошқа вилоятларнига нисбатан шўр ҳисобланади. Бунга асосий сабаблардан бири Орол денгизининг қуриши ҳам ҳисобланади. Оролга ёндош ҳудудлар қаторига кирувчи Бухоро шахри атроф-муҳити ҳам бу ҳолатдан жиддий зиён кўрмоқда. Оролдан ҳар йили 15–75 млн тоннагача туз-чангли тупроқ-қумлар ҳавога кўтарилади. Учаётган тузли тупроқли қумлар асосан сульфат ва хлорид тузлари бўлиб, улар 300 км масофага тарқалиб, сувнинг ифлосланишига олиб келган². Бунинг натижасида, Бухорода аҳоли орасида нафас йўллари, ошқозон-ичак, аллергия, қон-томир ва тери касалликлари бошқа ҳудудларга нисбатан кўпайган.

1986–1990 йилларда КПССнинг XXVII-съездида СССРни социал-иқтисодий ривожлантиришнинг, ҳамда 2000 йилларга мўлжалланган асосий йўналишларда камчиқимли ҳамда чиқиндисиз технологик жараёнларни кенг жорий этиш, атроф-муҳитга зарар етказмайдиган ёки кам даражада зарар етказадиган табиий ресурслар, хомашё материалларидан комплекс фойдаланиш асосида табиатни кўриқлашнинг самарали чоралари белгилаб олинади. 1988 йил 7 январда КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг “Мамлакатда табиатни қўриқлаш ишини тубдан қайта қуриш тўғрисида”ги қарорининг қабул қилиниши, шундан сўнг Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг 1988 йил 5 апрелдаги қарори асосида, Ўзбекистон ССР Табиатни муҳофаза қилиш давлат комитети тузилишига олиб келди³. Қарор асосида вилоятларда ҳам Табиатни муҳофаза қилиш вилоят комитетлари филиаллари ташкил этилади. 1988 йил 23 ноябрь Бухоро вилоят халқ депутатлари Советининг 7-сессиясида Табиатни муҳофаза қилиш вилоят комитети тузилади. Вилоят комитети томонидан йил якунига қадар текшурув олиб борилиб, Бухорода 20 мингдан ортиқ турли даражадаги атроф-муҳитни бузишга оид

¹ Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 12-жилд. Т., 2005. Б. 46.

² Конвенция о биологическом разнообразии. Третий национальный доклад. Т., 2006. С. 13.

³ Юлдошева Б.М. Пахта монополиясининг Бухоро шаҳар атроф-муҳитига таъсири (XX аср давомида). Таълим ва инновацион тадқиқотлар. 2022 й. № 5. Б. 49.

ҳолатлар аниқлаганлиги қайд қилинган. Бухоро вилоятидаги 280 та саноат корхонаси 256 минг тоннадан зиёд турли заҳарли газларни ҳавога чиқараётгани, мазкур корхоналарнинг 46 фоизидагина газчанг ушлагич мосламалари ўрнатилганлиги аниқланади¹ ва атмосфера ҳавосини заҳарловчи асосий манбалар сифатида саноат корхоналари ва транспорт воситалари эътироф этилди.

Бухоро шаҳри ва унинг атрофида барпо этилган саноат корхоналари ҳам атмосфера ҳавосига заарли газларни чиқараётгани экологик муҳитни ўзгаришига олиб келди. Мисол сифатида Бухоро-Урал газ қувурининг барпо этилиши Бухоронинг йирик табиий газни қайта ишлаш саноати марказига айлантириди. Газ қувурларини тозалаш, техник-санитар ҳолатини назорат қилиш ишларига етарли эътибор берилмаслиги оқибатида 70-йиллардан бошлаб заҳарли газлар сизиб чиқиши кучайиб ҳавони заҳарлай бошлади². Натижада шаҳар атроф-муҳити трансчегаравий ифлосланиш босқичига ўтди.

Шу билан бирга 90-йиллар охирига келиб Бухорода 19 та автохўжалиқдан фақат 9 тасида заҳарли газни аниқловчи ускуналар борлиги, аммо уларда ҳам тутун ўлчагичлар бўлмаганлиги аниқланди³. Айтиш мумкинки, шаҳарда экологик муҳит борасидаги муаммолар бўлса-да ва шу билан бирга шаҳар марказида жойлашган саноат корхоналари ҳавони заҳарлайтгани таъкидлансада, муаммони бартараф этиш борасидаги ҳаракатлар барчаси қофозда қолди. Сабаби мавжуд саноат корхоналари марказ манфаати учун тинмай жонбозлик кўрсатаётганини ва табиий бойликлардан фойдаланиш ҳамда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қонунлари ўша давр сиёсий йўналиши талабларига мослаштирилган эди.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида экологик муаммоларни бартараф этишга қаратилган сиёsat олиб борилса-да, бу ишлар секинлик билан йўлга қўйилди. Дастлаб Табиатни муҳофаза қилиш вилоят комитети Бухоро вилоятида атроф-муҳит ифлосланиши мувозанатини сақлаш учун ўзининг бир қатор таклифларини ишлаб чиқади. Бу таклифлар экологик заарли корхоналарни шаҳар ташқарисига кўчириш, магистраль автомобил йўлини шаҳар ташқарисидан айланиб ўтишини йўлга қўйиш, чиқиндиларни ёқиб юбормасликни таъминлаш кабиларни ташкил қилди.

¹ “Do’stlik bayrog’i” // 1990 yil 15 mart. 4-bet.

² Rakhimova G. Consequences of economic problems at industrial enterprises in Bukhara region. // Look to the past. 2020, vol. 11, issue 3, P. 60–69

³ Юлдошева Б.М. Бухоро вилоятининг экологик муаммолари. Ўтмишга назар. Т., 2019. Б. 89.

Маълумки, саноат корхоналаридан атмосферага чиқадиган заҳарли моддаларнинг 50 фоизи углерод оксидларига, 16 фоизи углеводородларга, 17 фоизи олтингугурт диоксидларида, 10 фоизи азот оксидларида, 6,44 фоизига қаттиқ моддаларга ва бошқа заҳарли моддаларга тўғри келади. Истиқлол йилларидан кейин экологик муҳитга эътиборнинг оширилиши, атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш борасидаги автотранспорт воситалари чиқиндиларни камайтириш, экологик тоза ёқилғи, табиий газга ўтказиш ва саноат корхоналари манбаларига ўрнатилган газ, чанг тозалагич ускуналарини таъмирлаш ва янгиларини ўрнатиш ҳисобига юқори иш самарадорлигига эришилди.

Маълумотларга кўра, кейинги 20 йил давомида олиб борилган ислоҳотлар натижасида Бухоро шаҳрида атмосферанинг ифлосланиш даражаси (ИЗА) 6,9 дан 3,6 гача камайди, аммо чанг концентрациясининг чекланган даражаси 10–15 ПДК ни ташкил қиласиди. Худудда атмосфера ҳавосининг ифлосланиш даражаси табиий манбалар ҳисобига ифлосланиши ҳамон юқорилигича қолмоқда¹. Бухоро вилоят Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси ходимлари маълумотларига кўра, охирги йилларда атмосфера ҳавосига чиқарилаётган чиқиндилар миқдори 1992 йилда 300 минг тоннадан 2018 –йилга келиб, 118 минг тоннагача қисқарган². Атмосфера ҳавосига чиқарилаётган чиқиндилар миқдорини йилдан йилга камайиб бориши бир қатор корхоналарнинг ишлаб чиқариш маҳсулотларининг қисқаришида бўлса, асосий сабаби атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи корхоналарнинг, жумладан, пахта тозалаш заводлари, қурилиш ташкилотлари, асфальт, бетон заводлари, нефт-газ саноати корхоналари, автотранспорт корхоналарининг фаолияти назорат остига олинди. Корхоналарнинг фаолиятида атмосфера ҳавосига олтингугурт оксиди, углерод оксиди, азот оксидлари моддалари кўпроқ ташланади. Шунинг учун шаҳар ҳавосини тозалаш, яъни завод ишлаб чиқаришидан чиқадиган чанг-тўзонларни олдини олиш мақсадида Бухоро шаҳрида жойлашган бир қатор саноат корхоналари шаҳар ташқарисига кўчирилди. Жумладан, Бухоро пахта тозалаш заводи 2001 йилда шаҳардан ташқарига Галаосиёга, Ёғ-мой экстрация заводи Когонга кўчирилди³.

¹ Муртазоев М.И., Махмудов М.Ғ., Пардаев Ш.С. Бухоро вилоятида вужудга келган экологик муаммолар ва уларнинг ечимлари // “Минтақада вужудга келган экологик муаммоларни юмшатиш омиллари” мавзусидаги республика илмий-амалий анжуманнинг материаллари. 5 июнь 2019 йил. Бухоро, 2019. Б. 7.

² Ўша ерда.

³ “Бухоропахтасаноат: Бунёдкорлик ва тараққиёт” // Фидокор 2002 йил 8 апрел. Б. 3.

Бундан ташқари, Бухоро вилоятдаги асосий тадбирлардан бири автотранспорт воситаларининг атмосфера ҳавосига заарли моддалар чиқарилишини қисқартириш мақсадида ташкилотлар ва фуқаролар томонидан 2017 йил якунидаги 2239 та (шундан суюлтирилган нефт газига жиҳозлаш 101 дона, сиқилган табиий газга автоуловларни жиҳозлаш ишлари 1138 донага амалга оширилди) ҳар хил турдаги автоуловлар бензин, дизел ёқилғисидан сиқилган ва суюлтирилган табиий газ ёқилғиси ёнишига жиҳозланган бўлиб атмосфера ҳавосига 1890,4 тонна чиқинди газларнинг ташланиши олди олинди¹.

Экология ва атроф муҳитга эътибор, корхоналарнинг назорат қилиниш натижасида Бухоро худудида корхоналар томонидан 2019 йилда атмосфера ҳавосига 353,0 минг тонна ташламалар ташланган бўлса, 2020 йилда 79,1 минг тонна ташланган ва бу 2019 йилга нисбатан 5,5 минг тоннага камайган².

Бухоро вилоятида 15 дан ортиқ туз шўрҳок конлари мавжуд. Мутахассисларнинг маълумотларига кўра, уларнинг юзасидан атмосфера ҳавосига ҳар йили 14–20 минг тоннадан ортиқ туз чанги қўтарилимоқда³. Маълумки, Бухоро вилояти чўл-саҳро минтақасида жойлашган бўлиб, иқлими ўзгарувчан, қишининг совуғи, ёзининг жазирама иссиғи ва доимий эсиб турадиган шамол тўзонлари барча ўсимликларга, эко тизимга таъсир кўрсатиб келади. Қатор йиллар давомида Орол минтақасидаги экологик мувозанатнинг бузилиши оқибатида ҳавога қўтарилиган чанг ва туз зарралари Бухоро вилояти ва шаҳар аҳолиси саломатлигига катта зиён етказмоқда. Бухоро Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси томонидан ўтказилган тажриба ва таҳлилилар натижасида вилоятининг ҳар гектар майдонига 1 йилда 200–700 кг туз келиб тушиши аниқланган⁴. Ҳаттоки атмосфера ёғинлари таркиби ўрганилганда, ёғин таркибида минерал тузлар ва органик бирикмалар меъёр даражасидан бир неча баробар юқорилиги қайд қилинган. Гидрометрология марказининг берган

¹ Мұхаммадиева Д.Ж, Усмонов С.О, Ибодов Н. Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилишда амалга оширилаётгандолзарб вазифалар. // “Минтақада вужудга келган экологик муаммоларни юмшатиш омиллари” мавзусидаги республика илмий-амалий анжуманнинг материаллари. 5 июнь 2019 йил. Бухоро, 2019. Б. 36.

² Бухоро вилоят Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси ҳисоботи. 2020 й.

³ Муртазоев М.И., Махмудов М.Ғ, Пардаев Ш.С. Бухоро вилоятида вужудга келган экологик муаммолар ва уларнинг ечимлари // “Минтақада вужудга келган экологик муаммоларни юмшатиш омиллари” мавзусидаги республика илмий-амалий анжуманнинг материаллари. 5 июнь 2019 йил. Бухоро, 2019. Б. 7.

⁴ Бухоро Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси маълумотлари. 2019 й.

маълумотларига қараганда, 2018-йил баҳор фаслида чанг-тўзонлар таркибида қум-тузлар миқдори меъёр даражасидан 17 баровар, ёз ойларида 13–19 бараварга ошган, баҳорда ёққан ёғинлар таркибида минерал тузларнинг миқдори меъёрдан 3–5 баравар кўп бўлган¹.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, бугунги кунда экологик муаммоларни бартараф этиш мақсадида олиб борилаётган сиёсат ўз ижобий натижасини бермоқда. Бухородаги экологик муаммоларни ҳал қилиш юзасидан амалга оширилаётган тадбирлар истиқлол йилларида атмосфера ҳавосига чиқарилаётган заҳарли моддаларни камайганлиги, шаҳар аҳолисининг тўлиқ ичимлик суви билан таъминланганлиги, оқава сув тўдалаш иншоотларининг реконструкция қилингани ва сувнинг турли тузлардан тозалашишлари олиб борилаётганини кузатишимиз мумкин. Лекин барқарор шаҳар муҳитини шакллантириш жараёнида ҳар бир фуқаро масъул бўлиши, глобаллашув жараёнида саноат ва техника жадаллик билан ривожланаётган бир даврда инсон ва табиат муносабатларини тартибга солиш катта аҳамиятга эгадир. Ҳар бир фуқарони экологик–хуқуқий маданиятини ва тафаккурини оширган сари экологик муаммоларга бўлган муносабат ҳам ўзгариб бориши аниқдир.

Ўзбекистонда маданий ҳаётни советлаштиришнинг амалга оширилиши: моҳияти ва йўналишлари

Юлдуз Эргашева

*Қарши мухандислик-иқтисодиёт институти кафедра мудири,
тарих фанлари номзоди, профессор.*

1917 йилги Октябр тўнтаришидан сўнг большевиклар ҳокимият тепасига келиб империянинг собиқ мустамлакаси бўлган Туркистонда ҳам қуролли қуч ишлатиб ўз хукмонлигини ўрнатди. Бу борада большевиклар партияси Туркистон Мухториятини 1918 йил феврал ойида йўқ қилди. Шундан кейин бутун Туркистонда бошланган истиқлолчилик ҳаракати ҳам кейинчалик бостирилди. Қизил империя хукмонлиги ўрнатилгандан сўнг маҳаллий ватанпарвар зиёлиларга қарши сиёсий ва маъмурий босим ўтказиш, янги ҳокимият томонига уларни жалб қилиш мақсадида ижтимоий имтиёзларни қўллаш амалиёти авж олдирилди.

Зўравонлик билан ўрнатилган совет ҳокимиятининг ижтимо-

¹ Юлдошева Б.М. Пахта монополиясининг Бухоро шаҳар атроф-муҳитига таъсири (XX аср давомида). Таълим ва инновацион тадқиқотлар. 2022 й. № 5. Б. 50.

ий-сиёсий табиати ҳақида Файзулла Хўжаев Ўзбекистон ССРнинг ташкил этилиши муносабати билан республика инқилобий қўмитасининг 1925 йилдаги мажлисида юқоридаги ҳолатни шундай баҳолаган эди: “Бизда уюшган пролетариат шаҳарларда мавжуд эмас. Октябрь бизда фақат европалик пролетариатнинг кучлари билан ўтди ва маҳаллий аҳолининг фақат бир қисмигина бунда иштирок этди”¹.

Маълумки, Ўрта Осиё республикаларининг моддий бойиклари, маданий салоҳиятини Марказ янгича мустамлакачилик сиёсатига бўйсундиришга интилган. Бунинг учун, энг аввало маҳаллий аҳолининг маънавий меросини, миллий қадриятларини барбод қилиш зарур эди. Ўз вақтида ҳудди шундай вазифани Россия империяси ҳам илгари сурган эди, бироқ уни амалга ошириш услублари кейинроқ советлар қўллаган сиёсатидан анча фарқ қилган.

Бу ҳақда “Тарих шоҳидлиги ва сабоқлари” номли асарда шундай дейилган: “Тарихдан шу нарса маълумки, мустамлакачилар энг аввало босиб олинган халқ, миллатни маънавий қашшоқликка дучор этиш йўлидан боргандар. Бундай йўл истилочиларнинг тарих синовидан ўтган, синалган, айни пайтда уларнинг машъум сиёсатларини яшириб турувчи йўлдир”².

Дарҳақиқат, Россия империяси ҳукмронлиги давридаги мустамлакачилик “маҳаллий аҳоли орасидаги барча ҳаракатлар, чоратадбирлар рус манфаатлари йуналишида бўлиши керак, яъни аҳолининг иқтисодий томони, фуқаролиги ва бирдамлиги ривожланишини таъминлаши, унинг рус давлатчилик ҳаётига қўшиб олиш мажбурияти билан ифодаланган. Лекин бу борада маҳаллий миллатларнинг диний эътиқодларига мактаб томонидан ҳеч қандай бевосита босим ўтказилмаслиги керак”³ деган ақидага риоя қилган. Таълим ва маданият соҳаларидағи сиёсат ҳам, Россиянинг маориф министри Д.А.Толстой таъкидлаганидек, маҳаллий миллатларнинг “русланишига ва рус халқига қўшилишига қаратилмоғи лозим” эди⁴.

Империя ҳукумати томонидан ҳам туб халқларга нисбатан зўравонлик, қўполлик кўп қўлланилган, бироқ совет ҳокимияти сиёсатига биноан 1917 йилнинг охиридан маҳаллий аҳоли вакилларини

¹ ЎзМА, И-87-фонд, 1-рўйхат, 41-йиғмажилд, 7-варақ.

² Тарих шоҳидлиги ва сабоқлари: чоризм ва совет мустамлакачилиги даврида Ўзбекистон миллий бойикларининг ўзлаштирилиши. Т: Шарқ, 2001. Б. 325.

³ ЎзМА, И-1-фонд, 1-рўйхат, 1-йиғмажилд, 6-варақ.

⁴ ЎзМА, И-47-фонд, 1-рўйхат, 382-йиғмажилд,

бошқарув тизимиға қўймасликка, эски ва усули жадид мактаблари ни ёпишга, миллий зиёлиларни “исломпарааст”, “туркпараст”, “миллатчилик” ғояларига берилиб кетган, деб ҳисоблаб, уларни синфий табақалаштириш, ўзининг томонига жалб қилиш амалиётини бошлаб юборган эди. Бу борада биринчи навбатда дин уламоларининг мавқеини заифлаштиришга, уларнинг аҳолига, жамиятга бўлган таъсирини йўқ қилишга қаратилган чора-тадбирлар ўтказилиши бошланди. 1918 йилдаёқ “Мактабни черковдан ва черковни давлатдан ажратиш тўғрисида” ги Декретнинг қабул қилиниши, вақферлари ва бошқа мулкларни мусодара этиш, босмахоналар, миллий маданий-маърифий ташкилотлар мулкини давлат мулкига айлантириш авж олди. “Ҳуррият”, “Улуғ Туркистон” газеталари бироз вақт советлар нашр органлари сифатида фаолият қўрсатгач, ёпиб қўйилди.

В.И. Ленин ва И.В.Сталиннинг 1917 йил 20 ноябрдаги “Россия ва Шарқ мусулмон меҳнаткашларига”¹ мурожаатидаги барча ваъдлари мусулмон халқларни алдаш, чалғитиш учун берилган эди. XX асрнинг 20-йилларида большевиклар партиясининг ўлка маҳаллий аҳолисининг маданий ҳаётини ўзгартиришга қаратилган сиёсати бундан ҳам ёмонроқ режалар асосида қурилганини қўрсатди.

Янги ҳокимиятнинг Марказий раҳбарияти шарқий минтақалар орасида ҳозирги Ўзбекистон худуди иқтисодий ва маданий жиҳатдан энг ривожланган ўлка эканлигини яхши билган ҳолда, айни унинг худудида ҳарбий кучларнинг аксариятини сақлаб қолишга, жойлаштиришга ҳаракат қилди ҳамда большевиклар партияси РСФСР ХҚСнинг аввал фавқулодда комиссиясини, кейин эса, Турккомиссияни Тошкентга юборди. Шундай қилиб, совет ҳокимиятини мустаҳкамлаш учун қаратилган барча чора-тадбирлар Туркистондан бошланди. Чунки маҳаллий аҳолининг маънавий қатъиятини намоён этадиган миллий зиёлиларнинг аксарияти шу ўлкадан эканлиги сабабли, ҳар қандай зўравонлик, буйруқбозлик ва маъмурий услублар билан ўтқазиладиган кампаниялар аввало, шу ердан бошланиши советлар учун айни муддао эди. Бундай кампанияларни ўтказишга маҳаллий аҳоли орасидан айrim ишчи-дехқонлар билан бирга зиёлиларнинг бир қисми ҳам жалб этилган.

Большевиклар раҳбарияти совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида Туркистон ҳукуматига туб миллатли зиёлиларни киритма-

¹ Декреты Советской власти. Т.1. М., 1957. С. 114.

ганининг сабаблари қаторида буюк давлатчилик, шовинистик руҳнинг кучлилигини ва маҳаллий аҳолига ишончсизлигини кўрсатиш мумкин.

Буюк давлатчилик шовинизми нафақат Ўзбекистон, умуман барча итифоқдош республикалар халқларига Марказнинг бундай ишончсизлиги тоталитар тузум парчаланиб кетгунга қадар сақланиб қолган.

ХХ асрнинг 20-йилларида эса ўлкани янги ҳокимиятга бўйсундириш учун қуролли кучларни ишлатиш, зиёлиларни, мусулмон руҳонийларни қувғин, қатағон қилиш етарли бўлмаслигини ва олдинги мустамлакачилик бошқарувнинг тажрибасини ҳисобга олган ҳолда, большевиклар партияси раҳбарияти биринчи навбатда Ўзбекистонда шовинистик мафкурани жорий этиш мақсадида қулай замин тайёрлашга астойдил киришди. Бу борада туб миллатли халқларнинг миллий ўзлигини, миллий қадриятларга содиқлигини, миллий анъ-аналарга риоя қилишини тақозо этувчи, белгиловчи омилларни заифлаштиришга ҳаракат қилиниши аён эди. Шундай омиллар орасида бирламчиси ва энг муҳими маҳаллий аҳолининг маънавий мероси ҳисобланади. Тарихдан маълумки, миллатнинг фазилатлари тарихан шаклланиб, такомиллашиб авлоддан авлодга ўтиб келган. Бу объектив қонуният бўлгани билан ўлкадаги ва унинг атрофидаги сиёсий, ижтимоий-иқтисодий вазият халқларнинг, айниқса, турли ҳаётий синовларни ҳали бошидан кечирмаган ёш авлодларнинг маънавий мавқеига ижобий ёки салбий таъсири ҳам оқибатсиз бўлмаган. Бу маънода, масалан, Россия империяси давридаги мустамлакачилик сиёсати, ҳусусан, маориф соҳасидаги руслаштириш, ўқувчиларни оиласидаги тарбиядан, диний эътиқодлари, миллий туйғуларидан узоқлаштириш, рус маданиятини маҳаллий аҳоли орасида тарғиб қилиш, жорий этишга миллий зиёлиларнинг айрим вакилларини жалб қилиш ва ҳоказолар албатта мазкур қонуниятни сезиларли бўшаштиришга олиб келган.

Сиёсий тизимда ягона бўлиб қолган большевиклар партиясининг Марказий органлари Ўзбекистон ва унга қўшни республикаларда қандайдир “маданий инқилоб”ни амалга ошириш тўғрисида гап ҳали бўлмаган вақтларда ўлка туб халқларининг маънавиятини, фақат дунёвий билимларни ўқитиш, янги, пролетар “маънавиятини” сингдириб, социалистик мафкурани жорий этиш йўли билан йўққа чиқармоқчи эдилар. Бу борада илгариги мустамлакачилар каби большевиклар раҳбарияти, энг аввало, миллий маориф тизимини янги мафкуранинг

тамойиллариға мослаштириш учун ислоҳ қилишга киришди. Ислом дини ва миллий қадриятлар, анъаналарнинг ёш авлод тарбиясига таъсирини бартараф этиш ва руслаштириш сиёсатига кенгроқ йўл очиш мақсадида эски диний мактабларни ҳамда илфор зиёлилар саъй-ҳаракати билан барпо этилган усули-жадид мактабларини ёпиб, рус-тузем мактабларини сақлаш, ташкил қилинаётган совет мактабларини кўпайтириш амалиёти авж олдирилди. Бу жараён эски анъанавий ва такомиллашган мадрасаларни ҳам қамраб олган эди.

Россия империяси давридагидек, совет ҳокимияти ўрнатилиб, мустаҳкамланаётган биринчи йилларда Марказнинг ҳукмрон доиралари тўғри фаҳмлаган эдиларки, Туркистоннинг энг ривожланган қисми – бу асосан ўзбеклар яшайдиган Марказий қисми, ўлканинг бошқа минтақалариға қараганда бу ерда миллий ўқув юртлар анча кўпроқ эканлигини ҳамда энг йирик мадрасалар шу юртнинг шаҳарларида жойлашгани ҳам маълум эди. Дастлабки янги усул (жадид) мактаблари айни Ўзбекистон худудида ташкил этилган ва бир қанча мадрасалар диний фанлардан ташқари дунёвий фанларни ҳам ўқитишар эди. Бу хусусиятларни қайд этишдан мақсад шуки, жадид мактаблари ҳамда такомиллашган мадрасаларда ўлканинг илфор фикрли, ватанпарвар, миллатпарвар зиёлиларининг ақсарияти ўқитувчилик, мударрислик қилганини ҳам янги ҳокимият раҳбарияти ҳисобга олган.

Маълумки, ўзбекларнинг маънавий, умуминсоний, миллий фазилатларининг шаклланиши, асосан оиласда, ўқув даргоҳларида кечган ва бу жараёнга маҳалла, қишлоқ жамоаси ҳам ўз таъсирини ўтказган. Шунинг учун ҳукмрон партия ва совет ҳокимияти миллий зиёлиларга қаратилган сиёсати билан бирга анъанавий мактабларни ҳамда деярли барча мадрасаларни йўқ қилишга катта аҳамият беришган.

Маҳаллий халқларнинг маънавий қатъиятлилигини бўшаштириш, уларнинг миллий ғурурини имкон қадар, бутунлай йўқ қилиш учун биринчи навбатда миллий зиёлилар орасида жиддий сиёсий ва ижтимоий зиддиятларни яратиш, ёшлар онгига большевистик ғояларни сингдириш керак эди. Шу мақсадда XX-асрнинг 20-йиллар бошларида ўтказилган ер-сув ислоҳоти борасида қишлоқ хўжалик ерлари, вақф мулкларини мусодара қилиш, қулоқлаштириш сиёсати, миллий матбуотни ёпиш, миллий жамоа ва сиёсий ташкилотлар фаолиятини ғайриқонуний деб эълон қилиш йўллари билан бирга кўпгина зиёлиларга исломпараст, туркпараст, миллатчи ва шу каби

тамғаларни ёпиштириш амалиёти ҳам қўпол тарзда қўлланилди¹.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, Ўзбекистон миллий зиёлиларига большевиклар партияси ва совет ҳокимиятининг ишончсизлик муносабати узоқ вақт намоён бўлиб турди. Буни гарчанд “босмачилик” деб номланган истиқолчилик ҳаракати расман 1922 йилда бостирилган, деб эълон қилинган бўлса-да, Ўзбекистон коммунистлар партиясининг 1925–1926 йй. бўлиб ўтган съезд, пленумларида “босмачилик” ҳаракати ёхуд унинг “қолдиқлари”га қарши кураш зарурлиги уқтирилган ва бу вазифани бажаришда миллий зиёлилар (ўқитувчилар, партия, совет ҳодимлари, ижодкорлар) фаол қатнашишлари кераклиги алоҳида таъкидланган².

Бу мавзу, яъни Туркистоннинг зиёлиларига нисбатан ва умуман маданияти соҳасида совет ҳокимияти олиб борган сиёсати мустақиллик йилларида тадқиқотчилар томонидан кенг миқёсда ёритилмоқда. Жумладан, “...1922 йилнинг охирида у (истиқолчилик ҳаракати – Ф.Т.) ҳам қизил армия ёрдамида ваҳшиёна бостирилди. Шундан кейин большевистик ҳукумат Туркистонда маданият соҳасида ҳам ғайримиллий сиёсат ўtkаза бошлади. Бу даврда сиёсатга зид бўлган рус тилидаги нашрлар ва миллий, ватанпарварлик руҳидаги барча ўзбекча адабиётлар, миллий сиёсий ташкилотлар, ижтимоий ҳаракатларнинг фаолияти зўрлик билан таъқиқланди. ...Ўша даврдаёқ маҳаллий миллатларнинг сиёсий ва фуқаровий жиҳатдан фаол вакилларини жисмоний маҳв этиш, сургун қилиш, қамоқقا тикиш, Ватандан чиқариб юбориш кенг қулоч ёзди”³.

Дарҳақиқат, миллий зиёлиларни сиёсий синовлардан ўтказиш ўюли билан янги ҳокимиятга хайриҳоҳларни ёхуд қарши мавқега эга бўлмаганларни маъмурий, ижтимоий рағбатлантириш, ижодини, фаолиятини большевистик, синфий мағкурунинг талабларига бўйсундириш ва қўллаб-қувватлаш амалиёти XX-асрнинг 20-йилларининг бошларидаёқ шаклланди. Шундай зиёлилар орқали ҳам маҳаллий аҳолининг маънавий қатъиятини заифлаштириш, ўзгартириш мумкинлигига ҳукмрон доиралар жиддий ишонган эди.

Албатта, бу қатъият фақат оиласдаги, мактабдаги тарбия билан боғлиқ бўлмаганлигини билган ҳолда Марказ ва Туркистонда жорий

¹ ЎзМА, Р-25-фонд, 1-рўйхат, 9-ийғмажилд, 39-вараг.

² Қаранг: Коммунистическая партия Узбекистана в резолюциях и решениях съездов и пленумов ЦК. Т. 1. 1925–1937. Т.: Ўзбекистон, 1987. С. 10–273.

³ Тарих шоҳидлиги ва сабоқлари: чоризм ва совет мустамлакачилиги даврида Ўзбекистон миллий бойликларининг ўзлаштирилиши, Б. 413–414.

этилган бошқарув идоралари маҳаллий ҳалқларнинг ижтимоий онгини, миллий ўзлигини белгиловчи омилларни йўқ қилишга интилишди. Бу борада, энг аввало, Ўрта Осиёда миллий-худудий чегараланиш натижасида туб миллатларни янги барпо этилган республикалар бўйича бўлиб ташланди.

Шу йўл билан тарихан бир- бири билан боғлиқ ҳалқларни маънавий бўлиб ташлаб, уларни ўзаро иқтисодий қарам қилиб қўйди. Минтақада энг кўп сонни ташкил этган ўзбеклар бошқа миллатларга нисбатан кўпроқ парчаланиб кетганини алоҳида эътироф этиш зарур. Шу ўринда кейинги 15йил ичидаги Тожикистоннинг айрим тарихчи олимлари (Р.Масов, Н.Нематов) миллий-худудий чегараланиш сиёсати масалаларини бузиб, сохталаштириб таърифлаганини қайд этишимиз зарур. Ваҳоланки, даставвал Тожикистон автоном области сифатида эмас, балки автоном республикаси мақомида барпо этилган ҳамда Ўзбекистон ССР таркибига киритилган. 1929 йилда эса Тожикистон ССРга айлантирилганда Хўжанд округи аҳолиси унинг таркибиغا кириш борасида ўз норозиликларини билдиришган. Ф.Хўжаев, А.Раҳимбоевлар Хўжанд округи аҳолиси ва раҳбариятини Тожикистон таркибига киришга кўндирилган. Қирғиз (Қозоқ) автоном республикалари таркибига Қорақалпоқ автоном области киритилган.

Ўрта Осиёнинг туб аҳолиси орасида айни ўзбек миллати энг кўп сонли ва иқтисодий, ижтимоий, сиёсий жиҳатдан ривожланиш дарражаси нисбатан юқори бўлгани сабабли уни кўпроқ назорат қилиш, сиёсий дунёқарашини, совет ҳокимияти, большевиклар партияси ғояларига ишончсизлигини енгибгина қолмасдан, мойиллигини таъминлаш ҳамда ўзбек ҳалқи мисолида бошқа туб ҳалқларни ҳам социализмни қуришга жалб этиш учун Марказнинг турли бошқарув ва назорат органлари (СредАЗЭКОСО, РКП(б)МКнинг Средазбюроси ва х.к.)ни Ўзбекистон пойтахтида жойлаштирилди. Кейинчалик мазкур назорат ва бошқарув органлари тугатилган бўлса-да, Марказнинг республикалар ҳаётини белгилашдаги ҳал қилувчи роли сақланиб қолди ва янада кучайтирилди. Агар 1918 - 1928 йилларда совет ҳокимияти ўзининг хукмронлигини ўрнатиш, мустаҳкамлаш борасида Россия империяси мустамлакачилигидан мерос бўлиб қолган ҳарбий ва бошқарув салоҳиятидан фойдаланиб, Туркистон Мухториятини, истиқлолчилик ҳаракати, миллий зиёлиларнинг сиёсий ва мафкуравий норозилигини бостириб, ўз томонига зиёлиларнинг бир қисмини жалб этиб, хусусий мулкчилик, вакф, эски ва янги услугуб мактаблар-

ни, мадрасаларни ёпиб, адабиёт, маданий ҳаёт, миллий анъаналарга путур етказиб, араб алифбосини “соддалаштириш”га, “пролеткуль”, “жанговар худосизлар” жамиятларини ташкил этишга эришган бўлса, 1929–1940 йилларда туб аҳолининг сиёсий онгига, ижтимоий аҳволиға янада кучлироқ таъсир этувчи маъмурӣ-буйруқбозлиқ, жисмоний зўравонлик йўллари билан тадбирларни амалга оширди.

Мазкур тадбирлар маълум маънода ижтимоий, иқтисодий, маданий соҳалардаги ижобий ўзгаришларга сабаб бўлиш билан бирга, ўлка маънавий ҳаётига салбий таъсир ўтқазди. Шунинг учун ҳалқларнинг миллий, ижтимоий, маънавий манфаатларини ифода этувчи ва ҳимоя қилувчи бир қатор маҳаллий маърифатпарварлар зиёлилар бир неча йиллар мобайнида совет ҳукумати олиб бораётган сиёсатнинг жиддий нуқсонларини танқид қилишган ва уларни бартараф этишга даъват қилишган¹. Бироқ маълумки, миллатпарварлар ва минглаб зиёлилар тақдири аянчли якунланди. Совет ҳокимиюти тоталитар бошқарувни жорий этишга муваффақ бўлди.

ХХ асрнинг 20–30 - йилларида миллий зиёлиларнинг жуда кўп қисми, жумладан Муинжон Аминов, Абдулла Авлоний, Мукамил Бурхонов унинг укаси Мисбоҳ Бурхонов, Аҳмаджон Абусаидов, Абдулла Қодирий, Мунаввар Қори Абдурашидхонов, Пўлат Солиев, Абдуҳамид Чўлпон, Абдурауф Фитрат, Файзулла Хўжаев, Акмал Икромов кабилар қатағон қилинди². Шу ўринда алоҳида қайд этиш лозимки, қатағон қурбонлари орасида совет ҳокимиютига хизмат қилганлар ҳам бўлган.

Тарихчи олимлар Д.Алимова ва Б.Ҳасановлар қайд этганлариdek, зиёлилардан “...кўплари, масалан, Фитрат, Ф.Хўжаев, М.Абдурашидхонов, А.Сулаймонов (Чўлпон), А.Қодирий (Жулқунбой), А.Авлоний ва бошқалар хорижга кетиш имкониятига эга бўлганлари ҳолда, ўз ватанларида қолишини ва ҳаётларини хавф остида қолдириб бўлса-да, ўз ҳалқининг миллий манфаатларига имкон қадар хизмат қилишни афзал кўришиди”.

Шу билан бирга миллий зиёлилар орасида большевиклар партиясига ва советлар ҳокимиютига хизмат қилиш тарафдорлари ҳам бор эди. Масалан, илгари “Чигатой гурунги” гурухида қатнашган ва

¹ Очерки истории Коммунистической партии Узбекистана. Т., 1964, С. 210–211.

² Қаранг: Маҳмудов М Қатағон қурбонлари. Т.: “Ўқитувчи”, 1991; Турдиев Ш. Улар Германияда ўқиган эдилар. – Т: “Фан”, 1991; Қиличов Ф. Зулматдан садолар. Т.: “Адолат”, 1993; Каримов Н. Усмон Носир. Т., 1993; Ўша муаллиф. Истиқлол уйғотган шоир. Т.: “Маънавият”, 2000; Ахророва Х. Изларини излайман. Т.: “Шарқ”, 1998; Шамсутдинов РТ. Ўзбекистонда советларнинг кулоқлаштириш сиёсати ва унинг фожеали оқибатлари. Т.: “Шарқ”, 2001; Ўша муаллиф. Истиқлол йўлида шаҳид кетганлар. Т.: “Шарқ”, 2001; Репрессия. 1937–1938 годы. Документы и материалы. Выпуск 1. Т.: Шарқ, 2005 ва бошқалар.

“Элхон” тахаллуси билан шеърлар чоп этган А.Икромов Ўзбекистон коммунистик (большевиклар) партиясининг раҳбарларидан бири бўлганидан сўнг маҳаллий аҳолини ёппасига қолоқ, бесавод, диний хурофотларга берилган; етук, кўзга кўринган зиёлиларни эса феодал ўтмишни қўмсаётган миллатчилар, исломпараматлар, деб таърифланган. Н.Тўрақулов Шарқ адабиёти таҳририятида (Москвада) бош муҳаррир ўринбосари лавозимида ишлаган вақтда араб алифбосини лотин алифбоси билан алмаштиришни таклиф этган. Бу таклиф эса Марказий хукмрон доираларининг мақсадига мос келган (балки улар бу таклифнинг ташаббускорлари бўлган), чунки Марказ “... исломга қарши бир услуб сифатида ва Россия, Кавказорти, Туркистон худудларида яшовчи мусулмон халқларни араб ёзувидаги бой маданий-маънавий меросидан ҳамда бутун мусулмон дунёсидан ажратиш мақсадида араб алифбосини кирилл ёки, ҳозир иложи бўлмаса, лотин алифбоси билан алмаштиришга интилган”¹.

Бундай мақсадга эришиш борасида амалга оширилган чора-тадбирлар (ўзбек ёзувини лотинлаштириш, кейин (1940 йилдан) кирилл алифбосига ўтказиш), 1938 йилдан бошлаб барча ўқув юртларида рус тилини мажбурий ўқитиш, Туркистон, Ўзбекистон тарихини алоҳида эмас, балки СССР тарихи дастури бўйича ўқитиш² (бу ҳол 1962 йилгача сақланди) ҳам ўлка халқларининг, биринчи навбатда ёш авлод тарбиясига таъсир қилмай қолмади. Шу муносабат билан қайд этиш лозимки, ер-сув ислоҳотлари, индустрялаштириш, қишлоқ хўжалигини жамоалаштириш, “Хужум” ҳаракати ҳам маҳаллий халқларнинг онгига, руҳий ҳолатига, маънавий мавқеига жиддий таъсир қилди, лекин миллийлик билан боғлиқ бўлган фазилатларни, туйғуларни бутунлай йўқ қила олмади.

Совет даврида илмий ва айниқса, ижтимоий-сиёсий адабиётларда, турли қурултойлар ҳужжатларида “маданий инқилоб” масалалари, унинг аҳамияти В.И. Ленин номи билан боғланиб, ниҳоятда муболагали тарзда таърифланган. Бу муаммога муносабат билдиришдан олдин қайд этиш лозимки, ўлка халқларининг маънавий қадриятларини, миллий ўзини англаш ва бошқа тарихан шаклланган хусусиятларини заифлаштириш ва иложи борича йўқ қилиш расман федератив, аслида эса унитар давлат ва яккапартиявий сиёсий тизим учун стратегик мақсад бўлган. Чунки бунга эришиш борасидагина халқларни, улар-

¹ Тарих шоҳидлиги ва сабоқлари ... Б. 415.

² ЎзМА, 94-фонд, 5-рўйхат, 1089-йиғмажилд, 16,19 варақлар.

нинг моддий, маданий бойликларини Марказнинг манфаатларига бўйсундириш мумкин бўлади, деб ҳисобланган. “Маданий инқилоб”-нинг назарияси ҳали пайдо бўлмасидан бир неча йил олдин совет ҳокимияти шу стратегик мақсадга етиш учун илгариги мустамлакачилик амалиётини бошқача услублар билан давом эттириб маҳаллий аҳолининг ҳаётини ўзича ўзгартиришга киришган эди.

Шундай ёндашув билан ишлаб чиқилган “маданий инқилоб” назарияси социалистик халқ таълими ва маорифи тизимини барпо қилиш; буржуа зиёлиларни қайта тарбиялаш ва янги, социалистик зиёлиларни шакллантириш; буржуа мағкурасининг таъсирини енгиш ва марксча-ленинча мағкурани ўрнатиш; социалистик маданиятни яратиш; аҳоли турмушини қайта қуриш каби масалалардан иборат бўлди¹.

Умуман олганда, ҳукмрон тузумнинг маъмурий-буйруқбозлиқ усулларига, буюк давлатчилик шовинизмига асосланган фаолияти XX асрнинг 20–30 йилларида Ўзбекистон халқининг юксак маданияти ва маънавиятини камситиш ва миллий манфаатларига зид бўлган амалиётни авж олдириш билан боғлиқ бўлди. Бироқ Ўзбекистон мустақилликка эришиши арафасида бошланган ва 1991 йилдан кейин анча кучайган миллий қадриятларни қайта тиклаш, миллий онгни шакллантириш ва миллий ўзликни англашга қаратилган жараёнлар шуни кўрсатмоқдаки, совет ҳокимияти маҳаллий аҳолининг маданий, маънавий ҳаётида ижобий ва салбий таъсир ўтказганлигига қарамай, энг муҳими, унинг маънавий қадриятлари асосини йўқ қила олмаган эди.

¹ Краткий политический словарь, З-изд. М., 1983. С. 162.

Izoh va qaydlar uchun

Izoh va qaydlar uchun

ДОНО ЗИЁЕВА НОМИДАГИ
“ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИННИГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ
(XIX АСР ИККИНЧИ ЯРМИ – XX АСР ОХИРИ)”

1-УМУММИЛЛИЙ ИЛМИЙ ЙИФИНИ ТҮПЛАМИ

Мухаррир: Муҳаммадали Мамадалиев
Бадиий муҳаррир: Муродилло Раҳмонов
Мусаҳҳих: Рухшона Ашуррова
Саҳифаловчи: Дониёр Муродов

Нашриёт лицензияси № 1385, 21.01.2021 й.
21.12.2022 йилда босишга руҳсат этилди.
Қоғоз бичими 70×100 $\frac{1}{16}$. “Cambria” гарнитураси.
Шартли босма табоги 26,25. Адади 100 нусха.
Буюртма рақами № Ф-22. Баҳоси шартнома асосида.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси
“Фан” нашриёти давлат корхонасида
нашрга тайёрланди ва чоп этилди.
100047, Тошкент ш., Яҳё Гуломов кўчаси, 70-уй.
Тел.с: +99899 7917555, +99871 2622154.
email: fan_ndk@mail.ru